


Аблат ХўЖАЕВ

ФАРГОНА  
ТАРИХИГА  
ОИД  
МАЪЛУМОТЛАР

大宛  
宛城







ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

*Аблат Хўжаев*

**ФАРГОНА  
ТАРИХИГА ОИД  
МАЪЛУМОТЛАР**

(Қадимий ва илк ўрта аср Хитой  
манбаларидан таржималар  
ва уларга шархлар)

«Фаргона» нашриёти,  
2013 йил

УЎК: 94(575.121)

КБК: 63.2(5Ў)

X98

Уоторез Фаргона

Масъул мұхтаррір:

Д.Ю. Юсупова,

тарих фанлари доктори

Такризчилар:

Р.Х.Сулайманов,

тарих фанлари доктори

А. Айтбаев,

тарих фанлари номзоди

Хўжаев, Аблат

**Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар / А.Хўжаев. – Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2013. – 288 б.**

Мазкур асарда милоддан аввалги II–милодий XII асрлар оралигига ёзилган сулолалар тарихи, айрим мавзуларга багишланган тарихий асарлар ва сафарномалар каби хитой манбаларидаги қадимий Фарғона тарихига оид асосий маълумотларнинг ўзбек тилидаги илмий таржимаси ва бир катор топоним хамда этнонимларга батафсил ёзилган шарҳлар келтирилган. Таржималар аслият асосида амалга оширилган. Шарҳларни ёзища муаллиф турли хитой луғатларидан, Хитой Халқ Республикаси (ХХР)да хитой ва уйғур тилларида нашр этилган тарихий асарлардан кенг фойдаланган.

Асар Ўзбекистон тарихининг манба асосини бойитища мухим илмий аҳамият караб этади. Китоб соҳа мутахассислари, олий ўкув юртлари ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 94(575.121)

КБК: 63.2(5Ў)

ISBN: 978-9943-349-94-0

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқмунослик институти Илмий кенгашининг 2011 йил 30 сентябрдаги 8-сонли мажлис қарорига кўра нашрга тавсия этилган.

© А.Хўжаев – 2013 й.

© «Фарғона» нашриёти – 2013 й.

2017/43	Alisher Navoiy
	навоий
3908	O'zbekiston MК

1045144  
3<sub>2</sub>

## КИРИШ

Қадимги Марказий Осиё халқларининг, жумладан ўзбекларнинг этногенези, уларнинг давлатчилик тарихи, атрофидаги халқлар ва давлатлар билан муносабатлари, бу муносабатларга таъсир кўрсатган ташки омиллар, маданий ва халқаро савдо алоқаларда тутган ўрни каби масалалар ҳали тўла ёритилмаган масалалардан ҳисобланади. Булар каби ечимини топмаган муаммоларнинг ва аниқлик киритилишига муҳтоҷ мавзуларнинг долзарблиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди, зеро ҳар бир халқ тарихининг мукаммал ва тўлиқ бўлиши нафакат фан учун, балки баркамол ёш авлодни муносиб тарбиялашда, уларнинг онгига миллий ғояни, ватанпарварлик рухини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қадимги замон тарихимиздаги бўш саҳифаларни тўлдиришда дунё тарихидаги турли халқ ва миллатларнинг тилларида битилган ёзма манбаларни, йирик тарихчи олимларнинг улар устида олиб борган тадқиқотларини, хусусан Марказий Осиё тарихига бевосита боғлик бўлган Хитой халқининг қадимги ёзма манбаларини чукур ва атрофлича ўрганиш, улардаги маълумотларни илмий муомалага киритиш бу максад сари кўйилган тўғри қадамларнинг биридир.

Қадимги замон тарихимизга оид маҳаллий ёзма манбаларнинг йўклиги хитой тилида сакланиб қолган маълумотларни ўрганиш масаласини янада долзарблаштиради. Аммо таъкидлаш жоизки, қадимий хитой тили ва ёзуви замонавий хитой тили ва транскрипциясидан тубдан фарқ қиласди, чунончи, асрлар давомида юз берадиган техник революциялар, интеграция ва глобализация жараёнлари шароитида халқ ва миллатлар тилларининг байналминал сўз ва терминлар ҳисобидан бойиши унинг фонетик жиҳатларини ўзгариши ради, демакки, тилнинг морфологик структурасига ҳам таъсир қиласди. Ёзуви мураккаб иероглифлар тизимиға асосланган ва фақат ўзига хос хусусиятлари жуда кўп бўлган хитой тили учун бу ўзгаришлар янада сезиларлироқ кечган. Шунга кўра қадимги манбаларни тадқиқ этиш мураккаблашган ва бу манбаларидаги бизнинг тарихимизга алоқадор маълумотлар хануззгача тўла равиша илмий муомалага киритилмаган.

Яқинда чоп этилган катта ҳажмдаги қадимий хитой манба-

ларидаги кам ўрганилган ёки бутунлай ўрганилмаган маълумотларни топиб, уларни таржима қилиш, бу таржималарни зарур изохлар ва керакли шарҳлар билан таъминлаш асосида илмий муомалага киритиши тарихимизда сақланиб келаётган муаммоли масалаларга муайян даражада аниқлик киритиши шубҳасиздир. Қолаверса, ушбу маълумотларнинг таржималари ва кенгайтирилган шарҳлари хитой тилини билмаган тарихчилар, диссертация устида изланиш олиб бораётган ёш олимлар, тарих ўқитувчилари, тарих фанидан дарсликлар ёзиш билан машғул мутахаассислар учун манба сифатида хизмат киласи.

Қадимги хитой ёзма манбаларининг сақланиб қолиши маълум анъаналарга асосланган. Бинобарин, илк хитой жамоалари орасида табиатда кўзга кўринган нарсалар ва содир бўлган ҳодисаларнинг расмини чизишга интилган одамлар бўлган. Жамоат бундай одамлар қобилиятини илохий деб билган ва уларни «ши» (史) деб атаган. Милоддан аввалги XVI-XII асрларга келиб, Хитойда расмлар асосида чизилган иероглифлар шаклланган<sup>1</sup>. Шундан сўнг «ши» сўзи воқеаларни хотирлаб қолувчиларга берилган лавозим сифатида ишлатилган ва бу лавозимга эга бўлган кишилар катта обрўга сазовор бўлган. Бундай шахслар томонидан битилган ёзувларни асраш эса ҳар бир инсоннинг бурчи хисобланган. Уни бузган ёки унга зарар етказган киши гуноҳкор деб танилган. Шунинг учун ҳам янги ҳукмдорлар ҳокимиятта келганда, бу манбаларни йўқ қилмасдан, аксинча, уларни тўлдириш, янги воқеаларни ёзиб қолдириш ва асрашни ўзларининг шарафли вазифалари деб билган. Қадимги хитой манбаларининг сақланиб қолиши ушбу тушунча билан бевосита боғлиқдир. Қадим замонда нималарни ёзиш «ши»лар ихтиёрига боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик Хитой ҳукмдорлари ёза оладиганларни<sup>2</sup>, яъни саводли кишиларни саройда йигиб, улар фаолиятидан ўз мақсадлари йўлида фойдалангандар. Шундан сўнг сарой тарихчилари мактабини яратиш ва ривожлантириш ишлари фаоллашган.

Милоддан аввалги 2205-1766, 1766-1122 йилларда Хуантхэ

<sup>1</sup> Шанг Юэ. Чжунгтуо лиши гангъяо (Хитой тарихининг қисқача баёни). Пекин, 1954. 5-б.

<sup>2</sup> Мурзаев Э.М. География в названиях. Москва, 1982. С. 128.

(Корамурон)<sup>3</sup> дарёсининг куйи оқими жанубида мавжуд бўлган Шя (夏) ва Шанг (商) номли ҳокимликларда «ши» амалдорлик лавозимига айлантирилган ва уларга содир бўлаётган воқеаларни тош, суяқ, хитой қамишларига ёзиш буюрилган. «Ши»лар томонидан битилган ёзувларга Тангри амри билан амалга оширилган муқаддас хотира деб қаралиб, уларни авлоддан авлодга қолдириш, ўрганиш ва улардан сабоқ олиш ҳар бир олий зотнинг, айниқса, ҳукмдорларнинг бурчи хисобланган. Хотираларни мерос қолдирган биринчи амалдорлардан Са Же (Ца Цзе) ва Рюй Сунгларни тилга олиш мумкин<sup>4</sup>.

Милоддан аввалги биринчи мингийиллик давомида «ши»ларнинг, яъни ҳодиса ва воқеийликларни баён эттиришга мойил бўлган амалдорларнинг тобора кўпайиши, шунинг хисобидан ёзилган хотиралар сони ва ҳажмининг ошиб бориши ҳамда улар сифатининг яхшиланиши кузатилган. Милоддан аввалги VII асрда «ши» деб номланган лавозим «чапкўл тарих битувчи» («зуoshi» 左史)<sup>5</sup> ва «ўнгкўл тарих битувчи» («юши» 右史)<sup>6</sup> каби икки даражали лавозимга бўлинган. Биринчи даражалилар ҳукмдорлар сўзларини, иккincinnisinи эгаллаганлар эса ҳаётда содир бўлаётган асосий воқеаларни битиб боришган.

Милоддан аввалги III асрда Хитой илк бор бирликка келтирилганидан сўнг, тарих ёзувчilar лавозимларининг турлари ва

<sup>3</sup> Хуангхэ (Huang-he 黄河) – сўзма-сўз таржима килганда, сарик дарё маъносини англатади. Унинг қадимги туркий номи «Қорамурон», яъни Буюк дарё демакдир. Чунки қадим замонларда дарё атрофида турили номлар билан атalgan туркий қавмлар яшаган. Қадимги ҳитойлар (ся, ия, хуашя – ҳозирги хан, ханзуларнинг аждодлари) эса ушбу дарё куйи оқимининг жаңубида истиқомат қилган [Хўжаев А. Буюк ишак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент – 2007. 17-21-б.]. Сарик сўзини билдирувчи хуанг (黄) иероглифи қадимда «марказ» маъносини ҳам ишлатилган [Циоан (Сўзларнинг келиб чишини). 4 жилдан иборат. Пекин, 1982. 4-жилд. 3566-б.; Ханий дазидян (Хитой тили ёзувининг катта лутати). 8 жилдан иборат. Чэнду, 1988. 7-жилд. 4596-б.]. «Марказ» сўзи эса буюклини билдирган. Шунга караганда, Хуангхэ «Корамурон»нинг таржимасига ўхшайди. Халқ орасидаги талкинларга кўра, дарёнинг номи унинг суви рангидан келиб чиинан. Дарё кизғишилар тупрокли дала ва тепаликлар орасидан ўтталиги туфайли унинг суви қадимдан лойка ва ранги кизғиши-сарик бўлбўн оккан. Айни замонда дарёнинг бир неча жойида тўғонлар қурилганлиги туфайли унинг оқими секинлашган ва сувнинг ранги ўзгарган, яъни бирор тиниклашган. Ҳозирги Хитой Халқ Республикаси (ХХР)даги икки катта дарёнинг биридир.

<sup>4</sup> Барча тарихий шахсларнинг исми, этник ва топонимик атамалар ҳозирги ўзбек тили ёзувида берилди, зеро уларнинг транскрипцияси аслиятга якирор. Рус тилида бир катор хитой фонемаларининг йўклиги сабабли рус алифоси билан атамаларни транскрипциялаш мураккаб кечади ва аслиятдан узоклашади.

<sup>5</sup> «Зуoshi» унвони «тайши» (太史) деб ҳам аталган бўлиб, у «биринчи даражали тарих битувчи» маъносини англатга.

<sup>6</sup> «Юши» унвони «иккincinnichi daражали тарих битувchi» маъносини англатган. У «нейши» (内史), яъни «ички тарих битувchi» деб ҳам номланган.

сони күпайган. Шунга кўра мавзулар доираси ҳам кенгайган. Хукмдорлар ихтиёри билан битилган бундай тарихий хотиралар ва баённомалар тобора уларнинг хуқукини ҳимоя қилувчи қуролга айланган ҳамда уларга тегишли мафкурани акс эттирувчи мазмунга эга бўлган. Хукмдорлар «Тангри ўғли» (Тянзи 天子) деб қайд этилиб, уларнинг фаолияти «қонуният» (дао 道), «ахлоқ ва одамийлик» (дэ 德), «ғамхўрлик ва ҳиммат кўрсатиш» (恩), «Тангри амри» (тянминг 天命) каби тушунчаларга асосланган ва Хитой билан ўзга мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни белгилашнинг муҳим омили бўлган. Чунончи, уларга кўра, Хитой хукмдорлари Тангрининг ер юзидаги ўғилларидир; улар Осмон тагидаги барча мамлакат ва ҳалкларга нисбатан эгадорлик хуқуқига эгадир; уларнинг қарорлари Тангрининг буйрукларидир; ўзга мамлакатларнинг Хитойга юборган совғалари Тангри ўғлонларига билдирган итоаткорлик белгисидир; бу совғалар эвазига Хитой хукмдорлари томонидан берилган нарсалар уларнинг ўзга давлат ва ҳалкларга нисбатан кўрсатган ҳиммати ва ғамхўрлигидан далолатдир.

Ушбу тушунчалар асосида Хитой императорларининг тажовузкорликлари осмон тагидаги заминни «бираштириш» («тунгий» 统一)га, уни «кидора килиш» («жингйинг» 经营)га қаратилган ва Тангри амри билан амалга оширилган ҳаракатлар деб таърифланган. Хитой хоқонларининг бундай амалиётларига нисбатан ўзгача қарашлар ва қилинган барча ҳаракатлар эса хоинлик, исёнкорлик сифатида баҳоланган. Шу сабаб хитой манбаларидан фойдаланганда, хитой мафкурасидаги бу хусусиятларга диққат кильмоқ, уларга танқидий ёндашмок лозим. Акс ҳолда уларда баён этилган кўп воқеаларнинг асл мазмуни ва моҳиятини тўғри тушуниб олиш қийин кечади. Шунинг билан бирга эътироф этиш жоизки, манбаларда келтирилган фактологик маълумотлар муҳим илмий аҳамиятта эга. Уларни инкор этиб бўлмайди.

Тарихдан маълумки, милоддан аввалги биринчи мингийликнинг биринчи ярми давомида Хитой майда хонликларга бўлиниб яшаган. Шу даврда бир қатор географик, тарихий ва фалсафий асарлар битилган. Улар орасида «Шан хай жинг» (山海经 – «Тоғлар ва денгизлар қомуси») ва «Эръя» (尔雅 – «Шархлар» ёки «Шархлар тўплами») каби икки асар алоҳида ўрин тутади.

Биринчи асарнинг муаллифи номаълум, лекин унинг битилган вақти ми. авв. 475-221 йилларга тўғри келади. Иккинчиси – мил. авв. XI асрдан мил. III асргача бўлган давр давомида Хитойда турли номаълум муаллифлар томонидан ёзилган шарҳлар тўплами. Мазмунан у З қисмдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси кўхна битиклар ва турли асарлар матнини, иккинчиси қадим замонда ишлатилган сўзларни ва учинчиси билимдонлар насиҳатларини шарҳлашга бағишиланган<sup>7</sup>.

Тарихий асарлар ичida «Шангшу» (尚書 – «Қадимий китоб» ёки «Қадимий тарих»)<sup>8</sup>, «Шяшу» (夏書 – «Шя китоби» ёки «Шя [сулоласи] тарихи»), «Зуочжуан» (左转 – «Зуо<sup>9</sup> баёни») каби манбалар ҳам эътиборга моликдир. Биринчи асар мил. авв. 475-221 йилларда ёзилган бўлиб, у илгари битилган бир қатор асарларнинг мажмуаси хисобланади. Унда келтирилган воқеалар баёни мил. авв. XVI-XI асрларда мавжуд бўлган Шанг ва мил. авв. 1066-771 йилларда хукмронлик килган Фарбий Чжоу («Ши-Чжоу» 西周) сулолалари ҳаётига тегишиладир.

Иккинчи асар аслида милоддан аввалги XXI-XVI асрлардаги ilk хитой ҳокимлиги тарихига бағишиланган. Кейин-чалик у сарой тарихчилари томонидан кўчирилиб, «Шангшу»нинг бир қисми сифатида сакланган. Ушбу икки асарнинг муаллифлари ва уларнинг сакланиб қолишига сабабчи бўлган қатор тарихчиларнинг исмлари номаълум. Шу боис манбаларда улар кўрсатилмайди.

Учинчи асар – «Зуочжуан»ни илгари ёзилган тарихий воқеалар баёнини умумлаштирган ҳолда Зуо Чюмин (мил. авв. VII асрнинг иккинчи – VI асрнинг биринчи ярмида яшаган) исмли тарихчи битган.

Ушбу умумлаштирилган асарларда қадимий Хитой ва унинг атрофида яшаган халклар ўртасидаги муносабатлар ниҳоятда қисқа баён этилган. Шунингдек, уларда хитойларнинг шимолий ва ғарб томонида бундан 3,5-4 минг йил муқаддам *тиек* (狄, зам. ўқ. ди) , *тиук* (зам. ўқ. ди 霽), *гуз*, *ху* (ху 胡), *ривем* (зам. ўқ. рунг 戎) деб номланган халқ яшаганлиги тилга олинади.

<sup>7</sup> Цихай (Сўзлар денизи). 6-чи нашр. Шангхай, 1985. 1114-б.

<sup>8</sup> Шу (書) иероглифи ёзиш, китоб, биронта воқеа ёки давр тарихини ёзиб, китоб шаклига келтириш каби маъноларни англатади. Кўп холларда у тарих маъносida ишлатилган.

<sup>9</sup> Зуо (左) – асар муаллифининг фамилияси бўлиб, унинг исми Чюонминг. Шунинг учунчи асар номи тўлалигича «Зуо Чюонмингнинг баёни» деб таржима килинади.

Кейинги даврда амалга оширган тадкиқотларимиз жараённанда тиек ва тиук этнонимлари түрк, ҳу – гуз, ҳун атамаларининг хитойча транскрипцияси, учинчиси – ривем (рунг) эса – хитойлар томонидан туркларга қўйилган ном эканлиги ва у «от минувчи жангчилар» ёки «от минувчилар» маъносини билдирганлиги аниқланди<sup>10</sup>. Тиек (тиук) бир тоифадаги қавмларнинг умумий номи бўлса, гуз ва ҳун уларнинг айрим қисмларига тегишли бўлган.

Хитой манбалари ўзбек тилига умуман таржима қилинмаган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, хитой манбаларидаги қадимги юртимизга, хусусан, Фаргона тарихига оид маълумотларнинг таржимасига кўл уришимизни катта ишга қўйилган биринчи қадам, деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбек тилига таржима учун олинган ушбу маълумотлар «24 тарих» («Эршиси ши»)<sup>11</sup> таркибига киритилган 5 хонлик давригача (907-979) бўлган сулолалар тарихлари, VIII-XII асрлар оралиғида алоҳида мавзуларга бўлинган ҳолда ёзилган тарихий асарлар ва Хитойдан Туркистонга келиб кетган сайёхлар эсадликларидан иборат.

Шу жойда «24 тарих» таркибига киритилган сулолалар тарихларининг номларини муаллифлари билан келтириб ўтиш ўринли, деб ўйлаймиз.

1. Сима Чян. Шижи (司马迁. 史記 / 史记 – Тарихий хотиралар); 2. Бан Гу. Ханшу (班固. 漢書 / 汉书 – Хан [сулоласи] тарихи); 3. Фан Е. Хоу Ханшу (范晔. 後漢書 / 后汉书 – Кейинги Хан [сулоласи] тарихи); 4. Чэн Шоу. Сангуо чжи (陈寿. 三国志 – Уч хонлик хотираси); 5. Фанг Шюанлинг. Жиншу (房玄齡. 晋書 – Жин [сулоласи] тарихи);
6. Чэн Юе. Сунгшу (沈约. 宋書 – Сунг [сулоласи] тарихи); 7.

<sup>10</sup> Ходжаев А. О самой ранней китайской транскрипции этнонима тюрк // «Актуальные проблемы китаеведения: Вопросы филологии, политики, экономики и философии» Ташкент, 2006. С. 12-17; Шу муаллифнинг. Древнейшая китайская иероглифическая транскрипция этнонима тюрк // Shygys Kazakhstan. № 1, 2008. С. 7-26; Шу муаллифнинг. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Ташкент, 2010. С. 19-31.

<sup>11</sup> «24 тарих» «Шижи» («Тарихий хотиралар») ва Аввалги Хан ёки Шаркий Хан (мил.авв. 206-23), Кейинги Хан ёки Шаркий Хан (мил.авв. 25-220); 3 хокимлик (321-263); Жин (265-316), Сунг (420-479), Жанубий Чи (479-502), Ляңг (502-557), Чэн (557-589), Шимолий Вэй (386-534), Шимолий Чи (534-550), Шимолий Чжоу (557-581), Суй (581-618), Жанубий сулолалар (420-589), Шимолий сулолалар (386-581), Танг (618-907), 5 хокимлик (907-979), Сунг (960-1127), Ляо (907-1125), Жин (1115-1234), Юан (1279-1368), Минг (1368-1644) каби сулолаларнинг тарихларидан ташкил топган.

Сюо Зисян. Нан-Чишу (萧子显. 南齐書 – Жанубий Чи [сулоласи] тарихи); 8. Яо Силян. Ляңгшу (姚思廉. 梁書 – Ляңг [сулоласи] тарихи); 9. Яо Сылян. Чэншу (姚思廉. 陈書 – Чэн [сулоласи] тарихи); 10. Вэй Шоу. Вэйшу. (魏收. 魏書 – Вэй [сулоласи] тарихи); 11. Ли Байяо. Бэй-Чишу (李白药. 北齐書 – Шимолий Чи [сулоласи] тарихи); 12. Линху Дэфэн. Чжоушу (令狐德棻. 周書 – Чжоу [сулоласи] тарихи); 13. Вэй Вэй, Ян Шигу. Суйшу (魏微, 颜师古. 隋書 – Суй [сулоласи] тарихи); 14. Ли Янишоу; Нанши (李延寿. 南史 – Жанубий [сулолалар] тарихи); 15. Ли Янишоу. Бэйши (李延寿. 北史 – Шимолий [сулолалар] тарихи); 16. Лю Шюн. Жю Тангшу (劉昫. 旧唐書 – Танг [сулоласи]нинг кўхна тарихи); 17. Оу Янгшио, Сунг Чи. Шин Тангшу (欧阳修, 宋祁. 新唐書 – Танг [сулоласи]нинг янги тарихи); 18. Сюе Жюйчжэнг. Жю Удайши (薛居正. 旧五代史 – 5 [сулола] даврининг кўхна тарихи); 19. Оу Ягшио. Шин Удайши» (新五代史 – 5 [сулола] даврининг янги тарихи); 20. Туотуо. Сунгши (脱脱. 宋史 – Сунг [сулоласи] тарихи); 21. Туотуо. Ляоши (脱脱. 辽史 – Ляо [сулоласи] тарихи); 22. Туотуо. Жинши (脱脱. 金史 – Жин [сулоласи] тарихи); 23. Сунг Лян. Юанши (宋濂. 元史 – Юан [сулоласи] тарихи); 24. Чжсанг Тинггой – «Мингши» (张廷玉. 明史 – Минг [сулоласи] тарихи).

Буларнинг ичиди 5 хокимлик ҳамда Танг ва Юан сулолаларининг тарихлари икки маротабадан ёзилган. Шунинг учун улар кўхна ва янги тарихларга бўлинган.

Маълумки, хитой манбаларининг рус тилидаги таржималари ҳам мавжуд. Масалан, Н.Я.Бичурин<sup>12</sup> ва Н.В.Кюнер<sup>13</sup> таржималари тарихчилар тадқиқотларида кўп қўлланадиган асарлардир. Бирок уларда топонимлар, этнонимлар ва тарихий шахсларнинг исмлари хитой иероглифларининг қадимти талафузида эмас, балки замонавий ўқилишида транскрипция килинган. Марказий Осиёга тегишли хитойча топонимлар ва этнонимларнинг маҳаллий номларини топишнинг иложи бўлмаган. Шу туфайли уларнинг таржималарига асосланган

<sup>12</sup> Бичурин Н.Я. (*Иакинф*). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х т. Москва, 1950. Т. 2. (Куйида: Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Московское изд.); Бичурин Н.Я. (*Иакинф*). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х т. Алматы, 1987. Т. 2. (Куйида: Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд.).

<sup>13</sup> Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. Москва, 1961 (Куйида: Кюнер Н.В. Китайские известия о народах... ).

тарихий ва илмий асарларда турли чалкашликлар ва ноаникликлар юзага келган. Масалан, хитой манбаларида келтирилган Фарғонага оид маълумотларда учрайдиган Даван (қадим. ўқ. Дай-юан), Ван (қадим. ўқ. Юан), Эрши (қадим. ўқ. Риейший), Юйчэнг (қадим. ўқ. Йивечэнг), Гуйшан (қадим. ўқ. Кивэйшан) топонимларининг этимологияси ва географик жойлаштирилиши, яъни локализацияси уларнинг замонавий ўкилишига асосланган; юэчжси (қадим. ўқ. рузие), ди (қадим. ўқ. тиек), дили (қадим. ўқ. тиеклиек), динглинг (қадим. ўқ. тиенглиенг) этонимлари ҳам шулар жумласидандир. Бундай ҳолатлар тарихий воқеаларнинг қайси жойга ва қайси этносга тегишли эканлигини аниқлашни қийинлаштириб кўйган. Бу хақда биз шу кунгача нашр этган тадқиқотларимизда батафсил фикрлар билдирганмиз<sup>14</sup>. Афсуски, тарихчиларимизнинг асарларида, жумладан, яқинда рус тилида нашр этилган «История государственности Узбекистана»<sup>15</sup> номли йирик асарда юкорида кўрсатилган топоним ва этонимларнинг Н.Я.Бичурин таржимасидаги транскрипциялари келтирилган.

Сўнгги 20 йил ичida Хитойда араб алифбосига асосланган уйғур тилида нашр этилган асарларда Марказий Осиё ҳалқлари тарихига алоқадор ва бизга номаълум ёки кам маълум маълумотлар келтирилади. Лекин тилга олинган топоним ва этонимларнинг келиб чиқиши ва локализация масалалари бу асарларда ҳам тўла ечимини топмаган. Улар тил муаммоси туфайли олимларимиз эътиборидан четда қолмоқда. Таржима жараённада бундай маълумотларни ҳам илмий муомалага киритишга харакат килдик. Айниқса, шарҳларни ёзишда улардан кенг фойдаландик.

Мазкур таржима ва шарҳлар устида иш олиб борар эканмиз, имкониятимиз доирасида хорижда нашр этилган таржималардан ва адабиётлардан ҳам фойдаландик. Эътироф этиш керакки, қатор чет тиллардаги таржималарни қиёсий таҳлил

<sup>14</sup> Ҳоджаев А. Қадимий хитой манбаларидаги туркий ҳалқларга оид айрим этонимлар // «Ўзбекистон тарихи» № 1, 2003. 3-11-б.; Шу муаллифинг. Сведения китайских источников о «юэчжи» // Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарихъ мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. Тошкент, 2004. 13-16-б.; Шу муаллифинг. О самых ранних транскрипциях этонимов тюрк в китайских источниках // Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар. Часть 1. Ташикент, 2005. С. 102-105; Шу муаллифинг. Из истории древних тюрков (сведения древних китайских источников). Ташикент, 2010; Шу асар. Алматы, 2009.

<sup>15</sup> История государственности Узбекистана. Т. 1, Ташкент, 2009.

қилиш, уларни мусулмон манбаларидағи тегишли маълумотлар билан таққослаб чиқиши мураккаб масала, улар ёш олимлар амалга ошириши мумкин бўлган алоҳида тадқиқот йўналиши бўлиши мумкин. Ишончимиз комилки, ёш ва истеъоддли олимларимиз орасида бу мавзу устида тадқиқот олиб бориш истагида бўлганлар оз эмас.

Тақдим этилаётган таржималаримизда Марказий Осиёга тегишли топоним, этонимлар ва тарихий шахсларнинг исмини транскрипциялашда улар ифодаланган иероглифларнинг қадимиғи ўқилишига асосландик, уларнинг замонавий ўқилишини эса қавс ичидаги кўрсатдик. Иероглифларнинг қадимиги ўқилишини аниклашда хитой олимлари нашр этган «Ханзи гуйинг шоуцэ» («Хитой иероглифларининг қадимий талаффузи кўлланмаси»)<sup>16</sup> ва «Ханий дазидян» («Хитой тили ёзувининг катта лугати»)<sup>17</sup> номли лугатларга асосландик, транскрипциялар кирилл алифбосидаги ўзбек ёзувидаги берилди. Бинобарин, хитой тилидаги товушларнинг аксарият қисмини рус транскрипциясидан кўра ўзбек ёзувидаги «пг» товуши ўзбек тилида «ңг» товушини ифодалашни мумкин. Рус ёзувидаги «кун» товуши тўғри талаффузга мос келтириб ёзишнинг иложи йўқ. Шу боис «guang» деб ўқиладиган 30 дан зиёд иероглифлар русчада «гуан» («guan») деб талаффуз этилади, 20 дан ортик «guan» иероглифлари эса «гуань» деб транскрипция килинади. «Rong» иероглифини ўзбекчада «рунг» деб аниқ транскрипция килиш мумкин, русчада «пг» товуши бўлмаганилиги туфайли у «кун» деб ёзилади. Хитой транскрипциясида «qian», «qiang» («қ» ҳарфи «ч» деб ўқилади) иероглифларининг талаффузларини ўзбекчада «чян», «чянг» шаклида ёзилади, аниқ ифодалашни мумкин. Лекин русчада улар «чянъ», «чян» шаклида транскрипция килинади. Шунингдек, рус тилида «ј» товуши бўлмаганилиги туфайли, уни «дж» ҳарфлари билан ифодалашга тўғри келган, ўзбек тилида эса уни «жэ» товуши билан аниқ талаффуз этиш мумкин. Рус тилидаги бу ҳоллар адабий хитой тилидаги талаффузнинг бироз бузилишига олиб келади.

<sup>16</sup> Ханзи гуйинг шоуцэ (Хитой иероглифларининг қадимий талаффузи кўлланмаси). Пекин, 1986.

<sup>17</sup> Ханий дазидян (Хитой тили ёзувининг катта лугати), 8 жилдан иборат. Чэнгду, 1986-1991.

Таржималаримизда кўлланган хитой иероглифларининг кирил алифбосига асосланган ўзбек ёзувидаги талаффузлари юзасидан яна бир таъкидлаб ўтишга молик бўлган товуш «шя» ҳисобланади. Катта хитой лугатларида шундай ўқила-диган иероглифлардан 80 таси мавжуд. Улар русча-хитойча лугатларда «ся» деб транскрипция қилинган. Хитой адабий тили нуқтаи назаридан олиб караганда, бу бироз бузилган талаффуз ҳисобланади. Хитой лугатларида мазкур иероглифлар лотин ёзувига асосланган транскрипцияда «хіа» шаклида ифодаланган. Бундаги «х» ҳарфи ўзбекча «ш»га тўғри келади. Шуни ҳисобга олиб, биз «хіа»ни «шя» шаклида ишлатишни лозим топдик. Чунки бу хитойча талаффузга аниқ мос келади.

Аммо келтирилган мисоллар билан биз хитой тилидаги барча иероглифларнинг ўқилишини амалдаги кирил алифбосига асосланган ўзбек ёзувида тўла ифода қилиш мумкин, демоқчи эмасмиз. Чунончи, ўзбек ёзувида «ы» товуши бўлмаганилиги туфайли «зы», «сы», «цы» «шы» ўқиладиган иероглифларни «зи», «си», «ци» «ши» шаклида ёзишга тўғри келади. Бу ҳолатда уларнинг талаффузи аниқ ифодаланмайди. Шу боис бундай ўқиладиган иероглифларни ўзбекча транскрипция қилишда рус тилидаги «ы»ни ишлатишга тўғри келди.

Кирил ёзувига асосланган ўзбек ёзувида «ў» ҳарфи бўлмаганилиги туфайли «shü», «үй», «յў» каби иероглифлар «шой», «ой», «жой» шаклида охирига «й» ҳарфини қўшиб транскрипция қилдик. Хитой тилига хос бўлган яна бир қатор товушлар мавжуд. Уларни ўзбек тили ёзувида ҳам, рус графикасида ҳам аниқ ифодалаб бўлмайди. Шу сабабли айрим ҳолларда топоним, этоним ва тарихий шахсларнинг номларини ёзиш учун ишлатилган иероглифларнинг талаффузи лотин ёзувига асосланган янги ўзбек ёзуви ва халкаро транскрипция белгилари билан кўрсатилди.

Асл матндан топонимлар, этонимлар ва тарихий шахсларнинг номлари иероглифларнинг қадимги ўқилишида ва қавс ичida замонавий талаффузида кўрсатилди. Уларнинг маҳаллий номлари аниқланган ҳолларда хитойча номлари қавс ичida берилди. Топоним ва этонимлар биринчи марта учраганда, уларни ифодалаш учун ишлатилган иероглифлар асл матндан кўринишида ёзиб кўйилди. XXРда нашр этилган ҳозирги замон

тариҳий адабиётларда бу иероглифлар қискартирилган шаклида ишлатилади.

Милодий VI асргача ёзилган хитой манбаларидаги маълумотларни чуқур ўрганиш натижасида қадимий Фарғона мамлакати билан унинг илк пойтахт шаҳрининг номи бир хил бўлғанлиги ва улар хитойча атрофи тоғлар билан ўралган текислик маъносини билдирувчи битта Юан (宛 зам. ўқ. Ван)<sup>18</sup> иероглифи билан ифодалангандиги аникланди. Чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида қадим хитой тариҳчилари мамлакат номига «да» (大 – буюк, катта) сўзини кўшиш орқали уни Дай-юан (大宛 зам. ўқ. Даван – Буюк Паркона ёки Катта Паркона) деб номлашган. Шунинг учун биз мазкур таржималаримизда ушбу ёндашувни тўғри топиб, асл матннинг мазмунинига мос ҳолда «Дай-юан» («Даван») топонимини Буюк Фарғона деб кўлладик. Аммо айрим ҳолларда мамлакат номи бўлмиш Дай-юан (Даван) топоними қисқартирилиб, Юан (Ван) деб ёзилган. Буни мавжуд таржималардан эмас, балки факат асл матндан билиб олиш мумкин. Бундай ҳолларда мамлакат номини Фарғона давлати деб таржима қилиб, унинг ёнига қавс ичида аслиятдаги «юан» иероглифини ёзиб қўйдик. Н.Я.Бичурин таржималарида шу камчилик бартараф этилмагандиги туфайли унинг асарларида «Юан-чэнг» (宛城 – Фарғона қальаси ёки шаҳри)<sup>19</sup> тушунчаси йўқолиб қолган. Н.Я.Бичурин «Даван» Фарғона эканлигини яхши билган. Бирок у ушбу атамадаги «ван»нинг ўзи Помир халқлари тилида «атрофи тепаликлар ёки тоғлар билан ўралган текислик» маъносини англатувчи «Паркона» сўзининг таржимаси эканлигини айтиб ўтмаган. Шунинг билан бирга олим «ван» сўзига «да» иероглифини кўшиб «Даван» деб айтилганда, бу атама «Буюк Паркона»нинг таржимаси бўлажагини таъкидламаган.

VI асрдан кейин ёзилган хитой манбаларида Фарғона топонимининг турли транскрипциялари ишлатила бошланган. Тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида бу ҳолларда ҳам мазкур топонимнинг хитойча транс крипциялари қавс ичида бериб қўйилди, зоро таржимада мазкур мамлакатнинг факат

<sup>18</sup> Ходжсаев А. К этимологии топонима Дайонь (Давань) в китайских источниках // Фарғона водийси тарихи янги тадқикотларда (История Ферганды в новых исследованиях). Фарғона, 2009. 135-140-б.

<sup>19</sup> «Юан-чэнг» топоними ҳакида ишнинг тадқикот кисмida батафсил маълумот берилган.

маҳаллий номи ишлатылса, аслиятда қандай ёзилган экан, деган савол түгелиши табиийдир.

Тарих фанида күп мунозараларга сабаб бўлиб келаётган аслиятдаги бир қатор этноним ва топонимларга маҳсус тадки-котларга таянган ҳолда мақола шаклида кенгайтирилган шархлар ёздиқ. Улар таржималарнинг охирида жойлаштирилган иловада, қисқа изоҳлар эса бет охирида келтирилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтмок керакки, хан миллати, яъни хитойлар анъаналарига кўра, одамнинг исми-шарифи 2 ёки 3 иероглифдан иборат. Уларнинг биринчиси фамилия (шажара) ҳисобланиб, у авлоддан авлодга ўтиб бораверади. Қиз бола турмушга чикса ҳам, фамилияси ўзгармайди, бироқ унинг фарзандлари ота фамилиясини давом эттиради. Таржима қилингган Фарғонага оид маълумотларнинг асл матнида хитойларга мансуб бўлган тарихий шахслар биргина фамилияси ёки исми билан кўрсатилган ҳоллар кўп учраб туради. Айрим ҳолларда улар унвони ёки лавозими билан тилга олинади. Масалан, Марказий Осиёга юборилган Хан империясининг биринчи элчиси Чжанг Чян<sup>20</sup> нинг фамилияси бўлган «Чжанг» (張/张) иероглифи қисқартирилиб, исми бўлмиш иккинчи «Чян» (張) иероглифи билан кўрсатилишини кўп учратамиз. Баъзи ҳолларда элчи факат элчилик вазифасини бажариб бўлганидан сўнг олган унвони «буованг-хуо»<sup>21</sup> ёки унинг қисқа шакли «буованг» сўзи билан кўрсатилган.

<sup>20</sup> Чжанг Чян (асл матнида 張騫, замонавий хитой адабиётида 張騫, рус транскрипциясида Чжан Цинь) – түгилган йили ноъмаълум, миъава. 114 йилда вафот этган, – миллати хитой, кадимий Хитой давлатидан Марказий Осиёга биринчи элчи бўлиб келиш шарафига мужассар бўлган шахс, сарой амалдорларидан бири бўлган. У биринчи марта сафарга мил.авв. 139 йилда отланиб, 13 йилдан сўнг кайтиб келган. Сабаби йўлда хунлар кўлига тушиб, 10 йилдан ортик вақт давомида улар назорати остида бўлган. Xунлар элчини оиласида килиб кўйсан, ўз вазифасини унугтади, деган фикр билан бир маҳаллий қизга ўйлантириб кўйганлар. Аммо Чжанг Чян бола-чакали бўлса ҳам, ўз вазифасини эсидан чиқармаган. У борган жойларининг ахволини, маҳаллий халқлар турмуш тарзини, ҳарбий куввати во заиф томонларни билишига ҳарракат кўйган. Унинг олиб келган маътумотлари сарой тархиҳилари томонидан ёзиб колдирилган. Чжанг Чяннинг маҳсус хотира ёзган-ёзмагандиги номаълум [Хўжаев А. Буюк илак Йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 147-157-б.]

<sup>21</sup> Буованг-хуо (bowang-hou 博望侯) – Хан империясига содик хизмат кўрсаттан шахсларга бериладиган унвон, у икки қисмдан иборат. Биринчи қисми – «буованг» узокни кўра оладиган ёки билимдон маъносини англатади. Иккинчиси – «хуо» (侯) атамаси иккичи даражали унвон бўлиб, у Европа давлатларидаги «маркиз» ёки айрим Шарқ мамлакатларидаги «тўра» унвонига тўғри келади. Шунинг учун бу унвонни билимдон маркиз ёки тўра деб таржима қилиш мумкин. Қадим замонда у вилоятларни назорат килиб турувчи ҳарбий амалдорга берилган. Айрим ҳолларда Хитой хукмдорларининг яхин кариндошлари ва Хан империяси назорати остига тушиб колган мамлакатлар хукмдорларига ҳада этилган [Чжунгуо лида гуанчжи цидян (Хитойнинг ўтмишдаги маъмурий лавозимлари лутати). Ҳәфей, 1991. 739-б.].

Иккинчи бир мисол. Фарғонага юборилган Хан империяси кўшинининг бош кўмандони Ли Гуангли шу муносабат билан унга инъом этилган лавозим бўлмиш «Риейший (Эрши) жянгжюн»ни («Риейший кўмандони, яъни Риейший шахрига юборилган Хан империяси кўшинининг бошлиги») қискартирилган ҳолда «Риейший» («Эрши») деб тилга олинниши тез-тез учрайди. Бундай ҳолларда шахслар исм-фамилияси, унвони ва лавозиминг қискартирилган қисми катта квадрат қавс ичидаги берилди.

Қадимги хитой тилининг ўзига ҳос хусусиятларидан яна бири – унда нукта, вергул, икки нукта, кўштириноқ каби тиниш белгилари йўқ. Гап тугаганда, «耶» (也) деб ўқиладиган иероглиф ёзиб кўйилади. Замон ва сифатни кўрсатувчи сўзлар тушириб қолдирилади, воқеалар ниҳоятда қиска баён этилади. Шу боис таржимага аниклик киритиш учун зарур тиниш белгилари кўйилди ва асл матнда йўқ сўзлар кўшилди. Бундай сўзлар катта қавс ичига олинди.

Қадимиий хитой манбаларида давлатлар ва шаҳарлар орасидаги масофа ёки йўл узунлиги хитой ўлчови бирлиги бўлмиш *ли* (里) сўзи билан берилган. Ҳозирги замон ўлчовларига кўра, 1 ли 500 метрга tengdir. Ammo ўтмишда *ли* (里)нинг узунлиги ҳар хил бўлган. Чунончи, мил. авв. XI-III асрларда гоҳ 300, гоҳ 350 қадам узунликдаги масофа 1 ли хисобланган. Хитойни ilk бор бирликка келтирган ва биринчи империяни ташкил этган Чин Ши-хуангди<sup>22</sup> (мил. авв. 246-208 йилларда таҳтда ўтирган) даврида ёзув, пул, узунлик, оғирлик ўлчовлари умумлаштирилиб, бирликка келтирилган. Шундан кейин давлат томонидан мукимлаштирилган қоидага кўра, 1 ли 576 метрга тенглаштирилган<sup>23</sup>. Биз таржима қилган маълумотлар Чин Ши-хуангдидан кейинги минг йилдан ортиқ давр давомида ёзилган бўлганларти учун масофалар узунлигини ўша замондаги ўлчов бирлиги қоидаси бўйича километрга ўтказиб, қавс ичига олиб кўйилди.

<sup>22</sup> Чин Ши-хуангди (秦始皇帝) – мил.авв. 221-206 йилларда қадимиий Хитойда ҳукмронлик қилган Чин (秦, кад. ўқ. Dzien) сулоласи биринчи императорининг унвони бўлиб, у «бириинчи Чин императори» маъносини англатади. У ўзи учун ilk бор «хуангди» (皇帝 – император) унвонини жорий этган. Шундан кейин Хитойнинг эгаллаган барча ҳукмдорлар ушбу унвон билан атаглан. Унинг исми Инчжэн (Yingzheng 趙政) эди, этник келиб чиқиши қадимги хитой этносига таалуқиҳи бўлмаган. Таҳтга ўтирган вақти мил.авв. 246-210 йилларга тўғри келади. Буюк хитой деворининг қурилиши ҳам шу шахс билан боғлик.

<sup>23</sup> Ханной дазидян. 6-жилд, 3680-б.

Сўнгти даврда уйғур тилида нашр этилган сулолалар тарихидан олинган танланма таржималарда *ли* сўзи «чакирим» деб олинган. Бизнинг таржималаримизда аслиятдаги *ли* сўзи саклаб қолинди. Чунки *ли* билан «чакирим»нинг узунлиги бир хил бўлмаган. Чунончи, XIX асртага 1200 қадам ёки 900 метрга тенг масофа 1 чакирим ҳисобланган. Мазкур асрдан бошлаб, адабиётларда 1 чакиримни 1085 метрга тенглаштириш ҳоллари пайдо бўлган<sup>24</sup>.

Яна бир эътиборга сазовор масала – таржима қилинган маълумотларда «ванг» (王) унвони кўп учрайди. Қадимги Хитой анъанасига кўра, ушбу унвон давлат доирасидаги ҳокимлик ҳукмдорига берилган. Милоддан аввалги III асрдан бошлаб, Хитойнинг олий ҳукмдори «хуангди» (皇帝 – император) деб номлана бошланган<sup>25</sup>. Шундан кейин хитой императорлари ўзларининг мартабасини устун қўйиш мақсадида ўзга мамлакатларнинг олий ҳукмдорларига нисбатан «ванг» унвонини ишлатишган. Сарой тарихчилари бу қоидадан четга чикиши мумкин бўлмаган. Ушбу анъана қадимги хитой ҳукмдорлари орасида шаклланган «хуангди» Тангрининг ер юзидағи ўғлидир (Тянзи / Тяньзы 天子), осмон тагидаги барча мамлакатлар ҳукмдорлари унинг итоатидаги ҳокимларидир, деган жаҳонгирик фалсафий назарияга асосланган. Шунинг учун хитойлар томонидан Фарбий ва Шарқий Туркистон ҳамда бошқа минтақалардаги давлатлар ҳукмдорларига нисбатан ишлатилган «ванг» атамасини маҳаллий ҳукмдорларнинг унвони, деб кабул килиб бўлмайди.

Афсуски, сўнгти пайтда айрим олимларнинг «ванг» атамасини маҳаллий ҳукмдорларнинг унвони сифатида кўллаш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, «История государственности Узбекистана» номли китобнинг I-жилдидаги «Ферганское государство Давань» бўлимида айнан шундай хатога йўл қўйилган. Унда «Государство древней Ферганы управлялось правителем, носившим титул «Ван»<sup>26</sup>, деган жумла келтирилган. Шу асосда «фу-ванг» (ўзбекча транскрипцияда фу-ванг) сўзи қадимги Фаргона давлати ҳукмдорининг биринчи, «фу-гован» эса иккинчи ёрдамчисининг унвонлари сифатида ишлатилган<sup>27</sup>. Куйида келтирилган Фарго-

<sup>24</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд, Тошкент, 2005. 580-6.

<sup>25</sup> Чжунгтуо лидай гуанчжи цидян. 115-б.

<sup>26</sup> История государственности Узбекистана. Т. 1, Ташкент, 2009. С.188.

<sup>27</sup> Ўша асар. 193-б.

нага оид маълумотларнинг таржималарида бу фикрларнинг аслиятга зидлиги аён бўлади.

Сўнгти даврда ХХРда уйғур тилида нашр этилган асарлар ва таржималарда «ванг» («ван») унвони «ҳоким» деб таржима қилинган. Биз таржималаримизда Хитойга тегишли бўлган тарихий воқеалардаги «ванг» (王)ни «ҳоким», хорижий давлатлар, яъни қадимий Хитойнинг ташқарисидаги мамлакатлар хукмдорларига нисбатан ишлатилган «ванг»ни эса «хон», «хукмдор» деб олдик.

Хитой манбаларида биргина ҳуналар империяси ва Турк хоқонлиги хукмдорларига нисбатан «ванг» унвони ишлатилмаганлиги кузатилади. Бу давлатлар парчаланганидан кейинги даврларда хукмронлик килган шахсларга нисбатан «ванг» ишлатилганлиги учрайди. Бу Хитой хукмдорлари ушбу икки давлатни ўзи билан тенг кўрганлигидан далолат беради. Хитой тарихчилари ҳуналарнинг хоқонларини «Таний» (зам. ўқ. «Шанюй») деб аташган. Мазкур ном «Тангрикут»нинг хитойча кисқартирилган транскрипцияси эди. Бу хақда хитой манбаларида аниқ маълумот бор. Чунончи, «Ханшу»нинг ҳуналарга бағишиланган бобида «Муотуэн» (зам. ўқ. Маодун – Ботир-Тангрикут, мил. авв. 210-174 йилларда хукмронлик килган) даврида ҳуналар ҳаммадан кучли эди. Шимолдаги барча ёввойилар унга итоат килган. Уларнинг давлати жанубдаги шяларнинг душмани бўлиб қолган (дигуо 敵国) эди. Уларнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган номлари ва унвонлари ўзгача, [Уларнинг] Тангрикути (таний) эса ливантие (liwantie, liwentiei, зам. ўқ. Луанди / luandi 攀鞬) уруғидан эди. Хукмдорни [ҳуналар] Тангрикут деб аташади. Ҳуналар тилида Тангри – Осмон, кут – ўғил демакдир. Таний буюклик сиймоси бўлган», деб ёзилган. Лекин Н.Я.Бичурин ушбу маълумотни куйидагича таржима килган:

«При Модэ Дом Хуннов чрезвычайно усилился и возвысился; покарив все кочевые племена на севере, на юге он сделался равным срединному Двору; почему названия наследственных чинов можно еще описать»<sup>28</sup>. Ушбу таржимада ҳуналар хукмдорининг унвони бўлмиш «таний» («шанюй») «Тангрикут»нинг транскрипцияси эканлиги ва унинг маъноси «Тангри

<sup>28</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т.1. С. 48.

ўгли» эканлиги ҳамда бу буюклик сиймоси эканлиги тушеб колган.

Таржималаримизда «қадимий Хитой» атамаси ишлатилди. Бунинг сабаби – худудий жиҳатдан олганда, ҳозир биз Хитой деб аташга ўрганиб колган давлат 1949 йил 1 октябрда ташкил топган Хитой Халқ Республикаси (ХХР)дир. Унинг таркиби Шаркий Туркистан (1954 йилдан Шинҗянг-Үйғур мухтор ўлкаси), Тибет, Кўккўл (Чингхай), Ички Монголия, Манҷурания каби ўлкалар киради. Бу мамлакатлар XVII-XVIII асрлар давомида манжурлар қадимги Хитойда ташкил килган Цин империяси (清 – 1644-1911) томонидан бирин-кетин босиб олинган. ХХР ташкил топганда, янги ҳукумат уларни ажралиб чиқишига ёки федератив республика сифатида сакланниб қолишга йўл қўймаган эди. Шунинг учун «қадимий Хитой» тушунчаси бу ўлкаларни ўз ичига олмайди<sup>29</sup>.

Таржималар ва шарҳларда «Гансу» (Кенгсув) топоними кўп учрайди. Ушбу топоним билан аталган ўлка узоқ ўтмишда туркий қавмлар яшаган жой бўлган. Ҳозир у Хитой Халқ Республикасининг шимоли-гарбий ўлкаси хисобланади. Географик жиҳатдан олиб қараганда, мазкур ўлка ғарбдан шарққа қараб чўзилган бўлиб, унинг узунлиги 1400 км, эни 530 кмдан иборат. Қадим замонда Хитойнинг пойтахти Чангъанга бориш учун албатта шу ўлкадан ўтиш лозим бўлган. Шу боис бу ерда яшаган халқларнинг хаёти маълум даражада халқаро савдо ишларига боғлиқ бўлган<sup>30</sup>.

Мазмунан ва ёзиш услуби нуқтаи назардан олиб қараганда, таржимага жалб этилган манбалар З турга бўлинади. Буларнинг бири белгиланган қонун-қоида асосида ёзилган ва юқорида кўрсатилган «24 тарих» («Эршиси ши»)га киритилган сулолалар тарихи, иккинчиси – VIII-XII асрларда сарой тарихчилари томонидан битилган асарлар, охиргиси – турли мақсад ва сабаблар билан шу даврда Марказий Осиёга келиб кетган хитойлик сайёҳлар, жумладан будда дини роҳиблари қаламига мансуб хотиралардир.

Биринчи ва иккинчи турдаги манбалар сарой тарихчилари томонидан битилганлиги сабабли шу даврдаги анъаналарга кўра,

<sup>29</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 8-52-б.

<sup>30</sup> Ли Мингвэй. Суй Тант сичоу чжилу (Суй ва Тант давридаги ипак йўли). Ланчжоу, 1994. 215-216-б.

Ўтмишдаги тарих қайд этилиши билан бирга асар муаллифлари хизмат қылған сулолалар даврдаги воқеалар күшиб кетилганд. Аммо қайд этилган тарихда аниклик киритилганды тузатилған ҳолларни күзатиш мүмкін. Муаллифлар воқеаларнинг концептуал томонларини, яъни уларнинг Хитойда хукмронлик қылған сулолар ҳамда улар билан муносабатда бўлған давлатлар ва халқлар учун ижобий ёки салбийлигини эркин талқин қилиш имкониятига эга бўлмаган. Масалан, уларда Хитой императорларининг зўровонлик ҳаракатлари Тангри амри билан «Осмон тагидаги» барча мамлакатларни ва халқларни бирликка келтиришга қаратилған амал, бунга қаршилик кўрсатиш эса хоинлик, Тангри амрига карши чиқиши ҳаракатлари сифатида таърифланади. Бу тушунчалар доирасидан чикқан сарой тарихчилари олий жазога маҳкум этилган.

Расмий тарихий манбаларнинг бу ғоявийлигини дастак қилиб, улардаги амалий маълумотларни бутунлай инкор қилиб бўлмайди.

# 1. СУЛОЛАЛАР ТАРИХИДАГИ ҚАДИМИЙ ФАРГОНАГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

## «ШИЖИ» «Тарихий хотиралар»

Манба ҳақида: «Тарихий хотиралар» («Шижи» 史記, рус адабиётида «Шижи», Европа адабиётида «Shi-ji») икки иероглиф билан ёзилган сўз бўлиб, унинг биринчиси тарих, иккинчиси хотиралаш маъносини англатади.

«Тарихий хотиралар» дастлаб «Тайши-гунг<sup>31</sup> шу» («Битикчилар бошлиғи ҳазратларининг китоби»), кейин «Тайши-гунг жи» («Битикчилар бошлиғи ҳазратларининг хотиралари»), ундан ҳам кейин «Тайши жи» («Битикчилар бошлиғи хотиралари») деб аталган бўлиб, унга бу қисқартирилган ном Шаркий Хан<sup>32</sup> сулоласининг (мил. 25-220) императори Хуан-ди (桓帝 – 147-165) даврида берилган<sup>33</sup>. Мазмунан олганда, унда асар ёзилгунга қадар 3 минг йиллик тарих баён этилган. Шунинг учун «Шижи» қадимий Хитойда ilk бор янги услубда битилган умумий тарих ҳисобланади. Унинг ҳажми 130 бобдан

<sup>31</sup> Одатда «гунг» (公) атамаси сарой амалдорларига бериладиган биринчи даражали унвон маъносида ишлатилган. Европаликлар ва россияликлар тилидаги «князь», «герцог», айрим Марказий Осиё ҳалклари тилидаги «тўр», «хоким», «хоким-бек» унвонлари билан таққослаши мумкин. Лекин қадимий хитойлар анъанисига кўра, айрим ҳолларда ушбу атама хурмат рамзи сифатида кўлланган [Ханой дазидян. 1-жилд. 242-б.]. Шунинг учун биз бу жойда мазкур атамани «ҳазратлари» деб таржима килишини маъқул топдик.

<sup>32</sup> Хан (漢 замонавий адабиётлардаги қисқартирилган шакли 漢, рус тилида Хань, узок ўтмишда «shan» деб ўқилган) – қадимий Хитойдаги иккинчи марта мамлакатни бирлаштирган ва унинг доирасини кенгайтиришга жиидж ҳаракат килган императорлар сулоласининг (мил.авв. 206-мил. 220) номидир. Ушбу сулола номини ёзиш учун ишлатилган «хан» иероглифи «эррак», «ожах», «ожахланиш» каби маъноларни англатади. Қадимда айнан шу ном билан Хитойдаги энг узун дарё – Янзи (Яньцы / Чангжяян 長江)нинг шимолий ирмоги Ханшуй (漢水 – Хан суви демакдир) аталган. Шунинг учун «Хан» атамасининг келиб чиқиши дарё номи билан боғлиқ бўлган, деб ҳисоблаши мумкин. Хан сулоласи даврида қадимий Хитойнинг шимол томонида яшаган ҳалклар, жумладан хуналар хотойларни «хан» деб аташган. Хан давлати йўқолиб кетгандан кейин унинг номи бирорлик ва устунилик сиймосига айланниб колган эди. Шунда хотойлар ўзларининг номини хан деб атасни одат килганлар. Хан сўзи этномимга айлангунга қадар хотойлар ўзларини шя (ся), хуашя (хуася) деб атаган [Ханой дазидян. 3-жилд, 1714-б.]. Шу асосда мил. III асрлардан бошлаб, «хан» атамаси хотойларнинг этник номига айланган, деб айтиш асосли бўлади.

<sup>33</sup> Сима Чян юй шижи (Сима Чян ва тарихий хотиралар). Пекин, 1957.109-110-б.

иборат бўлиб, шундан 12 боби қадим замонда ўтган ҳокимлар, амалдорлар ва уларнинг шажараларига, мамлакатда содир бўлган йирик воқеаларга; 10 боби императорлар, ҳокимлар, олий табакали амалдорлар фаолияти ва уларнинг шажаралари, муҳим давлат ишларига; 8 боби илм фан, урф-одатлар, санъат, сув хўжалиги ишлари, иқтисодиёт ва қонун-коидаларга; 13 боби майда ҳокимлик ва сулолалар тарихига; 30 боби мил. авв. XI-III асрларда ўтган майда давлатлар ва улар орасидаги муносабатлар тарихига, ҳукмдорлар, амалдор лар, йирик шахслар шажаралари ҳамда уларнинг фаолиятларига бағишиланган. Колган 70 боби нисбатан пастрок даражали ҳукмдорлар, маъмурий ва ҳарбий амалдорларга, маҳаллий ҳукумат бошликлари фаолияти ва уларнинг шажараларига, хитойларнинг атрофида яшаган ҳалкларга, улар томонидан ташкил этилган давлатлар ва ҳокимликларга бағишиланган. Умумлаштирилган ҳолда улар «Лечжуан»<sup>34</sup> («Қатор баённомалар» ёки «Қатор тазкиралар») деб аталади. Сўнгти бир боби муаллиф ҳаёти, фаолияти, шажараси ва мазкур асарнинг ёзилиш тарихига бағишиланган бўлиб, у «Тайши зиёй» («Битикчиларнинг сўзи») деб номланган. Ушбу бобда «Шижи»да баён этилган айрим тарихий воқеаларга ва шахсларга муаллифнинг бўлган муносабати, баҳоси, мулоҳазалари ҳамда хитойларга қўшни бўлган ҳалклар ва мамлакатлар, Хан сулоласи билан алоқада бўлган давлатлар ҳакидаги маълумотлар келтирилган.

«Шижи»нинг ёзиг тутатилган вақти мил. авв. 104-91 йилларга тўғри келади. Унинг айрим йўқолган қисмларини Юан-ди (мил. авв. 48-31) ва Чэнг-ди (мил. авв. 32-5) исмли Фарбий Хан императорлари даврида яшаб ўтган Чу Шаосун (туғилган ва ўлган йили номаълум) исмли олий даражали илмий

<sup>34</sup> Лечжуан (列传, рус адабиётида «Лечжуань») сўзи рус тилига «жизнеописание» (ҳаёт тавсифи) деб, XXРда нашр этилган уйғурча таржималarda эса «Таржима хол» деб ўтирилган. Аммо бу иккى таржимада «Лечжуан» сўзининг маъноси аник ифода этилмаган. «Ле» иероглифи қатор, бир тартиби солинган, бирин-кетин тизилган бўлинма, бирма-бир айтиб ўтиш, «чжуан» иероглифи эса узатмоқ, баён этмоқ, тарих, таърифламоқ каби маъноларнинг англатиди. Асарнинг бу қисмida шахсларнинг таржима холи ва уларнинг фаолияти зикр этилиши билан бирга ажнабий ҳалклар ва давлатлар, мамлакатлар тарихига оид маълумотлар ҳам келтирилади. Шу боис «Лечжуан» сўзини «қатор тазкиралар» ёки «тарихий шахслар, топонимик ва этник атамаларга оид баёнлар» деб тушуниш мумкин.

унвонга эга бўлган тарихчи тўлдирган. «У-ди чжуан» («У-ди тазкираси»), «Санванг шижя» («Уч ҳоким шажараси»), «Гуй Цэ чжуан» («Гуй Цэ ҳақида баён») каби боблар, Хан хонадони билан қардош бўлиб қолганларга оид маълумотлар ва У-дидан кейинги императорлар тазкиралари ана шу тўлдирилган қисмлардан.

«Шижи»нинг муаллифи Сима Чян (司馬遷 Sima Chian, рус адабиётида Сыма Цянь, ёшлик даврдаги исми Жичжан)<sup>35</sup> хисобланади. У ҳозирги XXРнинг Шэнши ўлкасидағи Ханчэнг шахридаги Лунгмэн номли жойда туғилган. Унинг таваллуд топган ва ўлган вақти аниқ эмас. Айрим япон ва хитой олимларининг хисоблашича, Сима Чян тахминан мил. авв. 160-161 йилларда туғилган ва 42-43 йил умр кўрган. Бошқа бир гурух олимларнинг кўрсатишича, Сима Чян 60 йил яшаган ва Хан сулоласининг олтинчи императори У-ди<sup>36</sup> (мил. авв. 140-85)дан кейин вафот этган<sup>37</sup>. У Хан сулоласи саройида кўзга кўринган тарихчи Сима Ян (? мил. авв. 110 й.) оиласида таваллуд топган. Шу сабабли Сима Чяннинг ҳаёт йўли саройда хизмат қилишдан бошланган. Император У-ди даврида Сима Чян бир неча йил сарой соқчиси (лангчжунг) лавозимида ишлаган, сўнгра Башу номли қўшни давлатга элчи қилиб юборилган. Милоддан аввалги 108 йилда илгари отаси эгаллаган сарой битикчилари (император учун ҳужжатлар тайёрловчилар) бошлиғи лавозимига тайинланган. Милоддан аввалги 100-97

<sup>35</sup> Одатда хитойларнинг фамилияси бир иероглифдан иборат бўлади. Лекин асар муаллифининг фамилияси иккι иероглифдан ташкил топган. Чунки Сима (司馬) аслида олий дарражали ҳарбий лавозимнинг номи бўлган. У 3-4 минг йил олдин тош ва суюкларда ёзилган битикларда учрайди. Аммо ҳар бир даврда ушбу лавозимнинг мавқеи ва дарражаси ҳар хил бўлган. Сима фамилияли шахслар, жумладан, «Тарихий хотиралар» асари муаллифи фамилиясининг келиб чикиши ана шу лавозим билан боғлиқ бўлгандиги сабабли Сима ажратилмай ёзилади.

<sup>36</sup> Хитой манбаларida У-ди (武帝 – жанговар император маъносини англатади) номи билан таҳтга ўтирган хукмдорлар кўп. Масалан, Жин (晉 – 265-420), Сунг (宋 – 420-479), Лян (梁 – 502-556) сулолаларининг асосчилари ва Чи (齊 – 449-501) сулоласининг иккинчи хукмдор ҳам шу ном билан таҳтга ўтирган. Лекин бир сулола доирасидан факат битта хукмдор шу номга эга бўлиши мумкин бўлган. Шу боеи уларни ажратиш учун ҳар доим хукмдор номининг олдига сулола номи ёзилган. Хукмдорларга У-ди деб ном бериш одати Танг сулоласи (618-907) давригача сакланниб келган. «Шижи»даги «Фаргона тазкираси»да У-ди номи илк бор кўлланилган учун унинг олдига сулола номи бўлмиш Хан кўшилмаган. Ханинг фамилияси Лю (劉), исми Чие (物) бўлган. Кўп адабиётларда номи дефис билан ажратилиб ёзилади. Бу хато эмас, ўрнашиб қолган одатdir.

<sup>37</sup> Сима Чян юй шижи. 149, 151, 188-б.

йилларда Ли Лин (мил. авв. ? - 74 й.) исмли лашкарбоши 5 минг чавандозга бош бўлиб, ҳуналарга ҳужум қилганда, асирга тушиб қолган. Ҳуналар уни қатл этмасдан, беклик лавозимини инъом этганлар.

«Шижи»да Сима Чян ушбу лашкар бошлигининг Хан хонадони учун кўрсатган хизматларини ҳам баён қилган. Бундан норози бўлган У-ди Сима Чянга камоқ жазосини буюрган. Сима Чян қаттиқ хафа бўлиб, аламзадалик билан тарих ёзишга киришган. Милоддан аввалги 96 йилда Сима Чян камоқдан озод этилиб, императорнинг сафарлари арафасида ўтказиладиган маросимлар бошқарувчиси лавозимига (чжунгшулинг) тайинланган. Ушбу вазифани бажариш даврида Сима Чян кўп ўлкаларда бўлган ва фурсатни қўлдан бой бермай, кўрган-билгандарини ёзид борган.

«Шижи»га киритилган Фарғонага оид маълумотлар У-ди томонидан Марказий Осиё мамлакатларига юборилган элчи Чжанг Чяннинг тўплаб келган маълумотлари асосида ёзилган. Элчининг кундалик дафтари ёки ёзма хисоботи сақланмаган. Унинг гарбга элчи килиб юборилиши эса Фарбий Хан (Ши-Хан) хонадонининг ташки сиёсати билан бевосита боғлик бўлган. Бинобарин, манбаларнинг гувоҳлигига кўра, У-ди даврида, яъни мил. авв. 140-85 йилларда Фарбий Хан ҳар томонлама юксалган, моддий имконияти ва ҳарбий қудрати ошган давлат бўлган. Унинг асосий мақсади атрофдаги халқларни ўзига итоат килдириб, уларнинг ерлари хисобига Хитойнинг худудини кенгайтириш эди. Аммо ўша даврдаги Ҳун хоқонлиги ушбу мақсадни рўёбга чиқаришга кўпдан бери тўсиқ бўлиб келаётган ягона куч сифатида намоён бўлган эди. Қолаверса, У-дининг ўзи ҳам ҳуналарни тор-мор келтириб, уларнинг назорати остидаги ерларни ва бойликларни тортиб олишни жуда истарди. Лекин ҳуналарга қарши амалга оширилган ҳаракатлар натижага берманидан сўнг, У-ди масалага бошқача ёндашди. У узоқда жойлашган ва илгари ҳуналардан азият чеккан давлатлар ва халқлар билан бирлашиб, улардан фойдаланган ҳолда Ҳун хоқонлигини йўқотиш режасини тузди. У-дининг фикрича, бундай халқларнинг бири ҳозирги Афғонистон ва Ўзбекистон худудида жойлашган ва

хитой манбаларида «Дай-рузие» (зам. ўқ. Да-юэчжи)<sup>38</sup> деб тилга олинган давлат бўлган. Шунинг учун У-ди мазкур халқ ҳукмдори ҳузурига элчи юборишни лозим топган. Бу вазифани бажариш учун Чжанг Чян танланган.

Шу жойда шархлаб ўтиш жоизки, «Дай-рузие» (Да-юэчжи) атамаси «Ғуз-йер» ёки «Оғуз-йер» топонимининг хитойча транскрипцияси бўлмиш «Рузие»га «кулуг», «буюк» маъносини англатувчи «дай» («да») сўзини қўшиш асосида шаклланган. «Рузие» атамаси эса миллоддан аввалги 176 йилгача бўлган 800 йилга яқин давр давомида Тангритогнинг Шаркий Туркистон қисмидаги яйловларини марказ қилиб яшаган туркий давлат номи бўлиб, у «ғузлар ёки оғузлар замини» маъносини билдирган.

«Рузие» мил. авв. XVI-XI асрларда мавжуд бўлган «Шанг [ҳокимлиги] тарихи» («Шангшу»), мил. авв. X асрда ўтган ҳукмдор «Мунинг гарбий сафари баёни» («Му Тянзи чжуан») ва мил. авв. VIII-V асрлар даврига бағишлиланган «Тоғлар ва дарёлар баёни» («Шан хай жин») каби қадимий ёзма ёдгорликларда давлат номи сифатида учрайди.

Милоддан аввалги 176-175 йилларда «Рузие» давлати ўзининг олдинги фукаролари бўлмиш ҳұнлар томонидан ағдарилгандан сўнг мазкур давлат ҳукмдорлари ўз одамлари билан Амударё бўйларига кўчиб кетган. Ана шу кўчган гуз-ер (рузие)ликлар хитой манбаларида «дай-рузие» (зам. ўқ. «да-юэчжи») деб номланган. Буларнинг мазкур дарё жанубида ташкил этган давлати ҳам хитой манбаларида шу ном билан аталган<sup>39</sup>.

<sup>38</sup> Дай-рузие (大月氏 зам. ўқ. Да-юэчжи – «Улуг Фузер» сўзининг қадимги хитойлар тилидаги транскрипциясидир) хитой манбаларида этномоним ва топоним сифатида ишлатилади. У хитой манбаларида милавв. II асрда пайдо бўлган ва Шаркий Туркистондан Амударё бўйларига кўчиб кетган гузерлик (рузиелик / юэчжи 月氏)лар ҳамда мазкур дарёнинг жанубида улар томонидан ташкил этилган давлатга нисбатан кўлланган. Хитой манбаларида Күшон ҳонлиги ҳам Дай-рузие (Да-юэчжи) деб аталган мисоллар кўп учрайди. Айни замонда XXРда уйгур тилига таржима килинган матнларда Дай-рузини «Улуг явчи» деб ишлатиш холларни учраб турибди. Биз ўз таржималаримизда топоним, яъни давлат номи сифатида Улуг Фузер (Дай-рузие), этномоним сифатида эса улут гузерликлар ёки дай-рузиеликлар шаклида ишлатишни лозим топдик.

<sup>39</sup> Улуг Фузер (Рузие) давлатининг маркази Афғонистондаги Балхнинг шимол томонида жойлашган Боло-Ҳисор («Bala-Hisar») шаҳри ҳисобланган. Хитой элчиси Чжанг Чян Улуг Фузер (Дай-рузие)га келган даври арафасида ушбу давлат ҳудудига Зарафшон

Чжанг Чян Хитойдан милоддан олдинги 139 йилда сафарга отланди. Бироқ Улуғ Фузер давлатига борадиган йўлларнинг ҳаммаси ҳуналар назорати остида бўлганлиги туфайли Фарғонага етиб келиш учун у 10 йилдан ортиқ вақт сарфлади. Сўнг фарғоналиклар ёрдамида Улуғ Фузер мамлакатига боришга мусассар бўлди. Аммо ушбу мамлакат ҳукмдори У-дининг таклифини қабул килмади, яъни Чжанг Чянга топширилган вазифа амалга ошмади. Бироқ у Хан хонадонига Фарғона ва унинг атрофидаги давлатлар ҳакида муҳим маълумотлар олиб келди. Айниқса, Фарғона нисбатан катта бўлмаган давлат эканлиги, унда Хитой учун зарур бўлган зотли тезчопар отлар борлиги ҳакидаги маълумотлар У-дини қувонтириди ва унда шундай отларга эга бўлиш, улар орқали ўз кўшинларининг жанговорлигини ошириб, ҳуналар устидан ғалаба қилиш режалари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Зоро ўша замонда ҳуналарнинг кўшинлари отлиқ аскарлардан ташкил топганлиги учун улар урушда Хитой кўшинларидан устун эди. Чжанг Чяннинг маълумотлари ва Фарбий Хан (Ши-Хан 西漢 / 西汉) императорининг бу борадаги амалий ҳаракатлари «Фарғона тазкираси»да акс эттирилган.

«Фарғона тазкираси»ни рус олими Н.Я.Бичурин (Иакинф – 1777-1853) рус тилига таржима қилган. Шундан бери унинг таржимаси кўп олимлар учун муҳим манба бўлиб келмоқда. Лекин таржиманинг зарур шархлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги ундаги айрим маълумотларни, айниқса атамаларни тушунишни мураккаблаштиради. Бундай ҳолат Н.Я.Бичурин асаридан фойдаланган муаллифларнинг тадқиқотларида ноаниклар пайдо бўлишига сабаб бўлган. Масалан, асл матннаги «Юэчжи» (月氏) атамаси қадимда Рузие (Ruzie, Rutzie)<sup>40</sup> деб ўқилган бўлиб, давлат номини англатган ва туркий қабилалар яшаган жойда, яъни ҳозирги Дунхуанг (XVI асрдаги

дарёси бўйидаги айрим жойлар ҳам кирган [Ходжаев А. Из истории древних тюрок... С. 95-181; Шу муаллифнинг. Сведения китайских источников о «юэчжи» // Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. Тошкент, 2004. 13-16-б.].

<sup>40</sup> «Рузие» («юэчжи») атамаси «гузер», «огузер» сўзинини хитойча трансляцияси бўлган [Ходжаев А. Сведения китайских источников о «юэчжи» // Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. Тошкент, 2004. 13-16-б.; Шу муаллифнинг. Из истории древних тюроков. С. 95-177].

мусулмон манбаларида «Дашт-ота») ва Хэши йўлаги (Хэши зоуланг)<sup>41</sup>, Ордос яловлари, Тангритоғ (рус адабиётида Тянь-Шань) этакларини ичига олган худудда мил. авв. XI асрда ташкил топган. Кейин унинг таъсир доираси анча кенгайган. Аммо «Юэчжи» сўзи Н.Я.Бичурин таржимаси оркали адабиётимизга этоним сифатида киритилган. Натижада олимлар орасида «Юэчжилар»га оид мунозарали фикрлар ва асоссиз хуласалар вужудга келган<sup>42</sup>.

Қадимий Хитойнинг шимолий ва ғарб томонида яшаган мамлакатлар ва халқларга оид маълумотлар қисман Европа тилларига ҳам таржима қилинган. Аммо улар хориж тилларни билмаган олимларимиз ва кенг доирадаги китобхонларимиз эътиборидан четда қолиб келмоқда.

Яқинда «Фаргона тазкираси» замонавий уйғур тилига таржима қилинди. Ундаги бир қатор камчиликлар якқол кўзга ташланади. Энг аввало эътироф этиш керакки, баён этилган маълумотлар тушунарли бўлиши учун таржимага асл матнда йўқ сўзлар катта қавсга олинмасдан кўшиб юборилган. Берилган изоҳ ва шарҳлар мавхум савол ва масалаларга аниқлик киритиш ва уларнинг ечимини топиш учун етарли эмас. Уйғурча таржима араб алифбосида бўлганлиги сабабли бу ёзувни билмаганлар асардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлганлар. Боз устига, атамалар акс эттирилган иероглифларнинг қадимги ўқилишига эътибор берилмаган. Бу эса уларнинг маҳаллий номлари қандай бўлганлигини билишни қийинлаштирган.

<sup>41</sup> Хэши йўлаги (хитойча номи Heshi zoulang 河西走廊, русча транскрипцияяда Хэси зоуланг, рус адабиётида Хэсиский коридор) – хозирги XXРнинг Гансу (Кенг-сув сўзидан келиб чиккан) гарбдан шаркка чўзилган жой бўлиб, у Гансу йўлаги (Гансу зоуланг) деб ҳам аталади. Хэси сўзи Хуангҳэ (туркӣ номи Корамурон, яъни буюк дарё)нинг гарб томони маъносини англатади. Шунинг учун ушбу атамани Корамурон дарёси гарбидаги йўлаксимон ўлка деб тушуниш мумкин. Ушбу жойининг йўлак (зоуланг) деб аталишининг сабаби – у узунлиги гарбдан шаркка 1000 км, кенглиги шимолдан жанубга 100-200 км чўзилган ва дениз сатҳидан 1400 м баландликдаги водийдан иборат. Жануб томони хозирги Чилин тоглари, шимол томони Хэли, Лунгшоу, Уччюлин тоглари билан тўсилган. Хозирги Юймэн, Жийюйтун, Увой, Чжанггайе, Жючюан каби шахарлар ана шу йўлакда жойлашган. Икким жиҳатдан Хэши йўлаги дехқончилик ва чорвачилик килишга қулай бўлган. Буюк ипак йўли тарихида муҳим сиёсий, иктисолий аҳамиятга эга бўлган ва бўлини келмоқда. Хозирги Хитойдан Марказий Осиёга, сўнгра Европага bogланиб кетган темир йўл ҳам ушбу йўлакдан ўтади [Цихай. 912-б.; Ҳўжаев А. Буюк ипак йўли: ... 66-б.].

<sup>42</sup> Бу ҳақда каранг: Ҳўжаев А. Буюк ипак йўли: ... 95-101-б.

Юқорида қайд этилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, уларни бартараф этиш ҳамда тадкиқотчиларимиз ва китобхонларимизнинг асарда битилган тарихий маълумотларга бўлган катта қизиқишилари ва уларни ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қондириши максадида «Шижи»даги «Фарғона тазкираси»ни унинг асл матни асосида ўзбек тилига таржима қилишга карор қилдик.

Таржима 1958 йилда Шангхай ва Пекинда факсимиile нусхаси асосида нашр этилган ва ҳозир Ўзбекистон фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланәётган «Эршиси ши» («24 тарих») номли расмий тарихлар мажмуасининг биринчи жилдини ташкил қилган «Шижи» («Тарихий хотиралар»)дан ўрин олган «Фарғона тазкираси» («Дайюан лечжуан») асосида амалга оширилди. Ушбу тазкира биз фойдаланаётган манбанинг 1136(1136) -1146(1146) бетларида жойлашган. Қавс ичидан берилган бет рақамлари «24 тарих»даги ҳар бир жилдга, қавс ташқарисидаги рақамлар эса барча жилларига бошдан охиригача берилган сонлардир.

«Шижи» аслида хитой қамишидан ясалган узунлиги таҳминан 30–40 см, эни 3–4 см бўлган тахтачаларга ўйиб ёзилган. Сўнгра ҳар 21та тахтача бир-бирига ёнма-ён боғлаб чиқилган ва бу бир бет хисобланган. Ҳар бир тахтачада юқоридан пастга қаратиб, 18тадан иероглиф ёзилган. Бет рақами қоқ ўртадаги 11-тахтачада келтирилган. «Фарғона тазкираси» 21 бетдан иборат бўлган. Эни тор ва бир-бирига боғланган тахтачалардан ташкил топган китобларнинг ҳар бир боби бир ўрама килиб сақланган. Шу боис у жюан (juan 卷), яъни ўрама деб номланган. «Ханшу» («Хан [сулоласи] тарихи»)ни битишда ҳар бир бетга 19та тахтача ишлатилган бўлиб, уларнинг қоқ ўртасида жойлашган 10-тахтачага бет рақами ёзилган.

Қоғоз ихтиро килингандан сўнг тахтачалардаги ёзувлар қоғозга айнан туширилган. Китоб шаклига келтиришда бетлар рақам кўйилган жойдан иккига бўлиб тахланган. Сўнгра тахлам текисланиб, ўнг томонидан тикилган. Мавжуд одатга кўра, бундай усулда тикилган бир жилд китобнинг ҳажми 90-100 бет

ёки ҳар бири 2 бетдан бўлган 40-50 варакдан иборат бўлган. Махсус воқеалар, мамлакатлар ёки тарихий шахсларга бағишлиланган боб (жуан)ларнинг ҳажми кичик бўлиб. қолган ҳолларда бундай тикилган жилдиар бир неча боблардан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам қоғоз китобнинг сиртки қисми катта ва ҳар бети 2 қаватдан иборат бўлган. Кейинчалик фотофаксимил усулида қайта чоп этилганда, ҳар бир бетга асл манбанинг 2 бети жойлаштирилган. Бет рақами ўртада бўлганлиги сабабли ҳар бир бет ўнг ва чап қисмларга ажратилган. Китоб ўнгдан чапга очилганлиги туфайли бетларнинг ўнг томонини «а», чап томонини «б» ҳарфи билан кўрсатиш одат тусига кирган. Манбани ўзбек тилига таржима қилишда шу анъанага риоя қилдик.

Таржимага асос қилиб олинган «Дай-юан лечжуан» («Буюк Фарғона тазкираси») «Шижи»нинг 123-боби бўлиб, у мажмуанинг 1136(1136) бетидан бошланганлиги учун таржиманинг бошланишида /1136(1136)/1a/ рақами кўйилди. «Фарғона тазкираси»нинг иккинчи бети бошланганда /1137(1137)/2a/, учинчи бетнинг бошида /1138(1138)/3a/... в.х. рақамлари кўйилди. Ҳар бир бетнинг чап томонидан ўрин олган аслиятнинг бетлари бошланган жода /1б/, /2б/, /3б/... рақамлари кўйилди.

### ТАРЖИМА:

«/1136(1196)/1a/ Тарихий хотиралар (Шижи) 123-боб. Буюк Фарғона тазкираси (Дайюан лечжуан 大宛列傳)<sup>43</sup> 63-боб<sup>44</sup>.

Буюк Фарғона (Дай-юан) ҳақидаги маълумотни<sup>45</sup> [Хитойга] илк бор Чжанг Чян олиб келган.

Чжанг Чян Ханжунг [вилояти]да<sup>46</sup> таваллуд топган бўлиб, у Жяньюан<sup>47</sup> даврида император саройи сокчиси (ланг)<sup>48</sup> лавози-

<sup>43</sup> Дай-юан лечжуан «24 тарих» таркибидағи «Шижи» нинг 1136(1136) /1a/-1146(1146) /21b/ бетларидан ўрин олган.

<sup>44</sup> Хитой атрофидаги мамлакатлар, ҳалқлар, император сулоласига алокадор бўлмаган амалдорлар, олимлар ва босиб олинган ерлар бошликлари ҳақида битилган баёнлар кадимги Хитойнинг расмий адабиётларидағи «Лечжуан» деб номланган охирги қисмига кирилтилган.

<sup>45</sup> Асл матнининг шу жойида келтирилган шарҳда «Дай-юан» атамасидаги «юан» иероглифийаван (iwan) деб талаффуз этилади», деб ёзилган.

<sup>46</sup> Ханжунг (Hanzhong 漢中) – кадимги вилоятнинг номи. У хозирги Шэнси ўлкасининг шарқ томонида жойлашган. Матнда берилган шархга кўра, Чжан Чян ушбу ўлқадаги Чэнгу шаҳрида туғилган.

<sup>47</sup> Жяньюан (Jian-yuan, 建元 русча транскрипцияда Цзяньюань) – Хан сулоласи хоқонининг таҳтга ўтирган дастлабки 5 йиллик даврига, яъни мил.авв. 140-135 йилларга

мига тайинланган. Айни шу даврда Тангри ўғли (Тянзи) асирга олинган ҳұнлардан<sup>49</sup> [улар юртидаги вазият ҳақида] эшитган эди. Мазкур асирларнинг айтишича, ҳұнлар (күнна, зам. ўқ. шюңгү / shiongnu 匈奴 ) Рузие (Юәчжи 月氏 – Ғузер / Оғузер) ҳукмдори (ванг)ни<sup>50</sup> мағлубиятта учратиб, унинг бөш [суягидан] ичимлик ичадиган идиш килиб олдилар; «/1136(1196)/16/ Рузиелеклар узокқа қочдилар, шундан бери [улар] ҳұнлардан ўч олиш ниятида юрибдилар, бироқ буни қандай амалга оширишни билмас эканлар. Хан<sup>51</sup> давлати ҳұн (ху / ху 部)ларни<sup>52</sup> йүқотиши ниятида эди. [Хан императори] буни эшитгандан сүнг, [рузиелекларга] элчи юбормокчи бўлди. [Лекин] йўлда ҳұнлар заминидан<sup>53</sup> ўтиш кераклигини инобатга олиб, бу вазифани бажара оладиган одам излашга киришди ва бунга сарой сокчиси (ланг) Чжанг Чянни лойиқ топди.

[Чжанг Чян] Рузие [мамлакатига] Тангийичжи билан бирга

---

берилган ном бўлиб, у курилишнинг ёки тикланишнинг бошланиши маъносини англатади.

<sup>48</sup> Ланг (郎) – сарой сокчиси маъносини англатади. У аслида ҳукмдорни кузатувчи ва химоя қилувчи (ливан дайцунг ланг) иборасининг қискартирилган шакли эди. Хан сулоласи даврида мазкур лавозим йидал (议郎 – сарой хавфисизлигини таъминлаш бўйича маслаҳатчи сокчи), ҷунглан (中郎 хокон саройнини кузатувчи сокчи), шиланг (侍郎 хавфисизликини таъминловчи сокчи) каби бир неча турга бўлинган [Чжуңгугу лидай гуанччи цидян. 670-б.].

<sup>49</sup> Ҳұн (рус адабиётида қонун, ҳұнну, ғұнны) этноними «Шижи»даги «Фаргона тазкираси»да «шонгнү» (қадим. ўқ. қонна 匈奴) ва ху (қадим. ўқ. ҳу, ку 部) деб иккى хил Ҷылган. Қонену ҳұнлар номининг милав. III асрдан бошлиб ишлатилган хитойча транскрипцияси дидир. Ундан олдинги минг йилдан зиёд давр давомида хитойлар узбу этноминни турли иероглифлар билан транскрипция килгандар [Хўжасеев А. Ҳұнларнинг этник жиҳатдан қадимий туркларга оид эканлиги ҳақидаги хитой манбаларидаға мазлумотлар // «Турон тарихи». № 5, 2002. 10-18-б.].

<sup>50</sup> Ҳұнлар тилида уларнинг ҳукмдори Тангрикут деб номланган эди. Аммо Хан давридаги сарой тарихчилари бу атама ўрнига ўзларининг хитойча «ванг» (王) сўзини ишлатганлар.

<sup>51</sup> Хан – иккинчи марта Хитойни бирлаштирган сулола номи бўлиб, унинг мавжуд бўлган вақти мил.авв. 206-мил. 8 йилларга тўғри келади. Ушбу сулола ағдарилгандан сўнг янгидан ташкил топган сулола (25-220) ҳам ўзини Хан деб атаган. Шу бois айрим холларда Хан атамаси ҳар иккى сулоланинг номи сифатида ишлатилади. Ушбу матида Хан факат биринчи (аввалги) Хан сулоласи номи сифатида кўлланган. Ушбу атамани ёзиш учун ишлатилган иероглиф «эрқак», «азамат», «бакувват киши», «куватли» каби маъноларни англатади. Кейинни даврларда хан сўзи хитой халқининг (миллатининг) номи сифатида ишлатила бошланди.

<sup>52</sup> Ху – хитой манбаларида кенг кўлланган этномин бўлиб, турли даврларда ҳар хил маънода ишлатилган. Бу ҳақда ишимизнинг тадқиқот қисмига каранг.

<sup>53</sup> Хан империяси Туркистонга элчи юборган даврда қадимий Хитойнинг гарбидаги кўп давлатлар, жумладан Шарқий Туркистондаги юртлар, майдо давлатлар ва қабилалар Ҳун хоқонлиги назорати остида эди [Шан Юз. Чунгто лиши гангъюо (Хитой тарихидан қисқача баён). Пекин, 1954. 40-б.].

юборилди. [Тангийичжи] аслида хун зотидан бўлган кул эди, унинг [исми] Ганфу деб аталган<sup>54</sup>. Улар Лунгшидан<sup>55</sup> йўлга чиқиб, ҳуналар [еридан] ўтаётган эди. Ҳуналар бундан хабар топгач, уларни тутиб олиб, Тангрикут (Таний)нинг<sup>56</sup> олдига олиб бордилар. Тангрикут уларни олиб қолиб, «гуз-ер (рузие)ликлар бизга душман бўлиб қолган<sup>57</sup> бўлса, Хан [давлати] нима учун уларга элчи юборишни лозим топди? Агар биз [Хан мамлакати орқали] Юэ<sup>58</sup> [мамлакатига] элчи юбормоқчи бўлсак, бунга Хан рози бўлармиди? деб ўйлаб, [Чжанг] Чянни 10 йилдан ортиқ ушлаб қолди ва уйлантириди. [Шу давр давомида у] ўғиллик ҳам бўлди. Лекин [Чжанг] Чян<sup>59</sup> элчилик ёрлигини йўқотмасдан асраб кўйди. [Вакт ўтиши билан] ҳуналар унинг устидан амалга оширилаётган назоратни бўшаштирилар. Шунда у ўзининг [оила] аъзоларини олиб, рузиеликлар [давлати] томон йўл олди. Фарб томонга караб, бир неча ўн кун юрганидан сўнг, Буюк Фаргона (Дай-юан)га етиб келди. Буюк Фаргона (Дай-юан) Хан [давлати]нинг бойлиги ҳақида эшитиб, унинг билан алоқа боғлаш ниятида турган экан, [Чжанг] Чянни

<sup>54</sup> Ганфу сўзига матн оралиғига берилган шархда «Ху (Hu, Ku, 乎) Тангри кавми (T'ang-i-ēr-zie / Тангий-чжи 堂邑氏)нинг фамилияси, Ганфу – исмидир, дейилган. «Суойи» (素隱 – «Ноанникликларга изохлар») [номли шархлар тўплами]да ёзишича, Ганьфу Тангий туманинадаги бир хонадоннинг хун асири бўлган. Унинг исми Ганфу эди. Кейинки тарихчilar унинг исмидаги Ган сўзини кискартириб, Тангийфу деб аташган. Ган сўзи унини фамилиясига айлантирилган», деб баён этилган.

<sup>55</sup> Лунгши – хозирги Жяңгши (рус транскрипциясида Цзянси) ўлкаси гарбий кисмининг номи.

<sup>56</sup> Ҳуналар хоконининг увони Шанюй (單于) атамасини ифода этган икки иероглиф кадим замонда Таний деб ўқилган. Таний қадимий турк тилидаги «Тангри» сўзининг транскрипцияси бўлган. Ҳуналарнинг урф-одатига кўра, олий ҳукмдор Тангрикут деб номланган. Қадимий Хитой тарихчilari ўзларига кулагай бўлсин учун «қут» сўзини кискартириб ишлатишни одат килганилар. Шунинг учун Таний атамаси Тангрикутнинг кискартирилган транскрипцияси, деб хисоблаш мумкин [Ходжасев А. Из истории древних тюрков... С. 15-16].

<sup>57</sup> Аслигят матнida шимолни билдирувчи «бэй» иероглифи ишлатилган. Шу боис «Фаргона тазкираси»нинг ўйғурча таржимасида ушбу иероглиф «шимол» деб таржима қилинган [Тарихий хотиралар, 487-б.]. Лекин бу нотўгри. Чунки хитой элчиси сафарга отланганида, ғузерликлар (рузиеликлар / юэчжилар) ҳуналарнинг жануби-гарбида, яъни Амударёга якин жойда эди. Бунга ҳуналар яхши билган. Сима Чян «бэй» иероглифини хато ишлаттан, деб ҳам бўлмайди. Ушбу иероглиф кадим замонда «орка томон», «тескари», «қарама-карши», «душман бўлиши» маъноларида ҳам кўп ишлатилган [Ханюй дазидян. I-жилд, 262-б.]. Шунинг учун биз таржимамизда «бэй» иероглифини «душманлашиб колиши» маъносига ишлатдик. Бу тарихий фактларга нисбатан ҳам, мантikan ҳам хато бўлмайди.

<sup>58</sup> Юэ – Хитойнинг жинубидаги мамлакат, яъни хозирги Въетнамининг кискартирилган номи.

<sup>59</sup> Асл матнда Чжанг Чяннинг фамилияси кискартирилиб, биргина исми Чян ёзилган. Таржимамизда уни тўла ёзиши лозим топдик ва фамилиясини катта қавс ичига олдик.

кўриб, хурсанд бўлиб, /1137(113)/2а/ «мақсадларинг нима?», деб сўради.

[Чжанг] Чян «Мен Хан [сулоласи]нинг Рузие [юргига] юборилган элчисиман, лекин ҳунлар йўлимни тўсиб кўйди, энди мен ўз вазифамни бажармоқчиман, агар хукмдор одам ажратиб, мени кузатиб қўйсалар ва мен Ханга эсон-омон қайтиб бора олсан, [Хан императори] хукмдор олийларига қимматбаҳо буюмлар инъом этиб, ташаккур билдиради», деб жавоб берди. Буюк Фаргона (Дай-юан) [хони] илтимосини бажо келтириб, уни сафар учун зарур нарсалар билан таъминлаб, Кангкия<sup>60</sup> давлатига етказди. Кангкия эса [Чжанг Чянни] Улуғ Рузиега<sup>61</sup> кузатиб кўйди.

Улуғ Фузер хукмдори (ванг 王) ҳунлар (ху / ху 胡) томонидан ўлдирилгандан сўнг, унинг ўрнига ўғли<sup>62</sup> хукмдор этиб тайинланган эди. Кейин [у] Бактрия (Дайғиа / Дашия)<sup>63</sup>

<sup>60</sup> Кангкия (Kangkia, К'аңкія 廉居, зам. ўк. Kang-jū, рус адабиётида Кангюй, замонавий хитойча талаффуда Канжюй, К. Шониёзов асарларида Қанг - мил.авв. III асрдан мил. V асрнинг ўртасигача мавжуд бўлган давлатнинг номи. Бу ҳақда ишимишининг тадқиқот кисмидаги батафсил маълумот келтирилган.

<sup>61</sup> Улуғ Фузер (Дай-рузие / рус адабиётидаги Даюэци / 大月氏) давлати таҳминнан мил.авв. 129-128 йилларда Амударёнинг жанубида ташкил топган бўлиб, унинг маркази Афғонистондаги Балх шаҳрининг шимол томонидаги жойлашган «Боло-Хиссор» («Balal-Hisar») шаҳри хисобланган [Ходжаев А. Из истории древних тюрков... Алматинское изд. С. 188, 191-199].

<sup>62</sup> Аслиятнинг шу жойида келтирилган Шюй Гуанг (徐廣) ёзган шархига кўра, ўлдирилган гузерликлар (рузиеликлар / юзчиши) хукмдори ўрнига унинг хотини тайинланган. Ханшунинг «Чжанг Чян тазкираси» (Чжанг Чян чжуан) номли бобида келтирилган «Суййин» (索隱 – «Ноаникликларга изоҳлар») номли шарҳлар тўпламида ёзилишича ҳам, гузерликлар (рузиеликлар) таҳтига ҳунлар томонидан ўлдирилган хукмдорнинг хотини ўтирган. Биз ишлатаётган «24 тарихонинг иккичи жилди – «Ханшуннинг «Чжанг Чян тазкираси»нинг ўқиб кўрганимизда, ушбу маълумотни учратдик. Чунончи, бу манбада «ҳунлар улуг гузерликлар (дай-рузиеликлар) хукмдорини катл этиб, унинг рафиқасинин хукмдор килиб тайинлади» (大月氏王已爲胡所殺立其夫人爲王), деб ёзилган. [Ханшу. 1357(749)/16/-6]. Аммо бу маълумотни хато деб бўлмайди. Чунки гузерликлар (рузиеликлар) хукмдорнинг ўлдирилиши ва унинг ўрнига рафиқасининг таҳтга ўтказилиши мил.авв. 176 йилдан олдин содир бўлган. Бактрияни гузерликлар (рузиеликлар) томонидан забт этилиши эса мил.авв. 130 йилга тўтири келади. Бу ораликдаги 50 йилдан ортига давр ичада гузерликлар (рузиеликлар)га етакчилик килишга она қарип, унинг ўрнини ўғли эгаллаган бўлиши керак. Шу боис аслият матнида гузерликлар (рузиеликлар)га ҳунлар томонидан ўлдирилган хукмдорнинг ўғли етакчилик кўйланлигининг баён этилиши ҳақикатдан узоқ эмас.

<sup>63</sup> Дайғиа (Daiyia, D а іў а, D а ўа, зам. ўк. Даши, русча транскрипцияда Дася 大夏) Н.Я.Бичурин асарларида Даҳя ёзилган ва у Тухуло (Тухоло), Юнон-Бактрия (Греко-Бактрия) билан идентификация этилади. «История государственности Узбекистана» номли асарда Дайғиа (Даши) топоними Н.Я.Бичурин таклиф этган «Даҳя» шаклида ёзилган [Карант: История государственности Узбекистана... Т.1. С. 173, 211-213 и др.]. Топонимнинг бундай ёзилиши унинг замонавий ўқилишига ҳам, кадимий ўқилишига ҳам тўғри келмайди. Хитойнинг «Шинжянг лиши цидян» номли лугатида ёзилишича, Даши давлат номи бўлиб, у Бактрия ёки Тухористон атамаларининг

эгаллаб олиб, [унга] ҳукмронлик қилди (既臣大夏而居)<sup>64</sup>. [Бактрияниң ерлари] серхосил, ўғирлик кам учрайди, [халқ] хаёти тинч. Унинг устига [ушбу мамлакат] Хан [давлатидан] узокда эканлиги сабабли [Фузер / Рузие / Юәзчи ҳукмдори] ҳүнлардан (ху / ху 胡) ўч олиш ниятидан қайтган экан. [Чжанг] Чян Рузие (月氏)дан<sup>65</sup> чиқиб /1137(1137)/2б/, Бактрия (Дайгия / Дашия)га борди. Аммо [бу ердаги] рузиеликлардан жавоб ёрлигини ололмади. [Чжанг Чян бу мамлакатда] бир йилдан ортиқ туриб, Жанубий төф (Наншан)<sup>66</sup> ва қианг (чянг 羌)лар<sup>67</sup> [юрги] орқали юриб, ватанига қайтмокчи бўлди. [Лекин] яна ҳүнларнинг кўлига тушиб қолди. Бир йилдан кўпроқ тутқинликда турганидан сўнг, Тангрикут

---

оҳанг таржимасидан иборатdir [Шинжянг лиши цидян (Шинжянг тарихининг лугати). Урумчи, 1994. 17-б.]. Аммо талаффуз жиҳатидан олганда, Дашия, Дайгия бу икки топонимнинг ўқилишига яқин келмайди. Шу сабабли, гарчи худудий жиҳатдан бу топонимлар бир заминнинг турли номлари бўлсада, хитой манбаларида бу мамлакат нима учун Дайгия (Дашия) деб номланган, деган савол очик колмоқда. «Дай» (да 大) иероглифининг лугавий маъноси «сулуг», «катта», иккичи «шя» (ся) иероглифи эса «ёз», «булоқ», «скатта иморат» маъноларини англатади. Кўп қаватли катта иморатни Дашия (айрим хитой шеваларида Даса) деб аташ одати хозирги замон хитой тилида ҳам мавжуд. Шундан келиб чиқиб, эхтимол, Бактрия сўзи ҳам шундай маънога эгадир, деган фикрга келиш мумкин. Лекин хитой адабиётida бошқа бир кизикарли маълумот ҳам келтирилади. Чунонча, «Гудай Шинжянг шиши жи» (Шинжянгнинг қадимги тарихида ўтган воесалар хотириаси) номли асарда зикр этилишича, мил.авв. III асрда Шаркий Туркистоннинг Керия (Чемо) ва Хўтсан вилоятларида яшаган ва Дайгия деб номланган ҳалқ Бактрияга кўчиб борган [Гудай Синъцян шиши жи. Пекин, 1988. 3-б.]. Мазкур маълумотта асосланганда, хитой манбаларидаги Дашия топоними айнан шу ҳалқ номидан келиб чиқсан бўлиши мумкин, деган фикр келиб чиқади. *Дайгия (дашия)* утномини маҳаллий ҳалқ тилида дайш, дайс, даг, дага деб талаффуз этилганиги эхтимолдан холиэмас.

<sup>64</sup> Аслият матнининг шу жойида «жой (居 – жойлашиш, яшаш) сўзини ҳукмронлик килиш маъносига тушуниш лозим. Чунки рузиеликлар Бактрия (Дашия)ни ўзларига тобе килиб олган эди, Дашия эса Амударё (Киwa-çwæi, зам. ўқ. Gui-shui 鳴水 – Oxus)нинг жанубида жойлашган, деб ёзилган.

<sup>65</sup> Аслиятнинг ушбу жойида Рузие мамлакат номи, яъни гузерликлар (ruzgeliqlar)нинг юрти маъносига ишлатилганиги таъкидланган.

<sup>66</sup> Нан-шав (南山) сўзи «Жанубий төф» маъносини англатади. Матнда келтирилган шархга кўра, ушбу төг Жиннг (京) вилоятининг жанубида жойлашган. Шаркда у Хуашан (华山) тогига бориб тақалади.

<sup>67</sup> Хитой манбаларида چянг (кадим. ўқ. қианг) деб ўқилган иероглиф бундан 4 минг йил аввалги тош ва суюкларга ёзиб колдирилган битикларда учрайди. Шу даврда хитойлар ўзларидан гарб томонда яшаган барча ҳалкларни қянг деб аташган. Хитойнинг тарихий энциклопедиясида «Чянглар қадимги рунгларнинг бир кисмидир», деб ёзилган [Чжунгтуду даражасиз чиоаншу. Чжунгту лиши (Хитойнинг катта энциклопедияси. Хитой тарихи). Пекин, 1997. 499-б.]. Ушбу энциклопедияяда ёзилишича, мил.авв. 206-мил. 8 йилларда мавжуд бўлган Фарбий Хан (Ши-Хан) ёки Аввалги Хан (Чян-Хан) даврида چянглар ҳүнларга итоат қилган.

(Таний) вафот қилди. [Шунда] шарқий вилоят<sup>68</sup> ҳокими Күклис<sup>69</sup> валиаҳдга қарши уруш килиб, таҳтни эгаллаб олди. Давлат ичидә түполон бошланди. [Фурсатдан фойдаланиб, Чжанг] Чян ҳұнлардан (ху / ху 古) бўлған хотини ва Тангийифу билан бирга Хан [мамлакати]га қочиб келди. Хан [император У-ди] Чжанг Чянга тайчжунг дафу<sup>70</sup>, Тангийифуга эса шижюн (элчи ёрдамчиси)<sup>71</sup> лавозимини инъом этди.

Чжанг Чян қайсар, [лекин] кенг күнгили ва одамларга ишонувчан, ёввойиларни хурмат қиласидиган инсон эди. Тангийифу ҳұнлардан бўлиб, у ўқ-ёй отишга мохир, зарур бўлганда, овчилик килиб, хайвонлар ушлаб, овқат тайёрлашни билар эди.

/1137(113)/3a/ [Чжанг] Чян йўлга отланганда, ёнида юздан ортиқ одам бор эди. 13 йилдан кейин иккитагина киши билан [ватанига] қайтиб келди. [Чжанг] Чян шахсан ўзи Буюк Фарғона (Дай-юан), Улуғ Ғузер (Дай-рузие / Да-юэчжи), Бақтрия (Дайғиа / Дашя), Кангкия (Кангжюй – Қангқия, Қангха) каби давлатларни зиёрат қилган. Қолган атрофдаги 5-6 давлатнинг ахволини сўраб-суриштириб олган. Кўлга киритган барча маълумотларни Тангри ўғли (Тянзи)га сўзлаб берган. Унинг сўзига қараганда, Буюк Фарғона (Дай-юан) ҳұнларнинг жануби гарбида ёки Хан [мамлакатининг] роппа-роса гарбида ва ундан 10 минг ли (5760 км) йирокликда жойлашган. Улар [фарғоналиклар] дехқончилик билан шуғулланишади, шоли ва буғдой экишади, узумдан шароб тайёрлашади. [Уларда] баданидан қонсимон тер чиқадаган зотли отлар кўп экан. Аслида ушбу отлар Тангри отларидан тарқалган экан.

[Фарғона мамлакатида] деворлар билан ўралган шаҳарлар ва

<sup>68</sup> Матида «сўл кўл ҳокими» («зуованг») деб берилган. Қадимда ҳитойлар шаркни зуо (左 сўл), гарбни ю (右), деб атаганилар. Шу боис «сўл кўл ҳокими» деган сўзни «шаркний вилоят ҳокими» деб таржима килиш тўғри бўлади.

<sup>69</sup> Кўклис (Kok-lic, Kuk-lic, зам. ўқ. Гули).

<sup>70</sup> Тайчжунг дафу (太中大夫) – мил.авв. III асрда, яни Чин (қадимий ўқилиши Диен) сулоласи даврида таъсис этилган ва Хан сулоласи даврида кўлланилган ҳарбий ахамиятта эга бўлмаган сарой маслаҳатчилари лавозимининг номи [Чжунгтуо лидай гуанчжи цидян. 152-б.]. Уйгурча таржималарда «кенгаша бериги» деб берилган.

<sup>71</sup> Шижюн (使君) – Хитой хокони буйргуи билан элчилик вазифасини бажарганларга берилган фахрий уйнов [Чжунгтуо лидай гуанчжи цидян. 625-б.]. Уйгурча таржималарда «гуломбек» деб берилган [Тарихий хотиралар. 519-б.]

хұжралардан ташкил топған иморатлар мавжуд. Унинг [Буюк Фарғонанинг] худудида 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳар ва кишлоқлар<sup>72</sup> жойлашган. Шаҳар ақолиси бир неча юз мингдан ошади, лашкарлари ўқ-ёй, наиза, қалқонлар билан қуролланған чавандозлардан иборат. Унинг [Фарғона давлатининг] шимолда Кангқия, ғарбда Улуғ Ғузер (Дай-руzie), жануби-ғарбида Бақтрия (Дайғиа / Дашия), шимоли-шарқда Асуэн (Asuən 烏孙)<sup>73</sup>, шарқда Дандон (γαν-μιει, зам. ўқ. Han-mi 扌采), Хұтан (үіwa-dien / Ғивадян, зам. ўқ. Yu-tian / Юйтян 于闐) жойлашган. /1137(113)/36/ Хұтан (Юйтян)нинг ғарбидаги дарёлар ғарбға қараб оқиб, Ғарбий денгиз (Шихай)га<sup>74</sup>, шарқдаги дарёлар шарққа оқиб, Шўркўл (Лобнор)га куйилар экан. Шўркўлнинг суви ер остидан оқар экан. Унинг [Шўркўлнинг] жанубида дарёнинг бошланиши бўлиб чиқар экан<sup>75</sup>. У ерда қоштоши (нефрит)<sup>76</sup> кўп экан. Крурон (Лоулан)<sup>77</sup>, Кус (Гуши) шаҳар-

<sup>72</sup> Асл матида йи (yī 邑) иероглифи ишлатилган. Қадимда ушбу сўз деворлар билан ўрдамаган кичиган шаҳар маъносиде кўлланған.

<sup>73</sup> Асуэн (Asuən, Usuən деб ҳам талаффуз этилган, зам. ўқ. Усун, русча транскрипцияда Усунь – мамлакат ва ҳалқ номи сифатида ишлатилган. Адабиётларда ушбу атаманинг Уйсун, Уйшун деб ёзилиши учраб туради.

<sup>74</sup> Шихай (西海) – Орол денгизи кўзда тутилган.

<sup>75</sup> Ушбу жумла аслиядта «Яңицә цяншинг диция чи наан цзэ хъюан чуя» (鹽澤潛行地下其南則河源出焉), деб ёзилган. Қўрниб турвидики, бу маълумотдаги дарё кайси дарё эканлиги аник кўрсатилмаган. Шу боис олимлар орасида бу дарё ҳақида турли фикрлар пайдо бўлган. Маълумотнинг мазмуни уйгурчага «Лобнорнинг суви ер тагида яширин оқар экан. Яширин оқимнинг охири Хуангхэ дарёсининг бошланиши экан», деб таржима килинган [Тарихий хотиралар. 490-б.]. Н.Я.Бичуриннинг таржимасида бу маълумот «Соляное озеро пребирается под землю, и на юге производит истоки Желтой реки», деб ёзилган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений...Алматинское изд. Т. 2. С. 154]. Ҳар иккى таржимада «дарё» сўзи Хуангхэ (Сарик дарё) билан таққосланган. Аммо асл матиннинг шу маълумотга берилган шарҳида ушбу дарё Хуангхэ дарёси эканлиги айтилмаган. Аксинча, Лобнор кўлига кўйиладиган дарёнинг иккита бошланиши кисми мавзудлиги, буларнинг бири Помирдан, иккинчиси Кўйилун (Кунлун) ва Юйтяндан бошланилиги айтилган. Мантиқада олиб қараганды ҳам, шарқ томонидаги Лобнор кўлига кўйиладиган дарёнинг бошланиш жойи билан Хуангхэ дарёсининг бошланиш жойи оралигига төглардан иборат бўлган ниҳоятда катта масофа мавжуд. Шунинг учун бу маълумотдаги дарёни Хуангхэ дарёсига таъкослаб бўлмайди. Уни Торим дарёсининг шарқий кисми деб тушуниш ҳақиқатга яқин келади.

<sup>76</sup> Қоштоши (нефрит) хитойча юши (yushi 玉石) деб ўқилади. Қадим замонда хитойлар ушбу тошни бойлик мезони, хоснитли ва омад келтирувчи тош деб билишган. Шу боис Хитойда уни кўп микдорда импорт килишган, ундан идиш-товоклар, зеб-зийнат буюмларини ясаш кенг тарқалган.

<sup>77</sup> Крурон (Круона, Круорон, Кюорон) милоддан анча вакт олдин Буюк ипак йўлида мавжуд бўлган давлатларнинг бири. Хитой манбаларида «Лоулан-гуо» деб ёзилади. Ушбу давлат Шаркий Туркистонининг шарқ томонидаги Лобнор кўли бўйи ва унинг жануб томонига тўғри келади. Қадим замонларда у ердан ўтган савдо йўли серкантнов бўлган. Мавжуд маълумотларга кўра, мазкур давлатнинг маркази Крурон шаҳри хисобланган. Аммо бошқа фикрлар ҳам йўқ эмас [Хўжаев А. Буюк ипак йўли: ... 114-119-

ларыда шаҳар деворлари бор, улар Шўркўлга қараб туради. Шўркўл Чангъандан 5 минг ли (2880 км) нарида жойлашган.

Хунларнинг ўнг томони Шўркўлга бориб тақалади, шарқ томони Лунгшидан ўтадиган /1138(1138)/4a/ Буюк хитой деворига<sup>78</sup> етиб боради, жанубий томони кянлар (чянглар) [юрти] билан туташган. [Шунинг учун] улар Хан [давлатидан гарб томонга борадиган] йўлни тўсиб туради.

Асуэн (Усун) Буюк Фаргона (Дай-юан)нинг шимолишарқида таҳминан 2000 ли (1076 км) нарида жойлашган чорва билан шуғулланувчи давлатдир<sup>79</sup>. [Асуэн одамларининг] урф-одатлари ҳунлардан фарқ қилмайди. [Ушбу давлатнинг] бир неча ўн минг ўқ-ёй отувчилари бор, [улар] жанговар, кўпдан бери ҳунлар итоатида бўлган, кучайганидан кейин ҳам уларга [ҳунларга] тобе бўлиб, [Хан] саройи билан алоқа қилмаган.

Канткия Буюк Фаргона (Дай-юан)нинг шимолигарбида 2000 ли (1152 км) нарида жойлашган кўчманчилар давлатидир. [Бу давлат аҳолисининг] урф-одатлари гуз-ерликларга (рузиеларга / юэчжиларга) жуда ўхшайди. 80-90 мингта яқин ўқ-ёй отувчилари бўлиб, у Буюк Фаргона (Дай-юан)га кўшни давлат ҳисобланади. [Лекин ушбу] давлат кучсиз бўлганлиги туфайли жанубда Фузер (Рузие / Юэчжи), шарқда Хун [давлатлари] таъсири остида туради.

---

б.]. 1900-1901 йилларда швед археологи Свен Хедин (Sven Hedin, хитой адабиётида Сивэ Хэдин) биринчи бўлиб кадимий Крурон шахрининг ўрнини топишга сазовор бўлди. У мазкур шаҳар ўрнидан топилган хужжатларда «Крўраина» («Крогайна») деган сўз борлигидан келиб чиқиб, хитой манбаларидаги Лоулан айнан шу сўзининг транскрипцияси, деган хуласага келган. Ушбу хуласани кўпчилик олимлар кўллаб-куватлаб келмоқда [Мэн Фанрен. Лоулан синши (Круроннинг янги тарихи). Санхесян. 1990. 4-б.].

<sup>78</sup> Буюк хитой девори аслиятда «Чангчэнг» (長城, 长城), яъни «Узун девор» деб номланган.

<sup>79</sup> Аслиятда Асуэн (Усун) давлати «шингтуо» (行国) деб ўқиладиган иероглифлар билан ифодаланган. Одатда ушбу сўздаги «шинг» иероглифи «фориши» маъносидаги ишлатилади. Шунга асосан тарихчилар мазкур сўзни кўчманчи давлат деб тушунишган. Бу ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Чунки ушбу иероглиф «санг», «сэнг» деб ҳам ўқилади ва «касб», «сунар», «машигулот» маъносини ҳам англатади [Ханой дазидик. 2-жилд, 811-813-б.]. Фузер (Рузие / Юэчжи), Асуэн (Усун) давлатларида аҳолиси маълум бир худудда ҳаракат килган ва маҳаллий шароитта мослашган холда чорва билан шугулланган. Улар ёзда молларини ўз худуди донрасидаги яйловларда боксан. Яйловлар эса кабилалар, уруглар ва оиласлар ўртасида бўлинган. Рузие ва Асуэн давлатлари худудида шаҳарлар мавжуд бўлган. Шуларга кўра мазкур мамлакатларни чорва билан шугулланувчи давлат деб тушуниш тўғри бўлади. «Цихай» номли энциклопедик лугатда ҳам «шингтуо (行国) «корувчилар давлати», яъни чорва билан шугулланувчи давлат демакдир, деб таърифланган [Цихай. 796-б.].

Йамтсат (Yam-tsat, Yem-tsat Янцай 奄蔡)<sup>80</sup> Кангкия давлатининг шимоли-гарбидан 2000 ли (1152 км) келадиган кўчманчи, чорвадор эл, урф-одатлари асосан кангкияликларга ўхшайди, 100 мингдан ортиқ ўқ-ёй отувчилари бор, ери қояли кирғоги бўлмаган катта дengiz бўйида жойлашган. [Ушбу денгиз] Шимолий денгиз (Бэйхай) деб аталади<sup>81</sup>. /1138(1138)/46/ Улуғ Fузер (Дай-рузие / Да-юэчжи)<sup>82</sup> Буюк Фарғона (Дай-юан)нинг гарбидан 2000-3000 ли (1152-1728 км) келадиган ва Амударёнинг (Kiwa-shiwei / Гуйшуй 鳩水) шимолида жойлашган бўлиб, унинг жанубида Бақтрия (Дайғия / Дашия), гарбida Парфия (Ансиек / Ansiək 安息)<sup>83</sup>, шимолида Кангкия давлати мавжуд эди. У [Улуғ Fузер] чорвачилик билан шуғулланувчи давлат бўлганлиги учун [унинг фуқаролари] сув ва ўт-ўлан мўл жойга кўчib юришади. Урф-одатлари ҳуналардан фарқ килмайди. Бир-икки юз минг ўқ-ёй отувчилари бор. Қадим замонда қудратли бўлиб, ҳуналарни менсимас эди. Маодун тахтга ўтирганидан сўнг [ҳуналар] Fузер (Рузие / Юэчжи)га хужум қилиб, [унинг устидан] ғалаба қилди. Лаошанг (老上) Тангрикут эса Fузер (Рузие / Юэчжи) хукмдорини ўлдириб, унинг бош суюгидан ичимлик

<sup>80</sup> Йамтсат ёки Йемтсат (Yam-tsat, Yem-tsat) рус тилидаги адабиётларда Янцай – давлат номидир. Қадим замонда Кангкия давлатига итоат қилган. ХХРда уйгур тилида нашр этилган китобларда ушбу атама асоси кўрсатилмаган холда Аурсу, Аурси деб ёзилган. Асл матнда ушбу атамага берилган изоҳда Янцай japsu, dzapsu, hesu, kiesu (闐蘇 зам. ўқ hesu) деб ҳам номланганлиги ёзилган. Шунинг учун бизнинг таржималаримизда Янцай топонимининг қадимиги талафузи ишлатилди.

<sup>81</sup> Бу жода Шимолий денгиз (Бэйхай 北海) Каспий денгизига тўғри келади. Н.Я.Бичурин ҳам шундай фикрни айтган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Московское изд. Т. 2. С. 150].

<sup>82</sup> Матиннинг шу жойида «Дай-рузие» («Да-юэчжи») сўзига Танг даври (618-907)да хаёт кечирган ва «Шижжа»га изоҳлар ёзган тарихчи Чжан Шоужиненинг (яшаган йиллари номаълум) шархи берилган. Унда «Ванчжэн наңчжуо чжи» (萬震南州志 – «Жанубий ўлкаларда содир бўлган воқеалар баён») номли асарга ишора килинган холда қўйидаги маълумотлар келтирилган: «Дай-рузие давлати Хиндистоннинг (Тянтизук / T'ien-tiouk / зам. ўқ. Тянчжу 天竺) шимолида, 7 минг ли (4032 км) нарида жойлашган бўлиб, унинг ерлари баландлик, хавоси қуруқидир. Давлатнинг ҳукмдорини Тангри ўғли (Гязи / Тяньцы 天子) деб аташади. Бу мамлакатда от миниб юрувчилар сони бир неча ўн минг кишидан ортиқ. Шаҳар деворлари ва саройлар Қадимги Рим (Дайдзиен / Дачин 大秦 – Буюк Чин) давлатидагиларга ўхшайди. Одамлари танасининг ранги кизгиш-оқ, отда юриб, камон отишни яхши билишади. Аммо у ерда ўсадиган ўсимликлар топилган кимматбаҳо буюмлар Хиндистонникидан ҳам яхши. «Канг Чин гую чжуан» (康秦國傳 – «Канг ва Чин давлатлари тазкираси») номли асарда баён этилишича, Осмон тагида уч мамлакат мавжуд бўлса, улардан бирин – Хитой (Чжунггуо) – одам кўплиги билан, иккинчиси – Буюк Дзиен (Дачин, қадим. ўқ. Дайдзиен) – кимматбаҳо буюмлари билан, учинчиси – Fузер (Рузие / Юэчжи) – отлари билан машҳурдир».

<sup>83</sup> Ансиек (Ansiək, Ansiak, зам. ўқ. Аниши / Аньси 安息) – давлат номи бўлиб, у уйгурча таржималарда «Аршак» деб ёзилган. Хитой олимларининг ёзишича, Ансиек (Аниши) Arsakiden топонимининг хитойча транскрипцияси [Шиной диминг каолу. 69-].

иначидиган идиш килиб олди. Аслида гуз-ерликлар (юэчжилар) Дунхуанг билан Чилян тоглари<sup>84</sup> оралигыда яшаган<sup>85</sup>. Ҳүнлардан (күнна / шюнгнү 匈奴) мағлубиятта учрагандан сүнг, узокқа кетган. Фаргона (Юан) [давлати]дан ўтгандан кейин, Бактрия (Дайғиа / Дашия)га хужум килиб, [у ерни] эгаллаб олган. Маълум бир вақт ўтгач, Амударёнинг шимолида хукмдор саройи (ду 都) барпо этган. Уларнинг [рузиелликларнинг] узокқа кетолмай қолган озроқ кисми Нан-шанда (Жанубий тогда)<sup>86</sup> қолиб жон саклаган. Кианглар (чянг) //1138(1138)/5a/ буларни кичик рузие (шяо-рузие / шяо-юэчжи 小月氏) деб аташган.

Парфия (Ансиек / зам. ўқ. Анши 安息) Улуғ Рузиенинг (Дай-рузие / Да-юэчжи) [давлатининг] жануби-гарбида тахминан бир неча минг ли нарида жойлашган. Ундаги халқ ўтроқлашган бўлиб, шоли, буғдой экади, узумдан шароб тайёрлайди, шаҳар ва шаҳарчалалари (чэнг йи 城邑) Буюк Фаргона (Дайюан) [шаҳарлари]га ўхшайди. Унинг худудида катта-кичик бир неча юз шаҳар мавжуд. [Парфия давлатининг] ер майдони бир неча минг квадрат ли (576 кв. км) бўлиб, [гарбий мамлакатлар орасида] энг каттаси ҳисобланади ва у Амударё (Кивашивей / Гүйшуй / Gui-shui 嫣水, 勤水 – Oxus)га<sup>87</sup> тақалиб туради, бозорларида одамлар савдолашади, [савдогарлар] атрофдаги давлатларга ёки бир неча минг ли йирокдаги жойларга арава ёки

<sup>84</sup> Ушбу матининг уйғурча таржимасида Чилян тоги Тянь-Шан (Тангритог) тоги деб кўрсатилган. Хитойча энциклопедик лугатларда, жумладан «Цихай»да Чилян тоги Хэси ўйлагининг жанубида ёки Чингхай ўлкасининг шимоли-шарқида жойлашган тог, у Нан-шан (Жанубий тог) деб ҳам аталади, дейилган [Цихай. 1577-б.]. Ҳозирги Урумчи шаҳрига якин жойда ҳам Нан-шан деб номланган тог мавжуд бўлиб, у Тангритогининг ўтга кисми ҳисобланади. Колаверса, Тангритогни қадимда ҳитойлар Чилян-шан (Цилин-шан) деб аташган. Бу эса Тян-шан топонимининг қадимги талаффузидир. Қадимда ҳитойлар ҳозирги Ганьсу ўлкаси жанубидаги Чилян-шан-шан билан Тян-шани бир тог тизими деб билишган. Кейинчалик ушбу тог тизимишнинг шарқ томони Чилян-шан-шан, гарб томони Тян-шан деб аталадиган бўлган. Шунинг учун мазкур матнадаги Чилян-шан-шани Тангритог деб билмок ҳакикатта якин бўлади.

<sup>85</sup> Матининг ушбу жойида келтирилган шарҳда шундай ёзилган: «Дастлаб Ғузер (Рузе / Юэчжи)лар Дунхуангнинг шарқ томонида ва Чилян тогининг гарбида яшаган. Дунхуанг ҳозир Шачжоу (Кўмли вилоят маъносини англатади) деб аталади, Чилян тоги Ганчжоунинг жануби-гарбида жойлашган». Ушбу шарҳдаги Ганчжоу ҳозирги Ганьсу ўлкасидағи Чжанғие вилоитига тўгри келади. Бизнинг тадиқотларимизда «Дунхуанг» ва «Чилян» тоглари Тангритог (Тян-шан)нинг Шаркий Туркистон кисмидаги жойлашганилиги таъкидлаб ўтилган [Ходжасаев А. Из истории древних тюрков... С. 95-153].

<sup>86</sup> Нан-шан (南山 – Жанубий тог) топоними ҳакида юкорида сўз юриттилди. Аммо бу ердаги жанубий тог ҳозирги Урумчи шаҳри якинидаги Нан-шан бўлиши керак.

<sup>87</sup> Шиной диминг каолу. С. 332.

кемаларда боришиади. Бу давлатда хукмдорларнинг бош сурати туширилган кумуш танга ишлатилади. Хукмдор оламдан ўтса, янги хукмдорнинг бош сурати туширилган янги танга зарб эттирилади. Териларга қатор қилиб ёзилган ёзувлар билан китоблар битилади. //1138(1138)/56/ Уларнинг ғарбида Тазик (Диеужие / Тяочжи<sup>88</sup>), шимолида Йамтсат (Янцай) ва Рим (Лишюан / Лисюоан 黎軒)<sup>89</sup> жойлашган.

//1139(1139)/6а/ Тазик (Тяочжи 條枝) Ансиек (Анши) нинг ғарбида бир неча минг ли нарида жойлашган бўлиб, [унинг худуди] Ғарбий дengиз (Шихай 西海)га<sup>90</sup> бориб тақалади,

<sup>88</sup> Диеужие (Dieu-jie, Diéu-jie 條枝, зам. талаф. Tiaozhi / Тяочжи) давлат ва халқ номи. Вэй [сулоласи] тарихида (Вэйшу) «Персия давлати (Bosi-guo 波斯国) ... қадимги Диеужие давлати (Tiaozhi-guo 條支国)дир. ...унинг тили ва ёзуви туркларнидан катта фарқ қиласди», деб ёзилган [Вэйшу. 9702(1320)-б.]. Айрим хитой манбаларда «Тяочжи» топоними Тяовэн (қадимги ўқилища Диев-мивен) деб ҳам ёзилади. «Тяочжи» дengиз бўйида, унинг марказий шахри эса баландликда жойлашган. Унга факат бир томондан борадиган йўл бор, колган уч томондан йўл йўқ. Тяочжининг пулида (тангасида) бир одамнинг боши аке эттирилган [Тунгдян (Конун-коидалар ва урф-одатлар баённи) З жилдан иборат. Чангша, 1995. 3-жилд, 2732-2733-б.].

«Шихай»да ёзилишича, Тяочжи давлат ва ер номи бўлиб, у хозирги Ирок худудида бўлган. Мил. 97 йилда ушбу мамлакатга хитой элчиси Ган Йин келиб кетган [Цихай. 836-б.]. Шинжянг тархи лугати (Шинжянг лиши цидян) номли лугатда ушбу атама Тигр ва Евфрат дарёларининг куйи оқимидағи жой номидир, деб кўрсатилган [Шинжянг лиши цидян. 303-б.].

«Шижи» даги Фарғонага онд маълумотларнинг уйгурча таржимасида «Тяочжи» атамасига берилган шархда у «тожик», «тазик» сўзининг хитойча транскрипцияси эканлиги ва у арабларнинг «той» қабиласи номидан келиб чиккалиги ёзилган. Шу билан бирга мазкур шархда туркй тилда сўзлашувчи қабилалар гарб томондан келган араб мусулмонларни «тазик» деб аташганилиги, хитойлар эса буларни «дайдзиек» (зам. ўқ. дации 大食), тяочжи деб номлаганилиги, кейинчалик гарб томондан келган ва форсий тилда сўзлашганиларнинг ҳаммаси маҳаллий халқ тилида тажик деб атагланлиги айтилган [Тарихий хотиралар. 521-б.].

<sup>89</sup> Матнда берилган шархда Лишюан (Лишян деб ҳам ўқиласи), Хан [сулоласи] тарихида Лижян (黎健) деб ёзилган. Бу Дайдзиен (зам. ўқ. Дачин 大秦) давлати демакдир. Ушбу давлат Гарбий дengизининг (Каспий дengизи) гарб томонида жойлашган, деб айтилган. Н.Я.Бичурин таржимасида Лишюан топоними «Лигань» деб транскрипцияни килинган ва унга шарх берилмаган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С. 155]. «Цихай»да ёзилишича, Дачин ва Лишюан синонимлар бўлиб, улар Рим давлатининг хар хил хитойча номларидир. Мил. 395 йилда Рим давлати бўлинниб кетганидан сўнг, Дачин Шаркий Рим давлатининг номи сифатида ишлатилган [Цихай. 625-б.]. Лишюан (Лисян) топоними Румнинг хитойча номи эканлиги «Фарғона тазкирасининг уйгурча таржимасига берилган 19 рақами шархда хам кўрсатилган [Тарихий хотиралар. 521-б.].

<sup>90</sup> Бу ерда Шихай (руссча транскрипцияда Шихай 西海 – Ғарбий дengиз) Ўрга ер дengизи маъносида ишлатилган. Н.Я.Бичурин хам шундай кўрсатган. Манткан олиб караганда хам, Ансининг гарбида ундан бир неча минг ли (1 ли = 576 м) наридаги дengиз Каспий ёки Орол бўлиши мумкин эмас. Умуман олганда, қадим замонда хитойлар дengизлар хакида аник маълумотларга эга бўлмаганилиги боис ўз мамлакатларнинг гарб томонидаги дengизларни, жумладан Форс кўрфази, Қизил дengиз ва бошқаларни Шихай деб аташган [Цихай. 1832-б.]. Матнининг маъносидан келиб чикмасдан, Шихай атамасини Каспий ёки Орол дengизи деб тушуниб бўлмайди.

иқлими иссиқ, ҳавоси нам, [одамлари] дәхқончилик қиласы, гуруч экади. [У мамлакатда] бир катта күш бор экан, тұхумининг иириклиги құшалоқ муштдек келади. Ахолиси катта, күпинча майда амалдорлар орқали идора қилинади. Аңсик (Анши) ажнабийларга итоат қиласы, [унинг одамлари] сөхграр келади. Аңсик (Анши 安息)даги қарияларнинг айтишига кўра, Тазик (Тяочжи) [мамлакати]да Риоук дарёси (Riouk-shui, зам. ўқ. Рӯшуй /Ro-shui 弱水) ва Шивангму (西王母 – «Ғарбий ҳукмдор-она» демакдир – А.Х.) бор, лекин уларни ҳеч ким кўрмаган, деб хикоя қилишади.

/1139(1139)/6b/ Бактрия (Дайгия / Дашия) Буюк Фаргона (Дай-юан) [давлати]нинг жануби-ғарбида 2000 ли (1152 км)дан кўпроқ масофа нарида ва Амударё (Гишуй 鮑水)нинг жанубида жойлашган. Ушбу мамлакат [аҳолиси] дәхқончилик билан шуғулланади, деворлар билан ўралган шаҳарлар ва иморатлар мавжуд. Урф-одатлари Буюк Фаргона (Дай-юан)дан фарқ қилмайди, олий ҳукмдори йўқ, аксарият шаҳарлар ва кишлоклар маҳаллий бошлиқлар томонидан идора қилинади. Унинг кўшинлари кучсиз, урушдан кўркишади, лекин [одамлари] савдо ишларига чақкон. Шунинг учун ҳам улуг гуз-ер (дай-рузие / да-юэчжи)ликлар /1139(1139)/7a/ ғарбга бориб, улар устидан ғалаба қилган ва маҳаллий аҳолисини ўзларига фуқаро қилиб олган<sup>91</sup>. Бактрия (Дайгия / Дашия)нинг аҳолиси кўпи билан 1 миллионга яқин.

<sup>91</sup> Ушбу хабар асл матнда «及大月氏西徒攻敗之臣畜大夏» иероглифлари билан көлтирилган. Н.Я.Бичурин таржимасыда у «Когда Большое Юэчжи, идучи на запад, разбил их, то они поддались Дому Даахя», деб таржима килинган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С.156]. Н.В.Кюнер таржимаси ҳам мазмунан шу изборага якин: «Когда Большие Юэчжи переселились на запад, то Даас напали на них, разбили и целиком подчинили», деб таржима килен [Кюнер Н.В. Китайские известия о народах... С.110].

Ушбу таржималарда мазкур маълумот Бактрия (Дашя) улуг гузерликлар (дай-рузиликлар)га хужум қилиб, уларни мағлубиятта учраттан ва ўз фукароларига айлантирган, деган маънода тушунилган. Бу иккى таржимадаги ўхшашик Н.В.Кюнер Н.Я.Бичурин таржимасига асосланғанлигидан далолат беради. «Шижи»даги «Фаргона тазқираси»нинг ўйғурча таржимасыда бу хабар улуг гузерликлар (дай-рузиликлар) Бактрияга хужум қилиб, уни эгаллаб олган, деган маънода акс эттирилган. Масалан, унда гап «чүнг явчилар гарбга кўчган вақтида, Бактрияни мағлуб қилиб, ўзларига бўйсундирилган экан» шаклида тузиленган [Тарихий хотиралар. 493-б.]. Мазкур таржимадаги «чўнг» сўзи «кэтта», «улуг» маъносини билдиради. Биз ушбу маълумотнинг барча таржималарини атрофлича ўрганинчи чиқандан сўнг, ўйғурча таржима тўғри килинган, Н.Я.Бичурин ва Н.В.Кюнерлар асл матнадаги избор мазмунини нотўғри тушунишган, деган хуносага келдик.

Унинг пойтахти Лампиуе (Лампиват, зам. ўқ. Ланши – Балх)<sup>92</sup> шаҳри деб аталиб, ундаги бозорларда ҳар хил моллар сотилади. Унинг жануби-шарқида Шэнду-гуо (身毒國 – Ҳиндистон давлати)<sup>93</sup> жойлашган.

/1139(1139)/76/ [Чжанг] Чян «камина Бақтрия (Дайгия / Даши)да бўлганимда Чунг (邛)<sup>94</sup> [тоғида ўсадиган] бамбуқдан ясалган ҳасса таёқ ва Шу (蜀) [ўлкасидан чикадиган] мато кўрдим. ...<sup>95</sup> /1140(1140)/8a/ Булар қаердан олиб келинди, деб сўраган эдим, Бақтрияликлар [менга] бизнинг савдогарларимиз Шэнду (Ҳиндистон)дан олиб келишган, деб жавоб бердилар. Ҳиндистон Бақтрия (Дайгия / Даши)нинг жануби-шарқида бир неча минг ли нарида жойлашган. Ушбу [мамлакатда халқ] Бақтрия (Дайгия / Даши)га ўхшаш дехқончилик билан шуғулланади, аммо ерлари пастлик, ҳавоси нам ва иссик. Айтишларига қараганда, у ердаги одамлар фил устига миниб олиб, жанг қилишади. Ушбу давлат дениз кирғоғида жойлашган эмиш. [Мен, Чжанг] Чяннинг мўлжаллашича, Бақтрия (Дайгия / Даши)дан Хан [давлати]гача бўлган масофа 12 минг ли (6912 км). Бақтрия (Дайгия / Даши)дан жануби-гарбий йўналишда Ҳиндистонгача яна бир неча минг ли масофа бор. Шу (Сичуан)<sup>96</sup>нинг нарсалари бу диёрга келтирилганлигига қараганда, ундан Сичуан [ўлкаси] узоқ эмас. Бақтрия (Дайгия / Даши)га элчи юбориш керак бўлса, кианг (чянг)лар [мамлакати] орқали юришга тўғри келади, аммо бу [йўл] хавфли ва оғир, кианг (чянг)лар ўтказмайди. Сал шимолга қараб юрилса, ҳунлар ушлаб қолади. Сичуан [Ҳиндистон] орқали сафар қилиш куладай ва бехатардир.

<sup>92</sup> Қадимги ўқилишда Лампиуе, Лампиват (*Lam-piue*, *Lam-piwei*), замонавий талаффузда Ланши (*Lan-shi*), хитой тарихчиларининг ёзишича, Балх шаҳрига тўғри келади. Ўрта асрларда битилган хитой манбаларида ушбу шаҳар Божяланг, Танг суполосининг янги тарихида («Син Тангшү») Бэйлочжу деб аталган [Тарихий хотиралар. Урумчи, 1989. 522-6.]

<sup>93</sup> Аслиятнинг шу жойига берилган шарҳда Шэнду Тиенлам (*T'ien-lam*, зам. ўқ. Тянлан 天籃, 天蓝), Биоудаҳу (*Bioi-da-hu*, зам. ўқ. Футуху 浮圖胡) деб ҳам номланиши ва Кунлун тогининг жанубида ёки Дай-рузиенинг жануби-шарқида жойлашган буюк давлат экванилиги, унинг одамлари фил устида жанг қилиши, лекин ахолиси нисбатан жанговар эмаслиги, Булда хайкалига сажда қилиши ёзилган.

<sup>94</sup> Чунг – Хитойнинг Сичуан ўлкасидаги тог номи.

<sup>95</sup> Ушбу кискартирилган жойда Ҳиндистонга оид изоҳлар келтирилган. Уларда зикр этилишича, хитой манбаларида учрайдиган Шэнду (身毒), Тяньчжу (天竺), Футуху (Биоудаҳу 浮圖胡) топонимлари Ҳиндистонга нисбатан ишлатилган.

<sup>96</sup> «Шу» атамаси Марказий Хитойдаги Сичуан ўлкасининг қисқача номидир.

Тангри ўғли (Тянзи, Хан императори) бу гапларни эшитиб, Буюк Фаргона (Дай-юан), Бақтрия (Дайгиа / Дашия), Парфия (Ансиек, Анши) йирик давлатлар экан, кимматбаҳо нарсалар кўп, Хитой (Чжунгую)га ўхшаб, дехқончиликка асосланган экан, лекин кўшинлари заиф, Хан [давлати]нинг нарсаларини яҳши кўрар экан, уларнинг шимолидаги Улуғ Фузер (Дай-рузие / Даюэчжи) ва Кангкия [давлатлари]нинг /1140(1140)/8б/ қўшинларини ўз манфаатимиз йўлида ишга солишимиз мумкин экан, агар шундай бўлса, ерларимизни камида 10 минг ли (5760 км) наригача кенгайтириш, таржимонлар орқали [маҳаллий] халқларнинг урф-одатларини ўзгартириш, меҳр-шафқатимизни тўрт денгиз (okean – X.A.) оралигига тарқатиш мумкин бўлади, деб ўйлаб қолди.

Шу сабабли Тангри ўғли [Чжанг] Чяннинг сўзларини маъкул топиб, у таклиф килганидек, Сичуан ва Чянвэй [вилоятларидан гарбга] элчилар юбориш хақида буйруқ берди. Элчилар 4 гурухга бўлиниб, сафарга отланди. Уларнинг бири Манг, иккинчиси Ран, учинчиси Ши, тўртнинчиси Чонг вилоятларидан йўлга чиқди. Буларнинг ҳар бири 1-2 минг ли (576-1152 км) йўл юрди. Шимол томонга қараб юрганлари тиейлар (ди)<sup>97</sup> юрти Зуо<sup>98</sup>, жануб томонга қараб юрганлари Кунминг (Kun-ming 昆明)<sup>99</sup> деган жойларда ушланиб қолди.

Кунминг атрофидаги жойларда бош ҳукмдор йўқ экан, маҳаллий халқ ўтирилик ва талончилик, одам ўлдириш билан шугулланар экан. Хан /1140(1140)/9а/ элчиларига йўл бермас экан. Лекин у ерларнинг гарбига, тахминан минг ли (576 км)

<sup>97</sup> Тией (tiei 雖), зам. ўқ. ди – хитойлар тилидаги этник ном, унинг билан аталганилар ўзларини жадиен ёки жадеи (Jap-die, Jap-dei), зам. ўқ. хэҷжи (he-zhi) деб аташган. Ди иероглифи хитойнинг шимолий ва гарб томонида яшаган туркӣ харклар номини ёзиш учун ишлатилган ди иероглифидан фарқ килади. У бундан 3-4 минг йиллар илгариги даврга оид тош ва суюклардаги ёзувларда учрайди. Тиейлар киант (чянг)лар билан ёнмаён яшаган. Айрим хитой олимлари тиейлар билан чянглар аслида бир халқ бўлган, деб карадилар. Хан империяси гарбга элчи юборганди, улар хозирги XHRдаги Сичуан ўлкасининг шимолий ва гарб томонида яшаган [Wang Чжунгхан. Чжунгтуо минзу ши (XXR халклари тарихи). Пекин, 1994. 261-б.]. Матнга берилган шарҳда «тией» ёввойиларнинг номи, деб айтилган.

<sup>98</sup> Матнининг ушбу жойига берилган шарҳда Зуо жой номини англатади, у кадимги хитойлар юртининг шимоли-гарбда жойлашганлиги ёзилган.

<sup>99</sup> Кунминг номи билан аталадиган бир неча жой мавжуд. Бу ерда тилга олинган Кунминг хозирги Хитойнинг Сичуан ўлкасидаги бир вилоят номи.

масофа нарида, [халки] фил минадиган Дянюэ<sup>100</sup> деб аталаидиган бир давлат бор экан. Сичуанлик савдогарлар сотиш ман этилган молларни у ерга олиб боришар экан. Шу боис Бақтрия (Дайғиа / Дашия)га борадиган йўлни билмоқ учун Дян[юэ] давлати билан алоқа ўрнатишга харакат килди. Аввалига Хан [сулоласи] жануби-гарбдаги ёввойилар билан боғланмоқчи бўлди. Аммо барча харакатлари беҳуда кетиб, йўл ҳамон очилмаганлиги сабабли бу фикрдан воз кечди. [Чжанг] Чяндандан Бақтрия (Дайғиа / Дашия)га бориш мумкинлигини эшитиб, жануби-гарбдаги ёввойилар билан алоқа ўрнатиш масаласини қайта кўтарди. [Чжанг] Чянга шаовэй унвонини бериб, унга бош қўмондон билан бирга ҳуналарга қарши хужумда қатнашиши буюрди. Сабаби – унинг ўт-ўлан ва сув бор жойларни билиши кўшин учун кулагай эди. [Урушдан кейин Чжанг] Чянга буовант-хоу (博望侯 – билимдон тўра) унвони тақдим этилди. Бу воеа [У-дининг тахтга ўтирганига] 6 йил бўлганда (мил. авв. 123 й.) содир бўлди. Шу йилдан кейинги йилда (мил. авв. 122 й.) [Чжанг] Чян вэйвэй<sup>101</sup> унвонига эга бўлиб, қўмондон Ли [Гуангли] билан бирга Юбэйпинг<sup>102</sup> [вилояти]дан йўлга чиқиб, ҳуналарга қарши уюштирилган хужумда қатнашди. Ҳуналар қўмондон Ли [Гуангли]ни қўршаб олди, кўп лашкарларимиз нобуд бўлди. [Чжанг] Чян вақтида ёрдамга етиб келолмаганлиги учун ўлим жазосига маҳкум этилган эди. [Бироқ у] пул эвазига кутулиб, оддий фуқаро бўлиб қолди. /1140(1140)/96/ Шу йили Хан [сулоласи] ҳуналарга қарши отлиқ кўшин юбориб, [уларнинг] гарбий шахри (Шичэнг 西城)ни вайрон қилди. [Шу боис] бир неча ўн минг киши Чилян (祁連 – Тангритоғ) тоғларига кетишга мажбур бўлди. Кейинги йили

<sup>100</sup> Дянюэ (кадимги ўқилища Тянживат) ҳозирги XXРнинг Юннан ўлкасидаги бир вилоятнинг номи [Цихай, 891-б.]

<sup>101</sup> Вэйвэй (衛尉, 卫尉) – сарой сокчилари бошлигига берилган харбий унвон. Хан сулоласи даврида 9 вазирликнинг бирин хисобланган. Император саройининг ҳимоясини таъминлайдиган идора бошлиги ҳам шу унвонга эга бўлган [Чжуңгтоу лидай гуанчжи цидин, 93-б.]

<sup>102</sup> Юбэйпинг (右北平 – шимоли-гарбий текислик ёки дала маъносини англатади) – ҳозирги XXРнинг шимоли-шаркий кисмидаги (Манчжурия) Ляонин ўлкасининг жануби-гарбидаги ерларига тўғри келади [Цихай, 157-б.]

[ҳұнлар хукмдори] Фуэнъя (Хунъя 漢邪)<sup>103</sup> одамлари билан Хан [сулоласи]га таслим бўлди<sup>104</sup>. Жинчэнг, Хэши [йўлаги] ва унинг гарб томони, Жанубий тоф (Нан-шан) каби жойлардан Шўр кўл (Янчи)гача бўлган жойларда ҳұнлар қолмади. Факат ахён-аҳён уларнинг кузатувчилари кўриниб турди. Кейинги икки йил давомида Хан [сулоласи] ҳұнлар Тангрикугини (хоқонини) кумликнинг шимолига чекинишга мажбур қилди. Шундан кейин Тангри ўғли бир неча марта [Чжанг] Чяндан Бақтрия (Дайғиа / Даша) томондаги ахволни сўради. [Чжанг] Чян фурсатдан фойдаланиб, сўзлади:

«Камина ҳұнлар орасида яшаганимда, Асуэн (Усун) хукмдорининг (ванг) исми Кунмак (зам. ўқ. Кунмуо) деб аталишини эшилдим. Кунмакнинг отаси ҳұнларнинг гарбида кичик давлат ташкил қилган экан. Ҳұнлар хужум қилиб, унинг отасини қатл қилган, янги туғилган Кунмакни далага ташлаб кетишган. Гўшт тишлиб олган бир күш унинг устида айланиб учеб юрганида, бўри келиб, уни эмизган. [Буни] эшилган Тангрикут, болани фаришталар асрабди, деб ўйлаб, уни бокиб катта қилган. Кейин уни кўшинларга қўмондон қилиб урушга юборган. [Кунмак] кўп марта ғолиб бўлган. [Шундан кейин] Тангрикут унга отасининг фуқароларини бериб, /1141(1141)/10a/ гарбий шаҳарларни ҳимоя қилиш вазифасини топширган. Кунмак бу фуқароларни тарбиялаб, атрофдаги кичик вилоятларни қўлга олган ва бир неча юз минг кишидан иборат жанговар кўшин ташкил қилган. Тангрикут оламдан ўтгандан сўнг, Кунмак одамларини бошлаб узокқа бориб жойлашган ва ҳұнлар саройига итоат қилишдан бош торптган. Ҳұнлар отлиқ қўшин юбориб, унга хужум қилиб, ғалабага эришолмаган. [Шундан сўнг] ҳұнлар уни Тангри ўзи қўллабди, деб ўйлаб, ундан узокроқ туриб, куч ишлатмасдан назорат қилишга ҳаракат қилган.

<sup>103</sup> Фуэнъя / үаен-уя, Фуэнжя / үаен-жя/ деб ҳам ўқилади, зам. ўқ. Хунъя / Hunxie /, Н.Я.Бичурин таржимасида Хунъе) – ҳұнлар хоқонининг исми.

<sup>104</sup> Кўйида таржима учун жалб этилган «Тунгжижан жиши бўнмуо» («Мухим тарихий воқеалар баёни») номли манбада мил.авв. 115 йилда (Юандингнинг 2-йили) Қуншар-хан (Хунъя-ванг)нинг Хан империясига таслим бўлганилиги, ҳұнларнинг аксарият кисми Ички Монголия даштигининг шимолига чекиниб кетишга мажбур килингандиги ва Лобнор кўлининг шарқ томони ҳұнлардан бўшатилиб, гарбий мамлакатларга йўл очилганлиги зикр этилган.

Хозир Тангрикут Хан [сулоласи] томонидан сиқиб күйилди. Шу боис Ғуэннга (ғуәп-һеа, ғуәп-һа / зам. ўк. Хунъя 淚) заминида одам қолмади. Ёввойилар Хан [мамлакатининг] молларини яхши кўради. Агар шундай бир вақтда Асуэн (Усун)га кўп пул ва қимматбаҳо совғалар юбориб, шарқдаги Ғуэннга (Хунъя) юртига кўчиб келишга ва Кунмакни Хан [сулоласи] билан акаукалик муносабатларини ўрнатишга даъват этсак, у албатта қулоқ солади. Агар у биз ўйлагандек иш тутса, [биз] ҳұнларнинг ўнг кўлини чопиб ташлаган бўламиз. Асуэн (Усун) билан бирлашиб олсан, унинг ғарбидаги Бақтрия (Дайғиа / Дашия) каби давлатларнинг ҳаммасини ўз томонимизга тортиб, уларни ташки фукароларимизга айлантира оламиз».

Император У-ди [Чжанг Чяннинг] фикрини тўгри топиб, унга сарой соқчилари бошлиги лавозимини инъом этди ва унинг ихтиёрига 300 киши, ҳар бир кишига иккитадан от, 10 мингдан ортиқ қора мол, кўй, бир неча минг тилло пулга ярайдиган олтин-кумуш, ипак матолар каби бойликлар бериб, /1141(1141)/106/ элчилик дастаги бўлган амалдорларни унга ёрдамчи қилиб, [Чжанг Чянни] сафарга жўнатди, атрофдаги давлатларга ёрдамчи элчилар юборишини буюрди.

[Чжанг] Чян Асуэн (Усун)га етиб борганида, Асуэн (Усун) хукмдори Кунмак Хан [сулоласи] элчисига ҳұнлар Тангрикутини кутиб олгандек ҳурмат билдириди. Чжанг Чян бундан бироз хижолат бўлди. Аммо у ёввойилар мол-дунёга ўч эканлигини билиб, айтди: «Тангри ўғли (Хан хукмдори) совғалар инъом қилди, агар бунинг учун унга таъзим қилиб, ташаккур билдирамасалар, совғаларни қайтариб олиб кетамиз», деди. Кунмак дарҳол ўрнидан туриб, таъзим қилиб, совғаларни кабул қилиб олди. Бошка ишлар ҳам қонун-қоидага мос ҳолда бўлди. Чжанг Чян [Хан] императорнинг мақсадини баён айлаб, «агар асуэн (усун)ликлар шарқдаги Ғуэннга (Хунъя) заминига кўчиб борсалар, Хан [императори У-ди] Кунмакни куёв қилиб олади», деди. Бу вақтда Асуэн (Усун) давлати иккига бўлиниш арафасида, хукмдор эса қариб қолган, [у] Хан давлатининг қанчалик узокда эканлигидан, унинг катта ёки кичиклигидан хабарсиз ва шу боис кўпдан бери ҳұнларга итоат қилиб

келаётган эди. Унинг устига [Асуэн] ҳүнларга яқин жойлашганлиги туфайли вазир ва беклар улардан кўркиб, шарққа кўчишга розилик бермадилар. [Асуэн] ҳукмдори уларни мажбуrlамади. Чжанг Чян [ундан] аниқ жавоб ҳам ололмади.

Кунмакнинг ўндан ортиқ ўғиллари бўлиб, уларнинг ўртаничиси Дайлук (зам. ўқ. Далу) кобилиятли, кўшинга қўмондонлик қилишга қодир. У 10 минг чавандозга бошлиқ бўлиб, бошка бир ерда туради. Тахт меросхўри Дайлукнинг акаси ҳисобланар эди. Лекин у бевақт оламдан кўз юмди. Валиаҳднинг Дзиемцию (зам. ўқ. Сенчю) исмли бир ўғли бор. Валиаҳд ўлимидан оддин отаси Кунмакка «Мен ўлсам, албатта /1141(1141)/11a/ Дзиемцию валиаҳд бўлиб қолсин, бунинг учун бошка одам тайинланмасин», деб айтган экан. Кунмак унга ачиниб, розилик берган экан. Валиаҳд ўлгандан кейин, Дзиемцию валиаҳд этиб тайинланди. Бундан қаттиқ хафа бўлган Дайлук оға-иниларини тўплаб, лашкар тортиб, исён кўтариб, Дзиемцию ва Кунмакка хужум қилмоқчи бўлди. Кунмак Дайлукнинг<sup>105</sup> Дзиемциюни ўлдириб кўйишидан андиша қилиб, уни ўн мингдан ортиқ чавандоз билан бошка ерга жойлаштириб кўйди. Кунмакнинг ўзи ҳам ўн мингдан ортиқ чавандоз билан ўзини муҳофаза қилмоқчи бўлди. Натижада аҳоли уч қисмга бўлинниб кетди. Гарчи хонлик асосан Кунмак томонидан бошқарилса ҳам, лекин у Чжанг Чян билан битим тузишга журъат этолмади.

Шундан кейин [Чжанг] Чян Буюк Фарғона (Дай-юан), Кангкия (Кангжюй), Улуғ Fuzer (Дай-рузие / Да-юэчжи), Бактрия (Дайгиа / Дашиб), Ансиек (Анши, Парфия), Хиндистон (Шэнду), Хўтган (Фивадян / Юйтян), Жанмией (Ханми)<sup>106</sup> ва бошка яқин кўшни давлатларга ёрдамчи элчиларни юборди. Асуэнликлар йўл бошловчи ва тилмоч кўшиб, Чжанг Чянни ватанига кузатиб кўйдилар. Асуэн (Усун) бир неча ўн кишини бир неча ўн от билан ташаккур билдириш ва унинг [Хан мамлакатининг] катталигини билиш максадида Чжанг Чян билан бирга юборди.

Чжанг Чян қайтиб борганидан кейин, тўккиз вазирлик

<sup>105</sup> Дайлук маҳаллий халқ тилida Дайруқ ёки Дейруқ бўлиши мумкин.

<sup>106</sup> Жанмией (зам. ўқ. Ханми) топоними ушбу мазлумотнинг ўйлурча таржимасида Данлон ўйлук (Кима) деб ёзилган.

(жючинг)<sup>107</sup> даражасидаги катта вазифага тайинланди. Бир йилдан күпроқ вақт ўтгандан сүнг, у вафот этди. Асуэн (Усун) элчилари /1141(1141)/116/ Хан мамлакатининг ахолиси кўп ва бой эканлигини кўриб, қайтиб боргандарида ўз хукмдорига ушбу мамлакат хақида маълумот бердилар. Шундан кейин Асуэн (Усун) Хан сулоласига хурмат ва эътибор билан қарайдиган бўлди. Яна бир йилдан кейин Чжанг Чян юборган элчилар Бақтрия (Дайгия / Дашия) ва унинг атрофидаги давлатлар билан алоқа ўрнатиб, уларнинг ташаккур билдириш учун юборган элчиларини бирга олиб, [Хан худудига] қайтиб келди. Шундан кейин [Хитойнинг] гарбдаги ва шимолдаги давлатлар билан Хан [давлати] ўртасида алоқа ўрнатилди. Шундай килиб, Чжанг Чян [хитойлар учун гарбий мамлакатларга борадиган] йўл очди<sup>108</sup>. [Чжанг Чяндан] кейин гарбий мамлакатларга юборилган элчиларнинг ҳаммаси ишонч рамзи сифатида буованг-хоу<sup>109</sup> унвони билан чет элларга юборилдилар. Улардан кейин чет элликлар ҳам [ушбу унвонга] ишонч билдирилар.

Буованг-хоу Чжанг Чян оламдан ўтгандан кейин, ҳуналар Хан [давлати] Асуэн (Усун) [хонлиги] билан алоқа боғланлигидан ғазбланиб, унга хужум қилмоқчи бўлди. [Аммо] Хан элчилари Асуэн (Усун)га ва унинг жануб томонидаги Буюк Фарғона (Дай-юан), Дай-рузие ва уларга тегишли юртларга

<sup>107</sup> Жючинг (九卿) – 9 та олий даражали сарой амалдорларининг умумий номи бўлган [Чжунггуо лидай гуанчжи цидян. 24-б.]. Уни 9 вазирлик ёки 9 вазир деб ҳам таржима килим мумкин.

<sup>108</sup> Матнининг ушбу жойига берилган шарҳда илгари гарбий мамлакатлар хатарли жойлар эди ва уларга Хан давлатидан борадиган йўл йўқ эди, деб ёзилган. Аммо ўтган аср давомиди амалга оширилган тадқикотлар ва археологик топилмалардан маълумки, Чжанг Чянга кадар кадимий Хитойдан Шаркий Туркистон оркали Фарбий Туркистонга, Жанубий Осиё ва Якин Шаркка, Европа мамлакатларига борадиган йўллар бўлган. Бирок улар оркали амалга оширилган савдо ишлари туркистонларклар кўлида бўлган. Милоддан аввали VI-V асрларда Хитойда тўкилган ишак матолар Европа мамлакатларида, жумладан Румда пайдо бўлганилиги бунинг далили бўла олади [Буюк ишак йўли] качон пайдо бўлган? // «Moziydan sado», № 1, 2004, 34-37-б.]. Шунинг учун аслиятдаги «Чжан Чян йўл очди» деган маълумотни гарбий мамлакатларга борадиган йўлларни илк бор Чжанг Чян очди, деб тушуниш бўлмайди. У бу йўлни Хан давлати учун илк бор очди, деб тушуниш мозум. Акс холда хатога йўл кўшиш мумкин.

<sup>109</sup> Матнда берилган шарҳда чет эллар учун «буованг-хоу» (博望侯) унвони чин кўнгил ва ишонч рамзи сифатида ишлатилади, деб зикр этилган. Ушбу унвон «Шизжи»нинг уйгурча таинланма таржимасида «билиги тўра» деб аталган [Тарихий хотиралар. Урумчи, 1989. 500-б.].

элчилар юборилганлигидан хавотирланиб, Асуэн (Усун) [Ханга] элчи юборган, отлар совға қылган ва [Хан] маликасига уйланиб, [Хан императори билан] ога-ини муносабатини ўрнатишга мажбур бўлган бўлса керак, деб ўйлаб қолди.

Тангри ўғли [У-ди] вазирларини йигиб, улар билан масла-хатлашиди. Вазирлар «аввал тўёнани олиш керак, /1142(1142)-/12a/ ундан кейин қизни юбориш мумкин», деб айтишиди.

Олдин Тангри ўғли кадимий китоблар асосида фол очирган эди. [Шунда фолбин] «афсонавий отларни (шэнма 神馬) шимоли-гарбдан олиб келиш мумкинлигини айтган. [Тангри ўғли] Асуэн (Усун)дан яхши отлар олганида, бу отларни Тангри отлари (Тян-ма 天馬) деб атади. Лекин [Тангри ўғли] Буюк Фаргона (Дай-юан) [давлати]нинг қонсимон тер чикарадиган отлари бундан ҳам бақувват ва зотдорлигини кўрганида, Асуэн (Усун) отларини узок гарб отлари, Буюк Фаргона (Дай-юан) отларини эса Тангри отлари (тянма) деса тўғри бўлади, деб айтган»<sup>110</sup>.

<sup>110</sup> Мазкур маълумот аслиятда куйидагича ёзилган:

初天子發書易 (漢書音義曰發書易以卜)云神馬當從西北來得烏孙馬好名曰天馬及得大宛汗血馬益壯更名烏孫馬曰西極名大宛馬曰天馬云。

Н.В.Кюнер уни «Вначале сын неба открыл, что в «И [цзине]» и «Шу [цзине]» говорится, что священные лошади должны приывать (приходить) с северо-запада. Достав усунских лошадей, полюбили их и назвали «небесными лошадьми».

Когда получили лошадей с кровавым потом, ещё более крепких, переменили им имя, назвали усунских лошадей «западний предел», даваньских же лошадей назвали «небесными лошадьми», деб таржима кылган. Аммо ушбу таржимадаги «И [цзине]» и «Шу [цзине]» сўзига берилган 54 раками шарҳда «По справкам [Пэй] Инь, «Ханьшу инь» говорится: «Открыты «И[цзине]» для гадания», деб ёзилган [Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. Москва, 1961. С. 117]. Шунинг билан олим маълумотдаги асл маънодан бирор чекинган. Асл матида майда ёзув билан «фа-шу-йи» (發書易) сўзига берилган шарҳни олим тўғри тушина олмаган бўлиши мумкин. Ушбу шарҳда келтирилган «Ханшу йингий ю» (漢書音義曰) жумласини «Хан [суполоси] тарихидаги иероглифларнинг ўқилиши ва маъноларига бағишланган шарҳлар»да айтилишича, деб тушиниш тўғри бўлади. Ундан кейининг «фа шу йипу» (發書易以卜) сўзини эса кадимги китоблар асосида фол очириш деб тушиниш керак [Цихай. 2036-б]. Биринчидан, бу сўзда ишлатилган «фа» (fa 發) иероглифини «ўқиши», «кўриш» эмас, балки бирор ишни бажариш маъносида тушиниш лозим. Иккинчидан, шарҳда «Ханшу йингий»да «фа-шу-йи» (發書易) сўзи «фол очишидир» (以卜), дейилган. Хитой тилининг катта лугатида «ту» (ри 卦) иероглифи кадим замонларда тошибоканинг устидаги косасимон сунягини оловда куйдирив, унинг ёрилишиша караб фол очишини билдиради», деб ёзилган [Ханой дазидян. 1-жилл, 91-б.].

Н.Я.Бичурин таржимасида бу маълумот учрамайди. Аммо у шунинг давоми сифатида келтирилган «Китайское правительство после побед над хуннами в 121 году...», деган маълумот биз таржима килаётган матнда йўқ [Бу ҳақда қаранг: Бичурин Н.Я. Собрание сочинений... Алматинское изд. Т. 2. С. 162]. Н.В.Кюнернинг таржимасида ҳам у учрамайди [Кюнер Н.В. Китайские известия о народах ... С.117].

Шундан кейин Хан сулоласи Лингкияниңг (Лингжюй 令居)<sup>111</sup> гарбидә девор қурди, гарб ва шимолдаги давлатлар билан алоқа килиш учун аввалига Тсиэу-дзиwan (Tsieu-dziwan, зам. ўқ. Жючюан 酒泉) вилоятини таъсис қилди<sup>112</sup>, кейин Ансиек (Парфия), Яамтсат (Янцай), Лиган (Рим), Диеужие (Тяожи, Тазик) ва Шэнду (Хиндистон)га элчилар юборди. Тангри ўғли Фаргона отларини (юанма 宛馬) яхши кўриб, [уларни олиб келиш учун] кетма-кет элчилар юборди. Ҳар гал юборилган элчилар кўпи билан бир неча юз киши ҳамроҳлигида сафарга отланган. Улар ўзлари билан олиб борган совға-саломлар буованг-хоу [Чжанг Чян] давридагидан ҳам кўп эди. Кейинчалик бундай ҳаракатлар оддий сафарга айланиб қолди. Хан [сулоласи] йилда бир марта кўпи билан 10 киши, камида 5-6 кишидан иборат элчилар гурухини [гарбий мамлакатларга] юборди. Йироқ элларга кетган элчилар 8-9 йилда, яқин элларга кетгандарни бир неча йилда қайтиб келадиган бўлди.

Бу вактларда Хан [сулоласи] жанубдаги Юэ (越) [давлати]ни ўқ қилди, Шу [мамлакат]ниңг гарби ва жанубидаги ёввойилар бундан қўрқиб, [Хан мамлакатига] элчилар юбориш учун ўз хукмдорларидан руҳсат сўрадилар.

/1142(1142)/126/ Шунинг билан [Хан сулоласи] Йичжоу, Юэсүй, Яангхи, Чэнли, Вэншан<sup>113</sup> вилоятларини ўз таъсири остига олиб, Ансиек (Парфия)га мунтазам қатнов ўйли очмоқчи бўлди. Бир йил ичиде Бай Шичанг, Луюэ каби элчилардан иборат ўндан ортиқ гурухни ўз назоратидаги янги вилоятлар орқали Ансиек (Парфия)га юбормоқчи бўлди. Лекин уларнинг

<sup>111</sup> Лингкияниңг (зам. ўқ. Лингжюй) номли вилоят хозирги Хитойниң Гансу ўлкасидағи Сучжоу шаҳрига тўғри келади. Бу жой илгари ҳуналар кўлида бўлган. Алматинское изд.

<sup>112</sup> Жючюан («стойка булко» маъносини англгатади) – Ҳашни йўлагидаги вилоят, илгари Хитой худудига кирмаган. Хан сулоласидан аввалги қадимий Хитоин илк бор бирлаштирган Даиен (зам. ўқ. Чин) давлатининг гарбий чегаралари мазкур йўлакнинг хозирги маркази Ланчжу шаҳридан ва Хуанхъ дарёсининг ушбу шахардан шимолга караб оқкан ирмогидан нарига ўтмаган. Чин даврида курилган Буюк хитой девори ҳам Ланчжуудан шимолга караб дарёнинг гарбий кирғоги билан Ички Монголия худудигача, сўнгра шарқ томондаги Ляошуй дарёсигача стиб боргани эди. Чин давлатининг шимолий ва гарб томони Хун хоқонлиги иктиёрида бўлган. Жючюан Хан сулоласи хоқони даврида илк бор эгалланиб, бу ерда шахар барпо этилган. Шу боис матнда Жючюан вилояти таъсис этилган, яъни ўз хукмронлигини ўрнатган, деб ёзилган.

<sup>113</sup> Йичжоу, Юэсүй, Яангхи, Чэнли, Вэншан каби топонимлар Хитойдан Вьетнам, Лаос, Бирма давлатларига ва Шимолий Хиндистон орқали Бактрияга борадиган йўлдаги жой номлари.

хеч бири Бактрия (Дайғия / Дашия)га етиб боролмади, чунки улар Кунмингта (昆明)<sup>114</sup> борганида ўлдирилди, мол ва пуллари талон-торож қилинди. Шундан кейин Хан [сулоласи] пойтахт атрофида қамоқ жазосини ўтаётган З нафар маҳбусни бўшатиб, уларни Бо (Ba 巴, ҳозирги Чунчин шаҳри) ва Шу (Shu 蜀 – Сичуан ўлкаси) вилоятларидағи бир неча туман аскарларга кўшиб, ҳарбий қўмондон Гу Чанг ва Вэй Гуанг бошчилигига Кунмингдаги ёввойиларга қарши жазо юриши килди. Вилоятларда Хан элчиларини ўлдирган одамларни қатл этдилар ва асирга олиб қайтдилар<sup>115</sup>. [Ушбу воқеадан] кейин [Хан сулоласи Бактрияга] яна элчи юборди. Булар ҳам Кунмингда тўсикка учради ва моллари талон-торож этилди, [Бактрияга] боришининг иложи бўлмади. Лекин Жючюан [Хэши йўлаги] орқали Бактрия (Дайғия / Дашия)га борадиган йўл очилиб, элчиларнинг бориши келиши борган сари кўпайди. Натижада чет элларда Хан [мамлакати]нинг пулига ва молларига кизикиш йўқолди. Буванг-хоу [Чжанг Чян] чет давлатга йўл очганидан ва ҳурматли унвонга эришганидан сўнг, унинг билан бирга борган майда амалдорлар [Хан императорига] мактуб ёзиб /1142(1142)/13a/, чет элдаги гаройиб ишлар ва уларнинг [Хитойга] бўлган фойда-зарари ҳакида сўз юритиб, [императордан уларни ғарбга] элчи [килиб] юборишни сўрадилар.

Тангри ўғли [У-ди] бу олис мамлакатларга ўзига якин одамларнинг боришини хоҳламагани учун, уларнинг истакларини бажо келтирди ва элчилик гувоҳномасини берди. Уларнинг ким ва қандай одам эканлигини суриштирумай, кузатиб бориш учун одам кўшиб, чет элга жўнатди. Шунинг билан алоқалар доирасини кенгайтирди. Бироқ элчилар бориб-келиш жараёнида давлатнинг пул ва молларига хиёнат қилиб, унинг манфаатига хилоф ишлар килдилар. Тангри ўғли [У-ди] қонунга хилоф иш килган элчиларни жазолади, [улар] келтирган зарарни тўлattyрди, гуноҳини ювишга имкон бериб, яна элчилик вазифасини бажаришга мажбур қилди. Лекин бундай элчилар

<sup>114</sup> Ҳозирги Хитой Халқ Республикасидаги жанубий ўлка бўлмиш Юннанинг маркази.

<sup>115</sup> Матнининг шу жойига берилган шарҳда ушбу воқеа Юанфэннинг иккинчи йилли, яъни милл.авв. 109 йилда содир бўлганинги зикр этилган.

фурсатдан фойдаланиб, турли баҳоналар билан [яна] жиноят қилишдан қайтмадилар. Бирга борган амалдор ва аскарлар ҳам чет элнинг ғаройиб ишларини тасвиirlаб, кўкка кўтардилар. Кўрганларини батафсил ва олий савияда изоҳлаб берганларга расмий элчилик гувоҳномаси, [нисбатан] камрок мълумот олиб келганларга элчи ёрдамчиси гувоҳномасини берилди. Иш қилмасдан, гап сотишни яхши билган айрим шахсларнинг омади чопди. Элчи бўлгандарнинг кўпчилиги камбағалларнинг фарзандлари бўлгандиги учун, улар [император] совға учун берган нарсаларни чет элликларга арzon нарҳда сотиб, пулини ўзлаштириб олдилар. Чет элликлар Хан [мамлакатининг] элчиларидан безор бўлди, Хан лашкарлари бу олис жойларга етиб келолмайди, деб ўйлаб, элчиларга озиқ-овқат бермай, уларни қийин аҳволга тушириб кўйдилар. Хан элчилари /1142-  
(1142)/136/ оч қолиб, улардан норози бўлди. Натижада икки томонлама тўқнашувлар юз берди. Крурон (Лоулан 樓蘭) ва Кус (Гуши 姑師)<sup>116</sup> кичик давлатлар худудидаги одам яшамайдиган жойлардан ўтадиган йўлларда Ханинг Ванг Хуэй каби элчилари қарокчиларга дуч келган эди.

[Бунинг устига] хун чавандозлари ғарбий мамлакатларга кетаётган [Хан] элчиларига тўсатдан хужум қиласди. Элчилар баҳслашгандек, кетма-кет [Хан императорига] чет элда ўзлари дуч келган фалокатларни баён қилиб, [улар ютидаги] шаҳарларининг қалъалари бўлса ҳам, ҳарбий кучи ожиз, уларни енгиш қийин бўлмайди, деб таъкидладилар. Шунинг учун Тангри ўғли [ўзига] ҳамроҳ бўлиб юрувчи бек Чжао Пуонуни [Ханга] итоат қилувчи элларнинг бир неча туман кўшинини сафарбар қилиб, ҳұнларга (ху / ху 胡) хужум қилиш учун Шюнхэ дарёси бўйига юборди. Шунда ҳұнлар (ху/ху 胡) чекинди. Кейинги иили [мил. авв. 108 й.] Кус (Гуши)га хужум қилиб, уни тор-мор келтирди. [Бундан аввал] Чжао Пуону 700 нафар енгил чавандозлар ҳамроҳлигида бориб, Крурон ҳукмдорини асирга олган эди. Ушбу воқеа [Хан] кўшинларининг кудратини намойиш қилибина қолмасдан, Асуэн (Усун) ва Буюк Фаргона

<sup>116</sup> Матининг шу жойида берилган шарҳда Гуши давлати Чэши деб таъкидланган. Чэши эса хозирги Турфон вилоятидаги кадимги авлод номи бўлган.

(Дай-юан) каби давлатларга таҳдид солди. Қайтиб келгандан кейин Чжао Пуону чжую-йе-хоу<sup>117</sup> унвонига сазовор бўлди<sup>118</sup>. Ванг Хуэй бир неча марта элчилик вазифасини ўтаётганда, Крурон томонидан зарар кўрганини Тангри ўғлига маълум қилди. Тангри ўғли кўшин юбориб, [Крурон хукмдорини] жазоламоқчи бўлди. [Шу муносабат билан Ванг] Хуэйни Чжао Пуонуга ёрдамчи килиб жазо сафарига юборишга фармон берди<sup>119</sup>. /1143(1143)/14a/ [Ванг] Хуйга «салтанат тўраси» унвони берилди. Шундан сўнг Жючоандан Юймэн-гуангача ҳарбий қоравулхоналар ташкил қилинди.

Асуэн (Усун 乌孙) [хукмдори] Хан маликасини [хотин қилиш] учун тўёна сифатида 1000 та от юборди. Хан [хонадони эса] ўз зотидан бўлган Жянду ҳокими [Ванг] Жяннинг қизи малика Вэнг (Вэнгчжу)ни<sup>120</sup> асуэнлар [хукмдорига] хотинликка юборди. Асуэн (усун)лар хукмдори (ванг) Кунмак (Кунмуо) [юборилган маликани] ўнг кўл хотин қилиб олди. Ҳуналар ҳам Кунмак (Кунмуо)га хотинлик учун малика юборишган экан, у уни сўл (чап) кўл хотин қилиб олди. Лекин Кунмак (Кунмуо) «мен қариб қолдим», деб набираси Цземцуони (Dziem-tsiwo 參娶)<sup>121</sup> Вэнгчжуга уйлантириш ҳакида фармон чикарди. Асуэн (Усун) [давлати]да от кўп экан, бойлар кўлида 4-5 мингта от бор<sup>122</sup>. Хан элчилари дастлаб Ансиек (Парфия)га келганда,

<sup>117</sup> Чжую-йе-хоу (Zhuo-ye-hou 淀野侯) – чегара жойларида ҳизмат қилувчи лашкар бошликларига бериладиган унвон бўлиб, «олис чўл юрт ҳокими» маъносини англатади. Шу жода «Стой Гуангнинг ёзишича, бу Юанфэннинг (元封) учини йили эди», деб шархланган. Ушбу сана мил.авв. 108 йилга тўгри келади. Асл матида Чжуэй сўзи Чжао Пуонунинг исми сифатида ишлатилган ҳоллар учрайди.

<sup>118</sup> Матидаги шархда мазкур воқеа Юнфэннинг 3 йили (мил.авв. 108 й.) содир бўлган, деб кўрсатилган.

<sup>119</sup> Матининг шу жойига оид шархида Кус (Гуши) хукмдори Юнфэннинг 4 йили (мил.авв. 107 й.) тутиб олинди, деб кўрсатилган.

<sup>120</sup> Вэнгчжунинг исми Шижюн (细君) бўлган [Тунгжян жиши бэнмуо («Мухим тарихий воқеалар баёни»). 1-жилд, 2-к., 43-б.] .

<sup>121</sup> «Фарғона тазқирасининг уйгурча таржимасида ушбу шахснинг номи Санчур [Тарихий хотирапар. 505-б.], Н.Я.Бичуриннинг русча таржимасида Саньцзу, изоҳда Гунхэмйни деб ёзилган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С.164]. «Тунгжян жиши бэнмуо» («Мухим тарихий воқеалар баёни») номли манбада Кунмуонинг набираси Чинчой деб атаглан [Тунгжян жиши бэнмуо. 1-жилд, 2-к., 43-б.] .

<sup>122</sup> Н.Я.Бичурин таржимасида бу маълумот курсин билан «В Усуну много пошадей, и богатые люди имеют от четырех до пяти тысяч голов», деб ёзилган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С. 164]. Унга берилган 8-шархда ушбу маълумот асл матнга кўшилган бўлса керак, деб таъкидланган, лекин унга кўшимча деб бўлмайди, зеро биз таржима юнглан аслият матнида ушбу маълумот мавжуд.

маҳаллий хукмдор ўзининг лашкар бошлигини<sup>123</sup> 20 минг отлиқ билан шарқий чегарага юбориб, уларни кутиб олган эди. [Ушбу мамлакатнинг] шарқий чегараси унинг пойтахтидан бир неча минг ли (576 км) нарида жойлашган. Шимолга караб юриб, у ерга етиб боргунча бир неча ўн шаҳардан ўтиш керак. [Ушбу шаҳарларда] аҳоли нихоятда кўп экан. Хан элчилари қайтганида, Хан [давлатининг] қанчалик катта эканлигини кўриш учун [Ансиек хукмдори] улар билан бирга ўз элчиларини юборган. [Ансиек элчилари] Хан [императорига] тұякуш тухуми ва Рим мамлакатидан<sup>124</sup> бўлган сеҳрарни совға сифатида юборган.

/1143(1143)/146/ Фаргона (Юан 宛)нинг гарбидаги Шуандзием (Хоразм)<sup>125</sup>, Дайик (Дайи 大益 – Тазик)<sup>126</sup>, шарқидаги Кус (Гуши 姑師)<sup>127</sup>, Жанмией (Ханми 扌采)<sup>128</sup>, Сажат (Сущие 蘇

<sup>123</sup> Н.Я.Бичуриннинг таржимасида лашкар бошлиқ ёки армия кўмондони (жян) деган сўз тушиб қолган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С. 164].

<sup>124</sup> Рим мамлакати хитойча Лишиоан (Лишиан 驪軒) деб номланганлиги ҳакида асл матнининг 56-бетига берилган шарҳда айтиб ўтилган. Айрим хитой манбаларида Лишиоан атамаси қадимги ўқилишида Дайдзиен (Dai-dzien), замонавий талаффузда Дачин деб кўрсатилади [Тунгдян. 3-жилд. 2744-б.].

<sup>125</sup> Шуандзием (Shuandziem / Hunchian 駕潛) – Хоразм топонимининг қадимги хитой тилидаги транскрипцияси. Н.Я.Бичуриннинг таржимасида у замонавий талаффуз билан «Хуань-цинь» деб ёзилган ва шарҳсиз колдирилган. Шу сабабли Шуандзием айнан Хоразм эканлиги ва ўша даврда иисбатан кичик давлат хисобланганлиги билнимай қолган. Хоразмнинг қадимги хитойча транскрипцияси Шуандзием эканлиги ҳам ушбу топоним маҳаллий ҳалқ тилида ҳозиргидан бирор бошқача талаффуз этилганлигидан даалолат беради. Эҳтимол, қадимда у Шаразм, Шахриазм деб талаффуз этилган.

<sup>126</sup> Дайик (Dai-ieқ, зам. ўқ. Дайи / da-yi) – кичик давлат номи бўлиб, у Тазик сўзининг хитойча транскрипцияси деб қаралади. Мил. VII асрлардан бошлаб ушбу топоним Дайдзиек (Dai-dziek (зам. ўқ. Даши 大食)га ўзгарган. Н.Я.Бичурин таржимасида Дайик «Да-и» шаклида ишлатилган ва унга «ушбу мамлакат жойлашган ер номасълум», деб шарҳ берилган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С. 165. 2-шарҳ]. Хитойнинг «Цихай» номли лугатида ёзилишича, даши «Tazi, Taziks» сўзларининг транскрипцияси бўлиб, у форсларнинг таркибидаги бир қабиланинг номи бўлган. Араб халифалиги ташкил топганидан сўнг, Дайдзиек (Даши) давлат номи сифатида ишлатилган [Цихай. 625-б.]. «Шиной диминг қаолу» номли асарда баён этилича, VI асрдан кийин ёзилган хитой манбаларида Дайдзиек (Даши) «Tajik» этномениннинг транскрипцияси шаклида ҳам кўлланилган [Шиной диминг қаолу. 2755-б.].

<sup>127</sup> Гуши (Gushi 姑師) топоними ифодаланган иккى иероглиф замонавий ўқилиши Жиянши (Jien-shi) деб талаффуз этилган. Н.Я. Бичурин таржимасида у Гуши деб ёзилган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С. 165]. «Фаргона тазкираси»нинг уйгурча таржимасида ушбу топоним «Кус» деб таржима килинган. Аммо унинг «Кус» деб аталиши нимага асосланганлиги кўрсатилмаган. Эҳтимол, у XIX асрга оид атамадир. Бинобарин, Н.Я.Бичурин таржимасидаги «Гуши» айнан шу «Кус» сўзининг хитойча транскрипцияси эканлиги яққол кўриниб туради.

<sup>128</sup> Жанмией (Jan-pise, зам. ўқ. Ханми / Han-pi 扌采), Н.Я.Бичурин таржимасида Ганъми, уйгурча таржимада «Дандан-ўйлук» деб кўрсатилган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т.2. С. 165; Тарихий хотиралар. 505-б.].

蓮)<sup>129</sup> каби кичик давлатларнинг ҳаммаси Хан императори (Тянзи – Тангри ўғли) хузурига элчилар юборди. Бундан император ниҳоятда курсанд бўлди.

Хан элчилари дарёнинг<sup>130</sup> бошланган жойини кузатдилар. Дарё Хўтган (Фивадян / Юйтян) [ёнидаги тоғ]дан бошланар экан. Ушбу тоғда қоштоши (нефрит) кўп экан. Хан элчилари тошдан олиб келдилар. Тангри ўғли қадимги хариталарни кўриб, ушбу дарё Кунлун<sup>131</sup> тогидан бошланади, деб айтди.

Шу чоғларда император [У-ди] денгиз бўйларини кўздан кечириш учун бир неча марта сафарга чиккан эди. Ҳар гал сафарга отланганида, у чет эллик меҳмонларни ўзи билан бирга олиб бориб, аҳолиси кўп, обод ерларни кўрсатар эди. Уларга кўп миқдорда қимматбаҳо моллар ва матолар инъом келтириб, нозу-неъматлар билан меҳмон қилиб, Хан [давлати]нинг бой ва куч-кудратли эканлигини намойиш этар эди. Сафар жараёнида яхши мусиқа, ўйин ва гаройиб буюмларни кўрсатар, буларни кўрувчи томошабинларнинг кўплиги билан мақтанарди. Император меҳмонларни мукофотлаш, шоҳона зиёфат ўтказиш, ҳазиналардаги бойликларни кўрсатиш билан Хан [давлати]нинг буюк давлат эканлигига ишонтиришга харакат қиласи эди. /1143(1143)/15a/ Шу замонда сеҳргарлар ва цирк ўйинчиларининг маҳорати кундан-кунга юксалган эди. Шимолигарбидаги хорижий давлатлар элчиларининг келиб-кетиши ҳам фаоллашган эди.

[Аммо] Фаргона (Юан)нинг ғарбидаги [давлатлар] Хан мамлакати йироқда жойлашган, деб ўйлаб, ахмоқона такаббурлиқ қилди. Совға-салом инъом қилиш ва меҳр-шафқат кўрсатиш

<sup>129</sup> Сажат (Sa-jat, Сужат, Su-jat, зам. ўқ. Сушие 蘇蘿) Н.Я.Бичурин таржимасида «Сусие» деб талаффуз этилган. Ушбу матнининг уйгурча таржимасида «Киш» деб ёзилган.

<sup>130</sup> Матнда дарёнинг номи ёзилмаган. Аммо «Фаргона тазкирасининг Н.Я.Бичурин ва уйгур олимлари қилган таржималарда ушбу дарё асоссиз равишида «Желтая река», «Хуангхэ дарёси», деб кўрсатилган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С. 165; Тарихий хотиралар. 505-б.]. Агар матннаги номсиз дарё Хуангхэ дарёси деб қабул килинса, унда у Шаркий Туркистоннинг жанубидаги Кунлун (Кўйинлун) тогидан бошланган бўлиб чиқади. Лекин бу ҳакикатдан йирок. Хўтган ёнидаги Кунлун тогидан бошланган дарё Торим дарёси хисобланади.

<sup>131</sup> Матннаги Кунлун тоги ҳозирги XXR Гансу ўлкаси худудидаги Жючюань ноҳиясининг жануби-гарбида жойлашган [Цихай. 1385-б.].

йўли билан уларни итоатга даъват қилиб бўлмади<sup>132</sup>. Асуэн (Усун)нинг ғарбидан Ансиек (Парфия)гача бўлган [худудда жойлашган] давлатлар ҳуналарга яқин эди. Бунинг устига ҳуналар рузиеликларга таъсир кўрсатиб туар эди. Ҳуналар юборган элчилар Тангрикут номидан битилган бир парча хатни кўрсатса, ҳамма давлатлар уларга озиқ-овқат бермасликка ва қийин аҳволга тушириб қўйишга журъат этолмас эди. Лекин Хан элчилари озиқ-овқатни пул ва ипак матолар эвазига сотиб олар эди. Минишга бирорта ҳайвон сотиб олмаса, пиёда қолар эди. Бундай аҳволнинг юзага келиши [мазкур давлатларнинг] сотиб олиш учун ишлатадиган бойлиги борлиги билан боғлиқ эди. [Бундан ташқари], улар Хан элчиларини яхши кутиб олиб, ҳуналарни ранжитиб қўйишдан кўркар эди.

Фаргона (Юан) атрофида<sup>133</sup> узум (путао 葡萄)дан май ишлаб чиқаради, бойлари 10 минг пуддан (дан<sup>134</sup>) ортиқ май сақлашади. [Ушбу май] бир неча ўн йил турса ҳам бузилмайди<sup>135</sup>. [Бу давлатларнинг одамлари] май ичади, отлари беда ейди. Хан элчилари уларнинг уругини олиб келган эди. Самовий отлар (тяньма 天馬)ни кўпайтириш мақсадида Тангри ўғли [Хан императори] беда ва узум уругини ҳосилдор ерларга эктириди.

/1143(1143)/156/ Чет эл элчилари келганда, уларнинг кўпчилиги саройдан чиқиб, атрофдаги узум (путао) ва беда-зорларни (mushū 苜蓿) айланиб кузатадиган бўлди.

Буюк Фаргона (Дай-юан)нинг ғарбидан Парфия (Ансиек / Анши) давлатигача бўлган мамлакатларнинг урф-одатлари яқин, тиллари бир-бирига ўхшамасада, бири иккинчисининг тилини билади. Бу давлатлардаги одамлар чукуркўз, серсоқол бўлиб,

<sup>132</sup> «Уларни совға-салом инъом килиш ва меҳр-шафқат кўрсатишни йўли билан итоатга даъват қилиб бўлмади», деган гап Н.Я.Бичурин таржимасида тушиб қолган [Бичурин. Н.Я. Собрание сведений... Московское изд. Т. 2. С. 161].

<sup>133</sup> Асл матнда «Юан зуою» (宛左右) ёзилган бўлиб, унинг сўзма-сўз таржимаси «Фаргонанинг шаркӣ ва гарб томонида» маъносини англатади.

<sup>134</sup> Хитойча бир «дан» 103,6 литрга якин.

<sup>135</sup> Милоддан аввалиги II асрда Хитойда дондан спиртли ичимлик ишлаб чиқарилган. У хитой тилида «жю» (арок маъносини англатади) деб номланган. Аммо уни узоқ вақт саклаш мумкин бўлмаган. Шунинг учун Чжан Чян Фаргонадаги узумдан тайёрланган майнинг узоқ йиллар давомида сакласа ҳам, бузилмаслиги масаласига алоҳида эътибор берган [Лю Йингшэнг. Силу вэнхуа – цаоуюан жуан (Ипак йўли маданияти яйлов йўлига оид жилл). Чжэжянг, 1996. 150-6.].

савдогарчиликка мохир, савдолашишга уста. Уларнинг одатига кўра, аёллар қадрланади. Эрлари аёлларининг сўзлари бўйича иш тутади.

Бу ерда [Фарғона мамлакатида] ипакни бўяшмайди (其地无丝漆)<sup>136</sup>, темирдан идиш-товоқ ясашмайди (不知鑄錢器)<sup>137</sup>.

[Фарбий мамлакатларга келиб] вафот этиб қолган Хан элчиларининг навкарлари асир тушишган. Бу асиirlар ҳарбий курол ясашни [маҳаллий ҳалққа] ўргаттан. Хан [мамлакатидан келтирилган] олтин-кумушларини пул сифатида кўришмай, улардан идиш-товоқ ясашган.

Фарбга элчилар кўп юборилган бўлсада, уларга ҳамроҳ бўлгандарнинг сони кўп эмас эди. Элчиларга эргашиб бориши

<sup>136</sup> Н.Я.Бичурин ушбу маълумотни «В тамошних странах нет ни шелка, ни лака» («у мамлакатларда ипак ҳам, лак ҳам йўк»), деб таржима килган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С. 166]. Н.В.Кюнер «Бу мамлакатларда ипак ва лак умуман йўк» («Эти страны совсем не имеют шелка и лака»), деб таржима килган [Кюнер Н.В. Китайские известия о народах... С. 122]. Ўйгурча таржимада ҳам маълумот шундай мазмунга эга [Тарихий хотиралар. 507-6.]. Аммо хитой элчиси Чжан Чян Фарғонага келганида, унинг гарбидаги мамлакатларда ипак йўк эди, деган маълумот ҳакикатта тўғри келмайди. Бинобарин, Сополлитепа ва Фарғонада топилган ипак мато бўллаклари ва бошқа ашёвий далиллар бу ерларда ипак матоларнинг тўқилганилигидан дарак беради [Бу хақда каранг: Аскаров А. А. Аждоддларимиз ҳунари, «Фан ва турмуш» 1984, 1 сон, 8-б.; Ўша муаллифнинг. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. Ташкент, 1977. С. 126; Ўша муаллифнинг. Сапаллитепа, Ташкент, 1973. С. 134].

Бундан ташкари, мил. II асрда яшаган грек олимис Дионисий Перизгим Ўзбекистон ва унинг шарқида пахта етиширилганлиги ва ўсимликдан бўёқ ишлаб чиқарилиб, мато бўйлганлиги ҳакида маълумот беради [Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории. М. 1988. С.193]. Демак,Чжан Чян Фарғонага борган вақтда, яъни мил.авв. II асрда бу жойда бўёқ ишлаб чиқарилган. Аммо хитойлар кадрлаган сарик бўёқ ўша даврда бу минтакага етиб келмаган бўлиши мумкин. Эҳтимол, улар ипакни рангли, жилвадор килиб кўрсатадиган айнан ўша маҳсус бўёкнинг йўклигини назарда туттганлар. Бинобарин, «Ханшу»да «Ушбу замин [Фарғона]да хамма ипакни бўйр экан (чиди же цини 其地皆丝漆), деб ёзилган [Ханшу. 2322(1164)-б.]

<sup>137</sup> Матидаги «темирдан идиш-товоқ ясамайди», деган маълумотни Н.Я.Бичурин «танга ва идиш-товоқ куйини билмайди» («не умеют отливать ни монеты, ни посуду»), деб келтирган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Московское изд. Т. 2. С. 162]. Н.В.Кюнер ҳам бу маълумотни шу маънода «не умеют отливать монеты и посуду», деб таржима килган [Кюнер Н.В. Китайские известия о народах... С. 122]. Ушбу таржималардан келиб чиқканда, Фарғона гарбидаги давлатларда темирчилик, яъни металл эртиши ва уни кайта ишлаш санъати бўлмаган. Бу ҳакикатга тўғри келмайди. Бизнинг таржимамизга асос бўлаётган асл матида айнан шу маълумотга шарҳ берилган. Унда пул, танга маъносини билдируви «сян» (錢) иероглифини «тие» (錫) деб ўқни лозим, дейилган. «Тие» иероглифи темир маъносини билдиради. Темир эса осон занглайдиган металл бўлганилиги сабабли, маҳаллий ҳалқ ундан идиш-товоқ ясамаганлиги мантикан тўғри. Буни археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Иккинчи асос – Н.Я.Бичурин ва Н.В.Кюнер таржималарida «отливать» маъносида келган «шу» (錫) иероглифи кадим замонда олтин эртиб, маъмуд бир шакидаги колипга куйини металлга ишлон берини маъносида ишлатилган. Шунинг учун биз кўрсатилган маълумотни «темирдан идиш-товоқ ясамайди», деб таржима қилишини тўғри топдик.

истагини билдирганлар Тангри ўғли (Тянзи)га хушомад килиб, «Фаргона (Юан)да яхши отлар бор, Риейший (Эрши)<sup>138</sup> шаҳрида бокилади, Хан [уларни] элчиларига кўрсатмайди», деб айтдилар. Буни эшитиб, Тангри ўғлида Фаргона отларига (Юанма 宛馬) қизикиш пайдо бўлди. [Шундан сўнг у] кўп олтин ва олтиндан ясалган от ҳайкалчаси билан паҳлавон Чэ Линг ва бошқаларни юбориб, /1144(1144)/16a/ Фаргона хукмдоридан (Юан ванг) Риейший (Эрши) шаҳридаги зотли отлардан сотиб олмокчи бўлди. Фаргона давлати (Юан-гуо) [хукмдори] Хан [мамлакати]нинг совғаларидан мамнун бўлди, лекин [у вазирлари билан] ўзаро маслаҳатлашиб, Хан биздан узокда, Шўркўл [йўли]дан [ўтишда] кўнгилсизликлар юз бериши мукаррардир. Унинг шимолидан юрса, ҳуналар (ху / ху 胡) хужумига дуч келади, жанубида эса сув ва ўт-хашак етишмайди. Очлик ва сувсизликка дуч келиш тез-тез учраб турадиган ҳолат. Бир неча юз киши ҳамроҳлигида сафар килган Хан элчилари бундай ҳолатда одамларининг ярмидан жудо бўлган. [Шундай шароитда Хан давлатининг] катта кўшини етиб кела оладими? Бизга [Хан давлати] нима аломат кўрсатиши мумкин? Қолаверса, Риейший (Эрши) отлари Фаргона (Юан)нинг бебаҳо отларидир, деб ўйлаб, Хан элчисининг таклифини кабул қилмади. Хан элчиси ғазаб билан сўкиниб, олтин от ҳайкалчасини иргитиб ташлаб чиқиб кетади. Фаргона (Юан)нинг зодагонлари [элчининг бу қилмишидан] хафа бўлдилар ва Хан элчиси бизни менсимади деб, /1144(1144)/16b/ [Фаргона давлатининг] шарқий томонидаги Ўзган (Йивечэнг)<sup>139</sup> ҳокимига

<sup>138</sup> Бернштам А.Н. Эрши шаҳрини Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Марҳамат кишлогида жойлашган шаҳар харобасига тенглантирган. Шу билан бирга у Эршини «Арист» деб номланган кабила номининг хитойча талаффузидир, деб билган [Бернштам А.Н. Древняя Фергана. Ташкент, 1951. С. 11]. А.А.Аскаровнинг охири даврда нашр этган мақолосида Эрши Ошга якин бўлган Марҳаматдаги Мингтепасига тўғри келиши айтилган [Аскаров А.А. Марҳаматта ташриф ва Эрши мудофааси ҳакида мулоҳазалар // Археология Узбекистана. Самарканд, 2010. С. 151]. Бизнинг фикримизча, Эрши ҳозирги Ошга тўғри келади [Ходжасев А. Можно ли считать Эрши столицей древнего государства Фергана? // O'zbekiston tarixi. № 2. 2010. С. 63-73]. А.А. Анарабаевнинг сўнгти тадқикотларида бу фикр тўғри эканлиги таъқидланган [Анарабаев А.А. Еще раз о локализации столичных городов Ферганы (Давань-Дайюань) и некоторые спорные вопросы, связанные с ними // Археология Узбекистана. Самарканд, 2010. С. 65-71].

<sup>139</sup> Йивечэнг (Юйчэнг 郁成) ҳозирги Ўзганга тўғри келиши хитой олимлари тадқикотларида ҳам таъқидланган [Шиюй диминг каолу. 1141-б.]. Ўзбекистон олими

Хан элчисини ўлдириб, нарсаларини тортиб олишни буюрдилар<sup>140</sup>.

Буни эшитган Тангри ўғли<sup>141</sup> каттик ғазабланди. Илгари Фаргона (Юан)га элчи бўлиб борган Яо Дингхан ва бошқалар императорга: «Фаргона (Юан)нинг кўшинлари ожиз. Уч минг нафар ўқ-ёй отувчи қобилиятли Хан лашкарлари уларни асирга тушириб олиши ва Фаргона (Юан)ни тор-мор қилиши мумкин», дедилар. Тангри ўғли илгари чжоу-йе-хоу<sup>142</sup> Чжао Пуонуни Крурон (Лоулан)га хужум килиш учун юборганида, у 700 отлик аскар билан ушбу давлатга бориб, унинг ҳукмдорини асирга олган ва Хан ҳокимиятини ўрнаттган эди», деб айтдилар. [Бу гапдан У-ди] мамнун бўлиб, кичик канизаги Ли Шининг акаси Ли Гуанглини<sup>143</sup> Риейшией (Эрши) қўмондони (Риейшией

---

А.А.Анарабаевнинг ёзиича, Эйлатан шаҳрига такқослаш мумкин [Анарабаев А.А. Еще раз о локализации столичных городов Ферганы (Даваны-Дайвонь) и некоторые спорные вопросы, связанные с ними // Археология Узбекистана. Самарканд, 2010. С. 70].

<sup>140</sup> Юан Шунинг «Тунгжян жиши бинму» («Мұхым тарихий воеалар бағниси») номли асарида бу маълумот «Сүнгра мазкур зотлар Хан элчилариниң ўз юртларига кайтариб юбордилар. Шунинг билан бирга улар ўзларининг шарқ томонидаги Йивечэнг шахри ҳукмдорига хан элчиларига хуфиёна хужум килиб, уларни бир ёкли килишини ва мол-мулкларини тортиб олишини буюрганилар», деб зикр этилган [Юан Шу. Тунгжян жиши бинму. 8 жилдан иборат, факсимиле нашри, Шангхай, 1955. 1-жилд, 2-к., 44-б.]. Н.Я.Бичурин таржимасида ҳам маълумот шу мазмунга эга [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Московское изд. Т. 2. 162]. Аммо унда мантиқка хилоф бир катор фикрлар мавжуд. Биринчидан, Хан элчиси олтин от хайкалчасини иргитиб, чиқиб кетганидан кейин Фаргонада зодагонларининг ўз тиллариди қилган сухбатини эштиши ва бу сухбатнинг мазмунини тушуниши мумкинлиги шубха тутгидари. Иккинчидан, манбада Хан элчиси Чилин айнан Фаргонада зодагонлари буйргути билан ўлдирилганлигини исботловчи аник маълумот йўқ. Учинчидан, Хан элчиси номаълум карокчилар томонидан ўлдирилган ва унинг ёнидаги бойликлар талон-торож килингандир. Тўртмичидан, Хан элчиси Чилин ўзининг ҳамроҳлари томонидан ўлдирилиб, мол-дунёси ўзлаштириб олингандир. Бу холда улар ўзларини оқлаш учун Хитой хоконига фаргоналик зодагонлар ўлдириди ва молларни талади, деб тухмат қилиши табиий. Бешинчидан, Хан элчиларини, жумладан Чжанг Чянни ҳурмат ва иззат билан кутиб олган Фаргона ҳукмдори Чилиннинг кўполлиги туфайли Катта давлат билан муносабатни бузилиши мумкинлиги мантиқка тўтири келмайди. Шунинг учун матнда Хан элчиси ўлдирилганлиги ҳакида мазмумотни аник ва асосли, деб бўлмайди.

<sup>141</sup> Хан императори кўзда тутилади.

<sup>142</sup> Юкорида айтиб ўтилганидек, чжоу-йе-хоу (涇野侯) – унвон номи бўлиб, у олис чўл юрт ҳокими мъъносини англатади.

<sup>143</sup> Ли Гуангли (李廣利, 李广利 – тутилган ўйли номаълум, мил. авв. 88 йилда оламдан ўтган) – хозирги Хитой Халқ Республикасининг Шанши ўлқасидаги Хуйли вилоятидан ҳарбийлар оиласида тутилган. Милоддан аввалиги 166 йилдан бошлаб узок йилларга چўзилган ҳуиларга карши урушда катнашган ва шу жараёнда ўзини Хан сулоласига содик моҳир чавандоз ва мерган жаннги сифатидан кўрсатган. Фарбий Хан (Ши-Хан) империясининг Кадимий Фаргона давлатига қарши амалга оширган урушида унинг кўшинларига етакчилик қилган. Унинг имкониятларидан фойдаланиш массадида император уни ўз кўшинларига қўмондон этиб тайинлаган ва «Эрши жянгжон» (Эршига

цангкивен, хозирги талаффузда Эрши жянгжюн)<sup>144</sup> этиб тайинлаб, уни [Хан сулоласига] итоат қилдирилган давлатлар хисобидан 6 минг чавандоз ва ҳар қайси вилоят ва бекликлардан йигилган бир неча ўн минг безори ёшлардан ташкил топган [күшин]га бошлиқ қилиб, Фаргона (Юан)га юриш қилишга юборди. [Юкланган вазифага кўра, Ли Гуанги] Риейший (Эрши) шаҳрига етиб бориб, у ердаги тулпор отларни кўлга киритиши лозим эди. Шунинг учун [Ли Гуанги] Риейший кўмондони (Эрши жянгжюн 贰師將軍) деб номланган.

Чжао Шичэнг кўшиннинг олдинги сафларининг бошлиғи, собик Хоу салтанатининг хукмдори Ванг Хуэй йўлбошловчи этиб тайинланди. Ли Дуога лашкар бошлиғи лавозимини бериб, унга кўшиннинг ҳарбий [таъминот] ишларини бошқариш вазифасини юклади. [Ушбу воқеа] Тайчу [даври]нинг<sup>145</sup> биринчи йили (мил. авв. 104 йил) содир бўлган эди. [Шу йили Хитой] чегарасининг шарқида юз берган чигиртка офати гарб томондаги /1144(1144)/17a/ Дунхуангтacha тарқалган эди.

Риейший (Эрши) кўмондони [Ли Гуанги]нинг кўшинлари гарбда Лобнор (Яншуй)дан ўтганидан кейин, йўлдаги кичик давлатлар шаҳарни қаттиқ мудофаа қилиб, уларга озиқ-овқат беришмади. Хан кўшини ҳужум қилиб, шаҳарни кўлга ололмади, [уларни] забт этганида озиқ-овқатга эга бўлар эди.

---

юборилган кўшин кўмондони) унвонини берган. Шундан кейин бу уивон унинг исмига айланниб колган. Уруш якунлангандан сўнг у хунларга карши ҳарбий юришларга сафарбар этилган ва шу юришларда ўлдирилган.

Ли Гуанглиниг император Ў-ди ёътиборига тушишига маълум даражада унинг опасининг кўллаб-куватлаши сабаб бўлган. Чунки унинг опаси Ли-хоним мил.авв. 140-85 йилларда таҳтда ўтирган Хан императорининг жориёси бўлган эди. Унинг Фарбий Хан саройидаги обрў-ёътибори опасининг таъсири билан бевосити бояник бўлган. Фарбий Хан сулоласига кўрсатган хизмати учун «Ханшу»нинг йирик шахслар хаёти ва фаолиятiga багишланган кисмидан унга багишланган маҳсус боб ажратилган. Ушбу боб Н.Бичурин таржималарида учрамайди. Ўйғурча таржимада келтирилган [Тарихий хотиралар. 369-386-б.]

<sup>144</sup> Хитойчадан уйғур тилига «кўмондон» сўзи сангун деб таржима килинган. Қадимда Хитой ҳукмдорлари бирор жойга кўшин юбориб, уруш қилмоқчи бўлганида, кўшинга бошчилик қиласидан кишига ҳарбий кўмондон (жянгжюн) унвонини забт этилажак жойининг номини кўшган ҳолда берганлар. Фаргона давлатида от бокиладиган жой Эрши бўлганлиги сабабли Ли Гуанглига иномъ этган лавозимининг олдига Эрши сўзини кўшган. Кейинги даврда бу лавозим унинг иккинчи исми сифатида ҳам ишлатилган.

<sup>145</sup> Тайчу (太初) – Хан сулоласи хокони Ў-ди ҳукмронлигининг мил.авв. 104-101 йилларига берилган ном. У юксалишининг ёки буюктликнинг бошланиш даври маъносини англатади. Ушбу хоконнинг таҳтда ўтирган даври мил.авв. 140-85 йилларга тўғри келади.

[Кичик давлатларни] эгаллаб ололмаганидан сүнг, [Хан күшини] бир неча кунлик йўл юриб, Ўзган (Йивечэнг 郁成) шахрига етиб борди. [Шунда улар] сафида атиги бир неча минг аскар қолган эди. Хан лашкарлари очлик ва чарчоқ ҳолатидан чиқканидан сүнг, Ўзган (Йивечэнг)га хужум килишди. Ўзганга катта шикаст етказилди, [аммо Хан күшини томонидан] кўп одам ўлди ва ярадор бўлди. [Шундан сўнг] Риейший (Эрши) кўмондони [Ли Гуангли] Ли Дуо ва [Чжао] Шичэнг билан кенгашиб, Ўзган (Йивечэнг 郁成)ни ололмадик, улар хукмдорининг пойтахти (вангду 王都)ни қандай оламиз, деган фикрга келишди. Шундан кейин қолган лашкарларини орқага кайтариб олиб кетди. Бу орада борди-келди бўлиб, икки йил вақт кетди. Дунхуангта қайтиб келганида, Хан лашкарларининг сони бир-икки баробар камайиб кетган эди. [Риейший (Эрши) кўмондони Ли Гуангли] император хузурига ўз вакили орқали «йўл узок экан, озиқовқат етишмади, лашкарлар жанг қилишдан қўрқмади, лекин очлик уларни ҳолдан тойдирди. Унинг устига, одамларимиз оз қолганлиги туфайли Фарғона (Юан)га юриш қилишнинг иложи бўлмади. Шу боис ҳозирча чекиниб, кўшин тўплаб, [Фарғонага] қайтадан юриш қилишни лозим топдик», деган мазмунда мактуб жўнатди. Буни эшитган Тангри ўғли қаттиқ ғазабланиб, Юймэн чегара қоровулхонасига одам юборди, [Риейший (Эрши) кўмондони Ли Гуангли]га Юймэн<sup>146</sup> чегара чизигидан

<sup>146</sup> Юймэн – хитой манба ва адабиётларида Юймэн-гуан (玉門關 , зам. ёз. 玉门关), яъни қоштоши чегара дарвозаси ёки қоровулхонаси деб номланади. Дунхуанг шаҳридан 80 км шимоли-гарбда, чўл ерда жойлашган. Юймэннинг лугавий маъноси «Қош (нефрит) тоши дарвозаси»ни англатади, гуан – чегарадан ўтадиган жой демакдир. Қадимий хитой манбаларининг маълумотларига караганда, бундан бир неча минг йил илгари Хўтандан қадимий Хитой шаҳарларига нефрит тошлиарни (кош тоши) ва ундан ясалган буюлмари олиб бориб сотишган. Бунинг учун савдо гарлар мазкур чегара дарвозасидан ўтишган. Шунга кўра, хитойликлар бу жойни «Юймэн» («Қош тоши дарвозаси») деб аташган. Гарбий Хан давлатининг хокони (мил.авв. 140-85) даврида бу ерда қоровулхона қуриш муносабати билан анча мустаҳкам бўлган қалъа барпо этилган ва у «Юймэн-чэнг» («Қош тоши дарвоза қальласи») деб аталган. Қалъа кўп марта кайта қурилган ва таъмиранганилиги туфайли ҳозиргача яхши сақланни қолган.

Юймэн қальласи узунчок тўртбурча шаклида бўлиб, унинг умумий майдони 633 кв. м га тенг. Шарқдан гарбга караб қурилган деворнинг узулиги 24 м, жанубдан шимолга караб қурилган деворнинг узулиги эса 26, 4 мт тенг. Деворларнинг баландиги 9,7 м. Қальянинг гарбий ва шимолий деворларида биттадан дарвоза очилганд. Шимолий дарвоза олдидан қадимига Хитойдан гарб томонига борадиган йўл ўтган. Ушбу дарвозадан 100 м га яхши ердан «Сули-х» деб номланган арик ўтган. Хитой манбаларидан қадимий Хитойдан Юймэн орқали гарб томонига кетадиган йўл шимолий йўл (бэйлу) деб аталган [Чжунтуу мингшонг цидян. 1053-б. ; Циоан. 1617-б.]

киришга журъат этган саркардаларнинг ўлим жазосига маҳкум этилишини уқтириди. Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] кўркиб, Дунгхуандада туриб қолди.

Шу йил ёзда Хан [сулоласининг] олис юртга юборилган /1144(1144)/176/ 20 минг кишидан иборат қўшини (чжоу-йе чжи-бинг 淀野之兵) ҳұнлар (кунна /шюнгнү/) томонидан йўқ килинди<sup>147</sup>. [Шундай вазиятда] саройдаги вазирлар Фарғонага хужум килишни тўхтатиб, бутун куч билан ҳұнлар (ху / ху 胡)га зарба бериш ҳақида таклиф киритдилар. Лекин Тангри ўғли Фарғона (Юан)га жазо юриши килиш ҳақида фармойиш бериб кўйган эди, [у] Фарғона (Юан)дек кичик бир давлатни кўлга ололмасак, Бақтрия (Дайғиа / Дашиб) ва унинг атрофидаги давлатлар Хан [давлати]ни менсимай кўяди, Фарғона (Юан)нинг зотли отлари ҳам кўлга киритилмайди, Асуэн (Усун, Уйсун), Бугур (Лунтоу)<sup>148</sup> каби давлатлар Хан элчиларини хурмат қилмай кўяди, хорижликларга кулги бўлиб қоламиз, деб Фарғона (Юан)га юриш килиш ҳақидаги қароридан кайтмади. Бу қарорни маъқул топмаган Дэнг Гуанг ва бошқалар жазоланди. Бир йил давомида қамоқ жазосини ўтаётган жиноятчилар, қонунбузарлик қилган ёшлар ва чегара вилоятлардаги отлик аскарлардан иборат 60 минг киши, 50 нафардан ортиқ ҳарбий амалдорлар [Фарғонага юриш қилиш учун] сафарбар этилиб, Дунхуангдан жўнатилди. Ўз ихтиёри билан [уларга] қўшилиб кетаётганлар бу таркибга кирмади. Бугун дунёни ҳайратта соглан Фарғона (Юан) юриши учун 100 минг корамол, 30 мингдан ортиқ от, бир неча ўн мингга яқин эшак, хачир ва туялар, уларга етарли даражада ем-хашак, [кўшин учун] курол-яроғлар ажратилди.

<sup>147</sup> Аслиятнинг шу жойида келтирилган изоҳда «Шиён Гуангнинг баён этишича, Тайчу даврининг иккичи йили (мил.авв. 103.) Жюнжи кўмондони (Жюнжи жянгжон 浩穰將軍) этиб тайинланган Чжао Пуону 20 минг кишидан иборат қўшин билан ҳұнларга хужум килиб, кайтиб келмади», деб ёзил кўйилган. Ушбу изоҳдаги Жюнжи Монголиядаги Тула ва Орхон дарёси оралигидаги тог номидир [Чжунгую гужин диминг дацидян (Хитойнинг кадимдан хозиргача бўлган давр топонимлари лугати). Шангхай, 1930, 719-6].

<sup>148</sup> Бугур (Лунтоу 候頭) – Шаркий Туркистоннинг гарбий кисмидаги Корашаҳар билан Кучар ўртасида бир жойининг номи, Юйгу (玉古) деб ҳам транскрипция килинади. Хозир у хитой тилида Лунтай деб аталади. Хан қўшиналарининг хужумига қадар у мустаскил давлат бўлган [Цихай. 311-б.]. Уйгар тилида кадимги номи сақланиб колган.

Фарғонанинг пойтахтида (Юан вангчэнг 宛王城) кудук бўлмаганлиги туфайли [шахар ахолиси] ичимлик суви билан шахар ташқарисидан оқиб келадиган ариклар орқали таъминланар экан. Шунинг учун у ерга сув иншоотларини биладиганларни юбориб, уларга сув йўлини тўсиб, шахарни сувсиз қолдириши вазифаси юкланди. /1145(1145)/18a/ Цизудзиван (Tsieu-dziwan 酒泉 зам. ўқ. Жючоан), Тиангийак (Tiang-yiak 张掖, зам. ўқ. Чжангье), унинг шимолидаги Кияйен (Kiyayen, Kiyajiyen 居延, зам. ўқ. Жюяян), Шиэуда (Shieu-da 休屠, зам. ўқ. Шюту) каби жойларда<sup>149</sup> орқа саф химоячилари сифатида 180 минг кишидан иборат қўшин жойлаштирилди ва уларга Жючоанни химоя қилиш топширилди. Мамлакат бўйича ҳарбий хизмат ўташга лойик бўлган етти табака<sup>150</sup> вакиллари сафарбар қилинди. Улар озиқ-овқат ва ем-хашак жойланган қопларни араваларга юклаб, Риейший (Эрши) қўмондони Ли Гуанглига узлуксиз етказиб бериб туриши керак эди. Дунхуангга етиб келганда, отларни яхши биладиган икки киши топиб, уларга отбоқарлар бошлиғи (чжичой-сювэй 執驅校尉) лавозими берилди, зоро Фаргона (Юан)ни эгаллангандан сўнг, улар зотли отларни танлаб олиши керак бўлар эди.

Риейший (Эрши)га иккинчи марта юриш қилинганда лашкарлар сони кўп бўлганлиги учун йўлдаги майдадавлатлар уларни кутиб олмасликка ва озиқ-овқат билан таъминламасликка журъат этмади. Бутурда Хан қўшинлари қаршиликка учради ва бу ерда бир неча кун давомида жанг бўлди, қаршилик кўрсатганлар қириб ташланди.

Шундан сўнг 30 минг нафар Хан лашкарлари ғарб томонга

<sup>149</sup> Жючоан (酒泉), Чжангье (张掖), Жюян (居延, ҳозирги Увей), Шюту (休屠) каби топонимларнинг қадимги хитойча талаффузи уларнинг хитойлар юртига ва тилига хос жой номлари эмаслигини яққол кўрсатиб туради. Улар ўз даврида Хэши йўлагининг (ҳозирги ХХРнинг Гансу ўлкаси) гарбий кисмидаги жанубдан шимолга қараб оқадиган Риаук-шуй (Riauk-shui 弱水 зам. ўқ. Рўшуй) дарёси бўйида жойлашган муҳим стратегик аҳамиятта эга шахарлар бўлган. Хан империясидан олдин бу жойлар гузерликлар (рузинеклар /юзчэси)га, сўнгра хунларга тегишли бўлган. Мил.авв. II асрнинг иккичи ярмиди бу жойлар Фарбий Хан империяси томонидан босиб олинган. [Шиной тунгши. 50-51-б.; Тарихий хотирилар. 529-б.]

<sup>150</sup> Аслиятда келтирилган шарҳда ушбу 7 табака қамок жазосига маҳкум этилганлар ва қочоклар, хотинларининг уйига бориб яшаёттнлар, савдогарлар, шахар ахолиси, отаоналари хисобига яшайдиган шахарликлар, ота-онани бокиш мажбуриятидан бош тортганлар, уй-жойсизлардан иборат бўлган.

қараб қаршиликка учрамасдан, Фарғона шахри (Юан-чэнг 宛城)га тинч-омон етиб борди. Фарғона (Юан) жанчилари Хан лашкарларига қаршилик кўрсатдилар. Лекин Хан лашкарлари ўқ-ёй отиб, уларни чекинтирди. Фарғона (юан)ликлар шаҳарга кириб олиб, уни жиддий мудофаа қилдилар. Риейший (Эрши) [кўмондони] аввалига /1145(1145)/186/ Ўзган (Йивечэнг 郁成) шаҳрига хужум қилмоқчи бўлган эди, лекин бунга кўп вақт кетишини ва фарғоналиклар бирорта хийла ишлатиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, аввал Фарғона [(Юан 宛) шахри]га келиб, у ерда шаҳарга кирадиган сув манбаини бошқа томонга бурди. Сувсиз қолган Фарғона [(Юан 宛) шахри]нинг аҳолиси қийин аҳволга тушиб колди. [Шундан сўнг ханликлар] шаҳарни қамалга олиб, 40 кун давомида унга хужум қилиб, шаҳарнинг ташки қисмини бузиб ташлади. Фарғона (Юан 宛) [шахри] зодагонларидан бўлмиш паҳлавон Цянмей (Tsianmei) Жонбей асирга олинди. Фарғоналиклар қаттиқ хафа бўлиб, ички шаҳарга чекиндилар.

Фарғона (Юан) зодагонлари ўзаро кенгашиб, «Ханликлар Фарғонага хужум килишининг сабаби ҳукмдоримиз Миукуя (Miukoa, зам. ўқ. Wugua)нинг тулпорларни яшириб, Хан элчи-сини ўлдирғанлигидадир. Агар биз унинг ўзини ўлдириб, тулпорларни чиқариб берсак, Хан қўшинлари қайтиши мумкин. Агар қайтмаса, охирги бир томчи қонимиз қолгунча, бор кучимиз билан жанг қиласиз», деган фикрига келдилар ва биргалашиб Мекўани ўлдирдилар. Сўнг Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] хузурига одам юбориб, унга ҳукмдорнинг бошини тақдим этгач, «Хан биз билан уруш қиласа, биз яхши отларни чиқариб берамиз, ўзингиз танлаб оласиз, озиқ-овқат берамиз; агар гапларимизга кулоқ солмасанглар, барча тулпорларни ўлдириб ташлаймиз; [бундан ташқари] ёрдам учун Кангкия қўшинлари етиб келиш арафасида турибди; [улар етиб келган заҳоти] биз ички томондан, Кангкияликлар эса ташки томондан Хан лашкарларига хужум қиласиз, қандай қилишини маъқул кўрасизлар?»деб мурожаат қилдилар.

/1145(1145)/19a/ Бу вақтда кангкияликлар хан қўшинларининг кучли эканлигини билиб, олға юришга журъат этмай

турган эди. Риейший (Эрши) [күмондони Ли Гуангли] Чжао Шинчэнг ва Ли Дуолар билан маслахатлашиб: «Яқында Фаргона шахри (Юан-чэнг 宛城)га кудук қазишни биладиган чинликлар (чинрен 秦人) келганимиш, шаҳарда озик-овқат хали кўп эмиш, [бизнинг бу ерга] келишимиздан мақсад бош жиноятчи Мекўа (Mekoа, зам. ўқ. Mugua 母寡)ни ўлдириш эди. [Хозир] Мекўанинг боши олиб келинди, агар [фаргоналик-ларнинг таклифини] маъқул топиб, кўшинларимизни қайтармасак, [улар ўз шаҳрини] қаттиқ ҳимоя қилиб, кўшинларимизни чарчатиб кўйганида Кангкия [армияси] Фаргонага ёрдамга келса, биз мағлубиятга учрашимиз мукаррардир», деган фикрга келди. Ҳарбий амалдорларнинг ҳаммаси бу фикрни тўғри топиб, фаргоналиклар таклифини қабул килди ва бу ҳақда [улар билан] кенгашиб олди. Хан кўшинлари кўп озик-овқат билан таъминланди. [Фаргона зодагонлари] ўзларининг зотли отларини келтириб, ханликларга танлаш имкониятини бердилар ва Хан лашкарлари бир неча ўнта зотли от ва 3 мингдан ортиқ ўрта ҳол отларни танлаб олишди. [Шундан сўнг Хан кўшинларининг күмондони Ли Гуангли] Хан элчиларини яхши кутиб олган Фаргона (Юан) зодагони Муэтцат (Muэт-tsat, Muэт-tsai 眇蔡, зам. ўқ. Мейцай, Meicai)<sup>151</sup>ни Фаргонага ҳукмдор (Юан-ванг) қилиб белгилади ва [унинг билан] битим тузиб, ўз кўшинларини қайтариб олиб кетди<sup>152</sup>. Шундай қилиб, Хан кўшинлари [Фаргонанинг] ички шаҳрига кира олмай, орқага қайтди.

Илгари Риейший (Эрши) [күмондони] Дунхуангдан йўлга чиқиб, Farbga отланганида, /1145(1145)/196/ [биргина йўлдан юрса] йўлдаги давлатлар кўп сонли кўшинини озик-овқат билан таъминлай олмайди, деб ўйлаб, уни бир неча кисмга бўлиб, Жанубий ва Шимолий йўллар билан юриш килган эди. Ёрдамчи кўмондон (шяовэй 校尉)<sup>153</sup> Ванг Шингшинг Гу Хунглу ва Ху

<sup>151</sup>Матнда келтирилган шарҳда Муоцайи Фаргонанинг ҳарбий кўмондони бўлган, деб ёзилган.

<sup>152</sup>Аслияга матнининг шу жойида «Суйин» («Ноаникликларга изоҳлар»)дан жой олган изоҳ келтирилган. Унда «Муоцай (Mosai) Дай-юан кўшинининг бошлиги эди. Унинг исми ёзилган биринчи иероглиф «Му» (木), иккинчи «шиянг» (先焉) ўқилгани, деб ёзилган.

<sup>153</sup> Шяовэй (рус ёзувиде словэй) – юкори даражали ҳарбий унвон бўлиб, Фарбий Хан сулоласи даврида унинг мавзеи бош кўмондон (жянгжон)дан кейинги ўринда турган. Кўп ҳолларда кўшни мамлакатларга карши уруш катнашчиларига

Чунггуолар [хамрохлигид] мингдан зиёд лашкарлар билан Ўзган шахри (Йивечэнг-чэнг, Юйчэнг-чэнг 郁成城)га борди. Ўзганликлар шаҳарни қаттиқ ҳимоя қилиб, улар [Хан қўшинлари]ни озиқ-овқат билан таъминламади. Ванг Шиншинг [лашкарлари] билан асосий қўшинларнинг оралиғи 200 ли (115.2 км)га яқин эди. У асосий қўшиннинг ёрдамига ишониб, душманни писанд қилмади ва Ўзган (Йивечэнг) аҳдини унга озиқ-овқат бермаганликда айблаб, койиди. Ўзганд (Йивечэнг) [хукмдорлари] Ванг Шиншинг лашкарлари сонининг камлигини билиб, тонг саҳарда уч минг жангчи билан тўсатдан [ханликларга] хужум қилди. Ванг Шиншинг ва бошқалар ўлдирилди, [уларнинг] лашкарлари тор-мор қилинди, атига бир неча киши қочиб, Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] олдига етиб борди. [Шундан кейин] Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] дувэй (都尉)<sup>154</sup> Шанг Гуанжини Ўзган шахрига хужум қилишига юборди. Ўзган (Йивечэнг) шахри ишғол қилинганида, Ўзганд (Йивечэнг) хукмдори (ванг 王) Кангкияга кочди. Шанг Гуанжи уни Кангкиягача қувиб борди. Кангкияликлар Хан [қўшинлари] Фаргона (Юан)ни мағлубиятта учратиби, деб эшишиб, Ўзганд (Йивечэнг) хукмдорини Шанг Гуанжига топширди. Шанг Гуанжи уни боғлаб, тўрт нафар отлик лашкари билан бош кўмондон<sup>155</sup> хузурига жўнатди. Бу 4 киши ўзаро «Ўзганд (Йивечэнг) хукмдори Хан давлатининг душмани эканлиги аниқ, [аммо] уни манзилга тирик етказиш қийин, йўлда ўлса ёки кутилмаган ҳодиса юз бериб қолса, ахволимиз хароб бўлади», деб маслаҳатлашиб, [Ўзган (Йивечэнг) хукмдорини] ўлдирмоқчи бўлишди. Лекин бунга ҳеч ким журъат этолмади. Уларнинг ичида энг ёш бўлган

берилган [Чжунггуо лидай гуанчжи цидян. 809-б.]. Уйғурча таржимада «Чирикчи-бек» деб номланган.

<sup>154</sup> Дувэй – миллав, биринчи минг йиллик ўргаларида таъсис этилган ҳарбий лавозим. Ғарбий Хан даврида маҳаллӣ хокимлар ихтиёридаги ҳарбий юсмаларга кўмондонлик юрган [Чжунгтуо лидай гуанчжи цидян. 809-б.]. Уйғурча таржимада «гутук-бек» деб номланган.

<sup>155</sup> Аслиятининг шу жойида Ру Шоу (如淳) исмли тарихчининг шархи берилган. Унда шу даврда «сянгжюн» деб номланган бош кўмондонлар кўп бўлганилиги сабабли уларни бир-биридан ажратиш максадида ушбу бош кўмондон унвони олдига «Эрши» этноминини қўшиб ёзилганлиги тушунтирилган.

/1146(1146)/20a/ дзангквейлик<sup>156</sup> чавандоз Чжао Ди ўз шамширини суғуриб олиб, Ўзган (Йивечэнг) хукмдорига урди. Хукмдор ўлганидан кейин, унинг бошини кесиб олиб, Чжао Ди ва Шанг Гуанжилар бош кўмондон хузурига олиб борди.

Ҳарбий юриш бошланганида, Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] оркада кетаётган эди. Шунда Тангри ўғли Асуэн (Усун) [давлатига] элчи юборди ва ундан ўз қўшинларини Фарғона (Юан)га юбориб, хужумда қатнашишини талаб килди. Асуэн (Усун) [хукмдори] икки минг отлиқ лашкар сафарбар қилган бўлса ҳам, у иккиланиб [одамларини урушга] юбормади. Риейший (Эрши) кўмондони Ли Гуангли шарқ томонга қайтиб кетаётганида, йўлдаги майда давлатлар [хукмдорлари] Фарғона (Юан)нинг мағлуб бўлганлигини эшитиб, ўз фарзандларини ва укаларини унга ҳамроҳ қилиб, Тангри ўғли хузурига совғалар билан юбордилар, уларнинг [Тангри ўғли] билан учрашишини ва у ерда гаров сифатида туришини истадилар. [Шундай қилиб] Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуанглиниг] Фарғона юриши якун топди.

Жиончжэнг [унвонли]<sup>157</sup> Чжао Шичэнг уруш жараёнида довюраклик қилиб [фарғоналиклар] ичига кириб борди ва кўп қаҳрамонлик кўрсатди, Ли Дуо эса Чжанг режаларини ишлаб чиқди. [Уруш сафаридан] қайтганда Юймэн чегара дарвозасига 10 мингта яқин одам ва мингтадан ортиқ от етиб келди. Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] орка сафда юрганлиги туфайли унинг қўшинлари озиқ-овқатдан кийналмади. Жангда ўлганлар сони кўп бўлмаган эди. Аммо амал-

<sup>156</sup> Дзангквей (Dzhang-kiwei 上邽, зам. тал. Shanggui) – ҳозирги ХХРнинг Гансу ўлкаси Тяншуй шаҳри худудидаги жойнинг номи. У Ҳан сулоласи даврида пайдо бўлган. Ундан илгариги минг йиллик давомида Гуй-рунг (邽戎) деб аталган ҳалк яшаган. Ўшанда бу жой Кивей (Kiwei), ҳозирги талаффузда Гуй 隼 деб номланган. Атамадаги «шанг» иероглифи юкори маъносини англатади. Кейинги даврда мазкур ҳалк яшаган худуд юкори ва кўни кисмларга ажратилганлиги туфайли тарихда Шангквей (Юкори Кивей) ва Шякивей (Күйин Кивей 下邽) топонимлари пайдо бўлган. Гуй-рунг (邽戎)лар матъносини англатади. Рунг қадимги хитойлар (илялар)нинг гарбда яшаган ҳалкнинг хитойча номи, у «от минувчилар» матъносини билдиради [Ходжаев А. Из истории древних тюрков... С. 31-35]. Квей аслида қушнинг номи бўлган. Қадимти битикларда «Мил.авв. 688 йилда Чин (秦 кад.ўқ. Dzien) мамлакати хукмдори Угунг квей-рунгларга хужум қилиб, уларнинг ерини тортиб олди ва уни Квейшян (Квей ноҳияси) деб атади», деган матълумот мавжуд [Ханюй дазидян. 6-жилд. 3766-3767-б.; Чжуңтуго гужин диминг дацидян. 43-б.].

<sup>157</sup> Жиончжэнг (軍正) – ҳарбийларнинг хукуқ масалалари бўйича жавобгар амалдори.

дорларни ва лашкарларни аямаганлиги сабабли одамлар бекорга нобуд бўлди. Шунга қарамай, Тангри ўғли бу амалдорларнинг узоқдаги Фарғонага қарши урушда қатнашиб, жафо чекканлигини инобатга олиб, уларни жавобгарликка тортмади, аксинча Ли Гуанглига хайши-хоу<sup>158</sup> унвонини, /1146(1146)/206/ Ўзган (Йивечэнг) хукмдорини ўлдирган чавандоз Чжао Диша шинчжи-хоу<sup>159</sup> унвонини, кўшин хуқуқи масаласига жавобгар зобит (жюнчжэнг) Чжао Шичэнгта гуанглу-дайфу)<sup>160</sup>, Шанг Гуанжега шаофу<sup>161</sup>, Ли Дуога Шангданг [вилояти]<sup>162</sup> ҳокими (тайшоу)<sup>163</sup> унвонини инъом этди; [саройдаги] тўккиз вазирликнинг (жючинг 九卿)<sup>164</sup> ҳарбий амалдорларидан уч кишининг лавозимини хоу (тўра)<sup>165</sup>, шянг (вазир)<sup>166</sup>, жон (вилоят ҳокими)<sup>167</sup>

<sup>158</sup> Хайши-хоу (海西侯) – Фарғонага қарши урушда Хан империясига хизмат кўрсатган шахсга берилган фахрий унвон бўлиб, у дengiz гарбидаги замин тўраси маъносини англатади.

<sup>159</sup> Шинчжи-хоу (新時侯) – Фарғонага қарши урушда хизмат кўрсатган шахсга берилган фахрий унвон. У «янги талофатга сабаб бўлган жой тўраси» маъносини англатади.

<sup>160</sup> Гуанглу-дайфу (光祿大夫) – Ҳарбий кенгаш ишларини бошқарувчи амалдор. Ушбу унвон номидаги «гуанглу» сўзи «ёргулк ва баҳт-саодатга элтувчи» маъносини билдиради. Н.Я.Бичурин таржимасида «биринчи даражали унвон» деб шарҳланган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Московское изд. Т. 2. С. 167].

<sup>161</sup> Шауфу (少府) – маъмурий лавозим бўлган. Хан даврида ушбу лавозим император саройининг ёки вилоятларнинг молиявий ишларини бажарадиган амалдорга берилган [Чжуңтую лидай гуанчжи цидян. 174-б.]. Шунинг учун мазкур лавозимни хазиначи бек деб таржима килиш ҳам мумкин.

<sup>162</sup> Шангданг (上黨 – хозирги кискартирилган шакли 上党) – кадимда Хитойнинг Шанини ўлқасидаги бир жойининг номи бўлган. Хан даврида Шангданг-жон (上黨郡 – Шангданг вилояти) деб аталган [Цихай. 170-б.]

<sup>163</sup> Тайшоу (太守) – Хан даврида олий даражали маъмурий лавозим бўлган. Мазкур лавозим дастлабда «шоу» деб атталган ва вилоят даражасидаги маҳаллий ҳокимииятни бошқарувчи амалдорга берилган. Кейин бунга хурмат юзасидан олий, катта маъносини англатувчи «тай» сўзи кўшилиб, «тайшоу»га айлантирилган [Чжуңтую лидай гуанчжи цидян. 138-139-б.]. Аслиятнинг уйғурча таржимасида у «кушбеги» деб таржима килинган.

<sup>164</sup> Жючинг (九卿) – замонавий тушунчада 9 вазирлик. Бу ҳақда юкорида 107-изоҳда айтилган.

<sup>165</sup> Хоу (侯) – кадим замонда чегара вилоятларни назорат килиб турувчи ҳарбий амалдорга бериладиган унвон бўлган. Айрим холларда Хитой хукмдорларининг яхин қариндошларига ва империя доирасида тобе бўлган хукмдорларга ҳам шу унвон берилган [Чжуңтую лидай гуанчжи цидян. 739-б.].

<sup>166</sup> Шянг (相) давлатнинг карорлар кабул килиши ва уларни ижро этилишини таъминлаш ишлари билан шугулланувчи амалдорга берилган лавозим бўлган. Ушбу лавозим шингшянг (宰相) деб ҳам номланган. Хан даврида у чап кўл (биринчи) шингшянг, ўнг кўл (иккинчи) шингшянг каби икки даражага бўлинган [Чжуңтую лидай гуанчжи цидян. 870-б.].

<sup>167</sup> Аввалги Хан даврида Хитой худуди 36 та ҳокимликка (ジョン君) бўлинган бўлиб, уларнинг бошликлари жон деб номланганлар [Чжуңтую лидай гуанчжи цидян. 793-б.]. Шунинг учун бу даврга нисбатан жон атамасини вилоят ҳокими деб тушуниш мумкин.

даражасига күтгарди. Юздан ортиқ одамга 2 минг ботмон (дан 石), мингдан ортиқ кишига минг ботмон дон миқдорида маош белгилади. Ўз хохишлари билан ҳарбий юришда қатнашганларга берилган мансаблар уларнинг кутганидан зиёд бўлди. Урушга сафарбар қилинган жиноятчиларнинг гунохи кечирилди. Ўлганлар [оиласи]га инъом этилган маблағ қиммати 40 минг килем (kiem, зам. ўқ. jin 金)<sup>168</sup> га тенг бўлди. Ҳаммаси бўлиб, икки марта Фарғона (Юан)га қарши қилинган уруш учун тўрт йил сарфланди.

Хан [кўшинларининг кўмондони Ли Гуангли] Фарғона (Юан)га қарши урушдан кейин Муэтцат (Muэт-tsat, Muэт-tsai 眇蔡)ни Фарғонага ҳукмдор (ванг 王) қилиб тайинлаб қайтган эди. [Лекин] бир йил ўтгандан сўнг, Фарғона зодагонлари Муэтцатни Ханга хушомад қилиб, давлатини қирғинга дуч қилганликда айблаб, ўлдирдилар ва унинг ўрнига [ўлдирилган] Мекўя (Mekoa 母寡)нинг укаси Дзанпионг (Dzianpiong 蝉封, замонавий талаффузда Чанфэнг)ни Фарғонага (Юанга) ҳукмдор (ванг) этиб тайинлаб, унинг /1146(1146)/21a/ ўғлини Хан саройига гаров учун юбордилар (ручжи 入質). Хан [сулоласи] бу холатни [фарғоналикларнинг] итоат рамзи, деб билиб бунга жавобан совғалар билан элчилар юборди. Шундан кейин Хан [сулоласи] Фарғона (Юан)нинг гарб томонидаги мамлакатларга 10 мартадан зиёд элчилар юбориб, уларга гаройиб нарсалар олиб келишни ва [Ханнинг] Фарғона (Юан)га қарши қилган урушда кўрсатган кудратини (вэй) ва илтифотини (дэ)<sup>169</sup>

<sup>168</sup> Кием (kiem 金, зам. ўқ жин (рус адабиётида цзинь) нероглифи олтин маъносини англатади. Аммо Хан сулоласи замонида жин кумушни ўлчаща кўлланиладиган оғирлике бирлиги бўлган. Кейинчалик Хитойда олтин ва кумушни ўлчаща 1 сар (лянг 两, яъни 37,301 граммга тенг) оғирликни 1 жин (金) деб айтиш одатта кирган [Ханой дазидян. 6-жилд. 3766-4167-б.]. Ундан ҳам кейинроқ кием (kiem 金) ўрнига тарози, болта, чопиб ташлаш маъносини билдирадиган kiem (жин / jin 斤) нероглифи ишлатилган. Аввалига 1 жин 16 сар (лянг 两), кейинчалик 10 сар (лянг)га тенг бўлган [Ханой дазидян. 3-жилд, 2022-б.]. Якин замонда 1 жин 596,6818 граммга тенг эди. Ҳозир 1 жин 500 грамм оғирлигига ишлатилади. Бундан ташқари, қадимига Хитойда асосан кумуш пул ишлатилган. Шунинг учун бу матннинг 40 минг килем (жин)нинг ҳажми 1492,04 кг (40000 X 37,301 гр.) кумушга тенг, деб тушунмок лозим. Н.Я.Бичурин таржимасида жин (kiem 金) сўзи тушиб колганд [Бичурин Н.Я. Собрание сведений.. Московское изд. Т. 2. С. 167].

<sup>169</sup> Кадимий Хитой ҳукмдорлари, жумладан Хан сулоласи императорлари, атрофдаги ҳалкларга босим ишлатиш мақсадида ўзларининг кудратли ҳарбий кучга (вэй 威) эга эканлигини ва шунинг билан бирга мазкур ҳалкларга итоаткорлик эвазига уларга катта химмат (дэ 德) кўрсатишни намойиш килиш масаласига ўтибор беришган. Уларнинг тушунчасига кўра, шунинг билан бошқа мамлакат

эътироф этишни ва тарғиб қилишни буюрди. Шунинг билан бирга Дунхуангда Жючюан лашкарлари бошлиғи (Жючюан дувэй) лавозими таъсис этилди<sup>170</sup>.

Фарбдаги Лобнор кўли (Яншуй 鹽水)<sup>171</sup> гача бўлган масофада йўловчилик тўхтайдиган жойлар барпо этилди. Бугурда бир неча юз лашкар деҳқончилик қилиш учун жойлаштирилди. Экин ерларни химоя қилиш учун амалдорлар тайинланди. Чет элларга борадиган Хан элчиларини таъминлаш учун озиқ-овқат жамланди.

## Битикчилар бошлиғи ҳазратлари (Тайши-гунт 太史公)<sup>172</sup>

---

хўкмдорларида бир томондан кўркув туйгусини, иккинчи томондан уларда совғалар олишга қизиқиш туйгусини уйғотиш йўли билан уларни итоаткорликда ушлаш мумкин. Ушбу тушунча Хитой императорлари Тангрининг ер юзидаги вакилидир, итоатдан бош тортганиларни жазолаш, итоаткорлик қылғанларга ғамхўрлик қилиш унинг вазифасидир, деган назария асосида шаклланган. Н.Я.Бичурин таржимасида «эй» ва «эд» сўзлари ғалаба деб таржима қилинган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Московское изд. Т. 2. С. 167]. «Фарғона тазқираси»нинг уйгурча таржимасида «эй» сўзи «шону-шухрат» маъносига ишлатилган. Чунонча, ушбу таржимада «Хан сулоласи яна атрофа ажойиб-гаройиб нарсаларни топиб келиш ҳамда Ханинг Фарғона юриши туфайли колонган шону-шухрати ва илтифотини намойиш қилиш учун Фарғонанинг гарбидаги мамлакатларга яна кўп марта элчи юборди», деб ёзилган [Сима Чян. Тарихий хотиралар. 517-6.].

<sup>170</sup> Аслия матни оралиғида келтирилган Сюй Гуангнинг шарҳида айтилишича, биринчи ёзилган нусхада «таъсис этилди» (чжи 置) деган сўз бўлмаган. Дунхуангда Юанчюан (Yuan-chuan 潤泉 – чукур булоқ демаклур) ноҳияси мавжуд эди. Бу ерда «юан» иероглифи ўрнига жю (jiu 酒) иероглифи ишлатилган, деб айтилган. Ҳакикатан хам, Дунхуангда шундай булоқ ҳозир хам мавжуд. Ушбу шарҳга кўра, Жючюан Дунхуангдаги бир жойнинг номи, уни ҳозирги Жючюан (酒泉 Tsieu-dziwan) шаҳри билан адаштириб бўлмайди. Афсуски, бу маълумотдан фойдаланган аксарият олимлар мажкур шарҳга ётиб бермаган. Катта бир гурӯҳ хитой олимлари томонидан ёзилган «Шиий тунгши» номли асарда хам бу ҳолатни кузатиш мумкин. Чунонча, ушбу асарда «Ханиш»нинг «Гарбий мамлакатлар» (Шиий чжуан) бобига ишора қилинган ҳолда «Дунхуанг да Жючюандо «дувэй» лавозими таъсис этилган», деб зикр этилган [Шиий тунгши. 53-б.]. Аммо «Шиий чжуан»да бундай гап йўқ. У ерда «дастлаб Жючюан вилояти таъсис этилди... кейин бу Узвӣ, Чжанъе, Дунхуанг бўлиб, жами 4 вилоятта ажратилди», деган маълумот келтирилади [Ханшу. 2364(1156)/2а-2б-б.]. Бундай ҳолат Н.Я.Бичурин таржимасида хам мавжуд. Унда Дунхуангда жючюан лашкар бошлиғи (Жючюан дувэй) лавозими таъсис этилди тушунчasi «В Дунь-хуан и Цю-циоан поставлены гарнизони» деб ёзилган [Бичурин Н.Я. Собрание сведения... Московское изд. Т. 2. С. 168]. Ҳозирги Жючюан шаҳри Дунхуанг билан Узвӣ шахарлари оралиғи жойлашган бўлиб, у мил.авв. 121 йилда ҳунлар хокони Кунъянинг маркази бўлган [Цихай. 936-б].

<sup>171</sup> Яншуй (Яншуй) «шўр сув» маъносини англатади.

<sup>172</sup> Тайши-гунг (太史公) – Сима Чяннинг уйвони. Аслида бу уйвон «Тайши-лин» (太史令 – бош котиб ёки котибигит бошлиғи маъносини англатади) деб номланган. Аммо атрофдагилар унга хурмат билдириб, «Тайши-гунг» (Битикчилар ёки котибигит бошлиғи ҳазратлари) деб атасхаг [Чжонгуо лицай гуанҷиши цидян. 142-б.]. Қадимги Хитойда «гунг» сўзи олий мартабали шахсларни, жумладан олимларни улуғлашда хам ишлатилган [Ханой дазидян. 1-жилд. 242-б.]. Шунинг учун бу жода уни «қаззратлари» деб таржима қилиш тўғри бўлади.

ёзади: «Юй тазкираси»да «Дарё<sup>173</sup> Кунлун тогларидан бошланади, Кунлуннинг баландлиги 2,5 минг ли (1440 км)дан зиёддир, у қуёш ва ойнинг нурини тўсиб туради; Тогнинг устида шарбат булоғидан хосил бўлган Яочи (Yiaochi 瑶池)<sup>174</sup> кўли бор», дейилган. Чжанг Чян элчи бўлиб Бақтрия (Дайгия / Дашия)га бориб келганидан кейин, «Юй тазкираси»да тилга олинган дарёнинг бош манбаси Кунлун эканлиги шубҳали бўлиб қолди.

*//1146(1146)/216/ Қадимги 9 ўлкадаги тогу дарёлар ҳақида сўз юритиладиган китоблардан «Шангшу» (尚書 – «Қадимий тарих»)<sup>175</sup> даги хотиралар ишончли ҳисобланади. «Юй тазкираси» (Юй бэнжи 禹本紀) ва «Тоғ ва денгизлар қомуси» (Шанхай жин 山海經)да хотираланган ажойиб ва гаройиб нарсалар тўғрисидаги сўзларнинг аниқлиги ҳақида бир нарса дейишимиз қийин.*

Суойин (Ноаникликларга изоҳлар) <sup>176</sup> [номли шархлар тўплами]да мақтov билан ёзилган Буюк Фарғона ҳақидаги маълумотга буованг (博望)<sup>177</sup> туфайли эга бўлинди. Дарёлар Тазик (Тяочжи) гарбидаги денгизга қўйилиши аниқланди. Тангри отлари олиб келинди. Номаълум бўлган Цунглинг (Помир)да чанг-тўзон йўқлиги аниқланди. Шўркўл таърифланди ва ноаникликлар бартараф қилинди.

[Шу жойда] Буюк Фарғона (Дай-юан) тазкираси якун топди».

<sup>173</sup> Ушбу сўз (хэ 河) қайси дарёни назарда тутаётганлиги асл матнда айтилмаган. Аммо «Фарғона тазкираси»нинг уйгурча таржимасида «дарё» сўзи «Хуангхэ дарёси» деб ёзилган [Тарихий хотиралар. 517-б.]. Н.Я.Бичурин ва В. Н.Кюнер уни «Желтая река» деб таржима қилингандар. Маълумки, «Желтая река» Хуангхэ топонимининг русча таржимасидир. Мазкур «дарё» сўзини бундай таржима қилишга асос йўк.

<sup>174</sup> Яочи – кўл номи. У суви тиник кўл маъносини англатади. «Яочи» деб аталган кўл номи хоким Мунинг мил.авв. 989-988 йиллардаги гарбий сафарларнга багишланган «Му Тязи чжуан» номли сафарноманинг 3-бобода ҳам учрайди.

<sup>175</sup> «Шангшу» (尚書, қискартирилган шакли 尚书) – мил.авв. XXI-XI асрларда мавжуд бўлган Шя (夏), Шанг (商) ва Шичжоу (西周) каби хокимликларнинг ҳукмдорлари айтган сўзларнинг тўплами. У «Шу» (書 / 书), «Шужин» (书经) деб ҳам номланган. «Шанг» иероглифи кадимий, «шу» эса тарих, китоб маъносини англатади. Шунинг учун «Шангшу»нун «Қадимий тарих» деб таржима қилиши мумкин.

<sup>176</sup> Суойин (索隱 – «Ноаникликларга изоҳлар») – Танг сулоласи тарихчилари томонидан ёзилган «Шижи Суойин» (史記索隱 – «Тарихий хотиралардаги ноаникликларга изоҳлар») номли кадимий манбаларга тузилган шархлар тўпламининг қискартирилган номи.

<sup>177</sup> Бу ерда Чжанг Чянга инъом этилган «буованг-хоу» унвони қискартилиб ёзилган.

## «ХАНШУ» («Хан [сулоласи] тарихи»)

**Манба ҳақида.** «Шижи»дан кейин ёзилган сулола тарихи «Ханшу» (漢書, кисқартирилган шаклда 汉书 – «Хан [сулоласи] тарихи») хисобланади. Уни сарой тарихчиларидан иборат катта бир гурух ёзган. Бу тарихни охирига етказган сарой тарихчиси Бан Гу унинг муаллифи хисобланади. Шунинг учун «Ханшу»ни Бан Гу ёзган, деб айтиш одат бўлиб қолган. Шунда асарнинг ҳажми 200 боб бўлган. Бан Гунинг вафотидан кейин мазкур тарихга яна 20 боб, жумладан фалакиётга оид боблар қўшилган. Мазмунан «Ханшу» Фарбий Хан сулоласи (мил. авв. 206 – мил. 8) ва ундан кейинги 212 йиллик тарихий воқеаларга бағишлиланган бўлиб, у «Шижи»нинг давоми хисобланади. Аммо унинг тузилиши Сима Чян асаридан бироз фарқ қиласди. «Шижи»да Марказий Осиё тарихига тегишли маълумотлар «Буюк Фаргона тазкираси» («Дай-юан лечжуан» 大宛列傳) ва «Хун тазкираси» («Шюнгнун лечжуан» 匈奴列傳) деб номланган маҳсус бобларда берилган бўлса, «Ханшу»да «Фарбий мамлакатлар тазкираси» («Шиой<sup>178</sup> чжуан» 西域傳) ва «Чжанг Чян тазкираси» («Чжянг Чян ва Ли Гуангли жуан» 張騫李廣利傳) каби янги бобларда зикр этилган. Бундан ташқари, «Шижи»дан фарқли ўлароқ, «Ханшу»га конунларга, географияга, фалакиётга ва санъатта оид янги боблар қўшилган. «Кейинги Хан сулоласининг тарихи» («Хоу Ханшу» 後漢書 / 后汉书) ёзилгандан сўнг мазкур тарих «Авалги Хан [сулоласи] тарихи» («Чян Ханшу» 前漢書 / 前汉书) деб аталди. Биз асос килиб олинган «Ханшу» 1958 йилда Пекин ва Шангхай шаҳарларида факсимиile асосида нашр этилган «Эрши сиши» (24 тарих)нинг 2-жилдни ташкил этади.

### ТАРЖИМА:

**«Хан [сулоласи] тарихи (Ханшу). 96-боб, Фарбий мамлакатлар тазкираси (Шиой чжуан)<sup>179</sup>.**

/2372(1164)/176/ Фаргона давлатининг (Дай-юан-гуо 大宛国)

<sup>178</sup> Шиой (西域, русча транскрипцияда Сиой) топоними ҳакида мазкур асаримизнинг иккинчи кисмидаги шу атамага бағишлиланган параграфда батифсил маълумот берилган.

<sup>179</sup> «Шиой чжуан» номли 96-боб «24 тарих»га киритилган Ханшу»нинг 2364(1156) 2386(1178) бетларидан жой олган.

хукмдори Кивэйшан (Гуйшан-чэнг 贵山城, Косон)<sup>180</sup> шаҳрида туради. [Бу ердан] Чангъангача 12 минг 550 ли (7228.8 км) келади. Аҳолиси 60 минг оила, 300 минг кишидан иборат. [Шулардан] аскарликка яроклиси 60 минг нафар. [Хукмдор кўл остида] бир вазир ва бир вазир ёрдамчиси бор. [Фарғонадан унинг] шарқидаги қўриқчибек (духу) маҳкамасигача 4031 ли (2321.856 км), шимолидаги Кангкия (Кангжой) пойтахти Пиедакян (Битян, Бэйтян)<sup>181</sup> шаҳригача 1510 ли (869.76 км), жануби-гарбидаги Улуғ Фузер (Дай-рузие / Да-юэчжи 大月氏) [мамлакатигача] 690 ли (393.4 км) келади. [Фарғона давлатининг] шимолий худуди Кангкия (Кангжой 康居), жанубий худуди – Улуғ Фузер (Дай-рузие / Да-юэчжи) [давлати] билан чегара дошдир. [Фарғона давлатининг] ери, иклими, бойлиги, аҳолининг урф-одатлари Улуғ Фузер (Дай-рузие / Да-юэчжи) ва Парфия (Анши) билан бир хил. Фарғона (Дайюан) атрофида узумдан мусаллас (жю / jiu 酒) килинади. [Бу ердаги] бойлар 10 минг пуддан зиёд мусаллас саклайди. [Бу] мусаллас бир неча ўн йил турса ҳам, бузилмас ва [маҳаллий аҳоли] уни ичишини хуш кўрад экан. [Бу ердаги] отлар беда билан бокилар экан.

Фарғона (Юан) [хонлигига] /2372(1164)/18a/ 70 дан ортиқ шаҳар ва кишлеклар мавжуд, зотли отлар кўп, [бу] отлардан қонсизмон тер чикиб туради. Айтишларича, бу отлар Тангри отлардан тарқалган экан (其先天马子也).

[Аслият матни оралигига келтирилган изоҳда] Мэн Канг ёзади: «Айтишларича, Фарғона мамлакатида баланд тоз бор экан. Ушбу тогнинг устидаги мавжуд экан, лекин бу отни

<sup>180</sup> Кивейшан (kiwei-shan, зам. ўқ. Гуйшан 贵山, атамаси айрим хитой шеваларида Кивейсан деб ҳам талаффуз этилади) – шаҳар номи бўлиб, у Фарғона водийсидаги Косон топонимига таққосланади. Айрим хитой олимларининг таджикотларига кўра, «Шин Тангшу» («Танг суполосининг янги тарихи») //«Эршиси ши» (<24 тарих>). Пекин-Шангхай, 1958да ушбу топоним «Қэйсай» (Kesai 渴塞), «Юанши» («Юан [суполоси] тарихи»)да «Қэйсан» (柯塞) деб транскрипция килинган. [Шиший диминг каолу. 334-б.]. Ийрик хитой олими Чэй Чжуңгимя (岑仲勉)нинг ёзишича, Қэйсай Kesai 渴塞 Шижян деб ҳам номланган ва у Наманганинг жануби-шарқидаги Ахсикент харобасига тўғри келади [Ўша асар. 531-б.]. А.А. Анарбаевнинг фикрича ҳам, Гуйшан Мутгепа (кадимги Косон)га тўғри келади [Анарбаев А.А. Еще раз о локализации столичных городов Ферганы (Давань-Дайюань) и некоторые спорные вопросы, связанные с ними // Археология Узбекистана. Самаркан, 2010. С. 65-71].

<sup>181</sup> Кадим замонда «Битян» (卑闕) иероглифлари «Пиедакян» (Piedakian) деб ўқилган. Бу ҳақда асл матнда келтирилган Ян Шигунинг шархида таъкидлаб ўтилган [Ходжаев А. Сведения о Ташкенте в китайских источниках древнего периода // O'zbekiston tarixi. № 3. 2009. 52-66-б.; Шу муаллифнинг. Сведения о Ташкенте в китайских источниках периода средневековья // Узбекистон тарихи, 2009, № 4. С. 38-50].

үшлаб бўлмас экан. Шу боис ундан насл олиши мақсадида бир дона рангдор ургочи отни тоз этагига боғлаб кўйишишибди. Тогдағи отдан тугилган тойчоқ танаси қонсимон терга ботган экан. Шу сабабли у самовий от деб номланган экан».

Чжанг Чян Хан императори У-дига биринчи марта тулпор отлар тўғрисида сўзлаб берганида, ушбу император элчилар орқали 1000 жин (jin Ӣ хозирги ҳисобда 500 кг) олтин ва олтингдан ясалган от ҳайкали юбориб, Фарғона (Юан) ҳукмдори (ванг)дан булар эвазига зотли отлардан беришни сўради. [Лекин] Фарғона (Юан) ҳукмдори кўп сонли [Хан] кўшинлари узоқдан етиб келолмайди, деб ўйлаб, бунга рози бўлмади ва бебаҳо отларини бермади. Шунда Хан элчилари сўкинди.

[Матн орасидаги изоҳда]: Ян Шигу ёзади: элчилар сўкиниб, Фарғона ҳукмдорини ҳақоратлади.

Шундан кейин Фарғона (Юан) ҳукмдори Хан элчиларига ҳужум уюштириб, уларни ўлдирди ва мол-мулкларини тортиб олди. Мазкур воқеадан кейин Тангри ўғли Риейший (Эрши) кўмондони Ли Гуанглини 100 мингдан ортиқ лашкарлардан иборат бўлган кўшин билан Фарғона (Юан)га уруш қилишга юборди. [Бу уруш] тўрт йил (мил. авв. 104-101 йиллар) давом этди. Фарғоналиклар (Юан-ванг 宛人) ўз ҳукмдори Мекўанинг (Mekoа 母寡, зам. ўқ. Мугу) бошини олиб, 3000 та<sup>182</sup> от тақдим килди. Шундан сўнг Хан кўшинни қайтиб кетди. Бу ишларнинг тафсилоти «Чжанг Чян тазкираси»да баён қилинган. Фарғона ҳукмдори (Юан-ванг 宛王) ўлдирилгандан кейин, Риейший (Эрши) кўмондони [Ли Гуангли] унинг ўрнига Хан сулоласига мойиллик билдириган Муэтциен (Muət-ts'at, Muai-ts'ai, зам. ўқ. Мейцай 眇蔡)<sup>183</sup> исмли бир зодагон кишини Фарғона ҳукмдори этиб тайинлади. Бир йилдан ошикроқ вакт ўтгач, Фарғона зодагонларидан бўлган Муэтциенни Хан элчиларига нисбатан хушомадгўйликда айблаб, ўлдирдилар ва тахтга /2372(1164)/186/ Мекўанинг укаси Дзанпионг (Дзенфенг / Dzienfeng, зам. ўқ. Чанфэнг 蟬封)ни<sup>184</sup> ўтказиб, уни ҳукмдор деб тан олдилар.

<sup>182</sup> Юкорида келтирилган «Шижиъдаги «Фарғона тазкираси»да «Хан лашкарлари бир неча ўнта зотли оти ва 3 мингдан ортиқ ўрта ҳол отларни танлаб олиши», деб айтилган.

<sup>183</sup> Аслиятда Муэтциат, Муэтций (Muət-ts'at, Muai-ts'ai 眇蔡, зам. ўқ. Мейцай) ёзилган. Бирор шу жойда Ян Шигунинг изоҳи келтирилди ва унда «昧 иероглифи Muat (зам. ўқ. мую 穢), 蔡 иероглифи эса циен (ts'iен, зам. ўқ. чян 千) деб талаффуз этилади», деб зикр этилган. Шунга асосланиб, ушбу шахснинг исмини Муэтциен шаклида ёздики.

<sup>184</sup> Дзанпионг (Дзенфенг / Dzienfeng, Dzianfeng 蟬封), зам. ўқ. Чанфэнг.

[Янги хукмдорнинг] ўғлини Хан [саройига] гаров сифатида юбордилар. Хан [сулоласи бунга жавобан] элчи юборди ва улар орқали совғалар йўллаб, ўзининг бундан мамнун эканлигини маълум килди.

Бундан ташқари Фарғонанинг ғарбидаги мамлакатларга ўн мартадан зиёд элчилар юбориб /[Матн орасидаги изоҳда]: Ян Шигу ёзишича, элчилар манзилга етиб борган/, [у ердаги] гаройиб нарсаларни билди. Шундан кейин Фарғонага ҳарбий юриш қилишга фармон чиқариб, [фарғоналикларга] таҳдид солди. Фарғона хукмдори (Юан-ванг) Дзенфенг Хан сулоласига иилига икки тулпор бериш хақида битим тузди. Хан элчилари узум ва беда уругини олиб қайтдилар. Тангри ўғли тулпорларнинг кўпайтирилишини ва чет эл элчиларига [уларни] кўрсатишни ўйлаб, сарой ва меҳмонхоналар атрофидаги бепоён далаларга узум ва беда эктириди.

[Ян] Шигу ёзади: ҳозирги вақтда шимолий йўлдаги барча вилоятларда ва илгари тинчлантирилган шимолий ҳудудларда беда ўсаётганлигини тез-тез кўриш мумкин. Бу бедалар Хан даврида экилган.

Фарғона (Юан)нинг ғарбига юриб, Парфия (Ансиек) давлатига борса бўлади. Гарчи бу мамлакатликларнинг тили [фарғоналиклардан] катта фарқ<sup>185</sup> қиласда, лекин умумий жиҳатдан ўхшашлик бор, бир-бирининг сўзини тушуна олади. [Ансиек давлатининг] одамлари чукуркўз, серсоч, савдо ишларига пухта, бир танганинг устида тик туради, уларда аёллар қадрланади, эрлар аёлларининг гапи билан иш тутади. Ушбу замин [Фарғона]да ҳамма ипакни бўяр экан (其地皆丝漆)<sup>186</sup>, темирдан идиш-товоқ<sup>187</sup> ясамайди. Ўлган Хан элчилари-

<sup>185</sup> Уйгурча таржимада «биroz фарқ қиласди», деб ёзилган. Асл матннаги «по» (顛) иероглифи биринчи навбатда, жуда бир хил эмас каби маъносиди ишлатилади. Айрим холларда озгина, салгина маъносиди ишлатилади. Мантиқан олиб караганда, Арсак Эронга яқин бўлғанлиги туфайли у ерда ишлатиладиган тил фарғоналикларникидан катта фарқ қилиши табиий. Шунинг учун бу мисолда «по» иероглифининг иккинчи маъносини ишлатиш маъқул эмас, деб ўйлаймиз.

<sup>186</sup> Ушбу маълумот «Ханшузунинг уйгурча таржимасида «у ерда ипак ва сир йўю», деб хато таржима килинган [Ханнома. 879-б.]. Сима Чяннинг қаламига мансуб бўлган «Шижи» номли асарнинг Фарғонага бағишилланган бобида «чиши у цичи» (其地无丝漆) деб ёзилган. Бу маълумотни «у ерда ипак бўёғи йўю» деб эмас, балки «у ерда ипак бўялмас экан», деб таржима килиш тўғри бўлади.

<sup>187</sup> «Чиши» (漆) иероглифи уйгур тилига «асбоб» деб таржима килинган. Бу тўғри эмас. Биз уни «идиш-товоқ» деб таржима килдик. Чунки темирдан ясаладиган кетмон, болта, теша, пичоқ каби ускуналар ҳам асбоблар каторига киради. Археологик маълумотлардан маълумки,

нинг асирига тушиб қолган лашкарлари [фарғоналикларга] ҳарбий курол-яроғ ясашни ўргатадилар.

[Мати орасидаги изоҳда]: [Ян] Шигу ёзишича, мазкур давлатга борган Хан элчилари орасида ўлганлари бўлди, асирига тушганлари эса ўргатиш ишлари билан шугулланди.

Хандан келтирилган сариқ ва оқ олтинлардан буюмлар ясаганлар /2373(1165)/19a/, [уларни] пул тариқасида ишлатманлар. Асуэн (Усун)дан бошлаб, унинг гарбидаги Парфия (Ансиек)гача [бўлган элларнинг] ҳаммаси ҳунлар билан яхши муносабатда экан. [Шунинг учун] ҳунлар зулмига дуч келган рузиеликлар [қўрқанидан] ўз хукмдори (Тангрикути)нинг мактуби билан мамлакатларига келган Хун [давлати] элчиларини озиқ-овқат билан таъминлаганлар ва уларни кийин аҳволга туширмаганлар. Хан [сулоласи] элчилари эса озиқ-овқатни, миниш учун керакли отларни ўз хисобидан сотиб олишга мажбур бўлган. Чунки Хан [мамлакати] узокда бўлса-да, мол-дунёси қўплиги сабабли [маҳаллий халқ Хан элчилари билан] савдо-сотик қилиш орқали ўз талабларини қондирап эдилар. Лекин Кўншор Тангрикут (Хувейя Таний /Шаний/) Ханга тобе бўлганлигидан сўнг [улар] Ханга ҳурмат билдира бошлаган».

### «ХОУ ХАНШУ» («Кейинги Хан [сулоласи] тарихи»)

**Манба ҳақида.** «Кейинги Хан [сулоласи] тарихи» («Хоу Ханшу») Фарбий Жин (Ши-Жин) сулоласи даврида (мил. 265-316) сарой тарихчилари ота-бала Хуа Чяо ва Хуа Челар томонидан битилган. Унинг ҳажми 97 бобдан иборат. Ушбу тарихда Фарғонага оид маълумот алоҳида жамланган ҳолда берилмаган. У мазкур тарихнинг «Шиёй» («Фарбий мамлакатлар») деб номланган 88-бобидаги «Ёркенд давлати» («Шачэгуо» 莎車国) бўлинмасида келтирилади».

#### **ТАРЖИМА:**

**«Кейинги Хан [сулоласи] тарихи (Хоу Ханшу), 88-боб, Ёркенд давлати тазкираси (Шачэ-гуо)**  
... /3826(1316)/176/ Ҳунлар (кунна / шюнгну) Тангрикути

бу каби ишлаб чиқариш қуроллари бундан икки минг йил мукаддам Фарғонада ясалган. Шунинг учун «чи» иероглифини «асбоб» деб таржима килиб бўлмайди.

Марказий Хитой (Чжунггуо)даги Ванг Манг қўзғолонидан фойдаланиб, Фарбий мамлакатлар (Шиоюй)ни кайтадан ўз назорати остига олди. Биргина Ёркенд давлати (Шачэгую)нинг хукмдори Йиан (Yian 延 зам. ўқ. Ян) кучли бўлганлиги сабабли итоат қилмади. ... Тянфэнгнинг 5-йилида [мил. 5 й.] Йиан вафот этди, ўғли Канг (康) тахтга ўтириди. Хан императори Гуангъунинг биринчи йилида (мил. 25 й.) Канг атрофдаги қўшни давлатлар билан бирга ҳуналарга қаршилик кўрсатди... Гуангъунинг 9-йилда [мил. 33 й.] Канг касал бўлиб ўлди, ... ўрнига укаси Фиен (yien, зам. ўқ. Шян 賢) тахтга ўтириди...

/3827(1317)/20a/ [Мил. 46-йилда] Шаншан (Пшамшан), Чэши (Турфон) кайтадан ҳуналарга итоат қилди. [Шунга қарамай], Фиен (Шян 賢) зўровонлик килишни давом этди. Кусан хукмдори (Кивейсэк-ванг / Гуйсай-ванг 媚塞王) биз узоддаги давлатмиз, деб Фиеннинг элчисини ўлдириб, унинг ўрнига мазкур давлат зодагони Сижян (駟鞬)ни хукмдор этиб тайинлади. [Кўп вақт ўтмай] Фиен ўзининг ўғли Зелуо (則羅)ни Кусан (Кивецие, зам. ўқ. Гуйзи 駟茲 – Качар давлати) хукмдори (ванг 王) этиб тайинлади. Зелуо хали ёш бўлганлигини ҳисобга олиб, Кусаннинг бир кисмини Улэй (烏壘) давлати деб номлаб, Сижян (Sijian 駟鞬)ни унга хукмдор этиб тайинлади. Бошқа бир зодагонни Кусан (Гуйсай) хукмдори этиб тайинлади. Бир неча йил ўтгандан сўнг, кусанликлар Зелуо билан Сижянни ўлдириб, ҳуналарга элчи юбориб, бошқа хукмдор тайинлашни сўради. Ҳуналар кусанлик зодагон Шэнду (身毒 Инд)ни Кусан (Гуйзи, Качар)га хукмдор этиб тайинладилар. Шундан кейин Кусан ҳуналарга итоат қилди.

Фиен /3827(1317)/20b/ Буюк Фаргона (Дай-юан) хукмдорини ўлпонни кам топширганликда айблаб, атрофидаги давлатларнинг жангчиларини йиғди, бир неча ўн минг кишилик қўшин ташкил этиб, Буюк Фаргона (Дай-юан)га қарши юриш қилди. Буюк Фаргона хукмдори Йианлиэу (Yian-liäü, зам. ўқ. Янлю 延留) Фиен (Шян)ни кутиб олиш учун олдига чикиб, итоат қилишини билдириди. [Шундан сўнг] Фиен юртига қайтиб кетди. [Қайтишда у] Кивомией (Кюмие, Жюми, Jü-mie 拘彌)<sup>188</sup> хукмдори Гиаосэкция (Чяосайти 橋塞提)ни Фаргонага хукмдор этиб белгилаган эди. Лекин Кангкия давлати Фаргонага бир

<sup>188</sup> Кивомией (зам. ўқ. Жюми) давлатининг номи «Кейнинг Хан [сулоласи] тарихи»нинг уйгурча ташланма таржимасида «Узун титир беглиги» деб аталган ва унинг ўрни Шарқий Туркистоннинг Керия ноҳияси ўринда жойлашганлиги ёзилган [Кейнинг Ханнома. 526, 566-6.].

нече марта ҳужум килганилиги сабабли Гиаосәкция бир йилдан күпроқ вақт ҳокимият устида туриб, юртига қайтиб кетди. Гиен уни яна Кивомиейга хукмдор килиб тайинлади. Одатдагидек ўлпон тұлаб туриш шарти билан Йианлиэуни Фарғонага қайта хукмдор килди».

### «ЖИНШУ» («Жин [сулоласи] тарихи»)

**Манба ҳақида.** Кейинги Хан сулоласи<sup>189</sup> емирилгандан кейин Хитой бир неча аср давомида майда давлатларга бўлинниб кетган. Лекин сулолалар тарихини битиш анъанаси йўқолмаган. Шу боис бир катор майда сулолалар тарихлари битилган. «Сангуо чжи» (三国志 – «Уч ҳокимлик тарихи»ни Чэн Шоу 280-286 йилларда ёзган), «Жиншу» (晋書 / 晋书 – «Жин [сулоласи] тарихи»ни 330-340 йиларда Ванг Ин ёзган), «Сунгшу» (宋書/宋书 – «Сунг [сулоласи] тарихи»ни 487-488 йилларда Лянг Чэн ёзган), «Нанчишу» (南齊書 / 南齐书 – Жанубий Чи [сулоласи] тарихи) 749-501 йилларда ёзилган, муаллифи Шяо Зишиян), «Лянгшу» (梁書 – «Лянг [сулоласи] тарихи»ни 589-636 йилларда Яо Силян ва бошқалар ёзган), «Чэншу» (陳書 / 陈书 – «Чэн [сулоласи] тарихи»ни 557-588 йилларда Чэн Бузай ёзган) каби асарлар шулар жумласидандир. Марказий Осиё тарихига оид маълумотлар баёни нуқтаси назардан олиб қараганда, мазкур майда сулолалар тарихлари ичиде «Сангуо чжи», «Жиншу» ва «Лянгшу» алоҳида ўринда туради.

Мазкур сулолалар тарихлари ичиде Фарғонага оид маълумот «Жиншу»нинг 97-бобидан ўрин олган. Бу маълумот «Буюк Фарғона давлати» («Дай-юан-гую») номли сарлавҳа билан берилган. Бундан ташқари, ушбу асарларда Кангкия

<sup>189</sup> Милодийнинг 8 йилида дәққонлар кўзғолонлари натижасида Фарбий Хан (Ши-Хан – милавв. 206-мил. 8) ёки Аввали Хан (Чян-Хан) сулоласи тутатилган. 23 йилда 15 йиллик ички урушдан сўнг Лю Сю исемли шахс зодагонлар томонидан ташкил этилган ҳарбий кисмлар ёрдамида уруп холатини тутатиб, ўзини император деб эълон килди ва ўз сулоласини Хан деб номлади. Саройдаги тарихчилар гурухи кайтадан шакллантирилди, айланган кўра тарих ёзиши ишлари давомлаштирган эди. Аммо иккичи Хан сулоласининг яхлит тарихи Фарбий Жин (Ши-Жин) сулоласи даврида (мил. 265-316) сарой тарихчилари ота-бола Хуя Ҷяо ва Хуя Челар томонидан битилган ва у «Кейинги Хан [сулоласи] тарихи» (Хоу Ханшу) деб номланган. Унинг ҳажми 97 бобдан иборат. Марказий Осиё тарихига оид маълумотлар ушбу тарихнинг «Шиной» («Гарбий мамлакатлар») деб номланган 88-бобида келтирилади. Аммо унда Фарғона тарихига оид маълумот алоҳида бўлинма сифатида келтирilmайди.

давлати ва қадимий Шаркий Туркистанда мавжуд бўлган Қарашар (Қорашаҳар), Кучар давлатлари ҳакида маълумотлар келтирилади. Ушбу маълумотлар Н.Я.Бичурин таржималарида йўқ. Аммо Н.В. Кюнер уларни рус тилига таржима қилган<sup>190</sup>.

### ТАРЖИМА:

«Жин [сулоласи] тарихи (Жиншу). 97-боб. Гарбий от минувчилар (Сией-ривем / Ши-рунг 西戎).

/5496(664)/8a/ Буюк Фарғона (Дай-юан)<sup>191</sup>.

Буюк Фарғона (Дай-юан) давлати Луоянг<sup>192</sup> нинг гарб томонида 13 минг 350 ли (7804.8 км) нарида жойлашган. Жанубда [у] Улуғ Ғузер (Да-юэчжи 大月氏) [замини] билан, шимолда Кангкия (Кангжюй 康居)<sup>193</sup> [давлати] билан чегарадош. [Буюк Фарғона (Дай-юан)да] 70 дан зиёд катта ва кичик шаҳарлар мавжуд. [Ушбу мамлакатда] гуруч ва буғдои экилади, узумдан мусаллас килинади, танасидан қонсимон тер чиқадиган зотдор отлар бокилади. Махаллий халқ чукур кўзли (шэнму 深目), серсоч<sup>194</sup>, урф-одатлари бўйича [йигитлари] уйланишдан олдин бўлажак келинга тақиши учун совга сифатида юрак шаклидаги икки кўзли тилла узук, билакузук юборади. Шунинг билан бирга [бўлажак келинга] З нафар хизматкор киз юбориб, синааб кўрилади. Заиф эркакнинг уйланиш таклифи рад этилади<sup>195</sup>. Никоҳсиз туғилган боланинг онаси нафратга махкум этилади. Бировлар отига миниб, йиқилиб ўлган одамнинг жавобгарлиги от эгасига юкланди. [Махаллий халқ] савдо ишларига пухта, ўз ҳаккини қўлдан бой бермайди. Хитой (Чжунггуо)нинг олтинларидан буюмлар ясади, [уларни] пул сифатида ишлатишмайди. Тайкангнинг<sup>196</sup> олтинчи йилида (285

<sup>190</sup> Кюнер Н.В. Китайские известия о народах... С. 131.

<sup>191</sup> Фарғона давлати (Дай-юан-гуо) уйғур тилига «Фарғона беклиги» деб таржима килинган. Бу тўғри эмас. Чунки «Шижи» ва «Ханшу»да Фарғона давлати (Дай-юан-гуо) деб ёзилган. Гуо сўзини бекли деб таржима килиб бўлмайди. Зоро, кадимги Фарғона мамлакати кўп шаҳарлардан ташкил топган йирик давлат эди.

<sup>192</sup> Луоянг (洛阳) шаҳри Хитойнинг кадимги пойтахтларидан бири, у Чангъан (хозирги Шэнзи вилоятининг маркази Шиан шаҳри)нинг шарқ томонида жойлашган.

<sup>193</sup> Кангкия давлати ҳакидаги шархга (160-167-бетларда) каранг.

<sup>194</sup> Уйгурча таржимада «бу ергали кишиларнинг ҳаммаси ўра кўзли ва соколлик келади», деб ёзилган [Жиннома. 97-боб. Ёт кавмлар тазкираси. Фарғона беклиги. 424-б.].

<sup>195</sup> Асл матнда «бунанчекс жюхуу» (不男者绝婚) деб ёзилган. Н.В.Кюнер ушбу маълумотни «если нет мальчика, то разрывают брак», деб таржима килган [Кюнер Н.В. Китайские известия о народах... С. 131]. Уйгурча таржимада «ишиончли эркак бўлмаса, тўй килишига рухсат килинмайди», деб ёзилган [Уч подшолик тазкириси, Жиннома, Сунгнома. Урумчи, 2001]. Уйгурчага Шинжянг университетидаги Марказий Осиё факультетида таржима килинган ва шарҳлар ёзилган, 424-б.]

<sup>196</sup> Тайканг (太康) 280-289 йилларнинг номи бўлиб, у буюк юксалиш ёки согломланиши даври маъносини англатади. Шу хисобдан Тайкангнинг 6-йили 285 йилга тўғри келади.

йил) [У-ди]<sup>197</sup> хурмат билдириш учун Янг Хао [исмли амалдор]ни ушбу мамлакат хукмдори Ламшиэу (Lam-shiēu, зам. ўқ. Лансоу 鹽廬) хузурига элчи килиб юборди ва [Жин сулоласи] уни Буюк Фаргона (Дай-юан) хукмдори (ванг 王) деб тан олишини хабар қилди. Ламшиэу вафотидан кейин таҳтга унинг ўғли Муазие (Муациэ, Muatciē, зам. ўқ. Муочжи 摩之) ўтириди ва [Хитойга] элчи юбориб, у орқали қонсимон тер чиқарадиган от совға қилди».

### «ВЭЙШУ» (**«Вэй [сулоласи] тарихи»**)

**Манба ҳақида.** «Вэйшу» (魏書 / 魏书)ни сарой тарихчиларидан бири Вэй Шоу (魏收 506-572) ёзган. Асар 130 бобдан иборат. Унинг айрим кисмлари йўқолганидан сўнг, манба «Бэйши» маълумотлари ҳисобидан тўлдирилган. Мазмунан у 386-534 йилларда мавжуд бўлган Шимолий Вэй ва 534-550 йилларда хукмронлик қилган Шаркий Вэй сулолаларининг тарихи ҳисобланади. Маълумки, ушбу сулоланинг асосчиси шаркий ғузлар таркибиға кирган шянби (сяньби)-ларнинг сардори Тобагуй ҳисобланади.

Аввалига мазкур сулоланинг номи Дай бўлган. Аммо сулола ташкил топган йилнинг ўзидаёқ унинг номи Вэйга ўзгартирилган. 398 йилда Пингчэнг (хозирги Ички Монголиядаги Датунг) шаҳри унинг пойтахти қилиб белгиланган. Шимолий Вэй давлати кучайганида, унинг худудига Хуангхэ дарёсининг кирғоқлари, хозирги Ички Монголия ва Хитой Халқ Республикасининг Гансу ўлкаси (Хэши йўлаги)нинг ерлари кирган. Марказий Осиё давлатлари билан фаол дипломатик ва савдо алоқаларини олиб борган. Шунинг учун Вэй сулоласига киритилган маълумотларни аниқ ва асосли, деб ҳисоблаш мумкин.

Одатда, «Вэй [сулоласи] тарихи»нинг айрим йўқолган кисмлари «Бэйши» (北史) асосида тўлдириб борилган, дейилади. Лекин иккинчи асарни ёзишда унинг муаллифи ўзидан олдин ёзилган асарлардан, жумладан, «Вэйшу»даги маълумотлардан

<sup>197</sup> У-ди – Жин сулоласининг асосчиси Сима Яннинг (236-290) таҳтга чиққандан кейинги исми. У «жанговар хокон» маъносини англантган. Таҳтда ўтирган вақти 265-290 йилларга тўғри келади.

фойдаланган. Шунга кўра, бу тўлдиришни асардан олинган маълумотни яна жойига қайтариш, деб билиш тўғри бўлади. Бу мулоҳаза «Вэйшу»нинг мавқенини туширмайди. Ушбу манбадаги маълумотлар Н.Я.Бичурин таржималарида келтирилмайди. «Вэйшу» «24 тарих»нинг 8-жилдини ташкил этади.

### ТАРЖИМА:

«Вэй [сулоласи] тарихи. 102-боб. Ғарбий мамлакатлар тазкираси.

.../9701(1319)/14b/ Луона-гуо (洛那国 қадимги ўқилишда Lakna – Фаргона давлати) қадимги Буюк Фаргона (Дай-юан) давлатидир. [Унинг] пойтахти Сули (Қашқар)нинг шимолигарбига жойлашган Квейсан (貴山 зам. ўқ. Гуйшан) шахридир. [Бу ердан Вэй сулоласи] марказигача 14 минг 450 ли (8323.2 км) масофа мавжуд.

Тайхэнинг учинчи йили (мил. 229 йил)<sup>198</sup> [ушбу мамлакат хукмдори] элчи юбориб, [Вэй императорига] танасидан қонсимон тер оқадиган /9701(1319)/15a/ от совға килган. Шундан сўнг ҳар гал элчи юборгандা [Вэй сулоласи] саройига ташриф совғаларини (朝貢) бериб турган».

## «СУЙШУ» («Суй [сулоласи] тарихи»)

*Манба ҳақида.* «Суй [сулоласи] тарихи» ( Суйшу 隨書 ) – Суй давлати (581-618) тарихига бағишлиган тарихий асар бўлиб, ушбу сулола йўқотилиб, унинг ўрнига ташкил топган Танг давлатининг дастлабки йилларида (629-656) Ян Шигу, Кун Инда, Сюй Жинзунг каби бир гуруҳ сарой тарихчилари томонидан битилган. 1024 йилда асар илк бор чоп этилган<sup>199</sup>. Аммо ушбу нусха сакланмаган. 1208-1224 йилларда асар иккинчи марта тошбосмадан чиқарилган. Унинг айрим кисмлари сакланиб қолган. Асарнинг 1297-1307 йилларда учинчи марта

<sup>198</sup> Тайхэ (太和) – 227-233 йилларнинг номи, у «буюк тинчлик» маъносини англатади.

<sup>199</sup> Ўша даврда асарлар иероглифларни ёғоч, хитой қамиши (бамбук) ёки юмшок тош (мрамор)га тескари ўйиб ёзиб, сиёҳга текказиб когозга босиш усулида чоп этилган. 1041-1048 йилларда асарлар бир иероглифни алоҳида ёғоч, кўргошин, мис, бронзадан ясалган кичик тўрт бурчакнинг бир томонига тескари килиб ўйиб ёзиб, уларни керакли тартибида бир варақ когоз йўғонлигидаги таҳтага тизиб чиқиши, сўнгра сиёҳ суртиб устига когоз кўйиб чоп этиш усулида яратилган [Цихай. 406-б.]

босмадан чиқарылған нұсқаси яхши сақланған. XVII-XX асрларда қайта чоп этилған «Сүйшү» мана шу нұсқага ассоғланған.

Асарнинг хажми 85 боб (жюан 卷)дан иборат бўлиб, шундан 5 боби императорлар ҳаёти ва фаолиятини тасвирлаш, 30 боби тарихий воқеалар, урф-одатларга, география ва фалакиёт-шунослик каби соҳаларга оид маълумотларни баён этиш ва қолган 50 боби йирик шахслар, ғайри этнослар ва мамлакатларга оид хабарларни баён этишга бағищланған. Суй ва Танг империялари Турк хоқонлиги билан жиддий муносабатда бўлғанлиги туфайли ушбу асарда туркларга оид маълумотлар салмоқли ўрин эгаллаган. Асарнинг учинчи қисмидан жой олган «Шиой» («Фарбий мамлакатлар») номли бобида Туркистон тарихига, жумладан Фарғонага оид маълумотлар ҳам келтирилди. «Сүйшү» «24 тарих»нинг 9-жилдидан жой олган.

### ТАРЖИМА:

#### «Суй [сулоласи] тарихи. 83-боб. Фарбий мамлакатлар.

/11706(828)/12a/ ... Фарғона давлати (Фахан-гуо 鐵汗国).

Фарғона давлатининг пойтахти Помир (Цунглинг 葱嶺)нинг гарбида ва ундан 500 ли (288 км) нарида жойлашган бўлиб, у қадимда Гиашиэу (зам. ўқ. Чойсоу 渠搜)<sup>200</sup> деб аталар эди. Хукмдорнинг фамилияси Жабғу (Чжаоъу, қадимги ўқ. Циаумиу /Tciau-miu, Tciau-miwa 昭武), исми Алчи (Аличи 阿利柒). Пойтахт девори айланмасига 4 ли (2.304 км) келади. Аскарларининг сони бир неча минг кишидан иборат. Хукмдор қўй шаклидаги олтин таҳтда ўтиради. Хукмдорнинг рафиқаси (хониш) олтин тож /12б/ тақади.

Бу ерда қизил кум<sup>201</sup>, олтин, темир кўп. Шимоли-шарқдан Қашқар (Шулэ)гача 1000 ли (576 км), гарбда Сутришона (Судуйшана) давлатигача 500 ли (288 км), шимоли-гарбида

<sup>200</sup> Гиашиэу (Gia-shiəu, Gio-shiəu, зам. ўқ. Чойсоу, Chui-sou / хитойча транскрипцияда Qu-sou 渠搜, «Шижи»нинг «5 император» бобида Qu-sou 梁塵, «Бэйши»нинг 97-бобида ва «Шиой тужи» номли асарда 梁叟) топонимидаги иккичи иероглиф ҳар хил манбада турлича ёзилган. Ушбу топоним қадимий хинд тили санскритидаги Kosava (Chou-su 番叟毛) деб келиб чиқкан. Кейинчалик у Кивейшан (kiwei-shan, зам. ўқ. Гўйшан 貴山, 贵山) деб номлана бошлаган. [Шиой диминг каолу. 751-б.]. «Шиой тужи»да «Фарғона (Бохан-гуо) давлати Помирнинг гарбида ундан 500 ли (288 км) нарида жойлашган. У қадимги Чойсоу давлатидир» деб ёзилган [Шиой диминг каолу. 751-б.].

<sup>201</sup> Аслиятда «чжуша» (朱砂) – таркибида олтингутурт бўлған симоб ёки кизгиш рағнилли минерал. Үйнинг русча таржимаси киноварь, сернистая ртуть. Уйгурча таржимада «қизил кум» деб кўрсатилган.

Чочгача (Ши-гуо) 500 ли, шимоли-шарқда Турк хоқонининг турар жойигача 2000 ли (1152 км), шарқда Гуачжоугача<sup>202</sup> 3500 ли (2016 км) масофа мавжуд. Дайе (Дае)<sup>203</sup> даври (605-618)да элчи юбориб, маҳаллий маҳсулотлардан совгалар юборган».

## «БЭЙШИ» (**«Шимолий [сулолалар] тарихи»**)

**Манба ҳақида.** «Бэйши» (北史) – VII асрнинг биринчи ярмида ёзилган шимолий сулолалар тарихидир. Унинг умумий ҳажми 100 боб (жюан 卷)дан иборат бўлиб, унда 386-618 йиллардаги тарихий воқеалар баён этилган. Шу даврда қадимий Хитойнинг шимоли ва шимоли-гарбида «Шимолий Вэй» («Бэй-Вэй» – 386-534), «Шаркий Вэй» («Дунг-Вэй» – 534-550), «Фарбий Вэй» («Ши-Вэй» – 535-555), «Шимолий Чи» («Бэйчи» – 550-577) ва «Шимолий Чжоу» («Бэйчжоу» – 557-583) каби 5 та майда давлат мавжуд бўлган. Улар этник келиб чиқиши хитой бўлмаган ва қадимий Хитойнинг шимолий ва гарб томонидаги кўшни ҳалқлар томонидан ташкил этилган.

Жумладан, Шимолий Чи ва Вэй номлари билан аталган 3 та давлатнинг келиб чиқиши турклар билан боғлик бўлган сян билар томонидан ташкил этилган. Шунинг учун ҳам улар хитой сулолалари хисобланмайди. Шаркий Вэй ва Фарбий Вэй сулолалари эса Шимолий Вэй сулоласининг бўлиниб кетиши натижасида ташкил топган.

«Бэйши» 643 йилда мазкур 5 та давлат тарихини ва 581-618 йилларда мавжуд бўлган ҳамда хитойлар ташкил этган Суй [сулоласи] тарихини жамлаш ва умумлаштириш асосида ёзиб тутатилган.

Унинг муаллифи Ли Яншоу (туғилган ва ўлган йиллари номаълум) Танг сулоласи саройида ҳизмат қилган йирик тарихчилардан хисобланади. У «Жин» ва «Суй» [сулолалари]

<sup>202</sup> Гуачжоу (廩州) – ҳозирги Дунхуангдаги жой номи, қадимда бу жойда Юн (Yun 兖) фамилияли ривем (рунглар), яъни от минувчи ҳалқлар яшаган [Цихай. 1772-б.]. Ушбу фамилияли рунглар кунлардир.

<sup>203</sup> Дае (大業) – 605-617 йилларнинг номи, у «буюк амал» ёки «фаолият» маъносини англатади.

тарихи («Сүйшү», «Жиншу») ва «5 давлат тарихи» («Сангуо чжи») каби бир қанча тарихий асарлар ёзишда қатнашган. «Бэйши» «24 тарих»нинг 9-жилдидан жой олган.

### ТАРЖИМА:

«Шимолий [сулолалар] тарихи. 97-боб. Ғарбий мамлакатлар.

... /117006(828)/16a/ Лона давлати (Лона-гую 洛那国) қадими Буюк Фаргона (Дай-юан) давлатидир. [Унинг] пойтахти Кивейшан (kiwei-shan /зам. ўқ. Гуйшан 貴山<sup>204</sup>) шаҳри. [У] Сули (Қашқар)нинг шимоли-ғарбига жойлашган. [Бу ердан Вэй сулоласи] марказигача 14 минг 450 ли (8323.2 км) масофа мавжуд. Тайхэнинг учинчи йили (мил. 229 йил) [ушбу мамлакат хукмдори Вэй императорига] элчи юбориб, танасидан қонсимон тер оқадиган от совға қилган.

Шундан сўнг ҳар гал элчи йўллагандаги, [Вэй сулоласи] саройига ташриф совғаларини (чаогунг 朝貢) юбориб турган».

### «ШИН ТАНГШУ» («Танг [сулоласи]нинг янги тарихи»)

**Манба ҳақида.** 941-945 йилларда Танг сулоласи саройида Лю Ху раҳбарлигидаги тарихчилар грухси ушбу сулола тарихини ёзиб тутатди, у «Тангшу» (唐書 «Танг [сулоласи] тарихи») деб номланди. Бир асрдан сўнг, яъни 1044-1060 йилларда Оу Янгшю (欧阳修) ва Сунг Ци (宋祁) «Тангшу»нинг айрим қисмларини қисқартириш, тузатиш, тўлдириш ва янги боблар қўшиш асосида Танг сулоласининг тарихини қайтадан ёзиб чиқдилар. Мазкур тарихга туркларга оид маълумотлар кўпроқ киритилган.

Шундан кейин олдин ёзилган Танг [сулоласи] тарихи «Жю Тангшу» (旧唐書 «Танг сулоласининг аввалги тарихи»), сулоланинг кейин битилган тарихи эса «Шин Тангшу» (新唐書 «Танг сулоласининг янги тарихи») деб номланди. Ҳар икки тарихий асар ҳозирги давргача етиб келган ва улар «24 тарих» таркибига киритилган. «Жю Тангшу»нинг ҳажми 200 бобдан, «Шин Тангшу» ҳажми эса 225 бобдан иборат.

<sup>204</sup> Бу ҳақда 180-изоҳга каранг.

Ушбу асардаги Фарғонага оид маълумотни тушуниб олиш учун Танг сулоласининг Марказий Осиёга нисбатан сиёсати хақида кисқача маълумот беришни мақсадгага мувофиқ деб топдик.

618 йилда *турклар* ёрдамида Ли Юан исмли шахс Хитойдаги ўша давр сиёсий вазиятидан фойдаланиб, пойтахт бўлмиш Чангъан шаҳрини қўлга олди. Аввалига у Суй сулоласи давридаги ҳокимлардан бири бўлган Янг Юни таҳтга ўтқазди, бироз вақт ўтгандан сўнг уни ўзи эгаллаб олди ва ўз ҳокимиятини Танг (Буюк маъносига эга) деб номлади<sup>205</sup>. Ли Юан *турклар* томонидан қўллаб-куватланганлиги тасодифан эмас эди. Унинг аждодлари Хэши йўллагидаги Лунгши номли жойда яшаган бўлиб, уларнинг этник келиб чиқиши *турклардан* бўлган<sup>206</sup>. 9 йилдан сўнг Ли Юан таҳтни ўғли Ли Шимин (Тайцзун—727-750)га топшириди.

Шундан кейин Танг сулоласининг *туркларга* бўлган сиёсати ўзгара бошлади. З-император Гаоцзун (650-684) даврида Танг сулоласи *туркларга* қарши сиёсат олиб борди. Бу борада у узоқдаги мамлакатлар билан иттифоқлашиб, яқиндаги қўшни, яъни Шаркий Турк ҳоқонлигига қарши туриш амалиётини қўллади. Ушбу ҳоқонликни йўқотгандан сўнг, Фарбий Турк ҳоқонлигига қарши кураш бошлади. Шюнзунг (712-756) даврида Танг сулоласи Туркистонга ҳужум қилди. 748 йилда унинг қўшинлари Суйье (Sui-ye 碎叶 – хозирги Тўқмоқ<sup>207</sup>) шаҳрини босиб олди, шаҳар вайрон қилинди. 750 йилда улар Тошкентга ҳужум қилди<sup>208</sup>, маҳаллий хукмдор Джабши (Чэбиши) асирга олиниб, Хитойга олиб кетилди. Тошкент хукмдорининг ўғли қочиб, араблардан ёрдам сўради<sup>209</sup>. 751 йилда Талас дарёси бўйида араблар билан бўлган жангда Танг қўшинлари маглубиятга учради. Шундан кейинги минг йилга яқин давр давомида Хитой қўшинлари Туркистон сари юриш қилиш имкониятига эга бўлолмади.

### ТАРЖИМА:

<sup>205</sup> Шан Юэ. Чжунго лиши ганъяо. 128-129-б.

<sup>206</sup> Ўша асар. 128-б.; Цихай. 856-б.

<sup>207</sup> Хитой олимлари Суйье шаҳрини хозирги Қыргизистондаги Тўқмоқ шаҳри ёнидаги Оқбешим (Ақбейшими) шаҳри ҳаробаси ўрнига жойлаштиришади [Шиой диминг каолу. 868-869-б.; Синъцзян лиши цидян. 663-б.].

<sup>208</sup> Ҳоджсаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // O'zbekiston tarixi (История Узбекистана). 2005. № 1. С. 3-18.

<sup>209</sup> Ванг Чжилай. Чжуъя шиганг (Марказий Осиёнинг кисқача тарихи). Чанша, 1986. 277-б.

## «Шин Тангшу. 221-боб. Фарбий мамлакатлар тазкираси (Шиший лечжуан). 2-кисм.

.../16971(1557)/5a/ Нингюан (寧遠) <sup>210</sup> аслида Фаргона (Баханна 拔汗那) <sup>211</sup> ёки Паркон (Пуохан / Pohan 鐵汗), Вей [сулоласи] даврида Пуолуона (破洛那) деб номланган<sup>212</sup>. [Танг сулоласининг] пойтахт шаҳри<sup>213</sup> дан 8 минг ли (4608 км) нарида жойлашган. [Фаргона хукмдори] Норин дарёси (Чжэнчжу-хэ)<sup>214</sup> шимолида жойлашган Шижян<sup>215</sup> шаҳрида туради. [Фаргонада] 6 та йирик, 100 та кичик шаҳарчалар мавжуд, одамлар узок умр кўради. Унинг хукмдорлари (ванг 王) Вэй ва Жин [сулолалари давридан бўён] авлоддан авлодга хукмронлик қилиб келади. Ҳар йили биринчи ойнинг биринчи куни хукмдор сардорларни икки гурухга ажратади. Сўнг ҳар бир гуруҳдан биттадан одам танлаб, уларнинг кийимларини ечириб, кураштиради. Одамлар курашаётганлардан бири ўлгунча уларга сопол [идиши бўлаклари] ва тош отишади. Шу асосда йилнинг яхши ёки ёмон келишини аниқлади.

Чжэнггуан (眞觀)<sup>216</sup> даврида (627-649 йиллар) Фарбий турк хукмдори (ванг 王) Чуаймуо-Хэдуо (Chuaimo Heduo 嚴莫賀咄)<sup>217</sup> [Фаргона] хукмдори Чиби (契弊)ни<sup>218</sup> ўлдирди, Ачинна-

<sup>210</sup> Нингюан (寧遠) – Фаргона водийсининг Танг даврида ишлатилган номи, у «Олисадаги сокинлию» маъносини англатади.

<sup>211</sup> «Шин Тангшу»даги Фаргонага оид маълумотни Н.Я.Бичурин «Нингюань» деб таржима килган ба уйан Фаргонанинг хитойча номи эканлигини айтмаган. Шу боис «Нингюань» дегандা, Фаргона ҳакида гап кетаётганлиги билинмай қолган. «Баханна» ўқилган иероглифларни «Боханна» деб ёзган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т.2. С. 332]. Бу хато эмас, чунки «ба» иероглифи (拔) бо деб хам ўқилган.

<sup>212</sup> Ушбу маълумот «Шин Тангшу»нинг Фаргонага оид кисмига багишланган уйгурча таржимада келтирилмайди [Янги Тангнома. Урумчи, 2010. 972-б.]

<sup>213</sup> Хитойдаги Танг сулоласининг пойтахти Чанғъан (хозирги Шиан, рус адабиётида Сиань) эди. Бу давраги асосий катнов йўли Шарқий Туркистондаги Кумул, Урумчи, Или водийси, хозирги жануби-шаркий Козогистон орқали ўтган. Йўл масофаси ана шу ўйналишида берилган.

<sup>214</sup> Чжэнчжу-хэ (眞珠河) – хозирги Норин дарёси (Налин-хэ 那林河). У Naryн деб хам номланган [Шиший диминг каолу. 1163-б.]. Чжэнчжу-хэ иероглифларининг маъноси «ҳакикий марварид» демакидир.

<sup>215</sup> Шижян шаҳри (Shijian-cheng 西鞬城) Хитойда Танг сулоласи хукмронлик килган давридаги (618-907) Фаргонанинг маркази бўлган. У Аксикент (хитой олимларининг ёзишича Akhwsi kath)нинг хитойча номланишидир [Шиший диминг каолу. 1019-б.]

<sup>216</sup> Чжэнгтуан (眞觀 – «ҳакикий кўриниш» маъносини англатади) – 627-649 ва 1102-1114 йилларга берилган ном.

<sup>217</sup> Мазкур маълумотнинг уйгурча таржимасида Чуаймуо-Хэдуонинг исми «Хонбаходур», деб ёзилган [Янги Тангнома. 972-б]. Туругун Олмосининг маълумотларига кўра, Фарбий турк хоконлиги таҳтида 618-630 йилларда Тун-ябгу хокон, 630-633 йилларда Си-ябгу (Сир-ябгу) хокон, 633-634 йилларда Багаша Тўлис хокон, 634-639 йилларда Ишпара Тириш Тунгига хокон, 639-651 йилларда Или Тўлў хокон, 651-638 йилларда Асина-Олиб хокон ўтирганлар [Туругун Олмос. Уйгурлар. 342-б.]. Булар орасида исми Чуаймуо-Хэдуо

Шуни (阿契那鼠匿)<sup>219</sup> унинг шахрини эгаллаб олди. [Ачинна-]Шуни ўлгандан сўнг унинг ўғли Эбуочжи (遏波氏) Чибининг укасига<sup>220</sup> подшоҳ (ванг) унвонини бериб, уни Хумэн шахрига<sup>221</sup> хукмдор килди. Эбуочжининг [ўзи] Кэсай шахри (渴塞)ни<sup>222</sup> идора қилди. Шянчинг (顯慶) даврининг бошланишида (656 й.) Эбуочжи [Танг сулоласи саройига] элчи юбориб, совғалар келтириди<sup>223</sup>. Гаузунг [жавобан] катта илтифот кўрсатди. [Мазкур даврнинг] 3-йилида (658 й.) Кэсай шахри Сюшон (休循 – Эркештом) вилояти деб номланди ва унга бош ҳарбий амалдор (дуду)<sup>224</sup> Аляосен (Алсан) ҳоким<sup>225</sup> килиб тайинланди. Шу санадан бошлаб [Танг сулоласи] саройига ҳар йили совға

ёки Хон-баҳодурга тўғри келадиган Фарбий Турк ҳоқонлари кўринмайди. Қолаверса, аслиятда Чуаймуо-Хэдуонинг унвони ҳоқон эмас, балки «ванг», яъни ҳукмдор деб номланган. Шуларга караганда, ушбу шахс қўшин бошликларидан бўлса керак, деган фикр юзага келмоқда.

<sup>218</sup> «Янги Тангнома»да Чибининг исми «Копиш» деб олинган [Янги Тангнома. 972-б.]

<sup>219</sup> «Янги Тангнома»да Ачинна-Шунининг исми «Ашина Суниш» деб ёзилган [Янги Тангнома. 972-б.]

<sup>220</sup> «Шиой диминг каолу» (Фарбий мамлакатлар топонимикасига оид тадқикотлардан лавҳалар) номли топонимик тадқикотларда ёзилишича, «Шин Тангшүннинг ушбу бобидан жой олган ва Дайдзиек (Dai-dziək / Даши 大食 – Араб халифалиги [Циоан. 625-б.] давлатига бағишиланган кисмida подшоҳликка тайинланган шахс Чибининг жияни, яъни укасинг ўғли Аляоцан (阿了參) бўлган [Шиой диминг каолу. 410-б.]. «Шин Тангшүн»да «Дайдзиек (Даши) аслида Персия ерлари эди» (大食本波斯地), деб ёзилган [Шин Тангшу. 16974(1560)/116-б.]

<sup>221</sup> Хумэн шахри (Хумэн-чэнг 呼闐城) – Хўжанд (Khodjand) топонимининг хитойча транскрипциясидир. Айрим хитой манбаларида у Жойжянти (俱战提) деб хам аталади [Шиой диминг каолу. 410-б.]

<sup>222</sup> Кэсай топоними «Шин Тангшүннинг уйгурча танланма таржимаси «Янги Тангнома»да «Косон» деб ёзилган [Янги Тангнома. 973-б.]. Айрим хитой олимлари буни асосли, деб ҳисоблайдилар [Шиой диминг каолу. 334-б.]

<sup>223</sup> Аслиятда элчиларнинг Танг сулоласи саройига олиб борган совғалари «чаогунг» (朝貢) деб номланган. Уларнинг эвазига Танг сулоласи томонидан берилган совғалар эса «өзийй» (懇諭) деб номланган. Бу икки сўзда ишлатилган иероглифлар маъносидан келиб чиккана, «чаогунг» саройига тақдим этилган тўлов совғаси маъносини, «өзийй» эса гамхўрлик кўрсатиш учун инъомъ этилган совға маъносини билдиради. Уларнинг маъносига хитой фалсафаси нутказ назаридан эътибор берадиган бўлсак, биринчи сўз Хитой ҳоқонига итоаткорлик муносабатини билдириш максадида юборилган нарсалар сифатида талкин килинган. Иккинчи сўз итоаткорлик муносабатини билдириб келгандарга «императорнинг инъомъ» ва «кўргуратилган гамхўрлик нишонасини» деб тушунилган. Ушбу тушунчалар, юқорида кайд этилганидек, Хитой ҳукмдорлари учун қадимдан андана бўлиб келаётган олий устунлик гояси асосида шаклланган. Аммо Хитойга келган элчилар ушбу давлат билан дўстона муносабат ўрнатиш ва совға сифатида турил нарсалар олиб бориб, эвазига маҳаллий молларни олиб келиш максадида юборилган. Бу ҳалкаро савдода мол айрибошлиш асосида ўрнатилган муносабатлар эди.

<sup>224</sup> Хитой урф-одатига кўра, Танг сулоласи даврида «дуду» (都督) ўлка (провинция) доирасидаги ҳарбий кисмларнинг бош кўмандонига бериладиган ҳарбий унвон эди [Чжуонгту лидай гуанчжи цидян. 817-б.]

<sup>225</sup> Аслиятда «циши» (刺史, «лаши» хам ўқилади) деб ёзилган, вилоят ҳукмдорига бериладиган лавозим бўлган. Қадимий хитой томонидан босиб олинган ерларга нисбатан олганда, ушбу лавозимга «дуду» унвонига эга бўлган ҳарбий амалдор тайинланган.

юбориб турди. [Император] Шюанзунг<sup>226</sup> нинг Кайюан даврининг 27-йилида (739 й.)<sup>227</sup> Туахуэйсианни (T'a-huəi-sian, зам. ўқ. Тухуошян 吐火仙) итоат килдиришга [Танг қўшинлари билан] ҳамкорлик килгани учун [Фаргона] хукмдори (ванг) Арслон Тархонга<sup>228</sup> фэнгуа-ванг<sup>229</sup> унвони инъом этилди /56./

Тянбао<sup>230</sup> даврининг 3-йилида (744 й.) ушбу давлат [Фаргона]га Нингюан (Ningyuan 寧遠)<sup>231</sup> деб ном берилди. Император [Фаргона] хукмдорига [ўз хонадони учун] бегона бўлган сулола фамилиясига тааллукли Доу [сўзини]<sup>232</sup> фамилия килиб тақдим этди<sup>233</sup>.

Бундан ташқари [император] ўз авлодига тегишли бир кизни Хэйи маликаси деб [Фаргона] хукмдори хузурига]га юборди.

[Тянбао даврининг] 13-йилида (754 й.) [Фаргона] хукмдори (ванг) Чжунгже (қадим. ўқ. Tiwem-tsiet 忠節)нинг ўғли Шюеюй (қадим. ўқ. Siat-yiwok, 薛裕)ни Хитой маданиятини ўрганиш учун [император] саройига юборди ва у ерда яшаб, соқчилик

<sup>226</sup> Шюанзунг (玄宗 – 685-762) – 712-756 йилларда таҳтда ўтирган, исми Ли Лунгжи.

<sup>227</sup> Кайюн (開元 – «бошланиш» маъносини англатади) – 713-741 йилларга берилган ном.

<sup>228</sup> Аслиятда Арслон Тархон Ашилан Даган (Ashilan-dagan 阿悉爛達干) шаклида транскрипцияни килинган.

<sup>229</sup> «Фэнгуа-ванг (奉化王) – Танг сулоласи даврида хорижий давлатлар хукмдорларига инъом этиладиган фахрий унвон бўлди, у «маданиятга интиљувчан ҳукмдор» маъносини англатган. Мазкур унвон маъносидан кўриниш турибиди, Танг империяси даврида Хитой ҳукмдорлари ўзларининг дунёкашини, яъни бошقا мамлакатларга нисбатан амалга ошириётган жаҳонгирлик сиёсатини маданият белгиси деб карашган ва ушбу империя билан ҳамкорлик килганини «маданилашишга» интилиш деб баҳолдаган.

<sup>230</sup> Тянбао (天寶) – 742-755 йилларга берилган ном, у «Тангри ато килган неъмат» маъносини билдиради.

<sup>231</sup> Юкорида айтиб ўтилганидек, «Нингюан» (寧遠) «колисдаги сокинлик» ёки «хотиржамлик» маъносини англатади.

<sup>232</sup> Доу (竇 – «ду» деб ҳам ўқилади) иероглифи «тешик, дарча, арик, катта, ергўла, катта виляят» каби маъноларда ва «шинби» кабилаларига оид бир авлоднинг номи сифатида ишлатилган. Хитойларнинг олий табакали авлодларида ушбу сўз билан аталган фамилия учрамайди [Ханой дазидян. 4-жилд, 2745-б.]

<sup>233</sup> Ушбу маълумот асл матнда «天寶三載改其號寧遠帝以外家姓賜其王曰竇» иероглифлари билан келтирилган. Н.Я.Бичурин уни «В третьем году правления Тыханьбао, 744, дано его владение название Нин'юань. Император пожаловал владельцу прозвание Дома Дау, из коего происходил род императрицы», деб таржима килиган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С. 333]. Уйгурча таржимада бу маълумот «Тянбао[нинг] 3-йили (мил. 744 й.) Фаргонанинг беклини номи «Нингюан (Тошкент) деб ўзгартилди. Подшоҳ олийлири унга Бек жамоатининг узоқ кариндош-уругларига хос бўлган «Ду» фамилиясини хади этиб»... шаклида таржима килинган [Янги Тантнома. 973-б.]. Иккى таржимани асл матн билан солиштириш натижасида улардаги хатоликлар аникланди. Рус олими таржимасида Фаргона давлатини «владение» деб аташ билан бирга «прозвание Дома Дау, из коего происходил род императрицы», деган жумла кўшилган. Уйгурча таржимада Фаргона давлати «беклик» деб таржима килинган ва «император оиласига тегишли бўлмаган фамилия» (外家姓) жумласи «Бек жамоати узоқ кариндош-уругларининг фамилияси бўлган», деб ноаниклика йўл кўйилган.

хизматида бўлишга ижозат сўради<sup>234</sup>. [Император бу илтимос]га қулоқ солиб, [Фарғона ҳукмдорининг ўғлига] зуо-увей жянгжон унвонини берди<sup>235</sup>. Бу иш Танг [сулоласи учун] бекиёс эҳтиёткорлик чораси бўлди».

## 2. VIII-XII АСРЛАРДА ЁЗИЛГАН ТАРИХИЙ АСАРЛАРДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

### «ТУНГДЯН» («Конун-қоидалар ва урф-одатлар баёни»)

*Манба ҳақида.* «Тунгдян» (通典) Танг империяси даврида яшаган сарой тарихчиси Ду Ю (734-812) томонидан ёзилган. У кўхна Хитойнинг барча соҳаларида жорий этилган конун-қоидалар ва мамлакатдаги урф-одатларни умумлаштирилган ҳамда қўшни халқларга бағишлиланган биринчи йирик асар ҳисобланади. Уни ёзиш учун муаллиф 36 йил (766-801) сарфлаган. Асарнинг умумий ҳажми 200 бобдан иборат бўлиб, 189-200 боблари Хитойнинг шимолий ва гарб томонида яшаган халқлар ва мавжуд бўлган давлатларга бағишлиланган. Асар кўп марта чоп этилганлиги туфайли, унинг нусхалари кўп. Бизнинг кўлимиздаги З жилдан иборат «Тунгдян» 1988 йилда Чжэцзянг (Чжэцзян) ўлкасидаги «Чжуңхуа шужжои» («Хитой китоб идораси») нашриёти чоп этган нусха асосида 1995 йилда

<sup>234</sup> Фарғона ҳукмдорининг ўғлини Хитой пойтахтига юбориш масаласига оид маълумот аслиятда «十三年戴王忠節遺子薛裕朝請留宿衛習華禮» иероглифлари билан ифодаланган. Уйгурча таржимада бу «Тяньбао даврининг 13-йили (мил. 754 й.) Фарғона беги Жунгий ўттира иклими бўйича (ўрта иклимининг одатига кўра – А.Х.) Шюэюни ўрдига тургоқлика эватти (юборди – А.Х.)» [Янги Тангнома. 973-б.] деб аслиятдан бироз чекинган холда таржима қилинган. Н.Я.Бичурин ушбу маълумотни «В тридцатое лето владетель Чжун-циэй отправил сына своего Сиеной к Двору, и просил оставить его в придворной службе для изучения китайских обрядов» [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматинское изд. Т. 2. С. 333]. Ушбу олимнинг таржимаси нисбатан тўғри, аммо унда «13-йиль сўз биримаси «30-ёзда» бўлиб колган. Бу йил 742-755 йилларнинг номи бўлмиш «Тяньбао» даврига тўғри келмайди. 742 йилдан бошлаб ҳисоблаганда, унинг ўттичинчи йили 772 йилга течт бўлиб колади.

<sup>235</sup> «Зуо-увей жянгжон» (左武衛將軍) Танг сулоласи давридаги сарой сокчилари бош кўмандони (大將軍) ёрдамчиларига бериладиган харбий унвон бўлиб, у «чап канот сарой сокчилари кўмандони» маъносини англатади. Бу даврда сарой сокчилари чап ва ўнг канот каби икки бўлнимага ажратилган. Улар император саройининг хавфсизлигини таъминлашга жавоб берган [Чжуңхуо лидай гуанчжи цидян. 555-б.]

Пекинда қайта нашр қилинган. Рус олими Н.Я.Бичурин бу асарни таржима килмаган.

Муаллиф (Ду Ю) амалдор оиласида таваллуд топган. Шу сабабдан у ўкиш, билим олиш, йирик олим ва амалдор бўлиб етиш учун барча шароитларга эга бўлган. 69 ёшида илм-фан ва адабиёт соҳаларини бошқарувчи бош амалдор (дасюэши) лавозимига тайинланган. У ўшлигидан отасининг хизмат жойи тез-тез ўзгариб турғанлиги туфайли Хитойнинг турли шаҳарларида яшаган. Улгайиб, амалдорлик лавозимларига тайинлангандан сўнг ҳам, унинг ҳёти турли вилоятларда ўтган. Бу ҳол унинг келажакда ёзилажак асари учун маълумотлар тўплашга қулай имкон яратган. Ду Ю 78 ёшида оламдан ўтган. Замондошларининг таърифлашича, у болалигидан китоб ўкишни яхши кўрган. Катта бўлиб, амалдор бўлганида ҳам, бу одат уни тарк этмаган. Муомалада камтарин инсон сифатида танилган. Танг империяси хоқони Шянзунг (806-821) Ду Юга катта хурмат билдирган. Ўз замонасида асар муаллифи етук сиёсатчи, иктисадчи ва давлатнинг молия ишларини идора килишда катта тажриба згаси сифатида танилган. Ушбу манбадаги Марказий Осиё тарихига оид маълумотлар Н.Я.Бичурин таржимасида келтирилмайди.

### ТАРЖИМА:

«Тунгдян, З-жилд, 192-боб. 8-қисм Қўшии мамлакатлар (Бянфанг). 5-фасл Ғарбий от минувчи халқ (ши-рунг, қадим. ўқ. сией-ривем).

/2727/ Буюк Фаргона (Дай-юан).

Буюк Фаргона (Дай-юан 大 宛) билан [Хитой] ўртасидаги алоқа [Ғарбий] Хан (мил. авв. 206-мил. 8) даврида ўрнатилган. [Маҳаллий] хукмдор (ванг) Кивэйшан (Гуйшан 貴 山) шаҳрида туриб [мамлакатни] идора килади, Чангъянгача 12500 ли (7200 км) йўл юрилади. [Фаргона давлатининг] аҳолиси 60 минг оиласидан иборат. Шарқ томондаги Хан назоратчисининг (духу 都 护) маҳкамаси бор жойгача 4000 ли (2304 км), жанубдаги Улуг Фузер (Дай-рузие / Да-юэчжи) гача 1500 ли (864 км) масофа мавжуд. Шимолда Кангкия, жанубда Улуг Фузер билан чегарадош. Ери, иклими, нарсалари ва урф-одатлари Улуг Фузер ва Парфия (Arsakiden / Анши 安 息)<sup>236</sup>ликларга ўхшаш.

<sup>236</sup> Анши – Каспий денгизининг жануби-шарқ томонидаги мамлакат номидир [Шиий диминг каолу. 69-бет]. У саклар таркибидаги аришак қабиласи томонидан ташкил этилган Парфия давлати (мил.авв. 250-мил. 220)га тўғри келади.

Буюк Фаргона (Дай-юан)нинг атрофида узумдан мусаллас қилишади. Бойлар ўн минг пуддан зиёд мусаллас сақлади. [Бу] мусаллас бир неча ўн йил сақланса ҳам, бузилмайди. Фаргона-нинг одамлари мусаллас ичишади, отлари беда ейди. Зотли отлар кўп, улардан қонсимон тер чиқади. Айтишларига қараганда, [бу] отлар тангри отларининг авлоди экан. [Матн орасидаги изоҳда]: *Фаргона давлатида баланд тог бор экан, унда тутуб бўлмайдиган от бўлган экан. Рангдор бир отни шу тог этагига боғлаб қўйиб, ундан насл олишган экан. Тугилганда баданидан қонсимон тер чиқиб турган экан. Шу боис уни Тангри отининг боласи деб аташган экан*<sup>237</sup>. Бу гапларни аслида Чжант Чян [император] У-дига сўзлаб берган. [Буни эшигтан] император мингта олтин ва олтиндан ясалган от билан одам юбориб, эвазига шу отдан беришни сўраган. Фаргона (Юан) ҳукмдори Хан [давлати] узоқда, катта қўшин юбора олмайди, деб ўйлаб Хан элчисини ўлдиртирган. Шу боис Тайчунинг биринчи йили (мил. авв. 104 й.) Ли Гуанглини Риейший (Эрши) қўмондони этиб тайинлаб, Фаргонага ҳужум килиб, Эришидаги отларни олиб келишни юборган. [Ли Гуангли] бир неча ўн минг одам билан унинг [Фарғонанинг] заминига этиб бориб, аввалига Ўзган (Йивечэнг)ни забт этмоқчи бўлган, лекин уни ооломмай, оркага қайтган. Бориш-келишга икки йил сарфланган. Дунхуангта этиб келганлар сони атига 12 киши бўлган. Унинг бу ишни эплолмаганлигидан император қаттиқ хафа бўлиб, уларни Юймэн [чегара] дарвозасидан ўтишга ижозат бермаган. Шундан кейин Риейший (Эрши) [қўмондони Ли Гуангли] Дунхуангда туриб қолган. Иккинчи марта уни ўзлари қўшилиб борганлардан ташкари 60 минг одам билан [Фарғонага] юборган. [Ишлатиш учун] унга 100 минг қора мол, 30 минг от, сон-саноқсиз эшак, хачир, тuya берган. Бутун мамлакатни оёққа турғизган. 180 минг яхши куролланган жангчиларни Жюян, Шоту (ҳозирги Узбек), Чжангье вилоятларида жойлаштириб, Жюочоанни химоя килишга қолдирган.

/2728/ Риейший (Эрши) [қўмондони Ли Гуангли] Фаргона (Юан) [шахри]га этиб келганда, фарғоналиклар ҳукмдор Мекўя (Мекоа 母寡)ни ўлдириб, унинг бошини тақдим килган. Хан қўшини бир неча ўн зотли отни, 3 мингта ўрта ва ундан паст ургочи

<sup>237</sup> Ушбу курсив билан берилган бўлак аслиятда изоҳ сифатида майда ёзувда келтирилган. Қўйида ҳам шу ҳолат мавжуд.

от олиб қайтган. Қайтишдан олдин фарғоналик зодагон Муэтцат (昧蔡, зам. ўқ. Мейцай)ни Фарғона давлатига хукмдор этиб тайинлаган, йилига 2 та зотли от совға қилиб туриш хақида унинг билан келиши ва узум, беда уругидан олиб қайтди. Иккинчи марта бориб келишга Риейший (Эрши) [қўмондони Ли Гуангли] 4 йил сарфлади.

Фарғона (Юан) ва унинг гарбидаги Парфия (Анши 安息)нинг тиллари бошқача, аммо бири бирини тушунишади. Бу мамлакатлардаги одамларнинг кўзлари чукур, бурунлари кирра, соchlари қуюқ, савдога моҳир. Уларнинг одатига кўра, аёллар азизланади, аёллар айтганини эрлари килади. Бу юртларда ипак бўялмайди, темирдан идиши-товорок буюмлари ясалмайди. Хан элчилари ўлгандан кейин уларнинг асирга тушиб қолган лашкарлари курол-ярок ясанни ўргатишган.

[Матн орасидаги изоҳда]: Шу мамлакатга юборилган Хан элчилари ўлгандан сўнг, шу давлатларда асирга олингандарнинг бари маҳаллийлар динига ўтган.

Кейинги Хан [императори] Минг-ди даврида (мил. 58-75 й.) Фарғона (Юан) [хукмдори] унга қонсмон терлайдиган от совға қилди. Кейинги Вэй (Хоу Вэй) [императорлари] Вэнчэнг-ди (452-465 йилларда таҳтда ўтирган) замонасидағи Хэпин<sup>238</sup> даврининг 6-йилида (465 й.) ва Шяовэн-ди (471-477 йилларда таҳтда ўтирган) замонасининг Тайхэ<sup>239</sup> даврининг 3-йилида (479 й.) [Вэй саройига] элчи юбориб, от совға қилган. Суй [сулоласи] давридаги Судуйшана (苏对沙那—Сутрушана) давлати Хан замонасидағи Буюк Фарғона (Дай-юан)дир.

Сунг давридаги «Йиву чжи» (异物志—Фаройиб нарсалар баёни) [номли асар]да «Фарғона отларининг бошида узунлиги бир неча сантиметр келадиган юмшоқ шохи бор экан, одам тилини тушунар, овоз, ўйин ва ногора товушларини фарқлай олар экан», деб зикр этилган. Суй даврида ёзилган (589-619) «Шиой тужи» (西域图记—Фарбий мамлакатлар хариталари ва хотиралари)<sup>240</sup> [номли асар]да

<sup>238</sup> Хэпинг (和平) 460-465 йилларнинг номи, тинчлик маъносини англатади.

<sup>239</sup> Тайхэ (太和) – 477-499 йилларнинг номи бўлиб, у олий даражадаги тинчлик, иноклиник англатади.

<sup>240</sup> Шиой тужи (西域图记 Фарбий мамлакатлар суратлари ва хотиралари) – Суй сулоласи даврида яшаган Пэй Жюй исмли тарихчи каламига мансуб З бобдан иборат кичик асардир. Мазмунан у кадимий Хитойнинг гарб томонидаги урф-одатлар, табиий шаронт, хукмдорларларнинг келиб чикиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кийим-кечаклар масалаларига бағишиланган.

«Унинг [Фарғонанинг] отлари люма (骝马 миниладиган от) ва ума (乌马 қуш от, яъни учар от) отларга ажратилар экан. Сариқ ва кизил отларнинг қулоғи қора бўлар экан. Умуман, отларни улар қулокларининг рангидан фарқлашар экан», деб ёзилган. Шунинг билан бирга «хукмдорнинг фамилияси Сусэн (Сусэни 蘇色匿), исми Дишишант<sup>241</sup> (底失槃陥), таҳт авлоддан авлодга қолдирилар экан, [Фарғона давлатининг] хозирги хукмдори Дишишантонинг авлоди экан», деб айтилган.

«Тунгдян», 3-жилд, 193-боб, 9-қисм «Бянфанг» («Чегара мудофааси»), 5-қисм «Сией-ривем» (Ши-рунг – «Ғарб томондаги от минувчилар»).

#### /2749/ Яйпан (Йиватпуан / Юэпан 悅般).

Яйпан (Йиватпуан / Юэпан)<sup>242</sup> [хонлиги] Кейинги Вэй [сулоласи] даврида<sup>243</sup> [унинг] пойтахти билан алоқа ўрнатган. [Мазкур давлат] Асуэн (Усун)нинг<sup>244</sup> шимоли-ғарбидаги жойлашган. Яйпанларнинг аждодлари ҳуналарнинг шимолий Тангрикутининг қабиласи ҳисобланади. Хан [сулоласининг] аравали кўшинлар кўмондони Доу Шян шимолий Тангрикутни [юргидан] сиқиб чиқарган<sup>245</sup>. Шимолий Тангрикут [одамлари билан] Тангритоғ (Жинвэйшан)дан ўтиб, ғарб томондаги Кангкия (хозирги ўқилишда Кангжой)га кетган. Унинг касал ва ожизликдан

<sup>241</sup> То (陥) иероглифи йи, чжи деб ҳам ўқилади. Шу боис Дишишантон Дишишантоний, Дишишанчики деб ҳам талаффуз этилиши мумкин.

<sup>242</sup> Йиватпуан (Yiwatpuan, Djawatpuan / Liwatsuwan) деб талаффуз этилган, зам. ўқ. Юэпан – Яйпан топонимининг хитояча транскрипциясидир) ҳуналар томонидан ташкил этилган давлатнинг номи. Рус олими Н.Я.Бичурининг асарларида мазкур топоним «Юебань» деб транскрипцияланган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Московское изд. Т. 2. С. 258].

<sup>243</sup> Кейинги Вэй давлати хитой манбаларida Хоу Вэй, Бэй Вэй (Шимолий Вэй), Юан Вэй (Ила Вэй), Тубагуй Вэй (Тобагуй асос соглан Вэй) деб аталиб, уни мил. 386 йилда сянибilar таркибидаги тобе қабиласи ташкил этган. Унинг асосчиси Тубагуй. Давлатнинг маркази ҳозирги ХХРнинг Шанши ўлқасидаги Датунг (кадимги Пинчэн) шаҳри бўлган. 493 йилда Вэй сулоласи ХХРнинг шимолий ўлқаларини эгаллаб олгандан сўнг, пойтахт Лоянг (ҳозирги Шэнши ўлқасининг маркази Сиан, кадимги Чангъяннинг шарқи томонида) шаҳрига кўчирилган. Шу даврда унинг гарбий чегараси Шаркий Туркистонгача етиб борган. 534 йилда ушбу давлат Ғарбий Вэй ва Шаркий Вэй деб номланган иккى қисмга бўлинб қетган. 550 йилда Шаркий Вэй, 557 йилда эса Ғарбий Вэй тутатилган. [Цихай. 268-332-б.]

<sup>244</sup> Асуэнлар (кадимги ўқилишда asuen, usuen) мил. авв. 161 йил атрофида Или дарёси ва Исиккўл атрофига кўчиб келган. «Вэйшшу»да байёни этилишича, «Асуэнларнинг маркази Чигуңг (Кизил кўргон) бўлиб, у Шаркий Туркистондаги Кусан (Гуйзи) шаҳрининг шимоли-ғарбидаги жойлашган [Вэйшшу. 9697(1315)-б.]

<sup>245</sup> Кейинги Хан империясининг (Хоу Хан ёки Дунг Хан – 25-220) Доу Шян (мил. 92 йилда ўлган) кўмондонлигидаги кўшинлари билан ҳуналар ўртасида юз берган уруш мил. 89 йилда содир бўлган [Цихай. 1797-б.; Шиной тунгши. (Ғарбий мамлакатларнинг умумий тарихи). Чжэнчжоу, 1996. 68-б.].

юролмай қолган одамлари Кусаннинг<sup>246</sup> шимолида қолган. Ушбу заминда бир неча минг ли (576 км) келадиган ва 200 мингдан ортиқ одам яшаши мумкин бўлган ўлка бор. Лянжоуликлар<sup>247</sup> [хунларнинг] бошлигини Тангрикут ҳукмдор (таний ванг) деб аташган.

Уларнинг [яйпанларнинг] урф-одати ва сўзлашадиган тили гавчэлар<sup>248</sup> билан бир хил. Улар тозаликка риоя қилишни, хуларга<sup>249</sup> ўхшаб, соchlарини кесишни, кошларини тартибга солишни ва бўяшни одат қилишган. Қуёш нури кучли ва иссиқ бўлиб турганда, кунига 3 марта ювинишади, оғзини чайгандан сўнгтина таом ейишади. Улар [яйпанлар] давлатининг жанубий чегарасида оловли тоғ мавжуд. Тоғ этагидаги тошлар куйиб, эриб, бир неча ўн ли (5.76 км) масофага оқиб бориб, куйилиб қолар экан. Одамлар уни дори сифатида ишлатишар экан. [Ушбу суюклик] оқар тош шарбати деб ҳам аталар экан.

[Шимолий Вэй ҳукмдори] Тай-у Чжэнжоннинг 9-йили (416 й.) [Яйпан ҳукмдори] [Шимолий Вэй] саройига элчи юборди. [Элчи] билан бирга совға сифатида бир нафар найрангбоз жўнатилди. Айтишларича, у одамни ўлдириб, бошини танасидан кесиб ташлар экан, шундан кейин унинг танасидан бир ёки 10 қадаҳ кон отилиб чиқар экан. Кейин [найрангбоз] дори ўтларни [ўликнинг бадани] ташқарисига суриб, оғзига тиқиб, чайнатар экан. Шундан сўнг кон тўхтар экан, [шу тарзда] бир ой боққанидан кейин, [ўлдирилган одам] аксига келар экан, [унинг

<sup>246</sup> Киветсие, Кивецие (Kiwə̄-tsiə Kiwi-tsia 魏 芝 зам. ўқ. Гүйзи) Шаркий Туркистондаги шахар номи бўлмиши Кусан (Кучар, хитойча Кучэ, рус адабиётида Кучча, уйгар тили лугатларида Кучар)нинг хитойча транскрипциясидир.

<sup>247</sup> Лянжчуо Ҳэши йўллагидаги шахарлардан бири, хозир у Увэй деб номланади (XXRнинг Ганису ўлкасида).

<sup>248</sup> Гавчэ атамаси «баланд араваликлар» мъиносини англатади. Ушбу сўз билан хитойлар ўзларининг шимол томонидаги яшаган қадимий туркларнинг шаркий қисмини атаганлар. Айрим манбаларда гавчэлар чиди, яъни «қизил ді» деб ҳам аталади. Қадимий турклар тилида жануб – қизил, гарб – оқ, шарқ – кўк, шимол – кора деб айтилганлигини ва ди атамаси қадимда «түек» ёки «тиеау» деб ўқилиб, у турк сўзининг транскрипцияси эканлигини (Қадимий хитой манбаларидаги туркий халкларга оид айрим этнонимлар [Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият]. Тошкент, 2003.176-184-б.; «Ўзбекистон тарихи» № 1, 2003. 3-11-б.] хисобга олганда, «чиди» жанубий турк этнонимининг хитойча таржимаси эканлигини билди олиш мумкин. Демак, гавчэ жанубий туркларга хитойлар томонидан берилган номидир. Гавчэлар таркибига чипули, тур, илжон, тарлон, қуга, тарбакон, ойрун, мусен (баён), иркин, бўркли, кион, юшиб каби кабилалар кирган [Бу хақда каранг: Ҳўжсаев А., Ҳўжсаев К.А. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. Тошкент, 2001. 21-22-б.].

<sup>249</sup> Аслида «ху» атамаси гуз ва ҳун этнонимларининг хитойча транскрипцияси бўлган. Кейинчалик, гуз ва хунлар Марказий Осиё давлатлари ҳудудига кўчиб келганидан сўнг, бу ердаги маҳаллий халкларга, жумладан, сугдларга иисбатан ҳам ишлатила бошланган.

танасида] хеч қандай из қолмас экан. [Тай-у] Шизу бу гапларнинг рост ёки ёлғонлигини билмоқчи бўлиб, ўлимга маҳкум этилган жиноятчиларни келтириб, улар билан синов ўтказди. [Шундан сўнг] у Хитойдаги (Чжунггу) атокли тоғларда ҳам шундай [дори] ўтлар мавжудлигини айтиб, одамларига [унинг] хунарини ўрганишни ва ундан тўла фойдаланишни буюрди»<sup>250</sup>.

## «ТАЙПИНГ ХУАНЮЙ ЖИ» («Тинчлик ўрнатилган замин баёни»)

*Манба ҳақида.* «Тайпинг хуанюй жи» (太平寰宇记) аслида 200 боб (жоан 卷)дан иборат бўлган, лекин шундан 193 боби сақланиб қолган. Кейинчалик Японияда сақланиб қолган қисми асосида унинг 5 боби тикланган. Асарнинг илк бор чоп этилган жойи ва вақти номаълум, аммо муаллиф 930-1007 йилларда яшаганлигини ва бу асар унинг сўнгги йирик иши бўлганлигини инобатга олсан, «Тайпинг хуанюй жи» 990-1007 йиллар оралиғида ёзилган, деб хисоблаш мумкин. Муаллиф ҳар бир мамлакат ҳақида қалам тебратганда, келтирилган маълумотларни тарих, иклим, урф-одат ва маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулот каби масалаларга ажратган ҳолда баён этган. Асарни ёзишда муаллиф ўзининг ҳаёти даврида ва ундан олдин ёзилган асарларга асосланган.

Лэ Ши (乐史) Хитойнинг Жянгши ўлкасидағи Йихуан туманида туғилган, Таңг сулоласидан кейин ташкил топган Шимолий Сунг (960-1127) давлатида яшаган сарой тарихчиси ва ўз замонасининг етук олими бўлган. 976-979 йилларда ўз даврдаги илк олимлик даражасига эришган<sup>251</sup>.

### ТАРЖИМА:

«182-боб, 3-қисми «Сией-ривем» (зам. ўқ. «Ши-рунг» – «Гарбий от минувчилар»)<sup>252</sup>.

<sup>250</sup> Тунгдян. З-жилд, 2751-б. Ушбу маълумот ўзгартирилмаган ҳолда куйидаги манбанинг 186-боби, 1а-2а бетларида келтирилади.

<sup>251</sup> Цихай. 79-б; Чжунггу гужин мингрен дацидян (Хитойнинг кадимдан хозиргача ўтган машхур шахслари лугати). Пекин, 1991. 101-б.; Чжунггу лиши дацидян. Лиши шоэ (Хитойнинг катта тарихий лугати. Тарихнавислик). Шангхай, 1995. 33-б.

<sup>252</sup> Ши-рунг (西戎, рус. адабиётсида сижсун) кадимий хитойлар ўзларининг гарб томонида яшайдиган халқларга нисбатан ишлатган ном. Ушбу этномимдаги ривем / рунг аслида от минувчилар, чавандоз, отлик жангчилар маъносини англантган. Кейин бу этномим Шиюй (Гарбий мамлакатлар) топонимига айланган.

/5a/ Буюк Фарғона (Дай-юан) давлати. Буюк Фарғона (Дай-юан 大宛) давлати билан [Хитой ўртасидаги] алоқа [Фарбий] Хан (мил. авв. 206-мил. 8) даврида ўрнатилган. [Ушбу давлат] ҳукмдори (ванг)нинг турар жои Квэйсан (Гуйшан 贵山) шаҳридир. [Фарғона давлатининг] аҳолиси 60 минг оиласдан иборат. Ҳукмдорининг фамилияси Сусэн (Сусэни 蘇色匿), исми Дишипант<sup>253</sup> (底失槃陁), у таҳтда узоқ ўтирган. [Фарғона давлатининг] ҳозирги ҳукмдори Дишипантонинг авлодидан. Олдинги Хан (Чян-Хан) даврида Чжанг Чян У-ди номидан элчи бўлиб, [Фарғонага] келганида, ўзи билан кўп олтин ва олтиндан ясалган от [хайкалчасини] олиб келган ва унинг эвазига Фарғонанинг зотли отларидан беришни илтимос қилган эди. [Аммо] Фарғонанинг ҳукмдори Хан [мамлакати]нинг узоқда эканлигини ва у кўп сонли қўшинини тез орада юбора олмаслигига ишониб, [Чжанг Чяннинг] бу илтимосини рад этди. Боз устига [Чжанг Чяндан кейин келган] Хан элчисини қатл этди.

Милоддан аввалги 104 йилда (Тайчу<sup>254</sup> йили) Ли Гуангли Риейшией (Эрши) кўмондони этиб тайинланди ва унга Риейшией (Эрши) шаҳрига бориб, зотли отлар олиб келиш вазифаси юкланди. [Ли Гуангли] бир неча ўн минг лашкарлар билан унинг [Фарғонанинг] чегарасидаги Юйчэн 郁成 шаҳрига<sup>255</sup> ҳужум қилди. [Лекин] шаҳарни ололмай қайтди /56/. Бориш-келиш – ҳаммаси бўлиб, икки йилда Дунхуангта 11-12 та тирик қолган жангчилар этиб келди, холос. [Хан] императори [Ли Гуангли]нинг топширилган вазифасини бажара олмаганидан қаттиқ хафа бўлиб, [унга] Юймэндан ўтишга ижозат бермади. [Шундан сўнг] Риейшией (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] Дунхуангда қолиб, экин экиш билан шугулланди.

Риейшией (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] иккинчи марта [Фарғонага] юборилди<sup>256</sup> ва унга ўз хоҳишлари билан эргашиб

<sup>253</sup> То (陁) иероглифи йи, چки деб ҳам ўқилади. Шу боис Дишипант<sup>254</sup> Дишипанчжи деб ҳам талафуз этилиши мумкин.

<sup>254</sup> Тайчу (太初 – Юксалишнинг бошланиш даври – мил.авв. 104–101 йилларнинг номи.

<sup>255</sup> «Цихай» номли энциклопедик лугатда Юйчэн (郁成) шаҳри Ўш (奥希) шаҳри тўғри келади, деб ёзилган [Цихай. 96-б.]. Лекин бу ҳақиқатга зид фикр. Юйчэн шаҳри Ўзганга тўғри келади [Бу ҳақда карант: Ҳоджсаев А. К этимологии топонима Дайонъ (Даванъ) в китайских источниках // Фарғона водийси тарихи янги тадқикотларда (История Ферганы в новых исследованиях). Фарғона, 2009. С.135–140; Шу муаллифинг. Можно ли считать Эрши столицей древнего государства Ферганы? // O'zbekiston tarixi. № 2. 2010. С. 63–73].

<sup>256</sup> Ли Гуанглининг Фарғонага қилган иккинчи ҳарбий юриши мил.авв. 101 йилда амалга оширилган.

боргандарни хисобламаганда, юриш қилиш учун 60 минг лашкар, 100 минг қора мол, 30 минг от, 10 мингдан зиёд хачир ва эшак берилди. Бу [куч билан] бутун ер юзини титратиш мумкин эди. [Бундан ташқари], Tsīəu-dziwan (酒泉, зам. ўқ. Жючоан)ни химоя қилиш максадида Kia-yian (зам. ўқ. Жюйян 居延) Shiəu-da (зам. ўқ. Шюту 休屠)<sup>257</sup> да 180 минглашкар жойлаштирилди. Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] Фаргона (Юн 宛)га этиб келганида, фаргоналикларнинг янги хукмдори (ванг) [Ме]кўя (慕)<sup>258</sup> [унга] отлар тақдим килди. Хан лашкарлари уларнинг бир неча ўнта зотли, мингтacha ўрта хол отларини танлаб олди. Фаргона зодагонларидан бири Муэтцат (昧蔡 зам. ўқ. Мейцай)ни хукмдор (ванг) этиб тайинланди. Йилига 2 та самовий от (тъяма) тақдим этиб туришга келишилди. Шундан кейин Хан элчилари узум ва беда уруғидан олиб қайтди.

Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] иккинчи марта [Фарғонага] бориб келишига 4 йил вакт кетди. Кейинчалик Хан [сулоласи] императори Минди даврида (мил. 58-75) Фаргона (Юан 宛) яна [Хан саройига танасидан] қонсимон тер оқадиган от тақдим этди. Кейинги Вэй [сулоласи хукмдори] Вэн Чэнг-ди тахтга ўтирганидан кейинги Хэпинг (和平) даврининг олтинчи йилида (465)<sup>259</sup> ва [ушбу сулола хукмдори] Шяовэн (孝文) ҳокимияти замонасадаги Тайхэ (太和)<sup>260</sup> даврининг учинчи йилида (479) [Фаргона хукмдори унинг хузурига] яна элчилар юбориб, от совга килди. Суй даврида [Фаргона] Суйдүйшана давлати, [деб номланди, бу эса] Хан давридаги Буюк Фаргона (Дай-юан)нинг бошқача номидир. /6a/ Чанғъянгача 12550 ли (722.88км), духу маҳкамасигача 431 ли (248.25 км), шимолдаги Кангкияниг Битян шаҳригача 1510 ли (869.76 км), жанубдаги Улуг Фузер (Дай-рузие / Да-юэчжи)гача 700 ли (403.2 км) масофа мавжуд. [Фаргона] шимолда Кангкия, жанубда Улуг Фузер билан чегарадош.

<sup>257</sup> Аслиятнинг шу жойида Жюйян (居延) ва Ян Шюту (休屠) топонимларига «қозирги Увэй (武威) ва Чжангье (張掖) вилоятларига», деб изоҳ ёзиб кўйилган. Қадим замонда Жючоан (酒泉) – Tsīəu-dziwan, Чжангье (张掖) – Tiang-yiak, унинг шимолидаги Жюйян (居延) – Kia-yen, Kia-jiyen, Шюту (休屠) – Shiəu-da деб ўқилган.

<sup>258</sup> Гу (慕) иероглифи гу деб ҳам талаффуз этилади. Қадим замонда коа деб ўқилган. Унинг тўла исми Мекўя (Mekoa 母慕), замонавий ўқилиши «Мугуя».

<sup>259</sup> Кейинги Вэй сулоласи хукмдори Вэн Чэнг-ди (文成帝) мил. 452-465 йилларда таҳтда ўтирган. У хукмронлик килган даврининг сўнгти 6 йилига (460-465 йиллар) «Хэпинг» (和平), яъни «тиччилик» деб ном берилган. Бу даврининг 6-йили 465 йилга тўғри келади.

<sup>260</sup> Кейинги Вэй сулоласи хукмдори Шяовэнининг Тайхэ (太和 – Буюк тинчлик) даври 477-499 йилларга, бу даврининг учинчи йили 479 йилга тўғри келади.

Ери, урф-одатлари ва маҳсулоти. «4та ёввойи [халқ] хотираси» (四夷紀) да ёзилишича, Фаргона [давлати] (Юан 宛) ва унинг ғарбидаги Парфия (Анши 安息) [ахолисининг] тили бир-биридан фарқ килса ҳам, умумий ҳолда ўхшашлик мавжуд, бири бирини тушунади. Унинг [Фаргона] одамларининг кўзлари чукур, [эркаклари] серсоқол, савдога мохир, аёлларни азизлайди, аёллар сўзига кулоқ солишади, лекин ҳал қилувчи эркак хисобланади. Унинг [Фарғонанинг] заминида ипак бўялмас, канопга ишлов берилмас, ишлатиш учун темирдан идиш-товоқ буюмлари ясалмас экан. [Сафарда] ўлиб қолган Хан элчиларининг соқчилари [ўз ҳаётларини саклаб қолиши максадида] маҳаллий динни қабул килган экан.

[Фарғонанинг] ерлари, халқнинг урф-одатлари Улуғ Фузер ва Парфия (Анши)ни книга ўхшайди. Узумдан мусаллас қилишар, бойлари ўн минг пуддан зиёд мусаллас саклашар экан. [Фарғоналикларнинг] мусалласи бир неча ўн йил сакланса ҳам, бузилмас экан. Буюк Фаргона (Дай-юан) тазкирасида /бб/ зикр этилишича, мамлакат чегарасида баланд төғ бор. Бу төғ устида ушлаб бўлмайдиган от бор экан. Рангдор ургочи отни ушбу төғ этагида қолдириб, ўша отдан болалатиб олишган экан. Тугилганда тойчадан консимон тер оқиб турган экан, шу боис унга Тангри оти (тянма) деб ном кўйилган экан. Кейинги Хан [сулоласи] тарихида ёзилишича, [Император] Минг-ди даврида (мил. 58-75) фарғоналиклар (юанрен) унга консимон терловчи от деб номланадиган от совға килган экан. Сунг даврида битилган «Фаройиб нарсалар баёни» [номли асар]да Фаргона отлари[нинг боши]да узунлиги бир неча сантиметр келадиган юмшоқ шохи бор экан [икки кулоги назарда тутилган – А. Х.], одам тилини тушунар, овоз, ўйин ва ногора товушларини фарклай олар экан. Суй давридаги (589-619) Шой тужи<sup>261</sup> [номли асар]да ёзилишича, унинг [Фарғонанинг] отлари секин юрадиган ва тез чопадиган зотларга ажратилар экан. Аксарият отлаһнинг кулоги оқ, оқ рангли ва ола-була рангли отларнинг кулоги кўпинча қизил, сариқ ва қизил рангли отларнинг кулоқлари эса кора бўлар экан. Бу отларни кулоғининг рангидан фарқлашар экан. Улар бошқа отларга ўхшамас экан.

[Фарғонада] Нами-шуй<sup>262</sup>, Гуйшон<sup>263</sup> каби дарёлар, Рией-

<sup>261</sup> Шиой тужи (西域图记) – 239-изоҳга каранг.

<sup>262</sup> Нами-шуй (那密水) – Зарафшон дарёси.

<sup>263</sup> Гуйшон-шуй (贵尋水) – Кувасой ёнidan ўтган Исфарамсой бўлиш мумкин.

шией (Эрши 贏師), Суйчэнг (隨成), Сифа (寺伐) номли шаҳарлар мавжуд.

[Матн сўнгидаги изоҳда]: мамлакатнинг жанубида [марказдан] 500 ли (288 км) нарида, Сифа шаҳрининг жануби-ғарби йўналишда 100 ли (57.6 км) нарида бир тепалик бор экан. Тепаликка яқинлашганда унинг устида кулақ тушган катта шаҳар деворлари борлиги кўринар экан. Тепаликнинг усти қишин-ёзин эримайдиган қор билан қопланган. Унинг устига чикиб бўлмас экан. Унинг [Фарғонанинг] хукмдори ҳар йили оқ от сўйиб, курбонлик қилар экан. Ушбу шаҳар [Сифа шаҳри ёнида] Буоши номли тоғ бўлиб, унинг жанубида бир шаҳар курилган экан. Бу шаҳарнинг номи Мичжэ (Мисайца)<sup>264</sup> деб аталиб, унда бир минг хонадон бор экан».

## «ТУНГЖЯН ЖИШИ БЭНМУО» «Мухим тарихий воқеалар баёни»<sup>265</sup>

*Манба ҳақида.* Мазмунан «Тунгжян жиши бэнмуо» (通鑑紀事本末) асарини «Мухим тарихий воқеалар баёни» деб таржима қилиш тўғри бўлади. Иероглифларнинг маъносидан келиб чиққандা, асарнинг номи ўзбек тилига «Ўқиб чиқилган тарихларнинг кисқача мазмуни» деб таржима қилиниши мумкин.

Асар муаллифи Юан Шу (袁枢 –1131-1205), болалик давридаги исми Жичжунг, Жанубий Сунг (1127-1129) сулоласининг тарихчи олимларидан бири эди. У Фужян ўлкасининг Жянъан (Жяньоу) вилоятида таваллуд топган. 1173 йилда Янчжоу вилоятида хизмат қилаёттанида, профессорлик унвонига сазовор бўлган. Тарихий асарлар ичida Сима Гуанг (1019-1086) қаламига мансуб бўлган ва 1066-1084 йилларда битилган «Зичжи тунгжян» (資治通鑑 – «Хукмдорларга сабоқ берувчи воқеалар баёни»)<sup>266</sup> номли йирик асарга қўпроқ ихлос кўйиб, шу

<sup>264</sup> Мичжэ (彌遮) қадим замонда Мисайца (mieitsa) деб ўқилган.

<sup>265</sup> Юан Шу. Тунгжян жиши бэнмуо (Мухим тарихий воқеалар баёни). 8 жилдан иборат, факсимиле нашри, Шангхай, 1955.

<sup>266</sup> Илк бор Сима Гуанг ўз асарига «Тунгжжи» («Умумий баён») деб ном берган. Шунда асар 8 бобдан иборат эди. 1066 йилда уни Шимолий Сунг сулоласининг 5-хокони Йингзунг (1064-1068) кўриб чиқиб, муаллифа уни тўлдиришини буорган. Йингзунгнинг ўрнинг хокимиятга келган Шэнзунг (1068-1086) бойитилган асар билан танишганидан сўнг, уни «Зичжи тунгжян» деб номлаган. Асар хронологик тартибда ёзилган умумий

асарда баён этилган маълумотларни мавзуларга ажратиб, жамлаб чиқкан. Битилган янги асарини «Тунгжян жиши бэнмуо» деб номлаган. «Зичжи тунгжян» эса унгача сақланиб қолган хитой манбалари асосида ёзилган. Шунинг учун «Тунгжян жиши бэнмуо»даги Фарғонага оид маълумотлар ундан олдин битилган манбаларда баён этилган воқеаларнинг умумлаштирилган мажмуаси, деб айтиш мумкин. Аммо ушбу асарда муаллиф ўзидан олдин ўтган тарихчиларнинг барча ёзиги қолдирганларини тўла равишда қайд этди, деб бўлмайди, албатта.

«Тунгжян жиши бэнмуо» ёзилганидан сўнг Юан Шу Шаркий Хитойдаги Чжэжянг ўлкасининг Жянъян (Хангчжоу) вилоятига таклиф қилиниб, у ерда аввалига расмий тарих ёзишга, кейинроқ бошқа давлат ишларига жалб этилган. «Тунгжян жиши бэнмуо» расмий асар бўлсада, Юан Шу уни норасмий, эркин услубда ёзган. Шунинг учун воқеаларни баён этишда муаллифнинг анъянавий шакл ва усууллардан четта чиққанлиги якқол кўриниб туради. Бунга кўйида келтирилган таржима билан танишганда, ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Юан Шугача тарихий асарлар ўша даврга хос бўлган маълум қоидалар асосида, яъни хронологик тартибда аввал хоқонлар фаолияти ва улар билан боғлиқ бўлган воқеалар, сўнгра йирик амалдорларнинг ҳаёт йўли, Хитой атрофидаги халқлар ва мамлакатлар ҳақида тарихий маълумотларнинг баёни каби кисмларга бўлинган равишда ёзилган. XI асрда тарих битишда янгилик пайдо бўлди: айрим тарихчилар мавжуд тарихий асарларни ўрганиб чикиб, улардаги баъзи воқеаларга ва мамлакатларга оид маълумотларни умумлаштириш ва уларга шарҳ бериш асосида асарлар ёза бошладилар. Юан Шунинг «Тунгжян жиши бэнмуо» асари ана шундай янги услубда ёзилган биринчи тарихий асарлардан хисобланади.

Мазмунан ушбу асарни ёзишда муаллиф олдин битилган асарларга асосланганлиги туфайли унда «Шижи»даги Фарғонага оид маълумотлар қайд этилади. Шу билан бирга «Тунгжян жиши бэнмуо»даги бу маълумотларга киритилган айрим кисқартиришлар, аниқликлар ва муаллиф талқини сезилиб туради. Бундай ташқари, асарда «Дай-юан» («Даван») топоними

---

тарих хисобланади. Ҳажми 294 бобдан иборат бўлиб, мазмунан мил. 403-995 йилларда содир бўлган воқеаларни ўз ичига олади.

кўп ҳолда «Юан» («Ван»), Фарғона шахри «Юан-чэнг», Чжанг Чяннинг исми Чян, Фарғонага юборилган Хан кўшининг қўмандони Ли Гуанглиниг исми Риейший (Эрши) деб ишлатилган.

Асарнинг умумий ҳажми 142 бобдан иборат. У бир неча марта чоп этилган. Қўйида келтириладиган таржима асарнинг 1955 йилда Шангхайда 8 жилд ҳажмида қайта нашр этилган нусхаси асосида амалга оширилган. Асадаги Ўзбекистон тарихига оид маълумотлар илк бор таржима килинди.

### ТАРЖИМА:

«Тунгъян жиши бэнмуо (Мухим тарихий воқеалар баёни). 1-жилд. 2-боб.

/40-б./ [Фарбий] Хан [империяси]нинг<sup>267</sup> гарбий мамлакатлар (Шиной) билан алоқа ўрнатиши.

Хан [сулоласи ҳоқони] У-ди<sup>268</sup> [тахтда ўтирган вақтдаги] Юаншую (元朔 – янгиланиш) [даври]нинг<sup>269</sup> 3-йили (мил. авв. 126 й.). Илгари асирга олинган ҳұнларнинг айтишига қараганда, қадимда ғузер (рузие / юэчжи)ликлар<sup>270</sup> Дунхуанг<sup>271</sup> билан

<sup>267</sup> Фарбий Хан империяси қадимий Хитойни иккинчи марта бирлаштириш асосида ташкил топган давлат (мил.авв. 206 -мил. 8). У Аввалги Хан (Чян-Хан) деб ҳам номланган. Унинг асосчиси Лю Бан (мил.авв. 256-247) Гаоизу номи билан мил. ав. 202-195 йилларда таҳтда ўтирган. Умумлаштириб айтганда, Хан императорлари аввалги аянваннинг маъмурӣ тузумни давом эттириш ва мустаҳкамлаш ҳамда ўша давр тафаккурини ривожлантириш йўлидан боргандар. Айниска, Хитой императорлари Тангрининг ер юзидағи фарзанди, унга ҳамма итоат килиши ва бундан бош тортгандар эса жазоланиши лозим, деган гояни ўзларига дастур килиб олганлар. Уларнинг ички ва ташкии сиёсати айнан шу гояга асосланган.

<sup>268</sup> Бу ерда тилга олинаётган У-ди Фарбий Хан империясининг 6-ҳоқони, мил.авв. 140-85 йилларда таҳтда ўтирган. Юкорида кайд этилганидек, «У-ди» (武帝) сўзи жанговар император маъносини англатади. Унинг асли исми Лю Чэ, мил.авв. 156 йилда туғилган. Ҳұнларга карши курашиш ва уларга тобе бўлган ҳудудларни босиб олишини энг илғор гоя, деб билган ҳоқон хисобланади. Ўз максадига эришиш учун узокдаги ракиб билан иттифоқлашиби, яқиндагисини йўқ килиш стратегияси асосида иш тутишини маъқул кўрган. Шунинг учун у илгари ҳұнлардан енгилган ёқи улар зулмини чеккан ва ҳамон ҳұнларга карши курашиш ниятида бўлган мамлакатларга элчи юбориб, уларни умумий максад сари интилишга дайвват этган.

<sup>269</sup> Юаншую (Янгиланиш) даври мил.авв. 128-121 йилларга тўғри келади.

<sup>270</sup> Манбада замонавий талаффузда «Юэчжи» (月氏) деб ўқилган иккى иероглиф қадимда рузие, рутзие, (ru-tzie) деб талаффуз этилган. Биз таржимамизда қадимги ўқилишини ишлатдик, зоро уларни бошқа қадимий манбалардаги атамалар билан солиштириш асосида ва тўғри бўлади. Мил.авв. III асрдан оддин ушбу атами бошқа иероглифлар билан ифодаланган: ngiwozie, ngiwotzie ngiwo-chie, ngiwet-chie, ngiwe-tcie, ngo-chie или ngeu-chie, ngiwo-tcie, ngo-tcie или ngeu-tcie, rieuk-chie, «rieuk-chie», «rieuk-tcie». Хитойлар ундош товушларни, жумладан «жени», улии товуш кўшибгина талаффуз этадилар. Бундан ташкири, улар тилида «ғ» ва «ғ» товушлари йўқ. Шуни хисобга олганда, «воэчжи» атамасининг энг қадимий ёзилишлари гуз ва огуз сўзларининг хитойча транскрипциялари бўлганингини англаб олиш мумкин.

Чилян<sup>272</sup> ўрталарида давлат ташкил этиб, ўша ерда яшаганлар. Лекин улар ҳұнлар хукмдори Мовдун томонидан мағлубиятта учраган. Ушбу хукмдор рузиеліклар (юэчжилар)нинг ёши улгайиб қолган хоқонини ўлдириб, унинг бош сұягидан ичимлик ичадиган идиш килиб олган. Шундан кейин хукмдорнинг фуқаролари ҳұнлар уларни тинч күймаслигидан күркіб, узок юртларга қочиб кетишган. Буни эшигтан Хитой хоқони Улуғ Фузер хукмдорига Чжанг Чянни элчи килиб юборыша қарор қылган. Шу муносабат билан хоқон унга Лонг унвонини беріб, Лунгши [шахридан]дан йўлга чиқиши буюрган.

[Чжанг Чян] ҳұнлар заминидан ўтаётганида, уларнинг кўлига тушган ва у ерда 10 йилдан ортик ушланиб қолган. Бир куни қулай фурсатдан фойдаланиб, гарбга рузиеліклар яшаётган юрт сари кочган. Бир неча ўн кун йўл юргандан сўнг, Буюк Фарғона (Дай-юан)га этиб келган. [Айни ўша пайтда] Хан мамлакатининг бой эканлигидан хабардор бўлган фарғона-

---

XXРда уйғур тилида чоп этилган айрим китобларда «юэчжи» атамасини «явчи» деб ёзишмокда. 1930 йилда Шангхайды илж бор чоп этилган «Хитойнинг кадимги даврдан ҳозиргача бўлган ерномларининг катта лугати»да келтирилишича, Юэчжи – кадимги давлат номи. Илгари Гансу ўлкасининг гарбий худудида жойлашган. Хан даврида ҳұнлар томонидан тор-мор килинган. Шундан кейин ахолиси Амудард бўйларига кўчиб кетган», деб зикр этилган [Чжунгти гужин диминг дацидян. 157-б.]. 1986 йилда Чэнгу (Сичуан ўлкаси маркази) шахрида нашр этилган кўп жилди «Хитой тили ёзувининг катта лугати»да «Юэчжи Хан даврида гарбий юртларда мавжуд бўлган давлатнинг номи», деб кўрсатилган [Ханой дазидян. 3-жилд. 2130-б.]. Айнан шундай кўрсатма 1980 йилда Пекинда кайта нашр этилган «Сўзлар этимологияси» (Сиюан) номли энциклопедик лугатда хам келтирилган [Сиюан. 2-жилд 1472-б.]. Аммо 1979 йилда Шангхайда кайта нашр этилган «Сўзлар денгизи» (Цихай) номли энциклопедик лугатда «Юэчжи кадимги халк номидир», деб берилган [Цихай. 1496-б.].

<sup>272</sup> Буюк ипак йўллининг шарқий кисмидаги Дунхуанг шахри Хэси йўллагининг (даренгни гарб томонидаги йўлак маъносини англаратди) гарб томонидаги энг сўнгти нуқтаси хисобланади. У гиёх ўсмайдиган тоғлар билан уралган бир кумли чўл ўртасида жойлашган. Атрофдаги майдо кишлопларни кўшганда, унинг умумий ер майдони 31200 кв.кмга тенг. Шундан атиги 4,5 % кисми кўкаламзорлардан иборат. Иклими курғок, ёмғир кам ёғади. Йиллик ёғин даҳими 39,9 ммни ташкил этади. Йиллик ўртacha ҳарорат – 9,3 градус. Дунхуанг бир неча минг йиллик тарихга эга. Бундан 3 минг йил мукаддам бу ерда хитой манбаларида рунг (ривем – от минувчилар), рунг-ди (ривем-тиек – от минувчи турклар) деб аталаидиган халклар, милоддан олдинги V-III асрларда эса гузерликлар (рузие / юэчжилар) яшаган. Маълумки, юэчжилар ҳұнлар билан бўлган курашларда мағлубиятта учраб, Или водийи орқали Туркистонга кўчиб кетишган. Милоддан олдин I асрда гарбий Хан империяси ушбу жойни ҳұнлар кўлидан тортиб олган. Хитойлар ушбу номни аввалига Туенхуанг (Tuenhung), кейиникро «Дунхуанг» деб талаффуз этишган. Мазкур атамани ифода этувчи иккى иероглифнинг лугавий маъноси «катта иссик жой» демакдир. Мазмун жижитидан у «Дашт-ота» топонимига мос келади. Дунхуанг вилоятининг атрофи кўчадиган кумдан иборат бўлган. Шунинг учун 619 йилда Тант империяси бу ерни ўз таъсир остига олганнан кейин, хитойлар уни «Шатжкоу» («Кумли вилоят») деб аташган. Айрим сайёхларнинг асарларида Дунхуанг Гуачжоу («Тарвуз водийси») деб хам ёзилади. Чжасо Шэнглиянг, Чжанг Янмэй. Мо гаоку (Дунхуанг минг уйи). Пекин, 1995. 28-б.].

<sup>272</sup> Хэси йўллагининг жанубида шарқдан гарбга томон жойлашган тоз тизими.

ликлар унинг билан қандай алока боғлашни билмай турган эканлар. Улар Чжанг Чянни кўриб, ғоят хурсанд бўлганлар ва уни Кантгия мамлакатига, ундан сўнг улуғ ғузерликлар (дай-рузиелар) яшаётган жойга кузатиб қўйганлар. Шу пайтда [Улуғ] Рузие шаҳзодаси бошчилигида Бактрия (Дашия)<sup>273</sup> ни эгаллаб, ушбу мамлакат замида яшаётган эканлар. Улар истиқомат килаётган ерлар серхосил ва ўғри қарокчилардан холи экан. Лекин уларнинг ҳұнлардан қасос олиш нияти йўқ экан. [Шу боис] Чжанг Чян рузиеликлар юртида бир йилдан ортиқ туриб, улар хукмдорининг фармонини ололмай, ватанига қайтиб кетишга мажбур бўлган экан.

Қайтишда Чжанг Чян жанубий тоғлар<sup>274</sup> ва кианг (чиянг)лар замини<sup>275</sup> орқали кетмоқчи бўлган эди. Лекин у яна ҳұнлар қўлига тушиб қолган. Орадан бир йил ўтганидан сўнг, ҳұнлар [диёри]да тўполон бошланган. Фурсатдан фойдаланиб, Чжанг Чян Тангий авлодига мансуб бўлган (堂邑氏) Ганфу (甘父) исемли кул билан бирга қочиб кетишга муяссар бўлган. [Хан] императори [Чжанг] Чянга хурмат билдириб, унга тайжунтдафу<sup>276</sup> унвонини тақдим этган. Ганфу эса шижюн<sup>277</sup> унвонига сазовор бўлди. Дастреб сафарга отланганида, [Чжанг] Чянга юздан ортиқ киши ҳамроҳлик қилган. 13 йилдан кейин у атиги икки киши билан қайтиб келган эди.

Юаншоу<sup>278</sup> даврининг биринчи йили (мил. авв. 122 й.).

Чжанг Чян қайтиб келганидан сўнг, гарбий мамлакат-лардаги урф-одатлар ҳақида Тангри ўғли (Тянзи)га батафсил сўзлаб берди:

<sup>273</sup> Хитой адабиёти ва лутфларида Дася давлати Амударёнинг жанубидан Ҳиндукуш тогларининг шимолигача бўлган заминда жойлашган давлат, унинг номи илк бор Симо Чян қаламига мансуб «Шижю» (Тарихий хотиралар) номли асарининг Фарғонага бағишиланган бобида учрайди, деб кўрсатилиди.

<sup>274</sup> Жанубий тоғлар деб Помир ва Кўйилун (Кунгурун) тоғлари кўзда тутилган.

<sup>275</sup> Ҳун империяси даврида кианг («чянг»)лар унга итоат қилган. Шунинг учун Чжанг Чян давридаги «чинглар замини» деганида, Такламакон чўли атрофидаги ерлар кўдла тутилади. Эҳтимол, Хитой элчиси бу жойларда ҳұнлар тасъири ожиз бўлса керак, шундан фойдаланиб, Такламакон чўлининг жанубидан ўтадиган карvon йўли оркали ватанинга тўсиксиз қайтиб кетаман, деб ўйлаган. Аммо амалда воеа у ўйлагандек бўлмаган [Чжунгтую дабайқэ чоанши. Чжунгтую лиши (Хитойнинг катта энциклопедияси. Хитой тарихи. Пекин, 1997. 499-б].

<sup>276</sup> Тайчунгтадафу (太中大夫) – маслаҳатчилар бошлиги.

<sup>277</sup> Шижюн (使君) – хокон элчиси демакдир.

<sup>278</sup> Гарбий Хан империяси (мил.авв. 220-мил. 8 йиллар) даврида хоконларнинг тахтда ўтирган даври бир канча кисмларга бўлинган ва уларнинг ҳар бирига ном берилган. Юаншоу (元狩) – Гарбий Хан императори ҳокимиятининг мил.авв. 122-115 йиллардаги даврининг номи бўлиб, у «йил бошидаги ов мавсуми» маъносини англатади. Шундан маълумки, Юаншоунинг биринчи йили мил.авв. 122 йилга тўғри келади.

«Буюк Фаргона (Дай-юан) Хан мамлакатининг қоқ гарб томонида 10 минг ли (5760 км) чамасидаги масофада жойлашган. У ерда яшайдиганлар экин экиш билан шуғулланишади, тулпор отлар бенихоя кўп. Бу отлардан қонсимон тер оқади. Шаҳарлар деворлар билан ўралган, уйлар хитойдаги уйларга ўхшайди. Фаргонанинг шимолида Асуэн (Усун), шарқида Хўтган (Фивадян / Ютияни) жойлашган. Хўтганинг гарб томонидаги дарёлар гарбга караб оқиб, Фарбий денгиз (Шихай – Орол денгизи)га куйилади, унинг [Хўтганинг] шарқий томонидаги дарёлар эса шарққа караб оқиб, Шўрсув кўли (Лобнор)га куйилади. Шўрсув кўлининг суви эса ерга сингиб туради. Унинг [Хўтганинг] жанубдаги дарёлар ҳам шу кўлга боради. Шўрсув кўли [Хитойнинг пойтахти] Чангъандан 5 минг ли (2880 км) нарида бўлиб, ҳунларнинг ўнг (жанубий) томон худуди хисобланади. Ушбу худуднинг шарқий томони Гансунинг гарб томонидаги Буюк деворигача (Чангчэнг 长城)<sup>279</sup>, жанубда /41/ эса кианг (чянг)лар юртигача<sup>280</sup> етиб боради. Шу сабабдан ҳунлар Ханнинг [гарб томонга ўтадиган] йўлини тўсив туради.

Асуэн (Усун), Кангкия (Қангжой), Яамтсат (Янцай) ва Улуғ Фузер (Дай-рузие / Да-юэчжи) чорвачилик билан шуғулланадиган давлатлардир. Уларнинг урф-одатлари ҳунлардан фарқ килмайди.

Бактрия (Дашия) Фаргонанинг жанубида жойлашган бўлиб, бу ердагилар фаргоналиклар билан бир хил урф-одатларга риоя килишади. Мен [Чжанг Чян] Бақтрия (Дайғиа / Дашия)да бўлганимда, Сичуан қамишидан (хитой қамиши) қилинган ҳасса таёқ ва ипакдан тўқилган матоларни кўрдим. «Буларни каердан олиб келдинглар?», деб сўрадим. Бақтрия (Дайғиа / Дашия)ликлар: «Бизнинг савдо гарларимиз Ҳиндистон (Шэнгду)дан олиб келишган», деб жавоб беришди. Ҳиндистон Бақтрия (Дайғиа / Дашия)дан бир неча минг ли нарида жойлашган. У ердагилар бақтрияликларга ўхшаб, экин экиш билан шуғулланишар экан.

<sup>279</sup> Сузма-сўз таржимада «Чангчэн» атамаси узун девор маъносини англатади.

<sup>280</sup> Милоддан аввали II асрда Чжанг Чян Фаргонага бориб келган давларда кянглар асосан хозирги Хитой Халқ Республикасининг Кўккўл (Чингхай 青海, ушбу хитойча ном Кўккўл топонимининг таржимасидир, у ердаги кагта кўл Чингхайху 青海湖 деб аталади) ўлкаси ва Тибетнинг шимолий кисмида, Хуангхэ дарёсининг юкори кисми атрофида яшаганлар [Чжунгтуо шигао диту жи (Хитойнинг тарихий хариталар тўплами). 2 жилдан иборат. 1-жилд, 4-нашр, Шангхай, 1996. 19-20, 29-30-с.].

Бактрия (Дайгия / Дашия) Хан [давлати]дан 12 минг ли (6912 км) нарида жойлашган, у Ханнинг жануби-гарбига түгри келади. Ҳиндистон эса Бактрия (Дайгия / Дашия)дан бир неча минг ли (576 км) жануби-шарқда жойлашган. У ерда ипакдан қилинган матолар бор экан. Уларни олиб келиш учун йўл узоклик қилмас экан.

Бактрия (Дайгия / Дашия)га борадиган элчилар кианг (чянг)-лар замини орқали (Тибетдан)дан ўтиб бориши мумкин, аммо кианг (чянг)лар уларни ўтказмайди. Бироз шимол томонга қараб юрилса, ҳуналар қўлига тушиб қолади. Ҳуналарга тобе ерларда осоишиштилик ва тинчлик ҳукмрон, кароқчилар йўқ».

Бу гаплардан Тангри ўғли Фарғона, Бактрия (Дайгия / Дашия) ва Парфия (Ансиек / Анши 安息) катта давлатлар эканлигини, уларда ажойиб маҳаллий моллар кўплигини, Хитойдагидек ҳунармандчилик борлигини, аммо уларнинг кўшинлари кучсизлигини, у мамлакатларда хитой молларини яхши кўришларини, уларнинг шимолидаги ерлар Улут Фузер (Дай-рузие / Да-юэчжи) ва Кантгияга қарашилигини билиб олди. Шунда у [бу давлатлар]нинг кўшинларидан фойдаланишимиз мумкин, Чжанг Чян айтган бундай бепоён заминни қўлга киритсан, бизнинг шон-шуҳратимиз ва кувватимиз ошади, тўрт дентиз оралиги [дунёда]да буюк бўлиб кетамиз, деб йўлаб қолди.

Юан-динг<sup>281</sup> [даври]нинг 2-йили (мил. авв. 115 й.) Куншархан (Фуэн-нга-ванг / Хунъя-ванг)<sup>282</sup> Ханга таслим бўлди. Хан кўшинлари ҳуналарни кумликнинг<sup>283</sup> шимолига улоқтириб юбориши. Лобнор кўлининг шарқий томони ҳуналардан бўшатилиб, гарбий мамлакатларга йўл очилди. Шундан кейин Чжанг Чян [Удига] таклиф билан мурожаат этди:

«Асуэн (Усун)нинг ҳукмдори Кунмак (Кунмуо) аслида ҳуналарга итоат этар эди. Бироз кучайгандан сўнг у ҳуналар хоконига бўйсинишдан бош тортган. Шундан кейин ҳуналар унга ҳужум қилдилар, лекин бирорта ижобий натижага эриша олмадилар. Ҳозир ханлар ҳуналар хоқонини қийин вазиятта тушириб

<sup>281</sup> Юандинг (元鼎 – «буюкликнинг бошланиши» маъносини билдиради) – У-ди (武帝) таҳтда ўтирган даврининг бир бўлагига берилган ном. У мил.авв. 116-111 йилларга тўғри келади. Шундан келиб чиқиб, Юандингнинг 2-йили мил.авв. 115 йил эканлигини билб олини мумкин.

<sup>282</sup> Куншар-кан – Тангритогнинг шарқий кисмida яшовчи ҳуналарнинг ҳокими, хитой манбаларида Хунъя-ванг деб аталади [Тарихий хотиралар. Уйғурча таржима. Урумчи, 1989, 424-425-б].

<sup>283</sup> Хэши йўлагининг (Хэси цзоулант) шимолидаги кумли чўл кўзда тутилган.

күйгән. Ҳұнларнинг қадимги Гуэнинга (Хунъя) вилояти бүшаб, одамсиз қолди. Ёввойилар қадимги ватанларини күмсайдилар ва ханликларнинг молларини яхши күрадилар. Ҳозирги вазиятда асуэнларга катта совғалар юбориб, уларни шарққа күчиш ва Ҳунъя вилоятини згаллаш, Кунмак (Кунмуо)нинг укасига ханлар билан қариндош бўлишни таклиф этсан ва улар бу [таклиф]ларни қабул қиласа, ҳұнларнинг ўнг кўлини чопиб ташлаган бўлар эдик. Шу билан бирга асуэнларнинг ғарб томонидаги Бактрия (Дайғиа / Дашия)ни ва унинг таъсири остидагиларни итоат қилдириш имкониятига ҳам эга бўламиз».

Тангри ўғли [У-ди] мазкур таклифга биноан иш кўришни маъкул топиб, Чжанг Чянга сарой соқчилари бошлиғи (чжунгланг жиянг)<sup>284</sup> узвонини инъом этди. Сўнгра унга 300 киши, ҳар бир киши бошига иккитадан от, сон-саноқсиз қора мол ва кўй, бир неча минг тилло пул ва ипак матолар берди. Унга ҳамроҳлик киладиган ёрдамчиларни тайинлаб, САфарга жўнатди ва қулай йўлни танлаб юришни буюрди.

Чжанг Чян Асуэн (Усун)га келганида, маҳаллий ҳукмдор Кунмак (Кунмуо) у билан учрашиб, ўзининг [учрашувдан] ғоят хурсанд эканлигини айтди. Шунда Чжанг Чян унга фармонни кўрсатиб, «асуэн (усун)лар ўзларнинг шарқдаги қадимги жойларига кўчиб боришлири мумкин. Агар [асуэнлар у ерга] кўчиб борсалар, Хан маликаси сизга хотинликка берилади, биз ака-укалар бўлиб коламиз, биргаликда ҳұнларга қарши курашамиз, шунда ҳұнлар тор-мор бўлиши муқаррар», деб айтди.

Асуэн (Усун) [хони] ўз юртининг Хандан узоқдалиги, Ханнинг қандай давлат эканлигидан бехабарлиги, ўзининг кўпдан бери ҳұнлар итоатида бўлиб келаётганлиги, ҳұнларнинг яқинлиги, Асуэн (Усун) амалдорларининг ҳұнлардан кўркиши каби бир қатор омилларни инобатта олиб, [асуэнларнинг] шарққа кўчиб бориш таклифини маъкул топмади.

Шундан кейин Чжанг Чян Асуэн (Усун) ҳукмдоридан фармон кутиби, [мазкур мамлакатда] узоқ туриб қолишга мажбур бўлди. Ўзининг ёрдамчиларини у Фарғона, Кангкия, Улуғ Фузер (Дай-рузие), Бактрия (Дайғиа / Дашия), Парфия (Анши), Ҳиндистон, Хўтан ва улар атрофидаги давлатларга юборди.

<sup>284</sup> Чжунгланг жиянг (zhong-lang-jiang 中 郎 將 ) – вазирлик даражасидаги давлат идораларини химоя қилувчи соқчилар бошлиғи маъносини англатади [Чжунгтуо лидай гуанчжи цидян. 186-б.].

Чжанг Чяннинг ўзини эса асуэн (усун)лар ўз ватанига кузатиб қўйишиди. [Кунмак (Кунмуу)] миннатдорчилик изхор этиш ва Хан давлатининг катта-кичилгигини билиш учун бир неча кишини етарли отлар билан таъминлаб, унинг билан бирга сафарга жўнатди. Шу йили Чжанг Чян ўз юртига қайтиб борди. У катта хурмат ва иззат билан кутиб олинди.

Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин Чжанг Чяннинг Бақтрия (Дайғия / Дашия)га ва унинг атрофидағи юргларга юборган одамлари ҳам уларнинг элчилари ҳамроҳлигига қайтиб келишиди. Натижада Хан билан гарбий мамлакатлар ўртасидаги алоқалар йўлга қўйилди.

Шунда маълум бўлдики, Гарбий мамлакатлар (Шиой)да жами 36 давлат мавжуд бўлган. Улар заминида жанубдан шимолга қараб чўзилган буюк бир тоғ бор, унинг қоқ ўртасидан бир дарё оқиб ўтади. Ушбу мамлакатлар худуди шарқдан гарбгача 6 минг ли (3456 км), жанубдан шимолгача /42/ бир минг ли (576 км)дан ортиқ келади. Ушбу заминнинг шарқий чегараси Хан (мамлакати)нинг Юймэн<sup>285</sup> ва Янггуан<sup>286</sup> каби жойлари билан туташ бўлса, гарбий чегараси Помир (Цунглинг 葱嶺) тоғлари билан ўралган.

У ердаги дарёнинг икки тармоғидан бири Помир тоғлари

<sup>285</sup> Юймэн – Юймэн-гуан деб ҳам номланади. Бу атама ҳакида батафсил изоҳ 144-иловада берилган.

<sup>286</sup> Янггуан – қадимий Хитойнинг гарбий чегараларидан бири. Дунгхуанг шаҳридан 70 км наридаги Гудунгтан (қадимий ёдгорликлар майдони маъносини билдиради) номли тепаликда жойлашган. Қадим замонда у тепаликда Шоучанчэнг деб аталадиган калья мавжуд бўли, унинг шарқ томонида экинзор ва боғлар бўлган. Калья деворининг бир бўлғи ҳозиргача сақланниб қолган. Гудунгтаңда ёғин ва шамоллар натижасида очилган казилмалардан археологлар томонидан топилган мисдан ясалган ўқ-ёй уни, танглар, сопол идиш синилклари, нефрит тошидан килинган кўл тегирмони каби тарихий ёдгорликлар Янггуанинг 2 минг йилдан ортиқ тарихга эга эканлигидан далолат беради. Айрим хитой манбаларida ёзилишича, Янггуан мил.авв. II асрда Гарбий Хан давлати Дунхуанг вилоятини эгаллаб олганидан сўнг барпо этилган бўлиб, ўша замонда бу ердан сизиб чиқсан булоқдан хосил бўлган арик мавжуд бўлган [Чжуңгтуо мингшэнг цидян. 1071-б.]

«Янггуан» атамасининг лугавий маъноси «жанубий чегара дарвозасини» (коровулхонаси дейини ҳам мумкин) англатади. Қадим замонларда Хитойдан гарб томонга қайтиб кетаётган элчиларни, обрули меҳмонлар ва олий зотларни шу жойгача кузатиб кўйиш одати бўлган. Зеро бу меҳмонни уйдан кўча эшигигача кузатиб кўйишдек илтифотни англатган. Марказий Осиёдан Хитойга борувчилар мана шу жода текширувдан ўтган, мактуб ва бошқа ҳужжатларини хитой тилига таржима килиб, расмийлаштиришган ва зарур соликларни тўлаб, ундан ўтишига ижозат кутишган.

«Хитойдаги атоқли тарихий ёдгорликлар» номли китобда «Янггуан Хитойни чет эл мамлакатлари билан болгаб турадиган катта йўлидаги йўлакларид, у Кадимий ипак йўлининг муҳим бир нуктаси бўлиб, ушбу йўл орқали сафарга отланғандар учун ўтиш мукаррар бўлган жойдир», деб ёзилганлигини учратишмиз мумкин [Чжуңгтуо мингшэнг цидян. 1071-б.].

орасидан, иккинчиси Хўтан (Фивадян / Юйтан)дан бошланиди. Дарё шарққа караб оқиб, Юймэн ва Янггуандан 300 ли (172.8 км) масофада жойлашган Шўркўл (Лобнор кўли)га куйилади.

Юймэн ва Янггуандан ғарбий мамлакатларга борадиган икки йўл бор. Уларнинг бири Пишамшан (Шаншан 鄯善)дан Жанубий тоғ (Нан-шан)<sup>287</sup> ва дарёнинг<sup>288</sup> шимолий кирғоқлари бўйлаб ғарбга, яъни Ёркенд (Шачэ)га караб кетади ва жанубий йўл деб аталади. У Помирдан ўтиб, Улуг Ғузер ва Парфия каби мамлакатларга боради.

Кадими Турфон (Чян Чэши)нинг хукмдор ўрдаси оркали Шимолий тоғ (Бэйшан) бўйлаб дарё оқимига қарши юрадиган ва Қашкарга борадиган иккинчи йўл шимолий йўл деб аталади. У Фаргона, Кангкия, Яамтсат (Янцай) каби мамлакатларга олиб боради.

Мазкур мамлакатларнинг ҳаммаси ҳуналарга тобе бўлган. Ҳуналарнинг ғарб томонидаги хукмдорлар ҳам шулар қаторида бўлганлар.

[Хан императори томонидан] Ғарбий мамлакатлар устидан назорат килиш учун бир нафар ҳарбий амалдор (дувэй) тайинланган бўлиб, у асосан Қарашар (Янци), Вэйшу, Юйли каби жойларда туриб, барча давлатлардан солик йигиши ва бойлик ортириш билан шуғулланар эди.

Асуэн (Усун) хукмдори шарққа кўчиб боришни маъкул топмаганидан сўнг, Хан сулоласи [қадимда асуэнлар яшаган] Хунъё [вилояти] ҳокими турган жойда Жючюан нохиясини ташкил қилиб, у ерга аста-секин ерсизларни жойлаштириди. Кейинчалик ҳуналар билан чиянг (тибетлик)лар ўртасидаги алоқани узиб ташлаш мақсадида мазкур нохиянинг бир қисми асосида Увэйномли иккинчи бир нохияни ташкил этди.

Тангри ўғли (У-ди) Фарғонадан олиб келинган баданидан қонсимон тер чиқадиган отни кўриб, унга ниҳоятда ишшибоз бўлиб колди ва унга Тангри оти (тиянмо) деб ном кўйди. Сўнг яна шундай отлар келтириш учун [Фарғонага] элчилар юборди. Уларга кўпи билан бир неча юз, камида юздан ортиқ

<sup>287</sup> Нан-шан (南山) Кўнилун (Кунлун) тогининг шарққа караб кетган қисмининг хитойча номидир.

<sup>288</sup> Бу ерда тилга олинган дарё Керия дарёси. Унинг хитойча номи – Чемуоҳз (且末河). У Жанубий тогдан бошланиб, Такламакон чўлининг шарқий кирғоқлари оркали шимоли-шарқ сари оқиб бориб, Лобнор кўли (Шўркўл)га куйилади.

кишини ҳамроҳ қилиб, совғалар билан йўлга чиқарди. Ундан ташқари, элчиларнинг айримларига буванг-хау<sup>289</sup> унвонини инъом килди.

Шундан кейин [мамлакатларга] элчилар юбориб туриш одат тусига кирди. Ҳар йили кўпи билан ўн, камида 5-6 марта [турли хонликларга] элчилар жўнатилди. Узок юртларга юборилганлар 8-9 йилда, яқин мамлакатларга жўнатилганлар бир неча йилда қайтиб келишиди.

[Юандининг] 6-йили (мил. авв. 111 й.) буованг-хау [Чжанг Чян] ва гарбий мамлакатга бориб келган бошқа элчилар, зодагонлар, ҳарбийлар [Хан императорига] ёзма ахборот бериб, хорижий мамлакатлар куч-кувватлари ва улардаги ноёб нарсалар ҳакида маълумот олиб келиш учун яна элчилар юборишни сўрадилар.

Тангри ўғли мазкур мамлакатларга борадиган йўлларнинг узоклигини, одамларнинг ўз ихтиёри билан бундай узок сафарга чиқишини хоҳламаслигини ҳисобга олмай, бу таклифни маъкуллаган ва уни бажариш учун амалдор ва фуқароларни сафарбар этишини буюрган эди. [Элчига] ҳамроҳ бўлиб бориб келадиганлар билан сұхбатлашиш ва ҳол-аҳволини сўраб-сурishiшини ҳам истамай, сафарга одам юбориш учун тайёргарлик кўришни буюрган. Борадиган ва қайтиб келадиган йўлларнинг кулайлаштириш ва хавфсизлантириш, қароқчилардан мол-мулкни асраш чоратадбирларини амалга ошириш ҳакида фармон бермаган эди. [Шунга қарамай], Тангри ўғли уни [Чжанг Чянни] оғир жиноят килганликда айблади ва ўз жиноятини оқлашга имкон бериб, қайтадан элчи этиб [гарбга] юборишни лозим топди.

[Аслида элчи] бойлик кўрмаган ва қонун-қоидани билмайдиган одам эмас эди. [Лекин унга ҳамроҳлик килган] майда амалдорлар ва жангчилар ўзбошимчилик қилиб, хориж давлатлардаги нарсаларга ўзларини уришди. Улуғ зотлар шон-шарафга, очкўзлар бойлика, безорилар уруш-жанжалга интилади, деган нақл бор. Элчи қилиб юборилганлар камбағалларнинг фарзандлари бўлганлиги туфайли улар совға-саломларга ўчлик килган, бозорларда ўзларининг шахсий маффаатини кўзлаб иш тутган. Хориж давлатлар эса Хан элчиларини хурмат қилмай кўйган, [маҳаллий] одамларда турли тушунчалар пайдо бўлган. [Улар] Хан

<sup>289</sup> Саройдаги билимдан ҳокимлар маъносини англатади. Ушбу унвонни сарой маслаҳатчилари деб таржима килиш ҳам като бўлмайди.

күшинлари узокдан етиб кела олмайди, деб [элчиларга ва уларнинг хамроҳларига] егулик бермаганлар. Натижада Хан элчилари қийин ахволга тушиб қолишган. Бунинг устига улар хужумга ҳам дуч келишган. [Бу ҳол] уларнинг келишини тўхтатиб кўйишга олиб келган.

Боз устига, Крурон (Лоулан 樓蘭) ва Турфон (Чэши 車師) каби кичик давлатларнинг Хан элчиси Ванг Хуэй (王恢) каби-ларга катта йўлни тўсиб хужум қилиши ундан ҳам ошиб тушган, ҳунлар эса кўшин юбориб, уларни қўллаб-кувватлашган.

Элчилар гарбий мамлакатларда деворлар билан ўралган шаҳарлар ва шаҳарчалар борлиги, кўшинларининг қувватсиз-лиги ва уларга карши хужум уюштириш осонлиги хақида сўзлаб берган эдилар. Шунга асосан Тангри ўғли тайинлаган Фужю кўмондони (Фужю жянгжон) <sup>290</sup> Гунг Сунхэни 5 минг чавандоз билан Жююандан <sup>291</sup> йўлга чиқарди. [У шу жойдан] 2 минг ли (1152 км) наридаги Фужю [деб аталаидиган] қудуккача бориб, қайтиб келди. Шюнгхэ кўмондони (Шюнгхэ жянгжон) <sup>292</sup> Чжао Пуону 10 мингдан ортиқ чавандозни бошлаб, Лингкяи (Лингжюй 令居)дан <sup>293</sup> йўлга чикиб, бир неча минг ли (576 км) наридаги Шюнгхэ дарёси бўйига бориб, қайтиб келди. [Улар] Хан элчиларини ҳимоя қилиш учун эмас, балки ҳунларни чекинишга мажбур этиш учун сафарга юборилган эди. Лекин сафар жараённида бирорта ҳам хунни учратишмади. Шундан кейин Увэй, Жючюан деган жойларни Жангъе ва Дунхуанг вилоятлари заминига кўшиб олишди, маҳаллий ҳалк бундан хабардор этилди <sup>294</sup>.

<sup>290</sup> Фужю (浮沮) – Жанубий Монголиядаги бир жойнинг хитойча номи. Юкорида айтиб ўтилганидек, кадимий Хитой анъясига кўра, биронта жойга кўшин бошлиғи килиб юбориладиган юкори увонли зобитга шу жойнинг номига жянгжон (將軍 кўмондон) сўзини кўшиб, янги лавозим сифатида инъом этилган. Ушбу мисолда жянгжон сўзи олдига Фужю кўшилганлигининг сабаби мазкур лавозимга тайинланган шахс Фужю деб аталаидиган жойга бориши керак бўлган. Шунинг учун уни Фужю кўмондони деб таржима килдик.

<sup>291</sup> Жюоан (九原) – хозирги XXР таркибидаги Ички Монголиянинг Баотоу шахри ёнидаги жой номи [Цихай. 64-б.]

<sup>292</sup> Шюнгхэ жянгжон (匈奴將軍) – ушбу лавозимдаги Шюнгхэ дарёси Шюнгнухэ (匈奴河) деб хам аталади, у Селинга дарёсининг юкори ирмокларининг жанубидаги кичик дарёнинг хитойча номи.

<sup>293</sup> Лингжюй (令居, Лянжюй деб ҳам ўқилади) – хозирги XXRнинг Гансу ўлкасидағи марказий шахар бўлмиш Ланчжоунинг шимол томони ёки Юнгдэнг шахри ёнидаги жой номи [Цихай. 313-б.]

<sup>294</sup> Увэй, Жючюан, Жангъе вилоятлари Хэши йўлагида жойлашган.

/43/ Юанфэнг (元封) <sup>295</sup> нинг 3-йили (мил. авв. 108 й.) 12-ойида харбий күмөндөн Чжао Пуону (趙破奴) 700 нафар тезчопар чавандозлар билан биринчи навбатда Крурон (Лоулан) давлати хукмдорни ҳибсга олди. Кейин Турфон (Чэши) давлатини мағлубиятта учратди, Асуэн (Усун) ва Фаргона давлатига таҳдид солди. [Милоддан аввалги 107 иили] биринчи ойнинг 21 (жияшэн 甲申) кунида амалга оширган хизмати учун [Чжао] Пуону чжую-ье-хоу (浞野侯) [олис чўл юрт ҳокими] унвони, Чжао Пуонуга Крурон (Лоулан)га ҳужум қилишда ёрдамлашган Ванг Хуэйга жие-хоу (jiye-hou 洁侯) унвони берилди. Шундан кейин Жючюандан Юймэнгача бўлган жойлар бизнинг таъсиришимиз доирасига ўтди.

[Юанфэнгнинг] 6-йили (мил. авв. 109 й.) Асуэн (Усун) элчиси [Хитойга] келиб, Хан давлатининг накадар катта эканлигига гувоҳ бўлди. [Ватанига] қайтиб бориб, хукмдорига бу ҳақда маълумот берди. Натижада [асуэн (усун)лар] хукмдори Ханга катта эътибор бера бошлади. Ҳўнлар асуэн (усун)ларнинг Хан билан алоқа ўрнатганини эшишиб, каттиқ хафа бўлди ва уларга қарши ҳужум қилмоқчи бўлди. Бундан ташқари, уларнинг ёнидаги Фаргона (Дай-юан) ва Фузер (Рузие / Юэчжи) [давлатлари] ҳам Хан билан яқин алоқалар ўрнатди. Асуэн (усун)лар [хукмдори] Кунмак (Кунмуо) бундан қаттиқ ташвишланиб, Хан маликаларидан бирини хотинликка олиб, [Хан сулоласи билан] кудалашмоқчи бўлди. Шу мақсадда у [Хитойга] элчи юборди. Тангри ўғли сарой амалдорлари билан маслаҳатлашиб, розилик беришни маъкул топди. Шундан кейин Хан маликаси учун асуэн (усун)лар [Хитой ҳоқонига] мингта от юбориши.

Хан [давлати Анхуэй ўлқасидаги] Жянгду (江都) [вилояти ҳокими] Ванг Жяннинг кизи Шижюон (细君)ни сарой маликаси сифатида катта сарполар ва хизматкорлар билан асуэн (усун)ларга келинликка юборди. Асуэн (Усун) подшоси Кунмак (Кунмуо) уни [хитой маликасини] ўнг томон бекаси [иккинчи хотин] қилиб тайинлади. [Бундан олдинроқ] ҳўнлар ҳам унга хотинликка киз беришган эди. Кунмак (Кунмуо) у хун кизини чап

<sup>295</sup> Юанфэнг – мил.авв. 110-105 йиллардан иборат бўлган беш йиллик даврнинг номи. У бошлангич, бошланиш ва бекитиш, мустаҳкамлаш маъноларини англатадиган иккى сўздан иборат. Ушбу даврда Хан императори давлат ҳудудини кенгтайтириш ишларига катта эътибор берган эди. Шунинг учун Юанфэнг атамасини босиб олинган жойларда Хан империясининг назоратини мустаҳкамлаш ишларининг бошланиши, деб таржима қилиш мумкин.

томон бекаси [биринчи хотин] қилиб белгилаган эди<sup>296</sup>.

Бир йил давомида [хитой маликаси] алохида курилган бир саройда яшади. Шундан кейин у Кунмак (Кунмуо) билан учрашиб, меҳмондорчилик ва зиёфатларда қатнашадиган бўлди. Подшоҳ атрофидаги ҳокимлар ҳам унга пул ва қимматбаҳо совғалар тақдим эта бошладилар. Ўша вактда Кунмак (Кунмуо) катта ёшда эди. Унинг устига у [хитой] тилини билмаганлиги туфайли [хитой маликаси билан] гаплаша олмас эди. [Хитой] маликаси зерикканидан ватанини қаттиқ кўмсаб, юртига қайтиш истагини билдириди. Бундан хабардор бўлган Хитой хоқони маликага ачиниб, бир йил ўтгандан сўнг Кунмак (Кунмуо) ҳузурига элчи юбориб, унга ипақдан тўқилган ва гуллар солинган матолар, ипак матодан тикилган чодир совға қилди.

Кунмак (Кунмуо) эса қариб қолганини инобатга олиб, хитой маликасини набираси Чинчойга хотин қилиб бермоқчи бўлди. Лекин малика бунга розилик бермади. [Кунмак (Кунмуо) хитой хоқонига] мактуб йўллаб, ўзининг бу ниятини хабар қилди. Шундан кейин Тангри ўғли [Хитой хоқони] мамлакатда мавжуд урф-одатларга кўра иш тутилсин, деб фармон берди. Чунки хоқон асуэн (усун)лар билан қудачилик муносабатини ўрнатиб, улар билан бирга ҳуналарни йўқотмоқчи эди. Шундан кейин Чинчой хитой маликасига уйланди.

Кунмак (Кунмуо) оламдан ўтганидан сўнг, Чинчой унинг ўрнига тахтга ўтириди ва шундан кейин у ҳам Кунмак (Кунмуо) деб атaldi. Ўша пайтда [Хитой хоқонининг] элчилари Помир тоғларидан ўтиб, Парфия давлатига етиб борган эди. Парфия ҳукмдори [Хитойга] элчи юбориб, Хан [ҳукмдори]га бениҳоят катта куш тухуми билан қора танли қизиқчини совға сифатида ҳадя қилди. Турфон (Чеши), Ханшин, Сушие каби давлатларга тобе бўлган кичик хонликлар ҳам Хан элчилари билан бирга Тангри ўғли даргохини зиёрат қилиш учун келдилар. Тангри ўғли бундан ғоят ҳурсанд бўлди.

Фарбий давлатлар (Шиий)дан бирин-кетин элчилар келиб-

<sup>296</sup> Ушбу маълумотдан кўришиб турбидки, Хан сулоласи Кунмакни кўёв қилиб олиш йўли билан уни ўзининг иттифоқдошига айлантирмоқчи бўлган. Шунинг билан бирга Хитой императори унинг мавкенин ўзининг кўл остидаги бир ҳоким мавқеига тенглаштирган. Шу боис у Кунмакка ўзининг кизларидан бирини эмас, балки амалдорлардан бирининг кизини юборган. Асуэн (Усун) ҳукмдори эса юборилган хитой кизини иккинчи хотин қилиб олиш билан ҳуналар ҳукмдори наслига тегиши хотинидан паст кўйган. Демак, Кунмак Хан сулоласининг ҳийласидан хабардор бўлган.

кетиб турди. Тангри ўғли овга чикканида ёки мамлакат бўйлаб сафарга отланганида, ҳамма жойда чет эллардан келган меҳмонларга дуч келадиган бўлди. Пойтахтда ҳам хорижликларни тез-тез учратиш мумкин эди. Хан давлатининг буюклигини билдириш мақсадида меҳмонларга қимматбаҳо совғалар инъом қилинар, одамни ҳайратда қолдирадиган нарсалар ва театрларда томошалар кўрсатилар, ароклар ва гўштли таомлар билан тўлдирилган дастурхонлар ёзил, меҳмон қилинар эди. Чет элдан келган меҳмонларга ҳазинада тўпланиб ётган бойликлар ҳам кўрсатилар эди. Натижада меҳмонларда Хан давлатининг кудратли ва буюклиги ҳақида ишонч пайдо бўлиш билан бирга ундан қўрқиши ҳисси ҳам туғиларди.

Фарғона атрофида узум кўп ўстирилиб, ундан ароқ қилинар экан. Тулпор отларнинг емиши – беда ҳам ўсар экан. Бу ҳақдаги маълумотларни [Фарғонага] бориб келган элчилардан эшигтан Тангри ўғлида бу нарсаларга эришиш иштиёқи туғилган эди. Аммо ҳуналар юртига якин бўлғанлиги сабабли [Хитойнинг] ғарб томонидаги мамлакатлар ҳукмдорлари эҳтиёткорлик килиб, Хитойга ўз элчиларини хун элчиларига кўшиб юборишар эди. Шу боис ғарбий мамлакатлар элчилари билан бевосита сухбатлашишнинг иложи йўқ эди.

Тайчу (太初) даврининг<sup>297</sup> биринчи йили (104 й.) ғарбий ўлкаларга бориб келган Хитой элчилари Фарғона (Юан 宛)да<sup>298</sup> ҳақиқатдан ҳам тулпор отлар борлиги, лекин улар Риейший (Эрши) шаҳрида эканлиги ва Хан элчиларидан яшириб кўйилганлиги ҳақида сўзлаб бердилар. Шундан кейин Тангри ўғли [У-ди] мингта тилло куймаси ва битта олтиндан ясалган от ҳайкалчаси билан Чэ Линг (車令) исмли бир пахлавон бошчилигида [Фарғонага] элчилар юбориб, уларга ушбу совғалар эвазига тулпор отлар олиб келишини буорди.

Фарғона (Юан) ҳукмдори сарой амалдорлари билан маслаҳатлашиб олганидан сўнг, Хан давлатидан келганларга айтди: «Хан биздан ниҳоятда узокда, ханликлар Шўркўл (Лобнор)дан нарига ўта олмайдилар, шимол орқали юрсалар, хун қароқчиларига дуч келадилар, жанубдан юрсалар, сувсиз ва озиқ-овқатсиз қоладилар, унинг устига йўлда шаҳарлар кам, /44/

<sup>297</sup> Юкорида айтиб ўтилганидек, «Тайчу» юксалишининг дастлабки даври маъносини билдиради, у мил.авв. 104-101 йилларнинг номидир.

<sup>298</sup> Шу ердан бошлаб, Дай-юан топоними кискартирилган ҳолда Юан деб ишлатилиган.

овқат етишмайды. Хан элчилари бир неча юз киши бўлиб келгудек бўлса, очарчиликка дуч келиб, кўпчилиги нобуд бўлади. Бундай вазиятда [Ханинг] кўп сонли қўшинлари қандай қилиб бизга етиб келиши ва бизга нима аломат кўрсата олиши мумкин?. Қолаверса, Риейший (Эрши)нинг отлари Фарғонанинг (Юан) бебаҳо отларидир».

Шундай қилиб, [Фарғона ҳукмдори] Хан элчилари таклифига рад жавоб берди. Хан элчиси бундан қаттиқ хафа бўлиб, сўқинди ва олтиндан ясалган от ҳайкалчасини иргитиб, саройдан чикиб кетди.

Фарғона (Юан) зодагонлари Хан элчилари бизни менси-мадилар, деб уларнинг қылмишидан қаттиқ ранжиридилар, лекин Хан элчиларини ўз юртларига қайтариб юбордилар. Шунинг билан бирга улар ўзларининг шаркий томонидаги Юйчэнг (Ўзган) шахри ҳукмдорига хан элчиларига хуфиёна хужум қилиб, уларни бир ёқли қилишни ва мол-мулжаларини тортиб олишни буюрдилар<sup>299</sup>. Бундан хабардор бўлган Тангри ўғли қаттиқ газабланди. Илгари Фарғонага элчи бўлиб бориб келган Яо Дингхан ва бошка зодагонлар «Фарғона (Юан 宛) қўшинлари кучли эмас, агар 3000 нафар камончилар юборилса, уларнинг [фарғоналикларнинг] ҳаммасини асирга тушириб олиш мумкин, аввалига Тангри ўғли олийлари чжуо-йе-хоу (浞野侯 – олис чўл юрт ҳокими)га 700 нафар чавандозни бошлаб бориб Круон [давлати] ҳукмдорини асир олиб келишни буюрсалар, Хан сулоласи учун яхши бўлур эди», дедилар. [Тангри ўғли] бу фикрни маъқул топди.

[Тангри ўғли] мамнун бўлиб, Ли авлодидан бўлган кичик канизак Шининг акаси Ли Гуанглини<sup>300</sup> Риейший (Эрши) кўмондони (цангкивен, ҳозирги талаффузда жянгжюн 将军)<sup>301</sup> этиб тайинлаб, унга [Хан сулоласи] итоатидаги давлатлардан йигилган 6000 нафар чавандоз ва турли вилоятлардан йигилган бир неча ўн минг нафар безори ёшларни топшириб, Фарғонага (Юан 宛)га юриш қилишни ва тезда Риейший (Эрши) шахрига бориб, у ердаги зотли отларни олиб келишни буюрди. Шу сабабли [Ли Гуангли] Риейший (Эрши) кўмондони деб аталди.

<sup>299</sup> Ушбу маълумотдаги мантинка хилоф бир катор фикрлар ҳакида батафсил изоҳ 140-иловада берилган.

<sup>300</sup> Ли Гуангли ҳакида батафсил маълумотни 143-иловадан ўқинг.

<sup>301</sup> Хитойчадан уйгур тилига кўмондон сўзи «сангун» деб таржима килинган.

Чжао Шичэнг ҳарбий ишлар бошлиғи, ўтмишда Хоу ҳокими Ванг Хуэй йўлбошловчи, Ли Дуо ҳарбий таъминот ишлари бошлиғи этиб тайинланди.

[Тайчу (Юксалиш) даврининг] иккинчи йили (мил. авв. 103 йил) Риейшией (Эрши) кўмондони [Ли Гуангли] гарбга юриш бошлади. Шўркўл (Яншуй 鹽水)дан<sup>302</sup> ўтганидан кейин, йўлдаги кичик давлатлар қаттиқ қаршилик кўрсатиб, [унинг кўшинларига] озиқ-овқат беришмади. [Хан кўшинининг] хужумлари натижали бўлавермади, ғолиб келганидагина [улар] озиқ-овқатга эга бўлади, бир неча кунлик харакатдан сўнг мағлубиятли хужумлардан воз кечиб, олға юришди. Ниҳоят [Хан кўшинлари] Ўзган (Йивечэнг 郁成) шахрига этиб борди. Аммо манзилга очлик ва ҷарчоқ ҳолатида этиб келганлар сони атига бир неча минг киши эди. [Шу ҳолатда Хан лашкарлари] Ўзган (Йивечэнг)га хужум килиб, шаҳарни вайрон килди, ниҳоятда кўп одам ўлдирилди ва ярадор қилинди. [Шундан сўнг] Риейшией (Эрши) кўмондони [Ли Гуангли], Ли Дуо ва Чжао Шичэнглар Ўзган (Йивечэнг)ни олиш шунча кийин бўлса, қандай қилиб пойтахтни (вангду 王都) ишғол қила оламиз, деб ўйлаб, лашкарларини орқага қайтарди. Дунхуангта атига 11-12 киши этиб келди. [Риейшией (Эрши) кўмондони Ли Гуангли] император хузурига ўз вакили орқали мактуб юбориб, узок сафар давомида озиқ-овқат етишмаганлиги туфайли кўп одам нобуд бўлганлиги, очликдан ва одам камлигидан жанг қилиш кийин кечганлиги, шу боис орқага қайтишга мажбур бўлганлиги ва қайтадан ҳарбий юриш килиш лозимлигини маълум қилди. Бундан Тангри ўғли қаттиқ ғазабланиб, Юймэн чегара чизигидан киришга журъат этганлар кати этилсин, деб чопар орқали уларга фармон юборди. Риейшией (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] кўркиб, Дунхуангда туриб қолди.

[Тайчу (Юксалиш) даврининг] 3-йилида (мил. авв. 102 й.) сарой амалдорлари маслаҳатлашиб, Фарғона (Юан)га кўшин юборишдан воз кечиш ва асосий кучни хун (ху)ларга қарши сафарбар этишини айтдилар. Тангри ўғли Фарғона (Юан)га юриш қилиб, бундай кичик бир давлатни забт этолмасак, Бақтрия (Дайғиа / Дашия) ва унинг атрофидаги мамлакатлар Ханни менсимай кўйишади, Фарғона тулпорларига бутунлай эга бўла

<sup>302</sup> Шўркўл (Яншуй) – Лобнор кўли.

олмаймиз, Усун, Бугур (Лунтай)<sup>303</sup> каби давлатлар элчила-римизга хурмат билдирмайды, барча чет элликлар устимиздан кулади, деб Фаргона (Юан)га юриш қилиш зарурлиги айтди. Бунга қарши чикқан Дэнг Гуанг кабилар қамалди.

[Шундан кейин] бир йил давомида қамоқдаги безори ёшлардан ва чегара вилюятлардаги чавандозлардан 60 минг кишилик күшин тузилди ва у Дунхуангдан йўлга отланди. Ўз ихтиёри билан [буларга] эргашиб кетаётганлар ҳам бўлди, аммо улар бу таркибга киритилмади. [Күшин учун] 100 минг кора мол, 30 минг от, 10 мингдан зиёд тия ва эшак, етарли даражада дон ва ўқ-ёй ажратилди. Бутун мамлакат оёқка турғазилди. 50 нафардан ортиқ ҳарбий амалдорларга Фаргонага юриш қилиш ҳакида буйруқ берилди. Фаргона шахри (Юан-чэнг)да кудук йўклиги ва ичимлик суви шаҳар ташқарисидан ариқ орқали олиб келинишини хисобга олиб, сув йўлини тўсиб, уни сувсиз қолдириш учун мутахассислар юборилди. Жючюан (酒泉 кадим. ўқ. Tsieudzhiwan), Чжангье (张掖 кадим. ўқ. Tiang-yiak), унинг шимолидаги Жюйян (居延 кадим. ўқ. Kiayuen, Kiyajiyen), Шоту (休屠 кадим. ўқ. Shiieu-da) каби жойларда орқа саф ҳимоячилар сифатида 180 минг кишидан иборат күшин жойлаштирилди. Мамлакат бўйича ҳарбий хизмат ўташга лойиқ бўлган ва аниқ турар жойи, ота-онаси, тоға-амакилари бўлган<sup>305</sup> /45/ етти табака<sup>306</sup> вакиллари сафарбар қилиниб, Риейший (Эрши) [кўмондони] ихтиёрига топширилди. Юк ташиш учун аравакашлар сафарбар қилинди, от бокувчи мутахассислардан икки киши танланди ва уларга отхона бошқарувчиси

<sup>303</sup> Лунтай (輪臺, қискартирилган шаклда 轮台) «Шижи»да Лунтоу (龜頭) деб аталган, Бугурнинг хитойча номи. Шарқий Туркистоннинг гарбий қисмидаги Корашар (Корашар) билан Кучар ўртасида бир жойининг номи, Юйгу (玉古) деб ҳам транскрипция килинади. Хан кўшинларининг хужумига қадар у мустакил давлат бўлган [Цихай. 311-б.]. Ўйгар тилида кадимги номи сакланниб колган.

<sup>304</sup> Жючюан, Чжангье ва унинг шимолидаги Жюян (хозирги Увей), Шоту (Чжанъе) каби жойлар Эзи ယўлагининг (хозирги XXРининг Гансу ўлкаси) гарбий қисмидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга шаҳарлардан хисобланган. Хан империясидан олдин бу жойлар гулерликлар (гузеликлар / юэчжилар)га, сўнгра ҳунлардаги тегишли бўлган. Милавв. II асрнинг иккича ярмида бу жойлар Фарбий Хан империяси томонидан босиб олинган [Шииной тунгши. 50-51-б; Тарихий хотиралар. 529-б.]

<sup>305</sup> Хитой анъанасига кўра, бундай амалиёт шу даврдаги якки урут-аймоқлари бор киши ҳарбий хизматта ёлланса, кочиб кетолмайды, яқинлари гаровда туради, деган тушунчага асосланган.

<sup>306</sup> Аслиялда келтирилган шарҳда ушбу 7 табака: камок жазосига маҳкум этилганлар ва кочоқлар, хотинларининг уйига бориб яшаётганлар, савдогарлар, шаҳар аҳолиси, ота-оналари хисобига яшайдиган шаҳарликлар, ота-онани бокиши мажбуриятидан бош тортганлар, уй-жойсизлардан иборат бўлган.

(чжиччойма-шяовей 執驅馬校尉) <sup>307</sup> унвони берилди. Бу ишларнинг ҳаммаси Фаргона (Юан)ни забт этиш ва унинг зотли отларига эга бўлиш учун амалга оширилди.

Риейший (Эрши) [кўмондони]нинг иккинчи юришига сафарбар қилинган кўшин сон жиҳатдан кўп бўлғанлиги туфайли йўл устидаги кичик давлатлар егулик бермасликка журъат қилолмади. Биргина Бугур (Лунтай)да [Хан кўшини] қаттиқ қаршиликка дуч келди, аммо бир неча кунлик жанг натижасида қаршилик кўрсатганлар қириб ташланди. Шундан кейин Фаргона шахри (Юан-чэнг)га етиб боргунча [кўшиннинг] юриши тинч кечди. Манзилга 30 минг лашкар етиб борди.

Фаргона (Юан) лашкарлари Хан кўшинига қаршилик кўрсатдилар. Лекин Хан аскарлари ўқ-ёй отиб, уларни чекинтирди. Фаргоналиклар [қальъа] ичкарисига қириб олиб, химояланишдилар. [Бундан олдин] Риейший (Эрши) [кўмондони] Ўзган (Йивечэнг-чэнг) шахрига хужум кильмокчи бўлган эди, лекин бу иш кўп вақт олишидан ва йўлда фаргоналикларнинг тузогига дуч келиб қолишидан чўчиб, чалғимасдан, тўғри Фарғонага бориб, шаҳарни ташқаридан келадиган сув манбаидан маҳрум килиб, уни қамалга олишни лозим топди. 40 кундан ортиқ вакт давомида шаҳарга хужум уюштириб турилди. Фаргона (Юан) зодагонлари ўзаро кенгашиб, тулпорларни яшириб, Хан элчисини ўлдирган ҳукмдор Миукуя (Miukoa, зам. ўқ. Wugua)ни қатл этиб, тулпорларни чикариб берсак, Хан кўшинлари орқага қайтиши мумкин, агар қайтмаса, бор кучимиз билан жанг қилиб ўлишга улгурдик, деган фикрига келдилар. Амалда Фаргона (Юан) зодагонлари шундай иш тутиб, ҳукмдорни ўлдирдилар. [Лекин улар ўйлагандек бўлмади], ташки шаҳар вайрон килинди, зодагонлар асирга олинди. Зобитлар қаттиқ ўлдирдилар. Фаргона (Юан)ликлар бундан қаттиқ ранжиб, қальъанинг ичкари қисмига қириб олиб, душмандан химояландилар.

[Шундан кейин] улар Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] хузурига Мекўанинг боши билан элчи юбориб, унга «Хан биз билан уруш килмаса, биз яхши отларни чикариб берамиз, ўзингиз танлаб оласиз, озиқ-овқат ҳам берамиз; агар таклифимизни рад қилсанглар, барча тулпорларни ўлдирдик»;

<sup>307</sup> Чжиччойма-шяовей – отхона ишларига масъул зобит, яъни отхона бети маъносини англатади.

бир неча кундан сўнг Кангкиядан бизга мадад кучи етиб келади; шунда биз ички томондан, Кангкия қўшини ташқаридан Хан лашкарларига қарши курашамиз, қандай йўл тутиш ўзингизга ҳавола», деган мазмунда мактуб юбордилар.

Шу вақтда кангкиялклар хан қўшинининг нуфуси каттагигини билиб, олга юришга журъат этмади. Риёшией (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] Фарғона шахри (Юан-чэнг 宛城)да у ерга яқинда келган кудук қазишни биладиган ханликлар (ханрен 漢人) борлигини ва шаҳарда озиқ-овқат заҳираси етарли эканлигини эшитиб, бош жиноятчи Мекўа (Мекоа, зам. ўқ. Mugua 母寡)ни ўлдириш бу ерга келишимизнинг мақсади эди. Эндиликда унинг боши келтирилди.

Агар [фарғоналикларнинг таклифини] қабул килмасак, [улар ўз шахрини] қаттиқ химоя килаётган пайтда Кангкия қўшини Фарғонага ёрдамга келиб колса, биз мағлубиятга учрашимиз мукаррардир, деган фикрга келиб, Фарғона билан битим тузди. Фарғона [зодагонлари] ўзларининг зотли отларини келтириб, ханликларга танлаш имкониятини бердилар ва Хан қўшинлари кўп озиқ-овқат билан таъминланди. Хан лашкарлари бир неча ўн зотли ва 3 мингдан ортиқ ўрта ҳол ургочи отларни танлаб олишиб.

[Шундан сўнг] илгари ханликларга нисбатан яхши муносабатда бўлган зодагон Муэтцат (Muэт-tsat, Muэт-tsai 眇藥, зам. ўқ. Motsai / Муоцай)<sup>308</sup> ни Фарғона (Юан)га хукмдор қилиб белгилади ва [унинг билан] битим тузиб, ўз қўшинларини қайтариб олиб кетди<sup>309</sup>.

Риёшией (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] Дунхуангдан Фарб сари йўлга чиққанда, қўшинни бир неча қисмга бўлиб, Жанубий ва Шимолий йўллар<sup>310</sup> билан юриш килган. [Шу

<sup>308</sup> Аслиятда келтирилган изоҳда Муэтцат Фарғонанинг ҳарбий кўмондони бўлган, деб ёзилган.

<sup>309</sup> Аслият матнининг шу жойида «Суюин» (索隱 – «Ноаникликларга изоҳлар»)дан шарҳ келтирилган. Унда «Муэтцат (Муоцай) Булок Фарғона (Дай-коан) қўшинининг бошлиги эди. Унинг исми ёзилган бирорчи иероглиф Му 末, иккичиси шянгэ 先葛 ўқилган», деб ёзилган.

<sup>310</sup> Хан давридаги «Жанубий йўл» Такламакон чўлининг жанубий этакларидаги Керия, Хўтан, Ёркенд Қашқар каби шаҳарлар, «Шимолий йўл» эса ушбу чўлнинг шимолий этакларидаги Турфон, Қараашар, Кусан (Кучар) каби шаҳарлар оркали ўтган йўллар бўлган. Хуилар империяси тутатилгандан сўнг, айниқса Турк ҳоқонлиги даврида, Тангритогнинг шимолий этаклари оркали ўтган карвон йўллари гавжумлашиб кетган. Шундан кейин шу йўл Шимолий йўл (Бэйлу) деб атала бошлаган.

пайтда у] ёрдамчи кўмондон (шяовэй 校尉) <sup>311</sup> Ванг Шингшингга минг кишини олиб, Ўзган (Йивечэнг)га боришни буюрган. Ўзган (Йивечэнг) хукмдори уни мағлуб килган, бир неча кишигина қочиб, Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] олдига етиб борган эди. [Шундан кейин] Риейший (Эрши) [кўмондони] Соу Су [搜粟 исмли] соқчилар бошлиги (дувэй 都尉)<sup>312</sup>ни юкори лавозимга кўтариб, Ўзган (Йивечэнг)га хужум килишга юборган. [Шунда] Йивечэнг [шахри] хукмдори Кангкияга қочиб кетган. Ушбу пахлавон [Соу Су уни] Кангкиягача кувиб борган. Кангкия [хони] Ханинг Фарғона (Юан)ни забт эттанилигини эшишиб, Ўзган (Йивечэнг) хукмдорини пахлавон [Соу Су]га тутиб берган. Пахлавон 4 нафар отлик жангчига [ушбу хукмдорни] Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] хузурига олиб боришни буюрган. Отлик жангчи Чжао Ди [йўлда] Ўзган (Йивечэнг) хукмдорини йўқотиб қўйишидан кўркиб, ёнидаги килични чикариб, унинг бошини узиб олиб, тезда Риейший (Эрши) [кўмондони Ли Гуангли] олдига олиб борган.

[Тайчу даврининг] 4-йили (мил. авв. 101 й.) баҳорда Риейший (Эрши) кўмондони [Ли Гуангли] пойтахтга етиб келди. Йўлдаги майда давлатлар Фарғонанинг забт этилганлигини эшишиб, ўзларининг болаларини [Чжао] Ди билан бирга, Тангри ўғли олдига совғалар билан тутқунликка юборди. [Фарғонага юборилган] кўшин қайтарилди, [Хитойга] мингта от олиб келинди. Оркада юриб келган кўшин озик-овқатсиз қолмади. Жангда кам одам ўлди. Аммо саркардалар аскарларга раҳмдиллик килмаганлиги сабабли ўлганлар кўп бўлди. Тангри ўғли бу амалдорларнинг олис жойга юриш қилганлигини инобатга олиб, бу масалага эътибор бермади, /46/ аксинча Ли Гуанглига денгиз ғарбидаги замин тўраси (хайши хоу 海西侯) унвонини, Чжао Дига янги жойлар тўраси (шинчжи-хоу 新時侯) унвонини, юкори даражали саркардаларга шаофу (少府 – хазина-бек), [сарайдаги] тўққиз вазирликнинг (жючинг 九卿) З нафар амалдорига хоу (тўра), шянг (вазир), жон (хоким) унвонларини бериш ва лавозимларга тайинлаш, юздан ортиқ одамга 2 минг ботмон (дан 石), мингдан ортиқ кишига минг

<sup>311</sup> Шяовэй (руска ёзувда сяюэй) – юкори даражали ҳарбий унвон бўлиб, Фарбий Хан суполоси даврида унинг мавкеи бош кўмондон (жяңгжон)дан кейинги ўринда турган. Кўп ҳолларда кўшни мамлакатларга карши уруш катнашчиларига берилган [Чжуңгуо лидай гуанччи цидян. 809-б.]. Уйгурча таржимада «Чирикчи-бек» деб номланган.

<sup>312</sup> Дувэй – жойлардаги хокимлар ихтиёрига берилган ҳарбий кисмлар бошлиги.

ботмон дон миқдорида мукофотлаш ҳақида фармон берди. Ўз хоҳишлари билан ҳарбий юришда қатнашганларга берилган мукофот уларнинг кутганидан зиёда бўлди. Урушга сафарбар қилинган жиноятчиларнинг гунохи кечирилди. Ўлганларнинг [оиласи]га 40 минг танга ҳажмида ёрдам берилди.

Риейшией (Эрши) [кўмандони Ли Гуангли] Буюк Фаргона (Дай-юан)га юриш қилганини эшитиб, ҳунлар бу мамлакатни химоя килмоқчи бўлди, аммо унинг қўшини катта бўлғанлиги туфайли бунга журъат килолмади, Круонга (Лоулан) отлик жангчиларини юбориб, Хан элчиларининг йўлини тўсишга ҳаракат килди. Бу ердан ўтмоқчи бўлғанларнинг йўли тўсилди».

### 3. ҚАДИМИЙ ХИТОЙ САЙЁҲЛАРИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИ

«ДАТАНГ ШИЮЙ ЖИ»  
(«Буюк Танг [давридаги] гарбий мамлакатлар  
хотиралари»)

**Манба ҳақида:** Шюан Занг (玄奘 – 629-645), рус адабиётида Сюан Занг, фамилияси Чэн, исми Йи (исмини Вэй деб ўқиладиган иероглиф билан ёзилиш ҳоллари ҳам учраб туради), ҳалқ орасида Тангсинг (Танг давридаги «роҳиб» маъносини англатади) деб ҳам танилган. 600 йилда (баъзи манбаларда 602 йил деб кўрсатилган) Хэнан ўлкасининг Янши вилоятида нохия даражасидаги амалдор оиласида туғилган. 627 йилда у Чангъанга келиб яшайди. Шунда Шюан Занг бу ерда истиқомат қилаётган ҳиндистонлик будда дининг олими Пўмидўло билан танишиб қолади. Унинг таъсирида Шюан Занг Ҳиндистонга боришга астойдил бел боғлайди. Аммо у Танг сулоласидан хорижий мамлакатларга бориш учун рухсат ололмай, махфий равишда сафарга отланади. Унинг сафари Ҳэши йўлаги, Ивергул (хозирги Кумул, хитойча Иву, Хами) шаҳри, Турфон, Корашар, Кучар, Оқсу, Музрат довони, Иссиқкўл бўйи, Суйе<sup>313</sup>

<sup>313</sup> VI-VIII асрларда Суйе Буюк ипак йўлидаги йирик шаҳар сифатида шаклланган. Айрим маълумотларга кўра, у Фарбий Турк хоконлигининг маркази бўлган. Ушбу шаҳарнинг ўрни тарихий Тарозга, яни хозирги Тўкмоқ (Токмоқ) шаҳрининг ўрнига тўгри келади, деган фикрлар мавжуд [Каранг: Шинжян лиши цидян (Шинжян тарихи лугати). Урумчи, 1996. 663-б]. Корахонийлар давлатининг бі ринчи пойтахти бўлмиш

шахри, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Афғонистоннинг шимолий вилояти, Ҳиндикуш тоғлари орқали Ҳиндистонгача давом этган. Бу йўлни у бир йилда босиб ўтган. Шюан Занг Ҳиндистонда 17 йилга яқин яшаб, ватанига қайтган ва 645 йилда Чангъанга кўп ноёб китобларни олиб келган. 646 йилда у мазкур сафарномасини ёзип бўлиб, шу йилнинг ўзида Танг сулоласи императори Ли Шимингнинг қабулида бўлганида унга тақдим қилган. Шунда асар «Датанг Шўйжи» (大唐西域记) деб номланган.

Ватанига қайтиш йўлида Шюан Занг Ҳиндикуш тоғларидан ўтиб, Помир, Тошқўрғон, Қашқар, Янгихисор (Янгисар), Корғалиқ, Хўтан, Чарқлик, Ния, Пшамшан, Янггуан, Ланчжоу каби жойлар орқали сафар қилган<sup>314</sup>. Чангъандан Ҳиндистонга кетаётганда Шюан Занг маҳфий равишда йўлга чикишга мажбур бўлган бўлса, қайтиб келганида у катта ҳурмат ва иззат билан кутиб олинган.

### ТАРЖИМА:

«/71/ Шу жой [Тошкент]дан жануби-шарқ сари минг ли (576 км)дан зиёдроқ юрилса, Пайхан (怖捍)<sup>315</sup> давлатига борилади. Унинг тўрт томони тоғ билан ўралган. Ерлари серхосил, дехқончилик ишлари ривожланган, гуллар ва мевалар кўп, [табиий шароити] кўй ва от бокишига кулай, шамол ва совук бўлиб туради, одамлари қаттиқ иродали, [халқининг] тили атрофдаги давлатлардан фарқ қиласи, [одамларининг] ташки кўриниши чарчаган кишидек, бир неча ўн йилдан бери бош ҳукмдори йўқ, кавм бошликлари ўз ҳолича маълум бир жойни назорат қиласи, ўзаро уришишмайди, хавфга дуч келганда, келишиб иш тутади».

Баласогун шахри ҳам Сүйе ёнида жойлашган [Қаранг: Ҷсанг Гуандза. Шиую шиди цунгтао чубин (Фарбий мамлакатлар тарихий жуғрофиясига оид тадқикотнинг дастлабки баённомаси). Шангхай, 1995. 16-6.].

<sup>314</sup> Янг Жяншии, Лу Вэй. Сичоу чжилу (Илак йўли). Ланчжоу, 1988. 205-б.

<sup>315</sup> Пайхан – Паркона топонимининг хитойча транскрипцияси.

## «ВАНГЬУ ТЯНЧЖУ-ГУО ЧЖУАН» «Хиндистондаги 5 та давлатга қилинган сафар ҳақида баён»)

**Манба ҳақида:** «Вангъу Тянчжу-гуо чжуван» (往五天竺国传) <sup>316</sup> кореялик будда дини рохиби Хуэйчао (慧超) қаламига мансуб асар бўлиб, у VIII асрнинг ўрталарида ёзилган. Унда рохибининг Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Шаркий Туркестондаги Кучар мамлакатларига бориб, кўрган-билганлари баён этилган. Унинг Кучарга келган вақти 727 йилга тўғри келади. Хуэйчао Хитойга ёшлигига келган ва у ердан денгиз йўли оркали Ҳиндистонга борган. Асар узоқ давр давомида йўқолган деб ҳисобланган эди. Аммо 1908 йилда Дунхуангдаги «Минг уй» (Могаоку) номли будда ибодатхонасининг бекитиб ташланган битта ҳужраси очилганда топилган бир неча минг ҳужжат орасида шу асар ҳам борлиги аниқланган. У тут дарахти пўстлоғидан тайёрланган коғозга ёзилган ва дафтар шаклида тикилган, аммо боши ва охирги варақлари бўлмаган. Асарнинг номи кейинчалик олимлар томонидан аниқланган.

### ТАРЖИМА:

«/114-б./ Кангкия давлатидан шарққа қараб юриб, Фарғона давлати (Бахэна-гуо 跋賀那国)га етиб келдик. [Бу мамлакатда] иккита хукмдор (ванг 王) бор экан, уларни ўртадан оқиб ўтадиган Фуча <sup>317</sup> деб аталадиган катта дарё ажратиб туради. Дарёнинг жанубидаги хукмдор арабларга (дайши, даши), унинг шимолидаги хукмдор туркларга (тужюэ, қадим. ўқ. туеткиуат) итоат қиласи. Бу мамлакатда түя, кўй, /115-б./ от бокилар, турли матолар (diebu 叠布) паҳтадан ишлаб чиқарилар, тери ва паҳта матоларидан тикилган кийим-кечаклар, тандир нони кўп истеъмол килинар экан. Тили ва сўзлашиб оҳангি бошқа давлат ҳалқлариникидан фарқ қиласи, [маҳаллий аҳоли] будда динини билмас, [уларда] будда ибодатхоналари ва будда рохиблари йўқ экан.

<sup>316</sup> Таржима учун «Вангъу Тянчжу-гуо чжуван»дан олинган маълумот 1989 йилда Нингши вилоятидаги Йинччуан шаҳрида нашр этилган «Гу шишинг жи» («Қадимги гарбий сафар хотиралари тўплами». Йинччуан / Нингши вилояти /, 1989) номли тўпламининг 114-115, 119-бетларида келтирилган.

<sup>317</sup> Фуча ёзилган иккি иероглиф Фучу бўлиши мумкин. Асл матнда Фучадаҳ (Fuchadahe 缚突大河) дарё номидаги иккинчи «ча» (查) иероглифи «чу» бўлиши мумкин, деб кавс ичиди ёзиб кўйилган.

Фаргона (Бахэна)нинг шарқий томонида бир давлат бўлиб, у Гудуо-гуо (Guduoguo 骨咄国) деб номланар экан<sup>318</sup>. Ушбу давлат хукмдори этник жиҳатдан турклардан, маҳаллий фуқаролар эса ярим гуз, ярим турк (ban-hu ban-tujue 半胡半突厥) экан. [Унинг] заминида түя, эшак, кўй, от, қора мол, хачир бокилар, узум етиширилар, жундан тўқилган турли гиламлар ишлаб чиқарилар экан. Паҳтадан тўқилган матодан ва теридан кийим тикиб кийишар экан. Тили ва сўзлашиш оҳанги ярим тўҳарча, ярим туркча, ярим маҳаллий шевада экан (ban-tuhuoluo , ban-tujue , ban-dangtu 半吐火羅，半突厥，半当土). Хукмдор ва унинг итоатидаги фуқаролар будда динига эътиқод килишар экан. Уларда будда ибодатхоналари бор экан, одамлар оз бўлса ҳам, ибодат қилишар экан. Мазкур давлат араблар назоратида экан. Чет элликлар уни расмий давлат деб танишса ҳам, лекин унинг замини Хан мамлакатининг бир катта вилоятига тенг экан. Бу давлатдаги эркаклар соч-соқолларини олдириб, аёллари эса соchlарини ўстириб юришар экан.

Мазкур ғузлар давлатидан (Huguo 胡国) шимол сари юрилса, Шимолий денгизга (Beihai 北海), гарбга қараб юрилса, Фарбий денгизга (Shihai 西海), шарққа юрилса, Хан давлатига (Han-guo 汉国 ) бориш мумкин. [Гудуо] давлатининг шимолий томонидаги барча жойларда турклар яшар экан. Ушбу турклар будда динини билишмас ва уларда будда ибодатхоналари ҳамда роҳиблари йўқ экан. [Одамлар] теридан, жундан ва паҳтадан юпка тўқилган матолардан тикилган кийим кийишар, ҳайвонлар гўштини ейишар экан. [Бу давлатда] деворлар билан уралган қалъалар йўқ, [фуқаролар] кигиздан қилинган уйларда яшашар, ўт-ўлан кетидан кўчиб юришар, [сафарда] уйларини йигиб, ўзлари билан олиб юришар экан. Эркаклар соч-соқол кўймас, аёллар соchlарини боши устига туғиб юришни одат қилишган. Тили ва сўзлашиш оҳанги атрофдаги қўшни давлатда яшайдиганлардан фарқ қилас экан. Бу давлатда яшайдиганлар хийлани билмайди, яхшилик билан ёмонликни ажратса олмайди. [Ушбу давлат] замини түя, эшак, от, кўй бокишига қулай экан».

<sup>318</sup> Ушбу манбада «Гудуо-гуо»га берилган шарҳда мазкур топоним юкорида тилга олинган «Датанг Шиой жи»да Кэдуолуо (Keduoluo 珂咄罗) деб ёзилганилиги айтилган [Гу шишинг жи. 119-б. 24-шарх].

## «ДУ ХУАН ЖИНГШИНГ ЖИ» ({«Ду Хуаннинг борган жойлари хотираси»})

**Манба ҳақида:** Ушбу асарнинг муаллифи Ду Хуан (杜环)нинг туғилган ва ўлган вақти маълум эмас. Аммо асарни Танг сулоласига мансуб тажовузкор сиёсатнинг маҳсулоти, дейиш мумкин. Бинобарин, мазкур сулола кучайиши билан Буюк ипак йўлини назорат қилиш хукукини ўз кўлига олишга ва таъсир доирасини кенгайтиришга харакат қилган. Натижада Танг давлати Турк хоқонлиги билан тўқнашиб қолган. Узок давом этган курашлар ички зиддиятларни кучайтиришга олиб келибгина қолмасдан, балки Турк хоқонлигининг икки давлатга бўлинib кетиши ва охирида йўқолиб кетишига сабаб бўлган.

VIII асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда бир томондан Тибетнинг, иккинчи томондан арабларнинг таъсири кучая бошлади. 747 йилда бу таъсирнинг олдини олиш максадида Танг сулоласи гарб томонга ҳарбий юриш қилди. Бу жараёнда хитой кўшини Тошкентга ҳам бостириб келиб, Чоч давлатининг мол-мулкини талон-торож қилди ва маҳаллий хукмдорни ўз пойтахти Чангъанга юборди, у ерда хукмдор катл этилди. Тошкент хукмдорининг ўғли араблардан мадад сўради. Натижада этник келиб чиқиши карис бўлган Гао Шанфа кўмондонлигидаги хитой кўшинлари араб кўшинлари билан тўқнашди. Талас дарёси бўйида юз берган катта тўқнашувда 50 минг хитой лашкарлари курсон бўлди, 20 минг киши асирга тушди<sup>319</sup>. Мана шу асиrlар қаторида кичик зобит Ду Хуан ҳам бўлган. У 12 йил давомида Туркистоннинг турли жойларида ва араб мамлакатларида бўлган. 762-763 йилларда озод бўлиб, дениз йўли орқали Хитойнинг жанубий порт шаҳри Гуангчжоуга қайтган ва шу ерда кўрганларини ёзib чиқкан. Шунинг учун Ду Хуаннинг сафарномаси 763-765 йилларда ёзилган, деб ҳисобланади. Асар аввалига «Жингшинг жи» (经行记 – «Борган ва юрган жойлар хотираси») деб номлаган. Кейинги давр тарихчилари унинг олдига муалифнинг фамилияси ва исмини кўшиб, «Ду Хуан жингшинг жи» деб аташган.

Ушбу асарнинг сакланиб қолган қисми Янг Жяншин раҳ-

<sup>319</sup> Ванг Чжилай, Динг Мабэн. Чжунгъя гуожи гуанши ши (Марказий Осиё ҳалкаро муносабатлари тарихи). Чангша, 1997. 43-б.

барлигидаги бир гурух хитой олимлари томонидан тайёрланган ва 1987 йилда Нингшя вилоятидаги Йингчуан шаҳрида нашр этилган «Гу шишиң жи» (Қадимги ғарбий сафарлар хотиралари) номли тўпламга киритилган. Таржима килинган Фарғонага оид маълумот ана шу тўпламдан олинди. У қисқа бўлишига қарамай, кизиқарли ва аҳамиятлиdir.

### ТАРЖИМА:

«/132/ Фарғона давлати (Буюханна-гуо 拔汗那国). Тараз (Данлуоси)нинг жанубида минг ли (576 км) нарида жойлашган. Шарқ томонини тоф тўсиб туради, Қашқаргача (Шулэ / Сулэ 疏勒) 2 минг ли (1152 км)дан зиёд юрилади. /133-б./ Ғарб томонга қараб Тошкент давлатигача (Ши-гуо 石国) минг ли дан кўпроқ юрилади. [Фарғона давлатида] бир неча ўн шаҳар мавжуд, бир неча ўн минг кишидан иборат қўшини бор. Буюк Танг (Датанг 大唐) [сулоласининг] Тянбао [даври]<sup>320</sup>нинг 10-йили (751 й.) малика Хэйи (和义) шу давлатга келин қилиб юборилган<sup>321</sup>. Давлатда бейлуо (бейлуо 波罗)<sup>322</sup> дарахтзори бор, дарахтзорнинг ёнида тўп майдони (毬场)<sup>323</sup> жойлашган, тоф жилғаларида ёввойи каламушлар юради. Ерида узум, чилонжийда, шафтоли ва нок яхши ўсади. Ушбу мамлакатдан Ғарбий денгиз (Шихай 西海 – Орол денгизи)га боргунча [аҳоли] тупроқдан ясалган уйларда яшайди, кўй териси ва пахта матолардан килинган кийим кияди, эркак ва аёллар этик кийишади, аёллар сурма ишлатишмайди, факат ўсма кўйишади».

<sup>320</sup> Тянбао (天宝) 742-755 йилларнининг номи бўлиб, у Тангри неъмати маъносини англатади.

<sup>321</sup> Шу жойга берилган изоҳда 744 йилда шу муносабат билан ушбу давлатга Нингюа (宁远 – Олисдаги сокинлик маъносини билдиради) номи, унинг хукмдорига Доу (窦), келин қилиб юборилган маликага эса Хэйи (和义 – тинчлик маъносини англатади) деб исм берилгандиги зикр этилган. Шу билан бирга изоҳда ушбу саёҳтномада бу воқеанинг содир бўлган вақти 751 йил, деб ёзилаглиги хато бўлса керак, дейилган.

<sup>322</sup> Бейлуо (波罗) – буолуо, билуо деб ҳам ўқилади, Фарғонада дарахтзор бўлиб, ўсадиган дарахт номининг хитойча транскрипциясидир. Терак ёки чинор бўлса керак, деб тахмин килинади. Лекин ҳозирча бунун аниқлашнинг иложи бўлмади.

<sup>323</sup> Ушбу маълумотда хайвон терисидан тикилган ва ёточ калтак билан уриб ўйналадиган тўп (чи 毬) кўзда тутилган [Ханой дазидян. З-жилд, 1998-б.]. Ҳозирги замон тилида у бейсбол деб аталади. Ушбу ўйинни ўйнайдиган маҳсус майдон бўлганилиги бир томондан Du Xuanning ётиборини тортиган бўлса, иккинчи томондан бу ўйин бўйича мусобакалар ўтказилганилигидан далолат беради. Шу бир сўз билан тилга олиб кетилган кичик хабардан маълум бўладики, Фарғонада бундан 1250 йил муқаддам бейсбол ўйини кенг тарқалган.

## 2-ҚИСМ: ШАРХЛАР.

### ФАРГОНАГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРДА УЧРАЙДИГАН АЙРИМ ТОПОНИМ ВА ЭТНОНИМЛАР

#### «ДАЙЮАН» («ДАВАН») ТОПОНИМИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА МАЪНОСИ

Тарихий асарлар ёзишда маҳаллий атамаларни ишлатиш керакми ёки ўзга халқлар томонидан берилган ва хорижий тиллардаги манбаларда сакланиб қолган ер номлардан фойдалангандан тўғри бўладими, деган савол ҳаммани ўйлантиради. Бизнинг фикримизча, тил маданиятининг тақозосига кўра, маҳаллий атамалардан фойдаланиш тўғри бўлади. Бироқ кўп ҳолларда биз тилимизга хориждан кириб келган атамаларни ишлатаверамиз. Ана шундай атамалардан бири «Дайюан» (замонавий ўқилишда «Даван», русча транскрипцияда «Давань») топонимидир. У тарихий адабиётимизда шу даражада чукур ўрнашиб кетганки, унинг келиб чиқиши ва маъноси ҳакида ўйлаб ҳам ўтирумаймиз. Гўёки бу жуғрофик атама Фаргона водийсидаги қадимги давлатнинг номи.

Яқинда рус тилида нашр этилган «История государственности Узбекистана (вторая половина II тысячелетия до нашей эры – III века нашей эры)» номли йирик асарда «Даван» Фаргона водийсидаги қадимги давлат номи сифатида ишлатилган. Ҳаттоқи асарнинг З-бобидаги бир бўлинма «Ферганское государство Давань» деб номланган<sup>324</sup>.

Амалда бу атама хитойлар томонидан берилган бўлиб, у рус олими Н.Я. Бичурин асарлари, аникроғи қадимий хитой манбаларидан ўрин олган Марказий Осиё тарихига оид айрим маълумотларнинг русча таржималари орқали рус тилига, сўнгра ўзбек тилига кириб қолган. Ушбу олим ўз таржималарида «Даван» атамасини Фаргона водийсининг қадимги хитой манбаларидаги номи сифатида ишлатган. Бироқ унинг маъноси

<sup>324</sup> История государственности Узбекистана (вторая половина II тысячелетия до нашей эры – III века нашей эры). Ташкент, 2009. С.185.

ва келиб чиқишини номаълум қолдирган. Шу ҳолат Н.В.Кюнернинг «Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока» («Жанубий Сибир, Марказий Осиё ва Узок Шарқ халклариға оид хитой хабарлари»)<sup>325</sup> номли асарида көлтирилган таржима ва шарҳларда ҳам кузатилади.

Шинжонг-Үйгур автоном райони (ШУАР)да амалга оширилган «Шижи»даги Марказий Осиё тарихига оид маълумотларнинг уйгурча таржимасида<sup>326</sup> ҳам Дайоан (Даван) атамасининг келиб чиқиши ва маъноси аниқланмаган.

XVIII асрда ушбу атаманинг пайдо бўлиши масаласи Европа олимлари эътиборини ҳам жалб этган эди. Чунончи, 1756-1758 йилларда француз олими М.Дегин Даван атамасининг келиб чиқиши Фарғона топоними билан боғликлигини айтиб ўтган<sup>327</sup>. Бироқ у бу боғлиқлик қандай юз берганлиги ҳақида изоҳ бермаган.

Юкорида айтилган ҳолатларни хисобга олиб, китобимизнинг ушбу бобида хитой манбаларидаги «Дайоан» («Даван») атамасининг келиб чиқиши масаласида баъзи фикр ва мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик. Бу ишни амалга оширишда сўнгги даврда Хитой Халқ Республикасида нашр этилган лугатлар ва тарихий адабиётлардан кенг фойданишга ҳаракат қилдик.

Дайоан (Даван 大宛) топоними илк бор Сима Чян (русча Сима Цянь) қаламига мансуб «Шижи» («Тарихий хотира-лар»)да учрайди. Ушбу манба милоддан аввалги 104-91 йилларда битилган.

«Шижи»даги Фарғонага оид маълумотлар милоддан аввалги 138 йилда Туркистонга жўнатилган ва 13 йилдан сўнг ватанига қайтиб келган Аввалги Хан сулоласининг<sup>328</sup> (前漢 мил. авв. 206-23) элчиси Чжан Чяннинг<sup>329</sup> хисоботномаси орқали хитой манбаларида пайдо бўлган. Чунончи, мазкур манбанинг «Дайоан лечжуан» («Фарғона тазкираси») номли 126-бобида айтилишича,

<sup>325</sup> Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. Москва, 1961. С. 101-102.

<sup>326</sup> Сима Чян. Тарихий алар. Урумчи, 1989.

<sup>327</sup> История государственности Узбекистана. С.187.

<sup>328</sup> Фарбий Хан (Ши-Хан 西漢) деб ҳам аталади.

<sup>329</sup> Чжанг Чян (張騫, 張騫)нинг тутылган вақти номаълум, ўлган вақти мил. авв. 114 йилга тўғри келади.

«Дайюан Чжанг Чян маълумотида пайдо бўлган» (大宛之跡見自張骞)<sup>330</sup>. Ушбу манбада Дайюан топоними биринчи марта ишлатилган жойида келтирилган шарҳда «ван» (wan 宛) иероглифи «юан» (yuān 苑) деб ўқилган, дейилган<sup>331</sup>. «Ханзи гүйинг шоуцэ» («Хитой иероглифларининг қадимий ўқилиши қўлланмаси»)да ушбу иероглиф қадимда «iwan» деб талаффуз этилганлиги таъкидланган<sup>332</sup>. Шу боис биз ўз тадқиқотларимизда атаманинг қадимги ўқилишини ишлатишни ўринли деб билди.

Милодий V асрдан кейин ёзилган хитой манбаларида қадимги Фарғона водийси ва бу ердаги давлат номи Полуона (破洛那), Фаханна (拔汗那) деб аталган. Масалан, Вэй Шоу (506-572) қаламига мансуб бўлган «Вэйшу» («Вэй [сулоласи] тарихи») ва VII асрнинг биринчи ярмида ёзилган «Бэйши» («Шимолий [сулолалар] тарихи»)да Фарғона водийсининг номи «Луона» (Luona 洛那)<sup>333</sup>, «Ду Хуан жингшинг жи» номли сафарномада эса «Фаханна» (Fahanna 拔汗那)<sup>334</sup><sup>335</sup> деб ёзилган.

«Вэйшу» ва «Бэйши»да яна бир муҳим маълумот учрайди. Унда «Луона давлати қадимги Дайюан давлатидир» («Луона-гуо гу Дайюан-гуо ие» 洛那国故大宛国也)<sup>336</sup>, деб аниқ ёзиган. Шу ерда таъкидлаб ўтмоқ жоизки, «Вэйшу»даги «Луона» топонимида «Пуо» (破) тушиб қолган. Буни 941-945 йилларда Танг сулоласи саройидаги Лю Ху бошлиқ тарихчилар гурухи ёзган ва 1044-1060 йилларда Оу Янгшю (欧阳修), Сунг Ци (宋祁) тузатган ва тўлдирган «Шин Тнгшу»даги маълумотдан билиб олиш мумкин. Чунончи, ушбу сулола тарихида «Нингюан (寧遠)<sup>337</sup> аслида Фаханна (拔汗那)<sup>338</sup> ёки Пуохан (Pohan 爬汗), Вей [сулоласи] даврида Пуолуона

<sup>330</sup> Шижи. 1136(1136)-б.

<sup>331</sup> Ўша жойда.

<sup>332</sup> Ханзи гүйинг шоуцэ (Хитой иероглифларининг қадимий талаффузи қўлланмаси). Пекин, 1986. 222-б.

<sup>333</sup> Вэй Шоу. Вэйшу // Эршиси ши. 8-жилд. 9701(1319-б.; Ли Яншиу. Бэйши // Эршиси ши. 11-жилд. 13849(1293)-б.

<sup>334</sup> Фа (fa 拔) иероглифи ba, bo, bei деб ҳам ўқилади [Қаранг: Ханой дазидян. 3-жилд, 1850-б.].

<sup>335</sup> Ду Хуан. Ду Хуан жингшинг жи (Ду Хуанинг борган жойлари ва кўрганлари баёни) // Гушишинг жи. 132-б.

<sup>336</sup> Ли Яншиу. Бэйши // Эршиси ши. 11-жилд. 13849(1293)-б.

<sup>337</sup> Нингюан (寧遠) – Фарғона водийсининг Танг даврида ишлатилган номи, у «Олисдаги сокинлик» маъносини англатади.

<sup>338</sup> Шин Тнгшу. 16971(1557)-б.

(Poluona 破洛那) деб номланган»<sup>339</sup>, деб баён этилган.

«Вэйшу» ва «Бэйши»да келтирилган тарихий воеалар этник келиб чиқиши туркийларга алокадор бўлган сулолаларга тегишли эди. Шу боис мазкур сулола тарихларида кўп атамалар, айниқса Хитойдан ташқаридаги мамлакатларга тегишли топонимлар маҳаллий жой номларининг хитойча транскрипция килинган ҳолда ишлатилган. Тилга олинган сафарноманинг муаллифи Ду Хуан эса 751 йилда Талас (Тараз) дарёси бўйида араблар ва хитойлар кўшинлари ўртасида юз берган жангда асирга тушиб, кўп йиллик тутқинликда бўлган. Хитойга кайтганидан кейин у ўз хотираларини ёзишда маҳаллий топонимлар ва этнонимлардан фойдаланган.

Келтирилган маълумотларга асосланиб, «Вэйшу»даги Лона топоними Пуолуонанинг қисқартирилган шакли; Пуолуона ва Фаханна топонимлари эса Паркона ва Фаргона атамаларининг хитойча транскрипцияси; Фаханна атамаси VII асрдан бошлаб ишлатилган, деб хулоса қилиш мумкин. Бироқ Паркона атамаси қандай қилиб Дайюан (Даван)га айланиб қолганлиги ҳакида аниқ маълумотлар йўқ. Биз факат мантикий таҳдил асосида Дайюан атамасининг маъносиға эътибор бериб, у Буюк Паркона сўзининг таржимаси эканлигига амин бўлишимиз мумкин. Бунинг исботи сифатида куйидаги маълумотларни келтириш мумкин.

**Биринчидан**, тилга олинган «Дайюанлечжуан»да Дайюан атамасидан ташқари Юан (宛), Юан-чэнг (宛城) топонимлари ҳам учрайди. Буларнинг асосида Юан иероглифи турганлиги аниқ. Хан [сулоласи] тарихи (Ханшу)да «Шяо-юан» (小宛)<sup>340</sup> аталган жой номи ҳам мавжуд<sup>341</sup>. Шундан кўриниб турибдики, бу атамалардаги асосий сўз Юан (宛) хисобланади. Улардаги «дай» (да – буюк, катта), «чэнг» (атрофи деворлар билан ўралган шаҳар) ва «шяо» (кичик) сўzlари сифат билгиларидир. Қадимги замонда хитойлар

<sup>339</sup> Ўша жойда.

<sup>340</sup> Шяоюан – қадим замонда кичик хонликнинг номи бўлиб, унинг жойлашган жойи ҳакида турлича фикрлар мавжуд. Аслиятда кўрсатилишича, унинг марказидан Хан сулоласининг пойтахти Чанъян (хозирги Сиан)гача бўлган масофа 7210 ли (4152.96 км)га тенг бўлган. Керия (Чемуо 且末) хонлиги Чангъандан 6820 ли (3928.32 км), Кашкар давлати эса ушибу шаҳардан 9350 ли (5385.6 км) нарида бўлган [Ханшу. 2366(1158) – 2373(1165)-б.]. Шунга караганда, Шяоюан Шаркий Туркистондаги Кериянинг гарбидаги жойлашган, деб хисоблаш мумкин. Хитой олимлари Шяоюани Эндере (Endere) топонимига такқослашади [Шиной диминг каолу (Ғарбий мамлакатлар топонимикасига оид тадқикотлардан лавҳалар). Пекин, 2008. 1039-б.]

<sup>341</sup> Ханшу. 2367(1159)-б.

«оан» иероглифини атрофи баландлик ёки тоғлар билан үралган косасимон жойга нисбатан ишлатишган<sup>342</sup>.

Географик тузилиши жиҳатдан қараганда, Фарғона водийси ҳақиқатан ҳам тоғлар билан үралган. Мазкур водийнинг ушбу хусусиятига кейинги даврлардаги хитой сайёхлари ҳам эътибор берган. Масалан, 629-646 йилларда Туркистон шаҳарлари оркали Ҳиндистонга борган Хитой будда динининг роҳиби Шюан Занг (русча транскрипцияда Сюань Цзан – 602-664) қолдирган «Датанг шию жи» («Буюк Танг даврида ғарбга қилинган сафар баёни») номли саёҳатномада «Фарғонанинг... тўрт томони тоғлар билан үралган»<sup>343</sup>, деб ёзган.

Иккинчидан, Паркона топонимининг маъноси ҳам атрофи тоғлар билан үралган текислик маъносини англатган. Чунончи, атоқли географ олим С.К.Караев В.А.Лившицнинг асарларига ишора қилган ҳолда, айрим европа тадқиқотчилари Фарғона топонимини Паркон сўзи билан таққослаб кўришганлигини, бирок улар мазкур тезисни ҳимоя қила олмаганлигини айтган. Шу билан бирга ушбу олим М.Исхаковнинг қадимий сўғд тилида «пар» сўзи девор ёки айланма шаклидаги баландлик, «кан» сўзи эса жамланиш, биронта бойликнинг йигилган жойи каби маъноларни англатиши ҳақидағи фикрига ишора қилиб, Паркона, яъни Фарғона топонимининг маъноси мана шу икки сўз бирикмасидан ҳосил бўлганлигини асосли деб топган<sup>344</sup>.

Э.М. Мурзаевнинг гувоҳлигига кўра, Помир тилларида «паргана», «баргана» сўzlари мавжуд бўлиб, улар атрофи баландликлар билан үралган текислик жой маъносида ишлатилиди<sup>345</sup>. Марказий Осиё халклари тилларида «ф» билан «پ» товушини алмаштириб ишлатиш оддий ҳол. Масалан, уйғур тилида ва Ўзбекистоннинг баъзи диалектлари (шевалари)да Фарғона топоними «Парғана» деб талаффуз этилади. Шунингдек, «ғ», «қ» ва «қ» товушларини алмаштириб талаффуз этиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради.

Хитой олими Шюй Шюйъя (许序雅)нинг ёзишича, шарқий Эрон тилида «Pargana» ёки «Barghana» «атрофи тоғлар билан

<sup>342</sup> Ҳанпой дазидян. 2-жилд. 922-б.

<sup>343</sup> Гу шишинг жи (Қадимги гарбий сафар хотиралари тўплами). Йинчуан (Нингши вилояти), 1989. 71-б.

<sup>344</sup> Караев С.К. Топонимия Узбекистана. Ташкент, 1991. С. 90.

<sup>345</sup> Мурзаев Э.М. География в названиях. Москва, 1982. С. 128.

ўралган ва факат бир томони очик бўлган жой» маъносини англатади<sup>346</sup>. Араблар келганидан кейин уларнинг тили хусусиятига кўра «п» товуши «ф»га ўзгариб, «Паргана» топоними «Фарғона» деб айтила бошлаган<sup>347</sup>.

Тилга олинган олимларнинг фикрларига асосланиб айтиш мумкинки, қадимги Суғдиёна ва Помир тилларидағи «Паркон» ва «Паргана» билан хитой тилидаги «юан» (宛) бир хил маънога эга бўлган. Албатта, бу тасодиф эмас. Қолаверса, «Юан» топоними юқорида айтилганидек милоддан аввалги 128-127 йилларда Фарғонага келиб кетган биринчи хитой элчиси Чжанг Чяннинг ҳисоботида илк бор ишлатилган. Кейинчалик уни Хитой хукмдорлари саройидаги тарихчилар ҳам кўллаган.

Шулардан келиб чиқиб, биз Хитой элчиси Чжанг Чян Фарғонага келганида бу мамлакат номини иероглифлар билан транскрипция қилишга қийналиб, унинг маъносини хитойчага таржима қилиб олган. Чунки мазкур мамлакат номини тўғри транскрипция қилиб ёзиш учун камида 4 та иероглиф, яъни сўз ишлатилиши зарур эди. Бу эса ўша замондаги хитойлар учун мураккаб масала эди, зоро уларда шаҳар ва мамлакат номларини бир ёки кўпи билан икки иероглиф билан ёзиш одат бўлган. Қолаверса, элчи замонасидаги хитой тилида «Паргона» («Паркон») сўзининг маъносини ифодаловчи «юан» сўзининг (иероглифининг) мавжудлиги бунга кўл келган. Замонавий хитой тилида ушбу иероглиф кўпроқ овқатланиш учун ичиладиган «коса» маъносида ишлатилади.

Хитойларнинг яна бир эътиборга молик одати - қадимдан ўзгалар ютидаги жойларга ўз тилида ва ёзуvida ном кўйиш. Шунга кўра, улар кўп ҳолларда ўзга юртлардаги жойларнинг номларини хитойчага таржима қилиб олганлар. Масалан, Тангритогни улар «Тян-шан» (Tian-shan 天山), Иссиққўлни «Рэхай» (Rэ-hai 热海), Кўккўлни «Чингхай» (Ching-hai 青海) деб номлашган. Биринчи хитойча топонимни ёзиш учун ишлатилган икки иероглиф «баланд тоғ, осмонўпар тоғ», иккинчи жой номини ёзиш учун ишлатилган биринчи иероглиф «иссик», учинчи топонимни ифодалаш учун ишлатилган биринчи иероглиф «яшил» ёки «кўю»

<sup>346</sup> Шной Шнойъя. Тангдай сично чжилу юй Чжунгъя лиши дили янжю (Қадимги ипак йўли ва Марказий Осиё тарихий географиясига доир тадқиқотлар). Сиан, 2000. 129-б.

<sup>347</sup> Ўша жойда.

маъноларини билдиради. Иккинчи ва учинчи топонимлардаги «хай» иероглифи биргина денгиз маъносини билдиради. Агар Тангритоғ топоними хитойча иероглифлар билан тўла ва аниқ ҳолда транскрипция қилинадиган бўлса, бунинг учун камида 5 та иероглиф ишлатиш лозим бўлар эди. Милоддан олдинги даврларда бундай қилиш хитойлар учун гайри оддий ва мураккаб иш ҳисобланган.

Учинчидан, «Шижи»да келтириладиган диққатта сазовор яна бир маълумот шундан иборатки, «Паркона» сўзининг таржимаси бўлган «Юан» топоними асосида шаклланган яна бир жой номи кўп марта тилга олинади. Бу «Юан-чэнг» (Ван-чэнг 宛城, русча транскрипцияда Вань-чэн)дир. Юкорида айтганимиздек, ушбу топонимдаги «чэнг» (城) «баланд деворлар билан ўралган шаҳар» маъносини билдиради. Шу асосда «Юан-чэнг»ни «Паркона шаҳри» деб тушуниш мумкин. Чунки ўтмишда деворлар билан ўралмаган шаҳарлар номига «чэнг» сўзи кўшилмаган.

Юкорида баён этилган маълумотлардан келиб чиқиб, куйидаги хуласаларни қилиш мумкин:

1. Хитойча «Юан» атамаси маҳаллий халқ тилидаги Паркона топонимининг хитойча таржимасидир.

2. Хан сулоласи элчиси Чжанг Чян Фарғонага келганида бир хил аталган мамлакат ва шаҳар номларига дуч келган. Бу икки тушунчани бир-биридан ажратиш мақсадида у Паркона деб аталган мамлакат номини ифодалаш учун «Юан»нинг олдига «Дай» (Да 大), яъни «буюк» сўзини кўшиб, уни «Дай-юан» («Буюк Паркона») деб атаган. «Юан» деб таржима қилиб олинган Паркона шаҳрини эса унинг орқасига «баланд деворлар билан ўралган шаҳар» маъносини англатувчи «чэнг» (城) сўзини кўшиб, уни мамлакат номидан фарқлаган.

3. Адабиётларимизда ўрнашиб қолган «Даван» атамаси Хитойнинг расмий тарихига илк бор милоддан олдинги иккинчи асрнинг иккинчи ярмида кириб келган. Уни қадимги Фарғона давлатининг номи деб ҳисоблаб бўлмайди.

## ҚАДИМГИ ФАРГОНА ДАВЛАТИНГ МАРКАЗИ ПАРКОНА ШАХРИ (ЮАН-ЧЭНГ)

Юан-чэнг топоними (русча транскрипцияда Вань-чэн 宛城) илк бор «Тарихий хотиралар» («Шижи»)да учрайди. Ушбу манбада келтирилган шархларнинг бирида «ван» (wan 宛) иероглифи «юан» (yuan 苑) деб ўқилади, дейилган. «Ханзи гүйинг шоудэ» («Хитой иероглифларининг қадимий ўқилиши қўлланмаси»)да ҳам ушбу иероглиф қадимда «iwan» деб талаффуз этилганлиги таъкидланган<sup>348</sup>. Шуни ҳисобга олиб, биз тадқиқотларимизда «Ван-чэнг»ни «Юан-чэнг» деб ёзиши лозим топдик.

Бу топонимнинг замонавий ва қадимги ўқилишларини Фаргона ёки бошқа бир маҳаллий ном билан идентификациялаштириш қийин. Унинг маъносига эътибор берадиган бўлсак, ушбу хитойча атамани Паркона (Фаргона) топонимининг таржимаси эканлигига амин бўламиз.

Бинобарин, ушбу топонимдаги «чэнг» (城) иероглифи баланд ва мустаҳкам деворлар билан ўралган шаҳарни англатади. Ўтмишда бу иероглиф шундай таърифланмайдиган шаҳарларга нисбатан ишлатилмаган<sup>349</sup>. Хитой тили қоидасига кўра, «чэнг» иероглифи доим шаҳар номидан кейин ёзилади. Шунга кўра, қадимий хитой манбаларидаги «Юан-чэнг» топонимидаги «Юан» («Ван» 宛) сўзи шаҳар номи эканлиги шубҳасизdir.

«Юан-чэнг» топонимидаги «юан» иероглифининг талаффузи асосида у қайси шаҳарнинг хитойча номи эканлигини билиб олишнинг иложи йўқ. Аммо унинг қадим замонда ишлатилган маъноларига эътибор берилса, у Паркона топонимининг таржимаси эканлигини англаб олиш мумкин. Чунончи, қадим замонда атрофи тоғлар ёки баланд тепаликлар билан ўралган, ўрта сатхи текис ва нисбатан пастроқ шаклдаги, яъни косанинг тубига ўхшайдиган жойни хитойлар «юан» деб аташган. Бу ҳақда 56 минг иероглифни ўз ичига олган 8 жилдли «Хитой тили ва ёзувининг катта лугати» («Ханюй дазидян»)<sup>350</sup> да аниқ маълумот мавжуд.

<sup>348</sup> Ханзи гүйинг шоудэ. 222-б.

<sup>349</sup> Ханюй дазидян. 1-жилд. 438-б.

<sup>350</sup> Ўша лугат. 2-жилд. 922-б.

Асл матнда «Юан шахри» («Юан-чэнг» 宛城) ёзилган топоним нега Н.Я.Бичурин таржималарида акс эттирилмаган, деган савол туғилиши мүмкін. Бу масаланы ўрганиб чиқиши аслият билан мазкур олим таржималарини солишиши натижасида маълум бўлдики, у «Юан-чэнг» топонимини «резиденция даваньская», «даваньская резиденция» деб ўтирган. Айрим ҳолларда «Дайюан» (Даван) билан «Юан-чэнг»ни бир хил килиб, «Давань» деб таржима қилган. Натижада «Юан» топоними алоҳида бир шаҳар номи эканлиги билинмай қолган. Масалан, аслиятда «Бугурда (Лунгтоу) Хан қўшинлари қаршилик учради ва бу ерда бир неча кун давомида жанг бўлди, қаршилик кўрсатгандар кириб ташланди. Шундан сўнг Хан қўшинлари гарб томонга караб қаршиликсиз юриб борди, Юан-чэнг (Паркона шахри)га 30 минг нафар Хан лашкарлари етиб борди. Юан (Паркона) лашкарлари Хан армиясига қаршилик кўрсатдилар. Лекин Хан лашкарлари ўқ-ёй отиб, уларни мағлуб қилдилар. Юан (Паркона) одамлари [калья] ичига чекиниб, унинг девори устига чиқиб олдилар»<sup>351</sup>, деб баён этилган. Аслият ёзувида ушбу маълумот қуйидагича келтирилган: «至侖頭侖頭不下攻數日屠之自此而西平行至宛城漢兵到者三萬人宛兵迎擊漢兵漢兵射敗之宛走入葆乘其城». Уни Н.Я.Бичурин бундай таржима қилган:

«Когда армия подошла к Луньтоу, то город сей не хотел сдаться; почему после осады, продолжавшейся несколько дней, был взят и || вырублен. Отселе до резиденции даваньской армия спокойно продолжала путь. Китайских войск пришло туда еще не более 30 000, как даваньцы выступили дать им сражение; но китайцы одержали верх, и даваньцы, укрывшись в городе, вступили на городские стены»<sup>352</sup>.

Кўриниб турибдики, Н.Я.Бичурин таржимасида «Юан-чэнг» (宛城 «Паркона шахри») сўзи «резиденция даваньская» деб ўтирилганлиги сабабли бу сўз шаҳар номи эканлиги кўринмай қолган.

«Фаргона тазкираси»нинг иккинчи бир жойида «Паркона

<sup>351</sup> Шижи. 1145(1145)-б.

<sup>352</sup> Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Алматы, 1998. 2-том. С.169. Кўйида: Бичурин Н.Я. Собрание сведений.. Алматы нашри.

шахри (Юан-чэнг)да Чин [юрти]дан янги келган ва кудук қазишни биладиганлар бор экан» (宛城中新得秦人知穿井)<sup>353</sup>, деган маълумот мавжуд. Буни Н.Я.Бичурин «в даваньскую резиденцию прибыли из царства Цинь [т.е. Дацинь] знающие копать колодцы»<sup>354</sup>, деб таржима қилган. Бу мисолда якъол кўриниб турибдики, шаҳар номи бўлган «Юан» (宛) топонимини Н.Я.Бичурин «Давань» деб тушунган. Натижада қадимги Фарғона давлатининг пойтахти Паркона шаҳрининг хитойча номи бўлмиш «Юан» ёки «Юан-чэнг» (宛城) тушунчаси бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Аммо таъкилаб ўтиш жоизки, Н.Я.Бичурин «Цинь» топонимига катта тўрт бурчакли қавс ичидаги «[т.е. Дацинь]» сўзини кўшиш билан аслиятдаги «Чинрен» (秦人 – Чин одами) деган сўзнинг Хитойга алоқаси йўқлигини кўрсатган. Олимнинг бу фикри тўғри. Чунки VII асртагача ёзилган хитой манбаларида ишлатиладиган «Дачин» (大秦, қадимги ўқилиши «Дайдзиен», рус транскрипциясида Дацинь – «Буюк Чин» маъносини англатади) Қадимги Рим давлатининг хитойча номланиши эди. Бунинг исботи сифатида Сима Чяннинг асари «Шижи»нинг Рузие (Юэчжи)га бағишиланган бўлагида келтириган ва Танг империяси даври (618-907)да хаёт кечириб, ушбу манбага изоҳлар битган тарихчи Чжанг Шоужиенинг (яшаган йиллари номаълум) бир шарҳига мурожаат қилиш мумкин. Ушбу шарҳда бундай ёзилган: «Канг Чин гуо чжуан» (康秦國傳 – Канг ва Чин давлатлари тазкираси) номли асарда баён этилишича, Осмон тагида уч мамлакат мавжуд бўлса, улардан бири – Хитой (Чжунггуо) – одам кўплиги билан, иккинчиси – Буюк Дзиен (Дайдзиен / Дачин) – қимматбаҳо буюмлари билан, учинчиси – Гузер (Рузие / Юэчжи) – отлари билан машхурдир»<sup>355</sup>.

Н.В.Кюнер ҳам «Шижи»даги Фарғонага оид бобни рус тилига таржима қилган ва янги шархлар билан бойитган. Аммо

<sup>353</sup> Шижи. 1145(1145)-б. Ушбу маълумотдаги «Чин» (秦) топонимини Хитой деб тушуниб бўлмайди. Маълум бир тарихий даврда Шаркий Туркистон ҳам «Чин» деб номланган [Абдуҳолиқ Абдурасул ўели. Чин ва Мочин. Тошкент, 2006]. Колаверса, ушбу ўлкада кудук қазиш санъати қадимдан мавжуд бўлган. Вокеа содир бўлган даврда Хитой «Хан» деб номланган. Шунинг учун аслиятдаги «чинрен» мазкур ўлка одами бўлиши хамэҳтимолдан холизмас, деб ўйладмиз. Бирор «Чин» топонимини Н.Я.Бичурин «Дацинь» деб таржима қилган. Чунки миоддан аввали Г асрда ва ундан кейин ёзилган хитой манбаларида бу ном билан Рум давлати аталган.

<sup>354</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений.. Алматы нашри. С. 170.

<sup>355</sup> Шижи. 1138(1138)-б.

бу олим ҳам «Дайюан» (Давань – Буюк-Паркона), «Юан» (Вань – Паркона) ва «Юан-чэнг» (Паркона шахри) каби топонимларнинг иероглифларини уларнинг замонавий ўқилиши билан транскрипция қилган ва улар ўртасидаги фаркни била олмаган. Аслиятда кўп марта учрайдиган «Юан» топонимини таржима килишда унинг олдига «да» (буюк, катта) сўзини қўшиб «[Да]вань», «[Да]ваницы» деб ишлаттан. Бальзан «Юан» топоними тушириб қолдирилган. Бунга исбот тариқасида талайтина мисоллар келтириш мумкин. Масалан, юқорида айтилган «Юан-чэнг (Паркона шахри)га 30 минг нафар Хан лашкарлари етиб келган» (至宛城漢兵到者三萬人) деган хабарни Н.В.Кюнер «Китайских войск, достигших города, было 30 000 человек»<sup>356</sup>, деб таржима қилган.

Бу мисолда «Юан» (Паркона) топоними тушиб қолган. Натижада тажавузчилар қайси шаҳарга етиб келганлиги номаълум қолган. Бу таржимадан фойдаланганлар эса душманнинг етиб келган жойини таҳмин қилишдан бошқа иложи йўқ. Агар олимнинг таржимасида «город» сўзидан кейин «Юан» топоними қўшилганида, Хан қўшинларининг етиб келган жойи айнан Паркона шахри эканлиги кўринар ва аслиятдаги маъно аниқ ўтирилган бўлар эди.

Иккинчи бир мисол. Аслиятдаги «Хукмдор шахри Юанда кудук йўқ» («宛王城無井»), деган маълумот Н.В.Кюнер асарида «В столице [Да]вань не было колодцев», деб таржима қилинган<sup>357</sup>.

Бу таржимада ҳам аслиятнинг маъноси аниқ берилмаган. Унда хукмдор шахри «Юан» (Паркона) деб номланганлиги кўринмай қолган. Унинг устига «Юан» топоними «Давань»га айлантирилган.

Бир қарашда Н.Я.Бичурин ва Н.В.Кюнер таржималаридағи ушбу хатолар кичиккинага камчиликларга ўхшайди. Аммо унинг илмий-тадқиқот ишларига кўрсатган салбий таъсири ниҳоятта катта. Олимларнинг таржимасидан фойдаланганлар, албатта, қадимий Фарғона давлатининг пойтахти «Юан» («Ван»), яъни Паркона бўлганлигини тасаввур эта олмаганлар.

Аслиятдан келтирилган мисолларнинг уйғурча таржималарни ҳам ўрганиб чиқдик. Буларда «Юан-чэнг» (宛城) топоними

<sup>356</sup> Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. Москва, 1961. С.126.

<sup>357</sup> Ўша асар. 125-6.

«Паргона шахри» деб түгри ишлатилган<sup>358</sup>.

«Юан-чэнг» (宛城) топоними «Хан [сулоласи] тарихи» («Ханшу»)даги «Чжанг Чян ва Ли Гуангли тазкираси» («Чжанг Чян Ли Гуангли лечжуан»)да<sup>359</sup> ҳамда 1066-1084 йилларда ёзилган «Зичжи тунгжян» («Хукмдорларга сабок берувчи воқеалар баёни»)<sup>360</sup>, 1190-1200 йилларда битилган «Тунгжян жиши бэнмуо» («Мухим тарихий воқеалар баёни»)<sup>361</sup> каби манбаларда ҳам кўп марта тилга олинади. Чунончи, «Чжанг Чян ва Ли Гуангли тазкираси»да «шу жойдан [Лунтоудан] гарб сари юриб Юан-чэнгта 30 минг лашкар етиб борди. Юан [шахри] лашкарлари қаршилик кўрсатди» (自此而西行至宛城兵到者三萬宛兵迎擊)<sup>362</sup>, деб зикр этилган. Бироқ ушбу тазкира Н.Я.Бичурин ва Н.В.Кюнер таржималаридан ўрин олмаган.

Яна бир қизиқарли мисол. «Шижи»даги «Фаргона тазкираси»да «хукмдор шахри Юанда кудук йўқ, ичимлик суви шаҳар ташқарисидаги оқар сувдан тортиб келинган экан» («宛王城無井汲城外流水»)<sup>363</sup>, деб ёзилган маълумот «Ханшу»даги «Чжанг Чян ва Ли Гуангли тазкираси» да «Юан шахрида кудук йўқ, ичимлик суви шаҳар ташқарисидаги оқар сувдан тортиб келинган экан» («宛城中無井汲城外流水»), деб баён этилган. Бу мисолда хукмдор маъносини англаттан «ванг» иероглифи қисқартирилган. Иккала мисолни таққослаганимизда, «Юан-чэнг» (Паркона шахри) қадимий Фарғона давлатининг хукмдори жойлашган шаҳар эканлиги аниқ англанади.

«Шижи»даги «Фаргона тазкираси»да қадимий Паркона шахрининг хитойча номи «Юан-чэнг» (宛城 – «Паркона шахри») «Юан» (宛 – «Паркона»), «Ванг-ду» (王都 – «Хукмдор пойтахти») кўринишларида ҳам учрайди. Масалан, ушбу тазкирада «қўмондон [Ли Гуангли] Дуо ва Шичэнг билан кенгашиб, Йивечэнг (郁成 – Ўзган)ни ололмадик, Ванг-ду (王都 – «Хукмдор пойтахти»)ни қандай оламиз, деган фикрга келиш-

<sup>358</sup> Тарихий хотиралар. «Шижи»нинг уйгурча таипланма таржимаси (араб алифбосида). Урумчи, 1989. 512, 513-6.

<sup>359</sup> Ханшу. 1961(753) 1962(754)-б.

<sup>360</sup> Зичжи тунгжян. I-жилд, 145-б.

<sup>361</sup> Юан Шу. Тунгжян жиши бэнмуо (Мухим тарихий воқеалар баёни). 8 жилдан иборат, факсимил нашри. Шангхай, 1955. I-жилд, 45-6.

<sup>362</sup> Ханшу. 1961(753)-б.

<sup>363</sup> Шижи. 1144(1144)-б.

ди»<sup>364</sup>, деб ёзилган. Ушбу тазкиранинг иккинчи бир жойида «Сувсиз қолган Юан (宛 Паркона)нинг аҳолиси қийин ахволга тушиб қолди»<sup>365</sup>, деб зикр этилган.

Қадимги Фаргона давлатининг пойтахти Паркона шахри бўлганлиги «Ду Хуан жингшинг жи» номли сафарномадаги «Буюханна-гуо» (Bohanna-guo 拨汗那国 – Фаргона давлати) топонимига ёзилган шарҳда ҳам айтилган. Унда Фарғонанинг номи «Вэй [сулоласи] тарихи (Вэйшу)да Полона, Суй [сулоласи] тарихи (Суйшу)да Пуюхан, Буюк Танг даврида Фарбий юргларга қилинганди сафар хотираси (Да Танг Шиоюй жи)да Пэйхан деб аталган, ундаги хукмдор шахри Фейэрханнадир» («魏书» 称破洛那, »隨書』作拔汗, »大唐西域記』作怖捍, 其王都費爾汗那), деб ёзилган<sup>366</sup>. Таъкидлаш жоизки, ушбу шарҳдаги «Фейэрханна» (Fei-er-han-na 费尔汗那) Фарғона топонимининг илк ўрта асрлардаги хитойча транскрипцияси бўлиб, у 4 та иероглифдан ташкил топган.

Мазкур маълумот келтирилган сафарноманинг муаллифи Ду Хуан бўлиб, унинг тугилган ва ўлган йиллари номаълум. Лекин у араблар ва хитойлар ўртасида 751 йилда содир бўлган жангда асрга тушиб қолиб, 12 йиллик тутқинликдан сўнг ватанига қайтган. У Паркона топонимининг Фарғона деб талафуз этилишини араблардан эшитган. Ду Хуанинг маълумотига кўра, VIII асрнинг ўрталарида Паркона, яъни Фарғона шахри пойтахт бўлган.

Афсуски, хитой манбаларидан «Юан-чэнг», яъни Паркона шаҳрининг ўрни хозирги қайси шаҳарга тўғри келишини билиб олиш қийин. Аммо «Шижи»да «[Хан лашкарлари] шаҳарни қамалга олиб, 40 кун давомида унга хужум қилиб, ташки шаҳарни (вайчэнг 外城) бузиб ташлади»<sup>367</sup>, деган маълумот бор. Демак, бу жойда уруш бўлганлигидан дарак берувчи буюмлар, Хан империяси кўшиларининг куроллари топилиши керак. Шунга асосланиб, археологлар ушбу шаҳар ўрнини аниқлаши мумкин.

Кейинги пайтда кўп янгиликлар муаллифи бўлган археолог

<sup>364</sup> Ўша жойда.

<sup>365</sup> Ўша асар. 1145(1145)-б.

<sup>366</sup> Гушишинг жи. 136 -137-б.

<sup>367</sup> Шижи. 1145(1145)-б.

олим Абдулхамит Анорбоев Ахскетда топилган шаҳар колдиқларига асосланиб, қадимги Фарғона давлатининг пойтахти айнан шу жойда бўлган, деган фикрни ўртага кўймокда<sup>368</sup>. Олимнинг таъкидлашича, Ахскет милоддан аввалги III асрнинг охири-II асрнинг бошларида ташкил топган ва 40 гектарга яқин майдонда жойлашган шаҳардир<sup>369</sup>. Ахскет харобаси қадимий Фарғона давлатининг пойтахти Паркона шаҳри (Юан-чэнг / Ван-чэнг 宛城) бўлиши мумкин. Бу жойда хитойларга тегишли қуроляроқ қолдиқлари топилса, мазкур хулоса яна ҳам мустаҳкамланиши мумкин. Чунки, Хан қўшинларининг қаттиқ хужумига дуч келган жойда жанглардан нишоналар – металлдан ясалган ва хитойларга тегишли қурол-аслаҳа қолдиқларининг қолмаслиги мумкин эмас. Эҳтимол, бундай ашёвий далиллар археологларни кутаётгандир.

V асрдан кейин ёзилган хитой манбаларида давлат номи бўлмиш Паркона (хитой манбаларидаги Дайюан / Давань – Буюк Паркона) топоними турлича транскрипция қилинган. Бунга кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, «Вэй [сулоласи] тарихи» («Вэйшу») ва «Шимолий [сулолалар] тарихи» («Бэйши»)да у «Луона» (Luona 洛那), юкорида тилга олинган «Ду Хуан жингшинг жи»да «Буюханна-гуо» (Bohanna-guo 拨汗那国)<sup>370</sup> деб номланган. Шунинг билан бирга «Вэйшу» ва «Бэйши»да «Луона давлати қадимги Дайюан (Давань) давлатидир» (洛那国故大宛国也)<sup>372</sup>, деб аниқ ёзиг кўйилган. Аммо ушбу сулолалар тарихларида «Паркона давлатининг (Дайюан-гуо) пойтахти Кивэйшан шаҳридир (замон. ўқ. Гуйшан-чэнг 贵山城), деб кўрсатилган<sup>373</sup>. Мазкур шаҳар қадимий Фарғона давлатининг пойтахти (ду 都) эканлиги биринчи марта «Хан [сулоласи] тарихи»

<sup>368</sup> Анарбаев А.А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент// Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Тошкент, 2001. 14-15-б.; Қўйдашев Ш. Қадимги Фарғона (Дайюан) давлатининг пойтахти ҳакида // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчilar талқинида. Самарқанд, 2010. 94-98-б.

<sup>369</sup> Анарбаев А.А. Еще раз о локализации столичных городов Ферганы (Давань-Дайюань) и некоторые спорные вопросы, связанные с ними // O'zbekiston arheologiyasi / Археология Узбекистана. № 12010. С. 66.

<sup>370</sup> Вэй Шоу. (Вэй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 8-китоб, Пекин-Шангхай, 1958. 9701(1319-б.); Ли Янишоу. Бэйши (Шимолий [сулолалар] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 11-китоб, Пекин-Шангхай. 1958. 13849(1293)-б.

<sup>371</sup> Ду Хуан жингшинг жи (Ду Хуанинг борган жойлари ва кўрганлари баёни) // Гушишинг жи. 132-б.

<sup>372</sup> Ли Янишоу. Бэйши. 13849(1293)-б.

<sup>373</sup> Вэй Шоу. Вэйшу. 9701(1319)-б.; Ли Янишоу. Бэйши. 13849(1293)-б.

(«Ханшу»), яъни «Авалги Хан [сулоласи] тарихи» («Чян Ханшу»)да тилга олинади<sup>374</sup>. Ушбу тарих эса «Шижи»дан тахминан 170 йил кейин ёзиб битирилган.

«Кивейшан» атамаси айрим хитой шеваларида «Кивейсан» деб ҳам талаффуз этилади. Шундан келиб чиқиб, уни Фарғона водийсидаги Кувасой ёки Косон топонимлари билан таққослаш мумкин. Бироқ айрим хитой олимларининг тадқиқотларига кўра, «Танг сулоласининг янги тарихи» («Шин Тангшу»)да учрайдиган «Кэсай» (Kesai 渴塞), «Юан [сулоласи] тарихи» («Юанши»)да «Кэсай» (Kesai 柯塞) топонимлари «Кивейшан»- нинг турлича ёзилишидир<sup>375</sup>. Қадимий ёзма манбалар билан шуғулланган йирик хитой олими Чэн Чжунгмян (岑仲勉)нинг ёзишича, «Кивейшан» шахри «Шижян» (西鞬) деб ҳам номланган ва у Наманганнинг шарқи-жанубидаги Ахскетта тўғри келади<sup>376</sup>. Бу фикрнинг тўғри эканлигини «Шижян»нинг қадимги ўқилиши «Сиейкиан (Siei-kian) бўлганлиги тасдиқлайди. Чунки Сиейкиан Ахсиқент топонимининг биринчи буғини Ах тушириб қолдирилиб, сикент шаклида қисқартирилиб, хитой ёзувига мослаштирилган транскрипцияси эканлиги яққол кўриниб туради. Шунга караганда, «Кивейшан» («Кивейсан») Ахсиқентта тўғри келади.

«Шижян» шахри пойтахт бўлганлиги ҳакида «Шин Тангшу»да аниқ маълумот мавжуд. Чунончи, ушбу сулола тарихида «Нингюан (寧遠)<sup>377</sup> аслида Баханна (拔汗那 – Паркон)<sup>378</sup> ёки Рохан (鐵汗 – Паркон), Вей [сулоласи] даврида Пуолуона (破洛那 – Паркон) деб номланган<sup>379</sup>. [Танг сулоласининг] пойтахти<sup>380</sup> дан 8 минг ли (4608 км) нарида жойлашган. [Фарғона

<sup>374</sup> Ханшу. 2372(1164)-б.

<sup>375</sup> Шиой диминг каолу 334-б.

<sup>376</sup> Ўша асар. 531-б.

<sup>377</sup> Нингюан (寧遠) – Фарғона водийсининг Танг даврида, аникроги, 744 йилдан бошлаб ишлатилган ном, у «Олислаги сокинлик» маъносини англатади.

<sup>378</sup> «Шин Тангшу»даги Фарғонага оид маълумотни Н.Я.Бичурин «Нингюань» деб таржими килган ва бу айнан Фарғонанинг хитойча номи эканлигини айтмаган. Шу боис «Нингюань»деганда, Фарғона ҳакида гап кетаётганлиги билинмай колган. «Баханна» ни инфодаловчи иероглифларни «Боханна» деб ёзган [Биуриш Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений.. Алматы нашри. 332-б.]. Бу хато эмас, чунки «бо» иероглифи (拔) «бо» деб ҳам ўқилган.

<sup>379</sup> Ушбу маълумот «Шин Тангшу»нинг Фарғонага оид кисмига бағишиланган уйгурча таржимада келтирилмайди [Янги Тангнома. Урумчи, 2010. 972-б.].

<sup>380</sup> Хитойдаги Танг сулоласининг пойтахти Чанъян (хозирги Шиан, рус адабиётида Сианъ) эди. Бу даврдаги асосий катнов йўли Шарқий Туркистондаги Қумул, Урумчи, Или водийси, хозирги жануби-шаркий Козогистон орқали ўтган. Йул масофаси ана шу йўналишда берилган.

хукмдори] Норин дарёси (Чжэнчжу-хэ)<sup>381</sup> шимолида жойлашган Шижян (西鞬) шахрида туради. [Фарғонада] 6 та йирик, 100 та кичик шаҳарчалар мавжуд», деб ёзилган.

Шу жойда таъкидлаб ўтиш жоизки, «Шин Тангшу»даги Фарғонага оид маълумотни Н.Я.Бичурин «Нингюань» деб таржима килган ва бу айнан Фарғонанинг хитойча номи эканлигини айтмаган. Шу боис «Нингюань» деганда, Фарғона ҳакида гап кетаёт-ганилиги билинмай қолган<sup>383</sup>. Таржимада «Баханна» деб ўқилган иероглифлар «Боханна» кўринишида ифодаланган. Бу хато эмас, чунки «ба» иероглифи (拔) бо деб ҳам ўқилган.

Келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, хитой манбаларида учрайдиган «Юан-чэнг» (宛城) топоними икки сўздан иборат бўлиб, унинг биринчиси «Юан» – «Паркон» ёки «Паркона»нинг хитойча таржимаси, иккинчиси – «чэнг» эса атрофи деворлар билан ўралган шаҳар демакдир. У «Буюк Паркона» маъносини англатувчи қадимги хитой манбалари тили билан айтганда, Дайюан (Даван / Даванъ) давлатининг пойтахти бўлган. Уни Ахскетга таққослаш мумкин.

Бироқ бу хулосадан келиб чиқадиган иккита савол жавобга муҳтож. Биринчиси – нега Хан қўшинларининг қаттиқ зарбасига учраган бу жойда ҳанузгача хитойларга тегишли ва металldан ясалган қурол-аслаҳа қолдиқлари топилмаган? Иккинчиси – нега бу зарбадан тахминан 170 йил кейин ёзилган «Хуншуда»да қадимги Фарғона давлати пойтахтининг номи «Кивейшан» («Кивейсан» / «Гуйшань») деб ёзилган? Балки урушдан кейин Паркона шаҳри қайта қурилиб, унинг номи Ахсикентга ўзгартирилгандир. Шунинг учун ҳам илк ўрта асрларда ёзилган хитой манбаларида ушбу мамлакат пойтахтининг номи турли иероглифлар билан ёзилган бўлсада, улар Ахскет топонимининг хитойча транскрипцияси бўлган. Буни уларнинг қадимги ўқилиши яққол кўрсатиб туради.

<sup>381</sup> Чжэнчжу-хэ (真珠河) – хозирги Норин дарёси (Налин-хэ 那林河)дир. У Naryн деб ҳам номланган [Шиий димминг каолу. 1163-б.]. Чжэнчжу-хэ иероглифларининг маъноси «қадикий марварид» демакдир.

<sup>382</sup> Лю Шюй. Жю Тангшу. 1697(1557)-б.

<sup>383</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений.. Алматы нашри. 332-б.

## ЭРШИ ШАҲРИ ҚАЕРГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ?

Эрши топоними илк бор Сима Чян қаламига мансуб бўлган «Шижи»да қадимий Фаргона давлати доирасидаги бир шаҳарнинг номи сифатида учрайди. «Эрши»ни ёзиш учун ишлатилган икки иероглиф ўтмишда «Риейшией» (Rieishiei 貳師) деб ўқилган. Якинда нашр этилган «Фаргона хитой манбаларида (қадимий ва илк ўрта асрлар ёзма ёдгорликларидан таржималар)» номли асаримизда таъкидланганидек, аксарият ҳолларда ушбу топонимга атрофи деворлар билан ўралган шаҳар маъносини берувчи «чэнг» (城) иероглифи кўшилган. Баъзан мазкур иероглиф кўшилмаган мисолларни ҳам учратиш мумкин. Шунга қараганда, ер майдонининг катта-кичиклиги жиҳатидан «Риейшией» («Эрши») ва «Риейшией-чэнг» («Эрши-чэнг») топонимларининг маъноси бир хил бўлмаган. Биринчи топоним вилоят номини билдиrsa, иккинчиси ундаги шаҳар ёки қалъя номи бўлган.

Атокли археолог олим А.Аскаров ўзининг шу мавзуга оид бир мақоласида 40 дан ортиқ китоблар муаллифи Макдум Восилий асарларига ишора қилиб, Эрши «Кайирши» сўзидан келиб чиққанлиги ва у ҳозирги Марҳаматтага тўғри келишини таъкидлаб ўтган. Унда айтилишича, «Тарихий манбаларда ёзилишича, ҳозирги Марҳамат эрамиздан аввал Эрши деб аталган ва Довон давлатининг пойтахти вазифасини бажарган. ... Тарихий воқеалар остида Эрши шаҳри қулаб, ҳаробага айланган. Унинг ўрнида Мингтепа пайдо бўлган»<sup>384</sup>.

Илгари нашр этилган мақолаларимизда айтиб ўтилганидек, айрим муаллифлар Хан империяси томонидан Фарғонага юборилган кўшинларнинг кумондони Ли Гунглига «Эрши жиангжюн» («Эрши кўмондони» маъносини англатади) унвони берилганлиги ва унга Эршидаги отлардан олиб келиш вазифаси юкланганилигига асосланиб, ушбу шаҳар Қадимий Фаргона давлатининг пойтахти бўлган, деган фикрга келгандар<sup>385</sup>. Бу масала юзасидан амалга оширган тадқиқотларимиз<sup>386</sup> натижасида ушбу фикр

<sup>384</sup> Аскаров А. Марҳаматтага сафар таасуротим // «Турон тарихи». Тошкент, 2010. № 4. 7-б.

<sup>385</sup> Абдухолик Абдурасул ўёли. Қадимги Фаргона тарихидан. Тошкент. 2000. 38-б.

<sup>386</sup> Ходжаев А. О сведениях древнекитайских источников о государстве Фергана (Дайюань) // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда (История Узбекистана в материальной культуре и письменных источниках). Ташкент, 2005. С. 160-

асосли эмаслигига амин бўлдик. Чунончи, биринчидан, хитой манбаларида Эрши кадими Фаргона давлатининг пойтахти эканлигини кўрсатадиган биронта сўз учрамайди. Иккинчидан, «Ханшу»нинг Фаргонага юборилган хитой лашкарлари бошлиги Ли Гуанглига бағишланган қисмida Эрши зотли отлар бокиладиган жой эканлиги ва бу ерга юборилган Хан армияси етиб бора олмаганилиги аниқ айтилган.

Бунинг далили сифатида куйидаги маълумотларни келтириш мумкин.

1. Юқоридаги таржимада келтирилгандек, «Шижи»нинг «Фаргона тазкираси»да элчи Чжанг Чян билан бирга бориб қайтганлар Хан императорига «Юан (Фаргонанинг) зотли отлари» Эрши шаҳрида экан» (宛善馬在貳師城), лекин Хан элчиларини уларга якин йўлатмас экан, деб айтишганлиги ёзилган. Ушбу тазкиранинг иккинчи бир жойида император Фаргона мамлакатининг зотли отларига қизиқиб қолганлиги ва паҳлавон Чэ Лин бошчилигида элчилар гурухини юбориб, уларга олтин ва олтиндан ясалган от ҳайкалчаси эвазига Фаргона хонидан Эршидаги зотли отлардан беришни сўраш вазифаси топширилганлиги зикр этилган. Унинг учинчи бир жойида 104 йилда Ли Гуанглига Юан (Фаргона)га юриш килиш ва Эрши шаҳрига бориб, у ердаги зотли отлардан олиб келиш вазифаси юкландиганлиги (伐宛期至貳師城取善馬), шу муносабат билан Хан императори унга «Эрши кумондони» (жянгжюн) унвонини берганлиги ёзилган<sup>387</sup>.

2. Хан қўшинларининг Фаргонага қарши қилган биринчи юриши юкорида айтиб ўтилган Юйчэнг-чэнг (Ўзган) шаҳрига хужум килиш билан тугаган. Чunksи Шаркий Туркистон шаҳарларидан ўтиб, бу жойга етиб келиш қийин бўлганлиги сабабли Ли Гуангли қўшинлари кўп талафот кўрган. У атига бир неча минг нафар чарчаган ва егулик етишмаслик туфайли ҳолдан тойган лашкарлари билан Юйчэнг-чэнг (шаҳри)га етиб келган. Шаҳарни тўла эгаллаб олиш қийин кечганлиги туфайли Эршига юриш килишдан воз кечган<sup>388</sup>.

165; Шу муаллифнинг. К этимологии топонима Дайюнь (Давань) в китайских источниках // Фаргона водийси тарихи янги тадқиқотларда (История Фергана в новых исследованиях). Фергана, 2009. С.135-140; Шу муаллифнинг. Эрши кадими Фаргонанинг пойтахти бўлганми? // О'zbekiston tarixi. № 2. 2010. 63-74-б.

<sup>387</sup> Шижи. 1143(1143)-1144(1144)-б.

<sup>388</sup> Ўша жойда.

3. Хан империяси Ли Гуанглини иккинчи марта Фарғонага қарши уруш қилишга юборганида, унга 60 минг кишидан иборат кўшин, уларнинг сафари ва егулиги учун етарли даражада корамол, кўй, от ва бошқа жониворлар ҳамда дон гамлаган<sup>389</sup>. Бу гал уларга Эршига эмас, балки тўғри пойтахт бўлмиш «Юан-чэнг» (宛城) шаҳрига хужум қилиш топширилган. Хан хоқони ушбу шаҳарни босиб олиб, мамлакатдаги барча отларга эга бўлиш режасини амалга оширишни буюрган<sup>390</sup>.

4. «Шижи»даги Фарғонага оид маълумотларда «Эрши» сўзи «Эрши кумондони» («Эрши жянгжюон») маъносида ишлатилган мисоллар кўп учрайди. Буни факат асл матнда ишлатилган хитой ёзувларидан билиб олиш мумкин. «Фарғона тазкираси»нинг уйғурча таржимасида бу масаланинг ечими тўғри топилган<sup>391</sup>.

5. Ушбу манбада Ли Гуангли бошчилигига «Юан-чэнг» (Фарғона шахри)га 30 минг нафар Хан лашкарлари етиб келган» (至宛城漢兵到者三萬), деган аниқ кўрсатма бор.

Мазкур юриш ҳакида куйидагилар баён этилган:

«Хан қўшинлари ўқ-ёй отиб, мудофаачилардан устун келдилар. Фарғоналиклар (Юнликлар) шаҳар ичига кириб олдилар. Аслида «Эрши кумондони» қўшинининг бир кисмини «Юйчэнг-чэнг» (Ўзган)га юбормоқчи бўлган эди, бироқ у фарғоналиклар бирор бир хийла ишлатиб қолишидан кўркиб, бу фикрдан қайтди ва лашкарлари билан тўғри «Юан-чэнг» (Парконя шахри)га қараб йўл олди. Ушбу шаҳарга етиб келгач, шаҳарга кирадиган сувни бошидан тўсиб қўиди. Шундай бўлсада, бу шаҳарнинг қальъаси мустаҳкам бўлганлиги туфайли, уни 40 кундан ортиқ қамал қилди. Шу вакт давомида шаҳарга кўп марта хужум қилиб, арон қальъанинг сиртқи деворини бузиб, унга кириш имкониятига эга бўлди<sup>392</sup>. Охирида ханликлар фарғоналиклар билан тинчлик битимини тузишга ва шу ердан орқага қайтишга мажбур бўлди. Босқинчилар иккинчи юришда ҳам «Эрши»га боришмади». Бу воқеа таржимада аниқ келтирилади.

<sup>389</sup> Ўша жойда.

<sup>390</sup> Ўша жойда.

<sup>391</sup> Тарихий хотирилар. 511-6.

<sup>392</sup> Шижи. 1145(1145)-6.

6. Эрши зотли отлар бокиладиган жой бўлган. Демак, шаҳар атрофидаги табиат шунга мос яйловлардан иборат бўлган. Ўз тадқиқотимизда уни Ош билан таққосладик. Шунинг учун хитой манбаларида Эрши қадими Фарғона давлатининг пойтахти эди, у ерда уруш бўлган, деб айтишга ҳеч қандай асос йўқ.

## ЙВЭТСЭНГ-ЧЭНГ (ЮЙЧЭНГ-ЧЭНГ) – ЎЗГАН ШАҲРИ

Юйчэнг-чэнг (郁成城 Юйчэнг шахри) топоними илк бор «Шижи»нинг «Ли Гуангли лечжуан» («Ли Гуангли тазкираси») ва «Дайюан лечжуан» («Фарғона тазкираси») бобларида учрайди. Шунинг билан бирга манбанинг ушбу бўлакларида «Юйчэнг-чэнг ванг» («Юйчэнг шахри ҳокими») деган сўз бирикмаси ҳам мавжуд<sup>393</sup>. Н.Я.Бичурин таржимасида «Юйчэнг» топоними «Ю шахри» деб кўрсатилган<sup>394</sup> ва унга «Ю шахри Кўконнинг шарқида жойлашган, аниқ жоий маълум эмас», деб шарҳ берилган<sup>395</sup>. Кўриниб турибдики, мазкур олим таржимасида ушбу атамадаги бажариш, тўла, бутун, етукланиш каби маъноларга эга бўлган «чэнг» (成) иероглифи тушиб қолган. Натижада «Юйчэнг-чэнг» топоними нотўри транскрипция қилинган. Атамани ёзиш учун ишлатилган «ёй» (郁) иероглифи гўзал, хушбўй, илиқ каби маъноларга эга. Шунга қараганда, «Юйчэнг-чэнг» юксак гўзалликка эга шаҳар маъносини англаради. «Юйчэнг» атамасини ёзиш учун ишлатилган икки иероглиф «Йвэцэнг» ёки «Йукцэнг» деб ўқилган.

Хозирча топонимни ёзиш учун ишлатилган иероглифларнинг лугавий маъносидан ёки қадимги ўқилишидан келиб чиқиб, давримиздаги биронта водий шахри билан таққослаш қийин. Аммо «Юйчэнг» қадимги Фарғона давлатининг шарқ томонида жойлашганлиги ва бу шаҳар Хан империяси кўшинлари хужумига дуч келганлиги манбада аниқ кўрсатилган<sup>396</sup>. Шунинг учун «Юйчэнг» топонимини Ўзган билан қиёслаш ўринлидир. «Шижи»даги Фарғонага оид маълумотларнинг

<sup>393</sup> Ўша асар. 1145(1145) 1146(1146)-б.

<sup>394</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений.. М.-Л. 2-жилд, 163-б.

<sup>395</sup> Ўша асар. 162-б.

<sup>396</sup> Шижи. 1144(1144)-б.

үйгурча таржимасида «Юйчэнг» атамаси «Ўзган» деб ёзилган<sup>397</sup>. Бу фикр тўғрига ўхшайди. Аммо бунга охирги нухтани археологик маълумотлар қўйиши мумкин, деб ўйлаймиз. Чунки Хан империяси қўшинлари хужумига учраган бу шаҳарда жанг нишоналари, аникроги, ханликлар курол-аслаҳаларининг колдиклари топилиши керак.

## КАНГКИЯ (КАНГЖЮЙ) ДАВЛАТИ

Кангкия (Kang+kia, замон. ўқил. Кангжюй / Kang+ju, Kang+jui 康居) топоними биринчи марта давлат номи сифатида юқорида тилга олинган Сима Чян қаламига мансуб бўлган «Шижи» («Тарихий хотирадар») номли асарда учрайди. Чунончи, ушбу асарда хитой элчиси Чжанг Чян Фарфона (Дайоан, Даван) давлатига борганилиги, у ердан элчи<sup>398</sup> Қангкия давлатига кузатиб қўйилганлиги зикр этилган. Сўнгра ушбу атама «Чиан Ханшу», «Хоу Ханшу», «Вэйшу», «Жиншу» каби сулолалар тарихида кўп марта тилга олинади.

Н.Я.Бичурин асарларида Кангкия (Кангжюй) топоними «Канггуй» деб нотўғри транскрипция килинган. Олимнинг асарларидан фойдаланган тадқиқотчилар ўз ишларида ҳамон «Канггуй» вариантини ишлатилиб келмоқдалар. Бу ҳолатни «История государственности Узбекистана» номли йирик асарда ҳам кузатиш мумкин<sup>399</sup>. Биз ўз таржималаримизда ва тадқиқотларимизда топонимни қадимги ўқилишида ишлатишни лозим топдик<sup>400</sup>. Чунки, унинг «Кангкия» деб ўқилиши «Авесто» ва қадимий Ҳиндистон ёзма ёдгорлиги бўлмиш «Махабхарат»да учрайдиган «кангха», «канки» атамалари билан таққослашга асос беради<sup>401</sup> ва топонимнинг тарихини анча чуқурлаштиради.

<sup>397</sup> Тарихий хотирадар. 510-б.

<sup>398</sup> Шижи. 1137(1137)-1138(1138)-б.; Ханшу. 2364(1156)-б.

<sup>399</sup> История государственности Узбекистана. Т. 1. Ташкент, 2009. С.172-185.

<sup>400</sup> Ҳоджсаев А., Ҳоджсаев К.А. Сведения китайских источников о топониме Кангкия (Кангцзюй) // Труды международной научно-практической конференции «Проблемы науки, образования и устойчивого социально-экономического развития общества в начале XXI века», посвященной 60-летию Южно-Казахстанского государственного университета им. М.Ауезова. Чимкент, 2003 135-140-б.; Ҳоджсаев А., Ҳоджсаев К.А. Сведения китайских источников о южных границах государства Кангкия (Кангцзюй) // Ўзбекистон этнографияси: янгича карашлар ва ёндашувлар. Тошкент, 2004. 67-75-б; Шу муаллифнинг. Сведения китайских источников о государстве Кангкия (Кангцзюй) // Shygys Kazakhstan. № 2, 2005. С. 96-108.

<sup>401</sup> История народов Узбекистана. Ташкент, 1950. Т. 1. С. 105.

Мустақиллик даврида нашр этилган ишларни ўрганар эканмиз, илгари илмий мұомалага киритилған Кангқия (Кангжүй)га оид маълумотлар ўзбекистонлик олим К.Шониёзов ва қозоғистонлик олим Ю.А.Зуев асарларида батафсил таҳлил қилингандыктын гувохи бўлдик<sup>402</sup>. Шунга қарамай, ушбу топоним билан аталған мамлакатта тегишли баъзи масалалар тўла ечимини топмаган. Бинобарин, Кангқия давлатининг жанубий худуди ноаниқ қолган<sup>403</sup>. Шунинг билан бирга айрим хато фикрлар ҳам сақланиб қолган.

Масалан, Ю.А.Зуев асарида Согд (Суғд), Канжүй ва Кан топонимларини бир жойнинг турли даврдаги номларидир, деб таъкидланғандыктын учратамиз<sup>404</sup>. Бу фикрга кўшилиб бўлмайди. Агар Кангқия давлати мавжуд бўлған даврини мисол қилиб оладиган бўлсақ, Суғд унинг жанубий худуди ҳисобланади, «Кан» эса ушбу давлат парчаланганидан сўнг ташкил топган Самарқанд давлатининг хитойча номидир. Уларни бир жой деб ҳисоблаш хотүғри бўлади.

Кангқия давлатининг худудига ҳозирги Қозоғистоннинг жанубий ва Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Каттақўргон, Ургенч вилоятлари кирган<sup>405</sup>. «Тунгдян»да мазкур давлатнинг бир томони Или водийси (Иле 伊列<sup>406</sup>), иккинчи томони Суғд (Суйи 粟弋)<sup>407</sup> билан чегарадош эканлиги ёзилган<sup>408</sup>. Шунинг учун аввалги Хан (Чян-Хан) империяси элчиси Чжант Чян милоддан аввалги 127 йилда ҳуналар тутқинлигидан қочиб, Шаркий Туркистоннинг ғарбий худуди орқали Фарғонага келган ва маҳаллий маъмурият ёрдамида Кангқиянинг жанубий вилоятлари орқали Амударёнинг жанубидаги Дай-рузие (Да-юэжи) давлатига борган. Мазкур давлат ва унинг асосчилари ҳақидаги батафсил маълумотлар ишимиznинг кейинги бобларида келтирилади.

<sup>402</sup> Шониёзов К. Канг давлати ва канглилар (Государство Канг и канглисы). Ташкент, 1990; Зуев Ю.А. Ранние тюрки: Очерки истории и идеологии. Алматы нацпрн, 2002.

<sup>403</sup> Ходжаев А. Сведения китайских источников о южных границах государства Кангқия (Канцзюй) // Ўзбекистон этнографияси: янгича қараашлар ва ёндашувлар. Ташкент, 2004. С. 67-75.

<sup>404</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки: Очерки истории и идеологии. С.91.

<sup>405</sup> Ходжаев А. Сведения китайских источников о южных границах государства Кангқия (Канцзюй) // Ўзбекистон этнографияси: янгича қараашлар ва ёндашувлар. Ташкент, 2004. С. 67-75; Шу муалифининг Сведения китайских источников о государстве Кангқия (Канцзюй) // Shygys Kazakhstan. № 2, 2005. С. 96-108.

<sup>406</sup> Иле (伊列) – Или дарёсининг южни кисмини билдиради.

<sup>407</sup> Взыйшу [9701(1319)-б], Чжоушу [10875(431)-б], Бэйши [13849(1293)-б.] каби сулолалар тарихида Суғд топоними «Сутэ» (粟特) деб ёзилган.

<sup>408</sup> Тунгдян. 2736-б.

«Шижи»даги Кангкияга оид илк маълумот ниҳоятда қисқа бўлиб, унда мазкур мамлакат Буюк Паркона (Дайюан-Даван)нинг шимоли-ғарбида жойлашганлиги, унинг иктиносий асоси чорвачилик эканлиги, урф-одатлари Рузие (Юэчжи)дан фарқ килмаслиги, ихтиёрида 80-90 минг камонкашлари, яъни жангчи-лари бўлганлиги, мазкур давлат шарқи-шимолда Хун империяси, шарқда Буюк Паркона, жанубда Дай-рузие (Да-юэчжи) давлатлари билан кўшни эканлиги ҳамда маълум даражада ҳуналар таъсири остида эканлиги айтилган<sup>409</sup>.

«Ханшу»да нисбатан кўпроқ маълумот келтирилади. Унга кўра, Кангкия давлати мазкур сулола тарихи ёзилишидан аввал Туркистондаги энг йирик давлат бўлиб, унинг аҳолиси 120 минг оиласдан ёки 600 минг, кўшини эса 120 минг кишидан иборат бўлган<sup>410</sup>. Маълумки, «Ханшу» милодий 50-75 йиллар давомида ёзилган. Демак, Хан элчиси Чжанг Чян келиб кетганидан кейинги бир ярим аср давомида Кангкия давлатининг нуфуси кўпайган. Шу даврда Фарғона давлати аҳолисининг сони 60 минг кишига яқин эди<sup>411</sup>.

Хитой манбаларининг кўрсатишига қараганда, Кангкия давлатининг қишиги пойтахти Пиедиен (Piedien, замон. ўқил. Битян, Бэйтян) ва Сукеэк (замон. ўқил. Сушие) шаҳарлари бўлган. Бу икки шаҳар ҳозирги Тошкент атрофида жойлашган бўлиб, улар орасидаги масофа 160-180 кмга teng келган. Пиедиен топонимининг қадимги ўқилиши Бинкент, Баткент, Сукеэк эса Паркент вилоятидаги Сукеэкни эслатади. Мазкур давлатнинг ёзги маркази Фанней Иссиқкўлга яқин жойлашган яйловларга тўғри келади<sup>412</sup>.

Айрим хитой олимларининг ёзишича, Фанней шаҳар номи бўлиб, у ҳозирги Тошкент ва Чимкент вилоятларига тўғри келади<sup>413</sup>. Кангкияning ёзги пойтахти қадимиий Хитойнинг маркази Чангъандан 9140 ли (5214.64 км), қишиги пойтахти 12300 ли (7084.8 км) бўлган. Ушбу рақамлар ҳам Фаннейнинг Пиедиен ва Сукеэк шаҳарларидан анча шарқда эканлигини кўрсатади.

К.Шониёзовнинг ёзишига кўра, Кангкия давлатининг ташкил топган вақти милоддан аввалги III асрга тўғри келади. Хитой манбаларида бу ҳақда аниқ маълумотлар учрамасада,

<sup>409</sup> Шижи. 1138(1138)-б.

<sup>410</sup> Ханшу. 2372(1164)-б.

<sup>411</sup> Ўша жойда.

<sup>412</sup> Ходжаев А. Сведения китайских источников о государстве Кангкия... С. 96-108.

<sup>413</sup> Чжунгтуо дабайкэ чоаншу. Чжунгтуо лиши. 331-б.

уларда келтирилган хабарлар бу давлат милодий V асрнинг бошларида парчаланиб кетганини кўрсатади.

Чунончи, «Вэйшу»да баён этилишича, Кангкия давлати ўрнига Чжэшэ (者舌 – Чач) ва Канг (康 – Самарқанд), Ми (米 – Маймурғ), Ши (史 – Кеш<sup>414</sup>), Цао (曹 – Кебудхан, Кешбуд), Хэ (何 – Кушания<sup>415</sup>), Ан (安 – Бухоро), Шяо-Ан (小安 – Кичик Бухоро), Насепуо (那色波 – Насаф), Унахэ (烏那曷 – ?) ва My (穆 – Амўл / Amol<sup>416</sup>) каби давлатлар ташкил топган<sup>417</sup>. Ушбу давлатлар (Чачдан бошқалари) рузие (юэчжи)лар томонидан барпо этилган бўлиб, уларга Самарқанд давлати етакчилик қилган<sup>418</sup>.

«Бэйши» («Шимолий [сулолалар] тарихи»)да зикр этилишича, ҳуналар хоқонлиги емирилганидан сўнг шимолий хун хоқонининг авлоди ва қабиласи аъзоларининг аксарият кисми Кангкия давлати худудига келиб жойлашган ва ўша жойда Юэпан (Юепан, кадим. ўқ. Йиватпан 悅般) деб номланган хонлик ташкил қилган<sup>419</sup>. Ушбу тарихнинг иккинчи бир жойда ёзилишича, Кангкия давлати худудида Ми (米 – Маймурғ), Ши (史 – Кеш), Цао (曹 – Кебудхан, Кешбуд) давлатлари ташкил топган, деб кўрсатилган<sup>420</sup>. Бу учта давлат (хокимлик) қолганларига нисбатан йирикроқ бўлган ва Хитойга бевосита элчилар юборган бўлса керак, деб ўйлаймиз.

«Тайпинг хуаной жи» номли манбада зикр этилишича, Кангкия давлати ҳукмдорларининг илк аждодидан тарқалган 18 нафар акаукази шу давлат (Кангкия)нинг худуди бўлиб берилган. Шуларнинг бири Кэхан ҳокимлиги (渴汗国) деб номланган. У «Кичик Анши давлати» (Шяо Анши-гуо 小安息国 – Кичик Парфия) деб хам аталган. Ҳукмдор турадиган шаҳарнинг номи Кэхан-чэнг (渴汗城)

<sup>414</sup> «Шиой шичнг жи» (西域行記 Farbий мамлакатларга килинган сафар хотираси) номли сафарномада Жиеши (碣石) Кеши (渴石) ёзилган [Шиой диминг каолу. 472, 531-6].

<sup>415</sup> Хитой олимларининг ёзишича, Хэ (何 – Кушания) давлатининг ўрни хозирги Навоний шаҳрига тўғри келади. Хан давридаги (мил. авв. 206-милодий 25) Фумо-чонг шаҳарининг ўрни билан таккосланади. Тант даврида (милодий 618-907) Гуйшуангти (貴霜國 – Кушания) аталган [Шиой диминг каолу. 378-6.]

<sup>416</sup> Ҳозирги Туркманистондаги Марийга тўғри келади [Шиой диминг каолу. 659-6.]

<sup>417</sup> Вэйшу. 9703(1321) 9707(1325)-б.

<sup>418</sup> Ўша асар. 9707(1325)-б.

<sup>419</sup> Бэйши. 13848(1292) -13849(1293)-6.

<sup>420</sup> Ўша асар. 13855(1299)-б.

бўлган. Хан даврида у Шяо Анши-гуо деб номланган. Шаҳар деворининг узунлиги 10 ли (5.76 км) келган, унда 20 минг оила яшаган. «Кэхан» атамаси «Қўқон» топонимини эслатади. Бироқ бу топоним қадимги Фарғона давлатига тегишли шаҳар номидир. Шунга кўра, Кангкия давлати худудида ҳам «Қўқон» деб номланган жой бўлганми ёки Кангкия хукмдорлари аждодларидан бири Фарғона водийсидаги Қўқонга ҳокимлик қилганми, деган савол пайдо бўлади.

Кангкия давлати аҳолисининг таркиби масаласида К. Шониёзов Н.Я. Бичурин таржималарига ишора килиб, «Сирдарёning ўрта оқимида милоддан олдинги III милодий V асрларда яшаган халқлар Хитой салномаларида қангтуй ёки қангцой деб аталган», деб ёзган<sup>421</sup> ва ўз тадқиқотида «қангтуй» атамасини этноним сифатида ишлатган. Аммо қадимги хитой манбалари бу фикрни тасдиқламайди. Чунончи, сўнги даврда XIXДа нашр этилган айрим асарларда, жумладан 1996 йилда Урумчи шаҳрида хитой тилида нашр этилган «Синжян лиши цидян» («Синжяң тарихи лугати»да «Кангжю» халқ ва давлат номи ҳисобланади), деб ёзилган<sup>422</sup>.

Шу билан бирга ушбу лугатда «VIII асрнинг ўртасида Марказий Осиёнинг дехкончилик худудлари араблар томонидан истило қилинган. Айримлар шу даврда Марказий Осиёда юзага келган Kangares, Kengaer, Kongor, Kengerlu, Kangar каби атамалар Кангжюнинг худди ўзидир, деб ҳисоблай бошладилар. Ляо (907-1125) ва Сунг (960-1127) давлатлари замонасида Марказий Осиёда пайдо бўлган Канглаи, Кенглаи, Ханглаи, Кантгин номли турк қабилалари ана шу ўтмишдаги Кангкияларнинг авлодидир, деб ҳам ҳисобланади»<sup>423</sup>, деб ҳам зикр этилган.

«Канглаи» атамаси илк бор муғуллар Хитойда Юан сулоласини ташкил этганидан кейин битилган асарларда, жумладан «Юанши»да<sup>424</sup> учрайди. Ушбу асарнинг 130-бобида «канглаи Хан давридаги гаочэдир», деб ёзилган<sup>425</sup>. Маълумки, «гаочэ» сўзи «баланд арава» маъносини англатади. Қадимги туркий тилда айтиладиган «канг» ёки «қонг» айнан баланд аравани билдиради.

<sup>421</sup> Шониёзов К. Канг давлати ва канглилар. Тошкент. 1990. 15-б.

<sup>422</sup> Шинжяң лиши цидян (Шинжяң тарихи лугати). Урумчи, 1996. 592-б.

<sup>423</sup> Ўша жойда.

<sup>424</sup> Ўша асар. 591-б.

<sup>425</sup> Юанши. 27454-б.

Хитой манбаларида *гаочэ* деб аталган халқ шарқий турк (*тиетлэк / телэ*)ларнинг бир қисми эканлиги, ушбу этномим мазкур қисмга хитойлар томонидан қўйилган ном эканлиги ва бу ном баланд араваликлар ёки аравада юрувчилар маъносини англатиши қайд этилади. Айрим тарихчилар мазкур *гаочэ* атамаси «қонгқо, қангфор» сўзларининг хитойча талаффузидир, деб хисоблайдилар. Шу асосда «*гаочэ*» ва «*қонгқо*» деб аталганларни бир халқ деб биладилар.

Ваҳоланки, хитой манбаларидаги *кангли* (康里), *хангли* (杭里), *канглин* (康邻) этномимлари кейинроқ пайдо бўлган, улар милодий XIII асрдагача ёзилган хитой манбаларида учрамайди. Мўғуллар империяси даврида *канглин* деб номланганлар *туркларнинг* бир шохчаси, Хан давридаги Кангкия ахолисининг колган бир қисмидир, деган фикр мавжуд<sup>426</sup>. Лекин «Юанши» («Юан [сулоласи] тарихи»)да ёзилишича, *хангли* (杭里) Урал тоғи шарқида ва Орол денгизи шимолида яшаган<sup>427</sup>. Шунинг учун уни Кангкия топонимидан трансформация қилинган, деб айтиш мумкин эмас.

Шу жойда айтиб ўтмок жоизки, Н.Я. Бичурин таржимаси ва хитой тилидаги асл матнинг қиёсий таҳлили жараённида маълум бўлдики, К. Шониёзов асарларидаги «қантгтуй» ва «кангцюй» атамаларини ифодалайдиган икки иероглиф ҳозирги замон хитой тилда «кангжюй» (рус транскрипциясида «канжюй») деб ўқилади. Қадим замонда ушбу иероглифлар Кангкия (Kang-kia) деб талаффуз этилган. Улар «кангли» атамасига алоқадор эмас. Айрим муаллифлар мазкур иероглифларнинг ҳозирги замон ўқилишидан келиб чиқиб, уларни «Кангжюй» шаклида ишлатишади.

*Гаочэ* сўзини ифода этган икки иероглиф қадимда «каукиа» (kau-kia) деб ўқилган. Оҳанг жиҳатдан ушбу сўз «канг-киа» атамасига якин бўлса ҳам, унинг маъноси – баланд арава. Арава қадимги туркий тилда қанг дейилганлиги исбот талаб этмайди. Аммо «канг-киа» сўзини ифодалаган икки иероглифнинг луғавий маъносидан келиб чиққанда, улар гуллаган диёр, катта замин каби мазмунларда кўлланган.

Ўрта асрларга оид Хитой манбаларида Канг-гуо (康国 рус

<sup>426</sup> Шиной димминг каолу. 521-б.

<sup>427</sup> Ўша асар. 373-б.

транскрипциясида Кан-го) деб ўқиладиган икки иероглиф билан ёзиладиган атама пайдо бўлди. У қадимги хитой тилида «канг-куэкс» (Kang-kuэk) деб талаффуз этилган. Ушбу атамани «канг-киа» билан тенглаштириб бўлмайди. Бинобарин, Канг-гуо (Канг-куэк) Самарқандни марказ килган ва Кангкиядан кейин ташкил топган давлат номидир<sup>428</sup>. Бу тезисга куйида батафсил изоҳ берилади.

«Вэйшу»да баён этилишича, ушбу давлатни ташкил этган халқ қадимда Чилян (祁連)<sup>429</sup> тоғларининг шимолида яшаган бўлиб, улар ҳунлар билан тўқнашув натижасида ўз юртларини ташлаб, Помир орқали Самарқанд вилоятига келиб жойлашган. Канг-гуонинг хони Шифуби турк хоқони Дадунинг қизига уйланган. Мазкур давлат аҳолиси чукуркўз, киррабурун ва серсоч бўлган. Тўй ва жаназа маъракалари туркларницидан фарқ қилмаган, будда динига итоат килган. Вэй сулоласи хони Тайян (435-440) саройига Гант-гуо элчи юборган<sup>430</sup>. Мазкур давлатдан Хитойга сўнгти элчи Дае хоқон даврида (605-617) борган<sup>431</sup>. Шундан маълумки, Канг-гуо давлати мавжуд бўлган вақт тахминан V-асрнинг бошларидан VII асрнинг биринчи чорагигача бўлган даврни ўз ичига олади.

## КАНГ-ГУО – САМАРҚАНД ДАВЛАТИ

Самарқанд давлатига (康国) оид маълумот илк бор 550-566 йилларда сарой тарихчиси Вэй Шоу (506-572) битган «Вэй [сулоласи] тарихи» («Вэйшу»)да, «Суй [сулоласи] тарихи» («Суйшу»), «Шимолий [сулолалар] тарихи» («Бэйши»), 766-801 йилларда битилган Ду Ю (735-812) қаламига мансуб «Қонункоидалар ва урф-одатлар баёни» («Тангдян»)<sup>432</sup> ва машхур Талас жангининг қатнашчиси Ду Хуан (Ду Юнинг жияни,

<sup>428</sup> Вэйшу. 9707(1325)-б.

<sup>429</sup> Ушбу маълумотдаги Чилян тоги ҳозирги Чилян-шан тогини англатмайди, зоро, биринчидан, қадимда ҳунлар ҳозирги Таңритог (Тян-шан 天山) билан Чилян тогини яхлит бир тог тизими деб билишган ва уларни Таңритог деб бир ном билан аташган. Иккинчидан, ҳунлар хитойлар билан мулоқотда бўлганида Таңритогни хитойчасига Чилян-шан деб талаффуз этишган. Кейинчалик хитой олимлари ушбу тог тизимининг шаркий бўлганини Чилян-шан, гарбий қисмини эса Тян-шан деб аташган. Бу ҳақда биз «Из истории древних тюрков» номли китобимизда батафсил айтиб ўтганимиз.

<sup>430</sup> Вэйшу. 9707 (1325)-б.

<sup>431</sup> Ўша асар. 9708 (1326)-б.

<sup>432</sup> Ўша асар. 9707(1325)-б.; Суйшу. 11704(826)-б.; Бэйши. 13854(1298)-б.; Тунгдян. З-жилд, 2737-б.

туғилған ва ўлған йили номаълум) томонидан битилған «Ду Хуаннинг кўрган ва эшитган воқеалари баёни» («Ду Хуан жингшиңг жи»)<sup>433</sup> каби асарларда учрайди. Ушбу асарлардаги маълумотларни Н.Я.Бичурин рус тилига ўгирмаган. Мазкур рус олиммининг таржималарида келтирилған Самарқанд давлатига оид маълумотлар Ли Яншоу (туғилған ва ўлған йиллари номаълум) қаламига мансуб бўлған ва 643 йилда ёзиб битирилған «Шимолий [сулолалар] тарихи» («Бэйши»), VII асрнинг ўрталарида бир груп Танг сулоласи сарой тарихчилари томонидан битилған «Суй [сулоласи] тарихи» («Суйшу») ва 1044-1060 йилларда Оу Янгшю (1001-1072) ва Сунг Ци (998-1061)лар ёзган «Танг сулоласининг янги тарихи» («Шин Тангшу»)дан олингган.

**Самарқанд давлатининг номи.** Хитой манбаларида ва адабиётларида учрайдиган «Канг-гуо» (Канг давлати) атамаси олимлар орасида турли фикр-мулоҳазаларнинг келиб чикишига сабаб бўлған масалалардан бири хисобланади. Ушбу атамани улар кўпинча Кангжюй (қадимги ўқилишда Кангкия, Н.Я.Бичурин таржималарида Кангуй, замонавий рус ва ўзбек адабиётида Канжкой) топоними билан адаштирадилар. Масалан, Козогистонлик олим Ю.А.Зуевнинг яқинда нашр этилган «Ранние тюрки: Очерки истории и идеологии» номли асарида «хитой манбаларида Сүфд аввалига Кангжюй, кейинроқ эса Кан деб аталган», дейилган<sup>434</sup>. Шунинг билан олим хитой манбаларидағи Кангкия (Кангжюй), Кант (Канг-гуо) ва Сутэ (Сүфд) каби уч хил тушунчадаги топонимларни аралаштириб кўйган.

Ўзбек олими К.Шониёзов ўзининг «Қанг давлати ва қанглилар» номли асарида «Кан – Сүфдиёндаги вилоятлардан бирининг номи. ...Каннинг марказлашган давлат бўлиши VI асрга тўғри келади»<sup>435</sup>, деб ёзган ва М. Массонга ишора килган ҳолда «Самарқанд ва унинг атрофидаги ерлар Кан деб аталган», ёки «Кан (Самарқанд)», деб қайд этган<sup>436</sup>. Шундан кўриниб турибдики, олим Канг топоними Самарқанд атамасининг хитойча номи эканлигини кўрсатиб ўтган, аммо «Канг» қадимги Мараканд ёки Самарқанд атамаларининг хитойча қисқартирилган транскрип-

<sup>433</sup> Гу шишинг жи. 130-137-б.

<sup>434</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки: Очерки истории и идеологии. С. 91.

<sup>435</sup> Шониёзов К. Қанг давлати ва қанглилар. Тошкент, 1990. 54-55-б.

<sup>436</sup> Ўша ерда.

цияси эканлигидан бехабар қолган.

Бундай ноаникликтининг асосий сабаби «Канг-гуо» ва «Канг-жуй» топонимларини ёзишда ишлатилган «канг» (康) иероглифининг бир хил эканлигидадир. Ушбу атамалар уларни ёзишда ишлатилган иккинчи иероглифларнинг ҳар хиллиги билан фарқланади. Бу икки давлат номини адаштириш осон бўлганлиги сабабли хитой луғатларида уларга алоҳида эътибор берилган. Чунончи, асрлар давомида тўлдирилаётган ва такомилаштирилаётган «Цихай» («Сўзлар дентизи») номли энциклопедик луғатда «Канг-гуо давлат номи бўлиб, у қадимда ҳозирги Ўзбекистон Республикасидаги Самарқанд вилоятида жойлашган эди»<sup>437</sup>, деб шархланган.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган «Циоан» («Сўзларнинг келиб чиқиши») номли этимологик луғатда «Канг давлати (Канг-гуо) шаҳар-давлатдан иборат бўлиб, унинг худуди ҳозирги Самарқанд шаҳри ўрнига тўғри келади»<sup>438</sup>, деб кўрсатилган. Буюк ипак йўлига бағишланган «Чжуңгтуо сично чжилу цидян» («Ипак йўлига оид хитой луғати») катта луғатда «Сиванжин (Самарқанд атамасининг хитойча транскрипцияси) давлати кичик бир хонлик бўлиб, унинг маркази ҳозирги Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида жойлашган»<sup>439</sup>, деб ёзилган.

Канг (Kang 康) Самарқанднинг қадимги хитойча аталиши эканлиги яқинда нашр этилган «Шиой диминг каолу» («Гарбий мамлакатлар топонимикасига оид тадқиқотлардан лавҳалар») номли асадра ҳам айтиб ўтилган<sup>440</sup>.

Канг-гуо Самарқанд давлати эканлиги қадими хитой манбаларида ҳам қайд этилган. Масалан, «Ду Хуан жингшинг жи»да «Канг-гуо Ми давлатининг (Мигуо – Маймурғ) гарбижанубида 300 ли (172.8 км) нарида жойлашган, у Самаоцзян деб ҳам аталади»<sup>441</sup>, дейилган. Худди шундай маълумот «Тунгдян»да ҳам келтирилган<sup>442</sup>. «Да Танг Шиой жи»да «Самуожян давлатини Танг суоласи Канг-гуо деб атаган»<sup>443</sup>, деб ёзилган.

Н.Я.Бичуриннинг таржимасида «Владение Кан, иначе

<sup>437</sup> Цихай. 859-б.

<sup>438</sup> Циоан. 2-жилд. 1012-б.

<sup>439</sup> Чжуңгтуо сично чжилу цидян (Хитойча Ипак йўли луғати). Урумчи. 1994. 12-б.

<sup>440</sup> Шиой диминг каолу. 519-б.

<sup>441</sup> Ду Хуан жингшинг жи // Гу шишинг жи. 133-б.

<sup>442</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2737-б.

<sup>443</sup> Да Танг Шиой жи (Буюк Танг суоласи даврдаги гарбий мамлакатлар ҳакида баён) // Гу шишинг жи. 71-72-б.

называемое *Самогянь* и *Лимогянь*, при династии Юань-вэй называлось *Сивинъгинь*<sup>444</sup>, деб ёзилган. Хитой тарихчиси Ванг Чжилай «Самарқанд вилояти умумлаштирилган ҳолда Канг деб аталади, у Самоцзян, Сиванжин деб ҳам айтилади»<sup>445</sup>, «Сиванжин Семискент демақдир»<sup>446</sup>, деб ёзган.

VI-VIII асрларда Хитойга турли сабаблар билан келиб яшаб қолган самарқандликларга Канг (康), Бухородан борган савдогарларга Ах (安), Фарғонадан боргандарга Цао (曹), Зарафшон дарёси бўйидаги жойлардан боргандарга Ми (米), Тошкентдан бўлгандарга Ши (石) фамилиялари берилган<sup>447</sup>. Ушбу мисол ҳам Самарқандни хитойлар қисқартириб Канг, деб атаганлигидан далолат беради.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, хитой манбаларидаги «Канг-гуо» Самарқанд давлати эканлиги шубҳасизdir. Уни Кангкия (Кангжой, Кангуй) билан адаштириб бўлмайди.

**Самарқанд давлатининг ташкил топган ва йўқолган вақти.** К.Шониёзов хитой манбаларида «Канг-гуо» деб номланган давлатнинг қачон пайдо бўлганлиги аниқ эмас, деб айтиб ўтган эдилар<sup>448</sup>. Ушбу давлатнинг ташкил топган вақти хитой манбаларида ҳам аниқ кўрсатилмаган. Лекин улардаги айrim билвосита маълумотларни таҳлил қилганимизда, мазкур давлат тахминан 520-530 йилларда ташкил этилганлиги маълум бўлади. Масалан, юқорида тилга олинган «Чжунгтую сичноу чжилу цидян»да «Канг давлати Марказий Осиёдаги кичик ҳокимият эди. ...V асрдагча ушбу ҳокимият Кангкия (Кангжой) давлати таркибиға кирган. V асрдан кейин катта бўлмаган мустақил давлат сифатида тарихга кириб келган»<sup>449</sup>, деб зикр этилган.

Хитой тарихчиларининг асарларида келтирилган маълумотларга кўра, 436 йилда келиб чиқиши туркий халққа боғлиқ бўлган сянбилар<sup>450</sup> томонидан ташкил этилган Шимолий Вэй (Бэй-Вэй) сулоласининг (386-534) учинчи императори Тай-удига (424-452) Дувэн исмли бир одамни

<sup>444</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений.. Алматинское изд. Т. 2. С. 322.

<sup>445</sup> Ванг Чжилай. Чжунгъя шиганг. 225-б.

<sup>446</sup> Ўша асар. 153-б.; Шу муаллифнинг. Урга Асия тарихи. Урумчи, 2000. 218-б.

<sup>447</sup> Хўжасев А. Хитой манбаларидаги сұғдиларга оңд айrim маълумотлар // «О»zbekiston tarixi». № 1. 2004. 52-61-б.

<sup>448</sup> Шониёзов К. Канг давлати ва канғиллар. 54-б.

<sup>449</sup> Чжунгтую сичноу чжилу цидян. 12-б.

<sup>450</sup> Сянбилар шарқий гуллар (дунгху, рус адабиётida тунгус) билан хунларнинг аралашishi натижасида шаклланган халқ (Ванг Чжунгхан. Чжунгтую минзу ши. 195-196-б.). Вэй давлати ташкил топиши арафасида улар Манжуря (хозирги ХХРнинг Дунгбэй ўлкаси) ва Ички Монголия худудида яшаган.

Гаомин хамрохлигида Туркистонга элчи килиб юборган. Ватанига қайтиб келганида, ушбу элчи Тай-удига кўрган-билганлари ҳакида батафсил сўзлаб бергач, сафар давомида 16 хонликни зиёрат қилганлигини ва шулар қаторида Усун, Фарғона (Полона), Чач (Чжэшэ), Самарқанд (Самуojян) каби давлатлар бўлганлигини тъкидлаб ўтган<sup>451</sup>.

Ушбу маълумотга кўра, 436 йилда Самарқанд давлати мавжуд бўлган. Шунга асосан айтиш мумкинки, Самарқанд давлатнинг ташкил топган вақти мазкур санадан кеч бўлиши мумкин эмас.

«Вэйшу»да ёзилишича, Самарқанд давлатидан биринчи элчи Тайян даврида<sup>452</sup> келган, шундан кейин ушбу давлатдан бошқа элчилар келмаган<sup>453</sup>. «Вэйшу»даги ғарбий мамлакатларга бағишлиланган 90-бобининг охирида ёзиб қўйилганки, мазкур асар муаллифи Вэй Шоунинг «Ғарбий мамлакатлар тазкираси» йўқолган. Шундан кейин сарой тарихчилари уни «Бэйши» ва «Суйшу»даги ғарбий мамлакатларга оид бобларида келтирилган маълумотлар асосида тўлдирганлар.

«Суйшу»да Кангтудан биринчи элчи Дае даврида (605-617) келган, деб зикр этилган эди, лекин «Вэйшу»нинг йўқолган бобини тўлдиришда тарихчилар Дае сўзини Тайянга ўзгартириб, хатога йўл қўйишган, деб ёзилган<sup>454</sup>. Ҳакиқатан ҳам, «Бэйши» ва «Суйшу»ларда Дае даврида Самарқанддан илк бор элчи келганлиги айтилган<sup>455</sup>. Дае даври Шимолий Вэй сулоласидан кейин ташкил топган Суй давлатининг (581-618) иккинчи хоқони Янг-ди (605-617) таҳтда ўтирган вақтга тўғри келади.

«Вэйшу»да тилга олинган ўзгартириш хато эканлигини тасдиқловчи воқеа шундан иборат бўлганки, Янг-ди даврида Суй сулоласи узоқдаги ғарбий *турклар* билан иттифоқлашиб, ўзига яқин бўлган шарқий *туркларга* қарши курашиш сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилган<sup>456</sup>. Мазкур ҳаракат доирасида у ғарбий *турклар* бошликларига кетма-кет элчилар юборган<sup>457</sup>. 603 йилда Турк хоқонлиги шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетган. Ғарбий *турклар* бошликлари Суй сулоласининг

<sup>451</sup> Ванг Чжилай. Чжунъя шиганг. 152-б; Цихай. 599-б.

<sup>452</sup> Маълумки, Тайян Шимолий Вэй сулоласи Тай-удининг учинчи 6 йиллигига берилган ном бўлиб, у 435-440 йилларга тўғри келади.

<sup>453</sup> Вэйшу. 9606(1325)-б.

<sup>454</sup> Ўша асар. 9707(1326)-б.

<sup>455</sup> Суйшу. 11704(826)-б; Бэйши. 13854(1298)-б.

<sup>456</sup> Шиой тунгши. 123, 130-б.

<sup>457</sup> Ўша асар. 132-б.

ваъдаларига ишониб, унинг билан яхши муносабатда бўлган<sup>458</sup>. Шунда ғарбий турклар назорати остидаги юртлардан Хитойга элчилар ва савдогарлар келган.

Хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, «Суй сулоласи даврида Самарқанд давлати Турк хоқонлигига тобе бўлган. 627 йилда Канг давлатининг хони (ванг) Танг сулоласи хонадонига элчи юборган»<sup>459</sup>. «Шин Тангшу»да ёзилишича, 631 йилда ҳам Самарқанддан Чангъанга элчи келган<sup>460</sup>. Ушбу маълумотдан кўриниб турибдики, Турк хоқонлиги даврида Самарқанд давлати унга тобе бўлган ҳолда Хитой билан бевосита алоқа килиш имкониятига эга бўлган.

«Шин Тангшу» ва «Танг хуэй яо» («Танг сулоласи ҳақида қисқача баён») каби манбаларда зикр этилишича, 654 йилнинг 5-6 ойларида араблар Самарқандга хужум уюштирган<sup>461</sup>, лекин уни эгаллай олмаган. Араблар ушбу шаҳарни ўз назорати остига олган вақти 712 йилга тўғри келади<sup>462</sup>. 713 ва 719 йилларда Самарқанддан Чангъанга яна элчилар келган<sup>463</sup>. 731 ва 737 йилларда турклар Самарқанддан арабларни чиқариб юборишга харакат килгандар. Гарчи уларнинг харакатлари кутилган натижаларни бермаган бўлса ҳам, араблар ўзининг Самарқанд ва унинг атрофидаги майда хонликлар устидан ўрнатган назоратини бироз бўшатишга мажбур бўлган. Шундан кейин Самарқанд ва унинг атрофидаги давлатлардан Хитойга элчилар бормаган<sup>464</sup>.

VIII асрнинг ўрталарида Тараз (Талас)да юз берган араблар билан Танг сулоласи кўшинларининг тўқнашуви Хитойга мағлубият келтирди. Шундан кейин араблар Хитойга элчилар юбориб, ислом тарғиботи билан шугуллана бошладилар. Танг сулоласи эса бунга шароит яратиб беришга мажбур бўлди. Шу боис Туркистон билан Хитой ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳам тикланди. Хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, 754-755 йилларда Шаш, Самарқанд, Бухоро давлатлари ва уларнинг

<sup>458</sup> Ўша асар. 133-б.

<sup>459</sup> Ўша асар. 225-б.

<sup>460</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Московское изд. Т. 2. С. 311.

<sup>461</sup> Ванг Чжилай. Чжунгъя шиганг. 239-б.

<sup>462</sup> Ўша асар. 250-б.

<sup>463</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Московское изд. Т.2. С. 311; Ванг Чжилай. Чжунгъя шиганг. 254-б.

<sup>464</sup> Ванг Чжилай. Чжунгъя шиганг. 260, 263-б.

атрофидаги мамлакатлардан Чангъангта элчилар келган<sup>465</sup>. Ундан кейинги йилларда Самарқанддан Хитойга элчилар борганилиги хакида маълумотлар хитой манбаларида учрамайди.

Келтирилган маълумотлар Самарқанд давлатининг ташкил топган вақти V асрнинг иккинчи чорагига, йўқолган вақти эса VIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади; *турклар* ва араблар назорати остида бўлганида Самарқанд давлати хорижий мамлакатлар, жумладан Хитой билан дипломатик ва савдо алоқаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлган, деган хуросага асос бўла олади.

Хитой манбаларида Самарқанд давлатининг Турк хоқонлиги даврдаги ҳолатига оид маълумотлар кўп эмас. Шунга қарамай, бор маълумотлардан ҳам ушбу давлат билан Турк хоқонлиги ўртасидаги муносабатларнинг умумий тасаввурига эга бўлиш мумкин. Масалан, «Вэйшу»да «Сиванжин давлатининг пойтахти Сиванжин шаҳридир, Шими (Сими Маймур) давлатининг ғарбida ва Вэй сулоласи пойтахтидан 12720 ли (7326.72 км) нарида жойлашган. Ушбу давлатининг жанубида Касайна (Косон атамасининг хитойча транскрипцияси) тоғи бор, у ерда шерлар яшайди, уни бошқа давлатларга совға сифатида олиб кетишади»<sup>466</sup>, деб зикр этилган.

«Вэйшу» ва «Суйшу»да ёзилича, Самарқанд давлатининг хони (ванг) Дайшиби бағри кенг олийжаноб ва ҳалкнинг эътиборини қозонган шахс бўлиб, у ғарбий *турклар* хоқони Билге Тарду-қоғон (Даду-қоҳан – 576-603<sup>467</sup>) кизига уйланган<sup>468</sup>. 600-603 йилларда оламдан ўтган Билге Тарду-қоғон 70-80 йил яшаган деб хисоблаганда, унинг туғилган вакти 523-533, болалик бўлган вақти эса 548-551 йиллардан олдин бўлиши мумкин эмас.

Тахмин қилиш мумкинки, турмушга чиққанида қоғоннинг кизи 18 ёшда бўлган. Шунда Дайшибининг уйланган вақти 566-576 йилларга тўғри келади. Агар Самарқанд ҳукмдори Билге Тарду-

<sup>465</sup> Ўша асар. 293-б.

<sup>466</sup> Вэйшу. 9701(1319)-б.

<sup>467</sup> Хитой манбаларидаги Даду-қоҳан (Датоу-қоҳан) Тардуш (Тарду) хоқоннинг хитойча ёзилишидир. У Истеми когоннинг (562-576) ўғли хисобланади. Хитой тарихчиси Лин Ганинг кўрсатишича, унинг ғарбий туркларга бошлиқ бўлган вақти 576-603 йилларга тўғри келади, у Бўка-хокон деб ҳам номланган [Лин Ган. Турк тарихи. Урумчи, 2002. 464-б.]. Тургун Олмоснинг ёзисида, Тардуш (Тарду) хоқоннинг таҳтда ўтирган даври 567-600 йилларга тўғри келади [Тургун Олмос. Ўйгурулар. Урумчи, 1989. 341-б.]. «Шинжянг лиши цидян» номли лугатда Датоу-қоҳан 603 йилда ўлган, деб кўрсатилган [Шинжянг лиши цидян (Шинжянг тарихи лугати)]. Урумчи, 1996. 180-б].

<sup>468</sup> Вэйшу. 9707 (1325)-б; 11704 (826)-б.; Суйшу. 11704 (826)-б.

қоғоннинг қизига уйланганида 30 ёшда эди, деб ҳисоблаганда, унинг туғилган вақти 536-546 йилларга түгри келади. Шундай экан, у 534 йилда йўқ бўлиб кетган Вэй суоласи хонадонига совга юбориши мумкин эмас эди. Демак, Дайшиби улгайибоқ Билге Тарду-қоғонга кўёв бўлган. Демак, у 520-530 йилларда, яъни 20-25 ёшларга кирганида тахтга ўтирган бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Дайшиби мустакил хон бўлганидан сўнг орадан кўп ўтмай, Вэй суоласи пойтахтига элчи юборган. Бу хулоса «Вэйшу»нинг кўрсатмасига зид келмайди.

Юкоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Турк ҳоқонлиги даврида Самарқанд давлати йўқ қилинмаган, аксинча, у Билге Тарду-қоғон томонидан кўллаб-қувватланган.

«Да Танг Шиой жи»нинг муаллифи Шюан Цзянг зикр килишича, Самарқанд давлатининг худуди айланмасига 1600 ли (921.6 км)дан иборат бўлган, у шарқдан ғарбга қараб чўзилган. Марказий шаҳарнинг худуди айланмасига 20 ли (11.52 км)дан иборат бўлган ва деворлар билан ўралган. Шаҳарда хорижлик савдогарлар кўп бўлган ва бозорлари турли-туман кимматбаҳо молларга бой бўлган<sup>469</sup>.

«Вэйшу»да Самарқанд давлатининг маркази Сабаошуй (Сиаб дарёси)<sup>470</sup> ёнидаги Алуди шаҳридир<sup>471</sup>, деб кўрсатилган. Рус олимаси Л.А.Боровкова Алуди топоними биргина «Вэйшу»да учрайди, деб ҳисоблаган<sup>472</sup>. Лекин мазкур атама «Тунгдян» номли асарда ҳам мавжуд<sup>473</sup>. Л.А.Боровкованинг фикрича, Самарқанд давлатининг маркази Бекободга тўғри келади<sup>474</sup>. Самарқандни зиёрат килган хитой сайёхи Шюан Цзянгнинг асаридаги «Канг-гуо» топонимига берилган шарҳда унинг мааркази ҳозирги Самарқанд шаҳрига тўғри келиши айтилган<sup>475</sup>. Бизнинг фикримизча, Алуди топоними Ўрда сўзининг хитойча транскрипцияси бўлиш керак. Чунки хитойлар ушбу сўзнинг «Ўр» кисмини бошқача талаффуз эта олмайди.

Козогистонлик олим Ю.А.Зуев «Бэйши»га ишора қилган ҳолда «Хитой манбаларидаги Соғд аввалига Кантжюй, кейин-

<sup>469</sup> Да Танг шиой жи // Гу шишинг жи. 71-72-б.

<sup>470</sup> Вэйшу. 9707(1325)-б; Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии. Москва, 1989. С. 138.

<sup>471</sup> Хитой лугатларида Алуди деб номланган шаҳар борлиги тилга олинмайди.

<sup>472</sup> Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии... С. 138.

<sup>473</sup> Тунгдян. З-жилд. 2737-б.

<sup>474</sup> Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии ... С. 139.

<sup>475</sup> Да Танг шиой жи // Гу шишинг жи. 84-б.

роқ Кан» деб аталган, деган фикрни олға суради<sup>476</sup>. Шунинг билан у хитой манбаларидаги Соғд (Сутэ) билан Самарқанд ва Кангкия давлатларини тенглаштиради. Бу фикр хитой манбаларининг кўрсатмаларига бутунлай зид келади. Бинобарин, худудий жиҳатдан олганда, Кангкия (Кангжой), Самарқанд давлати ва Суғд тушунчалари тенг эмас. Хитой манбаларидаги Суғд (Сутэ) давлати доирасига Самарқанд кирмаган. Аммо географик нуқтаи назардан олимлар Самарқандни Суғднинг бир кисми деб ҳисоблайдилар<sup>477</sup>. Узок давр давомида Суғд Кангкиянинг бир кисми эканлигини хитой манбалари тўла тасдиклади<sup>478</sup>. Шу боис ушбу манбаларда Самарқанд ёки Кангкия Сутэ (Суғд) деб аталмайди. Хитой манбаларининг кўрсатишича, Сутэ топоним бўлиб, унинг билан аталган худуд шимолда кирғизлар юртидаги чўл, жанубда Ҳисор ва Зарафшон тоғлари, шарқда Фарғона водийси, гарбда Амударёнинг кўйи оқими билан чегарадош бўлган<sup>479</sup>. Замонавий хитой адабиётида ушбу худудда яшовчилар этник жиҳатдан келиб чикиши қандай бўлишидан қатъи назар «сугтэ» ёки «сугтэрэн» (Суғд одамлари) деб номланади.

Бу борада хитой манбаларидаги «Суғд» (Сутэ) топонимига оид маълумотларга ҳам эътибор бериб ўтиш ўринлидир, зеро улар орасида тадқиқчиларнинг диққатига сазовор хабарлар кўп. Масалан, Помирнинг гарб томонида яшайдиган сұғдийлар (сутэ) қадим замонда Кангкия давлатининг (хозирги талаффузда Кангжой) гарбий шимолида, яъни Каспий ва Орол дengизлари бўйларида истикомат килишган, шунда уларнинг давлати Янцай (Аурси), Вэннаша деб номланган<sup>480</sup>. «Вайшу»да ёзилишича, «Суғд давлати Помирнинг (Цунглинг, рус адабиётида Цунлин) гарб томонида жойлашган. Қадимда Янцай [давлати] Вэннаша деб номланган. Улкан кўл<sup>481</sup> ёнида ва Кангкия (Кангжой) давлатининг шимоли-гарбида жойлашган»<sup>482</sup>.

«Чжоушу»да «Суғд давлати Помирнинг (Цунглинг, рус адабиётида Цунлин) гарб томонида жойлашган. Қадимда ушбу

<sup>476</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки: Очерки истории и идеологии. С. 91.

<sup>477</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. Тошкент, 2004. 175-б.

<sup>478</sup> Ходжаев А. Сведения китайских источников о государстве Кангкия (Канцзой) // «Shygys» Kazakhstan. № 2, 2005. 96-108-б.

<sup>479</sup> Ванс Чжилай. Чжуюн шиганг. 153-б.

<sup>480</sup> Вайшу. 9701(1319)-б.

<sup>481</sup> Каспий дengизи кўзда тутилган.

<sup>482</sup> Вайшу. 9701(1319)-б.

давлат Янцай деб номланган. Вэннаша деб ҳам аталади, ёнида улкан күл мавжуд, Кангкя (Кангжюй) давлатининг шимолигарбида жойлашган. Бавдингнинг 4-чи йили (564) бу давлат хони совгалар билан элчи юборган»<sup>483</sup>, дейилган.

«Тунгдян»да «Сугд (Суйи) [хонлиги] ... Помирнинг (Цунглинг, рус адабиётида Цунлин) гарб томонидаги катта давлатдир. Қадим замонда ушбу давлат Янцай деб номланган. У Тежиймэн деб ҳам аталади»<sup>484</sup>, деб зикр этилган.

Хитой олимларининг тадқиқотларида таъкидланишича, милоддан аввали 177-176 йилларда *дай-рузие* (*да-юээкси*)лар<sup>485</sup> ҳунлар билан бўлган жангда мағлубиятга учраганидан сўнг илгари яшаган Дунхуанг ва Чилян тоғлари (Тангритоғ) атрофидаги жойларини ташлаб, Или водийсига ва Чу дарёси бўйларига кўчиб келган. Улар бу ердаги *сакларни* мағлубиятга учратиб, махаллий ахолининг бир қисмини гарбга, иккинчи бир қисмини жанубга чекинишга мажбур килган. Гарбга чекинган *саклар* Орол ва Каспий денгизлари шимолидаги заминда Янцай (Аурси) давлатини, жанубга кетганлари эса Кангкя (Кангжюй) давлатини ташкил этган<sup>486</sup>.

«Шижи»да «Янцай Парконнинг гарбий шимолидан 2000 ли (1152 км) наридаги чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчилар юртидир, у ердагиларнинг урф-одатлари кангкияликлардан фарқ қилмайди, юз мингдан кўп аскарлари бор, ери бепоён, денгиз бўйида жойлашган, ушбу денгизни шимолий денгиз деб атайдилар»<sup>487</sup>, деган маълумотни учратамиз. Мазкур матнiga хитой олимлари томонидан берилган шарҳда «Аурсилар ўз даврида шимолий Кавказ, Дон дарёсининг шимоли оқимида яшаган туркий тил тизимидағи қабиладир»<sup>488</sup>, деб зикр этилган. «Цихай» номли қомусий луғатда айтилишича, «Шарқий Хан даврида (милодий 25-220) улар Алани, З хонлик даврида (220-280) Алан деб номланган, Орол ва Каспий денгизлари оралиғида яшаган, чорвачилик билан шуғулланган. Шарқий

<sup>483</sup> Лидай гэзу чжуанжи хуэйбян (Асрлар давомида битилган маҳсус хотиралар түплами). Тўплам 2. 2-жилд. Шангхай, 1959. 1839-б.

<sup>484</sup> Тунгдян. 3-жилд, 2751-б.

<sup>485</sup> Да-юээчки (Даюэцзи, Даюецзи) этноним сифатида милодий II асрга оид манбаларда учрайди. Ушбу атама милоддан аввали III-II асрларда Хэси йўлаги ва Тангритогнинг шарюй қисми атрофида мавжуд бўлган давлат номи бўлмиш Юэчжи (қадимги ўқилиши *yiwat-zie, ru-zhi*) сўзидан трансформация бўлган.

<sup>486</sup> Шиши тунгши. 50-б.

<sup>487</sup> Шижи. 1138 (1138)-б.

<sup>488</sup> Тарихий хотиралар. 520-б.

Хан даврида Кангкия давлатига итоат қылган»<sup>489</sup>. «Циоан» номли этимологик лугатда зикр этилишича, «Янцай кадимги давлат номи бўлиб, Шарқий Хан даврида Алани давлати деб аталган, Жанубий ва Шимолий сулолалар даврида (420-550) Суғд (Сутэ) давлати деб аталган, Вэннаша деб ҳам аталади»<sup>490</sup>.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб қатъий хуоса қилиш мумкинки, ҳудудий жиҳатдан Сутэ (Суғд) Кангкия ва Канг (Самарқанд) орасига тенглик белгиси кўйиб бўлмайди.

Хитой манбаларининг гувохлигига кўра, Самарқанд давлатини Тангритоғ томонидан кўчиб келган Вэн Дайшиби бошлигидаги бир гурӯҳ *рузиелар* ташкил этган. Бу борада «Вэйшу»да «Канг давлати хонининг фамилияси Вэн бўлиб, у аслида *рузиялардан (юэкси)* бўлган, ўтмишда Тангритоғ (Чилян, Чилян-шан 祁連, 祁連山)<sup>491</sup> шимолидаги Чжавъу шаҳрида яшаган. *Хунлар* билан бўлган курашда мағлуб бўлганидан сўнг, улар ўз юртларини ташлаб, Помир орқали Самарқандга келиб жойлашиб қолган»<sup>492</sup>. Шу жойда мазкур *рузиелар* милоддан аввалги II асрда Тангритоғ атрофидан кетган ва хитой манбаларида *дай-рузие (да-юэкси)лар* деб аталганлар гурухига кирмаганигини таъкидлаб ўтмоқ ўринлидир.

«Вэйшу»да баён этилишича, Канг-гуонинг хони Шифуби турк хоқони Дадунинг кизига уйланган. Ушбу давлат аҳолиси чукуркўз, баланд бурунли ва серсоч бўлган<sup>493</sup>.

«Вэйшу»да баён этилишича, Самарқанд давлатини ташкил килганлар будда динига итоат килган ва уларнинг тўй ҳамда жаноза маросимлари ўтказиш одатлари *туркларницидан* фарқ килмаган<sup>494</sup>.

Самарқанд давлати аҳолисининг урф-одатлари ҳакида «Тунгдян»да батафсил маълумот келтирилади. Чунончи, ушбу манбада қуйидагилар ёзилган.

«Канг давлати... одамларининг кўзи чукур, бурунлари қирра, сокол-мўйловлари қуюқ, савдо ишларига моҳир, атрофидаги ёввойилар мазкур давлатга окиб келишади. [Уларда] катта ва

<sup>489</sup> Цихай. 646-б.

<sup>490</sup> Циоан. 1-жилд. 721-б.

<sup>491</sup> Эслатмок жоизки, ушбу маълумотдаги Чилян тогини ҳозир Чилян-шан номи билан аталган тоғ билан тенглаштириб бўлмайди. Бу ҳақдаги батафсил изоҳ юкорида берилган.

<sup>492</sup> Вэйшу. 9707(1325)-б.

<sup>493</sup> Ўша жойда.

<sup>494</sup> Ўша жойда.

кичик ногоралар, пипа (пипа)<sup>495</sup>, 5 торлик чолғу асбоби, най мавжуд. [Уларнинг] тўй ва ўлим маросимлари *турклар* (*тұжсюә*)нидан фарқ қилмайди. Буддага итоат қиласиди, *хулар*<sup>496</sup> ёзувины ишлатади»<sup>497</sup>.

«Тунгдян»да бизгача етиб келмаган ва Вэй Же исмли бир киши қаламига мансуб бўлган «Шифанг жи» («Гарбдаги мамлакатлар хотираси») номли асардан бир лавҳа келтирилади. Унда «Канг давлатининг одамлари савдо ишларига пишиқ, болаларни 5 ёшидан ўқитишади, ёшлигидан савдо ишларига ва фойда олишга ўргатишади. [Улар] ашула айтишни яхши кўради. Янги йил 6-чи ойнинг биринчи кунидан бошланади. Янги йил куни хукмдорлар ва фуқаролар янги кийим кийишади, сочсоқолларини ясатишади. Пойтахтнинг шарқий томонидаги дараҳтзорда 7 кун давомида от чопиш ўйини бўлади, охирги куни битта тилло тангани осиб кўйиб, унга ўқ-ёй отиб теккизиш мусобақаси ўтказилади. Тангага ўқ теккиза олган камонкаш бир кун давомида тахтга ўтказилади. Тангрига қаттиқ эътиқод килали ва барча ишларида ундан мадат сўрайди»<sup>498</sup>.

Ушбу маълумот «Тайпинг хуанюй жи» номли асарда ҳам келтирилади<sup>499</sup>. Улар кўшимча изоҳ талаб этмайди.

Шу замондаги самарқандликларнинг хаёт тарзи асосан ўтроқ бўлган. Масалан, «Тунгдян»да баён этилишича, самарқандликлар деҳкончилик, боғдорчилик, узумдан узок муддат давомида сақлаш мумкин бўлган мусаллас тайёрлаш, ипак мато, пахта ишлаб чиқариш, от, тuya, хачир, қорамол боқиши ишлари билан шуғулланган. Шу билан бирга ушбу манбада Самарқанд сариқ олтин ва доривор ўсимликлар кўплиги айтилган<sup>500</sup>. Мазкур маълумот Самарқанд заргарлик ва табобат ишлари яхши ривожланганинига дарак беради.

**Самарқанд-Хитой алоқалари.** Хронологик жихатдан олганда, «Вэйшу»дан кейин ёзилган манба «Бэйши» ҳисобланади. Унда «Вэйшу»да келтирилган маълумотлар кайд этилади ва биронта янги маълумот келтирилмайди. Самарқанд давлати

<sup>495</sup> Ушбу чолгу асбоб араблар, эронликлар орасида кенг таржалган, Хан даврида Хитойда ҳам кўлланган [Ханой дазидян. 2-жилд. 1119-б.].

<sup>496</sup> Ушбу матнда ду этноминим ҳүнлар, гузлар, ва қадимий Хитойнинг ғарб томонида ёшаган барча халқларга нисбатан ишлатилган.

<sup>497</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2737-б.

<sup>498</sup> Ўша жойда.

<sup>499</sup> Тайпинг хуанюй жи. 183-боб. 2а-2б-б.

<sup>500</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2737-б.

ҳақида нисбатан кўпроқ ёзилган «Суйшу»да зикр этилишича, «Канг-гуо» Кангкия давлатидан кейин ташкил топган<sup>501</sup>. «Тунгдян»да 435-440 йилларда (Кейинги Вэй сулоласи ҳукмдори Тайунинг «Тайян» деб номланган даврида Кангкия давлати Чжэши (Шаш), Суй даврида (581-618) эса «Канг-гуо» деб номланган, 605-617 йилларда Хитойга элчилар юрган<sup>502</sup>, дейилган. «Вэйшу»да эса «Суй сулоласи (581-618) хоқони Дае (Ян-ди – 605-617) даврида ушбу сулола хонадонига Самарқанд давлатидан сўнги марта элчи келган<sup>503</sup>, деб зикр этилган.

605-616 йилларда хозирги Ўзбекистон ва Афғонистон шаҳарларини зиёрат килган Вэй Же исмли хитой сайёхининг қаламига мансуб бўлган «Шифан жи»<sup>504</sup> («Гарбий кўшнилар ҳақида баён») номли асарда ёзилишича, 648 йилда Самарқанд давлатининг ҳукмдори Танг сулоласи хонадонига ранги тиллога ўхшаган сариқ шафтоли юборган. Хитойликлар бу мевани «олтин шафтоли», деб аташган<sup>505</sup>.

«Жю Тангшу» («Танг сулоласининг кўхна тарихи»)нинг «Мусиқа бобида» Хитойнинг пойтакти Чанъанда Самарқанд давлатидан келган мусиқачилар ўз маҳоратларини кўрсатганлиги ва улар санъатини Танг хонадонида «Канглэ» («Самарқанд мусиқаси») деб аталганлиги ёзилган<sup>506</sup>. Ушбу маълумот Самарқанд билан Танг сулоси ўргасида маданий алоқалар ҳам ўрнатилганлигидан, яни Самарқанд давлати билан Хитойда мавжуд бўлган Суй ва Танг сулолалари билан дипломатик алақалар мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

«Да Танг Шииной жи» номли сафарномада баён этилишича, Хиндистонга бориб қайтган хитойроҳиби Шюан Занг (596-664) 631-631 йилларда Самарқанд давлатидан ўтган ва ушбу давлатнинг ҳукмдори ниҳоятда пахлавон, отлари бақувват, лашкарлари жанговар, кўшни давлатлар унинг амрига итоат қиласи, кўшиналари турклардан ташкил топган, деб баён этган<sup>507</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги хуло-саларни умумлаштириш мумкин:

<sup>501</sup> Суйшу. 11704(826)-б.

<sup>502</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2736-б.

<sup>503</sup> Вэйшу. 9708 (1326)-б.

<sup>504</sup> Ушбу асар даврамигача сакланиб келмаган, лекин унинг мазмунни Тунгдянга киритилган [Циоан. 2-жилд. 1234-б].

<sup>505</sup> Ўш жойда.

<sup>506</sup> Циоан. 2-жилд. 1012-б.

<sup>507</sup> Да Танг Шииной жи // Гушишинг жи. 72-б.

- 1) хитой манбаларида «Канг-гую» деб номланган давлат Самарқанд давлати эканлиги шубҳасиздир. Уни Кангкия (Кангжюй, Кангуй) билан адаштириб бўлмайди;
- 2) Самарқанд давлатининг ташкил топган вақти 430-434-йилларга, йўқолган вақти эса VIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Ушбу давлат Турк ҳоқонлиги томонидан қўллаб-кувватланган;
- 3) *турклар* ва араблар назорати остида бўлганда ҳам Самарқанд давлати хорижий мамлакатлар, жумладан Хитой билан дипломатик ва савдо алоқаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлган;
- 4) Самарқанд давлатининг худуди ҳозирги Самарқанд вилоятига тўғри келади, унинг пойтахти Самарқанд, хон саройи эса шаҳар маркази бўлмиш Ўрдада жойлашган;
- 5) Самарқандликлар ҳаётида дехқончилик, боғдорчилик, иирик моллар бокиши, яъни чорвачилик, савдо-сотик ишлари, санъат муҳим ўрин тутган;
- 6) самарқандликларнинг урф-одалари, санъати *туркларницидан* фарқ қилмаган; диний эътиқоди Будда бўлган, аммо уларда қадимги *турклар* каби Тангри (Осмон)га сажда этиш ва кундалик ҳаётда ундан мадат сўраш одати сақланган.

## «ШИЮЙ» ТОПОНИМИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА МАЛЬНОСИ

«Шиуюй» (西域, русча транскрипцияда Сиой) атамаси илк бор милоддан аввалги 86-72 йилларда ёзилган ва Хэнг Куан (туғилган ва вафот этган йиллари номаълум) қаламига мансуб «Янте лун» (Туз ва темир ҳақида фикр-мулоҳазалар)<sup>508</sup> номли асарда кўлланган. Шундан кейин мазкур атама расмий тарихларда ишлатила бошлаган. Манбаларнинг гувоҳлигига кўра, Фарбий Хан даврида «Шиуюй»да 50 дан ортиқ давлат бўлиб, улар Хан сулоласи билан дипломатик алокалар ўрнатган. Кейинчалик ундаги майда давлатларнинг кўпчилиги бирлашганлиги сабабли уларнинг сони 36 га, сўнгра 16 га тушиб қолган.

Бу давлатлар қаторига Фарбий ва Жанубий Туркистон худудларида хонликлар ҳам кирган. «Ханшу»нинг 96-бобида ёзилишича, илк бор Шиуюй билан «Шяо-у (Shiao-wu 孝武) даврида (мил. авв. 156-87 йиллар) алоқа ўрнатилган эди. Шунда ушбу минтақада 36 давлат мавжуд эди. Кейин улар 50 дан ортиқ давлатга бўлиниб кетди. Улар ҳунарларнинг гарбида, Усунларнинг жанубида жойлашган. Мазкур минтақанинг шимолида ва жанубида катта тоғлар бор, ўртасида шарқдан гарбга оқадиган дарёлар бор. Унинг доираси шарқдан гарбга 6000 ли (3456 км), шимолдан жанубга 1000 ли (576 км) дан ортиқдир. Унинг шарқий томони Хан давлатининг чегараси Юймэн ва Янгуандан бошланади, гарб томонида Помир тоғи мавжуд», деб ёзилган<sup>509</sup>.

Кизиқарлиси шундаки, «Ханшу»нинг ушбу бобида ўша замонда Жанубий Қозогистон ва Ўзбекистон худудида жойлашган Кангкия (Кангтуй, Кангжюй) давлати, Шимолий Афғонистонда жойлашган Улуғ Фузер (Дай-рузие, Да-юэчжи) давлати, Бақтрия давлати, Орол, Каспий денгизлари шимолида жойлашган Аурси (Янцай) каби давлатлар Шиуюй доирасига киритилган ҳолда тилга олинган. Демак, айрим ҳолларда «Шиуюй» тушунчасига ҳозирги Марказий Осиё давлатларининг

<sup>508</sup> Хэнг Куан. Янте лун (Туз ва темир ҳақида фикр-мулоҳазалар) гарбий Хан давлатида жорий этилган конун-коидалар, амалдорлар билан халқ ўртасида кескин тус олган зиддиятлар, уларни бартараф килишга каратилган чора-тадбирларга бағишлиланган асар хисобланади. Ҳажми 10 цюан (боб) дан иборат.

<sup>509</sup> Ханшу.2364(1156)-б.

худуди ҳам кирган. Ўрта асрларда ёзилган хитой манбаларида Шиой доирасига Эрон ва араб мамлакатлари ҳам киритилган. Шунинг учун ушбу атамани таржима килишда матннинг умумий маъносидан келиб чиқиш жуда муҳим.

«Шиой» атамаси муомалага киритилишидан олдин Қадимий Хитойнинг ғарб томондаги мамлакатлар «Ши-рунг» (русча транскрипцияда Сижун) деб номланган. Масалан, юкорида айтиб ўтганимиздек, «Вэйшу» (Вэй [сулоласи] тарихи) ва «Бэйши» (Шимолий [сулолалар] тарихи) каби асарларда «Шиой Шя шу (Шя [сулоласи] тарихи)да Ши-рунг деб номланган» (西域夏書稱西戎)<sup>510</sup>, деб ёзилган. Ушбу маълумотдаги «Шя шу» милоддан аввалги XXI-XVI асрларда мавжуд бўлган ва Хитой давлатчилиги тарихининг ибтидоси бўлмиш Шя (夏) ҳокимлигининг тарихи хисобланади<sup>511</sup>. Танг сулоласи тарихчиси Ду Ю (735-812) қаламига мансуб бўлган «Тунгдян» ва Лэ Ши томонидан ёзилган «Тайпинг хуанюй жи» номли асарларда «Шиой» топоними ўрнига «Ши-рунг» ишлатилган<sup>512</sup>.

Ши-рунг атамадаги рунг от минувчи халк, чавандоз, отли жангчи маъносини билдирган. Шунга асосланиб, Ши-рунг топоними қадимий Хитойнинг ғарб томонидаги от минувчи одамлар деган ибора асосида шаклланган, деса, асосли бўлади.

Сўнгги йилларда XXРда уйғур тилида нашр этилган китобларда Шиой топоними «Фарбий юрт» деб таржима қилинмоқда. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки «Шиой» тор маънода Шарқий Туркистоннинг, кенг маънода қадимий Хитойдан Африкагача бўлган катта худуднинг хитойча номи сифатида ишлатилган. Бу худудда ниҳоятда кўп катта-кичик давлатлар ва юртлар мавжуд бўлган. Шуни хисобга олиб, биз ўз тадки-котларимизда уни Фарбий мамлакатлар деб ишлатишни маъкул топдик.

<sup>510</sup> Вэйшу. 9694(1312); Бэйши. 13842(1286)-б.

<sup>511</sup> Цихай. 837-б.

<sup>512</sup> Тунгдян. З-жилд, 2675-2757-б; Тайпинг хуанюй жи. 183-187-боблар.

## «ЧИЛЯН-ШАН ВА ДУНХУАНГ АТРОФИ» ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?

Чилян-шан (русча транскрипцияда Цилянь-шань) – тоғнинг номи. Унинг жойлашган ўрни ҳақида тарихий адабиётларда турли фикрлар мавжуд. Бу ноаниклик Рузие (Юэчжи – Фузер) давлатининг ўрнини белгилаш масаласига ҳам ўз таъсирини ўтказиб келмоқда, зоро унинг ҳудуди ҳанузгача аникланмаган ва турли мунозаларга сабаб бўлаётган масалалардан хисобланади.

Рузие (Юэчжи – Фузер) давлатининг ўрни ҳақида қадимги ёзма манбаларда, жумладан, хитой манбаларида ҳам умумлаштирилган аниқ ва батафсил маълумотлар йўқ. Уларнинг баъзиларида сақланиб қолганлари ҳам ниҳоятда қисқа ва тарқоқ ҳолда учрайди. Шуни хисобга олиб, мазкур тадқиқотимизда шу масалага аниклик киритишни лозим топдик.

Рузие (Рузие) давлатининг ўрни ҳақидаги илк маълумот «Шижи»даги «Фарғона тазкираси»да учрайди. Унда «Даслаб рузиелар Дунгхунг ва Чилян атрофида яшаган», деган маълумот бор. Аслият тилида ушбу жумла «ши Рузие жюй Дунхуанг Чилян-шян» (始月氏居敦煌祁連聞) иероглифлари билан ифодаланган. Бу маълумот «Шижи»дан кейин битилган хитой манбалари<sup>513</sup> ва замонавий тарихий адабиётларда, жумладан энциклопедик лугатларда<sup>514</sup> ҳам келтириллади. Бироқ уларда унинг мазмунига иккита ўзгартириш киритилганлиги кузатилади. Буларнинг бирига кўра, «Чилян» топонимига тоғни англатувчи «шан» (山) иероглифи кўшилган, иккинчисига кўра, «атроф» маъносини англатувчи охирги «шян» (閘) иероглифи «ўрта», «оралик» маъносини билдирувчи «окян» (闊) иероглифига ўзгартирилган. Натижада асл манбада келтирилган жумланинг маъноси ўзгарган. Шу боис Н.Я.Бичурин уни «Первоначально Дом Юечжи занимал страну между Дунь-хуан и хребтом Чилинь-шань»<sup>515</sup>, деб таржима қилган, яъни таржима қилган матнига аслиятда бўлмаган «хребет» сўзини кўшган. Кюнернинг таржимасида ҳам шу ҳолатни

<sup>513</sup> Ханшу. 1162(1162)-б.; Тунгдян. Т. 3. 2734-б.; Тайпинг хуанюй жи. 184-боб, 7а-б.

<sup>514</sup> Чжуңггуо дабайқ цюаншу. Чжуңггуо лиши. 549-б.; Цихай. 1496-б.; Синъцзян лиши цыдянь. 17-б. ва бошқалар.

<sup>515</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. М.-Л. Т. 2. С. 151.

кузатиш мумкин<sup>516</sup>.

Асл матндан келтирилган қисқа, аммо рузиеликларнинг яшаган жойларини аниқлаш учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган Дунхуанг ва Чилян топонимларининг ўрнини аниқлаш мухимдир. Ҳозирги замон тушунчасида Дунхуанг Хитой Халқ Республикаси (ХХР)нинг Гансу ўлкасида шаҳар номи, Чилян эса ушбу ўлканинг жанубидаги тог номидир. Бу икки жой оралиги кўқаламзор эмас. Бунга биз бу жойларни учоқ (самолёт)дан кузатиш натижасида амин бўлдик<sup>517</sup>. Н.Я.Бичурин таржимасидан ҳам рузиеликлар яшаган жой кичик ва дашт бўлган экан, деган фикр келиб чиқади. Аммо «Шижи»даги «Фаргона тазкираси»да ва бошқа хитой манбаларида Рузие давлатининг иктисади от бокишига асосланганлиги қайд килинган ва уни қадимий хитой тарихчилари «отбокар мамлакати» деб аташган. Масалан, бу хақда «Шижи»да куйидагича ёзилган: «Куоди чжи [номли асадарда] баён этилича, Лянг, Ган, Су, Ян, Ша каби жойлар азалдан Рузие давлати ерлари эди ... Шу даврда шарқий ғузлар кучли, Рузие эса юксалган эди» (Kuodi zhi yun: liang Gan Su Yan Sha deng zhong Ruziye (замю ўқ.Yuezhi) guo ye... Dang shi zhi shi donghu jiang er Yuezhi sheng 括地志云涼甘肅延沙等州本月氏国也... 當是之時東胡疆而月氏盛)<sup>518</sup>.

Ушбу маълумотдаги Лянг, Ган, Су, Ян, Ша каби жойлар Хэши йўлагида жойлашган бўлиб, уларнинг тўла номи Лянгчжоу, Ганчжоу, Сучжоу, Янчжоу, Шачжоудир.

«Шижи»даги «Дайюан лечжуан» («Фаргона тазкираси»)да Дай-рузие сўзига қадимги хитой олимлари томонидан ёзib қолдирилган шарҳлар келтирилган. Уларнинг бирида биз юкоридаги бобларимизда келтирсан куйидаги маълумот бор: «Кангкия ва Дайчин тазкираларида зикр этилишича, хорижликлар орасида Осмон тагида З мамлакат мавжуд бўлиб, уладан Чжунгтуо (қадимий Хитой) одамларининг кўплити билан,

<sup>516</sup> Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. Москва, 1961.108-6.

<sup>517</sup> 2000 йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистон автойўл концерни билан ХХР транспорт вазириги биргаликда Буюк ипак ўйланинг ўтмиши, ҳозирги ахволи ва истиқболини ўрганиш масадида алмалга оширган З ҳафталик илмий экспедиция катнашчиси сифатида бу жойларни яқиндан ўрганиш шарафига мужассар бўлдик. Илмий кузатувларимиз натижалари 2007 йилда «Буюк ипак ўйли» монографиямизда мужассам этилган. Каранг: Буюк ипак йўли. Тошкент. 2007. 280-6.

<sup>518</sup> Шижи. 1032 (1032)-б.

Дайчин (Дачин) киммабаҳо нарсаларининг бекиёслиги билан, Рузие эса отларининг кўплиги билан машхурдир» (Kang Chin guo zhuan yun waiguo cheng tianxia you san zhong Zhongguo wei ren zhong , Dachin wei bao zhong yue zhi wei ma zhong ye 康秦國傳云外国稱天下有三眾中國爲人眾大秦爲寶眾月氏爲馬眾也)<sup>519</sup>.

Мазкур маълумотдан келиб чиққанда, Н.Я.Бичурин таржи-масидаги юқорида қайд этилган рузиелар мамлакати Дунхуанг билан Чилян тоги (Чилян-шан) оралиғида жойлашган, деган жумлага нисбатан асосли шубҳа уйғонади. Хитойнинг тарихий энциклопедиясида ва бир катор лугатларида келтирилган маълумотлар ҳам бу шубҳани кучайтириди. Чунончи, «Чжунгтуо дабайкэ цюаншу. Чжунгтуо лиши» номли тарихий энцикло-педияда милоддан аввалги 475-221 йилларда, яъни ўзаро урушган ҳокимликлар (Чжан-гуо) даврида рузиелар Ланчжоу шахрининг гарбидаги жумладан Хэси йўлагида яшаганлиги зикр этилган<sup>520</sup>.

1975 йилда Пекинда нашр этилган «Шижи. Шюнну лечжуан» («Тарихий хотиралардаги ҳүнлар тазкираси») номли асарда «Чилян-шан Тян-шан ва Бай-шаннинг номидир»<sup>521</sup>, деб айтилган. Маълумки, хитой тилидаги «Тян-шан» топоними туркыйдаги «Тангритоғ», «Бай-шан» эса «Оқтөг»нинг хитойча таржималаридир.

«Шижи»даги «Фарғона тазкираси»да келтирилган маълумот милоддан аввалги 134-133 йилларда Фарғонага келган хитой элчиси Чжанг Чяннинг<sup>522</sup> Фарбий Хан сулоласининг (мил. авв. 206-мил. 8) императори У-дига (mil. avv. 123) тақдим эттан хисоботига асосланган. Афсуски, «Фарғона тазкираси»да ўша замонда ишлатилган Дунхуанг ва Цялян топонимларига шарҳ берилмаган. Милоддан аввалги 104-91 йилларда, яъни «Шижи» ёзилганида, ушбу топонимлар билан элчи қайси жойларни назарда тутганлигини аниклашнинг иложи йўқ эди. Чунки бу даврда у ҳаёт эмас эди. Эҳтимол, бу топонимлар шу даврдаги сарой тарихчилари учун аниқ жой бўлганлиги сабабли улар шарҳсиз қолган. Бирок вақт ўтиши билан «Дунхуанг» ва «Чилян» топонимларининг тушунчалари ўзгариб кетганлиги сезилади. Шу боис

<sup>519</sup> Ўша асар. 1038 (1038)-б.

<sup>520</sup> Чжунгтуо дабайкэ цюаншу. Чжунгтуо лиши. 549-б.

<sup>521</sup> *Лин Мэйдун*. Хан Танг Шиоюй юй Чжунгтуо вонминг. (Хан – Танг даврларидаги Фарбий мамлакатлар ва Хитой маданияти). Пекин, 1998. 74-б.

<sup>522</sup> Чжанг Чян (руса транскрипцияда Чжан Цянь) мил.авв. 134 йилда ватанидан гарбий сафарга отганиб, мил. авв. 123 йилда қайтиб борган. Фарғонага келган вақти мил. авв. 125 йилга тўғри келади.

улар ҳақида турли фикрлар пайдо бўлган. Натижада кейинги давр тарихчилари орасида Рузие давлатининг худуди ҳам турлича кўрсатилган.

Уларнинг қиёсий таҳлили натижасида бу топонимлар ҳақида манбаларда ва тарихий адабиётда учрайдиган шарҳларни 4 гурухга бўлиш мукин.

**Биринчи гуруҳ шарҳларга кўра, ўтмишда, яъни асл матнни қамич таҳталардан қоғозга ўтказиш ва ўша замон услубида чоп этиш даврларида матн оралиғига шарҳлар ёзиб кўйилган.** Уларнинг мазмунига кўра, Дунхуанг ва Чилян ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг Гансу ўлкасида жойлашган. Масалан, «24 тарих» («Эршиси ши»)нинг биринчи жилди бўлмиш «Шижи»нинг «Фарғона тазкираси» («Дайюан лечжуан»)да кўрсатилган икки топонимга берилган шарҳда «Расмий қарашга кўра, дастлабда рузие (юэчжи)ликлар Дунхуангнинг шарқида, Чилян тогининг гарбида яшаган. Дунхуанг вилояти ҳозирги Шачжоудир, Чилян тоги Ганчжоунинг гарби-жанубидадир» (正義曰 初月氏居敦煌以東祁連山以西 敦煌郡今沙州 祁連山在甘州西南)<sup>523</sup>, дейилган. Шу мазмундаги шарҳлар «чжэнъий» деб номланган бўлиб, у расмий тушунтириш ёки қараш маъносини англатган<sup>524</sup>. Бу каби шарҳлар асосан илк ўрта асрларда битилган.

Мазкур манбанинг Фарғона томон қилинган жанговар юришда Хан қўшинига қўмандонлик қилган Ли Гуанглига<sup>525</sup> бағишиланган қисмida турли даврларда яшаган хитой тарихчиларининг «Чилян-Тяншан» (祁連天山) топонимига ёзган қатор шарҳлари келтирилган. Уларнинг бирида «Куоди чжи» (括地志 – «Эгаллаб олинган ерлар тафсилоти») номли асарга ишора қилинган ҳолда, «Чилян-шан Ганчжоу вилоятидаги Чжанғе ноҳиясининг гарби-жанубий томон 200 ли (115.2 км) нарида жойлашган»<sup>526</sup>, деб зикр этилган. Ушбу шарҳга асосланганда, Хан давридаги «Чилян-шан» ҳозирги Гансу ўлкаси жанубидаги «Чилян-

<sup>523</sup> Шижи. 1138 (1138)-6.

<sup>524</sup> Цихай. 13663-б.; Циоан. 2-жилд. 1665. Танг сулоласининг сарой тарихчиси Чжан Шоудзе «Шижи чжэнгийи» (Шижининг тўғри шарҳлари)ни тузган.

<sup>525</sup> Эслатмоқ жоизки, ҳарбий қўмандон Ли Гуангли (туғилган йили иомаълум, ўлган йили мил.авв. 88 й. хисобланади, хан қўшиналарининг мил.авв. 104-101 йилларда Фарғонага қилган юришига бошчиллик қилган.

<sup>526</sup> Шижи. 1028 (1028)-6.

шан»га түгри келади, деган хулоса келиб чиқади.

Ду Ю қаламига мансуб «Тунгдян» ва Лэ Ши ёзган «Тайпин хуанюй жи» номли асарларда келтирилган шархларда «Чиляншан Чжанье вилоятининг шимоли-гарбида жойлашган»<sup>527</sup>, деб ёзилган. Мълумки, Ганчжоу ва Чжанье Хэши йўлагида, яъни хозирги ХХРнинг Гансу ўлкасида жойлашган Хэйшуй-хэ (Корасув) дарёси ёнидаги бир жойнинг ҳар хил номларидир. Бу фикр «Куоди чжи»даги «Чилян-шан Ганчжоу вилоятидаги Чжангье ноҳиясининг гарби-жанубий томон 200 ли (115.28 км) нарида жойлашган»<sup>528</sup>, деб зикр этилган маълумотга зиддир.

«Цихай» номли энциклопедик лугатда «Кенг маънода Чилян тоги Гансу ўлкасининг гарбий қисмидан Цингхай ўлкасининг шимоли-шарқи қисмигача бўлган оралиқда жойлашган тоғ тизимининг умумий номидир. Тор маънода Чилян топоними мазкур тоғ тизимининг гарбий қисмига нисбатан ишлатилиди»<sup>529</sup>, деб кўрсатилган.

**Иккинчи гуруҳ шархларга кўра**, қадим замонда иккита Чилян тоги ва иккита Дунхуанг бўлган. Буларнинг биттаси Шаркий Туркистонда жойлашган. Масалан, 1930 йилда Шанхайдаги топонимик лугатида) қуидагилар ёзилган: «Чилян тоги Гансу ўлкасидаги Чжанье ноҳиясининг жануби- гарбида жойлашган. [Бироқ] Наншан (Жанубий тоғ), Шюэшан (Қорли тоғ), Байшан (Оқтоғ) деб аталадиган Чилян тоги ҳам мавжуд. Фарб томонда у Жюцюан<sup>530</sup> ва Анишига<sup>531</sup> келиб туташади. Янаям гарброкда бу тоғ Аэржин (Олтингтоғ<sup>532</sup>) ва Цунглин (Помир) билан туташади.

<sup>527</sup> Тунгдян. З-жилд. 2734-б.; Лэ Ши. Тайпинг хуанюй жи. 184-боб. 76-б.

<sup>528</sup> Шижи. 1028(1028)-б.

<sup>529</sup> Цихай. 1577-б.

<sup>530</sup> Жюцюан (қадимги талаффузи – Тезу-дзиван) – ХХРдаги Гансу ўлкасининг гарбида жойлашган замонавий шаҳар. Ҳозирги Дунхуангнинг шарқроғида жойлашган. Қадимда Хеши йўлагининг энг фаол савдо марказларидан бири бўлган. Илк бор хуннлардан мил.авв. 121 йилда Фарбий Хан империяси томонидан тортиб олинган. Жюцюан топоними «Цзочжуань» манбасининг «Чжунгун» (Хоким Чжун) бўлимидада учрайди. Мазкур манбанинг ёзилиши мил.авв. У асрнинг охирига, Чжунгуннинг ҳукмдорлик вакти эса мил.авв. 693-660 йилларга тўгри келади. [Цихай. 936-б.]

<sup>531</sup> Аниши (сўзма-сўз таржимаси «гарбий сокинлик»ни англатади) Дунхуанг қошидаги Гангсу ўлкасининг гарби ва Сулай (Булунжир) дарёсининг жанубий кирғоги бўйларида жойлашган.

<sup>532</sup> Аэржин Шаркий Туркистоннинг жануби-шарқида жойлашган ва Кунлуннинг энг шаркий ирмоли хисобланган Олтингтоғнинг маҳаллий туркча номининг транскрипцияси. Шарқда у Гансу ўлкаси худудидаги Чилянъ тоглари билан туташади. Олтингтоғ Алэтэнтақо деб ҳам транскрипция килинади. Бу ҳакда каранг: Чжунгуту гужин диминг дашидян. 564-б.; Чжунгуту лиши дигу жи (Хитойнинг тарихий хариталари тўплами). Шангхай, 1987. 52-53-б.

Унинг узунлиги бир неча минг ли келади... Ян Шигуни<sup>533</sup>нинг шархлашига кўра, Чилян тоги (Чилян-шан) Тангритоғ демакдир. Хўнлар Тян сўзини Чилян деб талаффуз этишар эди»<sup>534</sup>.

Бундан ташқари, мазкур лугатда қадим замон тарихчиларининг ёзган шархларига кўра, «Чилян тоги шимолий ва жанубий қисмларга бўлинган. Жанубий Чилян тоги «Ханшу» («Хан [сулоласи] тарихи»)даги «Шиой чжуан» («Гарбий мамлакатлар тазкираси») бобида учрайдиган Наншан тогидан иборатдир. Шимолий Чилян тоги Тангритоғнинг Шинжянгдаги (Шарқий Туркистон – А.Х.) қисми бўлиб, у Кумул (Хами, Ивергул, Иву) шахрининг шимоли-гарб томонида жойлашган ва Помирнинг шарққа караб илон шаклида чўзилиб кетган бир неча минг ли (1 ли 0.576 м) узунликдаги бўлагидир. Ушбу тоғ бўлагининг энг баланд қисми – Буогда-шан (Буғда-ула – Буюк тоғ демакдир – А.Х.). Унинг қолган қисмлари маҳаллий ер номлари билан аталади. Мазкур тоғ «Гарбий мамлакатлар тазкираси» («Шиой чжуан»)да учрайдиган Шимолий тоғ (Бэйшан)га тўғри келади. Шунинг учун Ду Юнинг «Тунгдян» асарида Чжангъедан Тингчжоугача<sup>535</sup> узлуксиз чўзилиб кетган тоғ тизими мавжуд бўлиб, у жанубий ва шимолий Чилян-шанга бўлинади»<sup>536</sup>, деб ёзилган.

Ушбу маълумотдаги Кумул шахрининг қадимги маҳаллий номи Ивергул, унинг хитойча транскрипцияси Иву бўлган. Ҳозир у хитойча «Хами» деб номланади. «Хами» Кумул топонимининг хитойча ўзгарган транскрипцияси ҳисобланади. Дастрлабда хитойлар Кумулни Хамули деб талаффуз этишган. Кумул топонимининг этимологик келиб чиқиши «Кўмли» сўзидан деб таҳмин қилинади. Чунки асрлар давомида Такламакон чўлининг кўми атрофларга ёйилиб бориши туфайли кўп қадимий шаҳарлар кўм тагида қолган. XX асрнинг ўрталарида Кумулнинг тўрт томони кумликдан иборат эди. Бу кумликларда марҳум одамларнинг очилиб ётган бош суякларини тез-тез учратиш мумкин эди.

**Учинчи гурух шархларга кўра, аслида Шарқий**

<sup>533</sup> Ушбу маълумотдаги Ян Шигу, юқорида изохланганидек, 629-656 йилларда фаолият кўрсатган сарой тарихчиси бўлган.

<sup>534</sup> Чжунгтио гужин диминг дацидян. 528-б.

<sup>535</sup> Тингчжоу – ХХР таркибидаги Шинжянг-Уйгур автоном районининг маркази Урумчи шаҳри кўзда тутилган [Чжунгтио гужин диминг дацидян. 697-б.]

<sup>536</sup> Чжунгтио гужин диминг дацидян. 528-б.

Туркистондаги Чилян тоғи билан Гансудаги Чилян тоғи бир төгизими бўлиб, у маҳаллий халқ тилида Тангритоғ, яъни Осмонўпар баланд төғ деб аталар эди. Хитойлар уни таржима қилиб, Чиляншан деб талаффуз этишган. Вакт ўтиши билан Чиляншан Тян-шан деб аталадиган бўлган. Замонавий хитой тилидаги «тян» қадимда «Гейлян», «Тилян» деб ўқилган ва «осмон» ёки «баланд» маъносида ишлатилган<sup>537</sup>. Ушбу төғ тизимининг Гансудаги қисми Жанубий Тангритоғ, Шарқий Туркистондаги қисми эса Шимолий Тангритоғ деб номланган. Бунинг далили сифатида «Шижи»ги «Фаргона тазкираси» («Дайюан чжуан»)нинг уйғурча тарижимасига берилган ва «Икки Хан сулолалари тарихига оид маълумотлар» номли тўпламдаги хабарларга ишора қилиб ёзилган шарҳни<sup>538</sup> келтириш мумкин: «Чилян-шан Тангритоғнинг Гансу ўлкасидаги қисмидир. Ҳунлар даврида Шинжяң (Шарқий Туркистон – А.Х.)даги Тангритоғ Шимолий Тангритоғ, Гансудаги Тангритоғ эса Жанубий Тангритоғ деб номланган»<sup>539</sup>.

**Тўртинчи гурух шарҳларга кўра,** Чилян-шан Шарқий Туркистонда жойлашган. Масалан, Шарқий Туркистон ҳакида маълумот берадиган энг қадимий сафарнома ҳисобланган «Му Тянзи чжуан» («Тангри ўғли Му ҳакида баён»)да «Жихай куни (мил. авв. 989 йил 3-ойнинг 2-куни) Янжкой (焉居) ва Юйчжи текислигига (禹知之平) етиб келинди»<sup>540</sup>, деб ёзилган. Кўхна манбалар устида кўп тадқикотлар олиб борган Йирик олим Ванг Говэйнинг аниқлашича, Юйчжи Рузие (Юэчжи) топонимининг қадимийрок транскрипцияси бўлган. Ушбу маълумотдаги учинчи иероглиф чжси грамматик жиҳатдан аникловчи вазифасини бажариб, у бирон-бир жойнинг, нарсанинг, кишининг ёки воқеаларнинг кимга тегишли эканлигини билдирган. Охирги иероглиф пинг «текислик» маъносини англатган. Шундан маълумки, аслиятдаги «Юйчжи чжи пин» Рузие далалари ёки текислиги деб таржима қилинади. Му Тянзи Янжкой (焉居)дан Юйчжи (禹知)га бир кун давомида етиб келган. Демак, бу жойлар бир-бирига яқин бўлган.

<sup>537</sup> Сичоу чжилу дациядян. 217-б.; Кейинки ханнома. 504-б.

<sup>538</sup> Тарихий хотиралар. 390-б.

<sup>539</sup> Ўша жойда.

<sup>540</sup> Гу шишинг жи. 6-б.

Айрим тарихчилар Янжюй топонимини Гансу<sup>541</sup> ўлкаси (Хэши йўлаги)даги Ганчжоу ва Пинглянг вилоятлари билан так-кослашади. Лин Мэйцуннинг фикрича<sup>542</sup>, «Мутянзи чжуан»даги «Янжюй» Янчжи-шан номли тоққа тўғри келади. Янчжи-шан эса Тангритогнинг Шаркий Туркистондаги, аникроги, Урумчи шахрининг шаркий томонидаги Баркулга яқин ерда жойлашган бир бўлгаги бўлмиш Қарлиқтогнинг хитойча номидир.

«Шижи» («Тарихий хотиралар»)нинг 109-бобида «Чилян-Тян-шан» топонимига оид бир изоҳ мавжуд. Унда «Сюй Гуанг (徐廣)нинг зикр этишича, Дунхуангдан гарб сари юрилса, Тян-шанга етиб борилади<sup>543</sup>. Шунинг билан бирга ушбу шарҳда Танг сулоласи даврида (618–907) яшаган Сима Чжэня (司马貞) қаламига мансуб «Суойин» (Suoyin 索隱 – Номаълум сўзларнинг талкини) номли шарҳлар тўпламидан келтирилган изоҳ бор. Унда илгари ўтган Ан Жингчжуо 案晉灼 исмли бир олимнинг қайд этишича, «[Тян-шан] Гарбий замин (Шиоюй)<sup>544</sup> даги Пулэй (Баркўл) ва Шихэ<sup>545</sup> дарёси ёнидадир.

Ўтмишда битилган асарларда Бай-шан (Оқтоғ) ёз ва қишида оппок қор билан қопланган, ҳуналар бу тогни Тангритог (Тян-шан) деб аташар эди. Қадим замон тарихчилари ёзиг қолдирган «Куоди чжи» («Эгаллаб олинган ерлар тафсилоти») номли асарда «Тян-шан қадимда Бай-шан (Оқтоғ) деб аталар эди. Ҳозирги даврда бу төғ Чулуоман-шан (初羅漫山 – Чўлпонтоги) деб номланади ва у Иву (Ичжоу – Кумул вилояти)<sup>546</sup> нинг шимолий томонида ва ундан 20 ли (11.52 км) нарида жойлашган. Иву пойтахт [Қадимий Хитойнинг маркази Чанъян]нинг гарбига 4416 ли (2543.616 км) масофа нарида жойлашган»<sup>547</sup>.

«Шижи. Шюнгну лечжуаШ» номли асарда зикр этилишича, «Чилян Тян-шан ва Байшан деб ҳам аталади»<sup>548</sup>, бу төғ Шаркий Туркистонда жойлашган.

<sup>541</sup> Ўша асар. 10-б.

<sup>542</sup> Лин Мэйцун. Хан Танг Шиоюй юй Чжунггуо вэмминг. 74-б.

<sup>543</sup> Шижи. 1028 (1028)-б.

<sup>544</sup> Ушбу жойда Шаркий Туркистон кўзда тутилган.

<sup>545</sup> Шихэ – сўзма-сўз таржима килганда, «Гарбий дарё» демакдир. У Хуангхэ дарёсининг ирмокларидан бири ҳисобланади (Цихай. 1832-б.).

<sup>546</sup> Иву – ҳозирги Кумул (хитойча Хами) шахрининг қадимги номи Ивиргул топонимининг хитойча транскрипцияси.

<sup>547</sup> Шижи. 1028 (1028)-б.

<sup>548</sup> Лин Мэйцун. Хан Танг Шиоюй юй Чжунггуо вэмминг . 74-б.

Қадимий хитой манбаларидаги Марказий Осиёга оид маълумотларнинг уйгурча таржималарида «Чилян-шан» топоними Шаркий Туркистондаги «Байшан» (Оқтоғ) эканлиги таъкидланади. Бунинг далили сифатида Чилян-шан топоними *хүнлар* тилидаги Тангритогнинг хитойча транскрипцияси эканлиги<sup>549</sup> ва «Шижи»нинг 99-бобида «Чилян-Тяншан» (祁連天山)<sup>550</sup> топонимининг учраши айтилади.

«Tocharisches Elementarbuch» номли асар муаллифлари европалик олимлар В.Краузе ва В.Томас (W.Krause, W.Thomas) «Қарлик» сўзини «шаркий тоҳар тили»да кора ранг маъносини англатувчи «эркент» (erkent)<sup>551</sup> билан таққослаб, «Қарликтоғ» топонимининг келиб чикишини тоҳар тили билан боғлаганлар. Буни тўғри деб бўлмайди. Чунки Хитой манбаларидаги «Байшан» топонимидағи «бай» иероглифи қадимда «оқ ранг» ва «ғарб томон» маъноларида ишлатилган<sup>552</sup>. Шу асосда «Байшан» топонимини «Оқтоғ» ёки «Ғарбий тоғ»нинг таржимаси деб тушуниш мумкин. Қор билан қопланган тоғ ҳам «Оқтоғ» ёки «Қорликтоғ» дейилиши эҳтимолдан холи эмас.

Мазкур фикр хитой олимлари томонидан ҳам айтиб ўтилган. Чунончи, Лин Мэйцун турли маълумотларни таҳлил килиш асосида хитой манбаларida учрайдиган Чилян-шан Шаркий Туркистондаги Баркўлнинг шимоли-шарқида жойлашган Қарликтоғ, деган хulosага келган<sup>553</sup>. Шунинг билан бирга ушбу хитой олими «Чилян-шан» тоги «Баликун-шан» («Боркўл тоги») деб аталишини таъкидлаб ўтган. «Мил. авв. III асрда, деб ёзади у, рузиеликлар Боркўл-тоғи (Баликун-шан)ни Харлик-тоғ (Қорликтоғ, хитойча Ҳаэрлик-шан) деб атаган ва уни ўзларининг марказига айлантиришган. Шу асосда атрофдаги яйловларни назорат қилишган. Рузиеликлар ғарбга кўчиб кетганидан сўнг, уларнинг ўрнини *хүнлар* эгаллаган. [Хан кўшинлари қўмон-донлари] Хую Цюйбин ва Бан Юнглар кетма-кет *хүнларга* қарши ҳарбий юриш килиб, уларни Янчжи-шан (Ҳаэрлик-шан) ва Чилян-шан (Баликун-шан)дан сиқиб чиқарган. Шундан кейин *хүнлар* орасида Янчжи-шан билан Чилян-шаннинг кўлдан

<sup>549</sup> Ханнома. 60-б.

<sup>550</sup> Ўша асар. 43-б.

<sup>551</sup> Лин Мэйцун. Хан Танг Шиюй юй Чжунггуо вэнминг. 74-б.

<sup>552</sup> Хилюй дазидян. 4-жилд. 2642-б; 6-жилд. 4046-б; Ҳоджсаев А. Из истории древних тюрков... 43-б.

<sup>553</sup> Лин Мэйцун. Хан Танг Шиюй юй Чжунггуо вэнминг. 75-б.

кетганлиги ҳакида қўшиқлар пайдо бўлган»<sup>554</sup>.

Мисол тариқасида шу қўшиқ матнининг куйидаги икки мисрасини келтирамиз:

«Чилян-тоги қўлимиздан кетгани молларимизнинг кўпайиши учун жой қолмаганидир. Янчжи-тогидан жудо бўлганимиз хаётимиз маъносининг йўқолганидир»<sup>555</sup>.

Лин Мэйцуннинг асосли равишда таъкидлашича, яйловлар чорвачилик ҳаётининг асосий маnbайи ва ҳаракат худуди бўлган. Шу нуқтаи назардан келиб чикқанда, рузиликларнинг иккита маркази бўлганлиги табиийдир. Уларнинг ёзги турар жойи, албатта, Тангриғнинг шимол томонидаги Боркўл кўли ёнидаги яйловда бўлиши керак, зоро кўл атрофининг иклими юмшоқ ва ўсимлик дунёси жуда бой ва гўзал. Бу тогнинг жанубидаги худуд эса иссиқ ва нисбатан чўлроқ ерлардан иборат. Унинг иккинчи ёзги маркази (резиденцияси) Чингхай (Булунтоҳай, Жилиху)<sup>556</sup> кўли атрофида ҳам бўлиши мумкин. Ушбу фикрнинг далили сифатида олим куйидаги икки маълумотга эътибор қаратади:

1. «Хоу Ханшу»нинг «Фарбий мамлакатлар тазкираси» бобида зикр этилишича, 123-йилда Хан сулоласининг Дунхуангдаги вакили Чжанг Дангнинг император Сюндига йўллаган хабарномасида «шимолий ҳуналар ҳукмдори Хуян Пулэй (Баркўл) ва Цин (Цинхай) оралигига кўчиб юришган ҳолда Ғарбий замин (Шиой)даги борча мамлакатларни назорат қилишмоқда»<sup>557</sup>, дейилган. Ушбу маълумотдаги Пулэй Баркўлга, Цин эса Булунтоҳай (хозирги Жилиху)га тўғри келади. Иккинчи кўл Шаркий Туркистоннинг шимолий қисмидаги Урунгу (Улунгу) дарёси ёнидаги кўлдир. Цин топоними рузиликлар тилида «хон саройи» маъносини англатувчи «чини», «жиши» сўзидан келиб чиқкан<sup>558</sup>.

2. «Хоу Ханшу»нинг «Бан Юнг тазкираси»да таъкидланишича, 126 йилда Шаркий Хан қўшинлари ҳуналар ҳукмдори (ванг) Хуянни мағлубиятга учратган. Шундан кейин ушбу ҳукмдор ўз одамлари билан Каънга (Ka-nга) дарёси бўйларига бориб жой-

<sup>554</sup> Ўша асар. 75-б.

<sup>555</sup> Ўша асар. 74-б.

<sup>556</sup> Ўша асар. 75-б. Ғарбий Хан империясининг (мил. авв. 206 – мил. 6 й.) тарихий ҳаритасида Цинхай топоними Шаркий Туркистондаги Кошашар шаҳри ёнида жойлашган Бағрашкўлга тўғри келади [Чжуңгтуо шигао диту жи. 1-тўплам. 2-нашр. 29-б.].

<sup>557</sup> Лин Мэйцун. Хан Танг Шиой юй Чжуңгтуо вэнминг. 75-б.

<sup>558</sup> Ўша жойда.

лашган<sup>559</sup>. Мазкур дарё номи Каынгу (Ka-ngu), замонавий хитой тилида Ку-ву (Ku-wu) деб номланган бўлиб, у ҳозирги Урунгу (Улунгу) дарёсига тўғри келади<sup>560</sup>.

Лин Мэйцуннинг рузиеликларнинг иккита ёзги маркази бўлганлиги ҳакидаги хуросаси асосли, деб ўйлаймиз. Чунки жуғрофик нуқтаи назардан олиб қараганда, Баркўл ва Булунтоҳай кўллари атрофи от бокишга ниҳоятда қулай бўлган. Шу боис рузиеликлар шу жойларни ўзларининг марказига айлантириб олиши мантиқан тўғри. Нисбатан олганда, ҳозирги Дунхуанг худуди дашт ўртасида жойлашган кичик жой бўлиб, унинг атрофи гиёҳ ўсмайдиган тоғлар билан ўралган. Бу худудда иқтисоди асосан от бокишга мослашган Рузие давлатнинг жойлаши эҳтимолдан ҳоли.

Дунхуангнинг гарби-жанубида жойлашган Қумтоғ (Қумдан ташкил топган тоғ тизими)да ҳеч қандай гиёҳ ўсмаслиги туфайли у чорвачиликка ярамайди. Сули<sup>561</sup> (суви бор маъносини англатади), Сули-Наншан (Сули Жанубий тоғ – суви бор жанубий тоғ), Толай-Наншан (Омадли Жанубий тоғ) номли тоғлардан оқиб келадиган сувлар Дунхуангнинг шарқи-шимол томонидан оқиб ўтиб, қумликда йўқолиб кетади.

Сув бўйларида жойлашган ўсимлик ўсадиган жойларнинг майдони катта эмас. Шу боис бундай жойда ҳам от бокишга мослашган давлатнинг жойлашиши гумон. Шунинг учун бир неча аср яшаган ва от бокишга асосланган Рузие давлати ҳозирги XXРнинг Гансу ўлкасида Дунхуанг ва Чилян тоғлари оралиғидаги дашт ерларда жойлашган бўлиши мумкинми, деган савол туғилиши табиийdir.

Рузиеликларнинг ёзги турар жоий ҳақида сўз юритилар экан, албатта уларнинг кишки маркази қаерда бўлганлиги ҳам китобхонларни қизиқтиради. Лекин унга жавоб топиш учун асос бўладиган аниқ маълумотлар ҳозирча учрагани йўқ. Биз фақат баъзи маълумотлар ва археологик топилмаларнинг таҳлили натижасида тахмин қилишимиз мумкин, холос. Баркўл кўлига яқин ва кўхна шахар харобаси ҳозирги Турфон водийси худудида топилган. Қолаверса, бу жой денгиз сатҳидан анча пастликда бўлиб, унинг қишиги ҳарорати илиқ бўлган. Бундай жой-

<sup>559</sup> Ўша жойда.

<sup>560</sup> Ўша жойда.

<sup>561</sup> Сулих – Булунгур (Булунжиэр) дарёсининг хитойча номи.

нинг қиши марказ бўлиши мумкинлиги мантиққа яқин, чунончи, икки марказ бир-бирига яқин бўлиши ва яшаш шароитининг қулайлиги мўътадил иқлимга bogлиқ бўлиши табиий ҳол.

Имкониятимиз доирасидаги бирламчи манбарларда келтирилган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида куйидаги хулосаларга келдик.

Юқорида қайд этилганидек, қадим замонда Шарқий Туркистондаги Тангритоғ ва Гансу ўлкасидағи Чилян тоғи яхлит бир тоғ тизими бўлган. Унинг шарқий қисми дашт, Шарқий Туркистон бўлаги кўкаламзор, тоғ этакларида тоғ ирмоклари оралиғида яйловлар кўп бўлган. Мазкур тадқиқот муаллифи буни кўп йиллар давомида кузатган. Ана шу яйловлар рузиеликларнинг истиқомат жойлари бўлганлиги тарихий ҳақиқатdir. Қолаверса, замонавий хитой тилида Гансунинг жанубидаги Тангритоғ бўлаги Чилян-шан, Дунхуангнинг ғарбидаги қисми эса Тяншан деб номланиб қолган. Аслини олганда, бу икки номнинг биринчиси қадимий хитой тилидаги, иккинчиси эса замонавий хитой тилидаги топонимлардир. Замондош тадқиқотчиларимиз ану шу фарқдан бехабар қолиб, Чилян тоғини Гансу ўлкасининг жанубида, Тангритоғни унинг ғарбida жойлаштиришган. Рузиеликларга тегишли маълумотларнинг камлиги, борларининг эса яхлит таҳлил қилинмаганлиги, тоғ тизимини юқоридан туриб кузатиш имкониятига эга бўлинмаганлиги мазкур топонимнинг ўринини аниқлашда чалкашликларга сабаб бўлган. Шунинг учун баъзи тарихчилар Чилян-шаннинг шарқий қисмига асосланиб, уни Гансу ўлкасида жойлашган, деб хисобласалар, бошқалари тоғнинг ғарбий қисмини назарда тутиб, шарқий Туркистонда жойлашган, деб таҳмин киладилар. Ваҳоланки, ҳар иkkala фикр муаллифлари ҳақлар. Фарқ уларнинг масалага бўлган ёндашувларида гина, холос.

Олдинги параграфларда айтиб ўтилганидек, «Чилян» шаклининг «Тян»га ўзгариши туфайли манбаларда бу тоғ тизмасининг ғарб томони янгича «Тян шан» номи билан юритила бошлаган, унинг шарқий қисми эса эски «Чилян-шан»лигича қолган. Мазкур хулоса қадимий Дунхуанг жойининг ўринини аниқлаш билан ҳам тасдиқланади. Бу ўринда авваламбор манбалардан олинган куйидаги маълумотларга эътибор қаратмок жоиздир.

1. «Ханшу»нинг 96-бобидаги «Асуэн-гуо» (замон. ўқ. Усун-гуо 烏孙国 Усун ёки Уйсун давлати) бўлимида ёзилишича, «Дастлабда Чжанг Чян айтдиким, илик даврларда усунлар ва дайрузиеликлар Дунхуанг тоғ этакларида ёнма-ён яшаганлар» (始長

蕃言烏孫本與大月氏共在燉煌間)<sup>562</sup>.

Мазкур маълумот «Тунгдян»<sup>563</sup> ва «Тайпинг хуаной жи»<sup>564</sup> каби манбаларида ҳам такрорланади. Шу ерда таъкидлаш жоизки, келтирилган жумлада Дунхуанг сўзидан кейин «шян» (阗 русчада сянь) иероглифи кўлланган. Хитой иероглиф- ларининг катта лугатида кўрсатилишича, иккинчи ўқилиши, яъни «шян» деб ўқилганида, у «катта масофа», «катта оралиғ», «катта худуд» ва «тоғлар ўртасидаги текислик» каби маъноларига эгадир<sup>565</sup>. Масалан, агар қадимги матнларда «шян» иероглифи дарё ёки кўлнинг номидан кейин ёзилган бўлса, у кирғокни англа тади. И.М.Ошанин таҳрири остида тузилган хитойча-русча сўзлар лугатида бу маъно келтирилмаган<sup>566</sup>. Масалан, «Тунгдян»да «Шихай шян» (西海阗) сўз бирикмаси учрайди<sup>567</sup>. Бу мисолда «шян» иероглифи «Шихай» («Гарбий денгиз»)дан сўнг кўлланган. Агар «шян» иероглифини «оралиғида» деб таржима қилиб ишлатсан, унда ноаниқлик ёки мутлук хато маъно келиб чиқади. Бу бирикмани фактат «Гарбий денгиз атрофи» ёки «Гарбий денгиз кирғоқ бўйи худудлари» деб таржима қилиш керак. Шунинг учун «Дунхуанг шян»ни «Дунхуанг атрофидаги дала лар ёки кенгликлар» деб тушиниш мантикан тўғри бўлади.

Бу холосанинг тўғрилиги қадими хитой манбаларининг ҳеч бирида Дунхуанг шаҳар ёхуд вилоят деб кўрсатилмаганлиги билан ҳам ўз тасдигини топади. Одатда уларда қадимги хитой тарих чилари ҳар бир географик ном топонимдан сўнг шаҳар (чэнг 城), вилоят (чжоу 州), ўлка (шян 县)ни англатувчи иероглифларни кўшишган.

2. «Шижи»нинг 123-бобидаги «Фарғона тазкираси» бўлими да ҳам илгари Рузиенинг Дунхуанг ва Чилян кенгликларида жойлашганлиги хақида маълумот учрайди. Аслиятда у куйидагича берилган: «Ши Рузие (Юэчжи) жой Дунхуанг Чилян шян» (始月氏居敦煌祁連阗)<sup>568</sup>. Уни «Дастлаб Рузие Дунхуанг ва Чилян атрофига жойлашган», деб таржима қилиш тўғри бўлади.

<sup>562</sup> Ханшу. 2374 (1166)-б.

<sup>563</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2724-б.

<sup>564</sup> Тайпинг хуаной жи. 182-боб. 16-б.

<sup>565</sup> Ханоай дазидян. 7-жилд. 4241-4242-б.

<sup>566</sup> Ошанин И.М. Китайско-русский словарь. М., 1952. 343-б. Шу муаллифнинг Большой китайско-русский словарь. В 4-х томах. М., 1984. Т. 3 С. 142-143.

<sup>567</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2712-б.

<sup>568</sup> Шижи. 1138(1138)-б.

Үнда «шян» иероглифи қадимда Гиейлиен (Giei-lien) деб талаффуз этилган «Чилян» топонимидан сүнг келтирилган. Мазкур маълумотнинг уйгурча таржимасида «шян» иероглифи «оралиғ» маъносида ишлатилган<sup>569</sup>. Н.Я.Бичурин таржимасида ҳам шундай ҳолат кузатиласи<sup>570</sup>. Бизнинг фикримизча, «шян» иероглифи «оралиғ» эмас, «кентглик», «яйлов» деб таржима килиниши керак. Шунда Дунхуанг тогнинг номи бўлган, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Бундан ташқари, келтирилган маълумотда Дунхуанг топоними ифодаланган «дун» иероглифи олдида олов белгиси (火) йўқ. «Ханшу»нинг 96-бобидан келтирилган мисолда эса ушбу белги билан ёзилган «дун» (燉) иероглифи ишлатилган. Одатда мазкур иероглиф ҳозирги Хэши йўлагидаги Дунхуанг номини ифодалаш учун ишлатилган. Бу ўзгариш, албатта, кейинги давр тарихчиларини нотўғри тушунчага олиб келган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

3. Хан сулоласи даврида замонавий Дунхуанг шахрининг номини ёзиш учун олдида *хуо* (火 олов) белгиси қўшилган «дун» (燉) иероглифи туен (tuen) деб талаффуз этилган ва олов ёғдусини англатган. Иккинчи *хуан* иероглифи қадимда чжуан (juang) деб ўқилган ва «олов ёғдуси», «сахар (кунчикар)», «катта» каби маъноларга эга бўлган. Шунга кўра таъкидлаш мумкинки, ҳозирги Дунхуанг шахрининг қадимги талаффузи Туенчжуан (Tuen-juang) бўлган ва «катта олов ёғдуси» маъносини билдирган. Унинг иккинчи қадимги хитойча номи «Шачжоу», яъни «кумли дала» ёки «кумли вилоят» маъносида қўлланган. Қадимги турк тилида у чўлда, даштда жойлашган жойни англатадиган Дашиб-ата, Дашиб-ата<sup>571</sup> деб номланган. Шаҳарнинг ҳар иккала номи ҳам ҳозирги Дунхуангнинг географик жойлашуви ва ҳолатини билдиради.

4. «Шижи»да Рузие мамлакатнинг жойлашган ерини ифодалаш учун қўлланилган Дунхуанг топонимини ёзиш учун ишлатилган «дун» иероглифи олдида олов белгиси қўйилмаган. Бироқ анча илгари даврда ёзилган «Шанхай жин» асарида Дунхуанг-шан (Дунхуанг тоги) топоними учрайди. Лин Мэй-

<sup>569</sup> Тарихий хотиралар. 491-б.

<sup>570</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений...Московское изд. Т. 2. С. 151.

<sup>571</sup> Тарихий хотиралар. 521-б.

цүннинг фикрича, Дунхуанг-шан (Дунхуанг тоги) Урумчи ёнида жойлашган Буогда-шан (Буғдо тоги – «кatta ёки улуғ төф»ни англатади) тогига түгри келади<sup>572</sup>. Ушбу төф Тангритог (Тян-шан)нинг бир қисмидир. «Чжунгтуо гужин диминг дацидян» номли лугатда келтирилишича, мазкур төф Шаркий Туркистондаги Карапшар шахри ёнида жойлашган<sup>573</sup>. Бу шахарнинг ёнида Дунхуанг дарёси ҳам бор<sup>574</sup>. Қадимда Дунхуанг-шан Түэн шүэн-шан ёки Түэн шун-шан (Tuen-shueng-shan, Tuen-shung-shan) деб талаффуз этилган. Мазкур топонимда «шан»нинг төг маъносини англатиши муқаррар. Ҳозирги Дунхуанг топоними қадимда Түэнчжуан (Tuen-juang) деб талаффуз этилган. Кўриниб турибдики, уларнинг замонавий ўқилиши бир хил, бир мунча фарқ уларнинг қадимги ўқилишидагина кузатилади. Бу эса ўз ўрнида Чжан Цян ўзининг баёнотларида Дунхуангни тилга олар экан, Шаркий Туркистондаги Дунхуанг-шанни назарда тутган, деган хulosага асос бўла олади.

5. Чжан Цянг элчилик вазифасини ўтаётган вақтда Хэши йўлагидаги Шачжоу (Кумли вилоят) Дунхуанг деб номланмаган<sup>575</sup>. Шунинг учун ҳам хитой элчиси ўз хисоботида ҳозирги Дунхуан тўғрисида гапира олмаган.

Келтирилган маълумоларнинг таҳлилидан куйидаги хulosаларни келтириш мумкин:

Қадимда рузиеликлар Тангритог (Тян-шан)нинг Шаркий Туркистон қисмida жойлашган яйловлар ва улар атрофидаги жойларда яшаган. Улар кучайганда, Рузие (Ғузер) давлатининг таъсир доираси яна ҳам кенгайган. Бошқача қилиб айтганда, улар Карапшар ва Урумчи вилоятларидан бошлаб, Хэши йўлаги ва Ордос далаларини ўз ичига олган.

<sup>572</sup> Лин Мэйцун. Хан Танг Шицюй юй Чжунгтуо вэнминг. 77-б.

<sup>573</sup> Чжунгтуо гужин диминг дацидян. 898-б.

<sup>574</sup> Ўша жойда.

<sup>575</sup> Лин Мэйцун. Хан Танг Шицюй юй Чжунгтуо вэнминг. 76-б.

## РУЗИЕ (ЮЭЧЖИ) АТАМАСИННИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Хитой манбаларидаги учрайдиган юэчжи атамаси кўпдан бери дунё олимлари орасида жиддий мунозаларга сабаб бўлиб келмоқда<sup>576</sup>. Айниқса, ушбу ном билан аталган халқнинг этник келиб чиқиши масаласи олимлар орасида турли фикрларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Мазкур манбалардаги Фарғонага оид маълумотларни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида биз ҳам ушбу атамага муносабат билдиришни мақсадга мувофиқ, деб хисобладик. Чунки бу маълумотларда юэчжи атамаси кўп учрайди. Қолаверса, мазкур этном ном билан аталгандар тарихимиизда катта аҳамият касб этган Кушон хонлигининг асосчилариидир.

Шунга кўра, бизни қизиқтирган маълумотларни ҳамда сўнги 30 йил давомида Хитой Халқ Республикасида нашр этилган асарлардан ўрин олган тадқикот натижаларини ўрганишини, хусусан, юэчжи атамасининг келиб чиқиши, унинг билан номланган халқнинг илк ватани ва этник ҳолати каби масаларга эътибор бериб кўришни лозим топдик ва бу ишни таржима қилинган маълумотлар асосида эмас, балки қадимги асл хитой манбаларига ва археологик маълумотларга суюнган ҳолда амалга оширидик. Тадқикотларимизнинг асосий мазмунини Алмати (2007), Шанхай (2008), Турфон (2009) ва Урумчи (2010) шаҳарларидаги ўтказилган халқаро илмий конференцияларда маъруза қилдик ҳамда катор илмий журнал ва тўпламларда нашр этдик<sup>577</sup>. Юэчжиларга оид тадқикотларимизнинг тўла матни 2010 йилда Тошкентда, 2011 йилда Алматида «Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников)» номли монография шаклида чоп этилди<sup>578</sup>. Ундаги баъзи бир тезисларни, яъни мазкур тадқико-

<sup>576</sup> Ўша асар. 95-101-б.

<sup>577</sup> Караган: *Ходжасев А. О трансформации «юэчжи» из топонима в этноминим // Вопросы истории и археологии Западного Казахстана. Выпуск 3. Уральск, 2004. С. 68-77; Шу муалифнинг. О трансформации «юэчжи» из топонима в этноминим // O'zbekiston tarixi. № 1. 2005. С. 3-14; Шу муалифнинг. Новый взгляд на проблему локализации территории государства Рузие (Юэчжи) // Лунизон тигани (Тезисы научных докладов). Синьцзян тулуманъюз янызюю юаня (Синьцзянский институт турфановедения), 19-21 октября 2008 г. С. 328-330; Шу муалифнинг. К проблеме локализации места обитания рузийцев (юэчжи) в первом тысячелетии до н.э. // Xitoishunoslikning dolzarb masalalari: filologiya, falsafa, tarix, iqisod va siyosat masalalari. Toshkent, 2009. С. 13-22; Шу муалифнинг. К вопросу этногенеза этнонима рузие (юэчжи) // Этнос ва маданият: айнанавийлик ва замонавийлик. Ташкент, 2010. С. 55-64; Сведения китайских источников о тюркском происхождении Кушанского царства // Национальная история татар: теоретико-методологические проблемы. Выпуск 2. Казань. 2011. С. 3-27.*

<sup>578</sup> Ходжасев А. Из истории древних тюрков... С. 220.

тимиз мавзусига оид хулосаларнинг кисқача мазмунини ушбу китобимизда ҳам келтиришни лозим топдик.

Шу ерда изоҳ бериб ўтиш жоизки, хитой манбаларида ва ада-биётларида замонавий талаффузда «юэ-чжи» (yuè-zhī) деб ўқилган икки иероглиф (月氏) қадимги хитой тилида «рузие», «руции», «ингузие» деб ўқилган. Шунинг учун биз асарларимизда шу икки иероглифнинг қадимги ўқилиши билан, яъни «рузие» шаклида ишлатилишини тўғри, деб ҳисоблаймиз. Бироқ тадқиқотларимиз натижасида «рузие» атамаси давлат номи бўлган «Ғузер» сўзининг транскрипцияси эканлиги аниқланди. Қадимий Хитой анъаналарига кўра, аксарият ҳолларда давлатнинг ташкилотчилари ҳам унинг номи билан аталган. Натижада Рузие (Юэчжи) бир вақтнинг ўзида ҳам топоним ҳам этноним сифатида ишлатила бошланган. Бу ҳол маълум қийинчиликлар тугдиради. Шу боиз Рузие (Ғузер) давлатининг номи этноним сифатида кўлланганда, унинг «рузиелклар», «ғузерликлар», «рузиелар», «юэчжилар» шаклларини ишлатишни маъкул ҳисобладик.

XXРда уйғур тилида чоп этилган айрим тарихий китобларда, жумладан хитой манбаларининг таржималарида мазкур атама «явчи» деб ёзилган. Бироқ бунинг сабаби ва атаманинг маъноси айтилмаган.

Атамани замонавий хитой тилида *юэчжи* деб ўқилган икки иероглиф (月氏) билан ёзиш анъанаси милоддан аввалги III-II асрда пайдо бўлган. Бинобарин, айнан шу даврда тарихий саҳнада пайдо бўлган ва қадимий Хитойни илк бор бирликка келтирган, бироқ кисқа давр мавжуд бўлган Чин (秦 – мил. авв. 221-206) суоласи ёзув, пул ва ўлчов масалаларида юритилган турли бирликларни умумлаштириб, ягона коидага амал қилдирган эди.

*Юэчжи* атамаси пайдо бўлишидан олдинги минг йилдан зиёд вакт давомида уни ёзиш учун талаффузи бир-бирига яқин, ёзилиши ҳар хил бўлган иероглифлар ишлатилган. Масалан, «Му Тянзи чжуан» («Тангри ўғли Му ҳакида баён»)да мазкур атама ngiwo-tie, ngiwo-tcie (禹知) (зам. ўқил. юэчжи), «Шан хай жинг» («Тоғлар ва денгизлар қомуси»)да – ngiwat-chie, ngiwat-tcie, rieuw-chie (月支) (замон. ўқил. юэчжи), қадимги замон тарихчиси Ва

Хуэйнинг «И Чжоушу» («Чжоу суполасининг йўқалган тарихи»)га<sup>579</sup> ёзган шархларида – ngiwe-tzie, ngiwe-zie, ngo-zie, ngeu-zie (禹氏 – зам. ўқил. юйчжи)<sup>580</sup>, айрим қадим замонда битилган кичик асарларда оу-tcie oy-tie (偶知 – зам. ўқил. оучжи), ngiwe-tzie, ngieu-zie (牛氏 – зам. ўқил. нючжи)<sup>581</sup> шаклида учрайди. Агар атамани ўкишга унинг барча ёзилиш шаклларини умумлаштириш нүктаи назаридан ёндашилса, у қадимги хитойлар тилида ngiwozie, ngiwotzie ngiwo-chie, ngiwet-chie, ngiwe-tcie, ngo-chie деб талафуз этилганлигининг гувохи бўламиз. Агар хитой тилида «ғ» товушининг йўклиги, сўзлар (иероглифлар) энг камида икки товушдан, яъни бир ундош ва бир унли товушдан ташкил топиши, ажнабий сўзларнинг охири ундош товуш билан тугаганда, уни тушириб қолдириш ёки унга унли товуш кўшиб ишлатилиши ҳисобга олинса, қадимий хитой тилидаги бу талафузлар «Ғуз-йер» ёки «Оғуз-йер» атамасининг транскрипцияси эканлиги яққол кўринади.

Шулардан маълумки, «Нгузие», «Рузие» атамалари қадими хитой манбаларида давлат номи сифатида ишлатилган. Аммо бу атамалар «ўғуз» ёки «ғуз» сўзидан келиб чиқкан. Ўғуз сўзи эса ögüz (öküz, oğuz, ҳозирги ўзбек тилида ҳўқиз) маъносини англатган бўлиб, у ўтмишда кувват, кудрат рамзи сифатида ишлатилган ва Рузие давлати аҳолисининг тотемаси бўлган<sup>582</sup>.

Маълумки, ўғуз қадимги турклар таркибига кирган қабила номи бўлган. Қадими хитой манбаларида ушбу қабила номи уху (鳥護) шаклида транскрипция килинган<sup>583</sup>. Кейин ўғузлар кўпайиб, улардан ташкил топган қабилалар сони ошиб борган. Махмуд Қашқарий (Кошгари) даврида ўғуз қабилалрининг сони 20га етган<sup>584</sup>. Булар джазагу, джаруқлуғ, чибни, джигдер (игдер), салгур, тўгер, алка, афшар, ажсумур, баджат, баджундур, барсан, бегтили, буқдуз, джусвлар, тутриқа, джаруқлуқ, ўғуз,

<sup>579</sup> Йи Чжоушу (Чжоу суполасининг йўқолган тарихи), Чжоушу деб ҳам аталади. Аслида ушбу маңба 30 бобдан зинд бўлган. Хан даврида у тўлдирилган. Сўнг унинг хажми 60 бобдан иборат бўлган. Кейинчалик асарининг бир кисми йўқолган. Шундан кейин тарихчилар ушбу супола тарихини Йи Чжоушу деб аташган [Ванс Ҷусунхан. Чжунгто минзу ши. 239-б].

<sup>580</sup> Ванс Ҷусунхан. Чжунгто минзу ши. 239-б.

<sup>581</sup> Лин Мэйчун. Шиной вэнминг (Фарб мамлакатларининг маданияти). Пекин. 1995. 6-б.

<sup>582</sup> Ходжасев А. Из истории древних тюрков... С. 108-109.

<sup>583</sup> Ўша асар. 108-б.

<sup>584</sup> Ўша асар. 109-б.

*кара-болук, каники*<sup>585</sup> қабилаларидир.

Рус тилидаги тарихий адабиётда юэчжи атамасининг этноним сифатида ишлатилиши анъана бўлиб қолган. Ушбу одат сўнги даврда чоп этилган хитой лугатларида ҳам учрайди. Чунончи, 1979 йилда Шанхайдаги қайта нашр этилган «Цихай» («Сўзлар денгизи») номли энциклопедик лугатда «юэчжи қадимги ҳалқ номидир», деб кўрсатилган<sup>586</sup>. Шунга ўхшаган фикр 1996 йилда Урумчида нашр этилган «Шинжянг лиши цидян» («Шинжянг тарихининг лугати») номли асарда ҳам мавжуд. Чунончи, «да-юэчжи қадимий ҳалқ номидир, улар юэчжи ҳалқининг бир кисмидир», деб зикр этилади лугатда<sup>587</sup>.

Нисбатан илгарироқ чоп этилган хитой лугатларида Рузие (Юэчжи) атамаси давлат номи эканлиги қайд этилган. Масалан, 1930 йилда Шанхайдаги қайта нашр этилган «Чжунгту гужин диминг дацидян» («Хитойнинг қадимги даврдан ҳозиргача бўлган ер номлари катта лугати»)да «Юэчжи қадимги давлат номидир. У қадимда Гансу ўлкасининг гарбий худудида жойлашган эди. Хан даврида (мил. авв. 206-милодий 8 йилларда мавжуд бўлган Аввалти Хан давлати – Х.А.) ҳунлар томонидан тор-мор қилинган. Шундан кейин унинг аҳолиси Амударё бўйларига кўчиб кетган»<sup>588</sup>, дейилган. 1986 йилда Чэнгду (Сичуан ўлкаси маркази) шаҳрида нашр этилган кўп жилдли «Ханюй дазидян» («Хитой тили ёзувининг катта лугати»)да «юэчжи Хан даврида Farbий мамлакатлар (Шиоий)да мавжуд бўлган давлат номи», деб кўрсатилган<sup>589</sup>. Айнан шундай кўрсатма 1980 йилда Пекинда қайта нашр этилган «Циоан» («Сўзлар этимологияси») номли энциклопедик лугатида ҳам ёзилган<sup>590</sup>.

*Юэчжи* атамаси дастлаб давлат номи бўлганлиги ва у кейинги даврларда Рузие давлати аҳолиси маъносида ишлатилган этнонимга айланганлиги қадимий хитой манбаларida ҳам баён этилган. Масалан, «Ханшу»да «Аслида Дай-рузие чорвачилик билан шуғулланувчи давлат бўлган, [аҳолиси] яйловдан яйловга кўчиб юрган, [аҳолисининг] урф-одатлари ҳунлар билан бир хил бўлган, камон отувчиларининг сони 100 мингдан ортиқ эди»<sup>591</sup>,

<sup>585</sup> Маҳмуд Кошгари. Девону луготит турк. З-жилд, индекс. 391-397-б.

<sup>586</sup> Цихай, 1496-б.

<sup>587</sup> Шинжянг лиши цидян. 17-б.

<sup>588</sup> Чжунгту гужин диминг дацидян. 157-б.

<sup>589</sup> Ханюй дазидян. З-жилд, 2130-б.

<sup>590</sup> Циоан. 2-жилд. 1472-б.

<sup>591</sup> Ханшу. 2370(1162)-б.

деб айтилган. Мазкур маълумот 766-801 йилларда ижоди гуллаган хитой тарихчиси Ду Ю қаламига мансуб бўлган «Тунгдян» («Қонун-коидалар ва урф-одатлар баёни») номли асарда ҳам зикр этилган<sup>592</sup>.

Буни қадим замонда битилган хитой битикларига ва тарихий асарлардаги тушуниш қийин бўлган атамалар, иборалар ва воқеаларга шарҳ ёзиш билан машхур бўлган, 629-656 йилларда Танг сулоласи саройида тарихчи бўлиб хизмат қилган Ян Шигунинг «Ханшу»даги Фарғонага юборилган Хан элчиси Чжанг Чян ва ҳарбий кумондон Ли Гуанглига бағишланган 61-бобнинг бошланишида келтирилган шархида аник кўришимиз мумкин. Ушбу шарҳда «Рузие гарбий заминдаги гуз (ху)лар давлатидир» (月氏西域胡国也), деб ёзилган<sup>593</sup>.

«Ханшу»нинг биз илова қилаётган бобида келтирилган Чжанг Чяннинг сўзида Асуэн (Усун) ва Дай-рузие (Да-юэчжи) деб номланганлар илгари «Чилян ва Дунхуанг атрофида жойлашган кичик давлатлардир», деб таърифланган (祁连燉煌聞小国也)<sup>594</sup>.

Шу жойда айтиб ўтиш жоизки, хитой элчиси «кичик давлатлар» сўзини Хан империясига нисбатан ишлаттан бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки хитой манбаларида «шарқий гузлар (дунгху) кучли, Рузие эса ривожланган ва юксалган эди» (東胡疆而月氏盛), деган маълумот келтирилади<sup>595</sup>. Шунинг билан бирга ушбу манбаларда Рузие давлати асосан от бокишга мослашган мамлакат бўлганлиги ва унинг худудий доирасига Хэши йўлагидаги Лянгчжоу, Ганчжоу, Чжангъе, Сучжоу (Жючуан), Шачжоу (Дунхуанг) каби вилоятлар кирганлиги зикр этилган<sup>596</sup>. Аммо бу давлат айнан шу ерда жойлаган, деган гап эмас. Унинг худудига Тангритогнинг Шарқий Туркистон қисми атрофидаги ерлар ҳам кирган.

Хитой олими Лин Мэйцуннинг хulosасига кўра, Рузие давлати чорвага асосланган йирик ва кучли давлат бўлган. Уларнинг энг қадими юрти Тангритогнинг Дунхуанг деб номланган бўлаги атрофидаги жойларда бўлган. Мазкур тоғ бўлаги эса ҳозирги

<sup>592</sup> Тунгдян. З-жилд. 2675-2757-6.

<sup>593</sup> Ханшу. 1057(749)-б.

<sup>594</sup> Ўша асар. 1958(750)-б.

<sup>595</sup> Шижи. 1032(1032)-б.

<sup>596</sup> Ўша асар. 1136(1136)-б.

Шинжянг-Уйғур автоном ўлкасининг маркази Урумчи шаҳрига яқин жойлашган Буғдо-тоги (Буогда-шан)га тўғри келади<sup>597</sup>.

Бу холосани хитой манбаларидаги *рузие* (гузер)ликларнинг азалий яшаган жойи Тангритог этаклари ва унинг атрофидаги от боқишига мослашган жойлар бўлганини ҳақидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Масалан, сулолар тарихи «24 тарих» («Эршиси ши»)нинг биринчи жилди ва милоддан аввалги 90 йилларда ёзиб битирилган «Тарихий хотиралар» («Шижи»)да *рузие* (гузер)ликларнинг илк ватани ҳақида келтирилган энг қадимий маълумотда «дастлабда *рузие* (гузер)ликлар Дунхуанг ва Чилян атрофида яшаган» («ши Рузие жой Дунхуанг Чилян шян 始月氏居敦煌祁连闥»)<sup>598</sup>, деб ёзилган. Бу ҳақда илгари нашр килинган тадқиқотларимизда айтиб ўтган эдик. Бирок яна бир бор таъкидлаш жоизки, ундаги «Дунхуанг», «Чилян» топонимларининг ўрнини ва охиригина «шян» иероглифининг маъносини тўғри аниқлаш мухим илмий аҳамиятта эгадир<sup>599</sup>.

Имкониятимиз доирасидаги маълумотларнинг таҳлилига кўра, «Чилян» атамаси Тангритогнинг ҳуналар талаффузидаги хитойча айтилишидир. Кейинчалик бир-бирига тулашиб кетган яхлит бир тоғ тизимининг шарқий бўллаги ушбу ном билан аталадиган бўлган. Дунхуанг топоними эса хозирги Тангритогнинг бир кисмiga тегишли номdir. Уни ёзишда ишлатилган биринчи «дун»(敦) иероглифи олдида олов белгиси (火) йўқ эди.

«Шижи»дан кейин ёзилган манбаларда *Рузие* (гузер)-ликларнинг илк ватани ҳақида сўз юритилганда, олов белгисисиз «дун» (敦) олов белгилек «дун» (燉) иероглифига ўзгатирилган. Натижада Тангритогнинг бир бўллагига тегишли Дунхуанг билан Хэши йўлагидаги Дунхуанг бир хил ёзиладиган бўлган. Бу ҳолат илк бор тилга олинган Дунхуанг тоғини хозирги Дунхуанг шаҳрига таққослашга асос бўлиб қолган.

Шу ерда таъкидлаш ўринлики, олов белгисисиз ёзилган «дун»

<sup>597</sup> Лин Майфун. Шиой вэнминг. 7-б.

<sup>598</sup> Шижи. 1138(1138)-б.

<sup>599</sup> Бу ҳақда каранг: Ҳоджаев А. Из истории древних тюроков... С. 117-129. Шу муаллифнинг Чилян-шан (Чилян-тоги) топонимининг ўрнини аниқлаш муаммоси // «O’zbekiston Respublikasi Xitooshunoslikning dolzarb masalalari: filologiya, falsafa, tarix, iqtisod va siyosat» ilmiy-amaliy konferensiyasining materiallari. Toshkent, 2011. 97-108 б.

(敦) иероглифи қадимда dui, tuan, diao, dao, zhun, tun деб хам талафуз этилган ҳамда «яқинлик», «қалинлик», «күплико», «буюклико», «хурматлилик», «мажбур», «тепалик», «йигилиб қолмок», «уч оёкли идиш» каби маъноларда ишлатилган<sup>600</sup>. «Хуанг» (煌) иероглифи қадимда «олов ёғдуси», «ёргулик», «юксаклик» маъносида ишлатилган. Ушбу иероглиф олов белгисиз «дун» билан бирга кўшимча сифатида ёзилганда, у фақат «шэнг» (sheng 盛), яъни юксалиш маъносида қўлланган<sup>601</sup>.

«Ханшу»нинг «Дили чжи» («Жуғрофик тавсифлар») бобининг 8-қисмида Дунхуанг-жюн (Dunhuang-jun 敦煌郡 – Дунхуанг вилояти) топоними ишлатилган. Шарқий Хан (Дунгхан – 25-220) сулоласи хукмронлик қилган даврининг йирик олими ва амалдорларидан бири Йинг Шаонинг (應劭 – туғилган ва ўлган йили маълум эмас)<sup>602</sup> таъкидлашича, ушбу топонимдаги «дун» иероглифи «буюк», «хуанг» эса «юксаклиш» маъносида ишлатилиши керак<sup>603</sup>.

Тангритоғ этакларида топилган археологик маълумотларга кўра, бу ерда бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган маданият мавжуд эди. Шуни инобатта оладиган бўлсак, «Шижи»да «Дунхуанг» топонимининг маъноси «Буюк юксалиш», ёки «Буюк маданият замини» маъносини англаштан, деган хulosага келиш мумкин.

Юкорида биз олов белгиси билан ёзилган «дун» иероглифи «стун» (tuen 燥) деб хам ўқилган бўлиб, у «олов алангаси», «олов ёғдуси», «дашт жой» маъноси англаттанилиги, «Хуанг» деб ўқилган иккинчи иероглиф эса қадимда «жианг» (juang) деб ўқилган бўлиб, у олов белгиси билан ёзилган «дун» иероглифи билан бирга ёзилса, «катта алана ёргулиги» маъносини билдирганлигини ҳамда иероглифларнинг бу маъноси Хэши йўлагидаги Дунхуанг вилоятининг жуғрофик шароитини билдириши ҳакида ишимизнинг юкоридаги қисмида сўз юритган эдик. Дарҳакикат, ёз кунлари узокдан қаралса, бу тоғларни қоплаб турган ҳаво ловуллаб турган олов шуъласидек кўринар экан. 2000 йилнинг ёзида Буюк илак йўлининг

<sup>600</sup> Ханий дазидян. 2-жилд. 1468-б.

<sup>601</sup> Ўша асар. 3-жилд. 2219-б.

<sup>602</sup> Чжуңгитуо гужин мингрен дацидян. 236-б.

<sup>603</sup> Ханий дазидян. 3-жилд. 2219-б.

хозирги ҳолати ва истиқболини ўрганишга бағишенгтан билмий экспедицияси вақтида бунга амин бўлдик. Самолётда юқоридан Дунхунг вилоятини кузитиш жараёнида мазкур вилоят кум төглар билан ўралган даштлик ўргасидаги кўкаламзор эканлигининг гувохи бўлдик ва унинг марказида Дунхуанг шаҳри жойлашганлигини яққол кўрдик. Амин бўлдикки, ушбу кўкаламзорнинг хитойча «Шачжоу» (沙州), яъни «Кумли вилоят» деб номланиши ҳам айнан шу табиат манзарасидан келиб чиқсан экан.

Милоддан аввалги 176-174 йилларда Рузие давлати ҳуналарнинг кучайиши ва уларнинг бу давлат хукмдорларига қарши килган кураши натижасида тутатилган. *Рузие* (гузер)ликларнинг аксарият қисми аввалига Или водийсига, сўнгра *Рузие* (гузер)ликларнинг жануб сари Фарғона орқали Амударё бўйларига кўчиб борган. Ярим асрга яқин вақт давомида содир бўлган кўчиш жараёни Или водийсидан то Амударёнинг жанубий қирғоқларигача бўлган улкан заминда катта этник ўзгаришга олиб келган: мазкур минтақадаги халқнинг, яъни сакларнинг бир қисми Афғонистон ва Кашмирга чекинган<sup>604</sup>.

Милоддан аввалги 130-128 йилларда *ruzie* (гузер)ликлар Бактрияни эгаллаганидан кейин Амударёнинг жанубида Ламзие (замон. ўқил. Ланҷжичэнг 篓氏城 – Балх шаҳри ёнида жойлашган хозирги Бала-Хисорга тўғри келади<sup>605</sup>) шахрини марказ килган ва Улуғ Фузер (Дай-рузие) деб номланган давлат ташкил қилган. Шу даврда ушбу давлат 100 минг оила ёки 400 минг кишидан иборат аҳолига ва 100 мингдан зиёд жангчиларга эга бўлган<sup>606</sup>. Милодий 28-30 йилларда у Кушон хонлигига трансформация килинган. Бу жараён 5та *ruzie* (гузер)ликлар қабилалари бошликларидан бири бўлган Цючжуцю-ябгу (Куджула Кадфис) бошчилигида амалга оширилган. Янги давлат тарихда Кушон хонлиги деб номланади. Маълумки, ушбу давлат тарихда катта из қолдирган. Қадимги хитой манбаларида у ҳам Дай-рузие-гуо (大月氏國 – Улуғ Рузие давлати) деб номланган.

Гузер (рузие)ликларнинг бир қисми хозирги XXRнинг Кўккўл (Цинхай) ўлкасининг шарқий қисмида жойлашган. Улар кейинчалик қянг (чянг)лар билан чатишиб кетган. Булар хитой

<sup>604</sup> Ходжаев А. Из истории древних тюрков... С. 149-153.

<sup>605</sup> Ўша асар. 160-б.

<sup>606</sup> Хоу Ханшу. 3825(1315)-б.

манбаларида «Хуангчжунг рузие-ху» (湟中月氏胡) деб номланади<sup>607</sup>. Ғузерликларнинг яна бир қисми илгари яшаган жойларида қолган. Улар хитой манбаларида *шияо-рузие* (шияо-юэчжи 小月氏) деб аталади<sup>608</sup>.

Археологик маълумотлар ва тог қояларда сақланиб қолган суратларга кўра, *ruzie* (гузер)ликлар сочларини узун килиб ўстиришган ва бошларига учли қалпок кийишган. Бош кийимига чиройли күш патларини такиб юришган. Устига теридан тикилган ва от минишга қулай бўлган кийимлар кийишган. Ўлганларнинг бошини тери билан ўраб, шимолга каратиб дағн этишган. Уларда оиласвий қабр ёки бир авлодга тегишли қабристон қилиш одати бўлган<sup>609</sup>.

Рузие давлати Торим воҳасидан бошлаб, Ордосгача бўлган жойларни назорат қилганлиги сабабли ўша даврда уларга тегишли бўлган ҳудудда уларга оид археологик маълумотлар кўп топилган<sup>610</sup>. Шуларнинг гувоҳлигига кўра, *ruzie* (гузер)ликларнинг сиртқи қиёфаси европеоидларга хос, яъни кўзлари чукур, бурунлари кирра, баданинг ранги оқ бўлган. Масалан, 1976 йилда Хэши йўлагидаги Лингтай вилоятида (ҳозирги Гансу ўлкасида) жойлашган Бацаопу тепалиги остида ётган ва милоддан аввалги XI-VIII асрлар (Ғарбий Чжоу сулоласи даври)га тегишли бир *ruzie* (гузер)ликнинг қабрини очганда, унинг ичидан бронзадан килинган найза учи ва бошқа қатор металлдан ясалган буюмлар топилган. Улар орасида бошига металлдан килинган қалпок кийган, кўзлари чукур, киррабурун, лаблари юпқа одамнинг боши туширилган куйма сурат бўлган<sup>611</sup>.

1980 йилда Ғарбий Чжоу давлатининг хон саройи жойлашган ерда (ҳозирги Шэнси ўлкасининг маркази Шиан шахрига яқин) чукуркўз, киррабурун келган оқ танли кишилар жасадлари топилган. Улар ёнида устига учлари чап томонга қайрилган хоч (𠂔) шакли туширилган буюмлар ҳам бўлган<sup>612</sup>. Ушбу белги

<sup>607</sup> Ўша асар. 3815(1305)-б.; Тунгдян. 2686-б.

<sup>608</sup> Ду Ю қаламига мансуб «Тунгдяй» номли асарда ёзилишича, улар «Ғарбий текислик билан Чжангйе оралигида яшаб қолган» (Шянжоу Шипин-Чжангйе چەنچەن 先居西平張掖之间) [Тунгдян. 2735-б.]. Ушбу маълумотдаги Ғарбий текислик (Шипин) Тангритогзининг Шаркий Туркистон қисмидаги яйловлар, Чжангье эса Хэши йўлагидаги жой номидир.

<sup>609</sup> Чжунгту Шинжяңгудай шәхзўй шәнгхуо ши. 52-54-б.

<sup>610</sup> Лин Мэйдун. Шицой взяминг. 7-б.

<sup>611</sup> Ўша асар. 7-б.

<sup>612</sup> Ўша жойда.

аслида баҳт-саодат, омад рамзи сифатида ишлатилган<sup>613</sup>. 693 йилдан бошлаб хитой тилига асл маъносини саклаб қолган ҳолда иероглиф сифатида кириб келган ва «wan» деб ўқила бошлаган. Унинг эзгулик, омад ва камолот маъноси сакланиб қолган<sup>614</sup>.

Шу ерда таъкидламоқ керакки, Будда давридаги мазкур белгини XX асрдаги биз билган учлари ўнг томонга қайрилган свастика билан зинхор солиштириб бўлмайди.

Шаркий Туркистондаги Такламакон чўлининг шимолий ва шаркий чеккаларида топилган бир неча минг йиллик тарихга эга жасадлар<sup>615</sup> ҳам бу жойларда шундай киёфадаги одамлар яшаган-лигини кўрсатади. Маълумки, бу жойлар *рузие* (гузер)ликлар истиқомат килган ҳудуд доирасига кирган. «Вэй [сулоласи] тарихи» («Вэйшу»)да «Турфан (Гаочанг)дан бошлаб унинг гарбида жойлашган барча давлатларнинг одамлари чуқуркўз ва киррабурундир» (自高昌以西諸国人等深目高鼻)<sup>616</sup>, деб ёзилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу жойларда қадимдан *турклар*, жумладан *рузие* (гузер)ликлар яшаган.

*Рузие* (гузер)ликларнинг урф-одалари *турклардан*, жумладан *хўнлар*, *асуэн* (усун)лар, *ямцат* (янцайлар – Каспий ва Орол дengizларининг шимолий кирғокларида яшаган туркий қабилалар) ва Кангкия (Кангжюй) давлати аҳолиси билан бир хил бўлганлиги ҳам уларнинг келиб чиқиши туркий эканлигидан далолат беради. Масалан, «Шижи»нинг 27-боби бўлмиш «Тян гуан шу» («Самовий ходисалар баёни») кисмida «Чжунгтуо (Марказий давлат, яъни қадимги Хитой – А.Х.) [Ордоснинг] шарқида 4 денгиз ўртасида жойлашган. Унинг шимол ва гарб томонида *ху*, *ме*, *рузие* (юечжси) деб номланган ва кигиз ҳамда теридан кийим киядиган, ўқ-ёйдан фойдаланадиган халқлар яшаган»<sup>617</sup>, деб таъкидланган.

«Ханшу»нинг «Шиший чжуан» («Фарбий мамлакатлар») номли 96-бобида «улуг гузерликлар (дай-рузиеликлар) билан Кангкия (Кангжюй) [аҳолиси]нинг урф-одалари бир хил эди»<sup>618</sup>, деб зикр этилган.

«Зичжи тунгжян» («Хукмдорларга сабоқ берувчи воқеалар баёни») номли асадарда «Асуэн, Кангкия, Ямцат ва Дай-Рузие давлатларининг одамлари чорвадорлар эди... Уларнинг урф-одат-

<sup>613</sup> Санскрит ёзувида ушбу белги «srivat-sa» деб ўқилади [Ханной дазидян. 1-жилд. 51-б].

<sup>614</sup> Циоан. 1-жилд. 416-б.

<sup>615</sup> Ҳўжаев А. Буюк ишак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 84, 105-107, 114-119-б.

<sup>616</sup> Вэйшу. 9697(1315)-б.

<sup>617</sup> Сыма Цици. Исторические записки («Шижи»). Т. 4. М., 1986. С.149.

<sup>618</sup> Ханшу. 2371(1163)-б.

лари ҳұнларниңдан фарқ килмас эди»<sup>619</sup>, деб ёзилған. Худду шу маълумот «Тунгжян жиши бәнмүо» («Мұхим тарихий воеалар баёни») номли манбада ҳам көлтирилді<sup>620</sup>. «Тунгдян»нинг «Кангкия» («Кангжой») давлатига бағыланған қисмидә мазкур давлат ахолисининг «урф-одатлари улуг гузерликлар (дай-рузиеліклар)дан фарқ килмас эди»<sup>621</sup>, деб таъқидланған.

*Рузие* (гузер)ликлар түркій тилде сүзлашишган. Бирок улар Амударе бўйларига кўчиб борганидан сўнг Эрон маданияти таъсирига тушиб қолган. Шундан сўнг *ruzie* (гузер)ликлар тилида ва диний эътиқодида ўзгариш юз берган. Милодий биринчى асрдан бошлаб улар нафакат будда динига сиғинган<sup>622</sup>, балки ушбу динни Хитойга тарқатища ҳам мұхим ўрин тутган. Будда динининг тарғибодчиси сифатида биринчи марта Хитойга борган *ruzie* (гузер)ликлар вакили Фули ҳисобланади. У мазкур давлатта милоддан аввалги 2-йилда келганд<sup>623</sup>.

Гарчи *ruzie* (гузер)ликларнинг иқтисодий асоси чорвага мослашган бўлсада, уларда дехқончилик, кўл хунармандчилиги ва савдо-сотик ишлари ҳам ривожланған бўлған. Археологик маълумотларнинг гувоҳлигига кўра, *ruzie* (гузер)ликлар кундалик ҳаётіда ишлатиш учун ёғочдан, сукдан ва металлдан ўзларига ҳос бўлған турли асбоб-ускуна, курол-яроғлар ишлаб чиқаришган. Улар орасида металлдан ясалған ўқ-ёй ва найза учи, қилич, ой шаклида бироз қийшайтирилған пичоқ, ерни бўшатиш учун ишлатиладиган кетмон алоҳида ўринда турган. Бундан ташқари, улар олтин ва кумушдан нафис тақинчоклар ва бошқа зебу-зийнат буюмларни ишлаб чиқаришган. Маржонлар, майдада қўнғирокчалар ва устига турли ҳайвонлар шакли туширилған буюмлар катта қизиқиши ва талабга эга бўлған. Бу буюмларнинг шакли ва ишлаб чиқариш усули Ички Монголияда топилған ҳұнларга тегишли буюмлардан фарқ қилмайди.

*Рузие* (гузер)ликларда соподдан турли идиш-товорқ ясаш ишлари ҳам кенг тарқалған. Икки қулоқли, яъни тутқичли кўзачалар, дон солиши учун иштиладиган хұмлар ва бошқалар шулар жумласидандир<sup>624</sup>.

*Рузие* (гузер)ликлар ишлаб чиқарған сопол буюмлар бир неча

<sup>619</sup> Зижки тунгжян. 1-жилд. 129-б.

<sup>620</sup> Юан Шу. Тунгжян жиши бәнмүо. 1-жилд, 2-боб. 41-б.

<sup>621</sup> Тунгдян. 2736-б.

<sup>622</sup> Юй Тайшан. Шиний тунгши. С. 49; Ванъ Чжэслай. Чжунъя шигант. 9194-б.

<sup>623</sup> Цихай. 144-б.

<sup>624</sup> Ўша асар. 49-б.

умумий хусусиятларга эга бўлган: 1) буюмнинг устини бўяш учун ишлатилган бўёклар куюқ бўлган; 2) ясалган буюмларнинг шакллари нисбатан юмалок; 3) идиши-товоқ ва кўзачалар таг кисми қалин бўлган ва қизил бўёқда бўялган; 4) уларнинг қопқоқчалари кесиб олинган ва уларда турли ҳайвонларнинг шакли ўйиб туширилган<sup>625</sup>.

*Рузие (гузер)ликларда* тўқимачилик санъати ҳам яхши ривожланган. Буни уларнинг қабрларидан топилган каноп ва жундан тўқилган мато бўлаклари тўла тасдиклайди. Улар мато тўқишида жунни чап томонга қаратиб йигирган ва йўғонлиги 0,3-0,4 ва 0,5-0,6 мм келадиган жун ип ишлатишган<sup>626</sup>. Канопдан мато тўқилгандиги, албатта, *ruzие (гузер)ликлар* бу ўсимликни ўстириш ва ундан мато тўкиш учун ярокли ип тайёрлаш технологиясига эга бўлганлигидан дарак беради.

*Рузие (гузер)ликлар* яшаган худуднинг, яъни Тантритоғ этаклари ва унинг атрофидаги жойларнинг географик шароитларига бир назар ташласак, у ерларда нафақат бепоён яйлов далалар, балки дәхқончилик ва боғдорчиликка мос водийлар ҳам борлигини кўрамиз. Шунда *ruzие (гузер)ликлар* чорва билангина эмас, балки дәхқончилик ва кўл хунармандчилиги ишлари билан ҳам шугулланганлигига ишонч ҳосил килиш мумкин.

## СЭК ВА СЭКЧЖУНГ – САКЛАР

Хитой манбаларида *сакларга* оид маълумотлар тарқоқ ҳолда учрайди. Хитойликлар ушбу этноманий замонавий талаффузда «сай» деб ўқиладиган иероглиф (塞) билан ифодалашган. Бирок мазкур иероглифнинг замонавий ўқилиши асосида у «сак» этноманийнинг хитойча транскрипцияси эканлигини айтиш бирмунча мушкул. Аслида, мазкур иероглиф қадимги хитой тилида «сэк» деб талаффуз этилган<sup>627</sup>. Бу эса унинг «сак» этноманийнинг транскрипцияси эканлигини яққол кўрсатиб туради.

Рус олими Н.Я. Бичурин ўз таржималарида *сакларни* ифодалайдиган хитойча иероглифни «сэ» ва «се» шаклларида транскрипция қилган ва улар билан «сак» сўзи орасида алоқа-

<sup>625</sup> Ўша асар, 49-51-б.

<sup>626</sup> Ўша асар, 49-б.

<sup>627</sup> Ханзи гўйинг шоудз. 22-6.

дорлик бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни илгари сурмаган. Бу эса мазкур таржималардан фойдаланган олимларга мазкур «сэ» этноними ҳақида бирор аниқ фикр айтишга йўл бермаган.

Хитой манбаларида номи «сэк» иероглифи билан ифодалangan халқ ҳақида маълумотлар нисбатан кўп эмас. Уларда *сакларга* бағишланган маҳсус боблар ҳам йўқ. Бироқ, шунга қарамасдан, хитойнинг қадим манбаларида *сакларнинг* истиқомат жойлари, этник алоқалари, халқаро муносабатларда тутган ўрни, урф-одатлари тўғрисидаги маълумотларни кам ва таркоқ бўлсада, учратиш мумкин. Хитойлик олимларнинг тадқикотларига кўра, *саклар* яшаган ҳудуд доирасига Шаркий Туркистон, ҳозирги Марказий Осиё давлатлари замини ва унинг гарбидаги жойлар кирган. Бу жойларда яшаган қадимги этносларга тааллукли маълумотларнинг *сакларга* ҳам алоқаси бор.

Шу ўринда яна бир масалага аниқлик киритиб ўтиш лозим. Анъянага кўра, бундан қарийб 2 минг йил муқаддам муюмалада бўлган хитой ёзма тилида гап ёки жумла таркибидаги сўз бирикмалари икки иероглифдан, яъни икки сўздан ташкил топар эди. Агар бундай сўз бирикмалари ажнабий халкларга мансуб мураккаброқ атамалардан иборат бўлса, хитойликлар уларни ўз тилига мослаштиришга, масалан, кисқартиришга ҳаракат қилишган. Мабодо бундай атамалар, аксинча, киска бўлиб, улар бир иероглиф билан ифода этилган бўлса, уларни икки сўзли (икки иероглифли) сўз бирикмаси шаклига келтириш учун бирорта сифат ёки аниқловчини билдирувчи ёрдамчи иероглиф, яъни сўз қўшилган. Мазкур қоидага биноан, масалан, «сэк» атамаси ёнига «*ожунг*» (种 тоифа), «*ван*» (王 ҳукмдор), «*ди*» (地 ер, замин) каби сўзлар бириктирилиб ишлатилган. Шу боис хитой манбаларида *сакларнинг* «*сайжунг*» ёки қадимий талаффузда «*сэжунг*» (塞种) шаклида, будда динига оид хитой тилидаги асарларда эса «*цечунг*» («*тэсэжунг*») деб ёзилиш ҳоллари учраб туради.

Хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги 176-125 йиллар оралиғида *хуналарнинг* кучайиши ва уларнинг Ордос, Хэши йўлаги<sup>628</sup>, Шаркий Туркистон ҳудудларида

<sup>628</sup> Хитойча Хэшизоуланг (河西走廊). Ундаги «Хэши» сўзи дарёнинг гарб томонини англатади. У Хуанхэ дарёсининг юкори кисмига, яъни жануб томонидан Ички Монголия сари шимол томонга оккан кисмига нисбатан ишлатилган. Мазкур йўлак ҳозирги XXRнинг Гансу ўлкаси (провинцияси)га тўғри келади.

хукмронлик кила бошлаши натижасида илгари бу жойларнинг эгаси бўлган *рузие* (*гузер*)*ликлар* (*юэчжисилар*)нинг катта бир кисми ҳозирги Қозогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон худуди орқали Шимолий Афғонистонга кўчган<sup>629</sup>. Кўчиш даврида улар бу жойларда яшаётган, Ғарб ва Ҳинд адабиётларида *сайшианлар* (*сайтиан*) ёки *сарматлар* деб номланган маҳаллий *сакларнинг* бир кисмини Каширга чекинишга мажбур қилган<sup>630</sup>. Милодий 84-86 йилларда яшаган Шинг Зунг исмли хитой тарихчиси Ҳиндистон худудида истиқомат қилувчи *саклар* (сёк ёки сёк-жунглар)нинг *ху* (胡) деб ҳам аталишини кайд этиб ўтган<sup>631</sup>. Ҳозирги хитойлик тадқиқотчилар томонидан тузилган «Хитой тили ва ёзувининг катта лугати» («Ханой дазидян»), «Сўзларнинг келиб чиқиши» («Циоан») ва «Сўзлар денгизи» («Цихай») каби катта этимологик лугатларда ҳам қадимги Хитойнинг шимоли ва ғарбида яшаган ҳалклар *ху* деб номланганлиги эътироф этилган<sup>632</sup>.

Юқорида айтиб ўтилганидек, *ху* этноними илк бор хитой манбаларида милоддан аввалги биринчи минг йиллик давомида тошга ва суккя ёзилган битикларда учрайди. Милоддан аввалги III-I асрларда у кенг тарқалган. Шундан маълумки, ҳунларнинг кучайиши ва шу туфайли *рузие* (*гузер*)*ликларнинг* ғарб томонга кўчиши *саклар* жойлашган худуднинг яна ҳам кенгайишига олиб келган.

Қадимги хитой ёзма манбаларига мурожаат қиласиган бўлсак, «сёк» (*сай*) иероглифи илк бор «Чян Ханшу» («Аввалги Хан

<sup>629</sup> Рузисларга онд тадқиқотимизда бу ҳакда батафсил маълумот берганимиз [Каранг: Ҳоджсаев А. О трансформации «очки» из топонимов в этноним // Вопросы истории и археологии Западного Казахстана. Выпуск 3. Уральск, 2004. С. 68-77; O'zbekiston tarixi. № 1. 2005. 3-14-б. Шу муаллифнинг. К вопросу определения этимологии термина «Фочж» (Сведения китайских источников) // Марказий Осиёда айнаннавий ва замонавий этно-маданий жараёнлар (Традиционные и современные этнокультурные процессы в Центральной Азии). 2 кисмдан иборат. Тошкент, 2005. 1-кисм. 78-93-б.; Шу муаллифнинг. Из истории древних тюрков (сведения дренекитайских источников). Ташкент, 2010].

<sup>630</sup> Хитой манбаларida ва лугатларida «су» «гуз» сўзининг хитойча транскрипцияси эквивалент айтилади. Дастрраб хитойликлар «су» иероглифи билан ўзларининг шимолида яшаган кабилаларни номлаганлар. Кейинчалик мазкур атама остида ҳунлар тушунила бошлаган. Ҳун империяси инкизотга учраши натижасида содир бўлган қавмлар кўччицидан сўнг Марказий Осиёнинг ҳалклари ҳам умумий холда «су» деб атала бошлаган. Қадимий Хитойнинг шарқий-шимолида, яни ҳунларнинг шарқ томонида яшсанганлар «дўнгху» (东胡 «шарқий гуз») деб номланган. Руҳ адабиётидаги «стунгус» этноними айнан шу «дўнгху» атасасининг транскрипциясидир [Цихай. 47, 1503-б.]

<sup>631</sup> Ханой дазидян. 3-жилд, 2057-б.

<sup>632</sup> Ўша жойда; Циоан. 3-жилд, 2549-б.; Цихай. 1503-б.

сулоласи тарихи», кискартирилган холда «Ханшу» деб ҳам аталади) да учратамиз. Чунончи, ушбу асарнинг 96-бобидаги Кашмир (Жибин)га бағишлиланган қисмида куйидагича ёзилган:

«Хүнлар (кунна / шюнгну 匈奴) улуг гуз-ерликлар (дай-руzie / да-юэчжи 大月氏)ни мағлубиятга учратди. Улуг гуз-ерликлар гарбдаги Бактрия (Дася)ни эгаллади, саклар хукмдори (сай ванг 塞王) эса жанубдаги Кашмир (Жибин)га чекиниб, у ерга эгалик кила бошлади. Саклар (сэксунг 塞种) ҳар томонга ёйилиб, бир неча ҳокимият ташкил этди. Шунинг учун Шулэ (Сули 疏勒)нинг гарбий ва шимолий томонида, Шюшун (Shiushun 休循, русча транскрипцияда Сюсюань) ва Улуғчат (Шэнду / Yiwandu 捐毒)га тегишили жойларда қадимдан яшаёттганлар саклар зотидандир (сэксунг 塞种)»<sup>633</sup>.

Ушбу матннаги Шулэ ёки Сулэ ҳозирги Қашқарга, Shiushun Қашқарнинг гарб томонидаги Эркештомга (ҳозирги ХХР ва Қирғизистон ўртасидаги чегара нохияси), Yiwandu – Қашқар билан Эркештом оралиғидаги Улуғчат вилоятига тұғри келади.

Мазкур матннаги охирги иккита маълумотни Н.Я.Бичурин «Сэские племена живут рассеянно, и более под зависимостью других. От Кашгара на северо-западе Хоусюнь (Сюсюнь) и Гюньду – суть потомки древних сэсцев»<sup>634</sup>, деб таржима килган. Күриниб турибиди, рус олими «сэ» халқи қайси халқ эканлигини, «Хоусюнь» ва «Гюньду» қайси жойларга тұғри келишини шархламаган. Натижада унинг таржимасидан фойдаланувчилар олдида ноаникликлар ва янги саволлар пайдо бўлган.

Аслида ушбу маълумот «Ханшу»нинг Шюшун-гуо (休循国 – Эркештом давлати)га бағишлиланган қисмида мазкур давлатнинг «аҳолиси усунлар билан бир хил кийинади, ўт-ўланларни қидириб, күчіб юради. Буларнинг келиб чиқиши сэк (сак)лардандир»<sup>635</sup>, деб келтирилган.

Мазкур манбанинг Улуғчат давлати (Йиванду-гуо, замон. ўқил. Шэнду-гуо 捐毒国)га бағишлиланган қисмида бу хонлик «[Хитой пойтхати Чангъандан] 9860 ли (5679.36 км) нарида жойлашган, аҳолиси 380 оила [ёки] 1100 кишидан, лашқарлари эса 500 кишидан иборат... Қашқар (Сули / Шулэ)дан жанубга

<sup>633</sup> Ханшу. 2368(1160)-б.

<sup>634</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Московское изд. Т. 2. С. 179.

<sup>635</sup> Ханшу. 2373(1165)-б.

караб Помир (Цунглинг)гача бўлган жойларда одам яшамайди. Помирга кўтарилса, Эркештомга етиб борилади. Шимоли-гарбий йўналишда Фарғонагача 1300 ли (748.8 км) келади, [ушбу давлатнинг] шимол томони Асуэн (Усун) [давлати]га бориб туташади. [Одамларининг] кийиниши усунлар билан бир хил, ўт-ўланларни қидириб, кўчиб юришади, булар аслида *сак* (сэқ)лар эди<sup>636</sup>, деб зикр этилган.

Маълумки, «Ханшу» («Чян Ханшу» деб ҳам номланади) асарини сарой тарихиси Бан Гу (32–92) милодий биринчи асрнинг иккинчи ярмида битган. Унгача бўлган 200 йил Хитой билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида дипломатик ва савдо алоқаларнинг фаоллашган даври бўлиб, хитой ҳукмдорлари минтақадаги халкларни, айниқса улар ўртасидаги муносабатларни яхши ўрганганди, яъни булар ҳакида тарих битишга катта аҳамият берган. Бу Хан империясининг минтақадаги мамлакатларга нисбатан олиб бориладиган сиёсати учун зарур эди. Шу сабабли сарой тарихчиларида минтақага оид аниқ маълумотлар бўлган. Бундан «Ханшу»да келтирилган маълумотларнинг янглиш бўлиш эҳтимоли кам, деган хулоса келиб чиқади.

Шунга кўра ва «Ханшу»дан келтирилган юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, милоддан аввалги II–I асрларда ва милодий I асрда Қашқарнинг гарб томонида, яъни Помирнинг шарқий этакларида ҳам *сакларнинг* бир қисми яшаган.

Мазкур масалани ёритишга кўмаклашадиган бошқа маълумотлар ҳам бор. Масалан, «Ханшу»нинг Асуэн (Усун) давлатига оид қисмида «Илгари ушбу давлат худуди *сак* (сэқ)ларнинг ерлари эди. Улуғ гуз-ерлик (да-юэчжи)лар *саклар* ҳукмдори (сэқ ванг 塞王)ни мағлуб қилди. *Саклар* ҳукмдори жанубдаги Ҳиндистон (Шянду 縣度)га чекинди. Улуғ гуз-ерликлар уларнинг жойини эгаллади. Кейин усунларнинг ҳукмдори Кунмак (昆莫) замон. талаф. Кунмо )<sup>637</sup> улуғ гуз-ерликларни мағлуб қилди. Улуғ гуз-ерликлар Бақтрияга бориб, у ерга ҳукмронлик қила бошлади. Усунларнинг ҳукмдори Кунмак *саклар* жойини эгаллади. Шунинг учун асуэн (усун) халқи таркибида *саклар* ва улуғ гуз-ерликлар

<sup>636</sup> Ханшу. 2373(1165)-б.; Тунгдян. З-жилд. 2741-б.

<sup>637</sup> Тунгдянда «Кунмў ва кунми ҳукмдор унвонидир» (昆莫昆彌皆王号也), деб ёзилган [Тунгдян. З-жилд. 2724-б.]. Қадимда мў 莫 иероглифи тақ, ми 彌 – тисе деб ўқилган.

мавжуду<sup>638</sup>, дейилган.

Ушбу матнадаги Дунхуанг (燉煌) қадимда «Туэншунг» ёки «Туэншунг» (Tuen-shueng, Tuen-shung) деб талаффуз этилган бўлиб, у хозирги ХХРнинг Гансу вилоятидаги Дунхуанг шаҳри эмас, балки Тангритогнинг Шарқий Туркистон кисмининг, аникроги Урумчи шаҳри ёнидаги Буғдо тоғи (Богда-шан) ва у ердан Корашар ҳамда Баграш-кўлгача бўлган тоғ тизимиға тўғри келади<sup>639</sup>. Аммо аксарият олимлар ушбу матнадаги «Дунхуанг» топонимини хозирги ХХРнинг Ган су ўлкасидаги Дунхуанг шаҳри, деб қабул килишади.

Мазкур манбада Асуэн (Усун) хукмдорлигининг худуди «шарқда Хун (кунна / шюнгну), шимоли-ғарбида Кантгия (Кантгия), ғарбида Фарғона (Дайюан) давлатлари, жанубда атрофи деворлар билан ўралган шаҳар давлатлари билан чегарадошдир. [Ушбу худуд] аслида *сак* (сэклилар замини эди) (本塞地), деб кўрсатилган. Ушбу маълумотдан маълум бўлишича, *рузие* (гузер)ликлар (юэчэси) жанубга, Амударё бўйига кўчиб кетгандан кейинги даврда, яъни милоддан аввалги I-милодий II асрларда асуэн (усун)лар эгаллаган худуд Тангритогнинг ғарбий кисми, Иссиккўл ва Чу дарёси атрофини ўз ичига олган эди.

Шунингдек, «Ханшу»даги *сакларга* оид маълумот Ду Ю (734-812) битган «Тунгдян» ва Лэ Ши (960-1007) қаламига мансуб «Тайпинг хуанюй жи» номли манбалардаги Ҳиндистон (Тянчжу 天竺)<sup>640</sup>, Асуэн (Усун) ва Кашмирга бағишиланган қисмларида ҳам учрайди<sup>641</sup>.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, усунларнинг кейинчалик жойлашган ерларида илгари *саклар* яшаган. *Саклар* ва *рузие* (гузер)ликларнинг бир қисми Амударё бўйларига ва унинг жанубига кўчиб кетмасдан, ўз жойларида қолишган. Вакт ўтиши билан улар усунлар таркибига кириб, ўзларининг илгариги номини ишлатмай кўйишган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Н.Я.Бичурин таржимаси билан асл матнининг қиёсий таҳлили таржима матнларидаги маълумотлардан улуғ гуз-ерликлар билан тўқнашиш натижасида

<sup>638</sup> Ханшу. 2374(1166)-б.

<sup>639</sup> *Лин Мэйлон*. Хан Танг Шиоий юй Чжунгтуо вэнминг. 77-б.; Чжунгтуо гужин димминг дацидин. 898-б.

<sup>640</sup> Қадимий хитой манбаларида Ҳиндистоннинг номи Чилянду (Тянчжу 天竺), Шэнгду (身毒), Йиранду (Yiwan 捐毒), замон. талаф. Жоанду (Juan) шаклларидаги транскрипция қўлинган [Тунгдян. З-жид. 2741-6.]. Ҳозир Йинду (Yindu 印度) деб ёзилади.

<sup>641</sup> Тунгдян. З-жид. 2724, 2730-б.; Тайпинг хуанюй жи. 182-б.об, 11-б.

сакларнинг жанубга кетишга мажбур бўлганини англаш қийинлигини кўрсатди. Бундан ташқари, Н.Я.Бичурин асл матнадаги «сэқ» иероглифини «сэ» шаклида ўқиб, уни шарҳсиз колдирган ва «сэқ» «саклар» этонимининг хитойча транскрипцияси эканлиги хакида маълумот бермаган. Натижада олим таржимасидан фойдаланган тадқиқчилар «сэ» атамаси аслида «сак» атамасига тўғри келишини аниқ айта олмаган.

Замонавий хитой адабиётига, хусусан, кўп жилдли «Хитой тилининг катта лугати» («Ханой дазидян»)га мурожаат қилдик. Унда кўрсатилишича, қадимда «сэқ» деб ўқиласидаги иероглиф хозирги хитой тили талаффузида «сай» деб ўқилади. Маъно жиҳатидан ушбу иероглиф «бекитиб қўймок, яширмок», «биронта идиш ичига нарса солиб қўймок», «чегара худуди, чегара» каби маъноларни англатади. Шу сабабдан «сэқ»ни биронта сўзнинг ёки атаманинг таржимаси, деб тушуниш мумкин эмас. Ушбу лугатда «Сай қадимги ҳалқ номидир. Мамлакатимиздаги қадими манбаларда «сай» иероглифи билан ифодаланган ҳалқ Фарб ва Ҳиндистон тарихий адабиётларида *сайшиан* (scythians), *саэрмашиан* (sarmatians), *сакас* (sakas) деб аталган ҳалқлар билан бирдир», деб таъкидланиши диккатга сазовордир<sup>642</sup>.

Шунингдек, Цихай номли қомусий лугатда «Сэқ (сай – саклар) қадими ҳалқ номи бўлиб, улар Или дарёси қирғоқлари ва Иссиқкўл атрофида яшаган. Милоддан аввалги иккинчи асрда рузие (гузер)ликлар (юэчжи) ўз юртларидан гарбга кўчиб бориб, сэқ (сак)ларнинг заминини эгаллаб олганлар. Шундан кейин сэқ ҳалқи ҳар томонга тарқалиб кетган. Буларнинг бир кисми жанубга кўчиб бориб, Жибин (Кашмир)ни эгаллаган, иккинчи бир кисми эса ўз жойларида қолган. Кейинроқ ўз юртларida қолган сэқ (сак)лар бу ерга кўчиб келган усун (қадим. ўқил. асуэн)лар билан чатишиб кетишган. Хитой манбаларида тилга олинадиган сэқ ҳалқи билан Farb ва Ҳинд адабиётларида учрайдиган *сайшиан* (Scythians, *сайсинлар*), *саэрмашиан* (sarmatians, *сарматлар*) ва сэқ (sakas) аслида бир ҳалқ бўлган»<sup>643</sup>, деб қайд этилади.

«Шинжяңг лиши цидян» номли учинчи лугатда ёзилишича, *саклар* (сэқчжунг) Или водийси ва Тангритоғнинг шимолидаги

<sup>642</sup> Ханой дазидян. 1-жилд, 475-б.

<sup>643</sup> Цихай. 1030-б.

бепоён далаларда яшаган. Хитой манбаларида уларнинг хукмдори «сэқ ванг» (*саклар* хукмдори) деб аталган. Булар аслида «Йиван» (Yiwen 爰, замон. ўқил. Юн) исмли ривем (*рунг* 戎)лардан бўлиб, улар Дунхуангда (燉煌) яшаган эди, рузие (*гузер*)ликлар босими остида Помирнинг жанубий томонига кўчиб кетган. Сэқ ванг (*саклар* хукмдори) ўз одамларини бошлаб, Хиндистонга борган ва у ерда Кашмирнинг хокимига айланган. Аммо уларнинг бир қисми илгари яшаган жойларида қолган, яна бир қисми Помирда жойлашган. Кейинчалик сэкларнинг бир қисми Эрон баландлигининг шаркий қисмидаги жойлашган. Бу ердаги «Сейистон» (*«Шайиситан»*, *«Сакистон»*) топоними шуларнинг этник номидан, яъни сэқ сўзидан келиб чиқкан»<sup>644</sup>.

Юкорида айтиб ўтилганидек, ушбу маълумотдаги Дунхуангни Тангритогнинг Шаркий Туркистондаги бир қисми, аникроги, Урумчи шахри ёнидаги Бугдо-тоги (Буогда-шан) ва у ердан Бағраш-кўлгача бўлган тоғ тизими, деб тушунмок лозим.

Ўтган 50 йил давомида Шинжант-Уйғур автоном райони (ШУАР, рус адабиётида СУАР)даги Или водийси, Тангритоғ этаклари, Турфон атрофида топилган археологик маълумотлар бу жойларда *асуэнлар* (*усун*)лар, *рузие* (*гузер*)ликлар (*юэчжи*) маданияти билан бирга *саклар* маданияти ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади<sup>645</sup>.

Хитой манбалари ва тарихий адабиётларида кўрсатилишича, улуғ гуз-ерликлар илгари яшаган жойларидан Или дарёси бўйларига кўчган вақт милоддан аввалги 176-174 йилларга тўғри келади. Маълумки, хитой элчиси Чжанг Чян Асуэн (Усун), Улуғ Фузер (Дай-рузие), Қангкия (Кангжой) ва Фаргона (Дайюан, Даван) давлатларига келиб кетган. У ўз юртидан сафарга милоддан аввалги 138 йилда чиқкан ва 11 йилдан кейин, яъни милоддан аввалги 127-125 йилларда Фаргонага етиб борган. Шу пайтда улуғ гуз-ерликларликлар Бактрияда бўлган. Демак, улуғ гуз-ерликларликлар билан *саклар* орасидаги курашлар ва уларнинг Бактрия сари кўчиши милоддан аввалги 174-130 йиллар орасида содир бўлган.

Рузие (*гузер*)ликлар Амударёнинг жанубида жойлашиб олга-

<sup>644</sup> Шинжант лиши цидян. 689-б.

<sup>645</sup> Шиой тунгши. 35-б.

нидан ва Будда динига ўтганидан<sup>646</sup> сўнг хинд тарихнавислигида *тўхар* (*тухор*) сўзи пайдо бўлган<sup>647</sup>. Шу асосда Европа олимлари орасида *тўхорлар рузие* (*гузер*)ликлардан келиб чиқкан, деган фикр юзага келган<sup>648</sup>. Аммо айрим хитой адабиётларида келтирилган маълумотлар бу фикрнинг асосиз эканлигини кўрсатади. Бинобарин, *тўхор* этноними Бактрияга *рузие* (*гузер*)-ликлардан олдин келган ва бу ерда ўзларининг хокимиятини ўрнатган *сакларга* мансуб бир қабиланинг номи бўлган. *Рузие* (*гузер*)ликлар келиб, Бактрияни эгаллаганидан сўнг, атрофдаги ҳалклар уларни ҳам *тўхор* деб атаган. Шундай қилиб, *саклар* қабиласининг номи *рузие* (*гузер*)ликларга ҳам тегишили бўлиб қолган, аммо *рузие* (*гузер*)ликлар ўзларини *тўхор* деб аташмаган<sup>649</sup>. Қолаверса, *тўхар* этноними хитой манбаларида *тухоло* деб айтилади.

Мазкур этноним илк бор Вэй [сулоласи] тарихида учрайди. Ундан олдин ёзилган биронта манбада у тилга олинмайди. Йирик хитой олими Чян Боцюанинг маълумотига кўра, *рузие* (*гузер*)ликлар Амударё бўйларига бориб, давлат ташкил қилганидан сўнг, айниқса Кушон салтанати даврида, мазкур дарёнинг жануби ва шимолида жойлашиб қолган *саклар* уларнинг фукаролигида бўлган. Вакт ўтиши билан *рузие* (*гузер*)ликлар билан *сакларнинг* араласиб кетиши юз берган. Милодий III–V асрларда Торим воҳасининг жанубий томонидаги Хотан шаҳри йирик будда маданияти марказларидан бири сифатида дунёга танилган эди<sup>650</sup>. Шу даврда кўп *сакларнинг* Хўтангга кўчиб келиши ва Хўтан ёзувидан фойдаланиши кузатилган<sup>651</sup>.

Маълумки, *саклар* тарих саҳнасида қачон пайдо бўлган, деган савол ҳамон ўз ечимини топмаган. Аммо бу масала юзасидан хитой олимларининг фикрлари эътиборга моликдир.

Милоддан аввалги 1001-946 йилларда ҳукмронлик қилган ҳоким Му (Му-ванг, Му Тянзи)нинг милоддан аввалги 989-988 йилларда Фарбий мамлакатлар (Шиоий)га борганлиги зикр этилган асар «Му Тянзи чжуан» («Тангри ўғли Му ҳакида

<sup>646</sup> Ўша асар, 49-б.; *Ванг Чжилай*. Чжунъя шиганг. 91-94-б.

<sup>647</sup> *Ванг Чжилай*. Чжунъя шиганг. 94-б.

<sup>648</sup> Ўша асар, 90-б.; Чжунъя шиганг. 94-б.

<sup>649</sup> Шинжянг лиши цидян. 192-б.

<sup>650</sup> Бу ҳакда каранг: *Хўжасев А.* Буюк ишак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 129-131-б.

<sup>651</sup> Чжунъя сичноу чжилу цидян. 275-б.

баён»)да ҳозирги хитой тили талаффузида *шишү* (shimo 西膜), қадимги замон талаффузида *сиеимак* (sieimak) деб ўқиладиган этноними учрайди<sup>652</sup>. Ушбу манбанинг асл матнида қуидагида ёзилган: «[Мил. авв. 989 йил 6-ойнинг] Ренву (16-куни) Тангри ўғли [Му] шимолга юриб, у ёқдан шарққа бурилиб, орқага қайтди. Жяшэнг (18-куни) Хэйшуй (黑水)га етиб келди, [бу дарёни] *сиеимаклар* (西膜) Хунглак<sup>653</sup> деб атар эканлар»<sup>654</sup>.

ШУАР ижтимоий фанлар академияси қошидаги қозоклар тарихини ёзиш гурухи томонидан битилган ва 1987 йилда Урумчи шаҳрида нашр этилган «Хасакэзу жянши» («Қозоқ халқининг қысқача тарихи») номли асарда «Му Тянзи чжуан»даги *сиеимак* (shimo 西膜) *саклардир*, деб кайд килинади<sup>655</sup>.

Ушбу маълумотдаги «Хэйшуй» Корасув ёки Корадарё демакдир. Бу дарё ҳакида икки хил фикр мавжуд. Булардан бирига кўра, у Зарафшон дарёси, иккинчисига кўра Ёркенд дарёсининг шарқий ирмоғи бўлмиш Холастандарё (Тингдуобухэ) хисобланади. Аммо ҳоким Му ушбу дарё бўйига Помирдан ўтганидан кейин етиб келган. Шунинг учун биринчи фикр асослидир, деб хисоблаш мумкин.

Музкур маълумотдаги Му Тянзи милоддан аввалги 989-988 йилларда Шарқий Туркистон ва Помир орқали Орол ва Каспий денгизлари бўйларигача келган. Агар бу асардаги *сиеимак саклар* эди, деган фикр тўғри, деб хисобланса, ушбу халқ милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида мазкур икки денгиз бўйларида ҳам ҳаракат қылганлиги маълум бўлади.

Замондошимиз Шюе Зунгчжэнг Япония олимларининг тадқиқотларига ишора килиб, «Тарихда *сакларнинг* серфаолият бўлган даври милоддан аввалги VII-III асрларга тўғри келади»<sup>656</sup>, деб ёзади. Унинг фикрича, мана шу давр ичидаги *саклар* атрофидаги кучли давлатларнинг босимига дуч келганлиги туфайли кўп марта ғарбдан шарққа ва шарқдан ғарбга кўчишига мажбур бўлган. *Рузие* (гузер)ликларнинг сикувига учраб, Бақтрияга кўчиши уларнинг сўнгти марта бир жойдан иккинчи жойга кўзғалиши бўлди.

<sup>652</sup> Гу шишинг жи. 14-б.

<sup>653</sup> Хунглак (hunglak), замонавий хитой тили талаффузида хунглу, оқкуш демакдир.

<sup>654</sup> Гу шишинг жи. 14-б.

<sup>655</sup> Хасакэзу жянши (Қозоқ халқининг қысқача тарихи). Урумчи, 1987. 31-б.

<sup>656</sup> Шюе Зунгчжэнг. Тужоэ ши. 47-б.

Сакларнинг биринчи марта кўчишига милоддан аввалги VI асрдаги Форс (Персия) ҳукмдорлари ва IV асрдаги Юонон ҳукмдори Александр Македонский қўшинларининг уларга қилган хужумлари сабаб бўлган эди. Чорва билан шуғулланган ва кенг далаларда яшаган эркесвар ҳалқ атрофдаги кучли давлатлар босим ишлаттанди, улардан узоклашишга ҳаракат қилган. Биринчи марта улар гарбдан шарқ томонга кўчган бўлса, иккинчи марта шарқдан яна гарбга қайтишга мажбур бўлган. Бу кўчишлар жараёнида *саклар* кўп талофат кўрган бўлса ҳам, мағлуб бўлиб, душманларга таслим бўлмаган. Лекин бу мажбурий кўчишлар уларни бир қанча қисмларга бўлиб ташлаган<sup>657</sup>. Мазкур бўлаклар таркибиға кирган саклар кўчиб борган жойларида маҳаллий кардош этнослар билан аралашиб, янги номлар билан аталган этник гурухларни ташкил қилган. Жумладан, Байкал кўли атрофида яшаган кирғизлар ана шундай этник гурухларнинг биридир. Юқорида тилга олинган «Ханшу»даги «сэклар (сайчжунг) ҳар томонга сочилиб, бир неча ҳокимият ташкил этган эди», деган хабар шу кўчишларга асосланганлиги шубҳасизdir.

Шюе Зунгчжэнгнинг ёзиича, қирғизлар (жегэсси)нинг келиб чикиши *саклар* билан динглинглар (қадимий туркларнинг бир қисми)нинг аралашиши натижасида пайдо бўлган<sup>658</sup>. Ванг Чжилайнинг фикрича эса, динглинглар қадимий хитой битикларида *тиек* (犹 ҳозирги ўқилишда ди), *тиекли* (犹歟 ҳозирги ўқилишда дили), *тиук* (翟 ҳозирги ўқилишда ди) деб номланган эди. Милоддан аввалги XVI-XI асрлар қадимги Хуанхэ дарёсининг ўрта ва кўйи оқими жанубида мавжуд бўлган Ин ва Шанг сулолалари хитой манбаларида *тиук* деб номланган ҳалқнинг шарқий қисмига, яъни Куйфанг юртига кўп марта хужум ўюштириб, уни Монголия даштларига кўчиб кетишига мажбур қилган эди<sup>659</sup>.

Ванг Чжилайнинг ёзиича, милоддан аввалги VI-V асрларда форсийлар сакларни З гурухга бўлишган: *сака-хаумаварга* (Saka-Haumavarga), *сака-тайграхавда* (Saka-Tigrahauda), *сака-тиайтарад-райа* (Saka-Tuaytaradraya). Биринчи гурух *саклари*

<sup>657</sup> Ўша асар. 47-48-б.

<sup>658</sup> Ўша асар. 25-б.

<sup>659</sup> Ванг Чжилай, Динг Мабэн. Чжунъя гуожи гуанши ши. 2-б.

Фарғона водийси, Помир ва хозирги Тожикистоннинг шимоли-шарқида; иккинчи гурух саклари Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистон, Помирдаги Тошқўрғон, Балҳаш кўлининг жанубида, Чу ва Талас дарёларининг бўйларида; учинчи гурух *саклари* Амударёнинг шимоли, Орол дengизининг жануби-шарқий томонида ва Суғдиёна заминада жойлашган<sup>660</sup>. Ушбу фикр бошқа хитой олимлари асарларида ҳам баён этилган<sup>661</sup>.

Ванг Чжилайнинг фикрича, Геродот (тахминан мил. авв. 490-425) Волга дарёсининг шарқий томонидаги халқларни яхши билмаганлиги туфайли, уларни бир неча турга бўлиб ташлаган. Аслида уларнинг ҳаммаси *саклар* тоифасидан бўлган. *Саклар* ва *масагетлар* бир халқдир. Бинобарин, *масагет* этноними «ма» ва «сагет» каби икки сўздан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси «катта, буюк» маъносини билдирган, иккинчиси «сак» атамасининг бошқа тилдаги талаффузидир. Қолаверса, археологик ва ёзма манбаларнинг гувоҳлигига кўра, *саклар* билан *массагетларни* бошқа-бошқа халқ, деб ажратиб бўлмайди<sup>662</sup>. Мазкур хитой олими *саклар* билан *скифларни* ҳам бир халқ, деб қарайди<sup>663</sup>.

Сюе Зунгчжэннинг фикрича, *саклар* ғарбдан шаркка кўчганда, уларнинг босиб ўтган йўли узун бир йўлакни ташкил этган. Аммо *сакларнинг* ғарбдан шаркка кўчган вақтини аниқ кўрсатадиган маълумот хозирча топилмаган бўлса ҳам, олим милоддан аввалги IV асрда Александр Македонский шаркка юриш қилганда, *саклар* билан тўқнашганини инобатга олиб, ана шунда от миниб юришни одат қилган *саклар* тезда шарк томондаги кўмли чўл (Такламакон чўли)нинг шимолидаги жойларга бориб тўхтаганлигини таъкидлайди. Ўша даврдаги Чжоу ҳукмдорлигининг бошқарувчиси Улин (мил. авв. 325-298) *гуз* (ху)лар кийими от минишга ва ўқ-ёй отишга қулай эканлигини англаб, одамларининг кўрсатган қаттиқ қаршилигига қарамай, уларни *гуз* (ху)лардек кийинишига даъват этган.

Улин ҳукмдорлиги даврида *саклар* шаркка кўчиб келган, ушбу кўчиш милодан аввалги IV асрнинг охири ва III асрнинг

<sup>660</sup> Ўша асар. 26-б.; Шюе Зунгчжэн. Тужюо ши. 48-б.

<sup>661</sup> Қаранг: Чжунгтуо Шинжянг гудай шэхуэй шигнгхуо ши. 34-б.; Су Бэйхай. Хасақзу вонъхуа ши (Қозоқ халқи мадданиятигининг тарихи). 2-нашр. Пекин, 1996. 108-б.

<sup>662</sup> Ванг Чжилай. Чжунъя гуожи гуанши ши. 26-б.

<sup>663</sup> Ўша асар. 1-3-б.

бошида юз берган, деб айтиш мумкин. Бундан эса *сакларнинг* шарққа күчиши Александр Македонскийнинг шарққа юриши билан боғлиқдир, деган хуоса чиқариш мумкин. Мазкур даврда Гарбий денгиз (Шихай 西海 – Орол денгизи)нинг гарб томонида<sup>664</sup> яшаган Асиэна (Ашина 阿史那) қабиласи ҳам шарққа қараб күчган. Милоддан аввалги II асрда *саклар* авлоди шарқ томонда кенг тарқалиб, ўша даврдаги Хитой чегарасигача бўлган жойларда яшаган<sup>665</sup>.

Хитой манбаларининг гувохлик беришича, милоддан аввалги VI-III асрларда қадимий Хитойнинг гарбида яшаган халқлар *сие-ривем* (замон. ўқ. *ши-рунг* 西戎, рус адабиётида *сижун*) деб номланган. Мазкур этномимдаги *ши* сўзи гарбни, *ривем* (рунг) эса қадимда «от минувчи жангчилар», «от минувчи ажнабийлар» каби маъноларда ишлатилган. «Тайпинг хуаной жи» номли манбада ёзилишича, *сие-ривем* (*ши-рунг* – гарб томондаги отда юрувчилар)ларнинг Хитой (Чжуңгтuo)да пайдо бўлган вақти Ин суоласи (мил. авв. 1324-1066 йиллар оралиғи) хукмдори Цуйгугунг даврига (тахминан мил. авв. XIV аср ўргалари) тўғри келади. Ушанда улар хозирги Хитойдаги Шэн си ўлкасининг шарқий томонида яшаган<sup>666</sup>.

Шу даврда *хитой* (*шия*)ларнинг гарбида улар тилида *кянг* (чянг) деб номланган халқ яшаган. Ушбу халқ ҳам *сие-ривем* (*ши-рунг*, яъни гарбий от минувчилар) деб номланган. Шунга қараганда, *сие-ривем* (*ши-рунг*) тушунчасига Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари даврида гарбдан шарққа кўчиб кетган *саклар* ҳам киритилган.

Ундан ҳам қадимроқ даврга оид хитой битикларида қадимий хитойларнинг шимолий ва гарб томонида *тиек* (хозирги ўқилишда *ди*) деб номланган халқ яшаган. Хитойликлар уларни умумий ҳолда *ривем* ёки *ривем-тиек* (хозирги ўқилишда *рунг-ди*, яъни от минувчи турклар) деб ёзилганлигини кўрамиз<sup>667</sup>. Таъкидлаш жоизки, милоддан аввалги XI асрдан бошлаб, хитойлар ўзларининг атрофида яшайдиганларни умумлаштириб,

<sup>664</sup> Хитой манбаларидаги ўнг томонида, деб ёзилган.

<sup>665</sup> *Шюе Зунечжэнг*. Тужюз ши. 45-54-б.

<sup>666</sup> Тайпинг хуаной жи. 187-боб. 1а-б.

<sup>667</sup> Бу хадди каранг: *Ходжасен А.* О самой ранней китайской транскрипции этнонима тюрк // «Актуальные проблемы китаяведения: Вопросы филологии, политики, экономики и философии». Ташкент, 2006. С.12-17. *Шу муаллифнинг* Древнейшая китайская иероглифическая транскрипция этнонима тюрк // Shygys Kazakhstan. № 1, 2008. С. 7-26.

*ривем* (замон. ўқил. *рунг*) деб аташган, лекин хитойлар *ривем* деб номлагалар ўзларини бундай атамаганлар. Бошқача қилиб айтганда, *ривем* этноними хитойлар томонидан шимолий ва гарбий от минувчи күшниларига берилган ном ҳисобланади.

*Ривем* (*рунг*) атамаси милоддан аввалги VII асрда Хитойда ёзилган «Зуо чжуан» («Зуо хотираси») номли биринчи тарихий асарда ва ундан олдин тошга ва суккя битилган хотираларда учрайди. «Зуо чжуан»дан кейин ёзилган тарихий асарларда, Сима Чян ёзган «Шижи» («Тарихий хотиралар») номли манбада кўп марта қайд этилади. Улардаги маълумотларга кўра, милоддан аввалги VIII-V асрларда *ривем* (*рунг*)лар 7 гурӯхга ёки «исмлик»ларга бўлинган. «Жи исмли авлодга тобе *ривем* (*рунг*)лар», яъни от минувчилар «Ши, Юн, Ило, Чюн, Ли исмли *ривемлар*» (от минувчилар) ва *ривем-ман* (от минувчи ёввойилар) шулар жумласидан. Ундан олдинги даврда хитойларга факат *Куй-ривем* (Куй исмли от минувчилар) ва *сией-ривемлар* (Ши исмли от минувчилар) маълум бўлган. Ундан кейинги даврларда эса хитойларнинг шимолида ва гарбидаги диялогийжи-*ривем*, *йиччой-ривем*, *дайли* (*дали*)-*ривем*, *лувфан-ривем*, *шан-ривем* (тоғлик от минувчилар) каби *ривем* (*рунг*)лар пайдо бўлган. Хитой тарихчилари томонидан *ривемларни* бу тарзда бўлиш уларнинг яшаган жойи ёки тотемаларига асосланган.

Қадимроқ даврда тузилган хитойча луғатларда яна бир эътиборга сазовор маълумот келтирилган. Унга кўра, *ривем* (*рунг*)ларни ифодаловчи иероглиф кейинчалик юй (域) иероглифига ўзгартирилган. Бу ҳакда «Вэйшу» ва «Бэйши»да «Шиоу Шя [сулоласи] тарихида Сией-*ривем* (Ши-*рунг*) деб аталган» (Шиоу Шяшу чэнг Ши-*рунг* 西域夏書稱西戎), деб аниқ ёзиб кўйилган<sup>668</sup>. Шу жойда эслатмок жоизки, ушбу маълумотдаги «Шя [сулоласи] тарихи» (Шяшу 夏書) милоддан аввалги XXI-XVI асрлардаги илк хитой ҳокимияти тарихига бағишланган.

Қадимда «жой» иероглифи «*jiwek*» деб ўқилган бўлиб, у «турар жой, юрг, худуд, минтақа» каби маъноларни англатган. Вакт ўтиши ва иероглифларнинг талаффузи Хитойда хукмрон бўлиб турган халклар шеваларига мослаштирилиши натижасида «*jiwek*» иероглифи «жой» деб ўқила бошлаган. Шундан сўнг бу

<sup>668</sup> Вэйшу. 9694(1312)-6.; Бэйши. 13842(1286)-6.

иероглифининг маъносидан келиб чикиб, хитойлар *шийой* этнонимини «гарб томондаги юрт, худуд, мамлакат» маъносида ишлата бошлаган. Шу тарзда *ши-рунг* сўзи этноним сифатида аста-секин муомаладан чикиб кетган. Илмий тадқиқотларда «Шиой» сўзи аслида этноним бўлганини ҳисобга олиш лозим. Акс ҳолда қадимда Хитойнинг шимолий ва ғарб томонларида *ривем (рунг)* деб аталган халклар нега бирданига йўқолиб, ўрнига *рузие (гузер)ликлар* ва ҳуналар пайдо бўлиб қолди, Шиой топоними қаердан келиб чиқди, деган саволлар туғилади.

Будда динига оид асарлардаги маълумотларни ва хитой тилидаги ўзгаришларни ҳисобга олганда, қадимги *саклар*, ҳунлар ва *рузие (гузер)ликлар* ана шу *ривем (рунг)лар* доирасидаги айрим этник гурухлар ёки қабилалар иттифоки бўлганлигини англаш мумкин. Колаверса, қадимги хитой манбаларининг кўрсатишича, дастлабки даврда ҳун (*кунна / шюнгну*) қабиласи *ривем (рунг)* ва *тиек (ди)лар* доирасидаги юн, куй авлодларидан ташкил топган. Ўта қадимий хитой битикларида *ривем (рунг)* билан *тиек* ажратилмай, бир тоифадаги халклар номи сифатида ишлатилган. Уларнинг ажратилиб ишлатилиши милоддан аввалги VII-VI асрларда пайдо бўлган. Мазкур битикларда «*тиек* деб аталганлар қадимийдир», «*тиек* ғарбий замин одамлариидир», деган ёзувлар учрайди. Шу билан бирга *квей-ривем (гуй-рунг)* деб аталганлар ҳам кўп қабилалардан иборат бўлганлиги тъкидланади.

Илгари нашр килинган тадқиқотларимизда<sup>669</sup> турк қабиласи Олтойда тарихий саҳнага кириб келган вақтидан илгари *тиетлэк / телэ* таркибидаги қабилаларнинг бири бўлганлиги ҳамда у аслида Асиэна (Ашина) авлоди эканлиги ҳакида сўз юритилган эди. Сўнгти йилларда нашр этилган хитой олимларининг тадқиқотларига кўра, Асиэна (Ашина) авлоди қадим замонларда Орол денгизи (Сянхай)нинг ғарб томонида яшаган ва Александр Македонский кўшинларининг юришлари даврида шарққа кўчган.

Чунончи, Сюе Зунгчжэнг қаламига мансуб «Тужюэ ши» («Турклар тарихи») номли асарда зикр этилишича, Асиэна (Ашина) авлоди Орол денгизининг ўнг томонидан (ғарбидан) Мўғулистон ҳудудидаги далаларга кўчиб борган. Эронликлар буларни «*сака тайгра-хауда*» (*saka tigra hauda*) яъни «учли қалтоқ

<sup>669</sup> Бу ҳакда қаранг: Ҳоджсаев А. Из истории древних тюрков... С. 60-94.

киювчи саклар» деб аташган. Мүғалистонда «Чжэшуй» номли бир дарёнинг юкори қисмидаги Ба (Жэши) деб аталган тоғлик жойда улар хонлик ташкил этишган. Ушбу хонлик номи Хуже, айрим ҳолларда Сака давлати (хозирги ўқилишда Суогуо 索国) деб аталган. Милоддан аввалги 176 йилда мазкур давлат ҳұнлар томонидан йўқ қилиниб, унинг ерлари ва фуқаролари ҳұн хоқони Юшиян ихтиёрига ўтган ва одамлари ҳұнларга аралашып кеттган.

Шундан кейин Асиэна (Ашина) авлоди динглинглар билан кудачилик қилиши натижасида Асиэна (Ашина) деб номланган иккинчи бир авлод пайдо бўлган. Вакт ўтиши билан Асиэна (Ашина) авлодлари хитой манбаларидан тиетлэк (телэ) деб номланган туркларга кўшилиб, ҳұн хоқони назоратидан чиқмоқчи бўлишган. Аммо ғалабага эришолмай, ҳұнлар империяси емирилгунга қадар тарихий саҳнада мустақил ҳолда намоён бўлмаган.

Шюе Зунгчжэннинг яна бир фикрича, Дунхуангда, яъни Тангритоф яйловларида яшаган саклар ва Мүғалистонга бориб жойлашган Асиэна (Ашина) авлоди сакларнинг бир қисмини ташкил этган. Милоддан аввалги VII-IV асрларда саклар кўпчилик бўлиб, нихоятда катта ҳудудда изчил фаолият кўрсатган. Улар бир жойдан иккинчи жойга, айниқса ғарбдан шаркка, шарқдан ғарбга кўчиб юришган. Уларнинг ҳаёти чорвачиликка асосланган. Саклар ҳаракат қилган ҳудуд шарқда қадимий Хитой чегарасига, жанубда Эрон заминигача ва Ғарбий (Шихай деб Каспий денгиз кўзда тутилмоқда) денгизгача борган<sup>670</sup>.

Қозоқ халқи этногенези ва маданияти билан шуғулланган хитой олим Су Бэйхай турли манбаларни таҳлил қилиш асосида саклар аслида туркий тилда сўзлашган, Марказий Осиёнинг шарқ томонидан ғарб томонига кўчгандан сўнг уларнинг тилида ўзгариш юз берган, эронликларга яқин жойларда яшаганлари форсий тилда гаплашадиган бўлган, яйловларда истиқомат килгандарни ўз тилини саклаб қолган, деган тўғри холосага келган<sup>671</sup>.

Тангритоннинг Шаркий Туркистон қисмida, аникроги Олой сойида (Алагоу) сакларга оид қабрлардан ва турар жой

<sup>670</sup> Шюе Зунчжэн. Тужюэ ши. 54-56-б.

<sup>671</sup> Су Бэйхай. Ҳасақзу вәнъхуа ши (Қозоқ халқи маданиятининг тарихи). 2-нашр. Пекин, 1996. 122-б.

қолдиқларидан қазиб олинган нарсалар ичида тилла, кумуш, мис, темир, сопол, ёғоч, ипак ва лак (табиий лақдан қотириб қилинган) буюмлари асосий ўрин эгаллаган<sup>672</sup>. Сакларда айниқса тилладан ясалган буюмлардан фойдаланиш биринчى ўринде турган. Топилган ҳайкалчалар, жасадлар ва улар устидаги кийимлар шуни күрсатадыки, *саклар* чуқур күзли ва киррабурун бўлгандар; Или дарёси атрофида яшаган *саклар* учли қалпоқ кийгандар. Бундай қалпоклардан айримларининг учи бир томонга эгилган. Шунга қараб, баъзи олимлар «эҳтимол *саклар* таркибидаги қабилалар орасида бош кийим билан фарқланиш одати бўлгандир», деган фикрга келишмоқда. Кўп ҳолда *саклар* қалпоғи тилла буюмлар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар ҳамда күш патлари билан безатилган.

Хозиргача маълум бўлган ёзма ва археологик маълумотларга асосланиб, хитой олимлари шундай ёзишади: «Чин давлати (мил. авв. 221-206) замонасидан то Хан даврининг бошланишигача (мил. авв. 206) *саклар* Марказий Осиё худудидаги Сирдарё шимолида Или дарёси кирғокларини марказ қилган ҳолда яшагандар. *Саклар* жуда қадимий ҳалқидир..., улар асосан чорвачилик билан шугулланган, айниқса, от, кўй, корамол ва тия бокиши асосий ўринде турган. Ҳаракатланиш учун аравадан кенг фойдаланишиган.... Эркак ва аёллар бир хилда отга мингандар ва отда чопиб кетаётуб, камон отишни яхши билгандар. *Саклар* кўп қабиладан иборат бўлиб, уларнинг катта бир кисми жанубга кўчган, бир кисми Сирдарёнинг шимолида қолган. Уларнинг Или дарёси атрофида яшаб қолгандар усуналар билан кўшилиб кетган»<sup>673</sup>.

Юқорида тилга олинган «Хасакэзу жяниши» («Қозоқ ҳалқининг қисқача тарихи») номли асарда «милоддан аввалги VI-IV асрларда хозирги Қозогистон худудида *сакларнинг* шимолий тармоғи яшаган ва улар түрк тилида сўзлашган, жануб томонда яшаган *саклар* эса эрон тилидан фойдаланишиган»<sup>674</sup>, деб зикр этилган. Шу билан биргаликда, ушбу асарда *саклар* хукмдори вафот этса, уни аравага солиб, барча қабила ва уруғдошларга кўрсатиб чиқилганлиги, дағн маросимига катта эътибор берилганлиги, жамиятда эркак ва аёлларнинг ҳуқуки тенг бўлганлиги

<sup>672</sup> Ўша асар. 123-б.

<sup>673</sup> Ўша асар.

<sup>674</sup> Хасакэзу жяниши (Қозоқ ҳалқининг қисқача тарихи). Урумчи, 1987. 37-б.

айтилган<sup>675</sup>.

Юкорида келтирилган қадимги хитой манбалари ва ХХР тарихчилари асарларидаги маълумотлар асосида айтиш мумкинки, уларда биз учун номаълум ёки кам маълум бўлган маълумотлар хақида кизиқарли фикр-мулоҳазалар кўп. Улар билан танишиш фойдадан холи эмас. Ушбу маълумотлар билан Кантгия давлатига оид маълумотларни киёсий тахлилидан мазкур давлатнинг фуқаролари асосан *саклар* бўлган экан, деган фикр келиб чиқади. Демак, К. Шониязов таъкидлаганидек, «қанғарлар», яъни «аравада юрувчилар» айнан *саклар* эди, дейиш асослидир.

Хулоса килиб қўйидагиларни айтиш мумкин:

1. Хитой олимларининг фикрига кўра, ҳозирги хитой тилида *сай* ва *сайжунг* деб талаффуз этиладиган тарихий атамалар *сак*, *саклар* сўзининг хитойча транскрипцияси эканлиги шубҳасизdir. Шунингдек, Александр Македонский қўшинларининг шарқ томонга юриши натижасида Марказий Осиёда катта оммавий кўчиш (миграция) жараёнлари юз берган. *Сакларнинг* ҳаракати ушбу жараённинг бир кирраси хисобланади.

2. *Сакларнинг* бир кисми ҳозирги Торим воҳасининг шимол ва гарб томондаги жойларга кўчиб борган. Кейинчалик улар яна гарб томонга қараб силжиб, Или дарёси ва Иссиққўл атрофида жойлашган. Шундан сўнг турли ички ва ташки омиллар таъсирига кўра, Марказий Осиёнинг турли худудларига ва унинг жанубидаги жойларга тарқалган.

## КУННА (ШЮНГНУ) ЭТНОНИМИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

*Шюнгну* (匈奴 рус транскрипциясида *сюнну*) – ҳун этнонимининг милоддан аввалги III асрдан бошлаб ишлатилган хитойча транскрипциясидир. Собиқ СССР даврида тузилган «Совет энциклопедик луғати»да «сунну қадим замонда Марказий Осиёда шаклланган кўчманчи халқdir, X асрда уларнинг бир кисми гарбга кўчиб бориб, маҳаллий халқлар билан аралашиб кетиши туфайли пайдо бўлган янги этнос гун деб аталган», деб

<sup>675</sup> Ўша асар. 35-б.

ёзилган<sup>676</sup>. Ушбу лугатнинг иккинчи бир жойида «милодий 2-3 асрларда гүнлар Урал тоғлари ёнидаги туркий тилда сўзлашувчи ҳуналар, угрлар ва сарматлардан ташкил топган кўчманчи халқидир», деб кўрсатилган<sup>677</sup>. Ушбу фикр ҳуналарга оид рус ва ўзбек тилларидаги тарихий адабиётларда ҳам қайд этилади.

Ҳуналарга оид маълумотларнинг илк кисми рус хитойшунос олими Н.Я.Бичуриннинг таржималарига бориб тақалади. Сўнгги 30 йил давомида Хитой Халқ Республикасида ҳуналарга оид кўп асарлар нашр этилди. Лю Симян қаламига мансаб бўлган «Чжунгтую минзу ши» («ХХР халқлари тарихи». Шангхай, 1987.), Ванг Дужян бошчилигидаги бир гурух олимлар муаллифлигига нашр этилган «ХХР халқлари муносабатлари тарихининг кискача баёни»<sup>678</sup>, Жяңг Йинглянг бошчилигидаги яна бир гурух хитой олимларининг «Чжунгтую минзу гуанши ши гангъяо» («ХХР халқлари тарихи». Пекин, 1990)<sup>679</sup>, Ванг Жунгхан раҳбарлигидаги катта бир гурух олимлар томонидан ёзилган «Чжунгтую минзу ши» («ХХР халқлари тарихи». Пекин, 1994), Шое Зунгжэнг бошчилигига Шинҗянг-Үйғур муҳтор ўлкаси (автоном райони<sup>680</sup>) олимларининг ёзган «Чжунгтую Шинҗянг гудай шэхуэй шэнгхую ши» («ХХР Шинҗянгнинг қадимий жамияти ва ҳаёти тарихи». Урумчи, 1997) каби йирик асарлари ана шулар жумласидандир.

Уларда Н.Я.Бичуриннинг таржимасида учрамайдиган маълумотлар ва таҳлиллар мавжуд. Қолаверса, рус олими Н.Я.Бичуриннинг таржималарида хитой манбаларида сакланаётган барча маълумотлар мужассам, деб айтиб бўлмайди, албатта. ХХРда чоп этилган янги тадқикотлар ҳозиргача бизга номаълум бўлган ёхуд кам ўрганилган айрим жумбок масалаларни ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, хитойлар минг йилдан ортиқ давр

<sup>676</sup> Советский энциклопедический словарь. Москва, 1985. С.1457.

<sup>677</sup> Ўша асар. 350-б.

<sup>678</sup> Ванг Дужян. Чжунгтую минзу гуанши ши гангъяо (ХХР халқлари муносабатларининг кискача тарихи). «ХХР иккимоний фанлар нашриёти» чоп этган (китобининг чоп этилган жойи кўрсатилмаган), Пекин, 1990.

<sup>679</sup> Жяңг Йинглянг. Чжунгтую минзу ши (ХХР халқлари тарихи), 1-2 жилл, Пекин, 1990.

<sup>680</sup> Рус адабиётига, ундан ўзбек адабиётига кириб колган «автоном райони» хитойча «чой» сўзидан таржима килиб олинган. Мазкур сўз иккى хил майнога эга бўлиб, уларнинг бири минтака, иккинчиси туман тушунчасини беради. 1954 йилдан бошлиб «Шинҗянг вайзуэр зичжичой» деб номланган Шарқий Туркистоннинг худуди 1 600 000 квадрат километрдан кўпроқ. Бундай катта худудни «район» деб аташ ва уни «туман» деб таржима килиш тўғри бўлмайди.

давомида ҳұнлар билан ёнма-ён яшаганлар. Шу боис уларга оид эң қадимий маълумотлар хитой манбаларыда сақланиб қолган. Уларға күра, ҳұн қабиласи қадимги *тиенглиенг* (динглинг)лар, яни түркклар таркибидаги бир авлоддир. Ҳұнларнинг ilk бор хитой битикларыда тилга олиниши милоддан аввалги 2 мингинчи йилларға бориб тақалади. Улар милоддан авалғи III асрда кучайиб, атрофдаги қардош қавмларни бирлаشتыриб, йирик давлат тузганидан сүнг, уларнинг фуқаролигига ўтган барча қабилалар ҳұн деб атала бошлаган. Ҳун давлатининг итоатида бўлган ҳалқларнинг кўпчилити қадимий *тиенглиенг* (динглинг)-лардан ташкил топган. Хитой манбаларидаги *тиенглиенг* (динглинг) эса кейинги даврларда *тиетлэк* (телэ 鐵勒) деб номланган қадимги түркларнинг хитойча номи эди<sup>681</sup>. Натижада ҳұн этноними маълум бир тарихий даврда туркий ҳалқларнинг умумий номига айланниб қолган эди. Фикримизнинг далили сифатида куйидаги маълумотларни келтирамиз.

Мазмунан *шюнгну* атамасини ифодалайдиган икки иероглиф унинг этимологиясига ҳеч қандай аниклик киритмайди. Зоро, уларнинг бири кўкрак, кўнгил, иккинчиси кул, хизматкор маъноси билдиради. Аммо *шюнгну* (қадим. ўқил. кунна) ҳұн этнонимининг милоддан аввалги IV асрдан кейинги, яни ҳұнлар давлат ташкил этиб, тарихий сахнага кириб келган вактидаги хитойча транскрипцияси эканлиги шубҳасизdir. Буни XХР олимлари ҳам тўла тасдиқлайдилар. Ундан олдин хитойлар ҳұнларни *шюньюй*, *шюнюн*, *ху ва хуний* каби номлар билан атаганлар. Бу ҳақда хитой манбаларыда кўп маълумотлар учрайди.

Масалан, милодий 168-189 йилларда «Линг-ди» номи билан таҳтда ўтирган Шаркий Хан давлати (25-220 й.) ҳукмдори даврида Йинг Шао ёзган «Фэнсу тунгий» («Урф-одатлар баёни»)<sup>682</sup> номли асарда ҳұн атамасига шарҳ берилган. Унда «Ин [хокимлиги]<sup>683</sup> замонасида *шюньюй* деб аталган ном кейин *кунна* / *шюнгнуга* ўзгартирилди» деб ёзилган<sup>684</sup>. Ушбу маълумот «Шижи»даги ҳұнларга бағишланган бобнинг бошланишида

<sup>681</sup> Ҳұжсаев А., Ҳұжсаев К. Қадимги манбаларда ҳалқимиз ўтмиши. Тошкент, 2001. 9-13-б.

<sup>682</sup> Асар аслида 30 бобдан иборат бўлиб, унинг 10тагина боби сақланиб қолган. Шунга қарамай, у катта тарихий аҳамиятга эга манба хисобланади.

<sup>683</sup> Шанг ҳокимлитаңнинг ҳукмдори Пан Гэнг (мил.авв. 1401-1372) марказни Ян (хозирги Шандунг ўлқасидаги Чойфу вилоятига) номли жойдан хозирги Хэнан ўлқасидаги Аньянг вилоятининг шимоли-гарбидаги Ин деб аталган ерга кўчириб келтирган. Шундан кейин Шанг ҳокимлиги тарихий манбаларда Ин ҳокимлиги деб аталган.

<sup>684</sup> Лой Симин. Чжунгтуо минзу ши. 30-б.

келтирилган шархда ҳам бор<sup>685</sup>.

Матлумки, асарда тилга олинган Ин ҳокимлиги ҳозирги ХХРнинг Хэнан ўлкасидаги Анъянг вилояти худудидаги қадимда «Ин» деб аталган шаҳарни марказ қилган ҳокимият бўлиб, унинг мавжуд бўлган даври милоддан аввалги XV-XI асрларга тўғри келади. Демак, ҳуналарнинг номи бундан 3,5 минг йил муқаддам хитойларга таниш бўлган.

Иккинчи бир хитой тарихчиси Вэй Чжов (яшаган даври номаълум) «Хан [империяси] даврида кунна (шюнгну) деб аталганларнинг аввалги номи шюнюн эди», деб ёзган<sup>686</sup>. «Циоан» («Сўзларнинг келиб чиқиши») номли энциклопедик лугатда кўрсатилишича, ҳуналар Чин хонлиги (мил. авв. 221-206) даврида кунна (шюнгну) деб атала бошлаганлар<sup>687</sup>. Милоддан аввалги 372-289 йилларда яшаган хитой файласуфи Мэнзи қаламига мансуб бўлган «Лянг Хуэй ванг шя» («Ҳоким Лянг Хуэйнинг қулаши») номли асарда учрайдиган шюнюн атамасига узок ўтмишда ўтган Чжао (яшаган вакти номаълум) исмли тарихчи шарҳ келтирган. Унда «бэй-тиек (бэй-ди 北狄) шюнюн деб атала эди, ҳозир улар кунна (шюнгну) деб аталади», дейилган<sup>688</sup>. Олдин нашр этилган тадқиқотларимизда бэйди қадимда бэйтиек деб ўқилган бўлиб, у шимолий турк атамасининг хитойча транскрипцияси эканлиги айтиб ўтилган<sup>689</sup>. «Бэй-тиек» деб номланганлар бундан 3,5-4 минг йил муқаддам хитойлар томонидан тиек деб аталганларнинг бир қисми бўлиб, у милоддан аввалги биринчи мингйилликда динглинг деб ҳам аталган. Шундан маълум бўладики, ҳуналар қадимги туркларнинг бир қисмидан иборат бўлган.

«Шан хай жинг» («Тоғлар ва денгизлар қомуси») номли асарга берилган шархларда «хуний ва шюнюн бир тоифадаги одамлардир. Хан даврида уларни кунна (шюнгну) деб аташган, улар ху деб ҳам аталади», деб ёзилган<sup>690</sup>.

Юқорида тилга олинган хитой файласуфига бағишланган «Мэнзи» номли асарда «Ҳоким Вэн билан хунийлар воқеаси»,

<sup>685</sup> Шижи. 1029 (1029)-б.

<sup>686</sup> Люй Симян. Чжунгтую минзу ши. 30-б.

<sup>687</sup> Циоан. 1-жилд, 0387-б.

<sup>688</sup> Люй Симян. Чжунгтую минзу ши. 30-б.

<sup>689</sup> Ҳўжсаев А. Ди, Бэйди // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. З-жилд. Тошкент, 2002. 382 б.; Ҳоджсаев А. Из истории древних тюрков... С. 28.

<sup>690</sup> Люй Симян. Чжунгтую минзу ши. 31-б.

«Улуг ҳоким билан шюньюнлар воқеаси» каби сўзлар учрайди. Уларда бир халқ номи икки хил ишлатилган, деб зикр этилган<sup>691</sup>. Шунга кўра, якин даврда яшаб ўтган йирик тарихчи Люй Симян (1884-1957) «Шиной» («Шеърларга кириш сўзи») номли асарида ҳуналарнинг қадимги номлари ҳақида ёзган «Ҳоким Вэн (Вэн-ванд文王)»<sup>692</sup> даврида ғарбда ҳунийлар хавф туғдирав, шимолда шюньюнлар кулфат ёғдирав» мисралардаги икки этнонимни икки халқ номи деб тушуниш тўғри бўлмайди<sup>693</sup>.

Келтирилган маълумотлар аник кўрсатиб турибдики, кунна (шюнгну) атамаси милоддан аввалги III асрда пайдо бўлган. Бу эса ҳуналар йирик империя ташкил этиб, тарихий саҳнага чиқкан вақти хисобланади. Ундан олдин хитойлар ҳуналарни шюньюн, хува бэйтиек (шимолий турк) деб атаганлар.

Эътиборга молик масалалардан яна бири – ҳуналарнинг этник келиб чиқиши масаласидир. Чунончи, тарихий адабиётларда унга оид бири-бирига зид фикрлар мавжуд. Шу боис қадими хитой манбаларидаги маълумотларга мурожаат килиш мақсадга мувофиқдир.

«Мао жоан» («Мао қиссаси») номли бир шеърий асарда «Шюньюн бэй-тиек (бэй-ди) демакдир», деб айтилган<sup>694</sup>.

Қадим замонда яшаб ўтган Люй Жян исмли бир тарихчининг «Шэнгвэй» («Тафсилот» ёки «Мулоҳаза») номли асарига Бян Гао (яшаган вақти номаълум) томонидан шарҳлар ёзилган. Уларнинг бирида қадим замондаги «тиек (ди) ва шюньюн ҳозирги кунна (шюнгну)дир» деб қайд этилган<sup>695</sup>.

Чян исмли тарихчи қадимги хитой манбаларидаги бэй-тиек (бэй-ди, яъни шимолий турк) атамасини шарҳлаб, «бэй-тиек деб аталганлар кунна (шюнгну)ларнинг худди ўзи эди», деб ёзган<sup>696</sup>.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳуналар милоддан аввалги 2 мингинчи йилларда хитойларнинг шимолида яшаган ва хитойлар томондан бэй-тиек (шимолий турк) деб аталган.

Шу ўринда бэй-тиек атамаси ҳақида қисқача маълумот бериб ўтиш лозим бўлади. Бэй-тиекларга оид тарихий фактларни

<sup>691</sup> Ўша жойда.

<sup>692</sup> Ушбу маълумотдаги ҳоким Вэн милоддан аввалги 1066-771 йилларда мавжуд бўлган Фарбий Чжоу (Ши-Чжоу 西周) хокимлигининг асосчисидир. Демак, унинг ҳукмронлик даври милоддан аввалги 1066-1000 йилларга тўғри келади.

<sup>693</sup> Люй Симян. Чжуңгуту минзу ши. 31-б.

<sup>694</sup> Ўша асар. 30-б.

<sup>695</sup> Ўша жойда.

<sup>696</sup> Ўша жойда.

тахлил килиш учун, энг аввало, қадимда хитойларнинг ёзуви алифбо асосида, яъни ҳарфлар шаклида эмас, балки расмсизмон иероглифлардан иборат бўлган ганлигини хисобга олиш керак бўлади. Замонлар ўтиб, улар такомиллашиб, талаффузлари ҳам ўзгарган. Қолаверса, милоддан аввалги Ш-II асрларгача хорижий этномим ва топонимларни ёзишда аниқ қоидалар мавжуд бўлмаган. Ўша замонда ҳун этномининг ёзилиши бирор бир конуни-коидага асосланмаган. Шу сабабли хитойлар ўқилиши бири-бирига яқин, аммо маъноси ҳар хил бўлган иероглифлардан фойдаланишган. *Кивен* (kiwan, kiwen – замон. ўқил. чюан, маъноси – катта ит), *куэн* (кун, кўп ва чувалчанг маъноларига эга), ҳуэн (хун), чюан (адир жойлардаги зах ариқлар маъносини билдиради) каби иероглифлар ана шулар жумласидандир. Айрим холларда ҳун атамасини ифода этадиган иероглифларга *ривем* (riwem, ҳозирги хитой тилида *рунг* 爪)ни қўшиб, *кивен-ривем* (kiwen-riwem), *куэн-ривем* (kuən-riwem) деб айтишган<sup>697</sup>.

Хитой манбалари асосида тадқиқот олиб бораётган ва уларни уйгур тилига таржима қиласетган ХХР олимлари ҳун атамасининг хитойча тури талаффузларини «кун» (куёш) сўзи билан боғламоқдалар. Улар ҳуналарнинг куёшга сигинганлигига ёки уни тотема қиласи бўлиши мумкинлигига асосланаб, шундай тахмин қилмоқдалар.

Қадимги *кивен-ривем* (kiwen-riwem) сўзи замонавий хитой тилида *куй-рунг* деб талаффуз этилади. Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, *рунг* (爪) иероглифи от минувчилар, отлиқ лашкар каби маънолардан ташқари, жангчилар куроли, жангда ишлатилидаган арава маъносини ҳам англатади. Шуни хисобга олганда, ушбу сўзлар ҳун лашкарлари, ҳун куроллари, ҳун араваси маъноларини билдиради. Аммо хитой тили луғатларида *рунг* (*ривем*) қадимги Хитойнинг гарб томонида яшаган ҳалқларнинг умумий номи эканлиги бир овоздан қайд этилади.

Масалан, «Ханюй дазидян» («Хитой ёзувининг катта луғати»)да *рунг* иероглифи «Қадим замонларда мамлакатимизнинг шимолида яшаган оз сонли ҳалқларнинг умумий номидир», деб изоҳланади<sup>698</sup>. Худди шундай тушунтириш «Циоан» («Сўзларнинг келиб чиқиши») номли энциклопедик луғатда ҳам мавжуд<sup>699</sup>.

<sup>697</sup> Люй Симян. Чжунгтую минзу ши. 30-б.

<sup>698</sup> Ханюй дазидян. 2-жилд. 1398-б.

<sup>699</sup> Циоан. 2-жилд. 1183-б.

Хүнларнинг шюонюн, шюонюй деб аталиши милоддан аввалги VIII-III асрларда ёзилган «Йи Чжоушу» («Чжоу хонлигининг йўқолган тарихи»)<sup>700</sup>, «Шан хай жинг» («Тоғ ва денгизлар комуси»)<sup>701</sup> ва «Чжан-гуо цэ» («Ўзаро урушган давлатлар сиёсати»)<sup>702</sup> каби манбаларда учрайди. Шунга асосланиб, Лянг Чичао (1873-1929), Ванг Гуовэй (1877-1927), Фанг Чжюангоу (яшаган вақти номаълум) ва бошқа бир қатор хитой олимлари ушбу атама пайдо бўлишидан олдин хитойлар ҳүнларни бошқача атаганлар, деб хисоблайдилар. Уларнинг фикрича, энг қадимий, ноёб тарихий мълумотларни бизгача етказиб келган тош ва суякларда ёзилган хитой битикларида тилга олинган «кўй-фанг» (қадимги ўқилиши квей-тианг), ҳуний (қадимги ўқилиши ҳуэнней), шюонюй (қадимги ўқилиши шиванциок), шянюн (қадимги ўқилиши шиамийван), шюонюн ва ху (қадим. ўқ. ҳу) деб талаффуз этилган атамалар ҳүнларнинг энг қадимий номларидир»<sup>703</sup>.

Айнан шундай фикрни Хитойнинг илмий қомусий лугатларида ҳам учратиш мумкин. Чунончи, «Циоан» номли энциклопедик лугатда кўрсатилишича, қадимги Хитойнинг шимолида яшаган халқ кунна / шюонгну ёки ху деб аталган. Илгари ушбу халқ номини хитойлар кўй-фанг, ҳуний, шюонюн, шан-ривем (шан-рунг) деб талаффуз этишган. Чин хонлиги (мил. авв. 221-206) даврида кунна / шюонгну деб айтиш одат тусига кирган<sup>704</sup>.

Хитой лугатларида қайд этилишича, кунна / шюонгну қадимги Хитойнинг шимолий томонида яшаган ва чорвачилик билан шуғулланган халқнинг номидир<sup>705</sup>. Ушбу халқ номи ху (胡) деб ҳам аталади. Мазкур этномим илк бор «Ўзаро урушган давлатлар» даврида (мил. авв. 475-221) хитой битикларига кириб

<sup>700</sup> «Йи Чжоушу» (Чжоу хонлигининг йўқолган тарихи) одатда «Чжоушу» (Чжоу хонлиги тарихи) деб ҳам аталади. Мазмунан улубу манба Ванг Хуэй тузган 30 дан ортик қадимий хитой битиклари ва Хан империяси даврида ёзилган майдо асарларнинг 60га яхон эзма ёлгорликлар тўплами хисобланади. Унга киритилган айрим битиклар йўқолган бўлиб, кейинчалик улар бошқа асарлар асосида тўлдирилган. Ушбу манбанинг илк бор тўплам шаклига келтирилган вақти номаълум. Аммо унда баён этилган айрим мълумотлар милоддан аввалги XI -VII асрларга оидид.

<sup>701</sup> Шангхай жинг (Тоғлар ва денгизлар баёни), муаллифи номаълум, ёзилган вақти 475-221 йилларга тўрги келади, унинг ҳажми 18 бобдан иборат...

<sup>702</sup> Чжан-гуо цэ (Ўзаро урушган давлатлар сиёсати) тахминан милоддан аввалги V-II асрларда битилган. Унинг муаллифи номаълум. Асар ўша замонда мавжуд бўлган кичик хонликлар ўртасида бўлиб ўтган урушлар баёнига багишланган. У бошқа қадимий асарларга нисбатан яхширок сакланниб колган.

<sup>703</sup> Ванг Чжунъехан, Чжунгтуо минзуши. 215-б.

<sup>704</sup> Циоан. I-жилд, 0387-б.

<sup>705</sup> Чжунгтуо дабайис ҷоонишу. Чжунгтуо лиши. 736-б.

келган. Атаманинг келиб чиқиши маълум эмас, аммо у Чжоу даври (мил. авв. XI-VIII асрлар)да ёзилган битиклардаги *шиан-йивен* (хозирги талаффузда *шюньюн*), *шивантсюк* (хунюй) атамаларидан транс-формация этилган<sup>706</sup>.

Қадимги замонда тош ва суккса ёзилган битикларни ўрганиш борасида катта эътиборга сазовор бўлган қадимшунос олим Ван Гуовэйнинг (1877-1927) таъкидлаб ўтишича, хитой ёзувида *кунна* (*шюнгнү*) деб ўқилган атама *хўнлар* тилида *ху* деб талаффуз этилган бўлиб, у «Тангри ўғли» маъносини билдирган эди<sup>707</sup>. «Ханшу» (Хан [сулоласи] тарихи)да «Жанубда буюк Хан мавжуд бўлса, шимолда кучли *ху* мавжуддир»<sup>708</sup>, деб айтилиши *хўн* атамасини хитойлар *ху* деб талаффуз этганлигига асос бўла олади<sup>709</sup>.

Ана шу *ху* иероглифининг қадимги ўқилишига эътибор берилса, унинг «ху», «хук» деб ўқилганлигининг гувоҳи бўламиз. Маълумки, хитойлар «*х*» ҳарфини унли товуш қўшилмаган ҳолда талаффуз эта олмайдилар. Шу боис улар «*х*» ҳарфини тушириб қолдириб, *хўн* сўзини *ху*, кейинрок эса *ху* деб талаффуз этганлар. Аммо хитой тилида «*хун*» деб ўқиладиган иероглифлар ҳам мавжуд. Негадир илк бор *хўнларнинг* номини ёзишда улар бундай иероглифларни ишлатишмаган. Балки бунга *хўнларни* камситиши мақсадида *ху* (胡) иероглифини ишлатишга унинг юқорида айтиб ўтилган салбий маънолари кўл келгандир. «Хун» иероглифини кўллаш мисоллари милоднинг бошларида учрайди. Эҳтимол, бундай ўқиладиган иероглифлар кейинрок пайдо бўлгандир.

Милоднинг бошларида ва ундан кейинги даврларда ёзилган манбаларда *тиетлэк* (*t’ietlək*, *teləz turk*)ларнинг таркибидаги бир қабила номи ҳам *хўн* (渾) деб аталган. Унинг номини ёзишда хитой тарихчилари «*хун*», «*гун*» деб икки хил ўқиладиган бошка иероглифни ҳам ишлатишган. Шунга қараганда, бу номлар *хўнлар* ва уларга кейин қўшилган қавмлар тилида «*гун*» ёки «*кун*» деб талаффуз этилганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунончи, хитой тилида «*г*», «*к*» товушлари йўқ.

Хитой манбаларида, лугатларида ва тарихий адабиётларида нима учун айнан шу даврда *хитойлар* (*ия*, *хуаша*) *хўнларнинг*

<sup>706</sup> Чжангуо цэ (Ўзаро уруш олиб борган давлатлар сиёсати) асари тахминан мил. авв. V-II асрларда битилган бўлиб, унинг муаллифи номалъум.

<sup>707</sup> Ванг Чжуңхан. минзу ши. 215-б.

<sup>708</sup> Ханшу. 2331(1123)-б.

<sup>709</sup> Ванг Чжуңхан. Чжунитуо минзу ши. 215-б.

номини бошқача қилиб айтишни маъкул кўрганлиги кўрсатилмайди. Шунинг учун бу ҳақда аниқ бир фикр айтиш қийин. Аммо ўша пайтда ҳун сўзи бир қабила ёки кичик қабилалар иттифокининг номи эмас, балки хитойларнинг шимол ва гарб томонида яшаган барча халқларнинг умумий номи ва уларни бирлаштирган империянинг номи сифатида тарихий саҳнага кириб келган. Буни ҳун деб аталган бир қабиланинг ёки бир неча қабила биримасининг номидан фарқ килиш лозим бўлган. Ўйлаймизки, айнан шу зарурият туфайли милоддан аввалги III асрнинг охирги чорагида *кунна / шюнгну* атамаси юзага келган.

Бу фикрни асосли деб ҳисобласак, бундан З минг йил муқаддам ҳун номи билан аталган қабила мавжуд бўлган, у кейин кучайиб, атрофдаги қариндош қабилаларни бирлаштирган, деган хуоса келиб чиқади. Милоддан аввалги III асрда унинг бошлигига йирик марказлашган давлат ташкил топганидан сўнг хитойлар қабила номи сифатида мавжуд бўлган ҳун этнонимидан «Ҳун» давлати ва унинг барча фуқароларининг номини ажратиш мақсадида *кунна / шюнгну* сўзини ишлата бошлаганлар. Шундан кейин ушбу атама хитой адабиётида янги мазмунда кенг кўлланган.

Аммо хитой манбаларидаги *кунна / шюнгну* атамасини рус ва Европа тилларига таржима қилишда муаллифлар ҳун сўзини ишлатишган. Натижада ушбу атама билан номланган қабила, қабилалар иттифоки, ҳуллар томонидан ташкил этилган хоқонлик ва унинг фуқаролари битта сўз билан аталган. Бу эса кўп ноаникликларга сабаб бўлган.

Шу ўринда ҳун қабиласининг номи хитой битикларида илк бор қачон пайдо бўлган, деган савоннинг келиб чиқиши табиийдир. Унга жавоб топиш учун хитой манбаларига мурожаат килдик.

Қадим замонлардан сакланиб колган хитой битикларида милоддан аввалги XXI-XIX асрларда «Шия» («Ся» 夏) ва XVI-XI асрларда «Шанг» (商) деб аталган хитой ҳокимликлари даврида уларнинг шимолида ва гарбида бошқа тоифадаги халклар яшаганлиги кўрсатилган. Ана шу халқларни таърифлайдиган ёзувларга берилган шарҳларнинг бирида кўрсатилишича, ҳулларнинг номи «Яв даврида (ибтидоий жамият ёки патриархат замонининг сўнгти даври) *сюнной*, Чжоу даврида (мил. авв. XI-III асрлар) *шиюньюн*, Чинг даврида (мил. авв. 221-206) *кунна / шюнгну* деб

аталган»<sup>710</sup>. 512 ракамли бир битикда «5-куни юнлар гарб томондан ногоралар садоси билан келишди, Чжи [мамлакатлик] Йи хабар қилиб, сүзлади: *ту-фанг* бизнинг шаркй заминимиз чеккасига хужум қилиб, икки одамимизни ярадор қилди, *куй-фанг* гарбий заминимиз чеккасида молларини бокишиди», деб ёзилган<sup>711</sup>.

Хитой тилининг энг йирик мутаҳассисларидан бири, ХХР фанлар академиясининг президенти, Гуо Муоруо (Гуо Кайчжен, 1892-1978) таҳаллуси билан қалам тебратган йирик комусчи олим ушбу матнни бошқа матнлар билан солиштириб ўрганиб, бу ҳақда шундай фикр билдиран:

«Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, ҷисилар инларнинг гарбида, *ту-фанглар* ҷисиларнинг шарқида, *куй-фанглар* ҷисиларнинг гарбида жойлашган. Инлар мамлакатидан туриб айтганда, *ту-фанглар* инларнинг шимоли-гарбий ва шимолий томонида, *куй-фанглар* эса инларнинг шимоли-гарбида жойлашган. Уларнинг бири-биридан қанча масофада бўлғанлигини таҳлил асосида билиб олиш мумкин... *Ту-фанглар* инлар мамлакатининг марказидан (хозирги Аньянг) таҳминан 12-13 кунли йўл нарисида, кунига 80 ли (46.08 км)дан хисоблаганда, 1000 ли (576 км) келадиган масофада жойлашган. Шундан кўриниб турадики, *ту-фанг* хозирги Шанси ўлкасининг шимоли-гарбида бўлган. *Куй-фанг* эса Ордос (Хэтао) вилоятига яқин жойда бўлган. Суяклардаги ёзувлардан маълумки, *ту-фанг* ва *куй-фанг* деб аталганлар шионюнларнинг бир қисми эканлигига шубҳа қилиш мумкин эмас»<sup>712</sup>.

Ўзининг «Суяклар ва тошлардаги ёзувларга оид тадқикотлар» («Джагу вэнзи янжю») номли асарида Гуо Муоруо «*ту-фангнинг* яшаган жойи Баотоу<sup>713</sup> ёнида, *куй-фангнинг* истиқомат килган жойи эса унинг гарбида бўлган», деб ёзади<sup>714</sup>.

Милоддан аввалги 1401-1122 йилларда мавжуд бўлган Ин ҳокимлиги даврига оид битиклар билан шугулланган иккинчи бир хитой олими Чэн Мэнжя (1911-1966) ўзининг «Ин шуюпти зунгшу» («Ин битикларини шарҳлаш масаласи») номли асарида («Кэшюэ» нашриёти чоп этган) куйидаги маълумотларни келтиради:

«Ин давридаги *куй-фанг* Жин ҳокимлиги жанубида жой-

<sup>710</sup> Ване Ҷисунгхан. Чжунгтую минзу ши. 215-б.; Люй Симян. Чжунгтую минзу ши. 30-б.

<sup>711</sup> Чжунгтую минзу гуаншиши гангъяо. 58-б.

<sup>712</sup> Ўла асар. 59-б.

<sup>713</sup> Хозирги ХХР таркибидаги Ички Монголияда жойлашган шаҳар номи.

<sup>714</sup> Чжунгтую минзу гуаншиши гангъяо. 59-б.

лашган. Аммо Фарбий Чжоу ва Чунчю даврларида ушбу қавмнинг юришлари кўп томонларга қаратилган. Ушбу юришлар шимоли-гарбдаги Шэнси вилоятида юз берган»; «Чунчю даврларидағи *чиак-тиек* (chiak-tiek, tciek-tiek, замон. ўқил. чиди 赤狄 – жанубий турк демақдир) ана шу Ин давридаги *куй-фангнинг* ўзидир»; «*юй-фанг* шионюон қавмнинг бир қисмидир»<sup>715</sup>.

Қадимий Хитойнинг шимолий худудида топилган археологик қазилмалар ичида милоддан аввалги 2-мингийилликка, яъни Ин даврига оид тош ва сүяк битиклар кўп учрайди. Шуларда «*гуй-фанг* номли юнлар юэларни ярадор қилдилар», «*гуй-фангларга* қарши хужум қилинди», «*гуй-фанглар* ярадор қилинди», «*гуйларга* хужум қилинди», «*гуй-фанглар* келиб қаршилик кўрсатдилар», «*ту-фангларга* хужум қилинди», «*ту-фангларни* яна кўлга олишди», «*қақиқий ту-фанглар*», «*ту-фангларга* қарши уруш» каби сўз бирималари ва мисралар борлиги аникланган<sup>716</sup>.

Ванг Дужян мана шу маълумотларни таҳлил қилиб, шундай ёзади:

«*Ту-фан*, *куй-фанг* ва *гуй-фанг* каби атамаларни шарҳлашда айрим ўхшамаслик бўлса ҳам, улар Хитойнинг шимолий томонида яшаган ва чорвачилик билан шуғулланган халқ бўлганлигига умумий яқдиллик мавжуд. Чорвадорларга хос хусусият – жойдан жойга кўчип яшаётдир. Аммо бундай кўчмачилик маълум бир худуд доирасида юз берган. Шанг давридаги (мил. авв. XVI-XI асрлар) *ту-фанг*, *дуфанг* ва *куй-фанг* деб аталганлар Шанси ўлкасининг шимоли-гарбидаги Шэнси ўлкасининг шимолида яшаганлиги ҳакиқатга тўғри келади. Буни шу жойларда топилган археологик маълумотлар ҳам тўла тасдиқлайди. Шанг ҳокимлиги даврида мазкур ҳокимлик билан *ду-фанг*, *куй-фанг* ёки *куй-рунг*, *чюан-рунг*, *шионюй* ва *енюон* кабилар ўргасида кўп урушлар бўлиб турган. Бу урушлар сүяк ва тош битикларида ўз ифодасини топган. Шанг ҳокимлиги уларга қарши юриш қилганда, ишлатилган қўшинилар одатда камида 300, кўпида 5000 кишидан иборат бўлган»<sup>717</sup>.

Суякка ёзилган Хитой битикларининг бирида «5000 нафар пиёдаларимиз *ту-фангларга* хужум қилдилар», деган маълумот

<sup>715</sup> Ўша жойда.

<sup>716</sup> Ўша асар. 60-б.

<sup>717</sup> Ўша жойда.

хам учрайди<sup>718</sup>.

Милоддан аввалги VII асрда ёзилган «Зуочжюан» («Зуо Цюнмингнинг баёни») номли биринчи тарихий асарда «Чжуанг-гунг ҳокимлигининг 16-йили ёз фаслида (мил. авв. 706 й.) ... Жин (晋) [мамлакати]дан бир киши биз *ии* (夷)ларга қарши юриш қилиб, уларнинг ерларини тортиб олдик, деб сўзлади»<sup>719</sup>, деган гапини учратиш мумкин. Ушбу асарнинг иккинчи бир жойида «Чжуанг-гунгнинг 18-йили (мил. авв. 704) ёзда [Чжуанг]-гунг *ривем (рунг)*ларни: Жи (济) мамлакатининг ғарб томонига қувиб юборди»... , деб ёзилган<sup>720</sup>. Яна бир жойда «26-йили баҳорда [Чжуанг]-гунг *ривем (рунг)*ларга хужум қилди»<sup>721</sup>, деб кўрсатилган.

«28 йилда (мил. авв. 694) Жин вилояти ҳокими Сян уйланиб, Жия [сулоласи]га куёв бўлди, аммо фарзанд кўрмади. Чи вилоятидан бўлган Жян билан бирга бўлганида Чингму-хоним (Чингму-фурен) ва Дази-шэншэн туғилган. Кейин яна *ривем (рунг)*лардан иккита хотин олди. Уларнинг бири *катта ривем (дай-рунг 大戎)*лар зотидан бўлган Хужидан Жунгъэр туғилди, иккинчиси *кичик ривем (шяо-рунг 小戎)*дан Йиву (Yiwu 夷吾) исмли ўғил туғилди. Жин *лие-ривем (ли-рунг 骊戎)*ларга хужум қилди»<sup>722</sup> каби маълумотлар ҳам шу асардан.

Ушбу матнга берилган шарҳларда «*кичик рунг* дегани Йивен (Yiwen / Юн 兖) деб аталадиган *ривем (рунг)* демакдир», деб қайд этилган<sup>723</sup>. Йивен (Юн) атамаси эса «Фарбий Чжоу» (Шичжоу—1066-771г. до. н.э.) сулоласи даврида Ордосда яшаган ҳуналарнинг хитойча номи эди<sup>724</sup>.

Келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, милоддан аввалги VII асрнинг охирида қадими хитойлар юртининг ғарбидан ва шимолида *ии*, *ривем (рунг)*, *йивен (шюн)* ва *йивен-ривем (шюн-рунг)* каби авлодлар бўлиб, улар *ривем (рунг)*ларнинг, яъни отминувчи қавмларнинг бир бўлагини ташкил қилган. Буларни юқорида таништирилган маълумотлар билан қиёсланимизда, *йивен-ривем (шюн-рунг)* ва *кичик ривем (шяо-рунг)*

<sup>718</sup> Ўша асар. 61-б.

<sup>719</sup> Зуочжуан (чунчо жинг жуан жижие). 1-жилд, 167-б.

<sup>720</sup> Ўша асар. 169, 170-б.

<sup>721</sup> Ўша асар. 193-б.

<sup>722</sup> Ўша асар. 198-б.

<sup>723</sup> Ўша жойда.

<sup>724</sup> Чжунгту шигао диту жи. 1-тўплам. 11-12-б.

деганлар ҳұнларнинг бир кисми бўлиб чиқади.

Қадим замон тарихчиси Люй Жян ёзган бир битикда «Тай хокими Гаофу Бин вилоятида (Жэнси үлкасида жойлашган) яшар эди, бу ерга *тиек (ди)лар* хужум қилди»<sup>725</sup>, деб айтилган. Ш асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган сарой амалдори ва олим Гао Ю (高诱)<sup>726</sup> ушбу маълумотга берган шархида таъкидланишича эса, «*тиек (ди)лар* орасидаги шиам-йивен (shian-yünчяянюн 獬允) хозир қунна (шюнгну 鄒奴) деб айтилади. Қунна (шюнгну)нинг хитойча таржимаси одам, халойик, маҳаллий ахоли, фуқаро маъноларини англатади. Лекин [ҳұнларнинг] тушунчасида ушбу этномим Тангрининг ерга юборилган ўғли, деб каралади»<sup>727</sup>.

Милоддан аввали XVII-XV асрларда мавжуд бўлган Шанг хокимлигига оид воқеаларнинг хитой қамишидан қилинган ва бири-бирига bogланган таҳтачаларга ёзилган баённомасида куйидаги маълумотлар келтирилади:

«Удинг (武丁)<sup>728</sup> 3 йил давомида куй-фангларга хужум килиб, улар устидан ғалаба қозонди. Уйи (武乙) даврида (мил.авв. 1198-1195) Чжоутугун Данфу шонгюй ёки *тиек (ди)ларнинг* хужумига дуч қелди»<sup>729</sup>.

Шундай баённомаларнинг бирида Farbий Чжоу (Ши-Чжоу) деб номланган ҳокимликлар даврига (мил.авв. 1066-771) оид кисмида куйидагиларни учратиш мумкин: «Чжоу [мамлакати ҳокими] Жили ғарб томондаги куй-ривем (куй-рунг)ларга хужум қилди. Ди-ии (帝乙) [ҳокимлигининг] 3-йилида (мил. авв. 1189) Нанжунг қальясини ҳимоя қилиш учун буйруқ берилди. Таҳминан 17 йил ўтгандан кейин Чжоу [мамлакати ҳокими] Вэнванг *тиек (ди)ларга, яны ривем (рунг)ларга* хужум уюштириди»<sup>730</sup>.

Кўриниб турибдики, ушбу маълумотларда ҳұнлар шонгюй, *тиек (ди)* ва куй-рунг деб тилга олинади. Бу эса улар бир тоифадаги қабилалар эканлигидан нишонадир.

Ҳұнларнинг хитойлар шимолида яшаганлиги *тиек (ди)ларнинг* бир кисми бўлганлигидан далолатdir, деган хуносани Ванг Дужян ҳам тасдиклайди. Чунончи, у ўз асарида «қунна / шонгну Хитойнинг шимолида яшаган кўчманчи халқ бўлиб, у Чин давридан анча

<sup>725</sup> Ванг Чжунхан. Чжунгтуо минзу ши. 215-б.

<sup>726</sup> Чжунгтуо гүжин мингрен дашибди. 606-б.

<sup>727</sup> Ванг Чжунхан. Чжунгтуо минзу ши. 215-б.

<sup>728</sup> Удинг – мил. авв. 1324-1266 йилларда хукмронлик юртган император.

<sup>729</sup> Чжунгтуо минзу гуанши ши гангъюо. 60-б.

<sup>730</sup> Ўша жойда.

олдинги замонлардаги мамлакатимиз шимолида яшаган *тиек* (*ди*) халқининг бир қисми эди», деб таъкидлайди<sup>731</sup>.

Ванг Дужяннинг сўзи билан айтганда, «Шанг сулоласи ташкил топган (мил. авв. XVI-XI асрлар) ва ривожланган вақтида *хуасия* (хитой) халқининг қулдорчилик жамияти тузуми янги даврга ўтган эди. Шунда шимол томонда яшаган халқ қабилаларга бўлиниб, тарқоқ ҳолда жойлашган. Аммо улар ичидаги *түфанд*, *юн-фанг*, *кўй-фанг* каби йирик қабилалар иттифоқи мавжуд эди. Фарбий Чжоу даврида (мил. авв. XI аср 771) шимолдаги халқлар ҳамон тарқоқ яшаган бўлса ҳам, уларда Чюан-рунг (犬戎) каби муқимлашган йирик сиёсий марказ ва сиёсий куч юзага келган»<sup>732</sup>.

Үйгур тарихчиси Анвар Байтур ўзининг «Чжунгтуо (Хитой)-нинг қадимги тарихи материаллари» номли асарида мазкур қабилалар хақида кўйидагиларни ёзди: «Ҳұнлар шунуён, шионгну деган номлар билан аталиб келган. Ҳұнлар аслида Чжунгтуодаги *ди* қабиласининг бир авлоди бўлиб, милоддан аввалги 2550-2140 йиллари оралиғида хукм сурган Хуангди, Жюаншуй, Дику, Яв, Шун каби бешта ҳокимлар даврида ҳозирги Ички мўғул автоном районидаги Чўғой тоғлари атрофида яшаган. Баъзи бир ривоятларга кўра, *хуасия* (қадимий хитой қабиласи – А.Х.) қабиласининг асосчиси бўлмиш *тунчи* аждоди деб ҳисобланадиган Хуангди ҳун қабилалари билан гоҳ-гоҳида урушлар килиб турган»<sup>733</sup>. Олим тилга олган Хуангди эса ибтидоий жамият даврида юзага келган 5 афсонавий ҳокимларнинг бири ҳисобланади.

Хитой битикларининг гувоҳлигига қараганда, милоддан аввалги V-IV асрларда хитойлар орасида Дай ҳокими (ванг), Линху ҳокими ва Лоуфан ҳокими каби сўзлар пайдо бўлган<sup>734</sup>. Шунга қараганда, ўша замонда хитой замини атрофида бир қатор давлатлар ташкил топган. «Кунна / шионгну» атамасининг хитойлар орасида тарқалиши ҳам шу даврга тўғри келганлиги ҳисобга олинса, ўша пайтда ҳұнлар ҳам бир хонликни ташкил этган бўлса керак, деган хулоса келиб чиқади. Орадан бир асрга яқин давр ўтар-ўтмас, марказлашган йирик давлат юзага келиши ҳам бу

<sup>731</sup> Чжунгтуо минзу гуанини ши гангъяо. 109-б.

<sup>732</sup> Ванг Чжунгхан. Чжунгтуо минзу ши. 109-б.

<sup>733</sup> Анвар Байтур, Хайрилисо Сидик, Шинжинданги миллатларнинг тарихи. Пекин, 1991. 51-52-б.

<sup>734</sup> Ванг Чжунгхан. Чжунгтуо минзу ши. 110-б.

фикрининг асосли эканлигини кўрсатади.

Хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, этимологик жиҳатдан «*кунна* / *шюнгну* (хүн) сўзи одам, жамоа, аҳоли каби маъноларни англатган»<sup>735</sup>.

«Шижи» («Тарихий хотиралар»)да «Тангвунинг юкори томонида тоғлик ривем (рунг)лар, шюнун ва хунюнлар яшайди», деб кўрсатилган. Мазкур асарга ёзилган шарҳлар тўпламида «қадимда хунюн деб аталганлар Чжоу даврида (мил. авв. 770-221) шюнун, Чин даврида (мил. авв. 221-206) кунна (шюнгну) деб аталган», деган маълумот мавжуд. Иккинчи бир шарҳда хитойлар томонидан кунна (шюнгну) деб атаганлар илгари шюнун деб ҳам номланганлиги қайд этилган. «Чжоули» («Чжоу урф-одатлари») номли хотираада «хулар аравада юриб, камон отмайди», деб ёзилган. Мазкур хотираага ёзилган шарҳда «ху деб номланганлар хозир ҳун деб аталади», дейилган<sup>736</sup>.

Хитой олимларининг асарларида, жумладан Фэн Цяньшэннинг «Ҳун халқи ва уларнинг маданияти» номли китобида ҳунларнинг номи 32 хил иероглиф билан ифодаланган<sup>737</sup>. Уларнинг айримлари бир, баъзилари икки иероглифлардан ташкил топган. Бир иероглифлардан иборат бўлган күн (кюн / ҳун) этнонимининг транскрипциялари куйидагилардан иборат (замонавий ўқилиши кавс ичida берилди):

kun (кун / kun 昆), kun (кун / kun 混), kün (кун / kun 纇), kün (шюнг / shiong 匂), kiwan (чуан / chuan 犬), kiwan (чуан / chuan 犬), k'uai (куй / kui 魁), k'uai (куй / kui 媿), giuən (шюн / shun 獄), γuən (хун / hun 混), γuən (хун / hun 混), γuan (хуан / huan 患), γuan (хуан / huan 串),<sup>738</sup> kui (куй 魁), nguəi (вей / wei 畏), shiam (шиан / shian 獄), shiwen (hun 草), siuən (жюн / jun 俊)<sup>739</sup>.

Хитой манбаларида ҳунлар номининг икки иероглиф билан акс эттирилганлари куйидагича ўқилади: гиуэн-юй / giuən-yü (шюн-юй / shün-yü 獄鬻), гиуэн-циюк / giuən-tciuk (шюн-юй / shün-yü 薰粥), шиам-йивен / shiam-yiwen (shian-yün 獄允), шиам-йивен / shiam-yiwen (шиан-юн / shian-yün 獄犹, 獄允),

<sup>735</sup> Жыңг Йишиянг. Чжунгтуо минзу ши. 1-жилд, 109; Ванс Чжунгхан. Чжунгтуо минзу ши. 215-б.

<sup>736</sup> Ўша жойда.

<sup>737</sup> Фэн Цяньшэнг. Ҳун халқи ва уларнинг маданияти. 215-б.

<sup>738</sup> Қадим замонда chuan (串) ва huan (患) иероглифлари бир хил талаффуз этилган. [Юй Тайшань. Гузу синъкао. С. 98].

<sup>739</sup> Люй Сымянъ. Чжунго минъизу ши. С. 30.

шивен-цюк / shiwen-tciuk (хүньюй / hun-yü 翩粥, 莜粥), кюн-йей / kun-yie (кюн-ий / kun-iy 昆夷), кван-йей / iwan-yie (чюан-ий / chuan-iy 犬夷), хүан-йей / hoan-yie (чюан-ий / chuan-iy 串夷), нгуэй-йей / nguëi-yie (вей-ий / wei-iy 畏夷), кивен-ривем / kiwen-rivem (чюан-рунг / 犬戎), кивэй-ривем / kiwëi-rivem (куй-рунг / kui-rong 鬼戎), киван-ривем / kiwan-rivem (чюань-рунг 猛戎), кюн-на / kün-na (shiong-nu 匈奴).

Булардаги иккинчи иероглифларнинг грамматик хусусияти тўлдирувчи ва аникловчи вазифаларидан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти ҳуналарни камситиш мақсадида кўшилган. Масалан, қадим замонда юй (үю 粥, zhu деб ҳам ўқилган) иероглифи «афти-башараси саргайган» маъносида кўлланган, ўқилиши худди шунингдек, лекин ёзилиши бошқача иккинчи юй (үү 酱) иероглифи «калдокчи», «бетайин одам» маъносида, йи (yi 夷) иероглифи «ёввойи», «маданиятсиз», ну (nu 奴) эса – «кул» маъноларида ишлатилган. Баъзи иероглифлар ҳуналарнинг иктисодий асослари ва урф-одатларини билдирган. Чунончи, юн (yün 犹) ўтмишда чорвачилик билан шуғулланувчилар, рунг (rong 戎) – отда юрувчи одамлар ёки жангчилар маъносида кўлланган.

Иккинчи иероглифларни хисобга олмасдан, қолган иероглифларнинг қадимги ўқилишига эътибор берганимизда, уларнинг асосий қисми kun (кун), kün (кюн), giuëp (гюн), gun (гун), k'iwan (квен), k'i (куй), kiwëi (кивей), nguëi (гуэй) деб талаффуз этилган. Шундан мальумки, биринчидан, ҳуналар тилида уларнинг номи кюн деб айтилган этноним айрим атрофдаги кўшнилар тилида гюн, гун, квен деб талаффуз этилган; улар иероглифлар билан транскрипция килингандан сўнг талаффузи янаям ўзгарган. Иккинчидан, хитой манбаларига ҳуналарнинг номи тури даврда ҳар хил тилда сўзлашувчилар орқали кириб борган. Учинчидан, қадим замонда майдо хонликларга бўлиниб яшаган хитойлар тилида ажнабий халқлар номини ёзишда аник ва ягона бир қонда бўлмаганлиги туфайли ўзларига маъкул келган иероглифлар билан ёзишган.

«Хан [сулоласи] тарихи» («Ханшу»)да кун-на (шонг-ну) деб ўқиладиган икки иероглиф билан ёзилган ном аслида ҳун деб айтиладиган атамадан келиб чиқсан. Хитой тилида мавжуд бўлган ҳун деб ўқиладиган иероглифлар нима учун хитой тарихчилари томонидан фойдаланилмаган, деган савол тугилиши

табиийдир.

Юкорида айтилганидек, *хитойлар* «н» товушини унга унли товуш күшмасдан талаффуз этмаганлыги туфайли, «хун» сүзини ишлатишида, ундаги «н» ундошини тушириб колдиришга ёки унга «и», «у» унли товушларини күшиб айтишга мажбур эдилар. Шу боис манбаларда, ҳун ўрнига *ху*, *кюн* ўрнига *кун-на* этнонимлари пайдо бўлган. Замонамизга яқинлашган сари булар *ху*, *шюнгну* деб талаффуз этилган.

Хунлар тилидаги ҳун сўзи «Тангри ўғли» маъносини англатган. Шунга кўра, у қадими хитой манбаларида *кунна* (*шюнгну*) ва *ху* атамаларининг синоними сифатида ишлатилиши тез-тез учраб турган.

Ванг Чжунгхан раҳбарлигидаги бир гурӯҳ олимлар ёзган «XXР халқлари тарихи»да *хунларнинг* келиб чиқиши ҳақида куйидагилар зикр этилган:

«Хун атамаси Шанг (мил. авв. XVI-XI асрлар) ва Чжоу (мил. авв. 772-221) даврида *хитойлар* айтган *куй-фанг*, *шюнюн*, *хунюн*, *ху* каби номлар билан боғлик бўлганилиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Аммо ушбу номлар билан аталган халқлар таркиби бутунлай бир бўлган дейиш қийин. *Хун* атамаси *хулар* доирасидаги бир гурӯҳ қабилалар иттифоқининг номидир. *Ху* атамаси эса ушбу қабилалар иттифоқи таркибидан ҳам кендроқ доирадаги халқлар бирлигини билдирувчи сўз ҳисобланади. Бошқача килиб айтганда, *ху* деганда «*рунг ва ди*» (қадимги ўқ. *ривем ва тиек*) деб аталган халқлар бирлиги кўзда тутилади. *Хун* атамаси эса ушбу халқлар бирлиги доирасидаги катта бир гурӯҳ қабилалар бирлигини билдиради. Бинобарин, *ху* таркибига *юэчжислар*, *динглинглар*, *уйсунлар*, *қирғизлар*, *лоуланлар*, *чянглар* ҳамда бир қатор ғарбий мамлакатларда яшовчи халқлар киради. Қисқача килиб айтганда, *ху* атамаси билан аталганларнинг доираси *хун* атамаси билан аталганлар доирасидан ҳам кендроқ. Шунга кўра, *хунларни* *ху* дейиш мумкин, аммо *хулар* таркибига кирғанларнинг ҳаммасини *хун* деб айтиш ҳақиқатга зид келади»<sup>740</sup>.

Ҳозиргача маълум бўлган манбаларда учрайдиган маълумотларга кўра, *хунлар* милоддан аввалги VIII-VII асрларда *хитойлар* ватанининг шимолий томонидаги улкан заминда яшаган қабилаларнинг бирлашиши асосида ташкил топган этник

<sup>740</sup> Ванг Чжунгхан. Чжунгхан минзу ши. 216-б.

гурух хисобланади. Кейинги даврда улар ҳаракат килган худуд доираси ниҳоятда кенгайиб кеттган. Туман ҳоқон даврида (мил. авв. 240-210) ҳұнлар буюк сиёсий ва ҳарбий күнчікта айланған эди. Ҳун давлатининг тузуми олдинги қабилалар мулкдорчилегига асосланғанлығы туфайли юзага келган ишлаб чиқариш муносабатлари етарли даражада такомиллашмаган. Ушбу ахвол ҳұнлар иттифоки доирасидаги бирликни мустаҳкамлашып салбий таъсир күрсатған. Қолаверса, ўша даврда *рузие* (юэчжи)лар ва шарқий ху (гуз)ларнинг күввати сакланиб турған бир вазиятда Хитойдаги майдада хонликларнинг бирликка келтирилиши асосида майдонға келган Чин империяси (мил. авв. 221-206) ва унинг ўрнини босған ғарбий Хан империяси (мил. авв. 206-милодий 08) ҳұнларга қарши жиһдий кураш олиб борди. Мана шу ташқи омиллар ҳам ҳұнлар бирлигининг ожизлашишига олиб келді<sup>741</sup>.

Милоддан аввалги III асрда ҳұнлар иқтисодиети ва маданияти анча юксак бўлған ва нафақат хитой маданиятига, балки дунё маданиятига ҳам катта таъсир күрсатған<sup>742</sup>.

Ўша замонда ҳұнлар жамиятиде деҳқончилик, чорвадорлик ва кўл хунармандчилеги иқтисодий ишлаб чиқаришнинг маҳсус тармоқлари бўлиб, улар бири-биридан ажратилған. Ахолининг бир кисми деҳқончилик билан, иккинчи кисми чорвачилик билан, учинчиси эса кўл хунармандчилеги билан шуғулланған. Мазкур вазият савдо ишларининг ривожланишига катта ижобий таъсир күрсатған.

Улар темирдан пичоқ, қилич, қалқон, от учун эгар, кундалик ҳаётда ишлатиладиган буюмлар ва бошқа нарсалар ясашни яхши билған. Бунинг учун зарур бўлған темирни ўзлари эритишган. Ҳұнлар томонидан темирдан ясалған қуроллар хитойлар билан бўлған урушларда ўз устуныгини күрсатған.

Ҳұнлар чорвачиликни асос қылған халқ, деган хулоса ىлмий адабиётда ўрнашиб қолғанлығы сабабли айрим олимлар ҳұнлар мамлекатида деҳқончилик билан Хитойдан бориб қолғанларгина шуғулланған, деган фикрни олға сурадилар. Лекин бу фикр бутунлай асоссизdir<sup>743</sup>, зеро сўнгти йиллар давомида топилған ашёвий далилларга кўра, милоддан аввалги III асрда ҳұнлар ҳаётида деҳқончилик, кўл хунармандчилеги ва савдо-садик, тижкорат ишлари муҳим ўрин эгаллаган. Мўгулистан худудида очилған ҳұнлар қабрлари ичидан топилған дон,

<sup>741</sup> Ўша асар. 217-б.

<sup>742</sup> Ўша асар, 216-б.

<sup>743</sup> Ўша асар, 233-б.

дэхкончилик асбоблари бунинг исботидир<sup>744</sup>.

Хүнларнинг дэхкончилик фаолияти ҳакида юкорида тилга олинган «Чжунггуо Шинжянг гудай шэхүй шэнгхуо ши» номли асарда «Милоддан аввалги III асрдан олдин ҳүнлар иктиносидаги чорвачилик билан бирга дэхкончилик хам пайдо бүлгэн»<sup>745</sup>, деб ёзилган. Ушбу фикрнинг далили сифатида Мүгалистон олими С.Доржисуреннинг «Шимолий ҳүнлар қабрлари» асарига мурожаат қилиш мумкин<sup>746</sup>. Унда ёзилишича, қадими ҳүнлар қабрларида тез-тез учраб туралдиган ва дон тозалаш учун ишлатилган «тош ховонча (ўғирча) милоддан аввалги VII-III асрларга, қорайиб кетган уруғлик донлари эса милоддан аввалги III-I асрларга тааллуклидир»<sup>747</sup>.

«Шижи»нинг «Бяо Чиннинг таржимаи холи» кисмида «У-ди [хукмронлиги вақтидаги] Юаншоу даврининг 4-йили (мил. авв. 119) Вэй Чинг ҳүнларга хужум қилиб, Чжэнъян-шан тоғларидағи Чжаошин шахрига етиб борганида, шаҳарликларнинг йигиб қўйган катта ҳажмдаги тариқ ҳосилини қўлга тушири», деб ёзилган<sup>748</sup>.

Бан Гу (милодий 32-92) қаламига мансуб бўлган «Ханшу» (Хан [сулоласи] тарихи)нинг «Хунлар тазкираси» бобида У-ди [хукмронлиги вақтидаги] Хуоюан даврининг 1-чи йили (мил. авв. 86) кузда ҳүнлар юртида бир неча ой давомида кетма-кет ёмғир ёғиши туфайли «далаларга экилган донлар пишмай қолди», деган қизиқарли маълумот келтирилган<sup>749</sup>.

Мазкур манбанинг «Фарбий мамлакатлар» бобида эса «Чжаоди даврида (мил. авв. 86-72) асуэнлар (усунлар) маликаси хоқонга мурожаат қилиб айтдики, ҳүнлар (кунна / шюнгну) Чэши (Турфон давлати)га ўз чавандозларини юбориб, экин эктиридилар. Шюанди таҳтга ўтирган йили (мил. авв. 73) 5 нафар зобитларга Чэшига қўшин тортиб бориб, у ердаги ҳүнларга хужум қилиш ҳакида фармон берилди. Чэшида дэхкончилик килаётган 4000 нафар ҳун лашкарлари қувиб юборилди»<sup>750</sup>, деб зикр этилган.

Хитой археологлари қўлга киритилган сўнгти маълумотларга

<sup>744</sup> Ўша жойда.

<sup>745</sup> Чжунгтуо Шинжянг гудай шэхүй шэнгхуо ши (ХХР Шинжянгнинг қадимги жамияти ва хэёти тарихи). Урумчи, 1997. 86-б.

<sup>746</sup> Асар 1956 йилда Улан-Батор Илм-фан кўмитаси нашриёти томонидан чоп этилган «Фанлар академиксининг тадқиқот натижалари» номли тўпламнинг I-сонида ўзлон қилинган.

<sup>747</sup> Чжунгтуо Шинжянг гудай шэхүй шэнгхуо ши. 86-б.

<sup>748</sup> Ўша жойда.

<sup>749</sup> Ўша жойда.

<sup>750</sup> Ўша асар. 112-б.

асосланиб, «Хұнлар ўз ҳаётининг илк даврларида шаҳарлар барпо этмаганки, улар бир жойда мүким яшамаган. Кенг қарвадор ахоли кигиздан қилингандын чөдир уйларда яшаган... Чин ва Хан (мил. авв. 221милодий 8) давридан кейин ... уларда үтроклашиш қоллари пайдо бўлган. Хұнлар шаҳар деворларини ва кўп қаватли иморатлар қуришини ўрганган», деб хисобламоқдалар<sup>751</sup>.

Кўл хунарманчилиги соҳасида, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кўнчилик (терига ишлов бериш), кулолчилик, дурадгорлик, тўқимачилик, айниқса гилам тўқиши умумий ишлаб чиқаришнинг муҳим йўналишлари бўлган. Ушбу соҳаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижий мамлакатларга, жумладан Хитойга ҳам олиб кетилган<sup>752</sup>.

Хұнларнинг археологлар томонидан очилган қабрларини ўрганиш жараёнида топилган гиламлар уларнинг бу соҳадаги санъати юксак бўлганлигини кўрсатади. Масалан, б 6 ракамли бир ҳүн қабридан узунлиги 2,6 м, кенглиги 1,95 м келадиган бир рангли гилам топилган. Уни тўқишида яшил, сарик, тўқ қизил ва қора-қизил рангли иплар ишлатилган. Гиламнинг атрофига 24-28 мили кичик катакчалар шаклида накш солинган. Унинг ўртасига яшил ип билан 9 та дараҳтнинг шакли тушириб тўқилган. Дараҳтлар оралигига 4 жуфт буғу ва куш, 5 жуфт арслон ва ер ҳайдашда ишлатиладиган ҳўқиз сурати тўқилган. Ушбу расмлар атрофига яшил, сарик, қора, қизил, тўқ қизил рангли ип билан тўртбурчак, юмалоқ, ингичка бурчак ва кўшиш белгиси шаклида накшлар туширилган<sup>753</sup>.

Хұнларга оид мунозарали масалалардан яна бири уларнинг ёзуви масаласидир. Ҳозиргача кўпчилик олимлар хұнларнинг ўз тили бўлган, аммо ёзуви бўлмаган, деб хисоблайди. Хитой манбаларида учрайдиган айрим маълумотлар бундай фикрни рад этади. Чунончи, ҳұнлар ишлов берилган терига хат ёзиб, китоб битишган. Лекин улар қайси ёзувни ишлатганлиги ҳозирча аниқ эмас. Хұнларнинг тили Олтой туркий тиллари гурухига киради. Аммо айрим тарихчиларнинг асарларида у мўғул тили гурухига киради, деган фикр ҳам мавжуд<sup>754</sup>.

Хұнларнинг ўша даврга ва ўзларига хос урф-одатлари бўлган. Уларнинг бирига кўра, бир урuf доирасида қиз олиш ва қиз

<sup>751</sup> Ўша асар. 98-6.

<sup>752</sup> Ванс Ҷисунхан. Чжунгтио минзу ши. 233-35-б.

<sup>753</sup> Ўша асар, 236-б.

<sup>754</sup> Ўша асар, 235-б.

бериш қатъяян ман этилган. Узатилган киз келин қилган уругнинг аъзоси хисобланиши билан бирга, у меросхўрлик хукуқига ҳам эга бўлган. Шунинг учун мабодо келин бева қолса, у қайнота ва қайнона уруғи доирасидан чикиб, бошқа урукка келин бўла олмаган. Мерос бўлиб қолган мулкни уруғ доирасида саклаб қолиш мақсадида бундай бевалар мархум эрнинг ака-<sup>755</sup> укаларига хотин бўлиши одат тусига кирган.

**Хунларнинг қиёфаси** масаласи ҳам ҳанузгача мунозарали бўлиб келмоқда. Бинобарин, айрим олимлар уларни монголоидлар тоифасига киради, деб хисобласа, бошқалари европеонидларга мансуб, деб биладилар. Сўнгти 20-30 йил давомида Хитой Халқ Республикасида хитой ва уйғур тилларида нашр этилган тарихий асарлар, маҳаллий археологлар қўлга киритган янги маълумотлар иккинчи фикрни тасдиқлайди.

Уларда баён этилишича, хориж ва ХХР археологарининг ҳаракати натижасида Шаркий Туркистон (ҳозирги Шинжян-Уйғур мухтор ўлкаси) худудидан, жумладан, Тангритоғ (Тян-шан)нинг шимолий ва жанубий этакларидан, Олтой тоғларидан, Хэший ўллагидан, қадимий Хитойнинг пойтахти Чангъян (ҳозирги ХХР Шанси ўлкасининг маркази Шиан шаҳри) атрофидан ҳунлар жасадлари ва бошқа ёдгорликлар топилган. Олтойдан топилган жасадлар милоддан аввалги асрларга таалукли бўлиб, уларга караганда, ҳунлар жасадларни оқ келган.

Уйғур тарихчиси Турғун Олмос уларнинг кўриниши ҳакида қўйидагиларни ёзди: «Олтойдан топилган жасадларнинг вакти милоддан аввалги асрларга таалукли бўлиб, уларга караганда, ҳунлар ва турклар ниҳоятда баланд бўйли, йўгон ва йирик суякли одамлар бўлган. Уларнинг бурунлари кирра, юзлари тиник оқ рангли бўлган. Ҳунлар ва турклар жасадларни Олтой тоғларининг баланд ва салқин жойларида дафи этишган. Улар тоғнинг қаттиқ тошли жойларини ташлаб, саройсимон гўр қазишган. Сўнг ҳосил бўлган тош деворларни силликлаб, ички томонини рандаланган ёғочлар билан қоплашган. Бундай ҳолда тайёрланган гўрга жасадни ёғоч тобутга солиб қўйишган.

Қабрлар бир неча хонадан иборат бўлиб, ёз кунлари кор эриб, ичига кирмаслиги учун уларнинг қопқоғи маҳкам ёпиб ташланган.

<sup>755</sup> Ўша асар, 237-б.

Бундай жойда дағн этилған жасадлар кишин-ёзин бир хил ва паст ҳароратда сакланған. Шунинг учун бундай қабрлардан топилған жасадлар яхши сакланған бўлиб, уларнинг киёфаси, ҳатто рангти ўзгармаган.

Хўнларнинг баланд бўйли ва бақувват одамлар бўлғанлигини қадимий Хитой тарихидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Милоддан 121 йил аввал ҳозирги XXРнинг Гансу ўлкасидағи Хэси йўлагида хитойлар билан ҳўнлар ўртасида юз берган бир урушда ҳўн кўшиналарининг мағлубиятта учраши туфайли ҳўн шаҳзодаларидан бири Хан сулоласи (ғарбий Хан милоддан аввалги 246-милодий 8) хоқони У-ди (мил. авв. 140-85) ўрдасига келтирилган. У-ди мазкур шаҳзодага Жинг-миди деб исм қўйиб, уни жангда ишлатиладиган отларни боқиши ва ўстириш ишларига масъул амалдор қилиб қўйган. Мана шу ҳўн шаҳзодаси Жинг-мидининг бўйи ўша замондаги Хитой ўлчови билан 8 чи 2 цунг бўлган (ҳозирги ўлчовга кўра, 2 м 10 смга тўғри келади).

Олтойда ҳўн қабрларидан топилған жасадларнинг бўйи ана шу хитой ёзма манбасида таърифланған Жингмидининг баландлигига тўғри келади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳўнлар баланд бўйли ва бақувват одамлар бўлған.

Милодий VI асрда яшаган Шаркий Рим тарихчиси Фрокопи Орол денгизининг кун чикиш томонида яшаган ҳўнларнинг ранги оқлигига караб, уларни «оқ ҳўнлар» деб атаган эди»<sup>756</sup>.

XXР ижтимоий фанлар академияси Археология институтининг ходимлари 1955-1957 йилларда Шэнси ўлкасининг Шиан (қадимги Чангъян) шаҳри атрофидаги «Шанглиингфан» деб аталадиган жойдан Хан сулоласи даврига оид бир қабр топганлар. 140 рақами билан белгиланған ушбу қабрда дағн этилған жасад ёнидан икки парча тўртбурчак мис тахтacha ҳам топилған<sup>757</sup>. Уларга икки одам билан икки отнинг сурати нақш қилиб солиниб, курашга тушаётганилиги акс эттирилган. Накши солинган одамларнинг киёфаси қирра бурунли ва узун сочли, устига кийган шимларининг пушқоклари шимарилган қилиб тасвирланған. Хитой археологлари тасвирдаги кишилар Хан сулоласига келиб қолган ҳўнлар, деган хулосага келишган<sup>758</sup>.

1972 йилда Шаркий Туркистаннинг Турфон вилоятидаги

<sup>756</sup> Түреун Олмас. Уйғурлар. 76-77-б.

<sup>757</sup> Ўша асар. 78-б.

<sup>758</sup> Ўша жойда.

Астана деб аталған жойда V асрда Турфонда ҳокимлик килған ҳұн шаһзодаси Қутқу Пантайнинг қабри топилған. Мазкур қабрга мархумнинг жасади 445 йилда қүйилғанлығы ҳам аникланған. Қабр ичіда 4 дона лойдан ясалған будда ҳайкалчаси ҳам бўлған. Уларининг қиёфаси ҳам ҳұнларга ўхшаш кирра бурунли қилиб тасвирланған.

Маълумки, Кутқу Пантай Кенгсу (хозир Гансу) худудида ташкил топған ҳұнлар хонлиғи (397-460) подшоси Кутқу Мунсу (400-432)нинг ўғли бўлған. Ўша пайтда мазкур хонлик худудига Хэши йўлаги, Кўкнур (хозирги Цингхай)нинг бир кисми, хозирги Шинжянг-Уйғур муҳтор ўлкасининг шарқи-жанубий кисми, жумладан Турфон кирган.

Лобнордан топилған бундан тахминан 6400 йил аввалги даврга оид аёлнинг ва Кумул (Ивергул, Иву, Хами)дан топилған бундан 3600 йил аввалги даврга мансуб яна бир аёл кишининг жасадлари уларнинг қиёфаси сарик-қизил сочли, кирра бурунли бўлганидан далолат беради.

«Хозирги Мўғалистон ҳудудида яшаган шарқий уйғурларнинг қиёфаси ҳам асосан шундай – ранги оқ сузук, бурни кирра, сочи кизғиши бўлған. Кирғиз қабиласи ҳам улардан фарқ қилмаган»<sup>759</sup>.

VIII асрда яшаган хитой шоири Ли Руван қаламига мансуб бўлған бир шеърий асарда «Лянгчжуо уйғурлари қайнаб ўйин ўйнайди, илмоқ бурун, ранги оппоқ қош тошига ўхшайди», деб ёзилган.<sup>760</sup>

1927 йилнинг март ойида Мўғалистон олимларининг Ноян ва Сужукту тоғлари оралиғи (хозирги Улан-Батор шаҳрининг шимолидан тахминан 70 миля нарида)да топған ҳұнлар қабристонидаги 25 ракамли қабр очилганда, унинг ичидан кўп нарсалар, жумладан бир кишининг матога тўкилған сурати чиққан. Мазкур суратдаги одамнинг боши серсоч ва сочи орқага тараған, кенг пешонали, кўзлари катта, куюқ мўйловли, чўзин-чоқ юзли қилиб тасвирланған. Кўз қорачигининг марказий нуқтаси кора, атрофи кўк рангли ип билан тўқилғанлығи алоҳида эътиборга сазовордир<sup>761</sup>.

XXРнинг Шэнши ўлкасидаги Чангъан вилоятида ҳам бир ҳұн қабри топилған. XXР археология институти ходимлари уни очиб

<sup>759</sup> Ўша асар. 79-б.

<sup>760</sup> Ўша жойда.

<sup>761</sup> Жанғиз Йинчянг. Чжунгтую минзу ши. 1-жилд. 113-б.

текширганларида маълум бўлганки, унга ҳун элчилари ёки улар билан бирга келган олий табақали икки киши дафн этилган. Улар ҳам кирра бурунли бўлган<sup>762</sup>.

Қадимий Хитойнинг пойтахти Чангъан (ҳозирги Шиан) атрофида сақланиб қолган ва тошга ўйиб туширилган суратлардаги «отни етаклаб кетаётган ҳун»нинг бўйи паст, юзи йўғон, япалоқ, серсоч, калин лабли, бурни пучук килиб тасвирланган<sup>763</sup>. Айрим тадқиқчилар айнан шу мисолга ишора килган ҳолда, ҳунарнинг ташки киёфаси шу шаклда бўлган, деган фикрни олға суришади<sup>764</sup>.

Аммо бундай хуносага келишдан олдин икки масалага эътибор бериш керак. Биринчидан, мазкур суратлар тошга хитойлар томонидан ўйиб туширилганлиги туфайли уларда ҳунарнинг киёфаси тўғри тасвирланмаган бўлиши мумкин. Иккинчидан, Ҳун хоқонлиги кучайгандан сўнг унинг таъсир доирасига Монголиянинг шаркий қисмида ва Манжурияда яшаган киёфаси манголоид тоифасидаги дунгху (шаркий гуз, рус адабиётида тунгус) халклари ҳам кирган. Бир неча асрлар давомида уларнинг ҳунар билан аралашиб кетиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Колаверса, айни замонда мазкур тоифадагилар ҳам умумий ҳолда ҳун деб аталган. Шунинг учун бу хилдаги тарихий ёдгорликларни ҳунарнинг киёфасини кўрсатувчи асосий ашёвий далил сифатида ишлатиш ҳакиқатга тўғри келмайди, деб ўйлаймиз.

Ҳунарнинг ташки қаёфаси европеоидларга ўхшашлигини олимларнинг Тангритоғ этакларида яшаган ҳунарнинг бош суюгини ўрганиш натижасида олинган хуносалари ҳам тасдиқлади. Бинобарин, мавжуд тадқиқотларга кўра, кадимроқ даврдаги ҳунарнинг бош суюги кўпроқ европеоидлар тоифасига мансубдир<sup>765</sup>. Улар асосида ҳунарнинг чўзик юзли, кирра бурунли ва чукур кўзли эканлигини билиш мумкин.

Аниқ маълумотларга асосланиб тадқиқот олиб борган хитой тарихчиси Жянг Йинглянг «Ҳунар туркӣ ҳалққа оидdir, аммо улар турк (тужсюэ) қабиласининг<sup>766</sup> ибтидоси эмас<sup>767</sup>», туркӣ

<sup>762</sup> Ўша жойда.

<sup>763</sup> Чжунгту Шинжянг гудай шэхзой шэнгхуо ши. 89-б.

<sup>764</sup> Ўша жойда.

<sup>765</sup> Сичуо чжили гудай жойминг чжунгзу ренлрай яньжюо (Буюк ипак йўлидаги қадимий аҳолилар ва халкларга оид антропологик тадқиқотлар). Урумчи, 1995. 399-б.

<sup>766</sup> Ашина (қадим. ўқил. Асиэна) авлодидан ташкил топган ва милодий VI асрда Олтойда тарихий саҳнага кириб келган турк қабиласи кўзда тутилган.

халқ ичидағи бир шохидир. Чунки Чин (мил. авв. 246-207) давлатидан илгариги замонларда ҳұнлар түркларнинг аждодлари бўлмиш динглинглар билан бир тоифадаги бошқа-бошқа авлод эдилар»<sup>768</sup>, деб хулоса қилган. Олимнинг ушбу хулоаси ҳам ҳұнларнинг илк давридаги вакиллари бундан 3,5-4 минг йил илгариги хитой битикларида *тиек*, *тейук* (ҳоз. талаф. *ди*)<sup>769</sup> деб аталган қадимий түрклар тоифасидан эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қадим замонларда яшаган хитой тарихчилари ёзib қолдирган маълумотлар хитой манбаларидағи *тиек* (*ди*), *бэй-тиек* (*бэй-ди*), *ху*, *шунюн*, *кунна* / *шюнгнү* бир тоифадаги халқнинг номи эканлигини тасдиқлади. Бу атамалардаги фарқ шундаки, *тиек* (*ди*) уларнинг умумий номи, *хун* (*хү*), *шунюн*, *кунна* / *шюнгнү* этнонимлари эса *тиек* (*ди*)ларнинг бир қисмига тегишли номдир. Хун империяси ташкил топган вақтидан унинг емирилишига қадар бўлган бир неча аср давомида ҳұнларнинг номи барча туркий қавмларнинг умумий номига айланган. Демак, ҳұнларнинг этник келиб чиқиши *туркдир*, деган фикр асослидир.

## АСУЭН (УСУН) – УЙСУНЛАР

Хитой манбаларида Усун (Wusun 烏孫, қисқартирилган шаклда 乌孙) атамаси давлат номи ва этноним сифатида ишлатилади. У илк бор «Шижи»да учрайди. Қадимда мазкур атамани хитойлар Асуэн (Asuən), Усуэн (Usuən) деб талаффуз этишган. Уйғур тилида нашр этилган таржима асарларда ушбу атама Уйсун ёзилган. Бунга атаманинг қыргыз ва қозоқ халқлари таркибида айнан шу ном билан аталган уруғлар мавжудлиги асос қилиб олинган<sup>770</sup>. Ўтган асрнинг ўрталарида тарихчи олим В.В.Гинзбург ўз асарларида қыргызлар таркибидаги *усунларни* «уй-шун», қозоқлар таркибидагиларни эса «сарқ-уйшун» деб

<sup>767</sup> Ҳоджаев К.А. ХХР тарихчиларининг «турю» атамасига оид янги фикр-мулоҳазалари // «Шарқшуносли». № 11, Тошкент, 2002. 164-172-б.; Ҳоджаев А. Из истории древних тюрков... С. 60-95.

<sup>768</sup> Жяңг Йыңглияң. Ҷекунгтуо минзу ши. 1-жилд. 113-б.

<sup>769</sup> Ҳўёжаев А. Қадимий хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар / «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият». Тошкент, 2003. 176-184-б.; «Ўзбекистон тарихи» 2003, № 1. 3-11-б.

<sup>770</sup> Тарихий хотиралар. 443-б.

ёзган<sup>771</sup>. Биз таржималаримизда ва тадкиқотларимизда Усун атамасининг қадимги хитойча ўқилиши Асуэнни ишлатишни лозим топдик.

Хитой манбаларида ва лугатларида *асуэн* (усун) этненинг лугавий маъноси ҳақида маълумот учрамайди. Аммо «уйшун» бирлашсин маъносини англатувчи «уйисин» сўзидан келиб чиқсан бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Одатдаги хитойча-русча лугатларда таърифланишича, «у» (wu 烏) иероглифи карга, кора, «сун» (sun 孫) иероглифи эса навда, ажралиб чикиш, набира каби маъноларни англатади. Шунга қараганда, қадимги хитойлар *асуэн* (усун) атамасини шу икки иероглиф билан ёзиб, унга бир тоифадаги авлоднинг ажралиб чиқсан бир бўлаги, деган маъно берган бўлиши мумкин. Ўтмишда *асуэнлар рузие* (гузер)ликлар билан ёнма-ён яшаганлиги, кейинчалик ҳұнлар итоатида бўлганлиги, урф-одатлари ҳұнлар билан бир хил бўлганлиги<sup>772</sup> ҳам бу фикрга асос бўлади.

Хитой манбаларида келтириладиган маълумотларга кўра, биринчи хитой элчиси Чжанг Чян келганда, Асуэн давлати (Усунгую 烏孫国) қадимги Фарғона давлатининг шимоли-шарқида, Кангкия давлатининг жануби-шарқида жойлашган бўлган<sup>773</sup>. Бу томондаги замин ҳозирги Иссиқкўл атрофи ва Или дарёси бўйларидан ташкил топган худудга тўғри келади. Илгари *асуэнлар* Тангритонгнинг ўрта қисмидаги, яъни ҳозирги Урумчи шаҳри яқиндан Или водийсигача бўлган жойларда яшаган. Хан сулоласи уларни ўзига ҳұнларга карши курашда иттифокдош қилиб олиш мақсадида шарққа кўчиб келиб, ҳұнлар хоқони Хунйя (Hunyia 漢邪) яшаган жойни эгаллашни ва Хан хонадонига күёв бўлишни таклиф қилган. Лекин *асуэнлар* хукмдори Хан хонадонининг маликасига уйланиш таклифини рад этиб, шарққа кўчиб боришига розилик бермаган. Хитой адабиётида улар Дунхуанг билан ҳозирги Чилян тоги орағида яшаган, деган фикр мавжуд<sup>774</sup>.

Ушбу фикр тарафдорлари хитой манбаларидаги *асуэнлар рузие* (гузер)ликлар билан ёнма-ён яшаган, *рузие* (гузер)ликлар эса Дунхуанг билан Чилян тоги оралиғида истиқомат қилган, деган кўрсатмаларга асосланганлар. Кейинги йилларда амалга оширган

<sup>771</sup> Гиэзбург В.В. Древнее население центрального Тянь-Шаня и Алая по антропологическим данным (I тысячелетие до н.э. – I тысячелетие н.э.) // Среднеазиатский этнографический сборник. Москва, 1954. С.354.

<sup>772</sup> Шижи. 1138(1138)-б; Ханшу. 2374(1166)-б.

<sup>773</sup> Ўша жойда.

<sup>774</sup> Ване Чжисай. Чжунгъя шигант. 102-б.

тадкиқотларимизда *Рузие* (гузер)ликларнинг қадимда яшаган жойи Тангритогнинг Шарқий Туркистон кисмидаги яйловлар деб кўрсатиб ўтдик<sup>775</sup>. Эҳтимол, улар Или водийсининг шарқий ва ҳозирги Урумчи шаҳрининг ғарб томонидаги Юлдуз яйловларида яшагандирлар. Бу жойлар от боқишига ихтиослашган *асуэнларга* ниҳоятда кўл келган бўлиши керак.

*Асуэнларнинг* Иссиқкўл атрофи ва Или дарёси бўйларида келиб жойлашиши милоддан аввалги иккинчи асрнинг ўрталарида содир бўлган. Бу уларнинг мазкур худудга милоддан аввалги 175-174 йилларда ҳуналардан кочиб, шу ерга келиб жойлашиб қолган *рузие* (гузер)ликлар устидан қилган галабасининг натижаси бўлган эди. *Асуэнларнинг* ушбу ғалабаси нафакат улар худудининг кенгашига, балки этник таркибининг бойишга ҳам олиб келган. Иссиқкўл атрофи ва Или дарёси бўйларида қадимдан яшаган *саклар* ва бу ерларга кейин келиб жойлашган *рузие* (гузер)ликларнинг бир кисми улар таркиби кирган. Шундан кейинги даврда *асуэнлар* давлати фуқароларининг сони 120 минг оила ёки 630000 кишидан иборат бўлиб, шулардан 180 минг киши урушда қатнаша оладиган жангчилар хисобланган.

Ушбу рақамларнинг салмоғини англаб олиш учун ўша даврдаги кўшни давлатлар аҳолисининг нуфусига эътибор бериш мумкин. Шу замонда Тангритогнинг шимолий ва ҳарбий томонларида жами 45 давлат ва шаҳарлар мавжуд бўлган. Улар аҳолисининг умумий сони 41570 оила ёки 325091 кишидан, кўшинларининг сони эса 73504 кишидан иборат бўлган<sup>776</sup>.

Ташки кўринишдан *асуэнлар* кўккўз ва қизил соч бўлган. Бу ҳақда Ян Шигу қўйидагича ёзган: «Ғарбий мамлакатлар (Шиой) одамлари ичida *асуэнларнинг* сиртки кўриниши фарқланиб турар эди. [Улар] ҳозирги *гузлар* (*хурен*)дандир. [Уларнинг] кўзлари кўк, сочлари қизғиши эди»<sup>777</sup>. Сўнгти йилларда топилган *асуэнларнинг* бош суюкларини ўрганиш натижасига кўра, улар *саклар* билан

<sup>775</sup> Каранг: *Ходжаев А.* Новый взгляд к проблеме локализации территории государства Рузие (Юэчжи) // Лунвэн тиганг (Тезисы научных докладов). Синьцзян: тулупфанъсюз яныцю юань (Синьцзянский институт турфеноведения), 19-21 октябрь 2008 г. С. 28-330; К проблеме локализации места обитания рузицев (юэчжи) в первом тысячелетии до н.э. // Xitoishunoslikning dolzarb masalalari: filologiya, falsafa, tarix, iqtisod va siyosat masalalari. Toshkent, 2009. С.13-22.

<sup>776</sup> Чжунгти Шинжянг гудай шохузай шэнгхуо ши. 77-6.

<sup>777</sup> Аслиятда шундай ёзилган: «Усун юй Шиной чаку руңг чи шинг зюйин, жинчжи хурен чинъяя чишойчкуанглай» (烏孫於西域諸戎其形最異今之胡人青眼赤須狀类). Ханшу. 2374(1166).

ниҳоятда яқин бўлган. Уйсунларнинг бош суюги юмалоқ бўлиб, пешона қисми бир оз олдига чикқан, кўзлари чукур жойлашган, бурни кирра, юз қисми йўғон ва бир оз чикқан<sup>778</sup>. Улар экин экмайди, дараҳт ўстирмайди, ҳұнларга ўхшаб, ўт-ўлан кўп жойларда яшайди. Уларнинг мамлакатида от кўп боқиласди, бойларнинг отлари 4-5 минг бошдан ошади.

*Рузие (гузер)ликлар* гарб томонга чекиниб кетаётганида, Или водийси билан Иссиқкўл оралиғида яшаёттан сакларни сикиб чиқариб, уларни жануб томонга чекинишга мажбур қилган. Шунда *ruzie (гузер)ликлар* саклар жойини эгаллаб олишган. Кейинроқ асуэн ҳукмдори Кунмуо ҳұнларга суюниб, *ruzie (гузер)ликларни* мағлубиятта учраттган ва уларни жануб томонга чекинтирган. Шундан кейин илгари *саклар* яшаган заминни усунлар эгаллаган. Узоқ сафарга ожизлик қилғанлиги туфайли ўз жойларида қолган *саклар* ва *ruzie (гузер)ликлар* усунлар таркибига кириб кетган<sup>779</sup>.

Қадимда Асуэн (Усун) давлати ҳұнларга итоат қилган. Кейин кучайиб, ташқаридан қараганда ҳұнларга итоат қилғандек кўринса ҳам, амалда солиқ тўламаслилка ҳаракат қилган.

Хитой элчиси Чжанг Чян келганида, усунларнинг гарбий чегараси Буюк Паркона (Дайюан / Даван) давлати билан, шимоли-гарби чегараси Кангкия давлати билан туташган.

Асуэн давлатининг маркази Чигу шахри (Чигу-чэнг 赤谷城) бўлиб, у Норин дарёсининг юкори қисмидан жануби-шарққа томон 15 км нарида жойлашган. Иероглифларнинг маъносидан келиб чиқканда, Чигу-чэнг Қизилсой ёки Жанубий сой шахри маъносини англатади<sup>780</sup>.

<sup>778</sup> Чжуңгитуо Шинжяңг гудай шэхүэй шэнгхую ши. 77-б.

<sup>779</sup> Ханишу. 2374(1166)-б.

<sup>780</sup> Ўша жойда.

## ХИТОЙ МАНБАЛАРИДАГИ «ХУ» ЭТНОНИМИ

Ху (古) этноними замонавий тарихий адабиётларда турли маъноларда ишлатилмоқда. Айрим музалифлар ушбу атамани ҳун, түрк деб таржима қиссалар, бошқалари сүғдларнинг хитойча аталишидир, деб биладилар. Умуман олганда, бу фикрлар бирбирига зид эмас. Аммо ушбу фикрлар масалага бир томонлама ёндашув асосида юзага келган. Гап шундаки, атамани мазкур этнос истиқомат киlgан ҳамма даврларга ва барча ҳолатларга бирдек хос маънода ишлатиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Энг аввало, бирламчи манбаларга асосланган ҳолда атаманинг келиб чиқиши вақти ва унинг билан қайси даврда қайси ҳалқ аталганлигини аниклаш мақсаддага мувофиқ, деб хисоблаймиз.

Ху этнонимини ёзиш учун ишлатилган иероглиф «қадимий» маъносини анлатувчи «гу» (古) ва «ой» сўзини ифода этувчи «юэ» (月) петроглифларини кўшиш асосида юзага келган. Энг қадимда «ху» иероглифи билан хитойлар ҳайвонлар бўйнининг паст қисмини, кора молларнинг бўйни остида осилиб турадиган қисмини ва асирга олинган одамни ифодалаган. Кейинчалик у осилиб турмок, олис, кора, буюк, ёлғон, телба, ахмок, назр-чирок ўтказишида ишлатиладиган идиш каби маъноларда ишлатилган<sup>781</sup>. Хитой манбаларида «ху» давлат номи ва фамилия сифатида ҳам учраб туради. Лекин иероглифнинг қайд этилган маънолари асосида ху этнонимининг келиб чиқиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келадиган биронта хулоса чиқариш кийин.

Хитой лугатларида ху атамаси қадимги Хитойнинг шимолий ва фарб томонида яшаган ҳалқларнинг умумий номи бўлганлиги қайд этилади. Чунончи, «Циоан» («Сўзларнинг келиб чиқиши») номли этимологик лугатда ушбу иероглифга «Қадим замонда давлатимизнинг шимолидаги чегара худудлар ва Фарбий мамлакатлар (Шиий) ҳалқлари умумлаштирилган ҳолда ху деб аталган. Кейинчалик барча ажнабий қавмлар ху деб номлана бошлади»<sup>782</sup>, деб изоҳ берилган. Шунга ўхшаган шарҳ 56 минг иероглифни ўз ичига олган «Ханюй дазидян» («Хитой тили

<sup>781</sup> Ханюй дазидян. З-жилд. 2057-б.; Циоан. З-жилд. 2548-б.

<sup>782</sup> Циоан. З-жилд. 2549-б.

ёзувининг катта лугати»<sup>783</sup> да ҳам келтирилди. Ушбу лугатлардаги изохларни тушуниб олиш учун аввалига қадимги Хитой қаерда эди, унинг гарбий ва шимолий чегара худудлари қайси жойларга тўғри келди, у ерда яшаган этнослар қайси тоифадан иборат эди, деган масалаларга аниклик киритиш керак.

Илгари нашр этган ишларимизда айтиб ўтганимиздек, хитойларнинг илк ватани Хуанхэ дарёси куйи оқимининг жанубига тўғри келган. Бу давр милоддан аввалиги иккинчи минг йилликнинг дастлабки асрларига тўғри келди. Шундан кейинги 17 асрга яқин вақт ичиди Хитойнинг худуди бироз кенгайиб, унинг чегараси шимолда ҳозирги Ички Монголиянинг шарқий қисмигача ва гарбда Хэши йўлагигача етган. Мана шу 1700 йилга яқин вақт давомида Хитой таркиби ўтган жойлар қадимги хитойлар юртининг ташқарисидаги қўшни худудлар эди. Шу жойларда яшаган қабилалар туркларнинг шарқий қисми ҳисобланган.

Шу замондаги хитой битикчилари уларни ҳозирги ўқилишда «ди» (狄) ва «ху» (胡) иероглифлари билан ифодалашган ҳамда улар ҳақидаги маълумотларни тош ва сүякларга ёзиб қолдиришган. Биринчи «ди» иероглифи қадим замонда *тиек* ўқилган бўлиб, у *турк* этнонимининг хитойча илк транскрипцияси<sup>784</sup>, иккинчи «ху» иероглифи эса хитойлар томонидан *туркларга* кўйилган ном эди. Кейинчалик шарқий *турклар* хитойлар томонидан *ревем* (замон. ўқил. рунг, рус адабиётида жун) ва *тиек-ревем* (*ди-рунг*, *рунг-ди*) деб номланди.

Милоддан аввали III асрда майдага ҳокимликларга бўлинган ва уруш алангасида ёнган қадимий Хитой бирликка келиб, илк бор империяга айланди<sup>785</sup>. Гарчи ушбу империя узок яшамаган бўлсада, унинг асосчиларида ўз худудини ўзгалар ерлари ҳисобига кенгайтириш ғояси шаклланди. Бу гоя амалиётининг натижаси шарқий *туркларнинг* секин-аста шимолга ва ғарбга чекинтиришига олиб келди. Шунинг билан бирга *ху* этнонимининг географияси ҳам ўзгариб, ғарб сари кенгайиб борди.

<sup>783</sup> Ханний дазидян. З-жидд. 2057-б.

<sup>784</sup> Ҳоджсаев А. О самых ранних транскрипциях этнонима «турк» в китайских источниках // Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (Этнодемографические процессы в Узбекистане). В 2-х ч. Т. 2005. Ч. 1. С. 102-105; Шу муаллифнинг. Древнейшая китайская иероглифическая транскрипция этнонима тюрк // Shygys Kazakhstan. № 1, 2008. С. 7-26; Шу муаллифнинг. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Ташкент, 210. С. 20-31.

<sup>785</sup> Ушбу империя ҳам «Чин» (秦) деб номланди. Унинг яшаган даври мил.авв. 221-206 йилларга тўғри келади.

Шу ерда эслатиши ўринлики, *тиек* (ди) деб аталган түрклар таркибида милоддан аввалги I асрда битилган ва Сима Чян қаламига мансуб «Тарихий хотиралар» («Шижи»)да кенг күлланган рузие (гузер)ликлар, яни юэчжисилар ва ҳун (кунна, замон. ўқил. шюнгну 鄒奴) қабилалари ҳам бўлган.

Тош ва суюкларга ёзилган расмисмон иероглифлар билан ёзилган битиклар билан шугулланган олим Ванг Гуовэйнинг ёзишича, милоддан аввалги VIII-V асрларда хитойлар юртнинг шимолида яшаган ва хитой манбаларида *тиек* (ди) деб номланганлар маълум бир даврда ҳу ва кунна (шюнгну) деб ҳам аталган; *тиек* (ди), ҳу (ху) ва кунна (шюнгну) аталганларнинг ilk аждодлари бир бўлиб, улар квей (куй / гуй) квей-фанг (куй-фанг – Кун юртликлар) деб номланар эди. Масалан, Ванг Гуовэй ўзининг «Гуан Танг жилин» («Гуан Танг тўплаган маълумотлар») номли асрида қуидагича ёзди: «Қадим замонда ватанимизнинг [шимолий томонидаги] чегара худудларида келиб чикиши хитой бўлмаган бир ҳалқ яшар эди. Мазкур ҳалқнинг эгаллаган ерлари ниҳоятда катта бўлиб, Хитой (Чжуңгтуо)нинг шимолий ва ғарбий томонини ўраб тураган ... Бу ҳалқ гоҳ бўлининиш, гоҳ бирлашиш ҳолатида бўлар эди. [Мазкур ҳалқнинг] одамлари жанговар бўлиб, ахён-ахён юртимизга юриш килиб тураган эди. У турли давларда ҳар хил аталган. Кўп ҳолларда бу ҳалқ ўзи яшаган жойининг номи билан аталган. ... Шанг даврида (мил. авв. XVI-XI асрларда) куэй-фанг (鬼方), кун-ией (kun-yiei 昆夷), ҳунъю (хун-у / шун-ю 獬鬻)..., Куз ва Баҳор (Чун цю) даврида (мил. авв. 770-476 й.) ривем (рунг 戎) ва *тиек* (ди 狄), «Ўзаро урушган давлатлар» (Чжан-гуо) даврида (мил. авв. 475-221 й.) ҳу (ху 胡), кунна (шюнгну 鄒奴) деб аталган»<sup>786</sup>.

Иккинчи бир қадимшунос хитой олими Дуан Лянцин Ванг Гуовэйнинг фикрини кўллаб-куватлаб, «Куэй-фанг (Гуй-фанг) фамилияси Куэй (Гуй) бўлган турли қабилаларнинг умумий номидир. ... Бу қабилалар умумий ҳудуд, маданият, иқтисод ва тилга эга бўлган бир ҳалқни ташкил этган»<sup>787</sup>, деб таъкидлайди.

Дуан Лянциндан олдин йирик тарихчи олим Люй Сымяня

<sup>786</sup> Ванг Гуовэй. Гуан Танг жилин (Гуан Танг тўплаган маълумотлар). «Чжуңгхуа шужой» (Нанкин), 1923. Илова 2. 13-боб (жоан). 583-б.

<sup>787</sup> Дуан Лянцин. Динглинг, гаочэй юй телъ (Динглинглар, канглилар ва телелар). Шангхай, 1988. 37-б.

(1884-1957) «биак-тиек (бай-ди 白狄 – гарбий түрк)лар ҳам Шанг (мил. авв. XVI-XI асрларда) давридаги Күй-фанг «Гүй-фанг» ва шюн-юнлар (хүнлар) авлоди бўлган. Буларнинг келиб чикиши хитойларнинг гарбий томонида яшаган кянг-ривем (чянг-рунг (chiang-rong 羌戎)ларга бориб тақалади»<sup>788</sup>, деб ёзган.

Шу жойда изохлаб ўтиш жоизки, кианг деб ўқилган иероглиф бундан 4 минг йил аввалги тош ва суюкларга ёзб қолдирилган битиклар («ожагувэн» 甲骨文)да учрайди ва кучли ҳокимият эгаси сифатида таърифланади. У «күй» («яңг» 羊, 羣) сўзидан келиб чиккан. Киянг (чянг)лар асосан қўй бокиш билан шуғулланганлиги учун шу ном билан аталган. Аслида киянг (чянг)лар Хуантхэ дарёсининг юқори оқими бўйларида ва унинг ғарб томонидаги жойларда яшаган<sup>789</sup>. Ривем (рунг) этнонимини эса қадимги хитойлар ўзларининг шимолий ва ғарбий томонида яшаган от миниб юрувчи барча қавмларга нисбатан ишлатган. Шунинг учун хитой манбаларида киянг (чянг)лар қадимги ривем (рунг)ларнинг бир кисми, деб қаралади<sup>790</sup>.

«Кейинги Хан [сулоласи] тарихи» («Хоу Ханшу»)да ху этноними Хэси йўлагида яшаган кянг (чянг)ларга нисбатан ишлатилган ҳолатлар ҳам учрайди. Чунончи, ушбу манбанинг 87-бобидаги «гарбий кянг» (шичянг)ларга багишлиланган бўлагида куйидаги маълумот бор: «Хозир Лянгчжоу (Хэши йўлагидаги жой номи – А.Х.) қабилалари орасида асирга олинган кянг (чянг)лар мавжуд. Кянг-хулар сочларини ўраб ёпиб юришади. Ханликлар билан аралашгандар одатларимизни яхши билади. Бирок уларнинг тилини тушуниб бўлмайди» (今涼州部有降羌羈胡被髮左衽而與漢人雜處習俗既異言語不通)<sup>791</sup>. Ушбу бобнинг бошқа жойларида кянг-ху (чянг-ху 羌胡) этноними бир неча марта тилга олинган<sup>792</sup>.

Ху этноними Асиэна (Ашина) авлодларидан ташкил топган түрк (тукивет / тужсюэ) қабиласига нисбатан ҳам ишлатилган. Масалан, «Суйшу» «Тунгдян», «Тайнинг хуанюй жи» каби манбалардаги түрк қабиласига бағишлиланган бобларда «турк (тукивет / тужсюэ) [қабиласи]нинг аждодлари Пинляндаги аралаш

<sup>788</sup> Люй Симяви. Чжунгтую минзу ши. 49-б.; Ванк Чжунгхан. Чжунгтую минзу ши. 135-б.

<sup>789</sup> Цийхай. 123, 391-б.

<sup>790</sup> Чжунгтую дабайж чвоаншу. Чжунгтую лиши. 499-б.

<sup>791</sup> Хоу Ханшу. 3801(1291)-б.

<sup>792</sup> Ўша асар. 3803(1293)-б.; 3812(1302)-б.; 3813(1303)-б.

турклар (заху) эди» (突厥之先平凉雜胡也)<sup>793</sup>, деб ёзилган. «Тангшу»даги туркларга оид бобда эса «Асиэна (Ашина) авлодларидан ташкил топган турклар кадимги җүнларнинг шимолий кисми эди» (突厥阿史那氏蓋古匈奴北部也)<sup>794</sup>, деб баён этилган.

Милоддан аввали V-I асрларда хитойлар орасида җүнларни ху (胡) деб аташ кенг тарқалган. Бунинг исботи хитой манбаларида күп учрайди. Масалан, мил. авв. 475-221 йиллардан иборат бўлган «Ўзаро урушган давлатлар» (战国 – «Чжан-гуо») даврида битилган «Шан хай жинг» (山海经 – «Тоғлар ва денгизлар комуси») номли асарда җүнларнинг этник номи giuən-tçiuł (шюн-юн 猪粥) ва kün-yie (хун-ии 昆夷) деб айтилган. Ушбу этнонимларга ёзилган шарҳда мазкур атамалар хитой манбаларида ху (ku, yu / ху 胡) деб номланган бир халқнинг турлича ёзилиши эди, деб таъкидланган<sup>795</sup>.

Шу даврда битилган «Чжоули» (周礼 – «Чжоу [мамлакати] урфодатлари») номли иккинчи бир асарда «илгари ху (hu 胡) деб номланган халқ эндиликда хун (кунна / шюнгну) деб аталди»<sup>796</sup>, дейилган.

«Шижки» («Тарихий хотиралар»)да ху этноними кунна (шюнгну) атамасининг синоними сифатида ишлатилганилиги күп учрайди. Чунончи, ушбу манбада келтирилган шархларнинг бирида «кунна (шюнгну)匈奴) этноними Хитойнинг шимолий томонида яшаган халқнинг номидир. Ушбу халқ ху (胡), деб ҳам аталади. Ўтмишда у күзй-фанг (гүй-фанг 鬼方), гүэн-йей (гүәп-үеи / хун-ии 混夷), шиам-йиwen (shiam-yiwen / шян-юн 猿允) ва шивем-ривем (замон. ўкил. шиан-рунг 山戎), Чин (秦 – мил. авв. 221-206) даврида кунна (шюнгну) номланган, деб айтилган<sup>797</sup>. Худди шундай фикр «Циоан»да ҳам келтирилади<sup>798</sup>.

«Му Тянзи жюан»нинг биринчи бобида «Йиой (17-куни) ... [Му]тянзи шимолга юриб, квен-ривем (чюан-рунг) [юрти]га борди. Дангшуй дарёси жанубида квен-ривем-ху (чюан-рунг-ху 犬戎胡) [Му]-тянзига зиёфат берди. [Му]-тянзи хурсанд бўлиб [сўз ўчган] 7 нафар паҳлавонларнинг курашиши тамоша қилди»<sup>799</sup>, деб ёзилган мисрани учратамиз. «Му Тянзи чжуан»нинг битилган вақти мил.авв.

<sup>793</sup> Суйшу 2812-б.; Тайлинг хуаной жи 194-боб, 76-б.

<sup>794</sup> Оу Янишо, Сун Чи Шин Тангшу. 13-жилд. 16913(1499)-б.

<sup>795</sup> Лой Симяян. Чжунштуо минзу ши. 31-б.

<sup>796</sup> Ўша жойда.

<sup>797</sup> Шижки. 1029(1029)-б.

<sup>798</sup> Циоан. 1-жилд. 0387-б.

<sup>799</sup> Гу шишинг жи. 6-б.

475-221 йилларга түгри келади. Чунки асар милоддан аввалги V-III асрларга оид қабр ичидан топилган<sup>800</sup>. Шу асосда *квен-ривем-ху* (*чюан-рунг-ху*) этнонимининг ишлатилган даври милоддан аввалги III асрдан олдин бўлган, деб айтиш мумкин.

Ушбу сафарномадан келтирилган маълумотдаги *квен-ривем-ху* (*чюан-рунг-ху*) атамаси учта этник атамалардан ташкил топган. Буларнинг биринчи *квен* (*чюан* 犁) ҳұнларнинг ўз тилида айтиладиган номи «*кюн*»нинг хитой ёзувидаги 30 дан зиёд транскрипцияларининг бири эди<sup>801</sup>. Иккинчи этноним *ривем* (*рунг*) от минувчилар маъносига эга бўлиб, у қадимда хитойлар томонидан шимолий ва гарб томонидаги отда юрадиган қабилаларга нисбатан ишлатилган<sup>802</sup>. Учинчиси юкорида зикр этилганидек, қадимий Хитойнинг шимолий ва гарб томонида яшаган туркий қабилаларнинг хитойлар томонидан қўлланилган умумий номи сифатида ишлатилган.

Фарбий Чжоу («Шичжоу» – мил. авв. 1066-771 й.) сулоласи даврида ҳұн қабилалари Ордосда яшаган. Шу даврда уларнинг этник номи хитойлар томонидан *йиwen* (yìwen / yün 犀) ва *кивен-ривем* (kiwan-rivem / чюан-рунг 犁戎) деб транскрипция қилинган эди.

*Кивен-ривем* (*чюан-рунг* 犁戎) этноними ҳозирги XXРнинг Шэнши (Хэши йўлагинининг шарқий томонидаги қўшни ҳудуд) ўлкасининг Чжишан вилоятида (Чангъян / ҳозирги Шиан / шахрининг гарб томонида, Вэйшуй дарёсининг шимолида) бундан 3 минг йил муқаддам яшаган туркий қавмларга хитойлар берган ном бўлган. Бу этнонимни ифодалаган иероглифларнинг маъносидан келиб чиққанда, ундаги биринчиси «катта ит» ёки «ит бокувчилар», иккинчиси «от минувчилар», «отда юрувчи одамлар», «отлик жангчилар» маъноларини англатади. Хитойлар орасида бу этнонимнинг пайдо бўлиши ҳұнларнинг ва бошқа туркий қавмларнинг ҳаёт тарзи билан, яъни уларнинг ҳаракатланишида ит ва отдан фойдаланганлариги ёки тотемлари билан боғлик бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Ҳұнлар кучайиб, туркий қабилаларни бирликка келтирувчи кучга айланганидан кейин, хитойлар уларнинг номини қадимда

<sup>800</sup> Ўша асар. 1-б.

<sup>801</sup> Люй Симян. Чжунгую минзу ши. 30-б.

<sup>802</sup> Ходжаев А. Из истории древних тюрков... Алматинское изд. С. 47-56.

«кунна» ўқилган «шюнгну» (匈奴) иероглифлари билан ёза бошлади. Буларнинг биринчиси «кун» (шюнг) ҳұнлар номининг транскрипцияси бўлса, иккинчиси «құл» маъносини англатувчи «на» (ну) унинг сифатини билдирувчи қўшимчасидир. Мазкур этномимни кўллаш билан билан бирга Хитой хукмдорлари ҳұнларни ху деб ҳам аташган. Шундан кейин сарой тарихчилари ху этномимидан «шюнгну»нинг синоними сифатида кенг фойдаланишган. Бунинг исботини милоддан аввалги III асрдан бошлаб ёзилган хитой манбаларида, жумладан Сима Чян қаламига мансуб «Тарихий хотиралар» («Шижи»)да кўплаб учратиш мумкин. Чунончи, «Шижи»нинг «Чин Шихуан жи» («Чи Шихуанг тазкираси») кисмида «атрофимиздаги кўлимизга кири-тилган ерларни химоя қилиш учун шимолда узун девор курилди, ҳұнлар (кунна / шюнгну) 700 ли (403.2 км)дан зиёд масофа нарига улоқтириб юборилди. [Шундан кейин] кейин ху одамлари жануб томонга келиб, отларини бокишига журъат қылмайдиган бўлди» (北築長城而守藩篱却匈奴七百餘里胡人不敢南下而牧馬), деб ёзилган. Ушбу маълумотдаги ху одамлари (хурэн) Чин Шихуанг даврида (мил. авв. 246-208 йй.) ҳұнларга нисбатан ишлатилганлиги шубҳасиздир.

«Шижи»нинг «Фаргона тазкираси» («Дайоан лежюан») бобида «Дай-рузие (Да-юэжи) хукмдорини ҳулар ўлдирганидан кейин унинг ўғли хон этиб тайинланган»<sup>803</sup>, деган маълумот учрайди. Тарихдан маълумки, мазкур хукмдорни ҳұнларнинг бошлиги Ботур-тандриқут (Моду, Маодун, Модэ, Угузхан) катл этган<sup>804</sup>.

Ушбу тазкиранинг иккинчи бир жойида «Чжанг Чян ҳулар (胡 – ҳұнлар)дан бўлган хотини ва [хизматкори] Тангийифу билан бирга Хан [мамлакати]га қочиб келди»<sup>805</sup>, дейилган. Шу тазкиранинг яна бир кисмида «Тангри-ўғли [ўзига] ҳамроҳ бўлиб юрувчи амалдор Чжов Пуонуни [Ханга] итоат килувчи элларнинг бир неча туман кўшинини сафарбар қилиб, ҳулар (胡)га хужум қилиш учун Шюнхэ дарёси бўйига юборди. Шунда ҳулар чекинди»<sup>806</sup>, деган маълумот ҳам учрайди.

«Фаргона тазкираси»нинг ўртасида эса «Шўркўл [йўли]дан

<sup>803</sup> Шижи. 1137(1137)-б.

<sup>804</sup> Ўша асар. 1033(1033)-б.

<sup>805</sup> Ўша асар. 1137(1137)-б.

<sup>806</sup> Ўша асар. 1142(1142)-б.

[үтишда] күнгилсизликлар юз бериши муқаррардир. Унинг шимолидан юрилса, *хулар* (胡) хужумига дуч келинади, жанубида эса сув ва ўт-хашак етишмайди»<sup>807</sup>, дейилган.

Келтирилган мисоллардаги *ху* атамаси ҳун этнонимининг хитойча транскрипцияси эканлиги ва *кунна* (*шюнгну*)нинг синоними сифатида ишлатилганлиги шубҳасиздир.

Шунга ўхшаган маълумотлар бошқа манбаларда ҳам учрайди. Чунончи, «Ханшу» (Хан [сулоласи] тарихи)нинг ҳуңларга бағишлиланган 94-бобида айтилишича, милоддан аввалги 9-йилда ҳун тангриутининг Хан императорига ёзган хатидан бир парча келтирилади. Унда ҳуңлар номи икки марта *ху* иероглифи билан ёзилган. Масалан, шу хат парчасида «Жанубда Буюк Хан мавжуд бўлса, [унинг] шимолида кучли *ху* бор. *Хулар* Тангрининг севимили фарзандлариридир» (南有大漢北有强胡者天之驕子也)<sup>808</sup>, деб таъкидланган. Ҳуңларнинг *ху* (胡) деб аталишини кўрсатадиган мисоллар хитой манбаларида кўп учрайди.

«Бэйши» («Шимолий [сулолалар] тарихи»)да «кией-ху» (kiei-hu 稽胡, замонавий хитой тили талаффузида «жи-ху», «чи-ху» ёки «жи-ху») аталмиш қабила номи тилга олинади. Масалан, ушбу қабилага бағишлиланган маълумотнинг бошида «кией-ху» (бўрикей) «булуо-жси» (步落稽) деб ҳам аталган. [Киеi-ху] ҳуңлар (*шюнгну*)нинг бошқа бир тоифасидир. Лююанхай (Lièu-niwen-héi 劉元海)<sup>809</sup> даги 5 қабила авлодлари ҳисобланади. [Киеi-ху]ларни шан-ривем (шан-рунг) ва циак-тиек (чи-ди – жанубий турклар)нинг авлодлариридир, деб ҳам айтишади. Лиши (離石)<sup>810</sup>нинг гарби ва Андинг (安定)<sup>811</sup> шарқидаги 7-8 юз ли (403-460.8 км) келадиган оралигидаги тог жилгаларида яшайди, авлодлари ниҳоятда кўп. Уларнинг урф-одатлари дехқонларникига ўхшайди, экин экишни билишади, пиллачилик билан ҳам шуғулланишади, кўпроқ канопдан мато тўкиб, кийим тикиб кияди... тили ва ёзуви ёввойи турклар (йей-тиеук / ии-ди)га ўхшайди»<sup>812</sup>, деб ёзилган<sup>813</sup>.

<sup>807</sup> Ўша асар. 1144(1144)-б.

<sup>808</sup> Ханшу. 2-жилд. 2331(1123)-б.

<sup>809</sup> Лююанхай (Дишу-нгивен-хэ) ҳуңлар тилидаги жой номининг транскрипцияси бўлса керак. Шу боис у Хитойнинг топономик лугатларида келтирилмаган.

<sup>810</sup> Ҳозирги XXРнинг Шанши ўлқасидаги жой номи [Чжигтуо гужин диминг дацидян (Хитойнинг) кадимдан ҳозиргача бўлган ер номлари лугати]. Шангхай, 1930. 305-б.]

<sup>811</sup> Ҳэши йўллагидаги жой номи [Ўша лугати. 305-б.]

<sup>812</sup> Лидай гэзу жуанжи хуэйян (Тарихий халкларга онд маълумотлар тўплами). 2-тўплам. 2-жилд. Шангхай, 1959. 1983-б.

<sup>813</sup> Ўша жойда.

Хитой манбаларида хозирги ХХРнинг Чинхай (Кукунор) ўлкаси жануби-шарқида жойлашган Хуангчжунг<sup>814</sup> вилоятида яшаган рузие<sup>ар</sup> (юэчжи / гузерликлар) ҳам ху деб номланган. Масалан, «Кейинги Хан [сулоласи] тарихи» («Хоу Ханшу»)да «Хуангчжунг рузие чжуху / юэчжи чжуху» (湟中月氏諸胡 – «Хуангчжунг вилоятида яшовчи рузие / гузерликлар»)<sup>815</sup> жумласи учрайди. Шунинг билан бирга ушбу манбада мазкур хуларнинг аждодлари дай-рузие (да-юэчжи)ларнинг бошқа бир кисми эканлиги ҳақида ҳам маълумот ҳам келтирилади.

«Тунгдян» номли асарда рузие-ху (юэчжи-ху 月氏胡)<sup>816</sup> ва «Хуангчжунг рузие-ху / юэчжи-ху (湟中月氏胡) атамалари ишлатилган ва булар Чжангъе ва Жючюан<sup>817</sup> каби жойларда яшаганини зикр этилган. Хусусан, «Рузие хукмдорини ҳұнлар (шюнгнү) подшоси Муодун (Маодун, Батур-тангрикүт) қатл этганидан сўнг унинг фуқаролари тарқалиб кетган. Уларнинг аксарият кисми Помир (Цунглинг)нинг ғарб томонига күчип кетган. Ожизлашиб қолғанлари жануб томондаги тоғларга бориб, қианг (чянг)лар билан ёнма-ён яшаган... Кийим-кечаги, озиқовқатлари, тили ва ёзуви чянгларга ўхшар эди»<sup>818</sup>, деб ёзилган маълумот келтирилади<sup>819</sup>.

«Тунгдян»нинг иккинчи бир жойида «Яйпан (Юпан) [Вэй сулоласи] билан Кейинги Вэй (Хоувэй) даврида (милодий 386-534) алоқа ўрнатган. Шунда яйпан/юэбанлар Асуэн (Усун) [мамлакати]нинг шимоли-ғарбига жойлашган эди. Улар [яйпанлар]нинг аждодлари шимолий ҳұнлар хукмдорининг қабиласини ташкил қилган. Булар Хан сулоласи қүшинларининг күмандони Доу Шян томонидан мағлубиятта учратилган. Шунда шимолий ҳұнлар хукмдори одамлари билан Жинвэй-шан<sup>820</sup> тоги орқали Кангкия (Кангжюй)нинг ғарб томонига күчип кетган. Уларнинг узоқ сафарга яроқсизлари Кусан (Гуизи, хозирги

<sup>814</sup> Чжуңгшүү гүжин диминг дашидян. 918-б.

<sup>815</sup> Хоу Ханшу. 3805(1295)-б.

<sup>816</sup> Тунгдян. З-жилд. 2686-2687-б.

<sup>817</sup> Чжангъе ва Жючюан – Ҳази йўллагидаги шахарларнинг номи.

<sup>818</sup> Тунгдян. З-жилд. 2686-б.

<sup>819</sup> «Рузиең сүзининг этимологияси «гуз», «огуз» сўзларига бориб тақалиши ҳақида қарант: Ходжсаев А. Из истории древних тюрков ... Алматинское изд.. С.122-138.

<sup>820</sup> Жинвэй-шан (руча транскрипцияда Цзиньвэй-шань) – Монголия даштларининг шимол томонидаги тогнинг хитойча номи [Чжуңгшүү гүжин диминг дашидян. 546-б.]. У кичик олтин тог, яъни Кичик Олтой маъносини англатади.

Кучар<sup>821</sup>)да яшаб қолган (住龟茲北). ... Уларнинг урф-одатлари ва тили гаҷэлар (баланд араваликлар)<sup>822</sup>дан фарқ қилмас эди, улар ху (胡 хұн)лар каби тозаликка риоя қилар эди»<sup>823</sup>, деб ёзилған.

Мазкур маълумотдаги ху атамаси ҳұнларга нисбатан күлланған. Бунинг исботи сифатида хитой манбаларидаги ҳұнларга бағишиланған маълумотларга мурожаат қилиш мүмкин. Масалан, «Вэйшу» ва «Тунгдян»да «Яйтан (Юэтан)нинг ... аждодлари шимолий ҳұнлар (бэй шюонгну) подшосининг қабиласи бўлган... уларнинг урф-одати тили гаҷэлардан фарқ қилмаган, сочларини кесиб, тараф юришган... кунига уч маҳал юванишган, [ювингандан] кейин таом истеъмол қилишган»<sup>824</sup>.

Рузиелар (юэчжилар – ғузерликлар) Шаркий Туркистандан Амударё ва Зарафшон дарёси атрофига кўчиб боргандан сўнг бу ерларнинг ахолиси ҳам ху деб атала бошлади. Бу жойлардан Хитойга борган савдогарларни маҳаллий халқ «хушан» (胡商) деб атаган. V–IX асрларда Зарафшон воҳасига хос бўлган мусиқа ва ўйин савдогарлар орқали Хитойда кенг тарқалған. Шу даврда ушбу мамлакатда «хутэнгъу» (胡腾舞 – ҳуларнинг шўх ўйини), «хушюанъу» (胡旋舞 – ҳуларнинг айланиб ўйнайдиган ўйини) каби иборалар пайдо бўлған<sup>825</sup>.

Милодий IV асрда ху этноними хинди斯顿ликларга нисбатан ҳам ишлатилған. Чунончи, «Ханюй дазидян» ва «Циоан» каби луғатларда ушбу иероглифга берилған изохларнинг бирида «Соушэн жи» (搜神记 – Фаройиб воқеалар баёни)<sup>826</sup> номли асар

<sup>821</sup> Шаркий Туркистаннинг гарб томонида жойлашган қадимий шаҳар.

<sup>822</sup> «Гаочж» (高車) атамаси билан хитойлар ўзларининг шимол томонида яшаган қадимий түркларнинг шаркий қысменинні атагандар. Айрим манбаларда гаҷэлар циак-тиек (замон, ўқыл, чи-ди – жанубий түрк) деб ҳам аталади. Қадимда циак (чи – кизил) жанубининг ранг белгиси, тиек (ди) атамаси эса түрк этнонимининг хитойча илк транскрипцияси бўлған [Бу хакда карант: Ҳўжасев А. Из истории древних тюрков... Алматынское издание. С. 54–56–6].

<sup>823</sup> Вэйшу. 9700(1318)-б; Тунгдян. 3-жилд. 2749-б.

<sup>824</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2749-б.

<sup>825</sup> Чжсан Чинжэ. Бойчао Суй Танг Сутэ ди «хутэнгъу» (Шимолий сулолалар, Суй ва Танг [сулолалари давридаги] «куларнинг шўх ўйини») // Сутэрён зайд Чжунгтуу – лиши, каогу, юянди шинтансуу (Сүгдийлар Хитойда – тарих, археология ва тилшунослика доир янги таджикотлар). Пекин, 2005. 391–398-б.

<sup>826</sup> «Соушэн жи» 317–420 йилларда мавжуд бўлған Шаркий Жин (Дунг-Жин) сулоласининг сарой тарихчиси Юй Бао (于宝) каламига мансуб ва 20 бобдан иборат нисбатан кичик ҳақымли асар номи. Асарнинг илк матни сақланмаган. Кейин тарихчилар унинг бошқа асарларда сақланиб қолган бўлакларни асосида тисклиб чиошибган. Асарда шу даврда мавжуд бўлған гаройиб воқеалар, халқ орасида оғиздан оғизга ўтиб келган воқеалар баёни йигилтган [Цихай. 707–б.] .

тилга олинади ва ундан «Жин [сулоласи]нинг Юнгжя<sup>827</sup> даврида (307-312 й.) хиндистонлик хулар (*Тянчжсу-ху*) Чангжянг (Янзи – А.Х.) дарёсидан ўтиб унинг жанубидаги ўлкаларга келишди»<sup>828</sup> (*晋永嘉中有天竺胡来渡江南*<sup>829</sup>), деган маълумот келтирилади.

Ушбу маълумот билан танишганимизда, нима учун IV асрдан олдин хитой манбаларида бу ҳолат учрамайди, деган савол туғилиши табиийдир. Бизнинг фикримизча, бу саволга жавоб бериш учун куйидаги билвосита тарихий воқеаларга мурожаат килиш мумкин. Бинобарин, ушбу асрда Шимолий Хиндистон улуғ гузерликлар (*дай-рузие / да-юэчжи*) назорати остида бўлганига бир асрдан кўп вақт ўтган эди. Қолаверса, ушбу вақтда Хитойда будда дини кенг тарқалган ва бунда улуғ гузерликлар (*дай-рузие*)нинг ҳиссаси катта бўлган. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, *тянчжсу-ху* (*хиндистонлик хулар*) атамаси Хиндистонда ўтроклашиб қолган гузлар (*рузие / юэчжи*)ларга нисбатан ишлатилган, деб айтиш ҳакикатга тўғри келади.

Юкорида тилга олинган хитой манбаларида *гарбий хулар* (*ши-ху* 西胡) ва *шарқий хулар* (*дунг-ху* 东胡) этнонимлари кўп учрайди. Улар «Циоан»да куйидагича шархланган:

«*Гарбий ху* (*ши-ху*) қадимги Фарбий мамлакатлар (Шиой) халқларининг умумий номидир. *Хунлар* (*кунна / шюнгну*) ху ёки *шимолий ху* (*бэй-ху* 北胡) деб номланган. *Хунларнинг* шарқий томонидаги ўғон (*ухуан*), сянби кабилар дунг-ху деб аталган. *Хунларнинг* гарбидаги барча мамлакатларда яшаганлар *ши-ху* деб номланган. Фарбий Хангача (мил. авв. 206-милодий 8 й.) Помирнинг шарқида жойлашган мамлакатлар аҳолисини ташкил этган барча халқлар *гарбий ху* (*ши-ху*) деб номланган. Шарқий Хандан (милодий 25-220 й.) кейин Помирнинг гарб томонидаги мамлакатлар аҳолиси ҳам шу ном билан аталган»<sup>830</sup>.

Хун империяси емирилгандан сўнг илгари бирликка келган туркий қабилалар ҳар томонга тарқалди. Буларнинг аксарият қисми тарихий саҳнада ўзларининг қабила номи билан ҳаракат килди. Шу сабабли хитой манбаларида ўтмишдаги ҳун қаби-

<sup>827</sup> Юнгжя (*永嘉*) – 307-3312 йиллардан иборат даврга берилган ном бўлиб, у «абадий гўзаллию» маъносини англатади.

<sup>828</sup> Ханюй дазидян. З-жилд. 2057-б.; Циоан. З-жилд. 2548-б.

<sup>829</sup> Жянгнан (*江南*) – Янзи (хитойча Чангжян – «Узун дарё» маъносини англатади) дарёсининг жанубидаги ўлкалар ҳудуди демакдир. Ушбу ҳудуд доирасига Жангши (*江苏*), Жянгши (*江西*), Анхуэй (*安徽*) ўлкалар киради [*Чжуңгтуо гужин диминг дацидян. 326-б.*].

<sup>830</sup> Цихай. 1832-б.

лаларига мансуб бўлмаган туркий қабилалар *тиетлэк* (*телэ*) деб номланди. Аммо ху этноними ҳун ва *тиетлэк* (*телэ*) ларнинг хитойча умумий номи сифатида сакланиб қолди. Шу боис милюдий III асрдан бошлаб Хитойда ху этноними билан боғлик бўлган бир қатор атамалар, сўзлар ва иборалар юзага келди. «Хурен» (*胡人* – ху одами ёки одамлари)<sup>831</sup>, «хуфа» (*胡法* – «хулар қоидаси»), «хушу» (*胡書* / *胡书* – хулар ёзуви), «хуюй» (*胡语* – «хулар тили») каби сўзлар шулар жумласидандир<sup>832</sup>. Н.Я.Бичурин уларни «турклар», «хорижлик савдогарлар», «турклар қонун-қоидаси», «турклар ёзуви», «турк тили», деб тўғри таржима килган<sup>833</sup>. Бинобарин, «Бэйши»нинг *турк* қабиласига бағишлиган қисмида «уларнинг [тиеткиуат (*тужюэ*) ларнинг] ёзуви ҳун (ху)лар ёзувига ўхшайди» (*其書字類胡*)<sup>834</sup>, дейилган. Бироқ олимнинг бу таржималарида иероглифлар келтирилмаганлиги туфайли, улардаги *турк* этноними хитой манбаларида ху деб ёзилганлиги билинмай қолган.

«Чжоушу»нинг *турк* (*тиеткиуат* / *тужюэ*) қабиласига бағишлиган 50-бобида ҳам «Бэйши»да ёзилган ушбу маълумот келтирилади. Бу бобнинг уйғурча таржимасида «хушу» сўзи «ғузлар ёзуви» деб таржима килинган<sup>835</sup>.

Вакт ўтиши билан хитой манбаларидаги ху этненимининг мазмуни ва унинг билан аталган қавмлар яшайдиган ерлар доираси ўзгариб борди. Ҳун ҳоқонлиги йўқолгандан кейин унинг итоатида бўлган ҳалқларнинг ҳаммаси шу этноним билан аталадиган бўлди. Шундан кейин «хушу» (*турклар ёзуви*), «хуюй» (*турклар тили*) каби сўзларнинг мазмуни ўзгарди. У тили бир хил бўлмаган ҳамда Фарбий ва Шаркий Туркистонда яшовчи қабилалар ва этносларга нисбатан ишлатила бошланди. Шу боис IV асрнинг охирида Ҳиндистонга Туркистон орқали сафар килган Будда дини роҳиби Фа Шян ўзининг сафарномасида «17 кун давомида тахминан 1500 ли (864 км) йўл юриб, Пишамшанга келдик, бу ердан ғарб томонга юрдик. Биз зиёрат килиб ўтган барча давлатларда будда динига эътиқод килинар экан. Бироқ бу давлатлардаги *хулар* сўзлашадиган тиллар (хуюй) бир-бирига

<sup>831</sup> Циоан. З-жилд. 2548-б.

<sup>832</sup> Лидай гээзу жуанжи хүэйбян. 2-жилд. 1996-б.

<sup>833</sup> Бичурин.Н.Я. Собрание сведений...Московское изд.Т. 2. С. 253-254.

<sup>834</sup> Бэйши. 11-жилд. 13873(1317)-б.

<sup>835</sup> Фарбий юрт тарихий материаллари. Урумчи, 2004. 673, 686-б.

ўұшамас экан» (唯國國胡語不同)<sup>836</sup>, деб ёзган.

Ушбу маълумотни шархлаб ўтиш жоиз, зеро, биринчидан, унда тилга олинган Пишамшан (Шаншан) Шарқий Туркистондаги Такламакон чўлининг кунчиқар томонидаги қадимий шаҳар хисобланади. Иккинчидан, ушбу минтақаларда яшовчиларнинг тили (хуюй) бир-бирига ўшамайди, деган сўзни бирини бири тушунмади, деб тушуниб бўлмайди. Агар шундай бўлганида, Фа Шян «бутунг» (不同 – ўшамайди) сўзи ўрнига «тушунмайди» маъносига эга бўлган «бутунг» (不通) иероглифини ишлаттган бўлар эди. Ушбу фикримизнинг исботи сифатида «Тайпинг хуаной жи»дан бир мисол келтиришимиз мумкин. Чунончи, ушбу асарнинг ҳуналрга бағишилаган бобида «турк одамлари (тиек-рен / ди-рен)нинг... кийиниши бошқа, овқатланиш одатлари Хитой (Чжунгтую)ликларга ўшамайди, тилини тушуниб бўлмайди» (狄人 ... 與中國 ... 服異習俗飲食不同 言語不通)<sup>837</sup>, деб ёзилган. Ушбу мисолда тушуниб бўлмайди деган сўзни ифодалаш учун айнан иккинчи «бутунг» «(不通) иероглифи ишлатилган.

«Шинжяң лиши цидян» («Шинжяң тарихи лугати»)да «хуюй (胡语) қадимги Хитойнинг шимолий ва гарб томонида яшаган этнослар тилларининг умумий номидир»<sup>838</sup>, деб изоҳланганлиги ҳам кейинги даврда ушбу сўзниг маъноси ўзгарганлигини кўрсатади. Бироқ ху этноними араблар ва форсларга нисбатан ишлатилмаган<sup>839</sup>. Бу ҳолат ҳам «хуюй» сўзи туркий тилларга нисбатан ишлатилганлигидан далолатdir.

Бундан ташқари, савдо ва маданий алоқаларнинг ривожланиши натижасида Марказий Осиё давлатларидан Хитойга тарқалган ўсимлик, мева дарахтлари, озиқ-овқатлар номининг олдига айнан ху этнонимининг кўшилиши<sup>840</sup> ҳам бунинг далили бўла олади.

Танг сулоласи даврида (618-907 й.) ҳам ху этнонимининг турли сабаблар билан Хитойда ўтроқлашиб қолган туркларга нисбатан ишлатиш одати кенг тарқалган. Масалан, «Тангшу»нинг

<sup>836</sup> Гу шишинг жи. 32-б.

<sup>837</sup> Тайпинг хуаной жи. 191-боб. 15а-б.

<sup>838</sup> Шинжяң лиши цидян (Шинжяң тарихи лугати). Урумчи, 1996. 457-б.

<sup>839</sup> Яңг Ҳуайжуне. Ҳуэйзу ши лунгао (Тунгонлар тарихига онд илмий маколалар). Нинся, 1992. 51-б.

<sup>840</sup> Бу ҳақда каранг: Ҳўжсаев А. Буюк итак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 194-197-б.

150-бобида «Анлушан Йингчжоу [вилоятидаги] Лючэнг (柳城) [шахрида истикомат килувчи] ху (胡)лардан эди. Унинг фамилияси Кангму (康母) бўлиб, Ашидэ (кадимги ўқилишда Асиэтека / Asiət-tək 阿史德) авлодига мансуб бўлган. *Турклар (туеткуат / тужсюэ)* орасида яшаган»<sup>841</sup>, деб ёзилган маълумотни учратамиз. Ушбу жумладаги Анлушан 755-757 йилларда Хитойда юз берган қўзғолонга етакчилик килган ва илгари Танг сулоласи маъмриятида хизмат қилган *турклардан* эди. У Ашина (Асиэна) авлодининг бир кисми бўлмиш (Asiət-tək 阿史德, замон. ўқил. – Ашидэ / Асиэтека) қавмига мансуб бўлган<sup>842</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, *ху (胡)* этноними хитойларнинг кадимги шарқий *туркларга* нисбатан қўллаган атамаси эди.

Шунинг учун у этник жиҳатдан келиб чиқиши *туркларга* алоқадор бўлган рузие (юэчжи / гуз-ер)ликлар ва ҳун (кунна / шюнгну)ларга нисбатан ҳам ишлатилган. Вакт ўтиши билан, айниқса рузие (юэчжи)ликларнинг Суғдиёнага ва унинг атрофидаги жойларга кўчиб келганидан сўнг, *ху* этнонимини ишлатиш географияси кенгайган.

Натижада у қадимги Хитойнинг шимолий ва гарб томонидаги Шарқий ва Фарбий Туркистон халқларининг, жумладан Суғд аҳолисининг хитой тилидаги умумий номига айланган.

Бу жойлардан Хитойга бориб ўтроклашиб қолганлар ҳам *ху* этноними тушунчасига киритилган. Бироқ ушбу этноним араб мамлакатлари, Эрон, Ҳиндистон, Россия ва бошқа давлатларнинг туркий бўлмаган аҳолисига нисбатан ишлатилмаган.

<sup>841</sup> Шин Тангшу. 17017(1608)-б.

<sup>842</sup> Ходжасев А. Из истории древних тюрков... Алматинское изд.. С. 81.

## ЙИВАТПУАН (ЮЭПАН) - ЯЙПАН

Яйпан Ўзбекистоннинг Фаргона водийсида, аниқроғи, Кўқондан 25 км жануби-ғарбда жойлашган, 21 минг кишидан иборат аҳолига эга<sup>843</sup> кичик шаҳарнинг номидир. Бу ерда яшайдиган ўзбеклар яйпанлар ёки яйпанликлар деб номлади. Уларнинг сиртқи қиёфаси ва урф-одатларида қандайдир ўзига хослик борлиги сезилиб туради. Лекин ушбу этнотопонимнинг келиб чикиш тарихи ва ўзларини яйпан деб атаганларнинг этногенези ҳанузгача номаълум бўлиб келаётган масалалардандир. Унга аниқлик киритадиган ёзма манбалар ичida хитой манбаларини алоҳида тилга олиш мумкин.

Йиватпуан (замон. ўқил. Юэпан 悅般) атамаси илк бор 506-572 йилларда яшаган сарой тарихчиси Вэй Шоу қаламига мансуб бўлган «Вэй [сулоласи]<sup>844</sup> тарихи» («Вэйшу»)<sup>845</sup>, сўнгра 640-643 йилларда яшаган сарой тарихчиси Ли Яншоунинг «Шимолий [сулолалар] тарихи» («Бэйши»)да<sup>846</sup>, 735-812 йилларда яшаган иирик хитой олими Ду Юнинг «Қонун-қоидалар ва урф-одатлар баёни» («Тунгдян»)<sup>847</sup> да ва 930-1007 йилларда яшаган тарихчи Лэ Ши қаламига мансуб «Тинчилик ўрнатилган замин баёни» («Тайпинг хуанюй жи») номли асарларда учрайди. Уларда мазкур атамага оид қисқача маълумотлар ҳам келтирилади. Уларни ўрганиш, таржима ва таҳдил қилиш жараённида ишонч ҳосил қил-

<sup>843</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Тошкент, 2005. 362-б.

<sup>844</sup> Вэй сулоласи – 386-534 йилларда мавжуд бўлган Шимолий Вэй хонлигини ташкил кирадиган авлод. Ушбу хонликнинг асосчиси шарқий ўзлар (думг-ху) таркибига кирган ияниб (санъиб)ларнинг сардори Тобагуй хисобланади. Аввалига мазкур сулоланинг номи Дай деб номланган эди. Аммо сулоланган ташкил топган йиллининг ўзида у Вэйга ўзгартирилди. 398 йилда Пингэнгэн (хозирги Ички Монголидаги Датунг) шаҳри пойтаҳт қилиб белгиланган. Шимолий Вэй хонлиги кучайганда, унинг худудига Хуанхэ дарёсининг бўйлари, хозирги Ички Монголия ва Хитой Халқ Республикасининг Гансу ўлкаси (Хэши йўлаги) кирган. У Марказий Осиё давлатлари билан фаол дипломатия ва савдо алоқаларини олиб борган. 534-йилда ушбу хонликнинг гарбий кисми кўлдан кетган. Шундан кейин Шимолий Вэй давлати Шарқий Вэй деб аталаган ва 550-йилгача яшаган.

<sup>845</sup> Одатда Вэй [сулоласи] тарихининг айрим йўқолган кисмлари «Шимолий [сулолалар] тарихи» («Бэйши») асосида тўлдирилганлиги тахмин қилинади. Лекин бу иккинчи асарни ёзища унинг муаллифи ўзидан олдин ёзилган асарлардан, жумладан «Вэйшу»даги маълумотлардан фойдаланган. Шунинг учун бу харакатни асардан олинган маълумотни яна жойига кайтариш, деб билиш тўтири бўлади. Бу эса «Вэйшу»нинг мавқени туширмайди.

<sup>846</sup> Бэйши. 13848 (1292).

<sup>847</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2740-б.

дикки, бу маълумотлар Фаргона водийсида яшайдиган яйпанлар тарихига тегишилдирир<sup>848</sup>.

Албатта, тилга олинган манбаларда келтирилган маълумотлар яйпанларнинг ўтмиш тарихини тўла акс эттира олмайди. Шундай бўлсада, унинг номаълум томонларини, яъни яйпан атамасининг келиб чикиши, яйпанларнинг этник илдизи ва маълум бир тарихий даврда мустақил давлат бўлганилиги каби масалаларга бироз аниқлик кирита олади.

«Шиой диминминг каолу» («Ғарбий мамлакатлар топонимасига оид тадқиқотлардан лавҳалар») номли лугатда ЮЭпан / Яйпан атамаси «ФОэбан» (yue ban) деб ёзилган ва уни «Урбан» (Urban) сўзига таққосланган<sup>849</sup>. Бизнинг фикримизча, бу тўгри эмас. Чунки, биринчидан, ушбу атамани ифодалашда ишлатилган иккинчи иероглиф (般) «пан» деб ҳам талаффуз этилган. Иккинчидан, бу иероглифни «бан» деб ўқигандан ҳам, «Юэбан» сўзи «Урбан»га яқин келмайди. Учинчидан, атамани ёзиш учун ишлатилган икки иероглифнинг қадимги ўқилишида Яйпан топонимининг хитойча талаффузи яққол кўриниб туради. Чунончи, Яйпан атамаси ифодаланган (транскрипция қилинган) икки иероглиф замонавий талаффузда ЮЭпан, қадимги хитой тилида Йиватпуан ёки Жватпуан (Yiwatpuan, Jiwatpuan) деб ўқилган<sup>850</sup>.

Ушбу топонимнинг маъноси ҳакида хитой манбаларида, лугатларида ва олимларнинг тадқиқотларида бирор фикр келтирилмайди. Аммо «Шинжяңг лиши цидян»<sup>851</sup> («Шинжяңг тарихининг лугати)да ёзилишича, мазкур атама аслида Шарқий Туркистоннинг жанубий қисмидаги Торим воҳаси, аникроғи Корашар (Багрошкўл ёнидаги шаҳар)нинг гарб томонида жойлашган Байнин-булоқ яйловларидағи бир жойнинг номи бўлган<sup>852</sup>.

<sup>848</sup> «Вэйшу»даги «Йиватпан» («Юэпан»)га оид маълумотларнинг таржималари якинда нашрдан чиқкан «Фаргона қадими хитой манбалари» номли китобимизда келтирилган [Қарант: Ҳоджаев А. Фаргона қадими хитой манбаларида. Тошкент, 2013. 122-124-б.]

<sup>849</sup> Шиной диминминг каолу. 1144-б.

<sup>850</sup> Ҳоджаев А. Сведения китайских источников о царстве Яйпан // Ўзбекистон этнографиясининг донзарб муаммолари (Актуальные проблемы этнологии Узбекистана). Ташкент-Наманган, 2007. С. 59-63.

<sup>851</sup> Шинжяңг лиши цидян. 554-555-б.

<sup>852</sup> Шинжяңг лиши цидян. 554-555-б.

Шундан келиб чиқиб, атаманинг маъносини аниқлаш қўйидаги омилларга эътибор беришни тақозо килади.

1) Мазкур яйловлар ҳудуди ғарбий Тангритоғ (Тян-шан)нинг шарқий этакларида дир.

2) Тангритоғдаги Юлдуз яйловлари ғарбидаги Кунас (Кун чиқиш томон), Торим воҳасида Йўритқан (маҳаллий халқ тилида унинг кисқартирилган шакли Ётқон деб ишлатилади) каби жой номлари мавжуд. Булар ёруғлик ёки кунчиқар томон маъносида ишлатилган. Яйпан атамасининг қадимги хитойча талафузи Yiwaṭpuan мазкур Йўритқан атамасига ниҳоятда яқин. Бу тасодиф бўлмаса керак, деб уйлаймиз.

3) Ҳуналар аслида шарқ томонда, яъни Ордос яйловлари ва унинг атрофидаги жойларда яшаган. Шунинг учун булар Тангритоғнинг ғарбий қисмига келиб жойлашганидан сўнг ўзларининг этник номини айнан шарқни билдирувчи сўз билан аташи мантиққа тўғри келади.

4) Қолаверса, милоднинг дастлабки бир неча асрлари давомида Кучардан бошлаб, то Турфон водийсининг шимолидаги Баркул вилоятигача бўлган жойда чиби (чибни), боло (бўржси), жишиде (азий), наҳэ (нақ) субо (сигнақ), уху (угуз), хэгу (қирғиз), еде (иртиш), юниху (унигуру) каби туркий қабилалар яшаган<sup>853</sup>. Улар яшаган жойда ҳуналарнинг жойлашиб кетганлиги Яйпан топонимининг келиб чиқиши туркий бўлиб, у Тангритоғнинг шарқий этаги маъносида ишлатилган бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Шунга асосланиб, қадимий хитой тилидаги Yiwaṭpuan топоними келиб чиқиши туркий бўлган Йўритқан (яъни ёруғлик/ёритилган) сўзининг транскрипцияси бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деб тахмин қиласиз.

Яйпанликларнинг этник келиб чиқиши масаласи ҳам тарихимизда ёритилмаган. Аммо бирламчи хитой манбаларида яйпанлар шимолий ҳун тангриқутининг, яъни ҳукмдори қабиласининг аждодлари эканлиги аниқ кўрсатилган. Масалан, юқорида тилга

<sup>853</sup> Ҳўжаев А., Ҳўжаев К.А. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. Тошкент, 2001. 11-б.

олинган «Вэйшу»даги яйпандарга оид маълумотда «Уларнинг [яйпандарнинг] аждодлари шимолий ҳунлар тангриутининг<sup>854</sup> қабиласидир. Ўтмишда Хан [сулоласининг] аравали қўшинлар кумондони Дуо Шян шимолий тангриутни [юртидан] сикиб чиқарган эди<sup>855</sup>. [Шунда у одамлари билан] Олтой (Жинвэйшан, Jinweishan)<sup>856</sup> дан ўтиб, ғарб томондаги Кангкия (хозирги ўқилишда Кангжой)га кетган. Унинг ожизликдан юролмай қолган одамлари Кусан (Гузи)нинг<sup>857</sup> шимолида яшаб қолишган (其先匈奴北單于之部落也爲漢車騎將軍竇憲所逐北單于度金微山西走康居其弱不能去者住龜茲北)»<sup>858</sup>, деб ёзилган.

Худди шу маълумот «Бэйши», «Тунгдян», «Тайпинг хуанойжи» каби асарларда ҳам келтирилади, бироқ уларда ҳам Хан кайси давлат, Доу Шяннинг ҳунларга қарши ҳарбий юриши қачон амалга оширилган, шимолий тангриут ким, у қачон ва нега айнан Кангкияга чекинган каби саволларга жавоб йўқ.

Бу масалаларга аниқлик кирига оладиган хабарларни хитой манбаларидағи ҳунларга оид маълумотлардан топиш мумкин.

1. Аввало келтирилган маълумотда «шимолий ҳун» деб тилга олинганлар кимлар бўлганлигини изоҳлаб ўтиш жоиздир. Қадимий туркларга тегишли тадқикотларимизда биз турк этнонимининг хитойча энг қадимий транскрипцияси *тиек* (*ди*) хитой манбаларида бундан 4 минг олдин пайдо бўлганлиги, ҳунлар шулар таркибидаги бир авлод эканлиги ва айрим ҳолларда бу авлод шимолий турк (*бэй-тиек* / *бэй-ди*) деб номланганлиги ҳақида айтиб ўтганмиз. Милоддан аввалги учинчи асрларда

<sup>854</sup> Аслиятда тангриёт сўзи қисқартирилган ҳолда *таной* деб ёзилган. Таной ҳунлар тилидаги Тангри сўзининг хитойча транскрипциясидир. Тан иероглифи шан деб ҳам ўқилганини учун Н.Я.Бичурин асарида у шаной деб берилган.

<sup>855</sup> Кейинги Хан империясининг (Хоу Хан ёки Дунг Хан – 25-220) Доу Шян (милодий 92 йилда ўлган) кумондонлигидаги қўшинлари билан ҳунлар ўртасида юз берган уруш милодий 89-йилда содир бўлган [Цихай. 1797-б.; Шиои тунгши. 68-б.].

<sup>856</sup> Жинвэйшан (Jinweishan) – Кичик Олтой тоганинг хитойча номи, қисқачча Жиншан деб аталади [Цихай. 1690-1695-б.; Циоан. 4-жилд, 3155-б.]. Н.Я.Бичурин ушбу тоганинг хитойча номини Гин-вэй-шан деб транскрипциялаган унга тушунтириш ёзмаган.

<sup>857</sup> Кусан шаҳри хозир Кучор (рус адабиётида Кучча), хитой тилида Кучэ деб аталади. Милоднинг дастлабги бир неча асрлари давомида ушбу шаҳар Кусан хонлигининг пойтахти ва будда динининг ирик марказларидан бири бўлган. Кучарнинг шимолидаги жойлар Тангритог (Тянь-Шань)нинг жанубий этаклари бўлиб, у ер чорвачилик ва дехкончиликка куляй хисобланган.

<sup>858</sup> Вэйшу. 9700 (1318)-б.; Бэйши. 13848 (1292)-б.

Хуангхэ (Корамурон) дарёсининг ўрта оқими бўйидаги Ордос яйловларида яшаган ва бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган рузие (*гузер*)лик (*юэчжиси*)лар давлати итоатида бўлган ҳун қабиласи кучая бошлади.

Милоддан аввалги 176 йилда ҳұнлар гузерликлар (*гузиелар / юэчжиси*) ҳокимиятини ағдариб, янги давлат ташкил қилғанлар. Ҳұнлар хукмдори тангрикут (Тангри ўғли) деб аталган. Қадимий Хитойнинг<sup>859</sup> шимолий ва гарб томонидаги туркий қабилалар бирлаштирилган ва улар яшаган ерлар бу давлат назоратига ўтган. Шундан кейин мазкур давлат фуқоролигидаги барча туркий қабилалар хитой манбаларида ҳун (*ху, кунна / шюнгну*) деб номланган.

Ушбу тарихий воқеа қадимий Хитойнинг ilk бор бирликка келтирилиши ва шу асосда Чин (秦 мил. авв. 221-206) деб номланган биринчи империянинг ташкил топиши билан бир даврга тўғри келиб қолган. Бу империянинг асосчиси Чин-Шихуанг (秦始皇 – Чин сулоласининг биринчи императори маъносини англатади) ўзини Тангрининг ер юзидағи вакили ва бутун дунёнинг эгаси деб ҳисоблаб, ўз ҳудудини ўзгалар ерлари ҳисобидан кенгайтиришни асосий мақсад қилиб олган ва ҳұнлардан бир катор ерларни, жумладан Ордоснинг жанубини тортиб олган ҳамда уларни Ордосдан сиқиб чиқарған.

Хитой тарихчиси Шанг Юэнинг сўзи билан айтганда, «Чин-Шихуанг қумондон Мэн Куони 300 минг кишидан иборат қўшин билан ҳұнларга қарши шимолга юриш қилишга сафарбар қилиб, дарё жанубидаги ерлар (ҳозирги Ордос ва унинг жануби)ни эгаллади ва у ерда 44 та майда маъмурий ҳудуд – нохия (хитой тилида «шян») ташкил этиб, қамоққа маҳкум этилган хитойларни олиб бориб жойлаштириди»<sup>860</sup>. Ушбу маълумотни «Хан [сулоласи] тарихи» («Ханшу»)нинг ҳұнларга бағишлиланган бобида ҳам учратамиз<sup>861</sup>. Шундан кейин хитойлардан ўз жойини қайтариб

<sup>859</sup> Эслатма: хитойлар (*шялар, ханлар*)нинг азалдан яшаган жойи Ордос ва Хуангхэ дарёсининг кўни оқими жанубида эди [Бу ҳақда батағисли карант: Ҳўжаев А. Буюк илак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 17-24-б.]

<sup>860</sup> Шанг Юэ. Чжуңтуо лиши гангъяо. 28-29-б.

<sup>861</sup> Ханшу. 2318(1110)-б.

олиш ҳұнларнинг орзуси ва кураш мақсады бўлиб қолган. Чин-Шихуанг эса буларни тажовузликда айблаб, бир томондан янгиттан босиб олган жойларни химоя қилиш мақсадида ўзининг янги чегараси бўйлаб мудофаа деворини курган<sup>862</sup>, иккинчи томондан турли дипломатик йўллар билан ўз рақибини порчалаб ташлашга ва шу йўл билан уни кучсизлантиришга ҳаракат қилган. Аммо умри киска бўлган Чин империяси ўз мақсадига эриша олмаган. Бу мақсадни унинг ўрнига ташкил топган Фарбий Хан империяси (Ши-Хан 西汉 – мил. авв. 206-милодий 8), сўнгра Шарқий Хан (東漢, 东汉 – милодий 25-220) сулолалари амалга оширишга киришган.

Милоддан аввалги 140-87 йилларда, яъни Фарбий Хан императори У-ди (жанговор император маъносини англатади) таҳтга келганида, ҳұнларга қарши кураш кучайган<sup>863</sup>. Узоқ даврга чўзилган бу кураш гоҳ ҳұнларга, гоҳ хитойларга ғалаба келтириб турарди. Милодий биринчи асрнинг ўрталарида Хан империяси учун қулай фурсат юзага келди. Шолуй Қанғуй тангрикут вафотидан кейин унинг Кутъуш, Кўғушар, Тужу, Оғуз, Чили исмли 5та ўғли орасида таҳт талашиш ҳаракатлари бошланди. Бир неча йилга чўзилган ва кўп қон тўклишишга сабаб бўлган бу урушлар натижасида таҳтни Кутъуш эгаллади. Бундан норози бўлган aka-укалардан бири – Кўғушар – ёрдамчиси Илқусойнинг маслаҳати билан Шарқий Хан сулоласи ёрдамида таҳтни эгаллашга ҳаракат килди. Милоддан аввалги 52 йилда у ўз ўғлини ишонч қозониш учун Хан пойтахти Чаънга гаров сифатида юборди. Хан сулоласи бу фурсатдан фойдаланиш мақсадида Кўғушарга амалий ёрдам бера бошлади.

Хитой манбалари ва тарихий адабиётларида келтирилишича, орадан 94 йилга яқин вақт ўтгач, яъни милодий 46 йилда навбатдаги ҳұнлар хукмдори Арш Тавғанут тангрикут оламдан ўтганидан кейин ҳұнлар орасида яна ички низолар кучайди. Унинг устига бир неча йил давомида табиий оғатлар юз бериб турди. Бу

<sup>862</sup> Бу ҳақда Қаранг: Ҳұжасев А. Буюк ишак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 24-26-б.

<sup>863</sup> Ушбу империя Чян-Хан (Цяньхань), яъни аввали Хан сулоласи деб ҳам аталади.

вазиятда Шарқий Хан сулоласи ёрдамига суюниб, ҳокимиятни күлгө олишга интилгандын Бай исмли бир амалдор бошлиқ бир гурух шахслар пайдо бўлди.

Булардан фойдаланмоқчи бўлган Шимолий Хан сулоласи 48-йилда Байнини ҳұнлар тангрикути деб тан олиб, амалдаги ҳұнлар тангрикути Панунинг (46-83) Хитой билан тинчлик муносабатида бўлиш ҳакидаги таклифини рад қилди. Бу ҳол ўша (48) йили ҳұнлар давлатининг иккига бўлиниб кетишига олиб келди<sup>864</sup> ва Шарқий Хан сулоласи учун жунубий ҳұнларни қўллаб-куватлаб, шимолий ҳұнларга қарши кураш олиб боришга қулай шароит яратди. Шунинг учун хитой манбаларида Бай назоратига ўтган ва Хитойга яқин жойларда яшаган ҳұнлар «жанубий ҳұн» ёки «шарқий ҳұн», колган ҳұнлар эса «шимолий ҳұн» ёки «гарбий ҳұн» деб номланади ва шимолий тангрикут қабиласи деганда, ҳұнларнинг ҳакиқий ҳукмдори сулоласига тегишли авлодлар кўзда тутилади. Шарқий ҳұнлар тангрикути эса ҳұнлар ҳукмдори сулоласига алоқадор бўлмаган ва хитойлар томонидан қўллаб-куватланган шахсdir.

2. Келтирилган маълумотдаги ҳан кўшини қумондони Дуо Шяннинг шимолий ҳұнларга қарши юриши Ҳэди (和帝 89-106) ҳокимиятта келган йили содир бўлган. Ушбу сана милодий 89-йилга тўғри келади. Айнан шу йилда ҳұнларнинг навбатдаги ички низолари авж олган эди. 91-йилда Дуо Шяннинг кўшини иккинчи марта юриш килиб, ғалабага эришган, ҳұнлар эса ғарб томонга чекинишга мажбур бўлган<sup>865</sup>. Шу даврда шимолий ҳұнлар ҳукмдори Илтекин тангрикут (91-93 йилларда таҳтда ўтирган) эди. Унинг ўрнини Пангу тангрикут (93-118) эгаллаган.

3. Шимолий ҳұнларнинг бир қисми Паркон давлатига чекинишининг сабаби ҳұнлар тангрикутининг бу давлат ҳукмдори билан қудачилик муносабати борлиги ва ўзларини химоя килишда ҳұнлардан фойдаланиш нияти бўлганлигидадир<sup>866</sup>. Ҳұнларнинг

<sup>864</sup> Бу ҳақда қаранг: Шанк Юэ. Чжунгтуо лиши гангъяо. 56-б.; Шииной тунгши. 68-б.; Турсун Одмос. Уйгурлар. Урумчи, 1989. 139-б.

<sup>865</sup> Шииной тунгши. 68-б.

<sup>866</sup> Ўша асар. 58-б.; Бейши. 13848(1292)-б.

иккинчи бир кисми Кусан (ҳозирги Кучар шаҳри) шимолида қолишининг сабаби – ушбу давлат ва унинг қўшниси Қорашибар хукмдорлари хан қўшинларига қарши курашда шимолий ҳунарларга мадат берган. Қолаверса, анчадан бери Хан сулоласининг босими остига тушиб қолган Кучар ва Қорашибар хукмдорлари учун ҳунар билан бирлашиш ўз ҳимоясини мустаҳкамлашдан иборат эди.

4. Кучарнинг шимолидаги жой Тангриғонинг гарбий кисми ва унинг шарқий этакларидағи яйловларга тўғри келади. Ушбу жойда қолганлар факат касаллар ёхуд қариялар эди, деб тушуниш хато бўлади, зеро жисмонан нисбатан заифлар билан бирга уларнинг барча соғлом оила аъзолари ҳам қолганлиги табиийдир.

5. Келтирилган маълумотда тилга олинган Паркон давлати Россия ва Марказий Осиё давлатларида нашр этилган ва чоп этилаётган рус тилидаги адабиётларда «Кангуй» деб аталади. Бу топонимни ilk бор Н.Я.Бичурин ишлаттган, у атаманининг на қадимий, на замонавий ўқилишига тўғри келади. Шу мавзуда нашр этилган мақалоларимизда<sup>867</sup> айтиб ўтилганидек, Кангкия давлатининг кишиги пойтахти ҳозирги Тошкент вилояти худудида, ёзги пойтахти Иссиқкўл ёнида жойлашган. Маълум бир тарихий даврда мазкур давлатнинг жанубий худуди Амударё бўйларигача борган, шимолий замини эса ҳозирги жанубий Қозогистонни ўз ичига олган.

Келтирилган билвосита маълумотлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, яйпанлар ҳунарнинг ҳақиқий хукмдори сулоласига тегишли қабила авлодларидандир. Милодий биринчи асрнинг сўнгти ўн йиллигининг дастлабки йилларида ички ва сиртки омилларнинг салбий таъсири остида ушбу қабила аъзолари Олтой ва Тангриғон (Тян-шан)нинг Шарқий Туркистон кисми орқали Фарбий Туркистон замини сари кўчишга мажбур бўлган. Бу

<sup>867</sup> Бу хақда каранг: Ҳоджасев А. Сведения китайских источников о топониме Кангкия (Канцзой) // Труды международной научно-практической конференции «Проблемы науки, образования и устойчивого социально-экономического развития общества в начале XXI века», посвященный 60-летию Южно-Казахстанского государственного университета им. М.Аuezова. Чимкент, 2003. С.135-140; Шу муаллифнинг. Сведения китайских источников о южных границах государства Кангкия (Канцзой) // Ўзбекистон этнографияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. Ташкент, 2004. С.67-75; Шу муаллифнинг. Сведения китайских источников о государстве Кангкия (Канцзой) // Shygys Kazakhstan. № 2, 2005. С. 96-108.

жараёнда уларнинг бир қисми Кангкия худудида, иккинчи қисми Фарбий Тангритоғ яйловларида қолган.

**Яйпанларнинг тили ва урф-одати.** Ушбу масала юзасидан ҳам юқорида тилга олинган 4та хитой манбаларида аниқ ва бир хил маълумот мавжуд. Масалан, «Вэйшу»да «Уларнинг [яйпанларнинг] урф-одати ва тили гаочэлар билан бир хил. Улар тозаликка риоя килади, хуларга<sup>868</sup> ўхшаб сочларини кесади ва қошларини тартибга солади, елим сурилган сочлари күёш нуридан ялтираб туради. Кунига 3 марта ювинишади, оғзини чайгандан сўнг таом ейишади» (其风俗言語與高車同而其人清潔於胡俗剪髮齊眉以醞釀塗之昱显然光澤日三澡漱然後飲食)<sup>869</sup>, деб ёзилган. Ушбу маълумот юқорида тилга олинган «Бэйши», «Тунгдян» ва «Тайпинг хуаной жи» манбаларида ҳам қайд этилган<sup>870</sup>.

Мазкур манбаларда келтирилган маълумотдаги *гаочэ* (*gauche*, қадимги ўқилишда *кауциа* 高車) қайси қавм эканлигини ва қайси тилда сўзлашганлигини аникламасдан туриб, яйпанларнинг тили қайси тиллар гурухига мансуб бўлганлигини билиш қийин. Бинобарин, аввалги тадқиқотларимизда таъкидлаб ўтганимиздек, *гаочэ* (*кауциа*) хитойча этномоним бўлиб, унинг билан хитойлар ўзларининг шимол томонида яшаган қадими *туркларнинг* жанубий қисмини аташган. Чунончи, «Вэйшу»да «Гаочэ қадимги жанубий *турклар* (*чиак-тиек(chiak-tiek / чиди)*нинг авлодлариданdir. Илгари *турклар* *тиеклиек* (дили) деб аталар эди, шимолликлар уларни *тиеклэк* (чилэ) деб аташган, хитойлар *кауциа-тиенглиенг* (*гаочэ-динглинг*) дейишган. Уларнинг тили *хунлар* билан бир хил, баъзан озгина фарқи борлиги сезилади»<sup>871</sup> (高車蓋古赤狄餘種也初號爲狄歷北方以爲敕勒諸夏以爲高車丁

<sup>868</sup> Ушбу матнда «ху» сўзи хунларга йисбатан ишлатилган. «Шанхай жинг» («Тоғлар ва денгизлар комуси») номли асарга берилган шархларда ҳам Хан даврида (мил. авв. II – мил. II асрларда) ҳуларни хитойлар «кунна / шонгнгу», «ху», деб аташган [*Люй Симян. Чжунгтуо минзу*. 31-б]. Ундан олдин улар ушбу этномонимни ўзларининг шимол томонидаги халқларга нисбатан кўллашган. Кейинроқ хитойлар ўзларининг гарб томонидаги халқларни ҳам ху деб аташган.

<sup>869</sup> Вэйшу. 9700(1318)-б.; Бэйши. 13848(1292)-б.

<sup>870</sup> Бэйши. 13848(1292)-б.; Тунгдян. 3-жил. 2810-б.; Тайпинг хуаной жи. 94-б., 4а-б.

<sup>871</sup> Вэйшу. 9721(1339)-б.

零其語略與匈奴同而時有小異), деб ёзилган.

Бу маълумотта изоҳ сифатида куйидагиларни айтиб ўтиш жоиз.

1. Хитой манбаларидаги *чиак-тиек* (замон. талаф. чи-ди) этнонимига иероглифларнинг ҳозирги маъносидан келиб чиқиб ёндашилса, у «кизил ди» ёки «кизил тиек» деб таржима килиниши мумкин. Аммо «чи» сўзи, яъни иероглифи қадимий хитой тилида жанубни билдирган<sup>872</sup>. Чунки хитойларда жануб – қизил, гарб – оқ, шарқ – кўк, шимол – кора деб белгиланган. Бу анъана туркларда ҳам мавжуд бўлган<sup>873</sup>. Қолаверса, юкорида айтиб ўтилганидек, *тиек (ди) турк* этненинг энг қадимий хитойча транскрипцияси<sup>874</sup>dir. Шунинг учун келтирилган маълумотдаги «чиак-тиек» («чи-ди») этненими жанубий *туркларга хитойлар* томонидан берилган номдир.

2. *Тиеклиек (дили), тиеклэк (чилэ)* ва *тиенглиенг (динглинг)* этненимлари ҳам *турк* атамасининг милоддан аввалги биринчи минг йилликда ишлатилган хитойча транскрипцияларидир. Демак, гаочэ шарқ томондаги жанубий *туркларга хитойлар* томонидан берилган номдир.

3. *Кауциа* (гаочэ) атамаси *кауциа-тиенглиенг* (гаочэ-динглинг) этненининг қисқартилган шаклидир. Бу тушунчага икки гурухдан иборат бўлган туркий кабилалар кирган. Биринчи гурух чипули, *тур (туро)*, *илжон*, *тарлон*, *қуга*, *тарбақон*, *ойрун*, *муен* (баён), *иркин*, *бўркли*, *қион*, *юшуби* каби 12 қабиладан, иккинчи гурух зса *турк (тиек, ди)*, *уйгуру*, *хўгурсу*, *шибни*, *қирғиз*, *штекин* каби 6 қабиладан ташкил топган<sup>875</sup>. Уйгуру (бяохэ, бяогэ / қадимги ўқилишда *пяогэ* 表紇 ) этненининг ўзи қабилалар иттифоқининг номи эди. Улар бир тилда, яъни уйғур тилида сўзлашаган. Маълумки, уйғур тили туркий тил бўлиб, тубдан у ўзбек тилидан деярли фарқ қилмайди.

<sup>872</sup> Ханий дазидян. 5-жилл. 3506-б.

<sup>873</sup> Ҳоджасев А. Из истории древних тюрков... Алматинское изд. С.168.

<sup>874</sup> Ҳўжсаев А. Қадимий хитой манбаларидаги туркий халкларга онд айрим этненимлар // «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. Тошкент, 2003. 176-184-б.; «Ўзбекистон тарихи», № 1, 2003, 3-б.

<sup>875</sup> Вэйшу. 9721(1339)-б.; Ҳўжсаев А., Ҳўжсаев К.А. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. 21-22-б.

Шулар асосида айтиш мумкинки, хитой манбаларида яйпанлар ва гаочэлар бир тилда сўзлашганлиги ёзилган экан, демак уларнинг тили туркий бўлган. Аммо сўнгти минг йил давомида Ўзбекистон ва унинг атрофидаги ҳудудларда яшаётган туркий тилли қавмларнинг ёзуви аввалига араб, сўнгра лотин ва рус алифболарига асосланганлиги сабабли ҳозирги яйпанларнинг тили кадимги тилдан фарқ қилиши табиийдир.

Яйпанларнинг урф-одатлари ҳакида юкорида келтирилган маълумотлар изоҳ талаб этмайди. Аммо «Чжунгтуо сичноу чжилу цидян» («Хитойнинг ипак йўли лугати»)да<sup>876</sup> қайд этилишича, ҳунларнинг ўша даврдаги ўзига хос урф-одатлари бўлган. Бу ҳакда мазкур асарнинг уларга бағишлиланган бўлимида айтиб ўтилди.

**Яйпан давлати.** Яйпан давлати хитой манбаларида «Yiwatruanguo» (замон. ўқил. «Yueran-guo» 悅般国) деб аталади. Унга оид маълумотлар ниҳоятда кисқа берилган. Давлатнинг ташкил топган ва йўқолган йиллари ҳамда унинг тақдирни аниқ кўрсатилмаган. Шунга қарамай, улар муҳим илмий аҳамият касб этади. Масалан, мазкур давлат илк бор тилга олинадиган «Вэйшу»да «Яйпан давлати Асуэн (Усун)нинг шимоли-гарбидаги<sup>877</sup> жойлашган, Дайгача<sup>878</sup> 10930 ли (6295.68 км) нарида [жойлашган] (悦般国在烏孙西北去代一萬九百三十里)<sup>879</sup>, деб ёзилган. Ушбу маълумот юкорида тилга олинган 4 та манбанинг ҳаммасида мавжуд.

Ундаги Асуэн (Усун) атамаси хитой манбаларида давлат ва халқ номи сифатида ишлатилади. Асуэн (Усун) давлатининг ҳудуди ҳозирги Иссиккўл атрофи, Или ва Чу дарёлари бўйлари, Торим воҳасидаги Кучар шахрининг шимоли-гарбидаги жойларни ўз ичига олган. Бу маълумот «Вэй [сулоласи] тарихи» («Вэйшу»)да аниқ кўрсатилган.

<sup>876</sup> Чжунгтуо сичноу чжилу цидян. 237-б.

<sup>877</sup> Милоддан аввалиг щ асрда усунлар Тангритог (Тян-шан)нинг Шарқий Туркистон ҳудуди кисмидаги яйловларида яшаган [Чжунгтуо шигао диту жи. 1-жилд. 67-68-б.].

<sup>878</sup> Дай (代) атамаси Шимолий Вэй (386-534) хонлигининг илк номидир. Кейинчалик у мазкур хонлигининг пойтахти маъносида ишлатилган. Н.Я.Бичурин таржимасида пойтахт маъносига эта бўлган «дай» сўзи таржима кишинмасдан, топоним сифатида ишлатилган. Натижада ушбу таржимадан фойдаланувчилар учун «Дай» сўзининг аса маъносини билиб олиш кишин бўлган. Шимолий Вэй хонлигининг пойтахти Пингчонг (Pingcheng) шаҳри бўлган. Ҳозир ушбу шаҳар Датунг деб аталади, у XXРнинг Шанси (Шанси) ўлкасида жойлашган.

<sup>879</sup> Вэйшу. 9700(1318)-б.

Ушбу манбада баён этилишича, Асуэн (Усун) давлати Кусаннинг (хитой манбаларида Гүйзи, ҳозир маҳаллий уйгур тилида Кучар, хитой тилида Кучэ деб номланади) шимоли-ғарбиға тұғри келар зди. *Жүржеселар* (руру) мазкур давлатта хужум уюштирганидан сүнг, асуэн (усун)лар Помир тоғлари (Цунглинг)га күчіб кетган<sup>880</sup>. Шундан кейин асуэн (усун)лар жойини *яйпанлар* згаллаган<sup>881</sup>. «Шимолий [сулолалар] тарихи» («Бәйши»)да «Яйпан давлати Асуэн (Усун) давлатининг шимоли-ғарбидә жойлашған бўлиб, у Шимолий Вэй пойтхатидан 10930 ли (6295.68 км) нарида зди», деб кўрсатилган.

Шундан келиб чикиб айтиш мумкинки, Асуэн (Усун)нинг шимоли-шарқида бўлган Яйпан хонлиги Исиккўлнинг шимоли-ғарбига, яъни Балхаш кўли бўйларидан Орол денгизининг шимоли-шарқий кирғокларигача бўлган жойларга тұғри келади. 1996 йилда Шанхай (XXP)да нашр этилган тарихий харитада ҳам V асрнинг охирида *яйпанлар* замини шу жойдалиги ва уларнинг шарқий томони *гаочэлар* ерлари эканлиги акс этирилган<sup>883</sup>. Шундан маълумки, *яйпанлар* ҳозирги яшаётган жойига, яъни Фаргона водийсига кейинроқ күчіб келган.

Яйпан давлатининг ташкил топған вақтини ҳам хитой манбаларидаги билвосита маълумотлардан аниқлаб олишимиз мумкин. Масалан, «Конунлар ва урф-одатлар баёни» («Тунгдян»)да ёзилишича, «Тайъу» даврида Яйпан хукмдори Шимолий Вэй давлати (386-534) билан яқин муносабатда бўлиб турган<sup>884</sup>. «Тайъу» даври эса 408-452 йилларга тұғри келади.

«Вэйшу»да баён этилишича, Яйпандан биринчи элчи совғалар билан «Чжэнжюннинг 9-йилида келган» (真君九年遣使朝獻)<sup>885</sup>. Ушбу маълумотдаги Чжэнжюн Шимолий Вэй хукмдори Тай-унинг исми бўлиб, у 427 йилда ҳокимиятта келган. Унинг 9-йили 436 йилга тұғри келади. Агар биз Яйпан давлати ташкил

<sup>880</sup> Үша асар. 9697(1315)-б.

<sup>881</sup> Шиной туғиши. 94-95-б.

<sup>882</sup> Бэйши. 13848(1292)-б.; Тунгдян. 3-жилд. 2749-б.

<sup>883</sup> Чжуңтуу шигао диту жи. 1-жилд. 67-68-б.

<sup>884</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2749-б.

<sup>885</sup> Вэйшу. 9700(1318)-б.

топганидан сўнг бир йил ўтгач Шимолий Вэй сулоласига элчи юборган, деб ҳисоблаганимизда, ушбу давлатининг юзага келган вақти 435-436 йилларга тўғри келади. Яйпан давлати бундан бир неча йил олдин ташкил топган бўлиши экстимолдан холи эмас. Қолаверса, Кангкия давлатига келган ҳуналар унинг доирасида ўз давлатини қуриши мумкин эмас эди. Бу воқеа фақат Кангкия давлати емирилганидан сўнг содир бўлган бўлиши мумкин эди. Паркон давлатининг парчаланиб, унинг ўрнига бир қанча майда хонликлар ташкил топган вақти эса айнан V асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. 435 йилда бу давлатлардан Шимолий Вэй марказига элчилар борган<sup>886</sup>.

«Шимолий [сулолалар] тарихи» («Бэйши»)да «Яйпан давлати Асуэн (Усун) давлатининг шимоли-гарбида жойлашган бўлиб, у Шимолий Вэй пойтахтидан 10930 ли (6295.68 км) нарида эди»,<sup>887</sup> деб кўрсатилган. «Вэй [сулоласи] тарихи» («Вэйшу»)да баён этилишича, Асуэн (Усун) давлати Кусаннинг (Гуйзи, ҳозирги Кучар) шимоли-гарбига тўғри келар эди. Журженлар (руру) мазкур давлатга хужум уюштиргандан сўнг, усунлар Помир тоғлари (Цунглинг)га кўчиб кетган<sup>888</sup>. «Чжуңгтуо сичноу чжилу цидян» номли луғатда келтирилган маълумотларга кўра, чжурчженлар Асуэн (Усун)га қарши ҳарбий юриш килган вақти IV асрнинг охири-V асрнинг бошларига тўғри келади<sup>889</sup>.

Бу маълумотлар асосида айтиш мумкинки, асуэн (усун)ларнинг ерларини ҳуналар эгаллагандан кейин илгари иккига бўлинниб кетган ҳуналар хукмдори қабиласининг бирлашиши учун кулаг вазият юзага келган. Бу бирлашув давлат ташкил қилишга асос бўлганилиги табиийдир. «Вэйшу»да «Яйпан давлатининг аҳолиси 200000 кишидан зиёд бўлган»<sup>890</sup>, деб кўрсатилиши бежиз эмас. «Чжуңгтуо сичноу чжилу цидян» («Хитойнинг ипак йўли луғати») номли иккинчи луғатда айтилишича, яйпанлар Асуэн (Усун) мам-

<sup>886</sup> Тунгдян. З-жилд. 2736-б.

<sup>887</sup> Бойши. 13848(1292)-б.; Тунгдян. З-жилд. 2749-б.

<sup>888</sup> Вэйшу. 9697(1315)-б.

<sup>889</sup> Чжуңгтуо сичноу чжилу цидян. 278-279-б.

<sup>890</sup> Вэйшу. 9700(1318)-б; Шинжянг лиши цидян. 554-555-б.

лакати худудини эгаллаганда, ўзларини Yiwatpuan деб аташган<sup>891</sup>. Мазкур маълумот Яйпан давлатининг ташкил топган вақти V асрнинг биринчи чорагидан илгари бўлиши мумкин эмаслигидан далолатдир.

Яйпан давлатининг йўқолган вақти ҳам хитой манбаларида аниқ кўрсатилмаган. Аммо «Чжунгтуо сичоу чжилу цидян» («Хитойнинг ипак йўли луғати»)да келтирилган маълумотта кўра, 448 йилда Яйпан ҳукмдори Шимолий Вэй хонлигига элчи юбориб, унинг ҳукмдорига иттифоклашиб, бирга чжурчжэнларга қарши курашишни таклиф килган. Бу таклиф ризолик билан қабул қилинган. Иттифоқчиларнинг икки томондан уюштирган хужуми натижасида чжурчжэнлар мағлубиятта учраган. Яйпан ва Шимолий Вэй хонлигининг келишуви Яйпан давлатининг мустаҳкамланишига мадат бўлган<sup>892</sup>. Шундан кейин Вэй сулоласи саройида яйпанлар мусикаси ва ўйини ижро этила бошлаган. Вэйликлар бу мусикани «Яйпан мусикаси» деб аташган<sup>893</sup>. Шундан кейин анча вақтгача тадрижий ҳолда ушбу давлатдан элчилар келиб турган<sup>894</sup>. V асрнинг учинчи чорагида Яйпан давлати ўрнига Шимолий Вэй хонадонига Эфталитлар давлати номидан элчилар бора бошлаган<sup>895</sup>.

Бу каби маълумотлар Яйпан давлати V асрнинг учинчи чорагида Эфталит давлатига кўшилиб кетган, деган тахминга олиб келади. Япония тарихчиси Мацууда Хисаонинг фикрича, Эфталитлар давлати Яйпан ҳокимияти асосида ташкил топган<sup>896</sup>. Бу нуткаи назар асоссиз эмас, зеро эфталитларнинг келиб чиқиши ҳам ҳуналарга бориб тақалади. Қолеверса, эфталитлар деб тилга олинадиган этномим ва давлат номи буларнинг ҳукмдори исмидан келиб чиқкан. Бу ҳакда тадқиқотимизнинг эфталитларга бағишлиланган кейинги кисмида<sup>897</sup> айтиб ўтилган.

<sup>891</sup> Чжунгтуо сичоу чжилу цидян. 278-279-б.

<sup>892</sup> Шинжонг лиши цидян. 555-б.

<sup>893</sup> Чжунгтуо сичоу чжилу цидян. 278-279-б.

<sup>894</sup> Лидай гэзу чжюанзи хуэйян. 2001-б.

<sup>895</sup> Мацууда Хисао. Гудай Тянишан лиши дили сюз яңцзю (Қадимий Тангритонинг тарихий жутроғиясига оид тадқиқот). Пекин, 1989. 241-б.

<sup>896</sup> Ўша асар. 254-258-б.

<sup>897</sup> Бу ҳакда каранг: Ҳоджаев А. Об этническом происхождении эфталитов (Яда) (Сведения

Мазкур маълумотларга қараганда, Яйпан давлатининг ташкил топган вақти V асрнинг биринчи чорагига ва эфталитлар давлатига ўзгарган вақти ушбу асрнинг учинчى чорагига тұғри келади. Демак, Яйпан давлати ярим асрға яқын вақт давомида мустақил яшаган.

Келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиб шуни айтиш мүмкінки, Фарғона водийсидаги Яйпан топоними яйпанларнинг миграцияси натижасида юзага келган. У шарқ томон маъносини билдирувчи Йўритқан сўзининг транскрипцияси бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Яйпанлар ҳуналар ҳукмдорига тегишли қабила авлодлари дидир. V асрнинг иккинчи чорагидан сўнгти чорагигача бўлган ярим асрға яқын вақт давомида яйпанлар мустақил давлатга эга бўлган. Ушбу давлат ҳудудига Или водийси, Фарбий Тангриғнинг шарқий этаклари, Иссиқкўл бўйлари ва унинг гарбидаги жойлар кирган. Фарғона водийсига кўчиб келган вақти хитой манбаларida аниқ кўрсатилмаган. Аммо эфталитлар давлати тарихидан келиб чикиб, бу воқеа V асрнинг охирига ёки ундан кейинги даврга тұғри келади, деб тахмин килинади.

## ЙЕДА (ЯДА, ИДА) – ЭФТАЛИТЛАР

Маълумки, эфталитлар (эфталийлар, эфталлар, хайталлар, абдаллар) Марказий Осиё тарихида ниҳоятда катта аҳамият касб этган ва ўзбек халқининг шаклланиш жараённан фаол қатнашган этнослардан бири хисобланади. Шунинг учун ушбу минтақа тарихи, жумладан Ўзбекистон тарихи ва ўзбек халқи этногенези хусусида қалам тебраттан олим ва тадқиқотчилар уларни тилга олмай ўтмаган.

Мазкур қабила милодий V асрнинг бошларида Сирдарё ва Амударё оралигидаги жойларга кўчиб келиб, Эфталитлар Йеда давлатини ташкил этган. Шундан кейин ярим асрдан кўпроқ вақт давомида кучайиб, атрофдаги мамлакатларни ўз назоратига олган.

китайских источников) // «Xitoyshunoslikning dolzarb masalalari: filologiya, falsafa, tarix, iqtisod va siyosat masalaları». Тошкент. 2009. 88-100-б.

Ўзбек, рус, арман, араб тилларида чоп этилган асарларда эфталитлар ҳакида анчагина маълумотлар мавжуд<sup>898</sup>. Шу билан бирга бу асарларда бир катор ечимини топмаган ва турли баҳсларга сабаб бўлиб келаётган масалалар ҳам бор. Шулар жумласига эфталитларнинг этник келиб чиқиши ҳам киради.

Ушбу масала юзасидан тожикистонлик тарихчи Б.Г.Гафуров ўзининг рус тилида нашр этган «Таджики» номли асарида фикр билдирган. Олим Н.Я.Бичуриннинг хитой тилидан қилингандар таржималарида, Россия ва бошқа хориж мамлакатлар тадқиқотчиларининг, хусусан япониялик олим К.Енохи асарларида эфталитларнинг этник келиб чиқишига оид мулоҳазаларини таҳлил қилиб, «эфталитлар қандайдир Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон тиллек қабилаларга маълум турк элементларининг аралашиши асосида шаклланган», деган хуносага келган<sup>899</sup> ва илгариги Россия ва Европа тарихчи-олимларининг эфталитларнинг келиб чиқиши ҳунларга, масагетларга, юэчжисларга, туркларга бориб тақалади, деган фикрларини асоссиз, деб билиб, эфталитлар Бадаҳшондан келиб чиқкан, деган назарияни олга сурган<sup>900</sup>.

Мархум олимнинг бундай хуносасига эфталитлар давлати ташкил топганидан сўнг ундан расмий ишларнинг Шарқий Эрон тилида юритилганлиги сабаб бўлган. Бу борада Б.Г.Гафуровнинг фикрига кўшила олмаймиз, зоро ҳаётда ва давлат ишларидан жорий этилган тил халқларнинг этник келиб чиқишини белгиламаслиги мисоллари кўп учраган. Мустақилликгача бўлган 70 йилдан ортиқ давр ичида собиқ СССР таркибидаги республикаларда асосан рус тилида иш юритилган. Маҳаллий халқлар зиёлилари шу тилда сўзлашдилар ва асарлар ёздилар. Лекин бу уларнинг этник ҳолатини ўзгартирмади. Асрлар ўтганидан кейин сакланиб қолган рус тилидаги давлат хужжатлари ва илмий, адабий асарларга асосланиб, уларнинг муалифларини ёки бу тилдан фойдланган рус бўлмаган халқларни руслар эдилар, деб айтиш тӯғри бўладими? Тарихда тили ва ёзуви ўзгарган этнослар кўп бўлган.

<sup>898</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Изд. второе. Душанбе. 1989. С.264.

<sup>899</sup> Аслиятда ушбу фикр куйидагича ёзилган: ««фтальты сложились на базе каких-то среднеазиатских, восточноиранских по языку племен с определенной примесью тюркских этнических элементов». Каранг: Гафуров Б.Г. Таджики. Изд. второе. Душанбе. 1989. С. 264.

<sup>900</sup> Ўша асар. 262-6.

Яқинда ўқув қўлланмаси сифатида нашр этилган Аҳмадали Аскаровнинг «Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи» номли асарида «Минтақанинг туб жой аҳолиси фақат эроний тилли халқлар бўлган деб, улар билан бирга ягона ҳудудий кенглиқда туркий қавмлар ҳам яшаганлигини ҳисобга олмай, қадимги Турондаги туркий этносни инкор этиш даражасигача олиб келинди»<sup>901</sup>, деган танқидий фикр айтилган. Б.Г.Гафуровнинг эфталитлар этногенезига билдирган муносабати мана шундай хато принципда туриш, яъни этносларнинг келиб чиқиши масаласини ўрганишда биргина уларнинг ишлатган тили ва ёзувини мезон килиб олиш натижасида келиб чиқкан.

1992 йилда нашр этилган икки жилдли «Ўзбекистон халқлари тарихи»да эфталитларнинг этник келиб чиқиши ва таркиби ҳакида жаҳон адабиётида турли фикрлар борлигини эътироф этиш билан бирга, «Бизнинг фикримизча, «Авесто»да тилга олинган татлар – күшәон ва эфталитлар бўлиб, юқорида айтилган арман, араб, юон ва хитойча номланишларга эгадир»<sup>902</sup>, деб тахмин қилинган.

Мархум ўзбек олими Карим Шониёзовниниг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» номли асарида ҳам эфталитларнинг келиб чиқиши масаласи эътибордан четда қолмаган. Асарда эфталитларнинг ўзбек халқининг шаклланиш тарихида салмоқли ўрин эгаллаган этнослардан бири эканлиги таъкидланиши билан бирга улар хион (хионий) ва кидарий каби келиб чиқиши (этногенези) ҳанузгача номаълум қолаётган этнос эканлиги айтилади<sup>903</sup>. Шунинг билан бирга яқинда нашр этилган «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да «эфталитларнинг илк аждодлари ҳуналардан бўлиши тахмин этилади»<sup>904</sup>, деган тезис келтирилади.

Сўнги 20-30 йил давомида Хитой Халқ Республикасида нашр этилган этимологик ва энциклопедик луғатларда, хитой олимларининг тадқиқотларида, айниқса, юқорида тилга олинган Ванг Чжилайнининг «Чжунгъя шиганг» (Марказий Осиёнинг қисқача тарихи) асарида эфталитларнинг этник келиб чиқиши

<sup>901</sup> Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, 2007. 9-б.

<sup>902</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 2 жилдан иборат. 1-жилд. 56-б.

<sup>903</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001. 127-6.

<sup>904</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. 292-б.

масаласи эътибордан четда қолмаган. Бирок бу асарларнинг кўпчилиги тил билмаслик туфайли ўзбек тарихчилари учун номаътум бўлиб келмоқда. Шундай экан, эфталитларнинг этногенези масаласининг хитой манбаларида ва олимларнинг асарларида ёритилишини тадқик этиш янада долзарблашади.

Аввало таъкидлаб ўтмоқ, жоизки, хитой манбалари ва адабиётларида эфталитлар *йеда, ида* ёки *яда*, улар томонидан ташкил этилган давлат эса Йеда-гуо, Ида-гуо ёки Яда-гуо деб номланган. 8 жилдли «Ханюй дазидян» (Хитой тили ёзувининг катта лугати)да «йеда Марказий Осиёдаги қадимий халқ ва давлат номидир, бай-шюнну (оқчунлар) деб ҳам аталади. Аслида улар кўчманчи халқ бўлган»,<sup>905</sup> деб ёзилган.

Шу ерда *бай-шюнну* атамасига шарҳ бериб ўтмоқ керак бўлади. Ҳозирги хитой тили нуктаи назаридан келиб чиқсанда, ушбу атаманинг таржимаси *оқ ҳун* маъносини англатади ва китобхонларда дарҳол бадани оқ бўлган ҳунлар шундай аталган бўлса керак, деган фикр туғилади. Лекин амалда мазкур атаманинг мазмуни ўзгача. Юкорида кай этилганидек, узок ўтмишда *туркларда* оқ сўзи гарбни, қизил – жанубни, кўк – шарқни, кора – шимолни билдирган. Хитойда ҳам шундай одат бўлган. Оқ (бай) гарбнинг ранг белгиси сифатида ишлатилган<sup>906</sup>. Шунинг учун *бай-шюнну* этнонимини *гарбий ҳунлар* деб тушунмоқ тарихий ҳақиқатга тўғри келади.

Хитойнинг «Цихай» («Сўзлар денгизи») номли энциклопедик лугатида *йеда* *йитян* деб аталганлиги ва қадимги ўқилишда бу атама *ieptat*, *iepdien* деб талаффуз этилганлиги ҳам айтилади<sup>907</sup>. «Циоан» («Сўзларнинг келиб чикиши») номли 4 жилдли этимологик лугатда ҳам «Йеда қадимги халқ ва давлат номидир», дейилган.

Тилга олинган Хитой лугатларида келтирилган маълумоларни ва шарҳларни таҳлил қилганимизда, *йеда* атамаси авваллига халқ номи бўлиб, кейин давлат номига айланганми ёки унинг тескариси бўлганми, деган муҳим савол туғилди. Бу саволга жавоб топиш учун имкониятимиз доирасидаги хитой

<sup>905</sup> Ханюй дазидян. 1-жилд. 696-б.

<sup>906</sup> Ўша жойда.

<sup>907</sup> Цихай. 740-б.

<sup>908</sup> Циоан. 1-жилд. 553-б.

манбаларига ва тарихий адабиётларга мурожаат қилдик. Натижада маълум бўлдики, аслида Йеда эфталитлар аждодлари томонидан Шаркий Туркистон худудида ташкил этилган ва хитой манбаларида «Гу» (滑, Xua деб ҳам ўқилади), қадимги талаффузда Fuэт (yowət, ɻwət) деб аталган хонлик хукмдорининг исми Яндайи-Пияото (қадимги ўқилишда Iem-tat-yie liet-tuo ёки Iam-tai-ji liet-yi)нинг қисқартирилган шакли бўлган. Тарихий адабиётларда бу хукмдорнинг исми Ephthalites деб номланади. Fuэт (Гу) хонлигининг номи эса исми Петгуэт (八滑 замон. талаф. Багу) деб аталган ва 126 йилда Кейинги Хан сулоласи (25-220 йй.) кўшинларининг кўмондони Бан Юнг бошчилигига хитойларнинг шимол томонидаги халқларга қарши қилинган ҳарбий юришларига жалб этилган Шаркий Туркистондаги Турфон вилояти (Чэши) хокимининг исмидан келиб чиқкан.

Ушбу хоким кўрсатган хизмати учун мазкур сулола томонидан мукофотланган ва унга «Хан хонадонига яқин бўлган ҳоким» (цинханхоу) унвони берилган. Қадимги хитой талаффузидаги Петгуэт маҳаллий халқ тилида Борқут ёки Буркут бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун хитой манбаларида «Fuэт давлати Турфон (Чэши)нинг бошқа бир тоифасидир»<sup>909</sup>, деб айтилади. Ушбу маълумотни шарҳлар эканмиз, шуни таъкидлаш жоизки, Турфон (Чэши) – ер номи, унинг билан биронта этнос ёки қабила аталган эмас. Шунинг учун мазкур атамани турфонниклар маъносида тушиниш ҳақиқатга тўғри келади. Қолаверса, милоддан аввалги 174 йилга қадар бўлган бир неча аср давомида Турфон Рузие (Юэчжи) деб номланган гузлар давлати таркибига кирган. Гузлар давлати худуди эса қадимий турклар яшаган жойлар эди. Бу ҳақда биз рузие (юэчжи)ларга оид тадқикотимизда батафсил тўхтаб ўтганмиз.

Ванг Чжилай ўзининг «Чжунгъя шиганг» номли асарида Европа тарихчилари, айниқса Византия тарихчиси Теопханс (Theophants) маълумотига ишора қилиб, эфталит этноними улар бошлигининг исми Ephthalites (хитойча транскрипцияси Яндайи-Пияото)нинг қисқартирилган шаклидан иборат бўлганлиги айтилади<sup>910</sup>.

<sup>909</sup> Лянгшу (Лянг [сулоласи] тарихи) // 24 тарих. 7-жилд. 8075 (457)-б.; Тунгдян. 3-жилд. 2740-б.; Тайпинг хуанюй жи. 183-боб. 7а-б.

<sup>910</sup> Ванг Чжилай. Чжунгъя шиганг. 156-б.

Шимолий Чжоу сулоласи (557-581) тарихчиси Лю Фан (璠  
刘) битган «Лянг дян» (梁典 - Лянг [сулоласи]<sup>911</sup> тарихи) номли  
асарда «Гуэт (Гу) давлати [хони]нинг фамилияси Йеда эди,  
унинг авлодлари ўзларининг давлатини шу фамилия билан ата-  
ганлар»<sup>912</sup>, деб ёзилган. Мазкур маълумот «Тайпинг хуаной  
жи»да ҳам келтирилган. Шу билан бирга бу асарда эфталитлар  
ўзларини Iemtat (挹怛, замон. ўқил. Ида) деб ҳам аташади, деб  
таъкидланган<sup>913</sup>.

Суй сулоласи императори Янгди даврида (605-616) Мар-  
казий Осиёга юборилган ва ҳозирги Ўзбекистоннинг Шахри-  
сабз вилоятини, Афғонистоннинг Фазни, Вазиробод каби шаҳар-  
ларини зиёрат килган элчи Вэй Же<sup>914</sup> нинг ватинига қайтиб  
келганидан сўнг ёзган «Шифан жи» (Фарбаги қўшни давлатлар  
хотираси)да<sup>915</sup> «мен шахсан ўзим бу мамлакат [Эфталитлар  
хонлиги] одамларидан сўрадим, улар ўзларини Iemdien (Yerdien  
挹阗 замон. ўқил. Итян) деб аташар экан»<sup>916</sup>, деб ёзилган. Ушбу  
манбалардаги Iemtat (Ида) ва Iemdien (Итян) эфталит  
атамасининг хитой иероглифлари билан транскрипция этили-  
шидан иборатдир.

«Лянгшу» (Лянг [сулоласи] тарихи)да Яндайи-Пияотуо  
(қадим. ўқ. Iem-tat-yiei-liet-tuo ёки Iam-tai-ji-liet-yi) Гуэт (Гу)  
давлати хони (ванг) бўлиб, у илк бор 514 йилда (Тянцзян даври-  
нинг<sup>917</sup> 15 йилида) Лян сулоласи (502-556) саройига совғалар  
билан элчи юборган<sup>918</sup>. Ушбу маълумот «Тунгдян»да<sup>919</sup> ҳам  
келтирилади.

Шулардан маълумки, эфталит атамаси аввалига одам  
номидан хонлик номига, сўнгра мазкур хонликнинг фуқаролари  
номига айланган. Шундай экан, унда бу хонликнинг фуқаро-  
лари қайси этноса тегишли, деган саволга жавобни яна хитой  
манбаларидан излаймиз.

<sup>911</sup> Лянг – 502-557 йилларда мавжуд бўлган ҳокимиятнинг номи.

<sup>912</sup> Тунгдян. З-жилд. 2740-б.

<sup>913</sup> Тайпинг хуаной жи. 183-боб. 86-б.

<sup>914</sup> Цихай. 1234-б.

<sup>915</sup> Ушбу асар ҳозиргача сакланмаган, лекин унингдан олинган айрим маълумотлар «Тунг-  
дян»да сакланниб колган.

<sup>916</sup> Тунгдян. З-жилд. 2740-б.

<sup>917</sup> Тянцзян – 502-519 йиллар даврининг номи. Ушбу даврининг 15-йили 514 йилга тўғри  
келади.

<sup>918</sup> Лянгшу. 8075 (457)-б.

<sup>919</sup> Тунгдян. З-жилд. 2739-б.

Шу ерда қайд этмок керакки, Б.Г.Гафуровнинг юкорида тилга олинган асарида «хитой манбаларида эфталитларнинг келиб чиқишига оид кўп тахминлар мавжуд», деб ёзилган<sup>920</sup>. Яъни олим хитой манбаларидаги маълумотларга шубҳа билан қараган. Бизнинг фикримизча эса, уларга ишонса бўлади, зоро, биринчидан, ишонмасликка бизда ҳеч қандай асос йўқ; иккинчидан, давримизгача етиб келган қадими хитой манбалари кўп марта қайта-қайта нашр этилган ва таҳrir килинган бўлсада, улардаги фактологик хабарлар ўзгармасдан сакланиб қолган; учинчидан, айрим қадим даврлардаги Марказий Осиёга оид тарихий воқеаларни тиклашда хитой манбалари ягона манба ҳисобланади. Бундан ташқари, қадимги манбаларда ўта тарқоқ ҳолда келтирилган маълумотлар энг қадими иероглифларни билишни, уларни ҳозирги иероглифлар билан таққослаб, тўғри мазмунини топишни ва, энг муҳими, ҳар хил даврларга мансуб тарихлардан олинган маълумот ва саналарнинг таҳлилини талаб қиласди. Шусиз келтирилган маълумотлар шубҳали туюлиши мукаррардир.

Яна бир муҳим ҳолат эфталитларнинг келиб чиқишига оид маълумотлар ҳакиқатга жуда яқин эканлигидан далолат беради. Милоддан аввалги II асрдан, яъни Ғарбий Хан империяси ташкил топганидан сўнг, Хитой ҳукмдорлари Марказий Осиёда содир бўлган воқеалар, ҳалқлар ва улар ўртасидаги муносабатларни синчиклаб ўрганиб, улардан ўз манфаатлари йўлида, яъни ташқи сиёsat стратегиясини тузиш учун тўла фойдаланишнинг йўлларини ахтаргандар. Шу боис сарой тарихчилари ҳар бир ҳалқнинг этник келиб чиқиши ва улар орасидаги низоларни эътибордан четда қолдирмаганлар. Хитой манбаларидаги маълумотлар бир қараганда ҳар хил бўлсада, уларни чуқурроқ ўргангандар, бир-бирини тўлдириши мумкинлигининг гувоҳи бўламиз.

Эфталитларнинг этник келиб чиқиши масаласида хитой манбаларидаги 4 хил фикрни юзага келтирадиган маълумотлар мавжуд. Буларнинг бирига кўра, улар улуғ гуз-ерликлар (*дай-рузие / да-юэчжси*) авлоди, иккинчисига кўра – *гаочзлар* (*канлилар*) авлоди, учинчисига кўра – *гарбий ҳунлар* авлоди ва тўртин-

<sup>920</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Изд. второе. С.258.

чисига кўра – кянг (чянг)лар авлоди. Масалан, «Циоан» номли этиологик лугатда «йеда дай-рузиелар авлодидир, гаочэларнинг бошқа бир тоифасидан иборат, деган фикр ҳам мавжуд», дейилган<sup>921</sup>. Хитой манбалари билан танишиш натижасида маълум бўлдики, ушбу маълумот илк бор «Вэйшу»да келтирилган, кейин бошқа манбаларда, жумладан «Тунгдян» ва «Тайпинг хуаной жи» каби асарларда ҳам қайд этилган<sup>922</sup>.

«Ханой дазидян»да таъкидланишича эса, «йеда ... байшюнну деб ҳам аталади. Аслида улар кўчманчи халқ бўлган»<sup>923</sup>. Юкорида айтилганидек, бай-шюнну атамасини кўпчилик олимлар оқ ҳун деб таржима қилганлар. Бинобарин, бай (白) иероглифи қадим замонда ғарб маъносида ишлатилган<sup>924</sup>. Шунинг учун бу атамани гарбий ҳуналар деб тушунмоқ лозим.

Бу фикрлар бир-бирига зидми ёки улар яхлит бир нуктаи назарга бўлган ҳар хил ёндашувми, деган савол ҳам олимлар олдида кўндаланг турган масалалардан биридир.

Агар хитой манбаридаги *биринчи фикрга* асослансанак, *дай-рузие* (*да-юэчжи*) ким эди, деган саволга аниклик киритишимииз зарур. Бинобарин, биз олдинги тадқиқотларимизда *да-юэчжи* этноними милоддан аввалги иккинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўлланилганлиги, шу даврида у *дай-рузие* деб талаффуз этилганлиги, ундан олдинги бир асрга яқин даврда эса *рузие*, милоддан аввалги X-III асрлар давомида *ngiwotzie*, *ngiwotzie* *ngiwo-chie*, *ngiwet-chie*, *ngiwe-tcie*, *ngo-chie* или *ngeu-chie*, *ngiwo-tcie*, *ngeu-tcie* *rieuk-chie*, «*rieuk-tie*», «*rieuk-tcie*» деб аталганлиги ва бу Фузер, Оғузер (*гузлар ёки оғузлар замини*) деб аталган мамлакат номидан трансформация этилганлиги, ҳамда мазкур мамлакат одамлари қадимги *туркларнинг* бир тармоғи бўлганлиги ҳакида фикр юритган эдик<sup>925</sup>. Рузиелар (*гуз-ерликлар*) милоддан аввалги иккинчи асрнинг сўнги чорагида Или дарёси бўйлари ва Фарғона водийси орқали Амударё бўйига кўчишидан илгариги 9 аср давомида (мил. авв.

<sup>921</sup> Циоан. 1-жилд. 553-б.

<sup>922</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2739-б.; Тайпинг хуаной жи. 183-боб. 76-б.

<sup>923</sup> Ханой дазидян. 1-жилд. 696-б.

<sup>924</sup> Ўла асар. 4-жилд. 2642-б.

<sup>925</sup> Бу ҳақда карант: *Ходжасен А. О трансформации «оэчжю» из топонима в этноним // O'zbekiston tarixi. № 1. 2005. 3-14-б.; Шу муаллифнинг. Сведения китайских источников о тюркском происхождении Кушанского царства // АРАИС специальное приложение к журналу «Ариас». Казань, 2006. С. 8-17.*

XI-II асрларда) Ордос яйловлари, Хэси йүллаги (Хэси зоуланг) ва Тангритоф (Тяншан)нинг Шаркий Туркистондаги кисми этакларида жойларда яшаганлар. Хун хоқонлиги ташкил топгунга қадар уларнинг давлати Шаркий Туркистон ва Хэши йүллаги худудидаги йирик ҳокимият бўлган.

*Иккинчи фикрга асосланниб, гаочэлар (канглилар ёки баланд араваликлар) кимлигини аниqlар эканмиз, тадқиқотчилар ва китобхонлар диккатини 2000 йилда нашр этилган «Қадимги манбаларда ҳалқимиз ўтмиши» номли тадқиқотмизда келтирилган маълумотларга<sup>926</sup> жалб этишимиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, милодий II-V асрларда хитойлар турк этонимини (чиле), тиетлэк (телэ) деб транскрипция этган. Шу туркларнинг Хуанхэ дарёсига яқин жойларда яшаб, Вэй хонадонига (мил. 220-260) итоат килган қисмини улар гаочэдинглинг (баланд аравалик динглинглар), қисқачасига гаочэ (баланд араваликлар), қумликнинг<sup>927</sup> шимолида яшаб, журжэнлар итоатида бўлганларни эса тиетлэк / телэ (турклер) деб аташган<sup>928</sup>. Аммо гаочэлар ўзларини бундай деб аташмаган<sup>929</sup>.*

*Эфталитлар гарбий ҳунлар авлодидан, деган учинчи фикр бўйича манбаларга эътибор бериладиган бўлса, ҳунларнинг илк бор хитой битикларида тилга олиниши милоддан аввалги 2 мингинчи йилларга бориб тақалади. Шу даврда улар бир қатор авлодларга бўлинганилиги ва ҳар бирининг ўз номи бўлганлиги туфайли хитойлар орасида ҳунлар бир қанча номлар билан аталган.*

Мазкур авлодларнинг умумий номи маҳаллий тилда ҳун бўлиб, уни хитойлар ўқилиши бир, ёзилиши ва маъноси ҳар хил бўлган иероглифлар билан транскрипция этишган. Натижада ҳун атамасининг шюонюй, шюнгюй, шюн, шюнюн, ху (ху) каби турли транскрипциялари пайдо бўлган. Ҳунлар авлодлари бирлашиб, ягона давлат ташкил қилганидан сўнг хитойлар уларнинг умумий номини айта бошлаган. Ҳозирги адабиётимизда мавжуд бўлган «шунну» (рус адабиётида сюнну) атамаси милоддан аввалги II асрда пайдо бўлган.

<sup>926</sup> Ҳўжаев А. Ҳўжаев К. Қадимги манбаларда ҳалқимиз ўтмиши. 30-б.

<sup>927</sup> Жанубий Мўгулистандаги чўллик кўзда тутилган.

<sup>928</sup> Люй Симян. Чжунитую минзу ши. 87-б.

<sup>929</sup> Чжунитую Шинжяңгудай шэхузай шэнгхуо ши. 164-б.

Хүнларнинг келиб чиқиши ҳам хитой манбаларида туек, тиук (замон. талаф. ди) деб номланган қадимги турклар каби куй (куй-фанг), ту (ту-фанг), куй-ривем (рунг)ларга бориб тақалади<sup>930</sup>. Айрим ҳолларда хитойларнинг ҳүнларни бэй-тиек (бэй-ди – шимолий турклар), циак-тиек (чиdi – жанубий турклар) деб аташи ҳүнларнинг турклар билан келиб чиқиши бир бўлганлигини кўрсатади. Милодий биринчи асрда Шаркий Хан империяси ҳүнларга қарши курашни авж олдиради. Натижада ҳүнларнинг бир қисми Европа томонга, иккинчи бир қисми Паркон (Кангжюй) давлати ҳудудига кўчишга мажбур бўлган. Шу замонда Паркон давлати ҳукмдори билан ҳүнлар тангрикутлари ўртасида қудачилик муносабатлари ҳам мавжуд эди<sup>931</sup>.

*Тўртингчи фикрға кўра, эфталитлар кянг (чянг)лар авлодидан. Тош ва суюкларга ёзилган қадими битикларда ёзилишича, кянг (kiang, рус адабиётида цян) – бундан 4 минг йил илгари Хуанхэ дарёсининг юкори қисми бўйларида ва унинг гарб томонида яшаган халқ. Кейинчалик булар ши-рунг (сие-ривем), ди-чянг (тиек-кианг) деб ҳам аталган. Чянг (кианг)лар ҳаётида чорвачилик, айниқса кўй боқиши асосий ўринни эгаллаган. Уларнинг этник номи бўлмиш кянг (чянг) сўзи ҳам кўйни билдирувчи «янг» сўзидан келиб чиқкан<sup>932</sup>. Кейинчалик кянг (чянг)лар хар томонга тарқалган. Шунда буларнинг бир қисми хозирги тибетликлар таркибига кириб кетган.*<sup>933</sup>

«Пэнсу туний» (Умумий қоидалар ва урф-одатлар) номли асарда «кианглар (чянглар) ривем (рунг)лар ичидаги камбағаллардан иборат эди, улар кўй боқиши билан шугулланганлиги туфайли мазкур ном билан аталган. Кянг кўй атамасидан келиб чиқкан»<sup>934</sup>, деб зикр этилган. Рунг атамаси (рус тилидаги адабиётларда жун) қадимги Хитой (Шя, Ся, Хуася)нинг гарбий ва шимоли томонидаги туркий халқларнинг хитойча умумий номидир. У жангчи, куроллик одамлар маъносини англатган. Кейинчалик хитойлар бу атамани ўзларининг гарб томонидаги,

<sup>930</sup> Ҳўжсан А. Хўнларнинг этник жиҳатдан қадими туркларга оид эканлиги ҳақидаги хитой манбаларидаги маълумотлар//«Турон тарихи». 2002, № 5, 10-18-б.

<sup>931</sup> Ҳоджсаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. Ташкент, 2007. С.20-22.

<sup>932</sup> Цихай. 391-б.

<sup>933</sup> Ўша жойда.

<sup>934</sup> Ўша асар. 123-б.

жумладан Хэси йүлдэгээ ва Шаркий Туркистан ерларида яшаган халқларга нисбатан ишлатишган.

Келтирилгандын 4 фикрга асос бўлган маълумотларни умумлаштирган ҳолда қиёсий таҳлил қылганимизда, эфталитларнинг келиб чиқиши хитой манбаларида куй, куй-фанг, тиек ёки тиук (ди) деб номланган 4 минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган қадимий туркларга бориб тақалади. Буни хитой манбаларидаги эфталитларнинг аждодлари қадимда Олтой тоғлари ва унинг жанубида яшаганлигига оид маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, «Вэйшу»да эфталитлар, яъни йедаларнинг илк аждодлари шимолдаги Олтинтоғ (Олтой, хитойча Жин-шан / Цзиншан) ва унинг жанубида яшаган, хозир Йеда давлати Хотанинг гарбида жойлашган, деган маълумот мавжуд<sup>935</sup>. У «Бэйши»<sup>936</sup>, «Тунгдян»<sup>937</sup> ва «Тайпин хуанойжи»<sup>938</sup> номли манбаларда ҳам келтирилади.

Хитой олимларининг асарларида *бешинчи фикр* ҳам мавжуд. Бу фикрга кўра, эфталитлар ҳұнлар билан Шаркий Туркистандан ғарб томонга кўчиб кетган улуғ рузиелар (да-юэчжилар) билан аралашиш натижасида ташкил топган<sup>939</sup>. Бу фикр юкорида айтилган тўртта нуқтаи назарга зид эмас. Бинобарин, милоддан аввалги XI асрдан II асргача давр давомида ҳұнлар ва улуғ рузиелар хитой манбаларида Рузие (Юэчжи) деб номланган бир давлат ахолиси бўлган. Бизнинг фикримизча, бу ахоли келиб чиқиши бир бўлган, аммо турли номлар билан аталган қабилалардан иборат бўлганлиги туфайли унинг этногенези ҳар хил бўлган, деб айтиш мумкин эмас. Қолаверса, биз юкорида таърифлаган ҳұнлар одатига кўра, бир авлод ёки қабила доирасида кудачилик муносабатларини ўрнатиши мумкин бўлмаган.

Асаримизнинг олдинги бобларида «Ляңг шу», «Тайпинг хуанойжи» ва «Тунгдян» каби манбаларга ишора килиб, йеданнинг Тангритоғ (Тян-шан) этакларида яшаган чэшиликларнинг бир кисмидан иборатлиги ҳакида айтиб ўтган эдик. Бошқа хитой манбаларида кўрсатилишича, Чэши аслида милод-

<sup>935</sup> Вэйшу. 9705(1323)-б.

<sup>936</sup> Бэйши. 13853(1297)-б.

<sup>937</sup> Чжонгтуо дабайіс цоаншу. Чжонгтуо лиши. 856-б.; Тунгдян. 3-жилд. 2739-б. Тайпинг хуанойжи. 183-боб. 76-б.

<sup>938</sup> Тайпинг хуанойжи. 183-боб. 76-8а-б.

<sup>939</sup> Цихай. 740-б.; Тунгдян. 3-жилд. 2739-б.

дан аввалги II-І асрлардаги давлат номи бўлиб, у ўз замонасида Гуши деб аталган. Олдинги Хан сулоласи (мил. авв. 206 – мил. 8») тарихида («Чян Ханшу») кўрсатилишича, милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида Ли Гуангли бошчилигидаги хан кўшинлари Фаргона давлати (Дайюан, Даван)га қарши ҳарбий юриш қилганида, Гуши давлати катта йўл устида бўлганлиги сабали биринчи зарбага учраган. Ўша замонда мазкур давлатнинг худуди Тангритогнинг ўрта қисми ва унинг шимолий ҳамда жанубий этакларига тўғри келган. Хитой археологларининг маълум қилишича, бу жойлардаги Чэши шаҳарларининг қолдиклари ҳали ҳам сақланиб қолган. Гуши давлати тор-мор қилинганидан сўнг аҳолининг бир қисми гарб томонга, яъни рузиеларга яқин жойга кўчиб кетишга мажбур бўлганлиги, маълум бир вақт ўтиши билан уларнинг тили ўзгарганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Ванг Чжилайнинг юқорида тилга олинган асарида келтирилган маълумотларга кўра, дастлаб Fuэт (Гу, Xua) деб аталган хонлик аҳолиси Алтой тогининг жанубий томонидаги жойлардан то Тангритогнинг шаркий қисмигача бўлган худудда яшаган<sup>940</sup>. «Бэйши»да эса шу даврда Ванг Чжилай кўрсатган жойларда чибни, бўржи, жиде, сизноқ, нак (нахэ), угуз, қирғиз, иртиш (еде) ва унгур каби туркий қабилалар яшаган<sup>941</sup>, дейилган.

Ванг Чжилайнинг тахминича, Fuэт (Гу, Xua) хонлигининг аҳолиси 460–470 йилларда жусурженлар (жусжу, руру) зулмидан кутилиш мақсадида ўз жойларни тарк этган ва орадан бироз вақт ўтгандан сўнг Сүгдиёнада пайдо бўлган<sup>942</sup>. «Бэйши»да кўрсатилишича, 454 йилда (Тайланнинг 2-йили) Йеда давлатидан Хитойга илк бор элчи келган<sup>943</sup>. Шундан кейин мазкур мамлакат элчиларининг кети узилмаган<sup>944</sup>. Ушбу даврдаги Хитойда Сунг сулоласи (420–457) хукмрон эди. Шунга қаранганд, Fuэт (Гу, Xua) хонлиги аҳолисининг гарб томонга кўчиши V асрнинг иккинчи чорагига тўғри келади. Янги жойга келгандан сўнг қисқа вақт давомида давлат ташкил этишга

<sup>940</sup> Лянгшу. 8075(457)-б.

<sup>941</sup> Бэйши. 13881 (1325)-б.

<sup>942</sup> Ванг Чжилай. Чжунгъя шигант. 156-б.

<sup>943</sup> Бэйши. 12598(42)-б.

<sup>944</sup> Ўша асар. 13853(1297)-б.

мұяссар бўлғанлигига қараганда, кўчиш даврида эфталитларнинг нуфуси кам бўлмаган. Эҳтимол, булар бир неча туркий қабилалардан иборат бўлган.

Хитой манбалари ва адабиётларидан келтирилган маълумотлар асосида хulosса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

1) Эфталит (эфталайлар) этнонимининг пайдо бўлиш вакти V асрга тўғри келади. Этноним уларнинг хукмдори Яндайий-Пияотуо (қадим. ўқил. Iemtat-yiei liet-tuo ёки Iam-tai-ji liet-yi, Европа адабиётида Ephthalites) исмидан келиб чиқкан.

2) Эфталитларнинг аждодлари Олтой ва Тангритоғ яйловлари ва улар этагидаги жойларда яшаган туркий қавмлардир. Улар миодий V асрнинг иккинчи чорагида Амударё ва Сирдарё оралигига кўчиб келган.

3) Уларнинг этник келиб чиқиши қадими туркларга бориб тақалади. Манбаларда эфталитларнинг келиб чиқиши ҳунларга, рузие (гузер)ликлар (юэчжи), турфонликлар, гаочэлар ва туркларнинг аралашшигига боғлиқ бўлган, деган хulosалар бир-бирини инкор қилмайди. Аксинча, улар бир-бирини тўлдиради. Бинобарин, бу этнонимлар билан аталганларининг ҳаммасининг келиб чиқиши туркийдир.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

## 1. Манбалар

*Хитой тилида:*

1. **Бан Гу.** Ханшу (Хан [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 2-жилд. Шангхай, 1952-1958. Куйида 24 тарихнинг нашр этилган жойи ва йили кўрсатилмайди.
2. Вангъу Тяньчжу-гуо чжуан (Хиндистондаги 5 та давлатга қилинган сафар ҳакида баён) // Гу шишинг жи. 107-125-бетлар.
3. **Вэй Чжэнг.** Суйшу (Суй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 9-жилд.
4. **Вэй Шоу.** Вэйшу (Вэй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 8-жилд.
5. Гүйзи шиляо (Кучар тарихига оид маълумотлар). Урумчи, 1996.
6. Гу шишинг жи (Қадимги гарбий сафар хотиралари тўплами). Йинчuan (Нингшя вилояти), 1989.
7. Датанг Шиий жи (Буюк Танг даврида гарбий мамлакатларга қилинган сафарлар хотираси) // Гу шишинг жи. 62-106-бетлар.
8. Ду Хуан жингшинг жи (Ду Хуаннинг борган жойлари хотираси) // Гу шишинг жи. 130-137-бетлар.
9. Ду Ю. Тунгдян (Қонун-коидалар ва урф-одатлар баёни). 3 жилдан иборат. Чангша, 1995.
10. Зуо Чюминг. Зуочжуан (Зуо Чюмингнинг баёни). 3-нашр. 2 жилдан иборат. Пекин, 1996.
11. Зуо Чюминг. Зуочжуан (Зуо Чюмингнинг баёни). 3-нашр. 2 жилдан иборат. Шангхай, 1997.
12. Лидай гэзу чжуанжи хуэйян (Тарихий халкларга оид маълумотлар тўплами). 2-тўплам. 2-жилд. Шангхай. 1959.
13. **Ли Минвэй.** Суй Танг сично чжилу (Суй ва Танг сулолалари давридаги ипак ўюли). Ланчжоу, 1994.
14. **Ли Яншоу.** Бэйши (Шимолий сулолар тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 11-жилд.
15. **Линху Дэфэн.** Чжоушу (Чжоу [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 10-жилд.
16. **Лэ Ши.** Тайпинг хуанюй жи (Тинчилик ўрнатилган замин баёни). Асарнинг чоп этилган жойи ва вақти маълум эмас, муаллиф 960-1007 йилларда яшаган.
17. **Лю Шюн.** Жю Тангшу (Танг сулоласининг аввалги тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 12-жилд.
18. **Оу Янгшио, Сунг Чи.** Шин Тангшу (Танг сулоласининг янги тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 13-жилд.
19. **Сима Чян.** Шижи (Тарихий хотиралар) // Эршиси ши (24 тарих). 1-жилд.

20. Сима Гуанг. Зичжи тунгжян (Хукумдорларга сабок берувчи воқеалар баёни). 12-нашр. 2 жилдан иборат. Шанхай, 1995.
21. Сунг Лян. Юанши (Юан [сулоласи] тарихи);
22. Шицой шингчэнг жи (Фарбий мамлакатларга килинган сафар хотириаси) // Гу шишинг жи. 263-280 бетлар.
23. Сунг Лян. Юанши (Юан [сулоласи] тарихи // Эршиси ши (24 тарих). 21-22-жиллар. Шанхай, 1952-1958.
24. Фан Йи, Сима Бяо. Хоу Ханшу (Кейинги Хан [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 3-жилд.
25. Фэн Жяшэн. Чэн Сулуу, Му Гуангвэн. Вэйвуэр зу шиляо жянбян. 2 жилдан иборат. 2-чи нашр. Пекин, 1981.
26. Эршиси ши (24 тарих). Факсимил нашри. 24 жилдан иборат. Шанхай, 1952-1958.
27. Юан Шу. Тунгжян жиши бэнмуо (Мухим тарихий воқеалар баёни). 8 жилдан иборат. Шанхай, 1955.

*Үйгүр тилида:*

28. Бан Гу. Ханнома. Урумчи, 1994.
29. Ли Яншу. Шимолий [сулолалар] тарихи. Урумчи, 2002.
30. Маҳмуд Кошгари. Туркий тиллар дивони. 3 жилдан иборат. Урумчи, 2008.
31. Фан Йи, Сима Бяо. Кейинги ханнома. Урумчи, 1996.
32. Сима Чян. Тарихий хотиралар. Урумчи, 1989.
33. Чин Шу, Фанг Шюанлинг. Уч подшохлик тазкираси, Жиннома, Сунгнома. Урумчи, 2001.
34. Оу Янгшию, Сунг Чи. Янги Тангнома. Урумчи, 2010.
35. Фарбий юрт тарихий материаллари. Урумчи, 2004.

*Ўзбек тилида:*

36. Абулғозий. Шажарайи турк. Қ. Муниров ва Қ. Маҳмудовлар томонидан нашрга тайёрланган. Тошкент, 1992.
37. Маҳмуд Кошгари. Девону Луготит турк. Тажима ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3 жилдан иборат. Тошкент, 1961.

*Рус тилида:*

38. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Москва-Ленинград, 1950.
39. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Алматы, 1998-1999.
40. Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. Москва, 1961.
41. Маҳмуд ал-Қашғарий. Дайвән Лугфат ат-Турк (свод тюркских слов). В 3-х томах. Перевод с арабского А.А.Рустамова. Москва, 2010.

42. Сыма Цянь. Исторические записки («Шижи»). Хитойчадан русчага Р.В.Вяткин таржима қилган. 5 жилдан иборат. 4-ж. Москва, 1986

## 2. Адабиётлар

*Ўзбек тилида:*

43. Абдухолик Абдурасул ўғли. Чин ва Мочин. Тошкент, 2006.
44. Абдухолик Абдурасул ўғли. Қадимги Фаргона тарихидан. Тошкент, 2002.
45. Аскаров А. Аждодларимиз хунари // Фан ва турмуш. 1984, 1-сон, 8-б.
46. Аскаров А.А. Марҳаматта ташриф ва Эрши мудофааси ҳакида мулоҳазалар // Археология Узбекистана. Самарқанд, 2010. 151-б.
47. Аскаров А. Ўзбек ҳалқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, 2007.
48. Суюн Қораев. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. Тошкент, 2005.
49. Ҳўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007.
50. Ҳўжаев А., Ҳўжаев К.А. Қадимги манбаларда ҳалқимиз ўтмиши. Тошкент, 2001.
51. Ўзбекистон ҳалқлари тарихи. 2 жилдан иборат. Тошкент, 1992.
52. Ҳўжаев А. Қанг давлати // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 10. 2005. 600-б.
53. Шониёзов К. Қанг давлати ва канғлилар. Тошкент, 1990.
54. Шониёзов К. Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001.
55. Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. Тошкент, 2003.
56. Ўзбекистон тарихи. № 1, 2003.
57. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдан иборат. Тошкент, 2000-2006.
58. Қўлдашев Ш. Қадимги Фаргона (Дайноан) давлатининг пойтахти ҳақида // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида. Самарқанд, 2010. 94-98-б.

*Хитой тилида:*

59. Ванг Гуовэй. Гуан Танг жилин (Гуан Танг тўплаган маълумотлар). «Чжунгхуа шужюй» (Нанкин), 1923. Илова 2. 13-боб (жюан).
60. Ванг Дужян. Чжунгтуо минзу гуанши ши гангъяо (ХХР ҳалқлари муносабатларининг кисқача тарихи). Пекин, 1990.
61. Ванг Чжилай. Чжунъя шиган (Марказий Осиёнинг кисқача тарихи). Чанша, 1986.
62. Ванг Чжилай. Чжунъя тунгши (Марказий Осиёнинг умумий

тарихи). 2 жилддан иборат. Урумчи, 2007.

63. **Ванг Чжилай**, Динг Мабэн. Чжунгъя гуожи гуанши (Марказий Осиё халқаро муносабатлари). Чангшя, 1997.

64. **Ванг Чжунгхан**. Чжунгтуо минзу ши. (ХХР халқлари тарихи). Пекин, 1994.

65. Гудай Шинжянг шиши жи (Шинжянгнинг қадимги тарихида ўтган воеалар хотираси). Пекин, 1988.

66. **Дуан Лянцин**. Динглинг, гаочэ юй телэ (Динглинглар, канглилар ва телелар). Шангхай, 1988.

67. **Жянянг Йинглянг**. Чжунгтуо минзу ши (ХХР халқлари тарихи), 1-2 жилд, Пекин, 1990.

68. **Ли Мингвэй**. Суй Танг сично чжилу (Суй ва Танг давридаги ипак йўли). Ланчжоу, 1994.

69. **Лин Мэйцун**. Шиой вэнминг (Фарб мамлакатларининг маданияти). Пекин, 1995.

70. **Лин Мэйцун**. Хан Танг Шиой юй Чжунгтуо вэнминг (Хан ва Танг даврларидаги Фарбий Мамлакатлар ва Хитой маданияти). Пекин, 1998.

71. **Лю Йингшэнг**. Силу вэнхуа – цаоуюан жуан (Ипак йўли маданияти – ялов ўйлига оид жилд). Чжэянг, 1996.

72. **Люй Симян**. Чжунгтуо минзу ши (ХХР халқлари тарихи), Шангхай, 1987.

73. **Мацууда Хисао**. Гудай Тяншан лиши дили сюэ янжю (Қадимий Тангритогнинг тарихий жустрофиясига оид тадқикот). Пекин, 1989

74. **Мэн Фанрен**. Лоулан шинши (Круоннинг янги тарихи). Санхсаён. 1990.

75. Сима Чян юй шижи (Сима Чян ва Тарихий хотиралар). Пекин, 1957.

76. Сично чжилу гудай жюйминг чжунгзу ренлэй янжю (Буюк ипак йўлидаги қадимий аҳолилар ва халқларга оид антропологик тадқикотлар). Урумчи, 1995.

77. **Су Бэйхай**. Хасакэзу вэн хуа ши (Қозок халқи маданиятининг тарихи). 2-нашр. Пекин, 1996.

78. Хасакэзу жянши (Қозок халқининг кисқача тарихи). Урумчи, 1987.

79. Шиой каоца юй янжю. (Фарбий мамлакатларга оид изланишлар ва тадқикотлар). Урумчи, 1994.

80. Шиой тунгши (Фарбий мамлакатларнинг умумий тарихи). Чангшя, 1995.

81. **Шюй Шюйъя**. Тандай сично чжилу юй Чжунгъя лиши дили янжю (Қадимги ипак йўли ва Марказий Осиё тарихий географиясига доир тадқикотлар). Шиан, 2000.

82. **Чжанг Гуангда**. Шиой шиди цунгтао чубян (Фарбий мамлакатлар тарихий жустрофиясига оид тадқиқотнинг дастлабки баённомаси). Шангхай, 1995.

83. Чжанг Чингже. Бэйчао Суй Танг Сутэ ди «хутэнгъу» (Шимолий сүлолалар, Суй ва Танг [сүлолалари давридаги] «хуларнинг шўх ўйини») // Сутэрэн зайд Чжунгтую – лиши, каогу, юянди шинтансу (Сүгдийлар Хитойда – тарих, археология ва тилшуносликка доир янги тадқикотлар). Пекин, 2005. 391-398-б.
84. Чжао Шэңглянг, Чжанг Яимэй. Муо гаоку (Дунхуанг минг уйи). Пекин, 1995.
85. Чжунгтую дабайкэ чюаншу. Чжунгтую лиши (Хитойнинг катта энциклопедияси. Хитой тарихи). Пекин, 1997.
86. Чжунгтую шигао диту жи (Хитойнинг тарихий хариталари тўплами). 2 жилдан иборат. 1-ж., 4-нашр, Шангхай, 1996.
87. Чжунгтую Шинжяңгудай шэхуэй шэнгхуо ши (XXР Шинжяңгнинг қадимги жамияти ва хаёти тарихи). Урумчи, 1997.
88. Шаңг Юэ. Чунгтую лиши гангъяо (Хитой тарихидан қисқача баён). Пекин, 1954.
89. Юй Тайшан. Шилюй тунгши (Фарбий мамлакатларнинг умумий тарихи). Пекин, 1996.
90. Юй Тайшан. Гузу шинкао (Қадимги халқларга оид янги тадқикот).
91. Янг Жяншипин, Лу Вэй. Сичоу чжилу (Ипак йўли). Ланчжоу, 1988.
92. Янг Хуайчжуңг. Хўэйзу ши лунгао (Тунгонлар тарихига оид илмий мақолалар). Нинся, 1992.

## Хитой лугатлари

93. Ханзи гуйинг шоузэ (Хитой иероглифларининг қадими талаффузи кўлланмаси). Пекин, 1986.
94. Ханий дазидян (Хитой тили ва ёзувининг катта лугати). 8 жилдан иборат. Чэнгду, 1986-1990.
95. Цихай (Сўзлар денгизи). 6-чи нашр. Шангхай, 1985.
96. Циоан (Сўзларнинг келиб чикиши). 4 жилдан иборат. Шангхай, 1985.
97. Чжунгтую гужин диминг дацидян (Хитойнинг қадимдан хозиргача бўлган давр топонимлари лугати). Шангхай, 1930.
98. Чжунгтую гужин мингрен дацидян (Хитойнинг қадимдан хозиргача ўтган машҳур шахслари лугати). Пекин, 1991.
99. Чжунгтую лидай гуанчжи цидян. (Хитойнинг ўтмишдаги маъмурий лавозимлари лугати). Хэфей, 1991.
100. Чжунгтую лиши дацидян. Лиши шюэ (Хитойнинг катта тарихий лугати. Тарихнавислик). Шангхай, 1995.
101. Чжунгтую мингшэнг цидян. 5-чи нашр. Шангхай, 1987.
102. Чжунгтую ренминг дацидян (Хитой исмлари катта лугати). 2-чи нашр. Шангхай, 1984.

103. Чжунггуо сичноу чжилу цидян (Хитойча Буюк ипак йўли лугати). Урумчи, 1994.
104. Шинжянг лиши цидян (Шинжянг тарихи лугати). Урумчи, 1994.
105. Шиюй диминг каолу (Фарбий мамлакатлар топонимикасига оид тадқиқотлардан лавҳалар). Пекин, 2008.

*Уйғур тилида:*

106. Абдуқайимхұжа. Фарбий юрт ва қадими маданият. Урумчи, 1994.
107. Аблат Нурдун. Фарбий юртнинг тарихи ва маданийити түгрисида издиниш. Урумчи, 2001.
108. Айвар Бойтур, Хайринисо Сидик. Шинжонгдик миллатлар тарихи. Пекин, 1991.
109. Ванг Чжилай. Ўттра Осиё тарихи. 2 жилдан иборат. Урумчи, 2000. Хитойчадан таржима.
110. Ванг Чжилай, Динг Мабэн. Чжунгъя гуожи гуанши (Марказий Осиё халкарко муносабатлари). Чангла, 1997.
111. Лин Ган. Турк тарихи. Урумчи, 2002.
112. Лин Ган. Хунларнинг умумий тарихи. Урумчи, 2004.
113. Тургун Олмос. Хунларнинг кисқача тарихи. Қашқар, 1986.
114. Тургун Олмос. Уйғурлар. Урумчи, 1989.
115. Хуа Тао. Фарбий юрт тарихи ҳақида тадқиқот. Урумчи, 2002.

*Рус тилида:*

116. Анарбаев А.А. Еще раз о локализации столичных городов Ферганы (Даван / Дайюань) и некоторые спорные вопросы, связанные с ними // Археология Узбекистана. Самарканд, 2010, С. 65-71.
117. Анарбаев А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент// Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Ташкент, 2001. 14-15-б.;
118. Аскarov А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
119. Аскarov А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.
120. Берништам А.Н. Древняя Фергана. Ташкент, 1951.
121. Берништам А.Н. Очерки истории гуннов. Ленинград, 1951.
122. Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии. Москва, 1989.
123. Боровкова Л.А. Царство «Западного края». Москва, 2001.
124. Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории. Москва, 1988.
125. Гафуров Б.Г. Таджики. Изд. второе. В 2-х т. Душанбе. 1989.
126. Гинзбург В.В. Древнее население центрального Тянь-Шаня и Алая по антропологическим данным (I тысячелетие до н.э. – I

- тысячелетие н.э.) // Среднеазиатский этнографический сборник. Москва, 1954.
127. Гумилев Л.Н. Хунны. Средняя Азия в древние времена. Москва, 1960.
128. Гумилев Л.Н. Хунны в Китае. Санкт-Петербург, 1994.
129. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. Москва, 2008.
130. Зуев Ю.А. Ранние тюрки: Очерки истории и идеологии. Алматы, 2002.
131. История государственности Узбекистана. Т. 1. Ташкент, 2009.
132. История народов Узбекистана. Ташкент, 1950. Т. 1.
133. Караев С.К. Топонимия Узбекистана. Ташкент, 1991.
134. Мурзаев Э.М. География в названиях. Москва, 1982.
135. Материалы по истории сюнну. Москва, 1973.
136. Ошанин И.М. Китайско-русский словарь. Москва, 1952. 343-б.
137. Ошанин И.М. Большой китайско-русский словарь. В 4-х томах. Москва, 1984. Т. 3 С. 142-143.
138. Советский энциклопедический словарь. Москва, 1985.
139. Ходжаев А. Можно ли считать Эрши столицей древнего государства Фергана? // O'zbekiston tarixi. № 2. 2010. С. 63-73.
140. Ходжаев А. Сведения китайских источников о южных границах государства Кангкия (Канцзюй) // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. Ташкент, 2004. С. 67-75.
141. Ходжаев А. Сведения китайских источников о государстве Кангкия (Канцзюй) // Shygys Kazakhstan. № 2, 2005. С. 96-108.
142. Ходжаев А. Древнейшая китайская иероглифическая транскрипция этнонима тюрк // Shygys Kazakhstan. № 1, 2008. С. 7-26.
143. Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Ташкент, 2010. С. 19-31.
144. Ходжаев А. К этимологии топонима Дайоань (Давань) в китайских источниках // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотлардаги (История Ферганы в новых исследованиях). Фергана, 2009. С.135-140.
145. Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // O'zbekiston tarixi (История Узбекистана). 2005. № 1. С. 3-18.
146. Ходжаев А. О самой ранней китайской транскрипции этнонима тюрк // Актуальные проблемы китаеведения: вопросы филологии, политики, экономики и философии. Ташкент, 2006. С.12-17.
147. Ходжаев А. Сведения китайских источников о «юзчжи» // «Ўзбек халқининг келиб чикиши: илмий-методологик ёндашувлар, этноге-

нетик ва этник тарих» мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. Ташкент, 2004. С. 13-16.

148. **Ходжаев А.** Сведения о Ташкенте в китайских источниках древнего периода // O'zbekiston tarixi. № 3. 2009. С. 52-66.

149. **Ходжаев А.** Сведения о Ташкенте в китайских источниках периода средневековья // Ўзбекистон тарихи, 2009, № 4. С. 38-50.

150. **Ходжаев А. Ходжаев К.А.** Сведения китайских источников о топониме Кангкия (Кангцзюй) // Труды международной научно-практической конференции «Проблемы науки, образования и устойчивого социально-экономического развития общества в начале XXI века». Чимкент. 2003. С. 135-140.

151. **Ходжаев А.** Новый взгляд к проблеме локализации территории государства Рузие (Юэчжи) // Лунвэн тиганг (Тезисы научных докладов). Шинжянг тулуфаншюз янжю юан (Синьцзянский институт турфеноведения), 19-21 октябрь 2008 г. С. 28-330.

152. **Ходжаев А.** Сведения китайских источников о царстве Яйпан // Ўзбекистон эгнологиясининг долгзарб муаммолари. Тошкент-Наманган, 2007. 59-63-б.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

### 1-ҚИСМ: ТАРЖИМАЛАР

#### 1. Сулолалар тарихидаги қадимий Фарғонага оид маълумотлар

Шижи (Тарихий хотиралар).....	20
Ханшу (Хан [сулоласи] тарихи).....	70
Хоу Ханшу (Кейинги Хан [сулоласи] тарихи).....	74
Жиншу (Жин [сулоласи] тарихи).....	76
Вэйшу (Вэй [сулоласи] тарихи).....	78
Суйшу (Суй [сулоласи] тарихи) .....	79
Бэйши (Шимолий [сулолалар] тарихи).....	81
Шин Тангшу (Танг сулоласининг янги тарихи) .....	82

#### 2. VIII-XII асрларда ёзилган тарихий асарлардаги маълумотлар

Тунгдян (Қонун-коидалар ва урф-одатлар баёни).....	87
Тайпинг хуанюй жи (Тинчлик ўрнатилган замин баёни).....	93
Тунгжян жиши бэнмуо (Мухим тарихий воқеалар баёни) .....	97

#### 3. Қадимий Хитой сайёхларининг маълумотлари

Датанг Шиой жи (Буюк Танг [давридаги] гарбий мамлакатлар хотираси) .....	118
Вангъу Тянчжу-гуо чжуан (Хиндистондаги 5та давлатга килинган сафар хақида баён ).....	120
Ду Хуан жингшинг жи (Ду Хуанинг борган жойлари хотираси)....	122

### 2-ҚИСМ: ШАРҲЛАР

#### Фарғонага оид маълумотларда учрайдиган айрим топоним ва этнонимлар хақида

«Дайюан» («Даван») топонимининг келиб чиқиши ва маъноси.....	124
Қадимий Фарғона давлатининг маркази – Юан-чэнг (Паркона шаҳри) .....	131
Эрши шаҳри қаерга тўғри келади?.....	140
Йавтсэнг-чэнг (Юйчэнг-чэнг) – Ўзган шаҳри.....	143
Кангкия (Кангжюй) давлати .....	144
Канг-гуо – Самарканд давлати .....	150
«Шиой» топонимининг келиб чиқиши ва маъноси.....	164

«Чилян-шан ва Дунхуанг атрофи» қаерда жойлашган.....	166
Рузие (юэчжи) атамасининг келиб чикиши.....	181
Сэк ва сэкчжунг – саклар.....	192
Кунна (шонгну) этнонимининг келиб чикиши.....	209
Асуэн (усун) – уйсунлар.....	233
Хитой манбаларидаги «ху» этноними.....	237
Йивапуан (юэпан) – яйпан.....	251
Йеда (яда, ида) – эфталитлар.....	265
Фойдаланилган адабиётлар.....	278

Илмий нашр

## Аблат ХҮЖАЕВ

### ФАРГОНА ТАРИХИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

(Қадимий ва илк ўрта аср хитой  
манбаларидан таржималар  
ва уларга шархлар)

Муҳаррирлар: Г.С.Джумаева, А.Содиков  
Тех. муҳаррир: Н.Хошимов  
Дизайнер: О.Фозилова

Нашриёт лицензияси: А.И.№ 162. 2009 йил 14 август.  
Босишига рухсат этилди: 04.11.2013 йил. Босма тобоги 18,00.  
Қоғоз бичими 60x84<sub>1/16</sub>. Times New Roman гарнитураси.  
Офсет усули. Адади: 1000 нусха.  
Баҳоси шартнома асосида.  
Буюртма № 276.

«Фаргона» нашриёти.  
150100. Фаргона шаҳри, Соҳибқирон Темур кӯчаси, 28-үй.


«КО'HI-NUR» МЧЖ босмахонаси.  
100097. Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳжӯчаси, 44-үй.







Аблат (Абдулаҳад) Ҳўжаев  
1942 йил 27 октябрда  
туғилган. 1990 йилда  
тариҳ фанлари доктори  
илмий даражасига эга  
бўлган. Тарихчи ва  
хитойшунос олим,  
9 монография ҳамда  
230 дан зиёд илмий  
мақолалар муаллифи.  
А.Ҳўжаев Марказий  
Осиё ва Хитой  
муносабаталари тарихи,  
Буюк ипак йўли тарихи,  
Марказий Осиё халқларининг  
этник келиб чиқиши,  
қадимги Хитой манба-  
ларини ўзбек тилига  
таржима қилиш каби  
йўналишларида илмий  
тадқиқот олиб боради.



## Аблат ҲЎЖАЕВ

ISBN 978-9943-349-94-0

A standard linear barcode representing the ISBN 978-9943-349-94-0. Below the barcode, the numbers 9 789943 349940 are printed vertically.